



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAHSUS
TA'LIM VAZIRLIGI



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAHSUS TA'LIM VAZIRLIGI
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЖАҲОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

МАВЗУСИДАГИ RESPUBLIKA MIQËСИДАГИ ОНЛАЙН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

МАТЕРИАЛЛАРИ



БУХОРО-2020

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЖАҲОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

**ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*мавзусидаги Республика миқёсидаги онлайн
илмий-амалий анжуман*

МАТЕРИАЛАРИ

БУХОРО – 2020

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Илмий – амалий анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2020 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги № 56-ф сонли фармойиши асосида Бухоро давлат университетида 2020 йилнинг 24 сентябрь куни “Жаҳон тарихининг долзарб муаммолари” мавзусида Республика миқёсида онлайн илмий-амалий анжумани белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўтказилди.

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Ҳайитов Ш.А. – БухДУ профессори, тарих фанлари доктори

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бухоро давлат университети ректори,
иқтисод фанлари доктори , профессор **О.Х.Ҳамидов**

Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, иқтисод
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент **О.С.Қаҳҳоров**

Тарих ва маданий мерос факультети декани в.в.б. **Ж.Р.Жўраев**

Жаҳон тарихи кафедраси мудири, тарих
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент **О.Р.Рашидов**

Жаҳон тарихи кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди **К.Ж.Рахмонов**

Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) **Д.М.Жамолова**

Тўплаб нашрга тайёрловчилар:

*Рашидов О.Р. – Жаҳон тарихи кафедраси мудири, т.ф.ф.д., (PhD), доц.
Жамолова Д.М. – Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси, т.ф.ф.д., (PhD)
Ҳайитов Ж.Ш. – Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси, т.ф.ф.д., (PhD)*

**Илмий-амалий анжуман материалларида чоп этилаётган
мақола ва тезислардаги матн, манба ва адабиётлар учун
муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар**

Сўз боши

Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб бораётган ҳозирги даврда жаҳон тарихига муносабат ҳам долзарблик касб этмоқда. Тарихий тафаккур ва хотирани бойитишда, илмий тушунчаларни эгаллашда дунё мамлакатларида ўтмишда ва бугунги кунда кечаётган иқтисодий, сиёсий, маданий, илмий-техникавий жараёнлардан хабардор бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, дунё кўп қутбли бўлган ва глобал муаммоларга қарши курашда ҳозирги даврда тинчлик ва халқаро ҳамжиҳатликнинг роли ошиб бораётганлиги ўз-ўзидан аён. Бугунги кун тарихий тадқиқотларида ва Ўзбекистон таълим тизимида “Жаҳон тарихи” фанини ҳозирги глобаллашув даврида чуқур ва мукамал ўргатиш ҳам алоҳида долзарблик касб этмоқда.

2020 йил 23 сентбрь куни муҳтарам президентимиз Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида юқори даражадаги умумсиёсий мунозараларда иштирок этдилар. Президентимиз юқори минбардан туриб, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари ўтказишни йўлга қўйиш, БМТнинг “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюциясини қабул қилиш, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича конвенциясини ишлаб чиқиш, Оролбўйи муаммосига эътиборни ошириш ва Афғонистон муаммосини ҳал этиш каби масалаларни кун тартибига қўйдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган қарор, фармойишлар тарихни ўрганиш давлат сиёсати даражасидаги долзарб вазифа қилиб қўйилганлиги, тарихий босқичларни янгича тафаккур асосида миллий истиқлол мафкураси талабларидан келиб чиқиб таҳлил қилиш, миллий меросимиз ва тарихимизни маънавий инсон тарбияси қуролига айлантириш вазифаларнинг кўлами кенгаймоқда. Жумладан, Жаҳон тарихининг турли даврларида ҳар бир минтақанинг жамият иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётига қўшган ҳиссасини асл манбалар орқали очиб бериш ҳам муҳим бўлиб келаяпти.

Жаҳон тарихи кафедрасида “Жаҳон тарихининг долзарб муаммолари” мавзусидаги республика илмий-назарий анжумани ўтказилмоқда. Бугунги илмий анжуман дастурига киритилган

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

маърузаларда нафақат жаҳон тарихи, қолаверса, Бухоро тарихининг дунё мамлакатлари тарихида тугган мавқеи ҳақида ҳам фикрлар билдирилади.

Узоқ асрлик тарихга эга бўлган, жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган Бухоро ўзининг бетакрор тарихи ва маданияти билан тарихий тадқиқотлар тизимида алоҳида ўрин тутди, шунингдек, ўзбек давлатчилиги тарихида ҳам Бухоро ўтмишда бир қатор миллий давлат уюшмаларининг маркази сифатида дунё тамаддудида юксак мавқе ва ўринга эга бўлган. Бухоронинг хориж билан алоқалари тарихини моддий ва ёзма манбалар асосида ўрганиш масалалари ҳамон тўла тадқиқ қилинган эмас. Шу сабабли бу йўналишда илмий вазифалар кўлами кенг қамровли ва долзарб ҳисобланади. Бухоро тарихини яхлит ва тизимли ўрганиш, унинг очилмаган тарихий саҳифаларини мукамал ва атрофлича тадқиқ қилиш мақсадлари ҳам ушбу илмий анжуман доирасида янги тафаккур асосида таҳлил қилинади.

Анжуман ишига муваффақият тилаган ҳолда, унда истиқболда жаҳон тарихини ўрганишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилишини муҳим деб ҳисоблайман.

Хамидов Обиджон Ҳафизович
Бухоро давлат университети ректори,
Иқтисод фанлари доктори, профессор

**Тарихчи ва этнограф олим, ғайратчан ва шиддаткор
инсон (Тарих фанлари номзоди, доцент А.Ш. Жумаев
қутлуғ 70 ёшда)**

Ҳайитов Ш.А.

Жаҳон тарихи кафедраси профессори, т.ф.д.

Ватанимиз тараққиёти ва илм фанига беқиёс ҳисса қўшган, халқ хўжалигининг турли-туман жабҳаларига олий маълумотли мутахассис кадрлар етказиб берган Бухор давлат университети профессор-ўқитувчилар жамоасида ўзининг ҳалол, камтарин меҳнати билан юксак ҳурмат қозониб, шогирдлар ардоғида юрган устозлар бисёр. Шундай инсонлардан бири зукко тарихчи олим, ёшларнинг ибратли мураббийси Аҳмад Шодиевич Жумаев муборак 70 ёшни қаршиладилар.

Аҳмад Жумаев 1950 йилнинг 18 сентябрида Бухоро вилояти Жондор туманида таваллуд топди. Ўрта умумтаълим мактабини ижобий баҳоларда битириб, 1968 йилда Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги БухДУ)га ўқишга кирди. 1973 йил тарих – география ўқитувчиси мутахассислик дипломини олиб, дастлаб педагогик фаолиятни 1977 йилга қадар Жондор тумани 37-мактабда тарих фани ўқитувчиси сифатида бошлади.

Талабалик давридаёқ А.Жумаев ўзининг илмий тадқиқотлар олиб боришга иқтидорлиги, қатъиятлиги, намунали хулқи ва одоби билан устозлар эътиборини қозонганди. Шунинг учун 1977 йилда институтнинг “Умумий тарих” кафедрасига ўқитувчи лавозимига ишга тақлиф қилинган. А.Жумаевнинг педагогик ва илмий фаолияти мазкур кафедра ва университет билан чамбарчас боғлиқдир.

А.Ш. Жумаев университетда моҳир педагог ва мураббий бўлиб етишишида марҳум устозлар доцент Н.Й. Йўлдошев, профессор Ф.Ҳ. Қосимовлар билан баҳамжиҳат фаолият юритди. Ушбу олимлардан сўнг 1992-2009 йиллар давомида кафедра мудири, 2003-2005 йилларда тарих-география (ҳозирги тарих ва маданий мерос) факултети декани каби масъул вазифаларда ҳалол ва виждонан ишлади.

А.Жумаев университетнинг “Тарих” ихтисослиги талабаларига “Қадимги дунё тарихи”, “Этнография асослари”, “Археология

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

асослари” фанларидан, шунингдек, “Бухоро археологияси”, “Бухоро топонимикаси”, “Атамашунослик” каби танлов фанларидан замонавий педагогик технологиялар асосида илмий мушоҳадага бой сабоқ ва маърузалар ўқиди.

А.Жумаевнинг илмий изланишлар ва тадқиқотлар йўлидаги сермашаққат ҳамда сермахсул фаолияти ҳам таҳсинга сазовордир. Бўлажак элшунос олимнинг 1985-1987 йилларда Москвада Россия ФА Н.Н Миклухо-Маклай номи этнография илмий тадқиқот институтидаги тадқиқотчилик даври бесамар кетмади. Устоз А.Жумаевнинг оилавий ҳаёт йўли ҳам ибратлидир. У бахтли ва саодатли оила сардоридир, турмуш ўртоқлари билан беш нафар фарзандни тарбиялаб, ақлли, одобли, илмли, жамиятимизга тук ва муносиб кишилар қилиб улғайтирдилар. Бугунги кунда олимнинг фарзандларидан Нилуфар Жумаева Бухоро тарихи кафедрасида, Акмал Жумаевлар Чет тиллар кафедрасида университетимиз талабаларига сабоқ бермоқдалар.

Ўзликни англаш, ўзликни қадрлаш ва асрашдан бошланади. Ўзликнинг англашнинг буюк туйғуси тарихий хотира деб аталувчи қимматли маъданлар хазинасидан озиқланади. Инсон умри ўтмиш ва келажак орасидаги масофа бўлса, бугун эса ўтмиш ва келажак туташган нуқтадир.

Инсон унинг кундалик турмуши, урф-одати миллий анъаналар, уларнинг ҳаёти, бугун, ўтмиш ва келажак каби учта ҳалқани боғловчи омиллар ҳақида тадқиқотлар олиб бориш, илм ва таълимни бирдек эъзозлаш тарих фанлари номзоди, доцент Аҳмад Шодиевич Жумаев фаолиятининг мазмунини ташкил этади.

А.Ш. Жумаев қадрдон олий даргоҳда иш бошлар экан, “Тарихни ўрганишни ўз ўлкасини билишдан бошланади”-деган тамойилга амал қилиб, илмий изланиш мавзусини Бухоро воҳаси этнографияси масаласидан танлади. 1977-1991 йилларда номзодлик диссертациясини ёзиш учун бўлажак олим Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларида болалар туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ урф-одат ва маросимларни синчковлик билан ўрганди. Жаҳон ва Ўзбекистон этнографиясига оид юзлаб адабиётлар, шунингдек, болалар фольклорига тегишли бўлган тадқиқотларни ўқиб ўрганиш асосида асосли илмий хулосаларга келинди. олим бўлишдек шарафли мавқега

эришиш учун Бухоро воҳасидаги Свердлов (ҳозирги Жондор), Ромитан Пешкў, Қизилтепа, Бухоро туманида юзлаб кекса авлод вакиллари билан қилинган мулоқот-суҳбатлар, тўпланган материалларни архив ҳужжатлари ва илмий адабиётлар билан чоғиштириш кабилар кишидан қанчалик ирода, чидам, қатъият талаб қилиши исбот талаб эмас. Ҳар бир ишининг пишиқ, охиригача нуқсонсиз бажаришга ўрганган, ўзига ва ўзгаларга нисбатан қатъий талабча устоз салкам 15 йиллик чекилган заҳматдан сўнг, “Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларида болалар туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ одат ва маросимлар (XIX аср охири – XX аср бошлари)”¹ мавзусидаги номзодлик диссертациясини мувоффақиятли ҳимоя қилди. Ушбу диссертация Ўзбекистон фанлар академияси Тарих институтида таниқли этнограф олим, академик К.Шониёзов илмий раҳбарлигида, қадимшунос олим, академик А.Р. Муҳаммаджонов оппонентлигида 1991 йилнинг 17 декабрида ҳимоя қилинганди. А.Ш. Жумаев ўз тадқиқотларида Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларида фарзанд кўриш, уни тарбиялашдаги асрий анъаналар, сеҳргарлик ва магия билан боғлиқ одатлар, оиладаги ота-оналик масъулияти, бола тарбиясидаги урф-одатлар тизимини миллий жиҳатдан таҳлил қилишга қаратилган дадил фикр-мулоҳазалари билан Ихтисослашган кенгаш аъзоларини ҳайратда қолдирди. Чақалоқ тарбияси она ҳомиладорлиги пайтида бошланиб, у дунёга келгандан сўнг, гўдак вужудига она сути билан биргаликда ор-номус, ғурур, меҳр-оқибат тушунчалари мажмуидан иборат ўзлик деган яхлит туйғулар жой олишини тарихий-фалсафий мушоҳада чиғириғидан ўтказиш ғояси олим илмий изланишлари моҳият-мазмунни ташкил этади.

А.Ш. Жумаев ўғил ва қиз фарзанднинг оиладаги ўрни, фарзанд дунёга келганда унга ном қўйиш, “уч кеча”, “беш кеча”, “етти кеча”, “тўққиз кеча” маросимлари, уларда адо этиладиган удумлар, тайёрланадиган таомлар, бола ҳаётида вояга етишда бешикнинг аҳамиятини болалик даврининг босқичлари ҳамда фарзандсизликка қарши кураш чоралари ҳақида халқчил тил, илмий мушоҳада билан атрофлича мулоҳаза юритган. Ота-онанинг маънавий бойлиги ҳисобланган фарзанд ҳар қандай нуқсонсиз, соғлом вояга етиши учун

¹ Жумаев А.Ш. Обычаи и обряды узбеков и таджиков Бухарского оазиса, связанные с рождением и воспитанием детей (конец XIX - начало XX вв) Авт. Дисс.... На соиск учен. Степ. Канд. Ист. Наук. – Ташкент 1991. – 23 стр.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

ота-она олдидаги масъулият ва вазифалар шу қадар олим тадқиқотларида энг кичик деталаригача баён этилганки, бу маслаҳатлар ҳозирги ёки келин-куёвлар учун бир дарсхона бўлишига арзигуликдир. Устоз илм-фан соҳасидаги хизматлари учун 1994 йилда ЎзР ОАКдан умумий тарих фанлари бўйича доцент илмий унвонига эга бўлди. Устоз олийгоҳда фаолият юритган даврда олиб борган илмий изланишлари кенг қамровли ва бир пайтнинг жуда долзарб йўналишларга қаратилганига гувоҳ бўламиз.

Бизнингча А.Ш. Жумаев томонидан эълон қилинган илмий, илмий-оммабоп ишларни, ўқув-қўлланма ва методик тавсифдаги китоб ҳамда мақолаларни, рисоаларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Бухоро воҳаси этнографиясига оид тадқиқотлар. Бу қаторга кирувчи китоб ва мақолалар марказий ўринда туради.

2. Бухоро воҳасидаги жой номлари билан боғлиқ изланишлар

3. Жаҳон ва Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари

4. Республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманлардаги маърузалар

Биринчи гуруҳ тадқиқотларда устоз илмий фаолиятининг асосий қисмини ташкил этиб, уларда Бухоро воҳасида бола туғилиши ва маросимлар воҳа ўзбек ва тожикларида суннат тўйи, болалик даври урф-одатлари, ўзбекона қадриятлар, ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи, халқчил удумлар каби кўпдан-кўп масалалар асосий тадқиқот объекти сифатида қаралган².

Иккинчи гуруҳга кирувчи ишларида олим Бухоро ва Зарафшон воҳасида вужудга келишига қараб бир-биридан фарқ қилувчи жой номлари ҳақида қимматли маълумотлар берган. Жумладан, этнотопонимлар-халв, уруғ-аймоқ номлари билан, антротопонимлар-кишилар исмлари билан юритиладиган жой номлари, агронимлар-дала, экинзор, шудгор, гидронимлар-сув манбалари билан, дрионимлар-ўрмон, дарахтзор, чангалзор билан, зоонимлар-ҳайвонлар номи билан, патронимия-аждодлар номи билан, фитонимлар-ўсимликлар номи билан боғлиқ жой номлари ҳақида

² Жумаев А.Ш. Балогардон// Фан ва турмуш. 1988. № 4. – Б. 12-13. Шу муаллиф. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларида боланинг туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар. – Тошкент, 1991. Шу муаллиф. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларининг анъанавий урф-одат маросимлари (Рисола). – Бухоро, 1992. Бухоро этнографиясидан лавҳалар (доц. М.Б. Қурбонова билан ҳаммуаллифликда). – Бухоро 2006. 52 б. ва ҳоказо.

берилган маълумотлар, изоҳ ва таҳлиллар тарихчи мутахассисларга ҳамда юртимиз фарзандларига бой маълумотлар беради³. Бундан ташқари олимнинг “Жондор туманидаги айрим жой номлари”, “Этимологик луғат”, “Атамалар изоҳли луғати” каби ишлари қўлёзма ҳолатида қолиб нашр юзини кўрмади. Уларни тўплаб нашр қилиш олимнинг шогирдлари ва фарзандлари зиммасидадир, деб ҳисоблаймиз.

А.Ш. Жумаев илмий изланишларида Жаҳон тарихи ва Ўзбекистон тарихининг ҳамон мунозарали бўлаётган масалаларига бағишланган ишлар ҳам салмоқли ўрин тутди. Бу ўринда “тарих отаси” Геродот илмий меросига бағишланган рисоласи⁴, халқ қаҳрамони Тўмарис ватани билан боғлиқ тадқиқотлари⁵, совет тузуми тарихининг “оқ доғлари”ни тўлдирувчи мақолалари⁶, Бухоролик алломалар Аҳмад Дониш, Абу Али Ибн Сино, жаҳид мунавварлари ҳақидаги изланишлари⁷, Бухоро археологиясига оид ва бошқа китобларини киритиш мумкин.

А.Ш. Жумаев узоқ йиллар университет талабаларига танлов фани сифатида “Бухоро археологияси”, “Ўрта Осиё археологияси”, “Бухоро этнографиси” фанларидан сабоқ берди. Шунингдек, “Қадимги дунё тарихи” фанидан дарслар бериш асносида рисола ва қўлланмалар яратди⁸. Домла археологик изланишларга бевосита иштирок этар, талабаларни археологик ва этнографик амалиётларга олиб чиқар, ҳар бир моддий маданият намунаси (сопол, тош

³ Жумаев А.Ш. Ўлкамиздаги жой номлари. – Бухоро 1998. – 94 б. шу муаллиф. Қуйи Зарафшондаги жой номлари тарихидан. – Бухоро 2006. – 60 б. Жумаев А.Ш., Орзиев М.З. Тарихий атамашунослик (услубий қўлланма). – Бухоро 2008. 47 б. ва ҳоказо.

⁴ Жумаев А.Ш. Жаҳоннинг биринчи тарихчиси. – Бухоро, 2006. – 45 б.

⁵ Жумаев А.Ш. Тўмарис ватани ноаниқми//БухДУ илмий ахбороти. – 2001. -№ 1. – Б. 41-47. Шу муаллиф. Тўмарис ватани қаер? //Тафаккур; 2005. № 5. – Б. 68-72.

⁶ Жумаев А.Ш. ва бошқ. Шўро тузуми даврида дискриминация сиёсати/Қарши шаҳридаги илмий анжуман материаллари. Қарши-2001. – Б. 42-44. Жумаев А.Ш. ва бошқ. Советлар ҳийласи ёхуд Қобул қандай ишғол этилган эди. /Тарихий хотира-маънавият асоси. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Бухоро. 2008. – Б. 103-107.

⁷ Жумаев А.Ш. Аҳмад Дониш асарларида сув таъминоти//Республика амалий анжумани материаллари. – Бухоро 2007. – Б. 129-132., шу муаллиф. Ибн Сино ва Европа ренессанси//БухДУ илмий ахбороти. 2007. № 3. – Б. 35., шу муаллиф. Жаҳидларнинг сиёсий ҳаёт ва сиёсат борасидаги қарашлари//Тарихий хотира-маънавият асоси тўплами, - Бухоро-2008. – Б. 57-58. Ва ҳоказо.

⁸ Жумаев А.Ш. Бухоро археологияси (ўқув-услубий қўлланма). – Бухоро 2006. Шу муаллиф. Бухоро археологияси-туризм манбаи/ТЕМПУС илмий анжумани материаллари. – Бухоро-2000. – Б. 118-120. Шу муаллиф. Этнография амалиёти (услубий қўлланма). – Бухоро 2006. ва ҳоказо

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

парчалари, мис, темир, бронза буюмларнинг қолдиқлари) ҳақида ўз шогирдларига эринмай, соатлаб гапириб берарди. Илмий-амалий тушунчалар талабаларда ҳосил бўлишда устознинг куйиб-пишишлари бугунги педагоглар учун ибрат бўларлидир. Устоз шогирд талабалар кўмагида факультетда Археология музейини ташкил этганди. Ушбу музейда Миср фиръавнлари ҳайкаллари, тангалар ва сопол кўзаларгача, сўзаналардан каштачилик намуналаригача мавжуд эди. Ушбу музей гўёки амалий дарсхона эди.

А.Ш. Жумаев Республика ва ҳалқаро миқёсдаги анжуманларнинг фаол иштирокчиси сифатида ўнлаб илмий, илмий-оммабоп мақолалар ёзди, ялпи мажлисларда ўзининг равон, таъсирчан, таъкидлаш ва уқтириш услубига асосланган оташин нутқлари билан тингловчилар олқишини қозонди⁹.

Хуллас, олимнинг маънавият ва тарих илми хазинасига қўшган ҳиссаси унинг мақола ва китобларида жиддий тадқиқотларда, ўқув, ўқув-услубий қўлланмаларида, илмий анжуманлардан жой олган тезис ва нутқларда жамланган бўлиб, бугунги ўқув жараёни такомиллига ҳам хизмат қилмоқда. Ушбу имкониятдан фойдаланиб устоз А.Ш. Жумаевнинг инсоний хислатлари ҳақида ҳам фикр юритмоқчимиз.

Устозга бағишлов мақоламизнинг иккинчи қисмида А.Ш. Жумаевнинг инсоний хислатлари ҳақида фикр билдиришни лозим топдик. Табиатнинг олий неъматини инсон. Аллоҳ инсонга ақл-заковат ва тафаккур ато этиб, эзгу ишлар қилиш, эзгу истак ҳамда орзулар билан яшашдек бахтни ато этган. Шахснинг улуғланиши, унинг имон ва виждонлилик даражасига боғлиқ. Имон ва виждон эса ахлоқ ва маърифат маҳсулидир.

Қалбда илоҳий нурни жо айлаб, ҳаёт ва илм дарсхонасидан мисқоллаб жавоҳирларни териб ёшларда маърифат ва инсонийликка меҳр-муҳаббат уйғотган устоз Аҳмад Шодиевич Жумаев қутлуғ 70 ёшлик довондан мураббийлиги, устозу-шогирдларга, фарзанд-дилбандларига чексиз меҳр-муҳаббати, қатъий сўзлиги, шиддаткорлиги, инсон қалбини ўқий олиши, ёшлиқдаги

⁹ Жумаев А.Ш. XIX асрнинг охири-XX аср бошларида Бухоро воҳасининг аҳолиси ва этник таркиби/Тарих фанининг долзарб муаммолари. – Тошкент. 1994. – Б. 35-39. Шу муаллиф. Ўзбек халқининг этник таркиби ва этногенези. Темурийларнинг роли./Республика миқёсдаги илмий анжуман материаллари. – Бухоро 2005. – Б. 78-80. ва ҳоказо.

ғайратчанлиги билан мардона сакраб ўтди. Айтишадик, мардлар олишмайди, силтаб отади. Шунда майдонда ҳам иш кўрсатиб кетади.

Халқимизда кекса авлодни устоз тутиб эъзозласанг, кейинги авлод ҳам сени устоз сифатида эъзозлайди деган нақл бор. Ушбу доно халқимиз ўғитидан келиб чиқиб, устоз А.Ш. Жумаевнинг ибратли илм ва ҳаёт йўллари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларимни ўртоқлашмоқчиман. Ушбу фикрларни ўқийдиган шахсларга ўз фикримни аввалбошданок баён этсам, мен устознинг қандай оилада таваллуд топгани ёхуд автобиографияси ҳақида баёнлилик анъанасидан чекинган ҳолда ундаги тарих ва этнография илмидаги хизматлари, Бухоро давлат университетида (Бухоро давлат педагогика институтида) таълим-тарбия такомиллашувига қўшган ҳиссаси, инсонийлик ақоиди, ўз идеаллари ва принципларида собит қола олиши, ҳаётий синовларга бардош беришдаги журъат ва жасорати, дўсту-биродарларига меҳр-муҳаббати ҳақида айрим лавҳалар баёнини келтирмоқчиман.

Бухоройи шарифнинг тўнғич олий ўқув юртига ўқишга кириш устоз учун осон кечмаган. Совет ҳокимияти йилларида олий даргоҳга талаба бўлиш учун Аҳмад Шодиевич отаси Шоди бобо билан Жондор туманининг Варахша чўл массивида икки йил алтай ҳайдаб қўлини мойларга тикиб ишлади. Талабалик йилларида кўп адолатсизлик, нописандлик, меҳрсизлик, ўрни келганда камситишларни бошдан кечирди. Шу туфайли бўлса керак устозда мансабдор пулдорларнинг камситилишидан оддий инсонлар фарзандларини қатъий ҳимоя қилиш, адолат ва ҳақиқат учун кураш, ўз қарашларида охиригача туриб бера олиш каби жиҳатлар йиллар давомида қатъийлашди. “Ҳақиқат ва пул асло чиқиша олмайди, шу боис даҳоларда пул бўлмайди. Қашшоқлик ва мискинликнинг энг тубан кўриниши молу-давлат бўлиб, соғлик ва ҳаловатнинг йўқлигидир”-ақидасига амал қилган устоз юрагида ваҳима, қўрқув, таҳлика йўқ эди.

1979-1980 ўқув йилида Бухоро давлат педагогика институти Тарих-география факультетига ўқишга қабул қилинганман. Биз талабалик остонасидан ҳатлаб ўтган даврдан, яъни 1977 йилда Тарих (ҳозирги Жаҳон тарихи) кафедрасига ўқитувчи бўлиб келган А.Ш. Жумаев “Қадимги дунё тарихи” фанидан маъруза ва амалий машғулотлар ўтардилар. “Қадимги дунё тарихи” фани жаҳон тарихининг фундаментал фанларидан бири бўлиб, устоз Ибтидоий

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

жамият тарихи, Қадимги Шарқ тарихи, Қадимги Юнонистон ва Рим тарихи қисмларини ўқув йили давомида ўқитарди. Маърузани илмий жиҳатдан қўшимча материаллар билан бойитиш, семинар машғулотларини мунозарали ва қизиқарли ўтказиш учун домла янгидан-янги усул ва воситаларни қўлларди. Ҳозирги рейтинг тизимида талабалар билимини баҳолашнинг усуллари қўлланилганлиги мени ҳамон ҳайратда қолдиради. Машғулотларда талабалар мисқоллаб (0,1; 0,2; 0,3 ва ҳоказо) балл тўплашарди. Ҳар бир қайтарилган жавоб ҳам баллсиз қолмасди. Танқидий-таҳлилий асосда умумлаштирилган машғулотлар кескин мунозарага айланиб кетар, айрим пайтларда курсдош талабалар ўртасида илм олиш пойгасида зиддиятлар ҳам пайдо бўларди. Биз имкон қадар ҳар бир семинар саволига қўшимча маълумотлар олиш учун Бухоро вилояти марказидаги Абу Али Ибн Сино кутубхонасидаги ўқув залида кеч соат 22:00 гача (ушбу қироатхона ёпилгунча) қолиб кетардик. Ҳалол ва виждонан ўқиган, одоб-ахлоқи намунали бўлган, маъруза ва семинар машғулотлари билан боғлиқ конспектлари жойида бўлган талабаларга устоз “рағбатлантириш” ўрнида “аъло” баҳо қўйиб берардилар. Атайин менга ўхшаган меҳрлари тушган талабаларни имтиҳонда аудиторияда сақлаб қолиб, ўзига бино қўйган “бойвачча” йигитлар саволга жавоб беролмаса биздан сўрардилар. Бу билан “талабалар бир-бирига мураббийдир” деган ақидага амал қилишга йиллар давомида амин бўлдим. Биз олийгоҳда таҳсил олган йилларда, кейинчалик устоз билан бирга бақамти бўлиб, “кафедра юкини тортган” даврларда талабалар 3 ойгача пахта йиғим-теримига жалб қилинарди. Алоҳида гуруҳларни бошқаришга ёхуд пахта штабига раҳбарлик қилиш кабилар тўғри келганда А.Ш. Жумаев талабалар соғлиғини муҳофаза қилиш, уларнинг ўз вақтида овқатланиб ухлашлари, ҳар қандай зўравонликка (“дедовшина”)ларга йўл қўймаслик учун кечаю-кундуз хушёрлик билан назоратда бўлардилар. Агар пахта даласи ёхуд пахта штабида бирор талаба касал бўлиб қолса, домланинг ўз фарзандлари хасталангандек елиб-югуришлари, тез ёрдам ва шифокорларни оёққа турғизишлари, портфелларидан турли дори-дармонлар топиб келишлари каби жиҳатлари бўртиб кетарди.

Устоз француз маърифатпарвари Вольтер “Инсонни севмайдиган одам адолатли бўлолмади”-деган улуғ фикри қолипидеги шахсдир. А.Ш. Жумаев “Умумий тарих” (ҳозирги “Жаҳон

тарихи”) кафедрасини 12 йилдан ортиқ омилкорлик билан бошқарди. Тарих-география факультетида декан лавозимига қисқа вақт бўлсада фаолият юритар экан ҳалол ва виждонан ўз масъул вазифасини бажарди. Домла деканлик қилган вақтларда соғлигидан менга бир неча бор шикоят қилганлиги, лавозимидан бўшаш ҳақида ариза ёзганлигини маслаҳат қилганди. Бухоро давлат университети ректори, академик К.М. Муқимов (1992-2003 йилларда ректорлик қилган) устозни ўз лавозимида ишни давом эттиришига бир неча бор даъват этган. Шунга қарамай А.Жумаев ўз фикрида қатъий турди ва ректор ушбу закий ва адолатли инсонни ойлик маошининг 3 баробари миқдоридаги мукофот билан тақдирлаб, эгаллаб турган лавозимидан озод этди. Яна бир далил университетнинг биринчи ректори Ф.Ҳ. Қосимов (1941-2006) “Жаҳон тарихи ва тарихшунослик” кафедраси мудирини лавозимида 2000 йилларда фаолият кўрсатар эдилар. Устоз А.Ш. Жумаев ва мени ўз олдиларига чорлаб, бир неча бор: “Шогирдлар мен кейинги йилларда соғлиғимда муаммолар вужудга келяпти. Аҳмаджон сиз кафедра мудирлиги масъулиятини олсангиз”-деб мурожаат қилгандилар. Бу таклифга ҳар сафар А.Жумаев: “Устоз Сиз мудир лавозимини бажаришда давом этинг! Биз қанақа топшириқ бўлса уддалаймиз, кафедра ишини тортамыз”-мазмунда жавоб берардилар.

Устоз лавозим ортидан қувмас, аксинча мансабу лавозимлар у кишини “таъқиб” этарди. Маълумки мансаб ва лавозимлар инсонга ҳуқуқ ва мажбурият юклайди. Мансабпараст, лаганбардор раҳбарлар ўзига берилган ҳуқуқдан юз эллик фоиз фойдаланиб, мажбуриятни эллик фоиз ҳам бажармайди. А.Ш. Жумаевнинг эса эгаллаб турган лавозимининг масъулияти, ватани, халқи олдидаги бурчи ташвишга соларди. Мансабни эгаллаш ва унинг “меҳри” ва “имтиёзи” кабилардан воз кеча билиш ҳам ҳақиқий жасоратли инсонларга хос. Ушбу тоифа кишиларининг олдинги сафида турган А.Ш. Жумаев ҳар қандай мартабалардан воз кечишга тайёр, ўз эркинлиги, ҳуқуқи, принцип ва идеалларига тўсқинлик қиладиган лавозимларни елкасидан “улоқтириб” ташларди.

А.Ш. Жумаев хислатида қадрланадиган яна бир жиҳат шунда эдики, “Ҳақиқатни айтишда отангни ҳам аяма”, ақидасига амал қиларди. У кези келганда юқори мартабали раҳбарларга, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларигача, университет ректорига мардона

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

туриб ҳақиқатни айта олишга ўзида журъат топа оларди. Ўз шогирдларини ноҳақликдан, тухмат ва ифволар гирдобидан ҳимоя қилганлигини ўз шахсий ҳаётимда бир неча марта гувоҳи бўлганман. “Умумий тарих” кафедраси мудирини бўлган йилларида биз ёшларни ўз ҳимоясига олган, биримизни “дада”, биримизни “хўжа” яна биримизни “Жамол Камол”-деб давраларга, зиёфатга бошлаган ушбу олим бир зумдаёқ ҳар қандай давранинг бошқарувчисига айланиб қоларди. Олимлик ва педагогик масъулиятини чуқур англаган устоз мен билан кўп бор ўзаро суҳбатларда “Шодмонжон мен 60 ёшга тўлсам, нафақага чиқаман, энди ёшлар ишласин, биз 40 йил муаллимлик қилдик”-дерди. Ўз сўзи ва принципида қатъий турган устоз 60 ёшга тўлди-ю, қадрли нафақага чиқиб кетди. Бироқ, ҳали куч-қудрати ўзида бўлган, пиёда юрганида тезлиги ва шижоаткорлиги билан биз каби ҳамроҳларини ортда қолдирадиган устоз ўз қасамига содиқ қолди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, устознинг машғулоти бисёр эди. А.Ш. Жумаев муаллим ва олимгина эмас, балки муаллим-боғбон, муаллим-чорвадор, муаллим-деҳқон сифатида умргузаронлик қилиб келмоқда. Домланинг каттагина узумнинг ер токига асосланган боғларида тилларанг хусайни, қора буваки, қишгача ҳам сақланадиган тоифий, майиз олинадиган шивилғоний каби ток буталарини кўриб ҳавасингиз келади. А.Жумаев каттакон “ғиждувоний” кетмонлари билан бошларига қийиқча боғлаб тоқзорда меҳнат қиладилар ва завжалари Солия янгамиз билан “Ёринг бўлса тенг бўлса, меҳнатда ва роҳатда доим ёнингда турса”-деб ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўладилар. Устоз човачилик борасида ҳисорий қўйларини “Жондорчасига” боқиб баҳра оладилар. Уларни сотиб ўғил-невараларнинг тўйларига сармоя қиладилар. Устознинг пайкалига сув таратмасдан деҳқон кетмони билан палак атрофида чопишни чиқариб сувсиз ишлов берилган ширин-шакар “Қўқони ҳандалак”ларидан, қовун-тарвузларидан биз кўп бор баҳраманд бўлганмиз. Бундай пайтларда “устоз дунёга келганда Шоди бобо у кишининг қўлига кетмон ушлатган”-дегинг келади.

Устоз Аҳмад Шодиевич Жумаевга фарзандлар ва неварачеваралар бахтини кўриб, шогирдлар ардоғи ва эътиборида бўлиб, юз ёшдан ошиб пиру-бадавлат отахон сифатида узоқ даври-даврон суриб юришларини яратгандан сўраб қоламиз.

**ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА АРХЕОЛОГИЯ, ЭТНОГРАФИЯ,
МАНБАШУНОСЛИК ВА ТАРИХШУНОСЛИКНИНГ
ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ**

**ЭТНОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ДУНЁ
ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРИНИ ЎРГАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ**

Қурбонова Манзила Боқиевна

БухДУ Тарих кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

Цивилизация – энг юксак тартибдаги маданий муштараклик, кишилар маънавий-маданий қиёфасининг кенг кўламли даражаси тараққиёти демақдир. Дунё цивилизациялари тарихини ўрганиш орқали жаҳон ҳамжамияти билан яқиндан алоқа боғлаш, ҳамкорлик қилишда бошқа халқларнинг урф-одат, анъаналарини билишга, маънавий-маданий ривожланиш даражасини ўрганиш орқали муносабатларни умуминсоний манфаатлар асосида ўрнатишга хизмат қилади. Турли цивилизацияга мансуб кишилар жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий жараёнларда, халқларнинг шаклланишида ўзига хос урф-одат, анъаналарига эга бўлиб, улар юз йиллар давомида шаклланади.

Ирқ, дин, тил, миллат, яшаш ҳудудига хос омиллар, касб-ҳунар, оилавий қадриятлар одамни одамдан фарқлайди. Инсониятни бири-бири билан бирлаштириб турувчи деярли ягона омил – билим. Билим бу тадқиқот босқичини ўтаб, илмий фактга айланган, таълим дастурларига кирган ва ҳар бир саводли киши учун эришимли илмий ҳақиқатлар мажмуасидир. Маълумки, асрлар бўйи ижтимоий онг шаклларида бири бўлган дунё ҳақидаги объектив билимлар тизими – фан инсоният учун хизмат қилиб келмоқда. Фан жамият фаровонлигини ошириш, ижтимоий ишлаб чиқаришга фойда келтириш учунгина хизмат қилибгина қолмай, балки инсониятга ўйлашни, мушоҳада юритишни, олдиндан олам ҳодисаларини кўра билишни, ақлни тараққий эттиришни ва ақлий қувватни авайлаб асрашни ўргатади. Демак, фан – оламнинг ақлий жиҳатдан билиш

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

улубидир, фан оламнинг объектив қонуниятларини ўрганади ва кашф этади.

Узоқ йиллар давомида яратиладиган жаҳон цивилизацияси тарихида эса ҳар бир дунёвий фаннинг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Бу фикр-мулоҳазаларимиз этнография фанига ҳам тааллуқлидир. Этнографик билимлар тарихи шундан гувоҳлик берадики, ҳатто қадим замонларда тоза эмперик, тизимсиз йиғилиб борган этнографик билимлар, яъни халқлар ва уларнинг маданияти ҳақидаги маълумотлар муайян қонуниятларга бўйсунган ва бу қонуниятлар доимо кўзга ташланиб турган. Ҳатто қўшни ва узоқда яшаган номаълум халқларга оддий қизиқиш турли даврларда ҳар хил намоён бўлган. Масалан, илк ўрта асрларда одамларнинг асрлар давомида этнографик дунёқараши кенгаймаган. Бироқ, шундай даврлар бўлганки, бу ҳолнинг тескари одамларнинг этнографик билимлари кунлар эмас, ҳато соатлар сайин ўсиб борган. Натижада қисқа даврда ҳам географик ҳам этнографик горизонтлар бир неча марта кенгайиб борган.

Этнография инсоният фаолиятининг турли жиҳатларини тадқиқ этувчи фандир. Унинг тарихига назар ташлаганда, жамият ҳаётида ҳеч қандай меъёрий қолиплар билан ўлчаб бўлмайдиган қатор ўзига хос хусусиятларга эгаллиги маълум бўлади. Ушбу фан кишиларнинг дунёда маданиятлар хилма-хиллигини англашга бўлган доимий эҳтиёжини қондириш миссиясини бажаради. Бу эса, ўз навбатида одамзотни маънавий жиҳатдан бой ва ҳаёт фаолияти самарали бўлишига олиб келиши муқаррар. Инсоннинг маънавий бойиши эса уни баркамоллик сари етаклайди.

Мазкур фаннинг бугунги ҳолатини таҳлил қилмоқчи бўлсак, мамлакатимизда этнографик тадқиқотлар йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Бу соҳада бажарилаётган тадқиқотларнинг шакли ва мазмун-моҳияти жиҳатидан бойиб боришининг асосий сабабларидан бири – бу мустақиллик йилларида ўтмиш тарих ва миллий қадриятлар ҳамда анъаналарга бўлган қизиқишнинг кескин ортганлигидан деб айтиш мумкин. Чунки ҳозирги кунда жаҳон халқлари интеграциялашуви, глобаллашув жараёнлари жадал кечаётган бир шароитда этник ва маданий ўзликни англаш, локал

этнохудудий маданиятлар ва миллий қадриятларни сақлаб қолиш ва уларни илмий асосда тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида кечаётган жадал глобаллашув шароитида нафақат фанлараро интеграция, балки муайян фан йўналиши доирасидаги турли йўналишлар ва концепсиялар ўртасида ҳам умумий қарашлар ва ёндашувлар шаклланиб бормоқда.

Бугунги кунда этнография фанига туташ – археология, тарих, манбашунослик, фольклоршунослик, маданиятшунослик каби йўналишларда тадқиқотлар кенг миқёсда олиб борилмоқда. Муаллифларнинг ушбу йўналишдаги мақолаларини мамлакатимизда фанлараро интеграциялашув жараёнининг ёрқин намунаси деб айтишимиз мумкин. Хусусан, мустақилликка эришганимиздан сўнг республикамизнинг турли этнографик минтақаларида яшовчи аҳолининг ўзига хос этномаданиятидаги локал хусусиятлар, моддий ва маънавий маданиятидаги трансформацион жараёнлар, этнослараро жараёнлар, мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи турли диаспоралар этнографияси, замонавий шаҳар муҳитида анъанавий миллий қадриятларнинг сақланиб қолиш омиллари, замонавий этник жараёнларни ўрганиш ва унинг илмий тадқиқи муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон цивилизацияси ривожига ўз аҳамиятига эга бўлган этнографик йўналишда бажарилаётган ҳар қандай илмий тадқиқот маълум бир амалий аҳамиятга эга бўлиши ва унинг натижаларидан эса бугунги ва эртанги кун амалиётида унумли фойдаланишни давр тақозо этмоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1. Қурбонова М, Орзиев М. Жаҳон цивилизациялари тарихи. Ўқув-услубий қўлланма. Бухоро, 2013.-Б.3.

2. Заковат силсиласи. Тафаккур. 2001, 1-сон, -Б.36-37.

3. Файзуллаев О. Ўзбекистон: Қадимги фанимиз ва ҳозирги замон // Мулоқот. Т., 2002. май, июн. –Б.4.

4. Токарев С.А. Истоки этнографической науки (До середины XIX в.) М., 1978. С.9

5. Этнос ва маданият: Анъанавийлик ва замонавийлик. “Академик Карим Шониёзов ўқишлари” туркумида этнологларнинг V-республика илмий конференцияси материаллари.Т.,2010, -Б. 17-18.

**“МУНТАХАБ АТ- ТАВОРИХ” ГЕОГРАФИК
АДАБИЁТИНИНГ САРГУЗАШТ-САЁҲАТ ЖАНРИГА ОИД
НОДИР МАНБА**

Абдукаримов Жамолиддин Аҳмадалиевич

*академик Бобожон Гафуров номидаги Хужанд давлат университети
тожик халқи тарихи кафедраси катта ўқитувчиси*

Маннонова Матлубахон Зафаржоновна

*Академик Бобожон Гафуров номидаги Хужанд давлат университети тарих
ва ҳуқуқ факултети магистранти*

Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтахаб ат-тавориҳ” номли асари Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги тарихига оид нодир манба ҳисобланади. Мазкур асар беш боб, ўн икки тоифадан (фаслдан) иборат бўлиб, унинг хронологик ҳудуди “олимнинг яратилишидан” то XIX асрнинг 40 – йилларигача бўлган даврни ўз ичига олади.

“Мунтахаб ат-тавориҳ” ўзига хос уч хил йўналишни мужассамлаштирган: жаҳон тарихи, локал (маҳаллий) тарих ва мемуар (эсдаликлар). Қўқон тарихчиларининг асарлари форсий-туркий исломий тарихнавислиги услуби асосида шаклланган бўлиб, уларда ушбу услуб - умумжаҳон ва локал тарихга бағишлаб ёзилган асарлар учрайди. “Мунтахаб ат-тавориҳ” асари умумжаҳон тарихига бағишлангани боис, муаллиф тарихни олам ва одам яратилишидан бошлаб, XIX асрнинг ўрталаригача баён қилган. Мазкур асарнинг асосий қисми Бухоро манғитлар тарихи, Қўқонда ҳукмронлик қилган минглар сулоласи, ҳамда, муаллифнинг чет элларга саёҳати баёни бўйича тақсимланиб, бу маълумотларнинг барчаси Муҳаммад Ҳакимхоннинг ўз қаламига мансуб қимматли манба ҳисобланади.

«Мунтахаб ат-тавориҳ» - да нодир тарихий, адабий, жуғрофик маълумотлар жамланган бўлиб, асар шу маънода энциклопедик характерга эга. Шунинг учун ҳам, мазкур нодир асар бир қатор соҳа мутахассислари этиборини жалб қилиб келмоқда. Муҳаммад Ҳакимхон асарида келтирган маълумотлар тарихшунослар, адабиётшунослар, географлар томонидан мазкур соҳага оид асарлар яратишда кенг фойдаланилган.

“Мунтахаб ат- тавориҳ” нодир географик асар ҳам ҳисобланиб, машҳур ўзбек олими Ҳамидулло Ҳасанов Муҳаммад Ҳакимхон асари

маълумотлари, хусусан муаллифнинг саёҳати ҳақидаги эсдаликларидан фойдаланган. Ҳ. Ҳасановнинг “Фарғоналик сайёҳ” номли илмий мақоласи эълон қилиниб, кейинчалик “Ўртаосиёлик географ ва сайёҳлар” номли асар нашр эттирилди. Ҳ. Ҳасанов таъкидлашича Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтахаб ат- таворих” асари ҳақиқатдан ҳам Ўрта Осиё маънавий маданиятининг, Фарғона ёзма анъанасининг дурдоналаридан бири ҳисобланади.

Қўқондаги таниқли саидлар оилада тавлуд топган Муҳаммад Ҳакимхон, она томонидан Қўқон ҳокими Норбўтабийга (1770- 1798) невара ва унинг вориси Олимхонга (1798- 1810) жиян эди. У ёшлигида Қўқоннинг бўлғуси ҳокими Муҳаммад Алихон (1822- 1842) билан бирга ўсди ва тарбияланди. Унинг бобоси Ҳакимхонтўра ўз даврининг нуфузли ва билимдон кишиларидан бўлган. Ҳакимхоннинг отаси Маъсумхон Олимхоннинг синглисига уylanган эди. Лекин, Муҳаммад Алихон тахтга ўтиргач, бу оиланинг тинчлиги бузилди. Мадалихон ҳукмронлиги даврида қирғин ва қатоғонлар бошланиб кетди. Биринчилар қаторида Ҳакимхоннинг отаси Маъсумхон Қўқондан чиқариб юборилди. Тахтга ўтирганига 8 кун бўлгач Мадалихон Муҳаммад Ҳакимхонни ҳам ҳаж сафари баҳонасида Қўқондан чиқариб юборди. Шундан кейин унинг чет эллардаги сайёҳати ва саргардонлиги бошланди.

Муҳаммад Алихон даврида Ҳакимхонтўра аввал Тўрақўрғон, сўнгра Намангон ва Косонга ҳоким қилиб тайинланган эди, аммо кейинчалик хоннинг ғазабига дучор бўлиб хонликдан ҳайдалиб Маккага ҳажга жўнатилган. У ўзининг сафарини Россия ўлкасидан бошлади.

1824 йилда Ҳакимхонтўра Оренбургда рус императори Александр 1 билан учрашган эди. Бу учрашув ҳақида муаллиф асарда батафсил маълумот берган. Муаллиф Россиядан кейин Туркия, Миср, Сурия, Фаластин, орқали Макка ва Мадинага борган.

Муҳаммад Ҳакимхон саёҳати жараёнида гоҳ араб ихроми, гоҳ турк бўркини, гоҳ эрони либосини, гоҳ миллий чопонини кийиб юрган, бир неча марта жуда хатарли ҳолларни бошидан кечирган, қамоққа тушган, турмадан қон билан хат ёзган, қочган: пинҳон равишда подшо саройига ҳам кирган, маликалар, амалдорлар билан сўхбатда бўлган, бетоб бўлиб, беҳуш ётган, неча бор ўғрилар қўлига

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

тушган, “қазога тан бериб” юрган, чўлда сув ичиб қаноатланган, ибтидоий одамлар ҳолини сурган.

Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтахаб ат-таворих” асари олимлар томонидан кенг ўрганилиб, унинг илмий аҳамиятига юксак баҳо берилмоқда. География илми нуқтаи назаридан эса, бу китоб Ўрта Осиё географик адабиётининг саргузашт-саёҳат жанрига мувофиқ келадиган асарига яққол мисол бўла олади. Шу билан бирга, асарда тилга олинган жуда кўп жой номлари - автор ўзи қадам босган шаҳар ва кичикроқ аҳоли манзиллари, денгиз, дарё, тоғ, чўл ва даштлар ҳамда автор бошқалардан эшитган топонимик, этник маълумотлар - Булғор, Қозон, Мақрия, Петербург, Фарингистон, Искандария, Судон, “Ўрусия вилояти”, “Қазоқия” - каби тушунчалар Ҳакимхоннинг кузатувчан, доно ва зукко инсон ва олим бўлганлигини исботлайди.

Муҳаммад Ҳакимхон асарининг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, асарда муаллиф, ўз даврининг иқтимоӣ-сиёсий ва ҳуқуқий ўзгаришларини кузатиб боради ва у ҳақда маълумот беради. Масалан, Муҳаммад Ҳакимхон 1823 йили бутун Фарғонада юз берган фожиали зилзила офатини ўзи кўрган. Унинг таърифлашича, зилзила шу қадар дахшатли бўлганки, ҳеч замон бу сингари ер қимирлашни одамлар кўрмаганлар ва эшитмаганлар. Зилзила натижасида, кўпгина уйлар вайрон этилган, талай кишиларни том ва девор босиб қолган. Натижада, аҳоли қамишдан чайлалар қилиб туришга мажбур бўлган. Зилзила шу даражада кучли бўлганки, натижада, атрофдаги тоғларда кўп оилаларни ер ютган. Ер ёрилиб, унинг орасидан гувулаб қора буғ отилиб чиққан, сойларнинг суви биқирлаб қайнаган. Бу ҳолат олти ой мобайнида давом этган.

“Мунтахаб ут - таворих” асари муаллифи ўзининг саёҳати жараёнида Волга дарёсидан кечиб, Аштархон ва шимолий Кавказдан ўтиб Қора денгизга етади ва унга Шўр деб ном беради. Муҳаммад Ҳакимхон денгизда сузиб, йўл таассуротларини қуйдагича тасвирлайди: “... Айтибдурларки, Рум султонларининг бири дарёнинг қаърини билурға фармон айладики, таноб этсунлар. Чун таноб солиб, лангарни қўйиб юбордилар, минг беш юз газ таноб эрди, ерга етмади”. Яъни Туркия султонлари Қора денгиз чуқурлигини ўлчаб кўрмоқчи бўлганлар, арқонга лангар бойлаб туширганлар, 1500 газ (тахминан 1200 метр) тушурилган арқон, денгиз тубига етмаган.

Бундан ташқари Муҳаммад Ҳақимхон сафари жараёнида Қора денгиз маҳобатини шундай тасвирлайди: “қоп- қоронғу бир тунда қаттиқ шамол туриб, денгизда Нӯҳ алахиссалом тўфони ва Самуд шамолини эслатувчи талотум кўзгалди. Доно маллоҳлар шамол кирмайдиган машъал ёқилган хужрага кирганча хариталарини олдиларига ёйиб қўйиб, роса тикилишарди. Харита деганим бир тахта қоғоз бўлиб, унга Шўр денгизининг барча тасвири чизилган эди. Масалан, денгизда нечта орол бор, кемага хавф туғдирувчи нечта тоғ бор ва ҳоказо. Катта бир компасни олдиларига қўйишган ва шунга қараб, қарор қабул қилишар эди”.

“Мунтахаб ут- таворих” асарида муаллиф сафар қилган мамлакатлар табиати, ҳайвонот олами ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар олиш мумкин. Масалан, Муҳаммад Ҳақимхон Нил дарёси соҳилларида сафари чоғида бир куни зарофани кўриб қолади ва шундай тасвирлайди: “Ҳабаш вилоятидин бир азим зарофа деган бир ҳайвон келтирурларки ани борасида уштар, гов, фаланг (форсий тилда “Шутурговпаланг” деб аташади- учта ҳайвон номидан ташкил топиб, бўйни узунлиги учун “шутур”- туя, шохи борлиги учун “гов”- сигир, йўл- йўл чизиқлари учун “паланг”- йўлбарс номларини олган) дерлар. Ҳайвонот ичинда ажойиб маҳлуқдирки, сурати бағоят беназирдир. Икки оёғи узун ва икки оёғи қисқа ва бўйни узун. Ани баёз гардани ўзга ҳайвонотда йўқдир ва кўзлари оҳу кўзига ўхшар ва думи хўкиз думига ўхшар ва икки шох ўрнига тождурки, гўё қаро ипақдин ери рангдек қизил ва бир каф ери оқ. Ва ул ҳайвоннинг хўраги сут эркан”.

Етти йиллик дарбадарликда юрган Муҳаммад Ҳақимхон Бухорога қайтади. Умрининг сўнгги йилларида Шаҳрисабзда яшаб, “Мунтахаб ут- таворих” номли тарихий асарини ёзади.

Муҳаммад Ҳақимхоннинг саёхати ғурбату дарбадарликда ўтган бўлишига қарамай унинг жаҳон ҳақидаги билимларининг ошишида, дунёқарашни шаклланишида ва бир қатор рус, турк, араб, юнон тилларини ўрганишида катта аҳамиятга эга. Шу маънода, муаллифнинг маълумотлари нафақат Ўрта Осиё, балки жаҳон таърихи, географиясини ўрганишда муҳим нодир манба ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Мунтахаб- ут-таворих. Ўилди дуввум. Таълифи Муъаммад Њакимхон. Бо тасъеъи Ё. Кавахара ва К. Хонеда.- Токио, 2006.- 716 с.
2. Муъаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат- таворих.- Форс- тожик тилидан таржима, муқаддима, изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2010.- 716 с.
3. Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства (феодалное хозяйство Худаярхана).- Ташкент, 1973.- 388 с.
4. Ромодин В. А. Некоторые источники по истории Ферганы и Кокандского ханства (XVI- XIX вв.). В рукописных собраниях Ленинграда.- М., 1960.- 15 с.
5. Хотираъои Муъаммад Њакимхон дар бораи сафари Русия (Баргардонанда аз нуруфи арабиасоси тоъики ба кирилли, ба чоп нузиркунандаи матн, муаллифи муқаддима, тавзеъот, луғатнома, феърист ва замима Ўамоллидин Абдукаримов). - Хуъланд, 2013.- 104 с.
6. Хуршут Э. Ҳакимхоннинг ҳаёти ва саёҳатлари.- Тошкент, 1987-48 б.
7. Ҳамидулло Ҳасанов. Фарғоналик сайёҳ/ Фан ва турмуш.-1963.- № 8.- С. 38- 39.
8. Ҳамидулло Ҳасанов. Ўрта Осиёлик географива сайёҳлар.- Тошкент, 1964.- 262 б.

BUXORO TARIXI VA MADANIY MEROSINING JAHON SIVILIZATSIYASI RIVOJIDAGI O'RNINI YORITISH

(JAHON HAMJAMIYATI O'RGANISHLARI MISOLIDA)

Yu. Haydarov

Buxoro viloyat xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish hududiy markazi "Ijtimoiy-iqtisodiy fanlar metodikasi" kafedrasini mudiri, tarix fanlari nomzodi, dotsent

Yangi O'zbekistonda yosh avlodni jahon raqobatiga bardoshli va yuksak intellektual salohiyatli qilib tarbiyalashda tarix fanining o'rnini beqiyos. Jahon mamlakatlari tarixini o'rgatish jarayonida umumiy o'rta ta'lim maktablarida jahon sivilizatsiyasi rivojida ko'hna va boqiy Buxoro tarixi hamda madaniy merosining tutgan o'rnini yoritish ham yosh avlodni yetuk insonlar qilib tarbiyalashga xizmat qiladi.

Umumiy o'rta ta'lim maktablarida "Jahon tarixi" ni o'qitish jarayonida o'quvchilarga Buxoro tarixi va madaniy merosiga oid ma'lumotlarni keltirish hamda ularni o'quvchilar ongi va qalbiga singdirish ona shahrimizning jahon sivilizatsiyasi rivojida muhim o'rin tutganligini anglab yetishga undaydi. Ayniqsa, jahon hamjamiyatining jahon sivilizatsiyasi rivojida ko'hna va boqiy Buxoro tarixi hamda madaniy merosini o'rganish va avaylab-asrashga qo'shgan hissasini yoritish bugungi globallashuv sharoitida yoshlarda ma'naviy barkamollik fazilatlarini tarbiyalash keng yo'l ochadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti muhtaram Shavkat Mirziyoyev bu tabarruk zaminning necha ming yillik qadimiy tarixi, buyuk alloma va aziz avliyolari, uning betakror madaniyati borligini e'tirof etib, "...Turli savdo yo'llari, madaniyat va sivilizatsiyalar chorrahasida joylashgan... Qadim Buxoroni biz nafaqat "Islom dinini quvvati", balki ayni paytda milliy madaniyatimiz va san'atimizning noyob chashmasi sifatida ham yaxshi bilamiz",- deb ta'kidladilar. Bu noyob diyorning tarixi va madaniy merosini o'rganishga va jahonga tarannum etishda Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT) ning ta'lim, fan va madaniyat masalalari bilan shug'ullanuvchi tashkiloti YUNESKOning roli nihoyatda katta bo'ldi.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

O'quvchilarga 1960 yildan boshlab YUNESKO ko'p jildlik "Markaziy Osiyo sivilizatsiyasi tarixi" nomli yirik xalqaro tadqiqot olib borgani va shu kitobning dastlabki jildlarida qadim zamonlarda Zarafshon bo'ylaridagi hunarmandchilik, madaniyat, san'at namunalari ham tahlil etilganligini tushuntirib berishni o'ziyoq ularning qadimiy Buxoro tarixi va madaniy merosiga jahon hamjamiyatining e'tibori kuchli bo'lganligini anglab yetishga imkon yaratadi.

1980 yilda YUNESKO o'zining matbuot organi – "Kur'er" jurnalining noyabr sonini buyuk buxorolik olim Abu Ali ibn Sinoning 1000 yilligiga maxsus bag'ishlaganligi, unda turli qit'a olimlarining Ibn Sino boy ilmiy merosiga bag'ishlangan maqolalari, xabarlari va boy ilustrasiyalar e'lon qilinganligi ham buning yorqin dalili sifatida o'quvchilar ko'z o'ngida namoyon bo'ladi.

Umumiy o'rta ta'lim maktablarining yuqori sinflarida "Jahon tarixi"ni o'qitishda ularning diqqatini jahon sivilizatsiyasi rivojida ko'hna va boqiy Buxoro tarixi hamda madaniy merosining tutgan o'rnini yanada yorqinroq yoritish uchun quyidagi ma'lumotlar keltiriladi:

1991 yil noyabrda Buxoroga YUNESKOning mustaqil eksperti Djon Uorren keldi. U shaharning me'moriy obidalari bilan chuqur tanishib, Buxoroni dunyo ahamiyatiga ega bo'lgan shaharlar ro'yxatiga kiritish lozimligi haqidagi xulosani YUNESKOga yubordi. Mustaqillikning sarchashmalaridayoq YUNESKO tashabbusi bilan o'tkazilgan xalqaro kongresslarda O'zbekistonning qadimiy shaharlaridan biri Buxoro tarixi hamda madaniy merosini o'rganish masalalari ilgari surildi. 1992 yil 14-18 noyabrda Tehronda Markaziy Osiyo madaniyati va fanini o'rganishda hamkorlik bo'yicha birinchi xalqaro kongresda YUNESKO Bosh direktori F.Mayor, fransuz professori Ballon, o'zbek olimi, akademik Ahmadali Asqarovning ma'ruzalarida Buxoro tarixi tilga olinib, uning musulmon olamida ilm-fan markazi sifatidagi o'rnini tarixiy tadqiqotlar orqali ochib berish lozimligi ta'kidlab o'tildi.

O'zbekiston mustaqillikka erishgach, 1993 yil 29 oktabrda YUNESKOning a'zosi bo'ldi. Shundan so'ng bu nufuzli xalqaro tashkilotning O'zbekiston qadimiy shaharlari Buxoro, Samarqand, Xivaning tarixi va boy madaniy merosini o'rganishga e'tibori yanada oshdi.

Buxoro shahri 1995 yilning kuzida YUNESKOning jahon madaniy qadriyatlar ro'yxatiga kiritildi. 1995 yil 25 oktabr 15 noyabrda bo'lib o'tgan YUNESKOning 28-sessiyasi qadimiy Buxoroning jahoniy shuhratini xalqlar orasida yoyishda beqiyos ahamiyatga ega bo'ldi. Sessiyada Buxoroning 2500 yilligini YUNESKOning 1996-997 yillarda o'tkaziladigan tadbirlar ro'yxatiga kiritiladi. 1995 yilning avgustda YUNESKO homiyligida Samarqandda Markaziy Osiyo tadqiqotlari xalqaro instituti ochildi. YUNESKO Bosh direktori F. Mayor institut ochilishida ishtirok etib, Buxoro, Samarqand va Xivaga "insoniyat sivilizatsiyasining beshiklari" deb ta'rif berdi. Uning fikricha, 1995 yilda O'zbekiston YUNESKO uchun eng yirik kashfiyot bo'ldi. Bu kashfiyot zamirida Buxoroning jahon tamadduniga qo'shgan munosib hissasi ham o'rin olganligi, har bir buxorolikda o'z qadimiy shahri bilan faxrlanish his-tuyg'ularini uyg'otishi tabiiy.

Bugungi kunda ham jahon hamjamiyati ko'hna va boqiy Buxoroning tarixi va madaniy merosini o'rganishga qiziqib qaramoqda. O'quvchi-yoshlarga nufuzli xalqaro tashkilot - YUNESKOning o'sha davrdagi boshlig'i F.Mayor 1995 yilning 27 avgustida Buxoroi Sharifga tashrif buyurib, uning jahonga mashhur obidalari bilan tanishgan edi. F.Mayor Nodir devonbegi madrasasida mahalliy hunarmandchilik ish namunalaridan tashkil topgan boy ko'rgazmalarni ko'zdan kechirganligi, Buxoroning boy madaniy merosi nufuzli xalqaro tashkilot boshlig'ini lol qoldirganini haqida ma'lumotlar berish ularning yurt taqdiriga daxldorlik hissini kuchaytirishga xizmat qiladi .

1996 yil 21-22 fevralda Buxoroda "Ipak yo'li. Bilish turizmining rivojlanishi va O'zbekiston madaniy merosining tiklanishi" mavzusida xalqaro konferensiya o'tkaziladi. Bunday xalqaro miqyosdagi anjuman Buyuk Ipak yo'li o'tgan mamlakatlar va shaharlar ichida birinchi bo'lib Buxoroda o'tkazildi. Anjumanda Sharqning bobokalon shahrining qadim zamonlarda el va elatlarni bir-biriga yaqinlashtirish, savdo va madaniyatni rivoj toptirishdagi ulkan hissasi qayd qilinib, ajdodlardan qolgan boy madaniy merosdan hozirgi tarixiy sharoitda oqilona va samarali foydalanish, bu boy merosni kelajak avlodlarga yetkazish muammolari muhokama qilindi. Anjumanda YUNESKO Bosh direktori o'rinbosari T.Keller Buxoro viloyat hokimligiga Buxoro eski shahrining jahon madaniy

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

qadriyatleri ro'yxatiga kiritilganligi haqidagi sertifikatni tantanali suratda topshirdi.

Qadimiy Buxorodagi Ismoil Somoniy, Minorai Kalon kabi jahon me'morchiligi durdonalarini o'z ro'yxati va qaramog'iga olgan YUNESKO "Buyuk Ipak yo'li-muloqot yo'li" Xalqaro Dasturi doirasida Buxorodagi tarixiy yodgorliklarni ta'mirlashga katta ahamiyat berdi. Parijdagi "Artur" firmasi qadimiy shaharning eski qismida qurilgan karvon saroylarni ta'mirlash ishlarini o'z zimmasiga oldi. 1994 yilning avgustida Parijdan Buxoroga qarab yo'lga chiqqan firma mutaxasislarining bir guruhi avtomashinalarda yetti yarim ming kilometr masofani bosib o'tib qadimiy shaharga yetib keladilar. Mahalliy muxbir bilan bo'lgan suhbatda "Artur" assotsiatsiyasining bosh kotibi Jan-Per Algeres shunday dedi: " Buxoroda ta'mirot ishlari mahalliy ustalar bilan hamkorlikda olib boriladi. Biz bu yerda o'zimizning mustaqil qurilish bazamizni tashkil qilib, Parij-Buxoro yo'nalishiga asos solmoqchimiz. Parij va Buxoro bir-birlariga o'z qo'llarini cho'zdilar. Ikkala tomonga ham samarali hamkorlik qilishni tilab qolaman".

Shu tariqa mahalliy ustalar fransuz mehmonlar bilan birgalikda qadimiy karvonsaroylarni ta'mirlash ishlarini boshladilar. Fransuz ustalari qadimiy karvonsaroylarni ta'minlash ishlarida to'rt yil davomida faol qatnashdilar.

1997 yilning 16-12 iyun kunlari Fransiya poytaxtida Buxoro va Xiva shaharlarining 2500 yilligiga bag'ishlab o'tkazilgan anjumanda O'zbekiston delegatsiyasini 16 iyun kuni YUNESKO shtab kvartirasida uning Bosh direktori F. Mayor va boshqa rasmiy kishilar qabul qildi. Shu yerdagi katta zalda Buxoro shahrining yubeleyiga bag'ishlangan ko'rgazma tantanali ravishda ochildi. Buxoroga bag'ishlangan ekspozitsiyada Ismoil Somoniy maqbarasi, Minorai Kalon ansambli va boshqa tarixiy obidalarning maketlari, Varaxsha qal'asidagi devoriy suratlar nusxalari, Buxoroning yoshini aniqlash maqsadida shahristonda olib borilgan arxeologik qazishmalar paytida topilgan temir, sopol buyumlar, mis kandakorligi, zardo'zlik namunalari namoyish etildi.

16 iyun Marini teatrda taniqli o'zbek rejssyori Bahodir Yo'ldoshev sahnalashtirgan "Buyuk Ipak yo'li" spektakli namoyish etildi. Bu asarda musiqa, xoreografiya va qo'shiq san'ati imkoniyatlaridan foydalanib

“Buyuk Ipak” yo’lidagi mayoq shaharlaridan biri sanalgan Buxoro obrazlari timsolida qadimiy tarix manzaralari mohirona ochib berildi.

Xulosa qilib aytganda, jahon hamjamiyati ko’hna va boqiy Buxoro tarixi hamda madaniy merosini o’rganish va avaylab-asrashga munosib hissa qo’shmoqda. Bugungi kunda ko’hna va boqiy Buxoro tarixi va madaniy merosi jahon ilm ahliningina emas, balki turizm ixlosmandlarining yuksak qiziqishlariga ham sabab bo’lmoqda. Shuning uchun ko’hna va boqiy Buxoroning oziga xos turizm brendi yaratilmoqda. Ilmu-ma’rifat, dinu-diyonat va bunyodkorlar yurti ko’hna va boqiy Buxoro hamisha xorijlik olim, ziyolilar va barcha xalqlarning qiziqishlariga munosib javob bera oladigan tarixi va madaniy merosini avaylab asraydi hamda jahon hamjamiyatiga namoyish etaveradi.

ЗАМОНАВИЙ ЭТНОЛОГИЯДА ХУНАРМАНДЧИЛИК МАВЗУСИНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ НУҚТАИ НАЗАРДАН ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИГА ДОИР

Давлатова Саодат Гиловбердиевна

Тарих фанлари доктори

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

[saodatdavlatova 70@gmail.com](mailto:saodatdavlatova70@gmail.com)

(моб.тел.)+998909992530

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгач, хунармандчилик тараққиётида янги давр бошланди, халқ хунармандчилиги бозор қонунлари асосида қайтадан тикланди ва айрим хунар турларини тиклаш давом этмоқда. Хунармандлар ўзларининг хусусий корхоналарини очиш ва мустақил тарзда бошқариш имкониятига эга бўдилар. Жумладан, бозор шароитида хунармандчиликда ўзгаришлар янги элементлар, янги дизайн, янги турлар, янгича кўриниш, ҳолат ва шаклларда намоён бўлиши билан бирга талаб, истеъмол, буюртма учун ишлаб чиқариш кичик бизнес ва тадбиркорлик, бозор туризми ҳолатида ҳам юзага келади. Бу ҳолат Ўзбекистонда мустақиллик йилларидаги олиб борилаётган ислохатларнинг чуқур илмий асосга эгаллиги ҳамда хунармандчиликка

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

доир ислохатларнинг концептуал ва амалий жиҳатдан тўғрилигини исботлайди.

Жаҳон тарихи ва этнологиясида хунармандчилик мавзуси тарихий, маданий меросни сақлаш ҳамда уни тарғиб қилишда санъат антропологияси, яъни ижтимоий антропологиянинг асосий объекти сифатида турли маданиятлар контекстида ўрганилмоқда. Хунармандчиликни эстетик объект сифатида ҳар томонлама тарғиб қилиш, давлатлараро ўзаро алоқа ва маданий муносабатларни ривожлантириш, хунармандчиликда бозор ва этнографик туризмни жаҳон иқтисодиётида юқори даромадли, молиявий, маданий ва интеллектуал мақомни белгиловчи етакчи омилга айлантиришда хорижий мамлакатларнинг нуфузли ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш муҳим ўрин тутади.

Хунармандчилик тарихини ўрганишда жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётида иштирок этувчи, нафақат даромад даражаси, балки даромад манбаи, ҳаёт тарзи, қадриятлар тизими, хулқ-атвор услуби ва мотивлари билан фарқланадиган инсонлар гуруҳи ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган ҳодиса ва жараёнларни ҳам ёритиш лозим.

Бу соҳани ўрганишга нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд. Хунармандчилик тор маънода турли предмет ва хизмат турларини ишлаб чиқариш, тақсимлаш, алмаштириш ва истеъмол қилиш асносида тушунилиб, «жамиятнинг иқтисодий соҳа»га мос келади. Кенг маънода эса иқтисодий соҳа деганда барча ижтимоий ишлаб чиқариш жараёни тушунилади. Хунармандчиликда ижтимоий ишлаб чиқариш: ишлаб чиқариш усули, ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг бирлиги, шунингдек иқтисодиётнинг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро таъсирлари йиғиндиси демақдир. Қолаверса, табиат билан инсонлар ўртасида индивид ва кишилар гуруҳининг онгли фаолияти орқали ўзаро алоқаларини акс эттиради.

Иқтисодий соҳа асосида инсоннинг ишлаб чиқариш ва меҳнат фаолияти ётади. Унинг зарурлиги инсоннинг эҳтиёжлари ҳайвоннинг эҳтиёжларидан тубдан фарқланиши билан белгиланади. Инсон ривожланиши билан табиатдан ажралади. Иқтисодий муносабатлар кишилар ўртасида ишлаб чиқариш, тақсимлаш, алмашиш ва неъматларни истеъмол қилиш жараёнларида шаклланадиган

иқтисодий муносабатлардир. Ишлаб чиқариш кучларига моддий ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган «субъектив (инсон) ва моддий (техника ва меҳнат қуроллари) элементлар тизими киради». Ҳатто энг юқори даражадаги техника ва технология ривожига қарамай, барибир моддий ишлаб чиқариш ва маънавий қадриятларни яратувчи инсон ишлаб чиқаришнинг асосий омили бўлиб қолади.

Кўплаб ижтимоий фалсафий назариялар доирасида иқтисодиёт базис, жамият асоси, фундаменти сифатида кўрилмади. Ғарб ижтимоий фалсафаси (*Т.Парсонс, Н.Смелзер, У.Мур* ва б.) иқтисодий ҳаётни товар ва хизматлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ роллар ва мақомлар тизими сифатида кўриб чиқади. Унинг асоси сифатида маданият, цивилизация, ҳуқуқ, ахлоқ, дин ва бошқалар кўйилади. Жамиятда иқтисодиёт алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирги замонда социалистик жамиятларни ислоҳ этишда «бозор муносабатларини изчил ривожлантиришга ўтиш, тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий мулкнинг, шахсий фаолликнинг хилма-хиллиги» муҳим элементлардан ҳисобланиши ҳам бежиз эмас.

Ҳунармандчиликнинг иқтисодий умумназарий асослари, уни ривожлантириш масалалари кўплаб хорижлик олимлар ишларида ёритилган. Булар қаторига *М.Вебер, В.Зомбарт, А.Смит, Т.Моммзен, Р.Хизрич, М.Питерс* ва бошқа олимларнинг ишларини киритиш мумкин. Шунингдек, МДҲга аъзо мамлакатларнинг иқтисодчи олимларидан *И.Т.Посошков, М.И.Туган-Барановский, А.В.Артёмов, В.Кёниг, Н.Д.Гайбатова, А.Мейер, В.М.Ковригина, Т.А.Бадлев, А.С.Кандедикас, А.П.Пахрицина, С.В.Породина, Г.М.Рязанцев, И.В.Рязанцева* ва бошқаларнинг ишларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ушбу олимлар халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришнинг замонавий назариясини яратишда тадбиркорлик муҳитини шакллантиришга катта эътибор қаратишган.

Ўзбек миллий ҳунармандчилигини ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан ўрганишга бағишланган илмий адабиётлар етарли эмас. Аммо, мамлакатимизнинг XX аср 90 йилларига қадар ижтимоий-иқтисодий, саноат ва маданий тараққиётга бағишланган адабиётларда умумий масалалар билан бир қаторда ҳунармандчиликка ҳам қисман тўхталиб ўтилган. Булар жумласига

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Б.Десятчиков, Я.Пономарёв, Л.Литвак, М.Цыпкина ва Л.И. Ремпелнинг асарларини киритиш мумкин. Тарихий нуқтаи назардан тарихшунос олимларимиздан Д.А.Фахретдинова, Т.А.Абдуллаев, С.Шокирова, Б.Фарманова, А.Қ.Тўхтаев, У.А.Қличев, С.Т.Давлатова, ва бошқаларнинг асарларида миллий ҳунармандчиликнинг муайян даврдаги тараққиёти, ижтимоий ҳаётдаги ўрни кенг қўламда ёритиб берилган.

Ҳунармандчилик фаолият соҳасига кўра анъанавий, бадий ва замонавий турларга бўлиб ўрганилмоқда. Жумладан, *анъанавий ҳунармандчилик* – ҳунармандчиликнинг энг қадимий кўриниши бўлиб, асосан, уй рўзгор буюмлари, меҳнат қуроллари ишлаб чиқаришга асосланган. Бунда ҳунармандлар ишлаб чиқарган ёки қўлда тайёрлаган маҳсулотлар асосан аҳоли маиший эҳтиёжларини қондиришга қаратилади. *Бадий ҳунармандчилик* – миллий анъаналар ва ижодкорликка асосланган, эстетик меъёр ва функционал эҳтиёжларга жавоб берадиган, меҳнат маҳсули санъат асари даражасидаги юқори малакали меҳнат тури ҳисобланади. Замонавий ҳунармандчилик эса янги материаллар ва янги техника воситаларининг пайдо бўлиши билан вужудга келади ва шу асосда ишлаб чиқаради. Хусусан, унинг квиллинг, квилтинг, декупаж, кардмейкинг, скрапбукинг, фелтинг, пэчворк, фьюзинг, фоамиран, флокирование ва ҳоказо турлари мавжуд. Ҳунармандчиликда кўп сондаги мураккаб машина, механизм ва инновацияларни амалиётга жорий этиш натижасида тегирмон ва новвойчилик, қандолатчилик, озиқ-овқат саноатига, косибчилик, кўнчилик, терига ишлов бериш пойафзал фабрикасига, тўқувчилик ва йигирувчилик енгил саноатга айланди, темирчилик, заргарлик, мистгарлик, эса металлга ишлов берувчи саноат тармоқларини вужудга келтирди.

Жаҳонда ҳунармандчилик соҳасини ривожлантириш, амалий санъат анъаналарини сақлаб қолиш бўйича қуйидаги йўналишларда: амалий санъатни антропологик ёндашув асосида ўрганиш, ҳунармандчилик назарияси, иқтисодиётда ҳунармандчилик секторини яратиш, ҳунармандчиликни модернизациялашуви, институционал асосларни шакллантириш, қўлда ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқишда инновацияларни қўллаш, ишсизлик даражасини пасайтириш, маҳсулотлар экспортини кўпайтириш,

бозор туризми ва музейлардаги ўрнини аниқлашга оид тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти дастлаб хунармандчилик соҳасида намоён бўлган бўлиб, бугунги кунда Ўзбекистонда хунармандчилик ишлаб чиқаришида кенг истеъмол товарлари харид қилишда асл ва экологик тоза маҳсулотлар сотиб олишни истаётган хариддорларнинг ноодатий талабини хунармандчилик фаолиятида тадбиркорликни кенгайтириш орқали қондириш мумкин. Масалан, қўлда гилам тўқиш, замонавий кийимларга қўлда кашта тикиш, қўғирчоқлар ясаш, бўёқчилик, ипак ва пахта толасидан дастгоҳда тўқилган газламаларга нафақат атлас нақшларини, балки қўлда замон талабига мос янгича нақшлар солиш, кулолчилик соҳасида замонавий ошхона жиҳозлари ишлаб чиқариш ва сопол ёки лойдан болалар учун ўйинчоқлар ишлаб чиқариш, ёғоч ўймакорлиги йўналишларида тадбиркорликни кенгайтириш йўлга қўйилган.

БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА САНОАТ

(“БУХОРО АХБОРИ” ВА “ОЗОД БУХОРО” ГАЗЕТАЛАРИ МАТЕРИАЛАРИ АСОСИДА)

Раҳмонов Камол Жамолович

БухДУ, Жаҳон тарихи кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

Бухоро амирлиги ағдарилганидан сўнг, 1920 йил кузида тузилган БХСРга иқтисодий қолоқлик мерос бўлиб ўтди. Маълумки, мамлакат аҳолисининг асосий машғулоти зироатчилик бўлиб, халқнинг 90 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳаси билан банд бўлган. Бироқ БХСР ҳукумати саноат соҳасини ҳам ислоҳ қилиш чоратадбирларини қўрган.

Мазкур мақола орқали бутун саноат тизимини тўла ёритиш даъвосидан йироқмиз. Мақсадимиз ўша пайтда республиканинг ягона матбуот органи бўлган “Бухоро ахбори” (1923 йилдан “Озод Бухоро”) газетаси материаллари асосида ҳукуматнинг саноат соҳасига муносабатига оид тегишли хулосаларга келишдир.

Дастлабки кунларданок Файзулла Хўжаев бошчилигидаги халқ нозирлар шўроси таркибида саноат назорати (вазирлиги) ташкил

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

этилиб, айна пайтда БХСР Марказий инқилобий қўмитаси (МИК) раиси лавозимида фаолият юритаётган Абдулқодир Муҳиддинов нозир этиб тайинланган. “Бухоро ахбори” газетасининг 1920 йил 21 ноябрдаги 8-сонида 22-рақамли, 1921 йил 20 октябрдаги 53-сонида 13-рақамли ушбу шахс имзоси билан буйруқлар матни чоп этилган. Айна: “Саноат ширкатлари мамлакатимиз учун фойдали бўлгон пахта, юнг, қорақўл ва хўкиз терилари, ипак хомашёларини қайта ишлаш учун завод ускуналари, шунингдек, мазут, тошқўмир, руда қазиш учун машина асбобларини хориждан олмакчи бўлсалар, саноат нозирлиги томонидан зарур дастмоя учун қарз (кредит) берадур”. Демак, расмий ҳужжат матнидан маълум бўлаяптики, бу соҳани йўлга қўйиш борасида ҳукумат даражасида эътибор берилмоқда.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари саҳифаларини варақлар эканмиз, хабар ва мақолалар орқали соҳага оид бир қатор чора-тадбирларни амалга оширишга ҳукумат томонидан ҳаракат қилинганлигидан воқиф бўламиз. “Бухорода иқтисодий ишлар” рукни остида чоп этилган “Тери ва тери бўяш заводлари”, “Совун заводи” (“Бухоро ахбори”, 47-сон, 1921 йил 14 август), “От заводи” (“Бухоро ахбори”, 51-сон, 1921 йил 5 октябрь), “Чарм заводи” (“Бухоро ахбори”, 166-сон, 1922 йил 23 июль), “Ёғ заводи” (“Бухоро ахбори”, 132-сон, 1923 йил 8 феврал), “Пахта заводлари йўлга қўйилмакда” (“Бухоро ахбори”, 170-сон, 1923 йил 15 май) каби хабарларда мазкур номлари зикр қилинган саноат объектларининг ташкил этилиши билан боғлиқ қарорлар, амалий ҳаракатлар, уларга ажратилган маблағлар, бу борада юзага келаётган муаммолар қайд этилган.

Ҳукуматнинг дастур ва режалари ҳар доим ҳам ўз самарасини бермаган. Матбуот саҳифаларида бу соҳага тўсиқ бўлаётган омиллар сифатида сусткашлик ва бепарволик иллатлари қаттиқ танқид қилинган. “Озод Бухоро” газетасининг 1924 йил 6 мартдаги 58-сонида “Пўлат” тахаллусли муаллифнинг “Саноат нозирлигининг эътиборсизлиги” номли салмоқли мақоласи босилган. Унда: “Саноат нозирлигининг бирдан бир вазифаси – жумҳуриятнинг саноат ишларини йўлга солиш ва тараққий қилдиришдур. Лекин саноат шўъбалари ўзининг бу вазифасини бажаришда ажиб сустлик ва бепарволик кўрсатадур. 2-чарм заводида бундан 4-5 ой илгари Русиядан келган машиналар тарқоқ ҳолда ётадур. Саноат шўъбаси

буларни териб, бутун машина ҳолиға келтирмак учун ҳеч уриниб кўргани йўқ.

... Халқ нозирлар шўроси томонидан тузилган комиссия бутун машина ҳолиға келтирмак учун Русиядаги катта чарм заводларининг бирида мутахассис, машинасоз (механист) чақирмакни тегиш топди ва ўзининг фикрини саноат шўъбасиға билдирди. Бу иш саноат хўжалигимизни йўлга қўйишда катта аҳамиятға молик бўлса ҳам саноат шўъбаси ҳозиргача бу ҳақда ҳеч бир чора кўргани йўқ. Машиналар ҳали ҳам бўлса тарқоқ ҳолда ётадур ёки занг босиб кетадур...” Демак, фабрика-завод саноати соҳасини йўлга қўйишда талайгина камчиликлар мавжудлиги мақола ва хабарлардан ўрин олган. Ҳукумат бундай муаммоларни ҳал қилиш мақсадида айрим заводларни саноат нозирлиги қарамоғидан олиб, маҳаллий вилоят ижроия қўмиталари ихтиёрига ўтказган.

БХСР ҳукумати тоғ-кон саноатига алоҳида эътибор қаратган ва бир қатор чора-тадбирларни амалга оширишга киришган. Газета хабарларидан бирида: “Шарқий Бухоро тоғлари олтин, кумуш, мис, кўрғошин, олтингургут, тошкўмир каби ер остидан топиладурғон нарсаларға бой бўлса ҳам бу нарсаларнинг қаерда эканликлари ва улардан қандай йўллар билан фойдаланиш мумкин эканлиги ҳозиргача яхшилаб текширилмоғон. Шу кунларда саноат нозирлиги тарафидан Шарқий Бухородаги маъдан бойликларини текширмак учун рус муҳандиси Шумков қўл остинда махсус ҳайъат юборилди” – деб ёзилади.

Файзулла Хўжаев бошчилигида фаолият юритаётган ҳукумат фақат Россия мутахассислари билан эмас, балки тоғ-кон саноати тараққиётини кўзлаб бошқа хорижий давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. “Бухоро ахбори” газетаси хабарларидан бирида ёзилишича, 1923 йил январ ойида Грузиянинг Тбилиси шаҳридан Бухорога руда ишларини ташкил қилиш мақсадида бир гуруҳ мутахассислар келган. Яна бир хабарда: “Бухоро Жумҳурияти халқ олий хўжалик шўроси шу кунларда Италиядан келғон катта итальян заводчилари билан руда ишларини ижараға бермак ҳақида шартнома боғлағон. Шунинг учун италянлар яқин кунларда руда ишлаб чиқарадиғон заводнинг иморатини бошламакчидур. Иморат

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

тамом бўлиши билан ишлаб чиқарилгон рудалар Италияга узатилғусидур”.

БХСРда халқ хўжалигининг муҳим соҳаларидан бири саноатни йўлга қўйиш ва ривожлантириш билан боғлиқ кўпгина жиҳатлар матбуотда танқидий таҳлил остига олингани маълум бўлади. Юқоридаги лавҳалардан кўринадики, республика ҳукумати ҳар қандай камчиликлар ва тўсиқларга қарамай мумкин қадар саноатнинг айрим тармоқлари орқали иқтисодиётни ривожлантириш, халқни моддий турмушини кўтаришга имкон қадар ҳаракат қилган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Саноат назорати тарафидан буйруқ рақам 13 // Бухоро ахбори, 53-сон, 1921 йил 20 октябрь.
2. “Пўлат” . Саноат нозирлигининг эътиборсизлиги // Озод Бухоро, 58-сон, 1924 йил 6 март.
3. Чарм заводи – маҳаллий ижроқўмларга // Озод Бухоро, 106-сон, 1924 йил 16 июль.
4. Иқтисодий ишлар. Тоғ бойликларини текшириш // Озод Бухоро, 100-сон, 1924 йил 7 июнь.
5. Бухорода руда ишлари // Бухоро ахбори, 129-сон, 1923 йил 28 январь.
6. Руда ишларини ижарага бериш // Бухоро ахбори, 132-сон, 1923 йил 8 февраль.

XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ЯРАТИЛГАН ТАЗКИРАЛАР МУҲИМ МАНБА СИФАТИДА

Масалиева Олтиной Масалиевна

Тарих фанлари номзоди, доцент

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Бухоро амирлигидаги мусулмон шарқ тарихий асарлари кўпинча форс, тожик ва баъзан араб тилларида яратилган. Уларни тарихий-адабий, меъмуар тарихий, биографик тарихий асар сифатида баҳолаш мумкин.

Назариётчи олимлар умумий тарихий асарларни турлича тасниф этишган. Масалан: солномалар, поэтик тарих, тарихий поэма (З.Беркин), тарихий-поэтик (Э.Фостер) асарларга ажратишган.

А.Холид эса мусулмон шарқ манбаларини ҳадис, адаб, ҳикма, сиёсага ажратган.

Ҳозирги даврда манбашуносликда манбага инсон фаолиятининг объективлашган натижаси, маданият маҳсули сифатида қаралмоқда.

Бухоро амирлиги тарихини ўрганишда тазкираларнинг ҳам ўрни бор.

XIX аср охири - XX аср бошларида Бухоро амирлигида кўпгина тазкиралар яратилди. Улар адабиётшунослар ва филологлар томонидан ўрганилган.

Р.Ходизода ёзадики, XX аср бошларида биринчи навбатда амир Абдулахад ҳукмронлиги давридаги шоирларнинг ҳаётини ёритишга бағишланган тўртта тазкира тузилди. Улар орасида Мухтарамнинг “Тазкират уш-шуаро”(1322-1328/1904-1910 йиллар) ва Афзалнинг “Афзал-ут-тазкор”(1322/1904 й) тазкираси амир Абдулахаднинг топшириғига биноан тузилган. Афзал тазкирасининг литографияси 1918 йилда Тошкентда нашр этилди. Энг охирги ва сўнггиси Абди (1323/1906) ва Садр Зиёнинг шеърый тазкираси (1324-1328/1907-1910йй)дир. Возехнинг “Тухфат ул-ахбоб” номли тазкираси Мирзо Салимбек томонидан 1914 йилда Тошкентда чоп этилди.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Неъматуллоҳ Муҳтарам “Тазкиратул ашъор” (Шоирлар тазкираси) да 100 та шоирни тавсифини беради.

Неъматуллоҳ Муҳтарамнинг мазкур тазкираси нусхаси Садр Зиё томонидан кўчирилган бўлиб, тазкира ЎзРФА ШИ хазинасида 2252 рақами остида сақланаётган китобда Мирсиддиқ Хашматнинг “Тазкираи ашъор” асари билан биргаликда жойлашган. Китобнинг бошида яъни 1 дан 77 бетгача Хашмат, 77 бетдан бошлаб эса Н. Муҳтарам тазкираси жойлашган.

Абдининг “Тазкират уш-шуаро” тазкирасидан шоирлар тавсифидан ташқари Бухоро амирлигида амалда бўлган унвон ва мансаблар ҳақида маълумот олиш мумкин).

Хўжа Азим Шаръи, Возих, Афзал Маҳдум Пирмасти, Абдулла хўжа Абди, Неъматуллоҳ Муҳтарам тазкираларида Садри Зиё ҳам тилга олинган.

Аввал Бухоронинг Жондор, Карки, Қарши, Ғиждувон туманларида қозилик қилган, кейинроқ яъни Бухоро амирлигининг сўнгги кунларида эса Бухоронинг қози калони бўлган Садри Зиё ҳам сермахсул тазкиранавис бўлиб, унинг бир неча тазкиралари мавжуд: “Тазкираи шуъарои мутақаддимин” (Аввал ўтган шоирлар тазкираси), “Тазкираи ашъор”(Шеърлар тазкираси), “Шуарои мутааххириин” (Кейин келган шоирлар), “Ғузалои мутааххириин” (Кейин келган фозил кишилар), “Зикри чанд нафар уламои дар охир”(Кейинги бир неча уламолар зикри), “Тазкират ал-ҳумақо”(Аҳмоқлар тазкираси), “Рисолаэ ҳаттотини мутақаддимин ва мутааххириин” (Олдинги ва кейинги ҳаттотлар рисоласи), “Зикри ҳаттотин насталиқи” (Насталиқ ёзуви ҳаттотларининг зикри).

Садри Зиё тазкираларидан бири “Тазкор ашъор” (Шоирлар тазкираси) дир. У 1322 йил давомида таълиф этилиб, то 1325 ҳижрий-қамрий 1905 милодидан то 1907 йилгача тайёрланди ва кейинроқ бир неча боб ва янги маълумотлар қўшилди. Аввалги (илк) таҳрирда асар 200 та замонасининг шоирлари тавсифидан иборат бўлган бўлса, охириги таҳрирда 69 шоирнинг тавсифи берилган.

Садриддин Айнийнинг ёзишича, Садр Зиё ўз даврининг тараққийпарвар ва илғор кишилари - Аҳмад Дониш, Исо Маҳдум, Иноят маҳдум, Яхё Ҳожи, қори Абдулмажид Зуфунин, мулла Шариф Соат, Мирзо Азим Сомий, Муҳаммад қори Раҳматуллоҳ Возех,

Шамсиддин маҳдум Шохин, Ҳайрат каби кишилар билан яқин алоқада бўлган.

Садр Зиёнинг уйи илмилар тўпланадиган марказ эди. У Аҳмад Дониш, Шамсиддин Шохин, Раҳматуллоҳ Возех, Муфти Ақром (Домулла Иқромча), Мирзо Ҳаёт Саҳбо, Мирзо Азим Сомий, Садриддин Айний, Абдулвоҳид Мунзим, Аҳмаджон Ҳамидий ва бошқаларни турли ҳамла ва ҳужумлардан жасорат билан ҳимоя қилди.

Садр Зиёнинг тазкираларида давр шоирларининг таҳаллусларини ва уларнинг шахс сифатидаги қиёфасини ҳам билиб олиш мумкин. Тазкираларда ҳожи Неъматуллоҳ «Мухтарам», Мирзо Абдулвоҳид «Мунзим», Мирзо Азим «Сомий», мулло Қурбонхон «Фитрат», Абдулқодир Хожа «Савдо» ва бошқалар ҳақида маълумотлар берилган.

Садр Зиё тазкирасида Аҳмад Донишни жуда мақтайди. Уни рассом, юлдузшунос, лавҳ тайёрлаш устачилиги, чизмачилиқда иккинчи Мир Шафъий, табиб, саҳий, назмда Саъдий Шерозий ва насрда худди Хусайн Кошифий эди, деб таърифлайди. «Тазкират уш-шуаро» муаллифи - Афзал маҳдум Пирмастий унинг шогирди эканлигини ёзган.

Хулоса қилиб айтганда, тазкираларда тилга олинган шахснинг шахсий фазилатлари ва унинг ёзган шеърларидан намуналар билан бирга ўша даврнинг муҳити бир сўз билан айтганда маданий, ижтимоий ҳаёт ҳақида маълумотлар олиш мумкин.

Демак, манбашуносликда тазкираларни ўрганиш ҳам илмий аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР:

1. Хади-Заде Р. Источники к изучению таджикской литературы второй половины XIX в. –Сталинабад, 1956 ва ҳ.к.

2. Мухтарам. “Тазкират уш шуаро” ЎзРФА ШИ да №2252/II; Афзал тазкираси. №2303,849,7279,63,1467,5332,2732 литографияси ҳам бор; Возех . “Тухфат ул-ахбоб”. Литография.

3. Хади-Заде Р. Источники к изучению таджикской литературы второй половины XIX в. –Сталинабад, 1956. –С.32.

4. Ҳамроев У. Бир шахсий кутубхона ва унинг каталоги ҳақида // Научные труды и сообщения. Кн.6. 1963. б.387.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

5. Рўзномаи Садр Зиё. Вақое нигори таҳавулоту сийоси ижтимоий Бухорои шариф. Таҳқиқ ва пажухеш Муҳаммадҷон Шакури Бухорои. Техрон.1382. Б.35. (форс тилида).

ТАРИХ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ ВА МАЪРИФАТИНИНГ АСОСИДИР

Хотамов Шухрат Носирович

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти
доценти*

Маънавий мерос ҳар бир халқнинг асрлар мобайнида яратган қадриятлари, урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи, турли ғоялар ва таълимотларининг ифодаси бўлмиш бой хазинасидир. Ҳар бир авлод шу хазинага мурожаат қиларкан, ундан ўзини қаноатлантирган саволларга жавоб топишга интилади, ўзлигини англайди ва ўтмиш аجدодларининг ибратли ишларидан сабоқ олади. Бундан ташқари, маънавий мерос аجدодлар ва авлодлар ўртасини боғловчи бир занжир, ворислик воситаси ҳамдир. У орқали авлодлараро тарихий боғланиш вужудга келади, миллат маънавий соғламлашиб, истиқболимиз йўлини белгилайди.

Халқимизнинг бой миллий анъаналари, қадриятлари ватанимизнинг, Марказий Осиё халқларининг шонли тарихидаги энг ёрқин саҳифаларидан бири бўлган. Бу даврда вужудга келган илм-фан, санъат, адабиёт ва фалсафий фикрлар тараққиёти инсоният тафаккур хазинасига қўшилган катта ҳисса бўлиб, уларда ифода этилган теран фикр ва ғоялар, ҳаёт фалсафаси бизни бугун ҳам ҳайратда қолдиришига яна бир қарра амин бўламиз. Илк ўрта аср даври ҳақида ўз замонасининг таниқли алломалари ва тарихчилари ёзган асарларида илм-фан ва маънавият ривожланиши ҳақида манбаларни қолдирганлар. Дарҳақиқат, аجدодларимизнинг дунёқарашини, уларнинг тафаккур услубий ва ахлоқий идеалларини, давлатчилик ғояларини ўрганиш, ўтмиш маънавиятимизнинг ўзига хос хусусиятларини билиш зарурати тобора ошиб бормоқда. Чунки, мустақиллик, миллатнинг уйғониши ва маънавий юксалиш бир-бири билан узвий равишда боғлиқ жараёнлардир. Истиқлол миллатнинг қайта тикланишини, ўзлигини англашини тақозо этиши билан бирга,

ҳар бир шахсинг ақл-идрокини, билимини, қобилиятини, фаоллигини ва баркамоллигини ҳам талаб қилади.

Бугунги кунда шонли тарихимиз руҳига монанд, чуқур ўрганишга, кенг тарғиб қилишга, юксак таҳсинга арзигулик фалсафий меросимиз Ғарбнинг машҳур мутафаккирлари томонидан аллақачон эътироф этилган. Мумтоз немис файласуфи Гегель қуёш Шарқдан чиққани каби фалсафа ҳам даставвал шу заминда пайдо бўлган, деб тан олган эди.

Марказий Осиё халқлари тарихида илк ўрта асрлар даврида юз берган маданий – маънавий юксалиш, тафаккурда янгиланиш Шарқ мамлакатларидаги ўзига хос уйғониш даври эканлиги ҳақидаги ғоя қатор таниқли олимларимиз томонидан илгари сурилган эди. Чунки фалсафий фикр тарихида бизнинг буюк аждодларимиз томонидан яратилган кўпгина илм-фан дурдоналари мавжуд. Абу Наср Муҳаммад ал-Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Муҳаммад ат-Термизий, Абу Ҳамид ал-Ғаззолий, Баҳовиддин Нақшбанд, Абураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби буюк алломалар ва маънавият султонларининг бой маънавий мероси, шулар жумласидандир. Улардан бизга мерос бўлиб қолган асарлар, маънавият ва маданий бойлик нафақат илмий жамоатчиликка етказилиши, балки бугунги миллий мустақилигимиз пойдеворини мустаҳкамлаш учун, хусусан миллатнинг ўзлигини англашида, ёш авлодни камол топтиришда ва уларни ватанпарварлик руҳда тарбиялашга хизмат қилиши жоиздир.

Яна шуни алоҳида такидлаш керакки, IX аср бошларида Марказий Осиёда бир таббарук инсон дунёга келдики, унинг зиёсидан маънавият ва маърифат олами янада ёришди. У зот ҳадис илмининг асосчиларидан бири Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил ал-Бухорий эди.

Ҳадис илмининг ривожига олтин давр ҳисобланган IX асрда катта муваффақиятлар қўлга киритилган. Чунончи, бутун ислом дунёсида энг нуфузли деб тан олинган олти ишончли ҳадислар тўпламининг муаллифлари ҳам мана шу асрда яшаб ижод қилганлар. Яна шуниси диққатга сазоворки, мазкур олти муҳаддиснинг деярли ҳаммалари марказий Осиё халқлари вакилларидан иборат бўлиб, улар Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож, Имом исо Муҳаммад ибн Исоат Термизий,

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Имом Абу Довуд Сулаймон Сижистоний, Имом Аҳмад ан-Насоий, имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Можжа каби сиймолардир. Ушбу муҳаддисларнинг ҳар бири ҳадис илмининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган олимлардан ҳисобланади. Шу билан бирга “Барча муҳаддисларнинг пешвоси” деган шарафли номга сазовор бўлган Имом ал-Бухорий алоҳида эътиборга молик буюк алломадир.

Буюк ватандошимизнинг номи бутун ислом дунёсида самимий муҳаббат, катта ҳурмат-эътибор билан тилга олинади. Мустақиллигимиз шарофати билан маънавий дунёмизда содир бўлаётган улкан тарихий ўзгаришлар туфайли ал-Бухорийга муносабат ҳам батамом ўзгарди. Алломанинг ёрқин ҳаёти ва кўп қиррали фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш мустақил Ўзбекистонимиз келажаги бўлган маънавий баркамол инсонларни тарбиялашдек муҳим ва олижаноб вазифаларга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Буюк ўзбек халқининг давлатчилик, қонунчилик, мустақиллик, миллий озодлик учун бўлган кураш анъаналарини билиш, фалсафий, маданий ва тарихий меросимиз, ота-боболаримиз эътиқодига мувофиқ бўлган исломий қоидалар, ижтимоий ва ахлоқий турмуш анъаналари, шунингдек, умуминсоний қадриятлар, уларнинг ҳар бир халқнинг маънавий тараққиётида тутган ўрни ва ўзига хос шакл ҳамда мазмунида ифода этилиши билан боғлиқ эканлиги кўзда тутилган.

Маънавий ислохотлар талаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, маънавий меросимизда ўрин олган ижтимоий, фалсафий, диний ва ахлоқий қарашлар, шунингдек, давлатчилик ва инсонпарварлик ғояларини атрофлича чуқур ва объектив равишда талқин қилиш, уларнинг ёш авлод тарбиясида, дунёқарашининг шаклланишида ижобий таъсири ва аҳамиятини кўрсатиш мақсад қилингандир.

Марказий Осиёда ёш мустақил давлатларнинг дунё харитасида пайдо бўлиши, миллий тикланиш ва мустақил давлатчилик асосларини яратишга бўлган эҳтиёжлар ўтмиш аجدодларнинг маънавий мероси тажрибасига бўлган қизиқишни кучайтирмоқда. Шу боис ўтмиш алломаларининг инсонпарварлик ғоялари, халқларни ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда яшашга даъват этиши, инсонларни разолат ва жаҳолат билан курашга чорлаб, меҳр-муҳаббат, адолат ва бахт-саодатга эришиш йўлида ҳамфикрлик,

ҳамкорлик лозимлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалари бугун маънавий ислоҳотлар шароитида алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги кунда кишилиқ тараққиёти шундай босқичга кирдики, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, тафаккур, илғор технологиялар ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Инсоният тарихи-ғоялар тарихидан иборат. Шу нуқтаи назардан қараганда, кишилар, айниқса, ёшлар қалби ва онгини эгаллашга бўлган ҳаракатлар бугунги кунда ҳар қачонгига нисбатан кескин тус олмоқда. Энди қурол-яроғ билан эмас, балки “фикрга қарши фақат фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши фақат маърифат” билангина курашиб, олға бориш мумкин. Бугун кимнинг ғоя ва мафкураси мустаҳкам, маънавияти баланд бўлса, ўша енгиб чиқади. Мафкуравий кураш бир жамият, бир мамлакат ичида ҳам, халқаро ва давлатлараро миқёсда ҳам кескин давом этмоқда.

Шунинг учун ҳам Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқдолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва инфор­мацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ён атрофда юз бераётган воқеаларга даҳдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч - осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш барчамизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳақиқий маънавият ҳамда маърифатни тиклаш ва тараққий эттириш учун кенг имкониятлар яратилди. Бугунги кунда халқимиз ва ёшларимизни маънавиятини ва маърифатини янада ошириш, юксак маънавият тамойиллари асосида маърифатли ёш авлодни тарбиялаш бу соҳадаги энг устувор вазифага айланди. Илм-фан, маориф, таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар, қарорлар ва

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

фармонлар ижросини таъминлаш мамлакатимизни мазкур йўналишда жаҳоннинг илғор мамлакатлари сафига қўшилишига хизмат қилмоқда.

Муҳтарам Президентимизнинг 2017 йил 7 февралда «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» пф-4947-сон фармони қабул қилинди. Ушбу фармоннинг тўртинчи «Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш» йўналишида қўйилган вазифалар ҳам айнан маънавият ва маърифатни янада юксалтиришга ва ривожлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Жумладан, Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлидаги ишлар, умумий ўрта таълим сифатини тубдан оширилиши, чет тиллар, информатика, математика, физика, химия, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган предметларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганилиши, янги таълим муассасаларини қурилиши ва реконструкция қилиниши, уларни замонавий ўқув ва лаборатория усуналари ва ўқув методик қўлланмалар билан таъминланиши. Ундан ташқари, болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга жалб қилиниши, уларни муסיқа ва санъат олами билан боғлаш мақсадида янги болалар спорти объектларини, болалар муסיқа ва санъат мактабларини қурилганлиги мисолида кўришимиз мумкин.

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг эртанги куни бевосита ёшларга боғлиқ экан, биз ҳам ёшларимиз тарбияси ва маърифий билимларни эгаллашларига бефарқ қараб туролмаймиз. Шу боис, бундай шарафли ва масъулиятли ишга барчамиз бел боғлашимиз ва ёшларни ҳар тарафлама етук ва маърифатли инсон қилиб тарбиялашимизни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бугунги глобаллашув даврида ёшларимизга техника-технологиялардан тўғри фойдаланиш йўллари ўргатиш, кибермакondaги таҳдидлардан ҳимояланиш усуллари кўрсатиш Ўзбекистон келажagini асраш демакдир.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш, ёшларимизнинг дунёқарашини кенгайтириш ва уларни ҳар томонлама ривожлантириш, шунингдек, Ватанга садоқатли қилиб тарбиялаш ва маърифатли бўлишлари учун Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2019 йил 19 мартдаги “Ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш бўйича 5 та муҳим ташаббус” ларида аҳолининг, айниқса ёшларимизнинг

манфаатлари ётганини кўриш мумкин. Илгари сурилган бешта ташаббуснинг замирида халқимизни ва ёшларимизни маърифатли қилиш ётганлигини кўришимиз мумкин. Айниқса, ёшларимизнинг таълим-тарбияси, бўш вақтларидан унумли фойдаланишларига замин яратиш, уларда китобхонлик маданиятини шакллантириш, спорт билан шуғулланишларига эътибор қаратиш, уларнинг маърифий онги ва маърифий маданиятини юксалтириш масалаларига барчамиз бирдек масъул эканлигимизни англади.

Айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш бўйича тўртинчи ташаббус мамлакатимизда ёшларни маънавиятини юксалтириш, улар орасида китобхонлик маданиятини шакллантириш борасида йирик ташаббус ва ислохотлар олиб борилмоқда. Маърифатни юксалтиришнинг ўзига хос концепцияси бу китобхонлик маданиятини юксалтириш ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ота-боболаримизнинг бизга қолдирган бой маънавий меросни авайлаб, уни замонавий илм-фан ютуқлари билан ижодий бойитиб, келажак авлоднинг тафаккури, дунёқарашини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шакллантириб, уларни маънавиятли ва маърифатли қилиб тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Миллий қадриятлар ўтмишдан келажакка қараб ривожланиш жараёнида уларни доимий такомиллаштириб, янги-янги қирраларини вужудга келтиради. Айнан ана шу жараён адолатли ва демократик жамиятнинг шаклланишида ҳам қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Миллий қадриятлар, урф-одатлар, уларнинг фалсафий асослари халқ турмуш тарзи ва ижтимоий ҳаётида, бугунги кун ёшлари маънавиятининг шаклланишида, уларни ватанпарвар руҳда тарбиялашда, мустақиллик шароитида шаклланаётган ёшларни билим доирасини кенгайтиришда алоҳида ўринга эгадир.

Ватанимиз келажаги бўлган баркамол авлодни маънавиятли ва маърифатли қилиб тарбиялаш учун миллатимизнинг ҳар бир вакили ўз фарзандини миллий ғоямиз, қадриятларимиз, тилимиз, муқаддас динимиз, маданий бой ўтмишимизда чуқур из қолдирган буюк сиймоларимизга муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам зарурроқдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. 2017 йил 7 февралда «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» пф-4947-сон фармони.-Т.: 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. 2019 йил 19 мартдаги “Ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш бўйича 5 та муҳим ташаббус”лари.-Т.: 2019.
3. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати.-Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият– енгилмас куч. –Т. 2008й.31-б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари.Т.1997й.151-б.
6. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати.-Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013.

ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА МУКОФОТЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Диёржон Абдуллаев

“Тарих ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD), Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Жаҳон мамлакатларининг энг янги тарихини ўрганар эканмиз, хорижий давлатларнинг давлатчилик тарихини ўрганиш ва уни таҳлил қилиш муҳим долзарблик касб этади. Бу жараёнда халқаро муносабатларнинг янги субъекти сифатида давлат мукофотларига эга бўлиш ва тарихий илдизларини тадқиқ этиш муҳим миллий-тарихий аҳамиятга эга.

Мукофот, даврнинг ўзига хос йилномаси сифатида, унда тарихий ҳодисалар, мамлакатнинг иқтисодий ҳаёти, фан ва маданиятнинг ривожланиши акс этади. Мукофотлар инсоният пайдо бўлганидан буён мавжуддир. Маълумки, мукофотлар кийимдан кўра қадимийроқдир. Масалан, ибтидоий жамоа тузуми одамларида

жангчининг жасоратлари тўғрисида ҳикоя қилувчи тана татуировкалари кўринишидаги мукофотлар мавжуд бўлган.

Мукофотлар объекти ҳисобланган медал, орден, кўкрак нишони, кўкракка тақилувчи нишон ва белгиларни тадқиқ этишда фалеристика ёрдамчи тарих фани ҳисобланади. Фалеристика (лотинчадан «*falerae*») – кўшимча тарихий фан бўлиб, алоҳида шахсларга ёки жамоаларга буюк хизматлари учун муайян қоидаларга мувофиқ топшириладиган тақдирлаш нишонлари, медал, орденларни ўрганади. Фалеристика ўз тадқиқот объектига эга ва бизга тарихий манбани, мазкур ҳолатда мукофотларни ўрганишга имкон беради, уларнинг келиб чиқиши тўғрисида кўпгина маълумотларни тақдим этади. Антик даврда Эллинизм даври жангчи, кўшинларда, сўнгра Қадимги Римда улар ҳарбий нишон, жангчилар учун мукофотлар, центурий, манипул ва легион вакиллари учун хизмат қилган.

«Фалеристика» атамаси 1937 йилда Чехословакияда пайдо бўлган. Фалеристиканинг асосчиси мукофотлар коллекционер ва тадқиқотчиси Олдржиху Пильцу ҳисобланади. Аммо Чехословакияда бошланган немис ҳарбийларининг оккупацияси, сўнгра эса иккинчи жаҳон уруши мазкур атаманинг илмий-тарихий луғатда мустаҳкамланишига имкон бермаган. Мазкур атаманинг тарқалиши уруш якунланганидан сўнг 1950-1960 йилларда содир бўлган ва қатор хорижий махсус нашрлар, масалан Клейтман раҳбарлиги остида Ғарбий Берлин орденшунослик илмий институтида чоп этиладиган “Орденшунослик”, француз “Орден ва нишонлар коллекционерлари учун европа журнали” билан боғлиқ. Уни мустаҳкамлаш учун 1960-1970 йилларда мукофотларнинг чех тадқиқотчилари Вацлав Мержичка, Прагада армия музейи илмий ходими доктор Збишек Свобода, Пльзень шаҳри фалеристик студияси раҳбари Зденек Михаил катта ҳисса қўшганлар.

Совет нашрида «фалеристика» атамаси 1965 йилда таниқли коллекционер ва тадқиқотчи Р.Шейннинг «Фалеристика - нумизматиканинг издоши» мақоласида пайдо бўлган.

Қадимги замонлардан инсонлар қаҳрамонни қандайдир усулда ажратиш ва тақдирлашга ҳаракат қилганлар. Хизматлари учун мукофотлар доим ва барча ерда мавжуд бўлган ва уларнинг шакли

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

турли-туман бўлган. Аммо тақдирлаш белгиларининг турлари анча кейин юзага келган, дастлабки вақтларда эса жамият авлод, оила ёки қабиладан ташкил топганида турли фаолиятлардаги хизматлари учун мукофотларнинг турлари мавжуд бўлмаган. Аммо ўша даврлардаёқ бургут патлари, йиртқич ҳайвонлар тишларидан маржонлар, денгиз тубидан олинган товланувчи чиғаноқлар нафақат безак бўлган, балки унинг соҳибининг жасорати, унинг қаҳрамонлиги ва эпчиллигининг исботи ҳисобланган.

Мукофотлар қадимдан рағбатлантириш шакли бўлиб хизмат қилган ва алоҳида инсоннинг ёки бутун инсонлар гуруҳининг хизматларини тан олиш тўғрисида гувоҳлик берган. Шу тариқа, мукофотлаш анъанаси давлатлар ташкил топишидан аввал, тарихнинг илк даврлари, инсоният тараққиёти даврига тақалади. Масалан, қадимги Мисрда махсус маросимлар ўтказилиб уларда ғолиблар олқишланган. Фиравн озодлик урушлари ва қўшни мамлакатларни забт этиш вақтида жасорат кўрсатган жасур инсонларга олтинларни ҳадья эта бошлаган. Шундан сўнг мазкур одат мустаҳкамланиб, фахрий мукофотларни хизмат ходимлари ҳам ола бошлаган. Баъзан мукофотни бир инсонга топширганлар, аммо кўпинча саройда фиравн марҳаматини қозонган кўпчилиكنи таклиф этганлар. Улар энг яхши кийимларини кийиб уйларидан чиқиб, аравага ўтирганларида барча хизматкорлар ва қўшнилари бахтли инсонни қутлаш учун ёнида саф тортиб турган. Фиравн саройида уларни мукофотлар ва совғалар кутиб турган, алоҳида ажралганларни эса фиравн шахсан ўзи лавозими кўтарилганлигини хабар қилган ва сўнгра юқоридан олтин идиш ва маржонларни сочган. Ҳарбий қўмондонлар бу қимматбаҳо совғаларни илиб олар ва мукофотланганнинг бўйнига баъзан учта-тўрттадан маржонларни бир вақтда осланлар.

Қадимги Римда рим легионерининг кўкрак нишони фалра деб аталган, у жасорат учун мукофот бўлиб ҳисобланган. Унда кўпинча жангчининг жасурлиги ва жасорати тўғрисида гувоҳлик берувчи бирор-бир илоҳиётнинг боши тасвирланган. Буюк Константин даврларидан Византия императорлари эса Авлиё Геог ҳомийлигида отлиқ шерикчилигини ўрнатган.

Арман тарихчиси М.Хоренаци (V аср) ишларида қуйидагича ёзув мавжуд: «Арташес I, подшоҳлик ҳокимиятини эгаллаб,

шунингдек жасур ва таниқли Аргумуга ваъда қилинган иккинчи ўринни ҳамда яхонталар билан ишланган тожни, қизик пойафзал, қулоқлар учун жуфт зиракларни, олтин қошиқ ва санчқичда ейиш ва олтин косалардан ичиш ҳуқуқини беради. Шунингдек ўз бошқарувчиси Сумбатуга ҳам шундай илтифотларни кўрсатган».

Маълумки Кавказорти халқлари пояфзални муқаддас деб ҳисоблаганлар. Қадимги халқлар нақлларига асосан “оёқ ва пойафзал” инсонга куч, эпчиллик ва чаққонликни бағишлаган. Шунинг учун оёқ ёки этик шаклида кўпинча косалар, безаклар, чироқлар учун тагликлари тайёрланган ва бу буюмларга сиғинганлар. Ёзма манбалардан, оёқ кийим юқори ҳокимиятда куч тимсоли бўлганлиги маълум ва агар кимдир подшоҳ кийганидек пойафзал кийган бўлса, уни ўлимга ҳукм этганлар. Фақатгина шоҳ мукофотлар сифатида ўз подшоҳлик кийим-бошини тақдим этиши мумкин эди ёки ўзининг яқин инсонига уни кийиб юришига ижозат берган. Шу тариқа, қадимда мукофотлар турли-туман бўлган.

Мукофотлар орасида медаллар ҳам жуда катта ўринга эга бўлиб, Уйғониш даврида ёдгорлик медаллари кенг тарқалган ва уларда у бағишланган шахснинг юз ифодаси портрети тасвирланган. Бундай тақдим этилган портретлар раҳбарларнинг алоҳида илтифотлари белгисига айланиб, унга сазовор бўлган бахтли инсонлар уларни қимматбаҳо рамкаларга жойлаштирганлар ва бўйниларида осиб юрганлар. Жаҳон мамлакатларида мукофотлар тарихини ўрганишда хочлар, орденлар ва медаллар даврнинг ёрқин ҳужжатлари ҳисобланади; бу тарихий ҳодисалар ва мазкур жараёнларда иштирок этган инсонларнинг ифодали тили ҳисобланади. Масалан, илк бор Оливер Кромвель 1650 йилда роялистлар устидан Дунбарада қозонилган ғалаба учун нафақат офицерларни, балки сафдор аскарларни ҳам медаллар билан тақдирлашни буюрган. Медаллар олтин, кумуш ва мис бўлган ва айрим тадқиқотчиларнинг тахминларига кўра ўша вақтларданок лентага тақилган. Кромвелнинг ўзи бундай медаллар учун тасвирларни ўйлаб топган: медалнинг олд томонида у ўзининг портретини жойлаштиришни, орқа томонидан парламент мажлисини жойлаштиришни буюрган. Аммо Англияда монархия тикланганидан сўнг аскарларни медаллар билан мукофотлаш узоқ вақтларга унутилган. Европа орден белгилари

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

композицияларида ҳеч нарса тасодифий бўлмаган, масалан эмалининг ранглари у билан тақдирланган шахсларнинг сифатларини англаган: тилла ёки бошқа товланувчи ранг улуғликни англаган, қизил – жасурлик, яшил – эрксеварлик, қора – доимийлик ва бошқалар.

Шарқ мамлакатларида умуман бошқа тимсоллар амал қилган, жумладан орден белгисининг қизил ранги давлат белгисини, яшил эса – мусулмонлик фазилатини акс эттирган. Хориж мамлакаларидаги мукофотлар ясалган металл ҳам чуқур тимсолларни ифодалаган: олтин улуғлик ва зодагонликни, кумуш – ният ва хулқ-атворнинг софлигини ифодалаган.

Бугунги кунда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий соҳаларида фаол иштирок этган шахслар, шунингдек, мамлакат тараққиёти учун муҳим хисса қўшган давлат арбоби, саънат ва маданият вакиллари, спортчилар ғалаба ёки беллашувлардаги иштироклари учун турли орденлар, медаллар, кўкрак нишонлар ҳамда турли совринлар билан мукофотландилар. Бу борада, мукофотларнинг аҳамияти тўғрисида қадимги юнон нотиғи Эсхилнинг сўзларини келтириш жоиз: «Агарда мукофотларни фақатгина камчиликка, фақат сазоворларга ва фақат қоидалар бўйича тақдим этсангиз, унда жасоратда рақобатчилар кўпчилик бўлади, агарда сиз уларни ҳар бир истаганга ва у билан келишув бўйича топширсангиз, унда ҳалол инсонларнинг ахлоқи ҳам бузилади».

АДАБИЁТЛАР:

1. Государственные награды Казахстана: история и идеология. Астана: Акимат города Астана, 2011 г. - С. 83.
2. Корсак А.И. Вспомогательные исторические дисциплины: учебно методический комплекс для студентов исторических специальностей 1-21 03 01 «История» Новополюцк, 2010. -С. 93.
3. Шейн, Р.В. Фалеристика – сестра нумизматики / Р.В. Шейн //Декоративное искусство СССР. – 1965. – № 8. – С.48.
4. Вспомогательные исторические дисциплины: учебно-методическое пособие по направлению подготовки 072300.6 Барнаул: Изд-во Алт. гос. акад. Культуры и искусств, 2013. -С. 150.

5. Государственные награды Казахстана: история и идеология. Астана: Акимат города Астана, 2011 г. - С. 85.

6. Вспомогательные исторические дисциплины: учебно-методическое пособие по направлению подготовки 072300.6 Барнаул: Изд-во Алт. гос. акад. Культуры и искусств, 2013. -С. 152.

7. Государственные награды Казахстана: история и идеология. Астана: Акимат города Астана, 2011 г. - С. 85.

8. Вспомогательные исторические дисциплины: учебно-методическое пособие по направлению подготовки 072300.6 Барнаул: Изд-во Алт. гос. акад. Культуры и искусств, 2013. -С. 152.

ҲАРБИЙЛАР КУНДАЛИК ҲАЁТИНИ ЎРГАНИШ АНТРОПОЛОГИЯНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

Хакназаров Худойберди Дилмуродович

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти
доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Бугунги кунда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий фаровонлик, аҳолининг тинч-осуда ҳаёт кечириши учун барча имкониятларни таъминлаш ва шу аснода, миллий суверенитет, мамлакат яхлитлигини мустаҳкамлаш долзарб масалалардан ҳисобланади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳарбий ислохотлар, мамлакатнинг хавфсизлигини янада чуқурроқ таъминлашга қаратилган барча таълим-тарбиявий тадбирлар ҳарбий соҳада мунтазам изланишлар олиб боришга туртки бўлади. Бу борада Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатда илм-фан соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияни ишлаб чиқиш, унда ўрта ва узоқ истиқболга мўлжалланган илм-фан, технологик ва инновацион тараққиёт асосларини белгилаш вазифасининг қўйилганлиги фанда янги йўналишларни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлигини аңлатади.

Ҳарбий соҳадаги фундаментал тадқиқотлар тарих фанидаги изланишларнинг муҳим объектларидан ҳисобланади. Айниқса XX аср – XXI аср бошларида юзага келаётган янги тенденциялар ҳарбий масалаларни ўрганишга қизиқишни янада кучайтирди. Шу

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

муносабат билан тарихшунослик муҳим фундаментал муаммога дуч келди – урушлар ва қуроли моjarоларнинг “инсон ўлчови” билан боғлиқ ҳарбий-тарихий изланишларнинг ички ва хорижий илмий тажрибалар синтезига, анъанавий ва ноанъанавий тадқиқот усулларидан фойдаланиш ва таҳлилга асосланган аниқлик йўқлиги сабабли бир қатор янги методологик ёндашувларни келтириб чиқармоқда.

Кундалик ҳаёт категорияси ҳақида мавжуд тушунчаларни аниқлаштиришга ҳаракат қиламиз. Бизнингча, бунга қуйидагилар киради:

- умумий кундалик ҳаётнинг воқеа майдони, шахсий ҳаётга тегишли кичик воқеалар, одамларни ташқи дунёдаги воқеаларга мослаштириш усуллари;

- хусусий, уйдаги шахсий ҳаёт шароитлари ва кенг маънода оилавий кундалик ҳаётни ўрганиш;

- воқеалар ва ҳодисаларнинг эмоциональ (ҳиссий) хусусиятлари, шахслар ва одамлар гуруҳлари томонидан ҳар кунги фактлар ва кундалик шароитлар тажрибасини ўрганишдан иборат.

Оддий ва буюк одамларнинг ҳаётидаги “кунлик ҳаёт тарихи”ни “кундалик бўлмаган ҳаёт тарихи”дан ажратиб, қуйидагиларни алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқ:

- байрамлар, аниқроғи, байрамона ва тасодифий бўлмаган кундалик ҳаёт, агар тасодифий кундалик ҳаёт тартибга солинган ва унда ҳамма нарса олдиндан режалаштирилган бўлса, у ҳолда мунтазам равишда амалга оширилади. Аммо аксарият ҳолларда оилавий тартибда мазкур ҳолат рўй бермайди. Боиси кутилмаган ва тасодифий ҳолатлар халақит бериши мумкин. Шу сабаб юқоридаги ҳолатлар кундалик бўлмаган ҳаёт деб нисбий равишда баҳоланади;

- қандайдир ғайриоддий ва аҳамиятли воқеа (лекин кундалик ҳаётда ҳодисани бошдан кечирган, содир бўлган воқеанинг оқибатлари - кундалик ҳаётга тегишли);

- кундалик иш, меҳнат фаолиятдан фарқли ўлароқ, дам олиш ва бўш вақтнинг одатий бўлмаган шакллари;

- ғайриоддий (ноодатий) одамларнинг ҳаёти, ҳеч ким томонидан такрорланмайдиган ўзгача ҳаёт тарзи, бу қизиқарли табиатли

кишиларнинг кундалик ҳаёти деб таърифланиши мумкин, аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам умумлаштириш мумкин эмас.

Социологлар томонидан кундалик ҳаётнинг қоидага айланган таърифи - “одамлар томонидан талқин қилинадиган, улар ва бутун дунё учун субъектив аҳамиятга эга бўлган ҳақиқатдир”, дея изоҳланиб, тарихчилар бу борадаги маълумотлар кўп эмас.

Бизнингча кундалик ҳаёт тарихини ўрганишда қуйидаги методлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, амалий натижаларни қўлга киритиш учун ёрдам беради:

- дала тадқиқотлари;
- оғзаки тарихга доир материалларни ўрганиш;
- мавжуд маълумотларни қиёсий ўрганиш;
- тарихий усуллар орқали ўрганиш (тарихий воқеаларнинг изчиллиги);
- психологик методлар;
- этносоциологик методлар;
- далиллар орқали ўрганиш (масалан газета мақолалари ва фотосуратлар орқали) дан иборат.

Ҳарбийлар кундалик ҳаётини ўрганиш ҳам тарихий тадқиқотларнинг муҳим жиҳатларидан бўлиб, бутунги кунга келиб соҳани очик материаллар асосида тадқиқ этиш дунё амалиётида анча ривожланган.

Тарихий тадқиқотлар мавзуси сифатида “ҳарбий кундалик ҳаёт” нима ва уни қандай ўрганиш керак? Тадқиқотнинг ушбу соҳаси кундалик ҳаётни тарихий тадқиқ қилишнинг умумий қонуниятларига бўйсунди, гарчи у ўзига хос хусусиятга эга бўлса-да, дастлаб жамиятнинг, мамлакатнинг ва одамларнинг қуроли можаролар ва айниқса кенг қўламли урушлар ҳолатида белгиланган.

Ҳарбий қўшинларнинг ҳар хил турлари ва ҳар хил ҳарбий касбларнинг вакиллари кундалик ҳаётнинг ўзига хос хусусиятларига ва ҳарбий воқеликни идрок этишнинг ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб, уларни қуйидаги омилларга ажратиш мумкин:

ҳар бир жангчи ва жанговар командирнинг ўзига хос ҳолати ва вазифаси;

хавфнинг энг оддий (типик) турлари;

жисмоний ва руҳий стресснинг табиати;

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

душман билан алоқа қилишнинг ўзига хос хусусияти (яқин ёки узок);

ускуналар билан ўзаро алоқа (қурол тури);
ҳарбий ҳаётнинг хусусиятлари.

Юқоридаги хусусиятлар одатда уруш ҳолатидаги ҳарбийларнинг кундалик ҳаётида кузатилади.

Ҳарбийлар кундалик ҳаётни турли ракурсларда кўриб чиқиш мумкин. Бунда оддий кунда амалга ошириладиган кундалик ишлардан тортиб, бўш вақтдан фойдаланиш маданияти, қизиқиш даражалари ва келажак режалари, кундалик ҳарбий ҳаётга доимий ижтимоийлашувда таъсир кўрсатадаган омиллар (оила, маҳалла, меҳнат жамоаси, жамоатчилик, ОАВ ва бошқалар) ни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Мазкур ҳолатларнинг хилма-хиллиги ва таъсир даражаси тегишли тарихий даврлардаги юз берганлиги билан изоҳланади. Фикримизча айнан кундалик ҳарбий ҳаёт “ҳарбий маданият”, “ҳарбий анъана”, “ҳарбий турмуш тарзи”, “ҳарбий қадрият”, “ҳарбий табиат”ни вужудга келтирувчи майдон ҳисобланади.

Бир қарашда тизимда кундалик ҳаёт олдиндан белгиланган режа асосида амалга ошадигандай туюлсада, умумий талаблардан ташқари соҳанинг ҳар бир масаласига индивидуал ёндашувнинг мавжудлиги хилма-хилликни келтириб чиқаради. Мазкур контекстда кундалик ҳаётдаги “ҳарбий маданият” (этикет, кийиниш ва овқатланиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, бўш вақтдан фойдаланиш, виртуал маданият, интизом маданияти, мулоқот ва муомала, ўзаро “ишонч ва содиқлик”, ўз-ўзини англаш, технологик маданият ва бошқалар) вужудга келиб, тизимда фаолият олиб борадиган барча бўлинма ва қисмларнинг ҳарбийлари нафақат жараёнга бевосита ҳисса қўшадилар, балки унинг хилма-хиллигини бойитишга хизмат қиладилар.

Тарихдан маълумки, ҳарбийлар кундалик ҳаётида ҳарбий анъаналар алоҳида ўрин тутиб, ҳаттоки, умумий қабул қиладиган қоидаларда ҳам вазиятдан келиб чиққан ҳолда ёндашув мавжуд. Бундан ташқари айрим ҳолларда гуманистик факторлар ҳам инобатга олинадики, мазкур ҳолат кундалик ҳаётдаги ҳарбий фаолиятнинг жамиятдаги айни кўрсаткичлари билан белгиланади. Яъни, тинчлик

ёки уруш ҳолатларига кўра кундалик ҳаёт мезонлари у ёки бу даражада ўзгариши мумкин.

Армия субкультураси, унинг антропологик, ижтимоий ёш тузилишига доир хусусиятлар, ҳарбийлар кундалик ҳаётида ёзилмаган қоидаларнинг амал қилиши, кундалик ҳарбий ҳаётдаги рамзлар, анъана ва одатлар, уларнинг ёш хусусиятлари бўйича тартибланиши (ҳарбий хизматнинг давомий вақтига қараб белгиланади, масалан 2 йил давом этадиган бўлса 1-ойгача «сынок», 1 ойдан – ярим йилгача – «молодой», «щегол», 0,5 йилдан – 1 йилгача – «дух», «салага», «шнурок», 1 йилдан – 1,5 йилгача – «фазан», «черпак», 1,5 – 2 йилгача – «старик», «дед», 2 йилдан кейин - «дембель» деб аталган) оралиқ вақт давомидаги кундалик ҳаётга доир маълумотлар В.В.Бочаров тадқиқотларида учрайди. Унинг тадқиқотларида ҳарбийларнинг ёш хусусиятлари, хизмат давридаги ҳаёти ва мавжуд ёзилмаган қоидаларнинг ишлаб чиқилган мезонларига доир маълумотлар ҳам учрайди.

Кўришиб турибдики тарихнинг барча босқичларида ҳарбийлар кундалик турмуш тарзи доимий эътиборда бўлиб, тегишли тартибда масъул давлат ва шахсий хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ эди.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, ҳарбийлар кундалик ҳаётини ўрганиш тарихий тадқиқотларнинг муҳим жиҳати эканлигини таъкидлаш ўринли. Уларни ўрганиш орқали қуйидаги натижаларга эришиш мумкин бўлади:

- тарихий тадқиқотларда “ҳарбий кундалик ҳаёт” нинг тегишли тармоқлари (этикет, кийиниш ва овқатланиш, тиббий ҳолат, бўш вақтдан фойданаланиш, виртуал маданият, интизом маданияти, мулоқот маданияти, ўзаро “ишонч ва содиқлик”, ўз-ўзини англаш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш маданияти) га доир илмий изланишларни янада жадаллаштириш орқали ҳарбийлар кундалик ҳаётининг муҳим хусусиятларини ўрганиш мумкин;

- ҳарбий анъаналарнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, бу борада ёшлар орасида ҳарбий ўйинларнинг аҳамияти, тинчлик ва ҳарбий ҳаракатлар вақтидаги бўш вақт ва ундан фойдалиниш механизмларини тадқиқ этиш, шу билан бирга мавзунинг

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

этносоциологик ва антропологик хусусиятларини ўрганиш орқали соҳага оид муҳим тақлифларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир;

- кундалик ҳаётга ҳарбийларнинг ижтимоийлашуви масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда ҳарбий ҳаётга мослашув, унинг тартиб-қоидаларига кўникиш ва уларни ўзлаштириш жараёнида амал қилинадиган қонун-қоидалар тизимига алоҳида риоя этиш лозим бўлади. Шу билан бирга ҳарбий таълим ва ҳарбий меҳнат фаолияти давомида ҳам кундалик ҳаётга муносабат турлича бўлиб, бу борада меҳнат вазифаларининг ҳар хил эканлиги, ёш хусусиятлари, ҳудудий ва бошқа омиллар маълум даражада аҳамиятга эга бўлиши мумкин;

- ҳарбий кундалик ҳаётида олдиндан белгиланган режа асосида амалга ошириладиган вазифалар, умумий талаблардан ташқари соҳанинг ҳар бир масаласига индивидуал ёндошувнинг мавжудлиги асосида вужудга келадиган хатти-ҳаракатларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш орқали муҳим натижаларга эришиш мумкин бўлади.

Шундай экан, ҳарбийларнинг тинч ва уруш давридаги кундалик ҳаётини ўрганиш зарурияти мавжуд бўлиб, маълум тарихий тадқиқотларни такомиллашуви билан бирга бугунги кунда соҳа ходимлари амалга оширишлари лозим бўлган хизмат вазифаларни белгилашда ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Бой тарихимизга муносиб буюк келажакимизни барпо этадиган замон келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олимлар кўчасидаги илмий тадқиқот институтларига ташрифидаги нутқи. Халқ сўзи. 2020 йил 1 февраль.

2. Бергер П., Лукман Т. Социальное конструирование реальности. М., 1995. С. 38.

3. Бочаров В.В. Антропология возраста. Научное исследование. СПб. Издательство С.-Петербургского Университета, 2001. 194 с.

4. Бочаров В.В. Антропология возраста. Научное исследование. С. 149-151.

ҒАРБ ТАДҚИҚОТЛАРИДА СУҒД ТАРИХШУНОСЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

Уктамжон Мансуров

Тарих фанлари номзоди, доцент

Низомий номидаги ТДПУ

Асрий миллий қадриятларнинг тикланиши билан баробар жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса бўлиб қўшилган бой тарихий ўтмишимизни холисона ўрганиш имкони яратилгани мустақилликнинг бебаҳо самарасидир. Ўзбекистоннинг улкан режалар асосида ишонч билан олға интилишини минг йилларни қамраб олган тарихимиз тажрибаларисиз тасаввур этиш қийин. Тарихни холисона, ашъвий далиллар ва ёзма манбалар асосида ўрганиш муҳим ва мураккаб вазифадир. Шу ўринда Суғд ёзма ёдгорликларини ўрганиш шарқшунослик илмий йўналиши сифатида XIX асрнинг сўнгги чорагида юзага келди. Бунда аввало, Европа олимларининг юнон, рим ёзма ёдгорликлари, қадимги Эрон ахмонийлар салтанати подшолари номидан битилган хотирот битиклари, Хитойнинг қадимги сулолавий йилномалари, араб, форс тилли тарихий ва тарихий-географик манбалардан, Суғд мамлакати, суғд халқи ҳақида тўпланган маълумотлар асосида яратилган бир қатор илмий асарлар алоҳида роль ўйнади. Жумладан, В. Томашекнинг “Соғдиана” китоби бу соҳада дастлабки муҳим қадам бўлди.

1889 йилда Н.Г. Ядринцев Ўрхун дарёси ёқалари ҳамда Шарқий Туркистон бўйлаб изланишлар олиб борди. Қадимги Уйғур ҳоқонлиги пойтахти харобалари бўлмиш Қораболғасунда унинг томонидан топилган тош лавҳадаги уч тилли битикнинг битта шакли суғдча эканлиги 1904 йилда даниялик олим Ф.К. Андреас томонидан аниқланди. Шу кашфиёт туфайли Шарқий Туркистондан топилган ёзма ёдгорликларнинг “ноъмалум ўрта эроний лаҳжа” лардан бирида ёзилган деб ҳисоблаб келинган туркуми тил жиҳатдан суғдча, ёзуви суғдий эканлиги аён бўлди. Шундай қилиб, 1904 йил суғдшунослик мустақил илмий йўналиш сифатида қарор топди.

XX асрнинг биринчи ярми суғдшунослик соҳасининг шаклланиш ва жадал ривожланиш даври бўлди. 1907-1913 йиллар орасида суғд

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

ёзма ёдгорликлари бевосита суғдий (умумсуғдий), сурёний суғдий ва монийча суғдий алифболар ёрдамида ёзилгани, китоблар қилингани маълум бўлди. Германияда Ф.В.К. Мюллер сурёний-суғд, Россияда К.Г. Залеман монийча-суғд, Францияда Р.Готьё буддавий суғд матнлари устида тадқиқотлар бошладилар. Суғд матнларининг дастлабки илмий нашрлари пайдо бўла бошладилар. Р. Готьё 1910 йилда суғд алифбосини таҳлил қилиб, унда ёзилган матнларнинг ўқилиш ва лотинча, юнонча харфлар асосида транслитерация (табдил) қилиш принципларини ишлаб чиқди.

1912 йилда эса Р.Готьё буддавий суғд ёдгорликлари орасида энг тўлиқ етиб келгани, мазмун эътибори билан ҳам муҳими ҳисобланувчи “Вессантара Жатака” номли матнни илмий изоҳлари билан нашр эттирди⁶. Ушбу нашр илмий аҳамиятига кўра дастлабки тажриба эди. Унда Р. Готьё суғд тилини матн асосида қиёсий усул билан тиклаш учун XIX-аср давомида вужудга келган ва кўп самаралар берган қиёсий тилшунослик (компативистика) ва матншунослик усулларидан фойдаланди. Лекин мазкур нашр кейинчалик Э. Бенвенист томонидан қайта кўриб чиқилди, Французча таржима, изоҳлар ва луғат билан таъминланди.

Дастлабки илмий нашрлар ҳамда Парижда сақланаётган суғд-будда матнлари таҳлили асосида 1914-23 йилларда илк бора “суғд грамматикаси” яратилди. Ушбу грамматиканинг иккинчи қисми 1929 йилда нашрдан чиқди. Унда X-XI асрлардаёқ “ўлик” ҳолга келиб, унутилган суғд тили морфологияси ва синтактик қурилишининг асосий масалалари ёритилган. 1918-1920 йилларда Россияда Ф.Розенберг, Петроград (СПб) Осиё музейи қўлёзмалар фондидаги суғдча матн парчаларидан бир нечтасини нашр қилди. Жумладан, суғдча “Шака сутра” матни ва бошқалар фондга киритилди.

Суғд ёзма ёдгорликлари нашрлари орасида 1928 йилда транслитерация, таржима ва изоҳлар тарзида чоп этилган суғдча “Эски хатлар” туркуми алоҳида воқеа бўлди. Бу туркум суғд тилида битилган мактублар мажмуи бўлиб, IV аср бошларидаги Марказий Осиё ва Шарқий Туркистон тарихининг муҳим ҳужжатли манбалари ҳисобланади.

Суғдларнинг антик даврлар ҳамда илк ўрта асрларда эришган маданий даражаси, хўжалик юритиши, оила ва жамият тузилиши,

айниқса, уларнинг халқаро савдо-иқтисодий муносабатларда, маданий алоқаларда тутган ўрни каби оз ўрганилган масалаларни тадқиқ этиш учун “Эски хатлар” деб шартли ном олган суғд ёзма ёдгорликларининг аҳамияти беқиёсдир. Тўққизта шахсий мактубдан иборат бу туркум XX аср бошида инглизларнинг Авриел Стейн бошчилигидаги экспедицияси томонидан Шарқий Туркистоннинг Дунхуан деган манзилидан топилган. Мактублар Шарқий Туркистондан IV аср бошларида у ерда яшаб савдо-сотик билан шуғулланган суғдлар томонидан уларнинг она ватани Самарқандга ва бошқа шаҳарларга жўнатишган. Аммо ўз вақтида хатлар ўз эгаларига етмай, Дунхуан яқинидаги мудофаа деворининг қоровул минораларидан бирига чарм халтачага солиб ўралган ҳолда кўмиб қолдирилган. XX аср бошида уларнинг топилиши чин маънода илмий шов-шувга сабаб бўлди. Аммо “Эски хатлар” топилганига юз йил бўлаётганига қарамай ҳалигача тўла-тўқис тушуниб талқин қилинмаган. Илмий жиҳатдан улар етарли даражада изоҳланмаган. Бинобарин, “Эски хатлар” илмий нашри 1928 йилдаёқ чиққан эди.

1928-1931 йилларда Х. Райхельт бу туркумни милодий II асрга оид деб баҳолаган эди. В.Б. Хеннинг “Эски хатлар” санаси масаласига махсус мақола бағишлаб, уларни Шарқий Туркистонда IV аср бошларида рўй берган хунлар босқини воқеаларига боғлайди. Хатларнинг ўз кутиб олувчилари қўлига етиб келмаганини ҳам ўша даврдаги мураккаб ҳарбий вазият билан изоҳлайди ва улар 313-317 йиллар орасида ёзилган деган хулосага келади. Бу фикр ҳозир кўпчилик мутахассислар томонидан қабул қилинган.

Суғд ёзма ёдгорликларини ўрганиш иши XX аср давомида мураккаб йўлни босиб ўтди. Аввалига ҳатто қайси тил ва қайси халққа мансублиги ҳам номаълум бўлган матнлар суғдий экани аён бўлгач, қиёсий усул билан бу матнларнинг алифбоси аниқланди. Тез орада суғдий матнларнинг Европа тилларига таржималари ва матн - сурат нашрлари пайдо бўлди. Уларнинг тил хусусиятлари тўла тикланди. XX асрнинг бошидан охиригача юзлаб суғд матнлари ўқиб ўрганилди. Кўплаб филологик, тарихий тадқиқотлар учун маълумот хазинасига айланди.

Суғд ёзма ёдгорликларининг Ўзбекистон тарихи учун аҳамияти беқиёсдир. Чунки, уларнинг яратилган бош макони Суғд бугунги

Ўзбекистоннинг уч вилояти Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ерларига тўғри келади. Суғд ёзма ёдгорликларининг энг муҳим тарихий ёдгорлик хусусияти, уларнинг воқеаларга четдан қараб эмас, ичида турган ҳолда ёзилганидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Tomaschek W. Centralasiatische Studien. I. Sogdiana. –Wien, 1877.- 187 p.
2. ОИЯ. СИЯ... Б. 350-351.
3. Исҳоқов М. Унитилган подшоликдан хатлар.-Т.,Фан,1992.-Б.3-5. Яна қаранг: ОИЯ. СИЯ..., Б. 351-352.
4. Muller.F.W.K. Sogdische texte, I. Berlin. 1913 (АРАW, 1912); Salemann Manichaesa. I. - Изв. Имп. АН.-СПб. 5. 907. - №7. - 6-сер.; Вып. II. шу номдаги асар. - 1907, №14; III яна шу номда. IV. - 1912; V. - 1913.
5. R. Gauthiot. De l'alphabet sogdien//JA. Ser.10.-1911.-t.17.P.37-45; Шу муаллиф. Une version Sogdien du Vessantara Jataka//JA. ser. 10 – 1912. – t.19.
6. Benveniste E. Vessantara Jataka. Text sogdien. Paris. 1946.
7. Gauthiot R. Essai de Grammaire Sogdienne. Premiere partie: Phonetique. – Paris, 1914-1923.
8. Benveniste E. Essai de Grammaire Sogdienne. Deuxieme partie. Morphologie, syntaxe et glossaire. Paris, 1929 (Mission Pelliot en Asie Centrale, t.3).
9. Rosenberg F. Deux fragments sogdien-bound-dhiques du Ts'ien-fo-tong de Touenhouang (Mission S.d'Oldenburg 1914-1915). I//Изв. Росийск. АН.-1918–Т.12; Шу муаллиф. Fragments d'un sutra. II. Изв. Росийск. АН.-1920.-Т.14.-152 p.
10. Reichelt R. Die Soghdischen Handschriftenreste. I.-Heidelberg, 1928.-138 p.
11. Reichelt H. Die Soghdischen Handschriftenreste des Britische Museums. I.-Berlin, 1928.–S. 4-57.
12. Reichelt R. Die sogdichen Handschriftenrest des Britischen Museums. I.-Heidelberg. 1928; II.-1931.
13. Henning W.B. The date of sogdian “Ancient Letters”// BSOAS.- 1972.- Vol.12. –parts 3-4.

АНТРОПОЛОГИЯ ОЛАМИДА ИНСОН ВА ТАОМ

Файзуллаева Мавлюда Ҳамзаевна

Термиз давлат университети, Жаҳон тарихи кафедраси доценти

mavlyuda.fayzullayeva@mail.ru Тел: +998915807293

Кириш: Мақолада бугунги кунда бутун дунёда антропология оламида фаол тадқиқот қилинаётган мавзулардан бири таомланиш маданияти, инсон ва таом ўртасидаги муносабатнинг ижтимоий ҳаёт билан боғлиқлиги ёритилган бўлиб, таом ва таомланишнинг белги ва маросимий томонларига, таомланишдаги таъқиқ ва чекловларга ҳамда таомланишнинг рамзий маъносига алоҳида эътибор қаратилган.

Анъанавий этнографияда, таомлар, қоидага кўра доимо моддий маданиятнинг этнографик учлиги: таомлар, кийим кечаклар, турар жойларнинг бир муҳим компоненти сифатида ўрганилиб келган.

Бугунги кунда таомланиш антропологияси – замонавий этнологлар, ижтимоий ва маданий антропологлар томонидан динамик тарзда тадқиқ этиб борилмоқда. Миллий ошхона эса ҳар доим классик этнографиянинг бетакрор тадқиқот объекти бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Таомларнинг таркиби ва тайёрланишига табиий-географик, ҳўжалик, тарихий-маданий ва кундалик турмуш тарзидаги одатий факторлар ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Шунингдек, ҳаёт тажрибасининг ажралмас қисми бўлган таомланиш инсон мавжуд бўлишининг зарурий шарти ҳисобланади. Демакки, инсон ва таом ўртасидаги муносабат ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ бўлиб, амалий билимлар фонида шаклланади.

Деҳқончилик ва хунармандчилик билан машғул бўлган аҳоли таомларини асосан наботот таомлари, чорвачилик билан шуғулланувчи ярим ўтроқ аҳоли таомларини кўпроқ сутли ва гўшти таомлар ташкил этган. Демакки, аҳолининг машғулоти ва ҳўжалик юритишига қараб ҳам таомлар фарқланганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, текислик ва чўл ҳудудларда яшайдиган аҳолининг таомлари асосан донлимаҳсулотлардан, тоғ олди ва тоғ орти ҳудудларида яшайдиган аҳолининг таомлари чорва билан боғлиқ бўлганлиги учун гўшт ва сут маҳсулотларидан тайёрланган.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Яққол кўринадикки, чорвадор аҳолининг турли хил таомлар тайёрлашида деҳқончилик билан машғул бўлган ўтроқ аҳолининг маълум даражада ҳиссаси бўлган. Яъни, чорвадор аҳоли аста-секин ўтроқлашуви жараёнида деҳқончилик ва боғдорчилик маҳсулотлар етиштирувчи аҳоли билан яқинлашиб борган ва миллий таом турларини ўзлаштириб борган. Шу ўзлаштирув жараёнида чорвадор хонадонларга хос бўлган гўштли таомларнинг ўзига хос жиҳатларини ўтроқ аҳоли ҳам ўзлаштириб олган. Натижада, аҳолининг ўзаро мулоқотида ва иқтисодий муносабатларида хўжаликларида ўзлари етиштирган зарур маҳсулотлар билан бир-бирини таъминлаб туриш йўлга қўйилган.

Бундай муносабатлар туфайли уйғунлашиш содир бўлиб, таомлар билан боғлиқ урф-одат, удумларда сезилади. Халқ орасида сақланиб келаётган урф-одат ва маросимларга аҳолининг қатъий амал қилишидан кўриш мумкинки, бу халқнинг эътиқоди, дунёқараши билан ҳам мужассамлашган.

Шу ўринда айтиш керакки, таом ва таомланишнинг белги ва маросимий томонларига, таомланишдаги таъқиқ ва чекловларга ҳамда таомланишнинг рамзий маъносига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Таомлар ва уларнинг истеъмоли билан боғлиқ урф-одат, ирим-сиримлар таҳлил этилар экан, аҳолининг моддий ва маънавий ҳаётида баъзи таомларнинг қанчалик эъзозланиши ва аҳоли ҳаётидан чуқур ўрин олганлиги намоён бўлади. Бу нарса таомга бўлган эътиқодни кучайтирибгина қолмасдан, уни тежаб-тергаб истеъмом қилиш, увол қилмаслик, керак бўлса асраб-авайлаш каби ўлмас қадриятларнинг кишилар кундалик турмуш тарзидан мустаҳкам ўрин олишига олиб келди.

Таомларнинг тайёрланиши, истеъмом қилиниши ва улар билан боғлиқ урф-одатлар турли миллатга мансуб аҳолининг, шунингдек, ранг-баранг этник гуруҳ, уруғ ва даҳаларнинг кундалик турмушидаги турли қирраларини этнологик жиҳатдан аниқлаш имконини беради.

Маросим таомлари ва улар билан боғлиқ урф-одатлар хўжалик машғулотивининг яхши, баракали бўлиши ниятида бажарилган ва бунинг ўзига хослиги унда аҳолининг касби, хўжалик фаолияти, эътиқодига кўра бир-бири билан ўзаро мулоқотга киришган. Бу

жараёнда, масалан, “касбини баракасини берсин”, деб таом тарқатишган.

Йил фасллари билан боғлиқ мавсумий-тақвимий маросимларда ҳам, жумладан, деҳқон хўжаликларида экин экиш, ҳосил йиғиб олиш, шамол чақириш, ёмғир чақириш, қовун сайли, узум сайли, дарвишона каби маросимларда, чорвадор хўжаликлардаги қўзилатиш мавсуми, қўйларга қўчқор қўшиш сингари маросимларда хўжалик аъзолари томонидан биргалашиб маросим таоми тайёрланиб, тановул қилинганки, бу инсонлар орасида илиқ муносабатлар ўрнатилишига сабаб бўлган.

Нафақат катта тантаналарнинг таомлари, балки бир-бирига тортиқ қилинган оз миқдордаги таомлар ҳам одамлар орасида илиқ муносабатларни ўрнатишга сабаб бўлган. Жумладан, сигир бузоқлаганда қўни-қўшнилarga *гилагай* улашиш, янги тандир ўрнатганда ёғлиқ патир пишириб тарқатиш, таом узатганда идишни бўш қайтармаслик каби урф-одатлар эзгуликка йўллангандир.

Таомларнинг инсонларни бир-бирига бирлаштирувчи вазифасидан ташқари, шифобахшлик, тўйимлилик, кўрғазмалилик, маросимийлик, мавсумийлик, ҳимояловчи, покловчи, тақиқловчи каби қатор хусусиятларини, қолаверса, магик кучга эга сифатида ҳам қаралганлигини мисоллардан кўриш мумкин.

Тўй-тантаналарнинг таомлари табаррук саналганлиги туфайли кўпроқ тановул қилишга ва ҳатто уйга олиб кетишга ҳаракат қилинганлиги, шунингдек, ёшини яшаб, бахтли турмуш кечирган инсонларнинг маърака маросимларида табаррук деб, олдига қўйилган таомни охиригача истеъмол қилиши ва дастурхондаги мевачевалардан уйига ҳам олиб кетиши, ёки бўлмасам, инсон вафот этсада, унинг руҳи ҳали ҳам шу оиладан умидвор деб ҳисобланиб, марҳумлар руҳига бағишлаб “ис” чиқариб турилиши юқоридаги фикрларнинг исботидир.

Таомланиш халқларнинг маиший ҳаётини, маънавий ҳаётини акс эттирадиган муҳим маданий унсурдир. Дастурхонимиздаги овқат, биринчидан, атрофимизда нима экилишини, нима боқилишини, қайси давлатлар билан алоқа қилиб, нима олиб келишимизни кўрсатади, ҳамда замонавий жамиятдаги таомланиш маданиятини кўрсатади.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Бундан ташқари, ҳар бир халқнинг истеъмолидаги сеvimли таомлари қадимги даврларга бориб тақалиб, тарихдан ҳам дарак беради. Жумладан, палов ўзбеклар томонидан неча асрлар муқаддам тайёрланиб келинаётган бўлса, картошка, карам, помидор, булғор қалампири, бақлажон маҳсулотли таомлар XX асрда ўзлаштирилган. Тарвуз-қовун ва маҳаллий мевалар ҳар доим бўлган, аммо цитрус мевалар кундалик истеъмолга энди кириб келди. Бир маданиятнинг секинлик билан кириб келиши натижасида таомлар таркибининг ўзгара боришига, этник ва маданий жараёнлар таъсирида таомларнинг турлари ҳам бойиб боришига сабаб бўлади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги замон антропологиясида одамлар ва ҳодисалар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда таомнинг аҳамияти таъкидланиб, тановул маданиятининг рамзий томонларини ўрганилади. Хусусан, инсонларнинг бир дастурхонда ўтириб овқатланиши самимий ҳаракатларни юзага келтиради.

Шуни таъкидлаш керакки, моддий маданиятни ўрганиш етакчи йўналишлардан бири бўлишига қарамай таомланиш маданияти жуда кам ўрганилган. Ваҳоланки, таомлар хўжалик-маданий типларнинг акси сифатида, маҳсулот сифатида, маданият коди сифатида, хотирада сақлаб қолиш жойи сифатида ва ҳоказо шаклларда кўринади. Миллий ошхонанинг ўзига хос хусусиятлари эса у ёки бу миллат маданиятининг қадимий илдизларини ўзида мужассам этади.

Демакки, таомланиш мавзуси этнографларнинг қарашларича моддий маданиятнинг бир қисми сифатида кўрилади, аммо, антропологиянинг ўзига хос шартига кўра концептуал равишда ўз ўрнини топиб олди. Дарҳақиқат, таомланиш маданиятини ўрганиш антропологлар учун тадқиқот марказига айланиб бормоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Т., 2007.
2. Зуннунова Г. К вопросу о ритуальной обрядности узбеков. // Ўзбекистон тарихи. 2002. №1.
3. Листова Н.М. Пища в обрядах и обычаях // Календарне обычаи и обряды в странах Зарубежной Европы. М., 1983.
4. Файзуллаева М. Ўзбек таомлари билан боғлиқ анъаналар. Тошкент, «YANGI NASHR» нашриёти. 2010.

ТУРКИСТОН ВА БУХОРОДА ЭРОН МАТБУОТИНИНГ ТАРҚАЛИШИ (XX аср бошлари)

Орзиев Маҳмуд Зайниевич

БухДУ “Жаҳон тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси

XX аср бошларида Эронга капиталистик давлатларнинг саноат маҳсулотларининг кириб келиши Эрон иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиб, майда ишлаб чиқарувчиларнинг хонавайрон бўлишига сабаб бўлди. Ишсизлик авж олиб, муҳожир ишчилар сони йилдан-йилга ортиб борди. Муҳожирларнинг яна бир оқими сиёсий ва диний таъқиб натижасида келиб чиқиб, XIX асрнинг иккинчи ярмида бобийлик ва баҳоюлла оқимларининг таъқиб остига олиниши эди. Садриддин Айнийнинг асарларида; “...кўпчилик эса, газета ўқувчиларни бобийлар ва газеталарни бобийлар китоби дер эди”- деган жумлаларнинг келтирилиши бобийларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга, маърифатпарварлик жараёнларига бошқа диний оқимлардан анча илгари киришганлар деб хулоса қилиш мумкин.

Юқорида келтирилган сабабларга кўра, Туркистонга Эрондан муҳожирларнинг кириб келиши кучайиб, 1909 йилги маълумотларда Каспийорти вилоятида уларнинг сони тобора ортиб борган. 1917 йилга қадар Россия империяси ҳудудида 200 мингдан ортиқ эронлик ишчилар бўлиб, уларнинг тенг ярми Ўрта Осиё ҳудудларига тўғри келарди. Сиёсий ва диний таъқибдан қочиб, Каспийорти вилоятига кириб келган бобийлар 1896 йилда замонавий дунёвий таълим берувчи мактабни ташкил этадилар. Шунингдек, 1901 йилда улар “Алмаориф” номли матбуот органини ҳам нашр эта бошлайдилар. Россия империяси маъмурларининг газетага хайрихоҳлигига қарамай муштарийларнинг етарли бўлмаганлиги сабабли ёпилади.

Бухорода XX аср бошларида кенг тарқалган ва Эронда нашр этилган матбуот органларидан “Адолат” ва “ал-Ҳадид” (Темир) Табризда нашр этиларди. Уларнинг иккинчи сониёқ Бухоро амирлиги ҳудудида тарқатила бошланган. Биринчи сони Табризда, кейинги нашрлари Ҳиндистонда чоп этилган “Ҳаблулматин” (Мустаҳкам ип маъносини билдиради, форс тилида) каби матбуот органи ҳам Бухоро амирлигида кенг тарқалганлиги билан ажралиб туради.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Эроннинг Табриз шаҳрида чоп этилган “ал-Ҳадид” газетаси Эрондан ташқари Усманийлар империяси, Кавказ ва Ўрта Осиёга тарқалган. Газета 1904 йилдан нашр этилиб, обуна баҳоси тўрт манат бўлган. Газетанинг 2-сони 2 саҳифасида мақолалар билан иштирок этишни хоҳловчиларга гонорар тўлаш, Кавказ ва Ўрта Осиёдан мухбирларга эга бўлиш истаги билан боғлиқ сатрлар ўрин олган. “Ал-Ҳадид” газетасининг Туркистон ва Кавказда муштарийлари кўп сонли бўлишга умид билдирилган.

Айтиш мумкинки, эронлик муҳожирлар Туркистон генерал-губернаторлигидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда империяга ўзларининг садоқатларини сақлаб турганлар. 1905-1907 йилларда Россия империясидаги инқилоб даврида ўлкадаги турли аҳоли гуруҳлари ва уларнинг инқилобий ҳаракатларига муносабатлари ўрганилган. Каспийорти вилояти Ашхобод уезди бошлиғи Куколь-Яспольский 1905 йил ўз раҳбарларига йўллаган ахборотларининг бирида; “Унга қарашли бўлган уездда кўплаб “Эроний” лар борлиги, аммо, саводсизликлари ва жоҳилликлари сабабли инқилобий ҳаракатларга қўшилмасликлари”ни ёзган бўлса, тарихий адабиётларда Самарқанд, Жиззах ҳудудларида бир неча юз “эроний” бўлгани ҳолда улар ҳукуматни қўллаб-қувватлаганликлари тарихий адабиётларда келтириб ўтилган.

Эронлик муҳожирлар асосан майда савдогарлар, ҳунармандлар бўлиб, улар орасида маърифатпарварлар салмоғи ҳам анчагина эди. “Алмаориф” газетаси тезда ёпилган бўлсада, унинг ўрнига 1902 йилда “Хуршиди Ховар” (“Шарқ қуёши”) газетаси Лазиз Азиззода муҳаррирлигида чоп этила бошланади. Закаспий вилоятида Эрон муҳожирларининг сонининг ортиб бориши ва уларнинг Россия империясига хайрихоҳлиги сабабли қатор матбуот органлари вужудга келади. Жумладан, 1914 йил 14 декабридан “Закаспийская туземная газета” сига илова сифатида турк-форс тилларида “Рўзномаи мовари баҳри Хазар” газетаси чоп этила бошланган. Шунингдек, юқорида тилга олинган “Хуршиди ховар” газетаси маълум бир муддат ёпилган бўлиб, 1915 йилда яна худди шу ном билан фалсафий, илмий ва диний мазмунда С.М. Қосимов муҳаррирлиги остида чоп этила бошланган.

Форс тилидаги матбуот ва Эрон матбуотининг 1917 йилдан кейин Туркистон ўлкасида анча фаоллашганлигини кўришимиз мумкин. Тарихий адабиётларда советлар тузумига қарши ташвиқот олиб борган матбуот органи сифатида “Раат” газетаси тилга олиниб, унинг муҳаррири сифатида собиқ Россия империясининг Техрондаги вакилларида бири Саид Али Ризо эканлиги тилга олиб ўтилади.

Шўролар инқилоби даврида Самарқандда 1919-1921 йилларда форс тилида нашр юзини кўрган ва Боғишамол эронийлари “Ишторкин” (партия, фирқа) матбуот органи бўлган “Шўълаи инқилоб” (“Инқилоб шуласи”) журнали инқилобни, шўро ғояларини форс-тожик тилли аҳоли орасида тарқатишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Журналнинг масъул муҳаррири Саид Ризо Ализода бўлиб, жаъми 91 та сони нашр юзини кўрган. Унинг тўлиқ нусхалари Бухоро вилоят кутубхонасида сақланмоқда. Саид Ризо Ализода Ўрта Осиёда истиқомат қилувчи “эроний” лар орасида ўзининг илм-фан, маорифга қўшган улкан ҳиссаси билан алоҳида ажралиб туради. “Шўълаи инқилоб”га қадар Саид Ризо Ализода Бехбудий томонидан ташкил этилган “Ойна” (1910-1914 йилларда чоп этилган) журналида масъул котиб бўлиб ишлаган. 1915 йилда эса, ўзи мустақил равишда “Шарқ” номли газетасига, 1916 йилда “Телеграф хабарлари” газетасига асос солади. Инқилоб ғояларидан илҳомланган Саид Ризо Ализода 1919 йилда “Шўълаи инқилоб” журналига асос солган. Аммо, кейинчалик ўз қарашларидан чекинганлиги боис 1938 йилда қатағонга учраган.

Саид Ризо Ализода “Шўълаи инқилоб” журналида Эроннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақида, Эронда чоп этилган матбуот органлари ҳақида имкон қадар маълумот бериб боришга алоҳида эътибор қаратган. Жумладан: “Шўълаи инқилоб”нинг 16-сони, 1919 йил 16 август шанба кунги сонидан; “Ашқобод йўли бойлангандан сўнг Эрон матбуотидан Ўрта Осиёда яшовчи “эроний” лар маҳрум қилингани, Эрондаги ҳолатдан хабарсиз бўлиб қолганликлари, эндиликда йўлнинг очилиши билан бир неча Эронда чоп этилган газеталар Самарқандга етиб келгани, улар 4-5 ой илгари чоп этилганлиги ва Ашқободда тўпланиб қолганлиги, Самарқандга етиб келган газеталар “Жарчии миллат” (“Миллат жарчиси” Техронда чоп этилган), “Шарқи Эрон” (“Эрон шарқи”

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Табризда чоп этилган) газеталар эканлиги билан боғлиқ маълумотлар келтириб ўтилади.

Ўрта Осиё худудларида яшовчи “эроний”лар орқали Эрон давлати худудида кейинчалик инқилобий ҳаракатларни ташкил этиш, бунинг учун улар орасида коммунистик ғоялар тарғиботида фаол иш олиб бориши коммунист раҳнамолар томонидан назоратга олинган. Эрондаги инқилобий вазият эса журнал саҳифаларида ёритилиб борилган. Жумладан, журналнинг 32-сон, 1920 йил, 1 март, душанба кунги сонида “Инқилоб изловчиларнинг Эрондаги кўзғолони” номли мақола чоп этилиб, унда Эрондаги инқилобий вазият хусусида бир қадар тўлиқроқ маълумотлар келтириб ўтилганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, “Шўълаи инқилоб” журнали собиқ совет давлати ва Эрон ўртасидаги муносабатларни яхшилашда, Эронда шўро мафкурасини тарғиб қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган. “Шўълаи инқилоб”нинг 26-сон, 1919 йил, 29 декабрь душанба кунги сонида Самарқандда Эроннинг бош консулхонаси очилиши ва унинг икки давлат ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришдаги аҳамияти хусусида фикр-мулоҳазалар келтириб ўтилганлигини ўқишимиз мумкин.

“Шўълаи инқилоб” журналида Россия-Эрон ўртасидаги ўзаро келишув шартномаси моддалари ҳам келтирилган бўлиб, собиқ совет Россиясининг Эрон давлатининг Россия империяси қарзларидан бутунлай воз кечганлиги келтириб ўтилади. Журналда, ушбу шартнома шартлари, моддалари ва таҳлили Эронда чоп этиладиган “Ватан” рўзномасидан кўчирилганлиги ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилади.

Собиқ Россия империясининг Каспийорти вилояти ҳам “эроний” мигрантлар салмоғи кўплиги билан ажралиб турган вилоятлардан бири бўлиб, форс тилида ва инқилобий руҳдаги матбуот органлари Каспийорти вилояти маркази бўлган Ашқободда ҳам чоп этила бошланган. “Шўълаи инқилоб” журналининг 16-сонида: “Полторацкий (Ашқобод)да мусулмон шўъбаси томонидан “Нажот” номли ҳафталик газета чоп этила бошлангани, матбуот органи Ишторкиюн партиясига қарашли эканлиги, аммо, газетанинг нархи кейинги сонларда эълон қилиниши”-хусусидаги фикр-мулоҳазалар келтириб ўтилган.

Тарихий манба ва адабиётларда Эрондан Ўрта Осиёга кириб келган XX аср бошларидаги яна бир қатор матбуот органлари “Ирони нав” (“Янги Эрон”), “Иттиҳоти машриқи” (“Шарқ бирлиги”) ва бошқалар хусусидаги маълумотлар ҳам мавжуд бўлиб, ушбу матбуот органларини таҳлил этиш орқали Ўрта Осиё минтақасида “эроний” диаспораси, улар орасида XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзгаришларни таҳлил қилиш мумкин. Ушбу масалани мукамал, комплекс тарзда ўрганишни келажакдаги вазифалардан бири деб ҳисоблаймиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Айний С. Асарлар 8-томлик, Т-1. (Бухоро инқилоби тарихи учун материалла) - Т.: ЎзССР давлат адабиёт нашриёти; 1963. – 384 б.
2. ал - Ҳадид (форс тилида), Табриз, 1904 йил, 2 – сон, 4 март
3. Инқилоб изловчиларнинг Эрондаги қўзғолони//Шўлаи инқилоб. 32-сон, 1920 йил, 1 март.
4. Искандаров Б.И. Бухара (1918-1920 гг.). – Душанбе. Издательство Дониш, 1970. – 168 с.
5. Литвинов В.П. Исторический опыт Российского государства в организации и регулировании паломничества мусульман Средней Азии (1865-1917 гг.) диссертация на соискание учёной степени доктора исторических наук. – Елец-2019. – 461 с.
6. Маннанов Б. Из истории Русско-Иранских отношений в конце XIX-начале XX века. – Т.: Наука, 1964. – 154 с.
7. Рус ва Эрон келишуви моддалари//Шўлаи инқилоб. 71-сон, 1921 йил, 11 апрель.
8. Труды института востоковедения РАН. Вып. 15: Россия и Иран: пять веков сотрудничества. – М.: ИВ РАН, 2018. – 492 с.
9. Эрон матбуоти//Шўлаи инқилоб. 16-сон, 1919 йил, 9 август.
10. Эрон консул генерали Самарқандда//Шўлаи инқилоб. 26-сон, 1919 йил, 29 декабрь.

АРАБ ЁЗУВИДАГИ НОДИР ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАРНИ МОДДИЙ-ТЕХНИК МАЪЛУМОТЛАРИГА ҚАРАБ ТАҲЛИЛ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРЪЛИГИ

Хусен Хайруллоевич Джураев

*Бухоро вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини ошириш институти ўқитувчиси*

Ўзбекистоннинг истиқлоли халқимизнинг миллий ўзлигини англаш ва унутилаётган қадриятларимиз тиклана бориши, авлодларимизнинг ўтмиш тарихи чуқур ўрганилиши қаторида қўлёзмаларни ўрганишнинг долзарблиги, хаттотлик мактабларининг фаолияти, тарихи, мирза-мунший ва котиблар ҳақидаги манбаларни излаш, топиш, тадқиқ этиш ҳамда илмий муомалага киритиш ҳам барча тарихий воқеалар каби муҳимдир.

Ўтган VIII асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Бухородан кўплаб ўқимишли кишилар, машҳур хаттотлар, маърифатпарварлар, таржимонлар, шоирлар, тарихчи ва ўлкашунослар етишиб чиққан ҳамда самарали ижод қилиб, келажак авлодга бой маданий ва илмий мерос қолдирганлар.

Аждодларимиз томонидан турли даврларда ёзиб қолдирилган қўлёзмалар халқимизнинг ўтмиш маданияти, тарихи ва турмуш тарзини ўрганишда қимматли маълумотлар берувчи ишончли манба ва ҳужжатдир.

Бизнинг тарихимизга оид салмоқли тарихий манбалар аввал араб тилида яратилган бўлса, айниқса давлат раҳбарлари ёки ҳокимлар араб бўлганларида, кейинча форсий тилда битилдиким, бу тил илмий доиралар, мадраса ва мактабларда умумий тараққиёт даражасини белгиловчи зарурат сифатида ўргатилар, XIX аср охиригача зиёли оилаларда араб тили дин ва “Қуръони карим” тили сифатида, шеърият ва бошқа соҳалар учун форсий ҳамда туркий тиллари истифода этилар эди.

Манбашунос олим т.ф.д профессор Абдумажид Мадраимов: “Форс тилида битилган тарихий асарлар анъанага биноан араб тилида номланар, уларда ҳам исломий манбалар ҳамда исломий тарихий асарлар хусусиятлари яққол кўзга ташланар эди. Ҳатто, ёзув ёки хат тури араб алифбосида бўлиб, кейинчалик форсий ҳамда туркий тил хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда йигирма саккиз араб ҳарфига

тўрт ҳарф қўшилди, натижада араб ёзувига асосланган форс ва туркий тил ёзуви вужудга келди” – дея, асосан қўлёзма манбалар форс ҳамда туркий ёзувларида қўчирилганини таъкидлаб ўтган.

XIV асргача, асосан араб ёзувининг мумтоз турларидан куфий, насх ва сулсдан фойдаланилган бўлса, XV асрдан бошлаб янги ёзув настаълиқ теурийлар даврида Мир Али Табризий номли хаттот томонидан ихтиро этилиб, истеъмолга киритилди. Бу ёзув бадий ва тарихий асарларда етакчи ўрин эгаллади.

Аммо, тарихий асар матни ичида келган “Қуръони карим” оятлари, ҳадиси шарифлар анъанага биноан араб тилида, куфий, насх ва сулс ёзувларида барча ҳаракатлари кўрсатилган ҳолда ажратилиб битилар, сўнгра уларга форсий ёки туркий тилда изоҳ, тафсир келтирилган. Форс тилининг тарихий манбалар тилига айланиш даври ва тараққий этиши китобат санъатининг Мовароуннаҳр ва Хуросонда юксак даражада ривожланиш замонида тўғри келди.

Аксарият форс тилидаги тарихий асарлар олий сифатли қоғозга битилар, китоб турли ажойиб нақшлар ва мўъжаз расмлар билан зийнатланиб, сарой кутубхоналари ҳамда аъёнлар учун яратилган мўътабар қўлёзмалар олтин ва кумуш сувлари, турли бўёқлар билан безатилиб, китобат санъатининг шоҳ асарлари даражасида яратилиб, юксак санъат намуналарига айлантиллар эди.

Манбаларни моддий-техник маълумотларига қараб таҳлил этиш ҳақида манбашунос А. Мадраимов: “Манбаларни моддий-техник маълумотлари деганда қўлёзма китоб ёхуд ҳужжат битилган қоғознинг ўлчами, қоғози, варақлар сони, муқоваси, матн ўлчами, хати, сиёҳи, хаттоти, асар номи, муаллифи, китобат тарихи, жойи каби маълумотлар назарда тутилади. Бу маълумотлар асар ёзилиш сабаблари, унинг ёзилган жойи ва ўша вақтдаги техник тараққиёт ҳамда ижтимоий-сиёсий муҳитни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Бу маълумотларни аниқламай туриб, асарда баён этилган воқеалар ҳақида, умуман қўлёзма асар ҳақида тўғри ва тўла тасаввурга эга бўлиш, унинг хусусида фикр билдириш мумкин эмас.” – деб маълумот келтирган.

Қўлёзма китобларнинг муаллифи, асар номи, ёзилган вақти ва жойини аниқлаш қийин. Чунки қадимги қўлёзмаларда бугунги кундаги китоблардаги каби муқованинг ўзидаёқ асар номи, муаллиф номи, китоб бошланиши ва охиридаги каби зарурий маълумотлар келтирилмаган. Баъзи ҳолларда асар охири – колофон-хотимада унинг

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

кўчирилган вақти ва жойи ҳамда котибнинг номи қайд этилади, холос.

Маълумотлар келтирилмаган тақдирда, асарнинг матни, ёзилиш ҳамда китобати тарихи, қоғози, хати ҳамда тили ва тил услубига қараб тахминан аниқланади. Бундай маълумотларни аниқлаш тадқиқотчидан катта ҳаётий тажриба ва юксак малакани талаб қилади. Бу анча қийин ҳамда масъулиятли ишдир. Бундай масалаларни машҳур китоб билимдонлари Ибодулла Одиллов, Абдуқодир Муродов, Абдулла Носиров ҳамда Шодмон Воҳидов каби юксак малакали мутахассисларгина бир неча ёзма манбаларни солиштириш, қиёслаш асосида ҳал қилишлари мумкин.

Асар муаллифи ва унинг шахсини аниқлаш қўлёзма китобни илмий таҳлил этишда катта аҳамиятга эга. Бу асарнинг яратилиш тарихи ва унинг ёзилишига сабаб бўлган ижтимоий-сиёсий муҳитни аниқлаб олиш учун ҳам зарурдир. Одатда, қадимги қўлёзма асарларда кўп ҳолларда муаллифнинг исми маълум ва кўзга ташланадиган жойда, масалан, асарнинг боши ёки охирида қайд этилмайди. Баъзан, у муқаддима қисмида ёки асар ўртасида, воқеалар баёни орасида бирон масала юзасидан тилга олинади. Кўп ҳолларда эса муаллиф ўзининг ҳақиқий исмини айтмай, “фақир-у ҳақир”, “ожиз ва хоксор”, “бу ғариб банда” деб аташ билангина кифояланади. Бундай ҳолларда асар варақма-варақ, сатрма-сатр, алоҳида эътибор ҳамда синчковлик билан ўрганилиши лозим. Шундай ҳам бўладики, асарнинг бирон ерида муаллиф ўзи, отаси ёки яқинлари ҳақида бир-икки калима айтиб ўтади. Ёки баён этилаётган воқеага ўзининг муносабатини (масалан, “Абдуллахон тахтга ўтирган вақтда камина Ҳофизи Таниш ибн Мир Муҳаммад 33 ёшда эдим”) билдиради.

Юртимиз ҳудудида форс тилида яратилган тарихий манбаларда ҳам арабий, ҳам туркий, айрим ҳолларда мўғул тили элементлари, сўзлар, иборалар, атамалар ва ҳужжатлар учраши ҳамда мавжуд бўлиши биз учун бир табиий ҳолдир. Чунки, ўтмишда халқимиз зиёлилари ва намояндалари учун бир неча тилни билиш ҳамда уларни ишлатиш одатий ҳол эди. Халқимизнинг XIII асрлик тарихи ушбу санъат асосида битилди. Буюк хаттотларимиз тарихимизни битар экан ёзаётган сўзларига шунчаки ҳарф бирикмаси деб қарамадилар, улар ҳарфларни ёзиш асосида Шарққа хос бўлган назокат ва нафосатни унутишмаган, шунинг учун ҳам тарихимиз қанчалик улдуғвор бўлса, у битиб қолдирган ёзув шу қадар нафис,

тарихимиз қанчалик шонли бўлса, у битиб қолдирган ёзув шунчалик муסיқийдир.

Хуллас, Бухорода китоб кўчириш араб, форс ва туркий тилларда настаълиқ ва “Насхий Бухорий” хати расм бўлган. Котиблар ва хаттотлар кўпроқ саройларда, айрим амалдорлар хузурида гуруҳ бўлиб ишлаган. Китобат ва хаттотлик санъати Марказий Осиёда теурийлар, шайбонийлар ҳамда сўнгги сулолалар аштархонийлар ҳамда манғитлар (амирлик) даврида юксак даражада тараққий этган ва ривожланган. Бухоро хаттотлик мактаби, хаттотлик санъатининг ривожланишида, китоб безаш ва миниатюра ишлаш борасидаги юксак ютуқларга эришган. Бухоро хаттотлик мактаби хуснихат соҳиблари (хаттотлар, котиблар ҳамда мирзамуншийлар) Марказий Осиё халқлари ичида жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшишган.

Сўзимиз сўнггида, Бухоро қозикалони, хаттот ва китобсевар Шарифжон Махдум Садр Зиё: “Замонанинг сустиги, котибларнинг ноёблиги ва хаттотларнинг йўқлиги сабабли ушбу кунларимизда ўтган аср, кечган замонларнинг машхур котиблари номи бутунлай кўринмай қолди ҳамда исмлари унутилди. Бирор котибни билувчи ёки ёзувини танувчи, уларнинг хушхатлиги қадрига етувчи бирон киши топилмаяпти. Бу каби бефарқлик ва лоқайдлик кун сайин ортиб, борган сари, аксинча, мазкур ҳолнинг яна ҳам авж олаётгани мушоҳада этилмоқда. Ана ўша мухтарам котиблар номини тирилтирмоқ ҳамда буюк ўринбосарлар номини бошқаларга билдирмоқ илинжида ўз шахсий кутубхонамдаги китобларни ушбу тариқа номма-ном тилга олмоққа ихтиёр этилди. Аллоҳ мададкор бўлсин.” – дея ибратомуз насиҳат қолдирган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Джураев Ҳ. Бухоро хаттотлик мактаби тарихи ва унинг маданий ҳаётга таъсири. – Самарқанд. Имом Бухорий халқаро маркази. 2019. – 204 б.

2. Madraimov A., Fuzailova G. Manbashunoslik. – Т.: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati. 2008. – 263 б.

3. Вохидов Ш., Чориев З. Садр-и Зия и его библиотека. Из истории книги и книжной культуры в Бухаре в начале XX века. / Книги, библиотеки, каталоги. Книга 1.–Т:Янги аср авлоди, 2007. – 352 с.

4. Шарифжон Махдум Садр Зиё. Тазкират ул-хаттотон. ЎзФАШИ, инв. № 1304. вар. 15.

O'RTA OSIYONING MODDIY MADANIYATI VA SAN'ATI
TARIXINI O'RGANGAN ARXEOLOGIK
EKSPEDITSIYALAR

To'rayeva Guli Bahriddinovna

BuxDU Buxoro tarixi kafedrası o'qituvchisi

Arxeologik ekspeditsiyalar — moddiy madaniyat yodgorliklarini dala-tadqiqot yo'li bilan o'rganish uchun tashkil qilinadigan ekspeditsiyalardir. Ularni ilmiy tadqiqot institutlari, oliy o'quv yurtlari, muzeylar va o'lkashunoslik to'garaklari tashkil etadi. Ko'pincha, ekspeditsiyalar kompleks ravishda tuzilib, tarkibiga arxeologlardan tashqari etnograf, antropolog, geograf, tuproqshunos, biolog, botanik va boshqa soha olimlari ham kiritiladi. Uzoq yillar ishlashga mo'ljallanib, mustaqil ishlaydigan otryad va guruhlardan iborat qilib tuziladi. Har bir ekspeditsiyaning o'ziga xos nizomi, ilmiy kengashi, maxsus bazasi bo'ladi.

O'rta Osiyoda dastlabki arxeologik kuzatuvlar 19- asrning 2-yarmida boshlangan. 1895 yilda Toshkentda Turkiston arxeologiya havaskorlari to'garagi tashkil qilingan. **Turkiston arxeologiya havaskorlari to'garagi** - Turkiston o'lkashunoslari tomonidan tuzilgan ilmiy jamoatchilik tashkiloti sifatida faoliyat yuritgan. 1895 yilda Toshkent shahrida tashkil etilgan. Asosiy vazifasi o'lkadagi qadimgi yodgorliklar, sharq qo'lyozmalari, numizmatika va etnografiyaga oid materiallarni qayd qilish va hisobga olishdan iborat bo'lgan. To'garak a'zolari, shuningdek, qadimgi shahar xarobalarini tekshirib, dastlabki arxeologik qazish ishlarini olib borganlar. Turkiston o'lkasining tarixi va ma'muriy tuzumi bo'yicha o'rta asr sharq qo'lyozma manbalari, xalq afsonalari, maqollari, matallari, urf-odat, folklorga oid materiallarni to'plagan. Shu bilan birga to'garak a'zolari xalqimizning nodir qo'lyozma va madaniyat boyliklarini Rossiyaga jo'natishga ham ko'maklashganlar. V. V. Bartold to'garak asoschilaridan bo'lib, uning faollaridan hisoblangan. To'garak a'zolari qatorida, shuningdek, M.S.Andreyev, A.A.Divayev, N.S.Likoshin, N.G.Mallitskiy, N.P.Ostroumov, A.A. Semyonov va boshqa bor. To'garak 1917 yilda tarqalib ketgan.

1900 yilda O'zbekiston tarixini davrlashtirish masalasi yuzasidan yozma manbalarni o'rganishga kirishish bilan birga, arxeologiya yodgorliklarini qazib topishga ham jiddiy e'tibor berila boshlanadi.

Arxeologiya sohasida Moskva, Sankt-Peterburg va O'zbekiston arxeologlari: A. YU. Yakubovskiy, G. V. Grigorev, S. P. Tolstov, M. E. Masson, V. A. Shishkin, YA. F. Gulomov singari olimlar faoliyat ko'rsatganlar.

1920 yildan O'zbekistonning har bir viloyatida turli Arxeologiya ekspeditsiyalari ish olib bordi. Eng yirik Arxeologiya ekspeditsiyalari — Termiz arxeologik kompleks ekspeditsiyasi va Xorazm arxeologiya-etnografiya ekspeditsiyasi 1936 — 37 yillarda tuzilgan. Ekspeditsiyalar tarixiy va madaniy yodgorliklarini topish va o'rganishga muayyan hissa qo'shdi. Tuproq qal'a, Qo'yqirilgan qal'a, ko'hna Termiz shaharlaridan moddiy madaniyat va san'atning ajoyib yodgorliklari topildi.

Ikkinchi jahon urushidan so'ng Arxeologiya ekspeditsiyalarining faoliyati yanada avj oldi. 1946 yilda Janubiy Turkmaniston arxeologiya kompleks ekspeditsiyasi, So'g'd-tojik arxeologiya ekspeditsiyasi tashkil qilindi. O'zbekiston FA Arxeologiya instituti otryadlari O'zbekistonning turli tumanlarida tadqiqot ishlarini olib bordi.

Akademik YA. G'ulomov rahbarligidagi Arxeologiya ekspeditsiyalarining Xorazm, Zarafshon va Toshkent vohalarida, Farg'ona vodiysida; A. R. Muhammadjonovning Buxoroda olib borgan arxeologik tadqiqotlari O'zbekistonning qadimgi sug'orish sistemasi va dehqonchiligini o'rganishda, undan xalq xo'jaligi maqsadlarida foydalanishda katta ahamiyatga ega Asqarov boshchiligidagi otryadning Sopollitepa, Jarqo'tonla olib borgan qazishmalari ancha samarali bo'ldi. U. I. Islomov rahbarligidagi otryad O'zbekistonning qator viloyatlarida tosh davriga oid yangi yodgorliklarni qazib o'rgandi, Afrosiyob ekspeditsiyasi qadimgi Samarqandni o'rgandi va uning ilk o'rta asrlarga oid devoriy rasmlarini ochdi, Erqo'rg'onda ish olib borgan otryad (R. H. Sulaymonov boshchiligida) antik va ilk o'rta asrlarga oid madaniyat va san'at namunalari topdi. 1959 yilda G. A. Pugachenkova rahbarligida O'zbekiston san'atshunoslik ekspeditsiyasi tuzildi. Ekspeditsiya Dalvarzintepa, Xolchayon, Budrochtepada qazishmalar o'tkazib, qizil sopollarning noyob namunalari topib, tadqiq qildi.

Galina Anatolevna Pugachenkova — taniqli arxeolog va san'atshunos, O'zbekiston fanlar Akademiyasi akademigi, arxeolog Mixail Evgenevich Massonning rafiqasi sanaladi.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

G.A.Pugachenkova O'rta Osiyo arxitekturasi tarixi bo'yicha 1941 yil u arxitektura bo'yicha nomzodlik dissertatsiyasini himoya qildi.

1942-1960 yillarda SAGU arxeologiya tarixi kafedrasida, dotsent lavozimida faoliyat yuritdi. 1958-1960 yillarda Hamza nomidagi san'atshunoslik institutiga katta ilmiy xodim bo'lib ishlaydi, 1960 yilda Hamza nomidagi san'atshunoslik instituti san'at va arxitektura bo'limi mudirasi sifatida faoliyat yuritdi.

XX asrning 40-yillari boshlarida Galina Anatolevna O'zbekiston, Turkmaniston va Afg'oniston hududlarida arxeologik qazish ishlarida faol ishtirok etdi. 1946-1961 yillarida u Janubiy Turkmaniston arxeologik kompleks ekspeditsiyasining VII-qator (JTAKE) boshlig'i bo'ldi. Ekspeditsiya yakuniga ko'ra, Qadimgi Baqtriya, Parfiya qirolligi, Dalvarzintepa va Kampirtepa xarobalari davrida, me'moriy inshootlari bo'yicha hamkasblari bilan ilmiy asar nashr etildi.

1959 yili Pugachenkova "Ilk o'rta asrlarda Janubiy Turkmanistonda arxitekturaning rivojlanish yo'li" mavzusida doktorlik dissertatsiyasini himoya qildi. 1959-1984 yillarda Galina Pugachenkova O'zbek san'atshunosligi ekspeditsiyasining ilmiy rahbari va boshlig'i bo'ldi. 1962 yil u professor unvoniga ega bo'ldi. 1968 yili O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasiga muxbir a'zosi, 1984 yili O'zRFA haqiqiy a'zosi (akademik) bo'ldi.

2000 yil —O'zbekiston badiiy akademiyasi Oltin medaliga sazovor bo'ldi.

"O'zbekiston san'ati" monografiyasi muallifi sanalib, arxeologiya darsligi bo'lib, bir qator O'rta Osiyo mamlakatlari OTMLariga mo'ljallangan. Uning rahbarligi ostidagi mutaxassislar guruhi O'zbekiston arxitekturasi yodgorliklari to'plamining bir qancha tom (jild)lari nashrga tayyorlandi.

O'zbekiston mustaqillikka erishganidan keyin O'zbekiston FA san'atshunoslik ekspeditsiyasi yapon arxeologlari bilan hamkorlikda bu yerda, shuningdek Qoratepa, Termizda keng ko'lamda arxeologik ishlar olib bormoqda.

АДАБИЁТЛАР:

1. https://uz.wikipedia.org/wiki/Turkiston_arxeologiya_havaskorlari_to%CA%BBgaragi
2. Набиев .А Тарихий ўлкашунослик ., Т.-1996
3. <https://qomus.info/oz/encyclopedia/a/arxeologiya-yodgorliklari>

BUXORO VOHASIGA KO'CHIB KELGAN TURKMANLARNING OILA-NIKOH MUNOSABATLARI

To'rayev Anvar Ismoilovich

Bux DU "Jahon tarixi" kafedrasida o'qituvchisi.

“Oila” so’zi keng mazmunga ega bo’lib, o’z hayotini yaqin qondoshlari va ota-onasi bilan birgalikda yashovchi muqaddas o’choqni (ro’zg’or) anglatgan. Sharq oilasining boshida doim erkak (oqsoqol) bo’lgan. Boshqa musulmon xalqlari singari, oilaviy masalalarni hal qilishda, turkmanlar, avvalo, Odat va Shariat qonunlariga, shuningdek, oila an’analariga amal qilishgan.

Turkmanlar orasida “bitta farovonlik” - “baxtli oila”, “bitta otaning bolalari”- “bitta o’choqli oila” deb yuritilgan. Turkman oilalarda 3-4 avlod yashagan ota-onalar, bolalar va nevaralar va ularning barchasi bitta o’choqning vasiylari bo’lgan. O’choq bu birlik, ro’zg’or, katta oilada yashayotgan aka-uka, opa-singillarni bitta maqsad yo’lida birlashtirish, ota-onaning o’g’itlari hamda hayotiy tajribalarini o’rganish orqali yangi hayotga qadam qo’ymoq demakdir.

Buxoro vohasiga ko’chib kelgan turkmanlarda oilaviy hayotda shunday an’ana bo’lgan. Turkman yigitlari uylanib, yangi hayotga qadam qo’ygach, bir muncha vaqt o’tib otasining o’chog’idan (ro’zg’or) ajralib, o’z uyi, oilasi daromadini mustaqil ta’minlashga kirishgan. Oila boshlig’i – ota buning uchun o’g’liga yer, chorva mollari, dehqonchilik uchun zarur bo’lgan barcha narsalarni ulashgan. Turkmanlarda *öylenmek* (uylanmoq) so’zi “alohida uyga ega bo’lish”, “alohida xonadonni boshqarish” degan ma’noni anglatadi. Faqatgina ba’zi o’ziga to’q, boy turkman ayonlari ushbu an’anani buzgan holda, uylangan farzandini alohida yashashga ruxsat bermagan.

Hozirgi vaqtda o’rganishlar shuni ko’rsatadiki, Buxoro vohasida yashab kelayotgan turkman oilalarda bunday odat saqlanib qolmagan. Bugungi kunda ota-onasi bilan birga yashash eng kenja o’g’il zimmasiga to’g’ri keladi. Yoki voris ota-onaning ixtiyoridan kelib chiqadi. Bunda farzand ota-onasini hurmat-izzatini joyiga qo’ygani, oilani taminotini taminlab bilishi, kelinning qaynota-qaynonasiga mehribonligi va hokozolar inobatga olinadi.

Buxoro vohasida istiqomat qilib kelgan turkmanlar hayotida oila va bola tarbiyasi muqaddas bo'lib, ular o'z sulolasininig obro'sini, sha'nini ko'tarishga e'tibor qaratganlar. Bugungi kunga qadar oilada bolalar va ota-onalarning munosabatlari, kelinning o'rni, qo'shnilar bilan munosabatlar va boshqalarga katta ahamiyat beriladi. Bolalarni tarbiyalash bilan bog'liq bayramlar va marosimlar odat qonunlariga muvofiq o'tkaziladi. Oila boshlig'iga eng yaqin maslakdosh bolalarini tarbiyalagan, oilaviy urf-odatlar va urf-o'datlarni saqlagan va qo'llab-quvvatlagan, uyda qulaylik yaratgan rafiqa bo'lgan. Har doim turkman ayollari farzandi va nevaralarini tirishqoqlik bilan ishlashga, nochorlarga yordam qo'lini cho'zishga, jamiyat uchun foydali inson bo'lishga va yomon ishlarni qilmaslikka chaqirgan.

Turkmanlarda odat qonunlariga ko'ra bolalar ota-onasiga bo'ysunishlari, ularga itoat etishlari, ota-onalarini xafa qiladigan xatti-harakatlar qilmasliklari kerak. Agar bolalar o'zini tutish qoidalariga rioya qilmasa, ular ota-onalarini qishloqdoshlari orasida noqulay ahvolga solishadi deb yoshligidan farzandlarga uqtirib kelganlar. Turkman maqolida aytilishicha: "Otang yashar ekan, o'zingga nom qozon", "Oltin va kumush qadimgi emas, ota va onaning bahosi yo'q" deb bayon qilingan.

Antik davrda ham, hozirgi paytda ham to'y va u bilan bog'liq marosimlar turkmanlar hayotidagi eng muhim voqealardan biri hisoblanadi. To'y nafaqat har qanday turkman oilasida, balki umuman jamiyat hayotidagi eng muhim bayramlardan biridir. Turkman xonadonlarida to'y uchun undan ancha oldin va ko'pincha yillar davomida tayyorgarlik ko'rilgan. Zamonaviy to'y-marosimi uchta asosiy narsani o'z ichiga oladi: uylanish, nikoh va to'y, yangi turmush qurganlarni iqtisodiy mustaqillikka erishayotgani, oilali bo'lish ma'suliyati, ota-onasi bilan birga ayolini hurmot qilish va qadrlashi rasmiy ravishda yoshi keksa oqsoqollar tamonidan tushuntirib berilgan.

Turkmanlarda oila qurishda urug'-aymoqchilikka, qaysidir xalqqa mansubligiga e'tibor berilmagan. Buxoroda yashab kelgan arab, yahudiy, lo'li xalqlarida esa, oila qurish o'z millatdoshi yoki bir urug'dagi vakil bilan nikohlanishi odat tusiga kirgan. Turkman yigitini kimga uylanishi yoki qizning kimga turmushga berilishining ular uchun farqi bo'lmagan. O'ziga to'q, boy-badavlat turkmanlarning ko'p ayollari bo'lgan, lekin ko'pgina hollarda ikkita ayolga egalik qilganlar. Qalin to'lash urf bo'lgan. Bu qalinni

chorva yoki bug'doy bilan to'laganlar. Uning qiymatini pulga chaqqanda 40 rubldan 500 rublgacha va undan ko'proqni tashkil qilgan. Olib borgan dala tadqiqotlarimizda ham shunga guvoh bo'ldikki, Mohixosa va Galaosiyoda yashab kelayotgan turkman oilalarda qalin pulini kelinning onasi yoki otasi olgan. Qalinsiz nikoh faqat eng yaqin do'stlar o'rtasida tuzilgan. Uylangan yigit o'z ota uyidan butunlay chiqib, alohida yashashni ma'qul deb bilgan. Shunday ham bo'lganki, ajralib chiqqan o'g'il o'z chodiri bo'lishiga qaramay, oilasi bilan o'z otasining uyida tushlik va kechki ovqatni birgalikda qilishgan, ya'ni umumiy qozondan ovqatlanishgan. Oiladagi turli bahslar, kelishmovchiliklar, er-xotin o'rtasidagi mojarolar, meros masalasi qozilar ishtirokisiz o'zaro hal qilingan. Turkmanlarning qoziga shikoyat bilan borishi kamdan-kam hollarda yuz bergan. Buxoroga ko'chib kelgan turkman ayollari yuzlarini yopib yurmaganlar. Ayollarning ko'p vaqti dalalarda dehqonchilik, uyda esa uy hunarmandchiligi ishlari bilan band bo'lib, oilaga daromad keltirish, ro'zg'orni kam-ko'stini to'ldirishda turmush o'rtoqlariga yordam berib kelganlar.

Demak, o'rganilgan manbalar va dala tadqiqotlarining tahlili shuni ko'rsatadiki, Buxoro vohasidagi turkmanlar o'tmishda va bugungi kunda oilasini farovonligini o'ylab tinch-totuv yashab kelganlar. Turkmanlarda boshqa xalqlarga nisbatan farzand tarbiyalashga e'tiborliroq bo'lganliklari uchun yaxshi muhitda tarbiyalangan yigit va qizlar turmush qurganlaridan so'ng ajralishlar kam bo'lgan. Hazirgacha oila-nikoh marosimlarda turkman xalqiga xos urf-odatlar saqlanib qolmoqda. Masalan, kelinning onasi tamonidan sut pulini olinishi yoki qalin pulini olish, yigit tamonidan qizni olib qoshish, sovchi sifatida dastlab erkaklar yigitni otasi, amakisi, yoki qishloqni obro'yli kishilari yuborilganini ko'rishimiz mumkin.

АДАБИЁТЛАР:

1. Тишков В.А. “Туркмены” М. “Наука” -2016. -с 294.
2. Мухамметбердиев К.Б., Оразгылыжов Я. “Туркменистанын тарыхындан материаллар”. Ашгабат-1997. -Б 12.
3. Жуманазар Қурбоний. “Туркман халқ донишмандлиги”-Т.: “Ўзбекистон”. 2018. –Б 154.
4. Русский Туркестань сборник. М. 1872.-с. 108.

ЎЗБЕК МАТБУОТИДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Амонкелди Ахматов

Бухоро давлат университети ўқитувчиси

Туйқусдан бошланган иккинчи жаҳон уруши туфайли адабий жараён, айтиш мумкинки, тамоман инқирозга юз тутди. Бирдамликни намоён қилган халқимиздан меҳр шафқат садоқат инсонийлик қолди. Шу жумладан адабий муҳит вакиллари ҳам фронтда ва фронт ортида ғалабага ўз ҳиссаларини қўшдилар. Адиблар олдига қўйилган янги вазифаларни бажаришда бухоролик ижодкорлар ҳам душманга қарши умумхалқ курашида жонбозлик кўрсатдилар. Қуйида ушбу ижодкорлардан айримларининг ижодини ўрганиш орқали адабий муҳит тарихига янги далиллар киритиш мақсад қилинган.

Жаҳон уруши даврида ёзувчи ва адабиётшунослардан 250 тасининг қони душманга қарши жангда тўкилди. Муса Жалил, Аркадий Гайдар, Султон Жўра, Олим Шарофиддинов, Ҳасан Саид сингари ижодкорлар фашизмга қарши курашиб қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар.

Уруш адабий муҳит вакиллариининг ғоявий қарашлари, адабий мавзуларига жиддий ўзгартиришлар киритди. Ижодкорлар олдида ватан ва унинг мудофааси билан бевосита боғлиқ бўлган мавзулар асосий ўринни эгаллади. Мудофаа мавзуси халқ ватанпарварлиги ва қаҳрамонлигини акс эттиришдан иборат бўлди. Ёзувчиларимизнинг умумиттифоқнинг ёвуз душманига қарши олиб борилган қаҳрамонона курашларини ва фронт орқасидаги фидокорона меҳнатини тасвирлаш орқали ватанпарварликнинг улуғвор кучини намоёиш қилдилар. Ўзбек адиблар икки фронтда жанг қилдилар. Парда Турсун, Муса Жалил, Аркадий Гайдар, Султон Жўра, Олим Шарофиддинов, Ҳасан Саид, Шароф Рашидов каби ижодкорлар бевосита жанг майдонида; Ҳамид Олимжон, Садриддин Айний, Ойбек, Ғафур Ғуллом, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Ойдин, Миртемир сингари адиблар меҳнат фронтида ҳаракатда бўлдилар. Манбаларда келтирилишича 50 дан ортиқ ўзбек ижодкорлари

фронгда бевосита иштирок қилиб, қурол ва қалам билан душманга қарши курашдилар.

Шариф Нурхон иккинчи жаҳон уриши йилларида ҳам қизғин меҳнат ва ижод билан шуғулланди. Фронгдаги жангчилар жасоратию фронт ортидаги кексаю ёшларнинг матонатини, уларнинг ғалабага ишончларини тараннум этувчи “Олға бос”, “Марди майдон”, “Йиғилинг” каби қатор шеърларини ёзиб, уларни республиканинг “Қизил Ўзбекистон” (ҳозирги «Ўзбекистон овози»), «Ёш ленинчи» (ҳозирги Туркистон”) ва вилоятнинг “Бухоро ҳақиқати” (ҳозирги “Бухоронома”) газеталарида эълон қилди. Шоир “Олға бос” шеърида халқ номидан жангчига шундай мурожаат қилади:

Қувлагин босқинчиларни, бир нафас дам олмасин,
Тоғу ўрмонлар ичида ҳийла айлаб қолмасин.
Баъзи қишлоқларга бориб қонли ташвиш солмасин,
Кўксингни халқингга қилгин қалъа, қалқон, олға бос.

Урушдан кейинги йилларда шоир вайрон бўлган халқ хўжалигини қайта тиклашда янада фаолроқ қатнашди. Ватан ободлиги йўлида қилинаётган ишлардан мамнунлик туйиб, “Бухоромиз”, “Бухоронинг юрак кўри”, “Турар жойим”, “Арзир”, “Зар дарёси”, “Мевазор бўлсин” каби шеърларида она юрт ва уни обод қилаётганлар меҳнатини тараннум этди.

Султон Жўраев Бухоро адабий муҳити вакили ўзбек адабиётининг ёрқин вакили ҳисобланиб 1910 йил Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида Қоғолтом қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган. Дастлаб 1927 йил “Меҳнат кўйнида” номли шеъри “Янги йўл” журналида босилади. Шеърийат ва насрга қизиққан шоир “Юлдуз” тахаллуси билан газеталарда қатнаша бошлайди.

1930 йилда билим юртини муваффақиятли тамомлаган Султон Жўра Бухоро шаҳридаги учинчи (ҳозирги 9-ўрта умум таълим мактаби) ўрта мактабда, Рометан туманидаги мактабда ишлаш билан бирга маҳаллий матбуотда шеър ва мақолалари босилади. 1932 йилда Бухорога келган Ғафур Ғуломнинг ташаббуси билан Тошкентда “Шеърлар” номли тўпламда унинг ҳам шеърлари босилиб чиқди.

Уруш бошлангач ватан олдидаги бурчини адо қилиш учун жанг майдонига йўл олади ва қаҳрамонларча ҳалок бўлади. Ўзбек шоири

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Султон Жўра ҳам ватан мудофааси йўлида жон қурбон қилган бухоролик ижодкорлардан эди. Қўлига қурол олиш билан бирга фронтдаги ижоди билан ҳам ғалабага ҳисса қўшган Султон Жўра “Соғиниб”, “Соғинчли салом” каби шеърларини ҳаракатдаги армия сафида бўлиб ёзган эди. Нома шаклида ёзилган ушбу шеърларида шоирнинг болаларига айтган соғинчли қалб сўзлари ифода этилган. Фашистларнинг ёвузликларини фош қилган “Соғинчли салом” шеърида ёш қизчани ўлдирган фашистлардан ўч олишини тасвирлар экан, Варвара олдида ўз болаларини кўз олдига келгани тайин. Шеър охирида:

Хуллас, фашист ёвларни
Тор-мор этиб батамом
Сўнгра, жигарбандларим,
Ёнингизга қайтаман.

Афсус шоир ёвлардан қасос олган бўлсада фарзандлари ёнига қайтолмади. Султон Жўранинг вафоти муносабати билан унинг командири шоирнинг оиласига хат ёзган эди. Мактубда тилга олинган.

Иккинчи жаҳон урушининг ғалаба билан яқунланиши Бухородаги адабий ҳаракатга қайта жон киритди. 40-йилларнинг иккинчи ярмидан эътиборан Тошпўлат Ҳамид, Гулчеҳра Сулаймонова, Очил Тоғаев, Шарофжон Орифий, Нурмуҳаммад Турмуҳаммедов (Нурбек) ва бошқалар республика матбуотида дастлабки асарлари билан кўрина бошлашди, айтиш мумкинки, адабий ҳаракатчилик ўзига хос тетапоялик даврини кечишга киришди.

Аминжон Шукуров эса зуллисонайин адиб, ҳам тожик, ҳам ўзбек тилларида ёзади. Унинг аксарият ҳикоялари Бухоро ўтмиши воқеаларидан сўзлайди. Тарих баҳонасида она юрт муҳаббатини улуғлаш дастлаб “Садои Шарқ” журналида сўнгра алоҳида ҳолда нашр этилган. “Мардуми шариф” (“Шариф одамлари”) трилогиясининг лейтмотивидир[3]. Ҳозирча чоп этилган “Мардуми шариф” ва “Рўзҳои бе бозгашт” (“Қайтмас кунлар”) деб номланувчи икки китоби иккинчи жаҳон уруши даврида Бухорога кўчириб

келтирилган саноат корхоналарини қуришда маҳаллий халқ кўрсатган жасорат улуғланади.

Кичик тадқиқотдан аён бўлдики уруш йилларида адабиётда асосан ватан, мудофаа, ғалаба сингари жанговор руҳ устуворлик қилиб, инсонийлик, душманга нафрат, халқ ва ватанга муҳаббат, халқлар дўстлиги, қаҳрамонлик мавзулари юксак бадиий тасвирда ифодаланган. Аммо лекин таҳлил натижаларидан уруш йилларида Бухорода адабий муҳит бироз тушкинликка тушгандек кўринади. 1945 йилдан кейинг давр эса адабий ҳаракат қайта жонланганини кўриш мумкин.

АДАБИЁТЛАР:

1.Алиев С. Бухорода битилган байтлар. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги матбаа бирлашмаси, 1992. –Б. -128 б.

2. Бахтиёр ва барҳаёт адиб. – Бухоро ҳақиқати, 1970 2 феврал.

3.Сафаров О. Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар, Бухоро Дурдона нашриёти, 2015. –Б. -583.

4.Нурмуҳаммедов Ў. Даваткор шеърят. –Т.: “Ўқитувчи”, 1983. 23-26.

5. Мирзаев С, Шермуҳамедов С. Ҳозирги замон ўзбек адабиёти тарихи. Ўқув қўлланма./ Т.Бобоев таҳр.қилган/. –Т.: Ўзбекистон, 1993. - 422 б.

6. Сайдуллаев М. XX аср ўзбек адабиёти. Янги аср авлоди, 2005. - 420 б.

МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЎРТА АСРЛАРДА АҲОЛИСИ ВА ЭТНИК ТАРКИБИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Саодат Маҳаммадиева

Тошкент давлат техника университети ўқитувчиси

Ўзбекистон тарихини, хусусан унинг қадимги замон ва ўрта асрлардаги тарихини ўрганишда бугунги кунда озми-кўпми ютуғимиз бор, лекин қилинадиган ишлар, тарихимизнинг ёзилмаган саҳифалари анчагинадир.

Айрим тадқиқотчилар таърифича, X-XI асрларда Ўрта Осиёда тўртта уруғ-қабилла иттифоқидан иборат давлатлар мавжуд бўлиб, улар ўнлаб этносларни бириктирган. Мазкур заминда аста-секин

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

муайян ҳудуд, тил ва этник бирлик шаклланиб, ҳозирги туркий халқлар: ўзбеклар, уйғурлар, қозоқлар, қорақалпоқлар, туркманлар, ва қирғизлар келиб чиққан. Демак, ўзбек, туркман, қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа ўрта асиёлик халқларнинг келиб чиқиши ва этник тарихини минтақадаги мураккаб этник жараёни аниқ тасаввур қилмагунча объектив баҳо бериш ниҳоятда қийиндир.

Мовароуннаҳрга XV аср охири ва XVI аср бошларида кириб келган Дашти Қипчоқ ўзбекларининг авлодлари учинчи гуруҳни ташкил этганини биз тарих саҳифаларидан яхши биламиз, турклар каби уларнинг ҳаётий фаолиятларида ҳам ярим кўчманчи ҳаёт ва уруғ-қабилавий анъаналари сезилиб турган. Туркларга нисбатан бу белгилар уларда анчайин кучли акс этган. Аммо, шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу гуруҳлар мавжуд барча белгиларига кўра ягона ўзбек элатининг таркибида бўлиб, унинг бир бутунлигини таъминлаган. Айнан шу фикрни бу борада катта тадқиқотлар олиб борган Б. Х. Кармышева ҳам тасдиқлаган.

XIX асрнинг 80-йилларида фарғона ўзбекларида асосан аҳолининг ўзига тўқ қисмида йирик оилалар мавжуд бўлганлиги ҳақида В. П. Наливкин ва М. В. Наливкиналар ўзларининг асарларида маълумотлар келтиришган.

Илмий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, фарғона водийсининг шимолий қисмида қирғизларнинг ўнг қанот гуруҳига кирувчи саёқ, жедигар, бағиш, монголдор, “сўл” қанотига мансуб сари, басиз, кушчи, чанбағиш, қитёт, мундуз каби уруғ қабилалари жойлашганлар. Водийнинг жанубий қисмида эса асосан, “ичкилик” гуруҳига кирувчи бўстон, қипчоқ, тейит, найман, мунғуш, кесак, жокесак, қанди, кайгут, авот, тёлас каби уруғ-қабилалари, жанубий-шарқий қисмида, жумладан Ўш ва Аравон атрофларида қирғизларнинг адегин ва мунғуш уруғлари яшаган. Фарғонанинг шарқий ҳудудларида эса “ичкилик” гуруҳига мансуб бўстон, қипчоқ, тейит, найман, мунғуш, кесак ўнг ва сўл гуруҳларига кирувчи бағиш, могол, мундуз, басиз уруғлари истиқомат қилиб келишган.

Фарғона-Ёзёвон-Қува учбурчагида бўстон, қанди, найман, қипчоқ, жокесак каби бир нечта қирғиз уруғларининг кичик гуруҳлари жойлашган эди. Буни ушбу ҳудуддаги баъзи бир топонимик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Масалан жой номлари

орасида этнонимлар Бўстон (бир неча қишлоқлар), Қанди, Найман (бир неча қишлоқлар) Қирғиз-қипчоқ, Қизил-қипчоқ, Кесақ, Будкачи (найман уруғининг тармоқларидан), Чопқилдиқ (найман уруғининг тармоғи), Дурмонча (қипчоқ уруғининг тармоғи), Торайгир (қипчоқ уруғининг тармоқларидан), Шабада (Бустон уруғининг тармоғи) каби этнотопонимлар учрайди.

Тейит уруғи Ўш, Андижон ва Марғилон атрофидаги ҳудудларда кўчманчи ҳаёт кечириб келишган. Тейит, Қора Тейит, Хидирша, Кўклан (охирги уч ном тейит уруғининг тармоқларини англатган) қишлоқлари ҳам айнан шу ҳудудларда жойлашган.

Қирғизларнинг узоқ вақт ўзбеклар билан ёнма-ён яшаши, уларнинг этник қиёфасида ўзбекларга ҳос айрим сифатларни ҳам қарор топишига ҳам сабабчи бўлган. Масалан қирғиз этнонимлари орасида қурама, қалмоқ номлари бўлган. Ахборотчиларнинг берган маълумотлари кўра ушбу номлар ҳам қирғизлар, ҳам ўзбеклар орасида учраган.

XIX аср охири – XX аср бошларида қирғизларнинг ижтимоий структураси, табақавий бўлиниши шарқнинг бошқа халқлари каби феодализм патрархал ҳусусиятга эга бўлган. Қирғизларда феодализм муносабатлар уруғ-жамоавий ва патрархал алоқалар, шунингдек ҳукмрон табақа билан тобе табақа ўртасида ўзаро ижтимоий муносабатлар тизими мажмуида ўзига ҳос кўринишга эга бўлган.

Фарғона водийси аҳолиси қадимдан савдо сотиқ билан машғул бўлиб келишган. Гарчи водийнинг ўтроқ аҳолиси учун стационар савдо шакли ҳос бўлсада, улар кўчманчи ва ярим кўчманчи халқлар билан ҳам қизғин савдо алоқаларини боғлаганлар. Одатда бир ўзбек, тожик, уйғур савдогарлари қирғизлар жойлашган олис овулларга бориб савдо муносабатларини амалга оширганлар. Ушбу кўчманчи чорвадор қирғизлар жойлашган ҳудудларда ҳали пул-товар муносабатлари яхши ривожланманганлиги боис, бу ерларда олиб борилган савдо-сотиқ асосан махсулот айирбошлашга асосланган эди.

Илмий адабиётлар ва манбалар асосида шунини айтиш мумкинки, ўзбеклар ва уйғурлар этник ва антропологик жиҳатдан ниҳоятда яқин аммо ўрта асрларда турли сабабларга кўра, ғарб томонга кўчган мўғул ирқига мансуб шарқий ғузларнинг (дунгху) аралашуви уйғурларнинг этник таркибига жиддий таъсир кўрсатган. Хитой олимларининг

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

тадқиқотларига кўра, милоддан аввалги III-II асрлар давомида уйғурлар шарқий ва ғарбий уйғурларга бўлинган. Ғарбий уйғурлар уху, ухе шарқий уйғурлар эса вэйхэ, юанхэ деб аталган. Ғарбий уйғурлар (уху, ухэ) Тангритоғ ва Иртиш дарёси билан Балхаш кўли оралиғида яшаган бўлишса, шарқий уйғурлар (вэйхэ, юанхэ) Сибир, Байкал (Бойкўл) кўли атрофида ва Олтойнинг шарқий томонларида яшаганлар. Хитой манбаларида “Жюминг уху” (тўққиз ўғуз) ва “Жюминг хуэйхэ” (тўққиз уйғур) каби этнонимлар учрайди. Икки хил аталган бу уйғурлар аслида шарқий уйғурлар бўлиб, уларнинг таркиби уйғур, буху, хун, бойирқу, тунгро, изгил, чибни, басмил, қарлуқ, каби тўққиз қабиладан иборат бўлган, демак, уйғур ва ўғуз этник номлари икки қисмга бўлиниб кетган бир халқнинг икки хил номи бўлган. Рус ва Европа тилларидаги адабиётларида ўғуз ва уйғурларни хар хил авлодлар деб ҳисоблашган. Кейинги асрларда ўғуз деб номланган ғарбий уйғурлар (араб, форс манбаларида гузлар, ғузлар) аксарият туркий халқларнинг шаклланишида салмоқли ўрин эгаллаган. Тўққиз қабиладан ташкил топган уйғурлар азалий уйғур ёки ички уйғур деб номланган. Хитой манбаларида қарлуқ ва қирғиз қабилалари уйғурлар таркибидан ажралиб чиқиб, алоҳида яшаганлиги ҳақида маълумотлар учрайди.

Уйғурларнинг кўп авлоддан ташкил топганлиги “Шажараи турк” да қуйидагича баён қилинган. “Уйғурлар юз йигирма уруғ эл эрдилар, Чингизхоннинг набиралари замонида Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ироқда девонлар ва дафтардорлар барчалари уйғур эрди”. Манбаларга асосланиб уйғурлар бир қабиладан кўпайган халқ эмас, балки туркий қабилаларнинг катта бир қисмидан иборат деб билишимиз лозим. Хитой манбаларидаги туркий қабилалар санаб чиқилганда 58 та бўлиб, улардан 22 таси уйғурлар таркибига киради. Кейинчалик буларнинг кўплари ўзбеклар таркибига қўшилиб кетган, шунинг учун ҳам уйғурлар яшаган жойлар Шарқий Туркистон ҳудуди билан чекланмайди. Ўтмишда уйғурларнинг бир қанча уруғ ва қабилалари кейинчалик ўзбеклар билан аралашиб кетган. Ўзбеклар орасида уйғурлар билан аралашиб кетган оилалар талайгина эди. Бу икки халқ минг йиллар давомида Буюк Ипак йўли билан боғланиб келган. Помир ва Тангритоғ (Тяньшан)нинг ғарбий ва шарқий ҳудудлари Осиёдаги энг қадимий маданият марказлари ҳисобланиб,

ушбу тоғлардаги савдо йўлларининг ғарбий томонида ўзбеклар, шарқий томонида уйғурлар фаол ҳаракат қилганлар. Икки халқ халқаро савдо ва маданий алоқаларда муҳим ўрин эгаллаб, улар орасидаги ўзаро алоқалар тўхтовсиз давом этган. Турк хоқонлиги, Қорахонийлар даврида ўзбек ва уйғур халқлари яшаган ҳудудлар ягона давлат таркибида бўлиб, кейинги асрларда Буюк Ипак йўлининг ривожланиши бу муносабатларни яна ҳам фаоллаштирди.

Ўзбекистон мустақиллика эришгач Ўрта Осиё халқлари тарихини ўрганишнинг янги бир босқичига қадам қўйилди. Ўзбек халқи шаклланиши жараёнида кўплаб этник компонентлар қатнашиб, уларнинг этник тарихи, яшаган ҳудудларини ўрганиш борасида жуда кенг миқёсда тўпланган археологик, антропологик, эпиграфик, лингвистик ва этнографик маълумотлар асосида ўзбек халқи тарихини янгидан ёритиш мақсадида йирик фундаментал тадқиқотлар олиб борилди. К. Ш. Шониёзов ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масаласида бир неча йирик фундаментал асарлар яратди. Олимнинг мустақилликдан сўнг эълон қилинган “Ўзбек халқи этногенезининг айрим назарий масалалари (1998)”, “Ўзбек халқи шаклланиш ҳаракатининг айрим масалалари” (1999) мақолаларида мураккаб этник жараёнлар борасидаги методологик қарашларни баён қилди. Айниқса олимнинг вафотидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тарих институти раҳбарияти, бир қатор олимлари таҳрирлигида нашр этилган “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни” (2001) асари ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига бағишланган йирик тадқиқотдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қадимдан Ўрта Осиё халқларининг келиб чиқиши жуда кенг бой илмий манбаларга таянади.

АДАДБИЁТЛАР:

1. Губаева С. С. Этнический состав Ферганы в конце XIX – начале XX в. – Т.: Фан, 1983. – С. 30
2. Кармишева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М., 1977. – С. 67.
3. Бўриев О. Ўзбек оиласи тарихидан: Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари аҳолиси турмушидан тарихий лавҳалар. – Т., 1994. – Б. 21.

4. Абрамзон С. М. Киргизы и их этнические и историко-культурные связи. – Фрунзе, 1990. – С. 23.
5. Губаева С. С. Этнический состав населения Ферганы в конце XX – начале XX в. – Т., 1983. – С. 45.
6. Ферганская долина: этничность, этнические процессы, этнические конфликты. – М.: Наука., 2004. – С. 65.
7. Абрамзон С. М. Киргизы и их этнические и историко-культурные связи. – Фрунзе, 1990. – С. 38.
8. Джамикараев А. Б. Развитие торговли в Киргизии в конце XIX - начале XX в.в. – Фрунзе, 1965. – С. 11.
9. Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк Қ.Муниров ва Қ.Махмудовлар нашрга тайёрлаган. – Т., 1992. – Б. 46.
10. Фэн Узяиан, Чэнг Суло, Му Гуаньвэн. Уйғур тарихига оид маълумотларнинг қисқача тўплами. 2-жилди. – Пекин, 1981. – Б. 111.
11. Краткая история уйгуров. – Алма-Ата, 1991. – С. 28.
12. Хўжаев А. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Т., 2007. – Б. 46.
13. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12 жилди. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 564.
14. Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк Қ. Муниров ва Қ. Махмудовлар нашрга тайёрлаган. – Т., 1992. – Б. 30-33.
15. Хўжаев А., Хўжаев К. А. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. – Т., 2001. – Б. 22-25.
16. Рахматуллаев Х. Динамика этнической структуры сельского населения Ферганской долины. // Расы и народы. Ежегодник. – М., 1988. Вып. XVIII.

AMIR SHOHMUROD FAOLIYATI DAVRIDA BUXORO AMIRLIGIDA IJTIMOIIY- IQTISODIY VA SIYOSIY HAYOT

(MANBASHUNOSLIK TAHLILI)

Tilavova Shahnoza Salohitdinovna

Buxoro davlat universiteti magistranti

Ilmiy rahbar: t.f.f.d. D. M. Jamolova

O'zbek davlatchiligi tarixida muhim o'rin tutgan Buxoro amirligida (1756-1920) hukmronlik qilgan mang'it hukmdorlardan biri, sulolasining 3-vakili Amir Shohmurod (1785-1800) bo'lib, o'zining odilona boshqaruv siyosati bilan alohida ajralib turadi. Uning davlatni boshqarishdagi mohirona siyosiy faoliyati Buxoro amirligining ijtimoiy-iqtisodiy hamda siyosiy hayotiga sezilarli ta'sir ko'rsatdi. Ushbu maqolada, Amir Shohmurodning olib borgan siyosiy faoliyati davrida Buxoro amirligidagi ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy hayotning qanday bo'lganligi masalasi tarixiy manbalar asosida tahlil qilinadi. O'sha davr mahalliy tarixchilardan Mirza Abdulazim Somiy, Ahmad Donish, Muhammadhakimxon to'ra, Mirzo Salimbek, Sayyid Mansur Olimiy kabilar o'z asarlarida bu masalaga alohida to'xtalib o'tganlar.

Amir Shohmurod hijriy 1163 yoki 1164 (milodiy 1740- 1742-yillar orasida) yilda dunyoga keladi. Otasi davrida u Karmana va keyinchalik, Qarshi viloyatining hokimi bo'ladi. Shuningdek, aksariyat tarixiy manbalarda Amir Shohmurod shaxsiyati haqida iliq fikrlar bildiriladi. Jumladan, Mirza Abdulazim Somiy o'zining "Mang'it sultonlari tarixi yoki Buxoro xonligining inqirozi" nomli asarida, Amiri Mas'um va g'oziy nomini olmish amir Shohmurodning odil va haqgo'y hukmdorligini ta'kidlasa, Mirzo Salimbek esa "Kashkuli Salimiy. Tavorixi muttaqadimin va mutaaxirin" nomli asarida, Amir Shohmurod farosatli, aqlli va taqvodor bo'lganligi sababli "jannatmakon" deb atalganligi haqida ma'lumot berib o'tadi. Xorij tadqiqotchisi Anke Fon Kyugelgen esa uning saroy ahli tomonidan "Bekjon" deb atalishini yozadi. Ahmad Donish mang'it amirlarining faoliyatiga ko'p hollarda salbiy baho bersada, ammo, Amir Shohmurodni xalifa Umar bilan bir qatorga qo'yib, amirlik kiyimini kambag'allik kiyimi bilan bezadi, jahon bog'idan dushmanlik va yomonlik tomirini sug'urib tashladi va adolat nihollarini o'tkazdi, deb uning davlatni

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

boshqarishda tutgan siyosatini yuksak baholaydi. Amir Shohmurodga davlatni boshqarish vakolati zimmasiga tushgandan so'ng, dastavval birinchi amalga oshirgan ishi, mamlakatda siyosiy boshqaruv bo'yicha qat'iy tartibni o'rnatish bo'ldi. Ya'ni soxta xonlik an'anasiga chek qo'yib, ashtarxoniy Abulg'ozini taxtdan chetlashtiradi va taxtni rasman o'zi egallaydi. Abulg'ozixonga esa Buxoro shahridagi Bozori Xo'ja guzaridan joy berib, o'zi va oilasi uchun umrbod nafaqa tayinlaydi. So'ngra o'z ukalarini viloyatlarga hokim etib tayinlaydi, lekin keyinroq barchasini o'z lavozimlaridan chetlashtiradi. Bizningcha, Amir Shohmurod ukalarining viloyatlarni boshqarishdagi ishlaridan qoniqmagan va viloyatlar boshqaruviga mas'uliyatli kishilarni tayinlagan.

Mang'itlar faoliyatini yorituvchi manbalarda Amir Shohmurodning shariat normalariga qat'iy amal qilganligi hamda, shariat qoidalariga zid bo'lgan va uning talablariga mutlaqo javob bermaydigan barcha narsalarni bekor qilganligi haqida ma'lumotlar uchraydi. Jumladan, tarixnavis Somiyning ma'lumotlariga ko'ra, Amir Shohmurod davrida barcha bid'atlar bekor etilib, sunnati Rasul yana kuchga kiradi. U shariatni keng miqyosda yoyib, o'z holiga tashlab qo'yilgan vaqflarni qayta tiklaydi, masjid-u madrasalarni ta'mir ettirib, qadamjoyi avliyolarni obod qiladi. Turk tadqiqotchilaridan biri Nurettin Hatino'g'li ham tarixiy manbalarga asoslanib, Amir Shohmurod islom dinini mustahkamlovchi qonunlar chiqarganligi, dinning tayanchi bo'lmish ulamolar uchun vaqf yerlarini ajratgani, Usmonli turklar Misrni fath etganida xalifalik maqomini qayta tiklagan bo'lsa, Buxoro amirligida ham shayxulislom maqomini joriy etganligini yozib o'tadi.

Amir Shohmurod hali bola paytidayoq otasi boshqaruvi davridagi tartibsizlik va qudratli amaldorlarning beboshliklarga aslo chiday olmaydi. Shuning uchun ham Ahmad Donishning ta'kidlashicha, u har doim ...bularni (ya'ni davlat amaldorlari nazarda tutilmoqda) tartibga solish davlat va dinning vazifasidir, aks holda, fuqaroning ahvoli shu darajaga boradi-ki, mamlakat xarobalikka yuz tutgay der edi. Muarrir yana davom etadi: Shu sababli ham, u zolimlar eshigiga borishni o'zi uchun or deb bildi. Oddiy fuqarolar orasiga kirib, shayxlarning biriga shogird tushdi. Tabiiy qobiliyati tufayli, qisqa vaqt ichida dinga oid bilimlarni puxta egalladi va so'fiylar sulukidan bahramand bo'ldi. Shu sababli Amir Shohmurod taxtga o'tirganidan so'ng, Qo'qon tarixnavislik maktabining namoyondasi Muhammadhakimxon To'ra ta'biri bilan aytganda: amirlik ishlari saroyi asosini adolat kursisi ustiga o'rnatib,

adolatining chamansaroyi sitam shohini fano shamshiri bilan kesib, sipoh va raiyatni o'z qanoti ostiga oldi.

Amir Shohmurod o'z faoliyatida ommaga suyanib ish tutadi. U shahzodalik davridayoq xalq manfaatini ko'zlab, otasi davrida mavjud bo'lgan qo'shimcha yig'imlar, oluq- soliqlarni olib tashlaganligini Ahmad Donish o'z asarida qayd etib o'tadi. Shuningdek, u 1785- yilda amirlik hududida pul islohoti o'tkazib, sof kumush va oltin tangalar zarb qildiradi (turk tadqiqotchisi Nurettin Hatino'g'lining tadqiq etishicha, tangalarda kumush miqdori 3,36 gramm bo'lgan va shuningdek, sof oltin tanganing zarb qildirilishi Amir Shohmurod islohotlarining eng samaralisi bo'lgan) va bu bilan mamlakat iqtisodiy ahvolini yaxshilashga erishadi. Mana shu tangalarda ilk marta amir unvoni tilga olinadi. Bu o'rinda "amir" so'zini "amir- ul mo'minin", "mo'minlar amiri" ma'nosida sharhlash mumkin. Buxoro amirlari aynan Shohmurod davridan boshlab arab xalifalari va Usmonli turk sultonlari singari o'zlarini butun musulmon dunyosining diniy hukmdori hisoblab, "Buxoro- islom dinining tayanchi va qudrati" degan fikrga tayanganlar. Bundan tashqari, Amir Shohmurod o'z faoliyatida moliyaviy, ma'muriy, sud va harbiy sohalarda ham katta islohotlarni amalga oshiradi. U muhtasib (rais) mansabi va qo'shinda qoziaskar lavozimini joriy etadi.

Shuningdek, Amir Shohmurod davrida Buxoro amirlarining qo'shni davlatlar bilan diplomatik munosabatlari ham kuchayadi. U Usmonli turk sultonligi va Rossiya imperiyasiga bir necha marta elchilar jo'natadi. Manbalarda Amir Shohmurodning turk sultoni Salim III (hukmronlik davri 1789- 1807) ga 1789- yili yuborgan maktubi saqlanib qolgan. Rossiya davlatiga 1795- 1796- yillarda Eshmuhammad va Mas'ud Doniyor o'g'li elchi qilib jo'natiladi. Bu davrda Buxoro amirligi bilan bilan Rossiya o'rtasida savdo- sotiq rivojlanadi.

Amir Shohmurod tashqi siyosatida Marv, Balx va boshqa hududlarni Buxoroga qaytarish uchun Xurosonga qilgan harbiy yurishlari alohida ajralib turadi. U bir tomondan xalqqa, ikkinchi tomondan lashkarga suyanib, mamlakat siyosiy yaxlitligini ta'minlash bilan birga, eronlik Nodirshoh bosqini yilida (1740) Buxoro ixtiyoridan chiqqan Xurosonni qaytarish uchun harbiy harakatlarni boshlab yuboradi. Xususan, 1789-1790- yillari Marvda o'z hokimiyatini o'rnatib, marvliklardan bir necha 10000 kishini Samarqand va Buxoroga ko'chirtiradi. Shundan so'ng, eskidan Samarqand yoki Buxoro (ya'ni poytaxt ma'nosida) izmida bo'lib

kelgan Balx, Maymana, Andxud kabi viloyatlarni qaytarib olish payiga tushadi. Ammo, bu oson emasdi. Zero 1747- yildan Balx, Badaxshon, Andxud, Maymana, Sharqiy Seyiston, Balujiston, Sind, Kashmir, Panjob kabi viloyatlarni o'z tasarrufiga olgan durroniylar (ya'ni hozirgi Afg'oniston davlatiga asos solgan sulola) namoyondasi Temurshoh (1773-1793) ham bo'sh keladiganlardan emasdi. Qo'qon tarixchisi Muhammadhakimxon to'ra ular o'rtasida bo'lib o'tgan tafsilotlarni o'z asarida quyidagicha yoritadi: "Shohmurodbiy zamonasida Temurshoh ibn Ahmadshoh afg'on Kobuldan Movarounnahr qasdidagi bir necha masofalarni bosib o'tib, Aqcha (Oqcha) ga kelib tushdi. Bu shohning kelganidan Shohmurodbiy valina'mi (Izoh: valine'mat) xabar topib, Buxoro qo'shini bilan ul tarafga yurdi va Jayhun (Amudaryo) daryosidan hech narsani o'ylab- qo'rqib o'tirmasdan kechib o'tgancha shaharlar onasi (umm al-bilod) Balx yaqiniga borib, qo'sh tashladi. Shohmurodbiy valina'mining bu dovyurakligi va jur'atidan Temurshoh hayratga tushdi va yarashish so'zini o'rtaga soldi. Orada elchi va xat yuborishlar amalga oshgach, sulh masalasi amalga oshib, har ikki sohibi davlat o'z davlati poytaxtiga qarab ketdilar". Xorij tadqiqotchisi Anke fon Kyugelgen ham shu fikrni tasdiqlab, Oqcha degan mavzega yaqin joyda Amir Shohmurod bilan Temurshoh o'rtasida tuzilgan sulhga muvofiq, Amudaryo ikkala davlat, ya'ni Buxoro bilan Afg'oniston o'rtasida chegara qilib belgilanganini yozadi.

Shuningdek, sovet buyurtmasi asosida yaratilgan ilmiy adabiyotlarda esa Amir Shohmurodning harbiy yurishlariga bosqinchilik yurishlari deya baho beriladi. Jumladan, tarixchi olim, Turg'un Fayziyev o'z risolasida, Amir Shohmurodning Marv hamda Eronga qilgan harbiy yurishlarini bosqinchilik yurishlari deya atab, bu yurishlar natijasida asirga olingan askarlarning qulga aylantirilganligi, Buxoroda qulchilikning yuqori cho'qqisiga chiqqanligi va bir qulning bahosi, bor- yo'gi 3-4 tillaga tenglashtirilgani haqida ma'lumot berib o'tadi. Ko'p hollarda sovet davri adabiyotlarida voqea- hodisalarning asl mohiyati chetga qolganligini kuzatishimiz mumkin. Harbiy yurishlar natijasida, asirlarning qulga aylantirishlarini oqlamaymiz albatta. Ammo Amir Shohmurodning maqsadi, faqat urushlar olib borib qayernidir talash yoki, janglarda qo'lga olingan askarlarni qulga aylantirish bo'lmagan albatta. Tegishli manbalarga murojaat qiladigan bo'lsak, Amir Shohmurod qanday omillar sabab, Marv va Eron hududlariga harbiy yurishlar qilganligi masalasi oydinlashadi. Birinchidan, bir vaqtlar Buxoroga tegishli bo'lgan yerlarni qaytarib, yagona davlat ostiga birlashtirish bo'lsa, ikkinchi tomondan

Marvga hujumini oladigan bo'lsak, shialar zulmidan jabr ko'rgan marvlik sunniy aholining xohish- istagi bilan, ularning haq- huquqlarini himoya qilish maqsadida harbiy yurishlarni amalga oshirgan.

Amir Shohmurod faoliyati yuzasidan xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, Buxoro amirligi siyosiy va iqtisodiy jihatdan ancha mustahkamlandi. U tomonidan mamlakatda xalq manfaatlarini ko'zlab amalga oshirilgan soliq va sud islohotlari davlatning ijtimoiy va iqtisodiy ahvoriga ijobiy ta'sir ko'rsatdi. Shuningdek, Buxoro amirligida davlatchilikni taraqqiy etib shakllanishi va rivojlanishi ham aynan Amir Shohmurodning faoliyati davriga to'g'ri keladi. Davlatning islomiy asoslari ham mustahkamlanib, dinga aloqasi bo'lmagan bid'atlar ham bekor qilindi.

АДАБИЁТЛАР:

1. Mirza Abdulazim Somiy. Mang'it sultonlari tarixi yoki Buxoro xonligining inqirozi. Fors- tojik tilidan I.Sultonov tarjimasini // "Sharq yulduzi", 1993. № 3-4.

2. Ahmad Donish. Risola yoxud Mang'itlar xonadoni saltanatining qisqacha tarixi. Tarjima, izohlar va kirish so'zi muallifi Q. Yo'ldoshev. – Toshkent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2014.

3. Muhammad Hakimxon to'ra. Muntahab at- tavorix: (Xo'qand va Buxoro tarixi, sayohat va xotiralar)/ Fors- tojik tilidan tarjima, muqaddima, izohlar va ko'rsatkichlar muallifi Sh. Vohidov. - Toshkent: Yangi asr avlodi, 2010.

4. Mirzo Salimbek. Kashkuli Salimiy. Tavorixi muttaqadimin va mutaaxirin. Fors-tojik tilidan N. Yo'ldoshev tarjimasini. –Buxoro: "Buxoro" nashriyoti.2003.

5. Sayyid Mansur Olimiy. Buxoro- Turkiston beshigi. Fors- tojik tilidan tarjima, tarjimon nomidan so'zboshi va ayrim izohlar bilan H. To'rayev. Buxoro, 2004.

6. Rajabov Q. Amir Shohmurod yoxud Amiri Mas'um (Turon tarixida tutgan o'rnini) // Buxoro mavjlari, 2006. №1.- B.37.

7. Fayziyev T. Buxoro xonligida qul savdosi. –Toshkent: „O'zbekiston“ nashriyoti, 1970. – B.8-9.

ХІХ АСР БРИТАНИЯ ТАРИХШУНОСЛИГИДА “КАТТА ҶЙИН” МАСАЛАСИ ВА ЛИБЕРАЛ ТАРИХШУНОСЛИК

Озодбек Раджабов

Ўзбекистон миллий университети

ХІХ асрнинг иккинчи ярми Буюк Британия ташқи сиёсатида бутун дунё, хусусан Марказий Осиёдаги рақобат учун кескин давр бўлиб, Буюк Британия ва Россиянинг ушбу минтақадаги қарама-қаршиликлари ривожланишида ҳам муҳим бурилиш даври бўлди. 1854-1856 йиллардаги Қрим уруши ҳамда 1857-1859 йиллардаги Ҳиндистондаги Сипоҳийлар қўзғолони минтақадаги халқаро муносабатларнинг ҳолатига жиддий таъсир кўрсатди ва инглиз муаллифларини Ҳиндистоннинг Буюк Британия империяси тизимида тутган ўрни, инглиз-рус рақобати, Ўрта Осиёдаги Буюк Британия империясининг мақсад ва вазифаларини ўрганиш жараёнига жиддий киришишга ундади. ХІХ асрнинг иккинчи ярмида икки буюк давлат Россия ва Буюк Британия ўртасида тобора кучайиб бораётган рақобат шароитида “Катта ўйин” сиёсий жараёнининг шаклланиш даври бўлиб, бу ўша давр инглиз муаллифларининг сиёсий ва тарихий асарлари яратилишига ўз таъсирини кўрсатди.

1857 йилда Ҳиндистонда Буюк Британия империясига қарши Буюк Сипоҳийлар қўзғолони бошланди. Айтиш мумкинки, бу қўзғолон Ҳиндистондаги инглизлар ҳукмронлиги давомийлигига қаттиқ таҳдид солди. Натижада инглиз ҳукумати Ҳиндистонда бир қатор ислохотлар ўтказишга мажбур бўлди. Жумладан, Ост-Индия компанияси тугатилиб, Калькуттадаги генерал-губернатор лавозими бекор қилинди. Англия қироличаси Виктория Ҳиндистон қироличаси деб эълон қилиниб, амалдаги барча ҳокимият вице-қирол қўлида тўпланди. Ҳиндистондаги бу жараёнлар Британия ҳукмрон доираларида Шарқдаги мустамлакачилик сиёсати масалаларига эътиборни кучайтиришга сабаб бўлди. Инглизлар бу даврга келиб, Ҳиндистонни Британия империясининг асосий элементи сифатида қабул қилишган эди. Чунончи, “Ҳинд империяси (Ҳиндистондаги инглизларнинг мулки) Рим империяси давридагидек кенгая бормоқда ва ҳозирги кунда уни бемалол Европа давлатлари қаторига қўйиш мумкин” –деб таъкидлана бошланди.

Марказий Осиёдаги инглиз-рус рақобати бутун Европадаги тарих фани ривожига, хусусан, Британия тарихшунослигига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Тарих фанида бу даврга келиб либераллик ёки Виктория тарихи анъанаси етакчилик қилган. Бу тенденцияга кўра, эски ва янги типдаги жамият ва давлат ўртасидаги тафовут ва кураш жараёнида цивилизация, демократия ва индивидуал эркинликнинг изчил кенгайиши янги тараққиёт сари қадам қўйиш сифатида тан олина бошланди.

Айнан шу концепция доирасида “Оқ танли кишининг мажбурияти” назарияси ишлаб чиқилган бўлиб, у Европа халқларининг замонавий цивилизация ва маданият ютуқларини Осиё халқлари орасида тарғиб қилиши Европа халқларининг маънавий-маърифий вазифаси эканлиги ғоясини илгари сура бошлади. Ушбу тушунча у ёки бу даражада ўша давр тарихшунослигида ўз ифодасини топди. Бундан ташқари, XIX асрнинг иккинчи ярмида ташқи ва мустамлакачилик сиёсати муаммолари билан шуғулланувчи ихтисослаштирилган илмий тадқиқот муассасаларининг шаклланиши ва ривожланиши давом этди. Бу даврга келиб, Оксфорд ва Кембридж университетларининг олимлари Марказий Осиёда инглиз сиёсати масалаларини тадқиқ қилишни бошладилар.

XIX асрнинг биринчи ярмида ушбу университетларнинг янги тарих кафедраларида Шарқ мамлакатлари тарихи билан шуғулланувчи кадрлар етишмаслиги кузатилган бўлса, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, мазкур ташкилотларда Шарқ мамлакатлари тарихини ўрганиш ҳамда шарқшуносларнинг асарларини чоп этиш йўлга қўйила бошланди. Шарқдаги инглиз мустамлакачилик сиёсатининг муҳимлиги нуқтаи назаридан Оксфорд университетида мустамлакачилик тарихи кафедраси ташкил қилинган бўлса, Лондон университети қошида Шарқ мамлакатларини тадқиқ қилиш маркази ташкил қилинди.

Қироллик География ҳамда Осиё жамиятлари каби илмий тадқиқот марказларида мустамлакачилик масалалари чуқур ўрганила бошланди. XIX асрнинг 60 йилларига келиб, Ҳиндистонда ҳам янги шарқ илмий жамиятлари ва марказлари ташкил қилина бошланди. 1868 йилда Буюк Британияда Уэльс шахзодаси ташаббуси билан Қироллик мустамлака институтига асос солинди. Институт

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

мустамлакачилик ғояларини тарғиб қилувчи марказга айланиб, унинг фондида катта кутубхона тўпланди, институт ходимлари империянинг турли қисмларида бўлиб, жамоатчиликда мустамлакачиликка қизиқиш уйғотадиган маърузалар уюштирар, мустамлака ва разведка типигаги экспедицияларни молиялаштириб турар эди. 1886 йилда Қироллик мустамлака институти Империя институти деб қайта номланди. XIX асрнинг 60 йилларида инглиз Ҳиндистонида Шарқий Ҳиндистон Ассоциацияси ташкил қилинди. Ушбу ташкилот фаолиятида асосан Афғонистон ва Эрондаги инглиз-рус рақобати таҳлил қилинди.

XIX асрнинг 60-80 йилларида Марказий Осиёдаги инглиз-рус рақобати асосан Қироллик География жамияти томонидан жиддий тадқиқ қилинди. Ушбу ташкилотнинг раҳбари шарқшунос олим Г.Роулинсон билан бир қаторда “Катта ўйин” сиёсатининг дастлабки тадқиқотчилари Р.Мурчисон, Дж.Вуд, Д.Булджер, Дж. Маллесон, С.Д.Литтледед, Ф.Е.Янгхасбендлар илмий изланишлар олиб боришди.

Мазкур шахслар Ост-Индия компаниясида узоқ вақт хизмат қилган ҳарбий ва амалдорлар сафини тарк этган олимлар бўлиб, узоқ йиллар давомида Шарқ мамлакатларининг тарихи, географияси, тили, урф-одатларини ўрганган эди. Ўз навбатида Ҳиндистондаги Британия ҳукумати ушбу тадқиқотларни фаол рағбатлантириб, Марказий Осиёга йўналган илмий тадқиқот экспедицияларининг ташкилотчиси сифатида роль ўйнай бошлади.

XIX асрнинг 50-60 йилларида Марказий Осиёдаги инглиз-рус рақобатига бағишланган инглиз тарихшунослиги дастлаб икки мактаб тарафдорлари (“Моҳир ҳаракатсизлик” ва “тажовузкор сиёсат”) ўртасидаги қарама-қаршилик фондида пайдо бўлди ва ривож топди. Мазкур концепцияларнинг яратилишида таниқли ҳарбий ва сиёсий арбоблар, дипломатлар, мустамлака маъмурияти ходимлари, саёҳатчилар, тарихчи ва публицистлар иштирок қилишган. Марказий Осиёдаги “Катта ўйин” сиёсати масаласи ва унинг устуворликларини муҳокама қилиш нафақат академик мунозара, балки сиёсий курашга айланиб кетди.

“Моҳир ҳаракатсизлик” мактаби тарафдорлари Россия Ҳиндистонни эгаллаб олишга интилмаётганлигини таъкидлашарди. Чунки, бунинг учун Россия империясида на реал хохиш, на ресурс

мавжуд эди. Шу жиҳатдан олиб қараганда Ҳиндистондаги Британия чегараларини экспанция йўли билан кенгайтириш шарт эмаслигини уқтиришарди. Мазкур ғоя тарафдорлари Марказий Осиёдаги Буюк Британия нуфузини савдо ва дипломатия орқали кучайтириш зарурлигини кенг жамоатчиликка эълон қилишди. “Моҳир ҳаракатсизлик” мактабининг энг кўзга кўринган вакилларида, ушбу таълимот асосчиси, Ҳиндистон вице-қироли Дж. Лоуренс, ўша пайтдаги Буюк Британия бош вазири В. Гладстон, таниқли тарихчи ва публицистлар В.М. Торнберн, Ф. Тренч, Я.А. Мак-Гахан, Г.Д. Кемпбелл (герцог Аргайл), Г. Ханналар эди.

Улар Марказий Осиёдаги инглиз ташқи сиёсатининг илмий асосларини яратиб, “Моҳир ҳаракатсизлик” ёндашувининг асосий қоидаларини ишлаб чиқган эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб эса Ю.Скайлер, П. Ф. Уолкер, А. Г. Форбс, Э. Белл, Ф. Фишер, М. Моррис, А. Аббот каби тадқиқотчилар “Моҳир ҳаракатсизлик” мактаби ғояларини ҳукумат доираларида ва жамоатчилик ўртасида тарқалиши ва мустаҳкамланишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Мазкур йўналишнинг рақобатчилари “тажовузкор сиёсат” мактаби тарафдорлари эса Россиянинг Ўрта Осиёдаги барча ҳаракатлари Британия Ҳиндистонига таҳдид яратишга қаратилганлигини таъкидлашарди. Ҳатто, энг русофобия кайфиятидаги муаллифлар ҳам Россиянинг Ҳиндистонни эгаллаш мақсади йўқлигини яхши англасаларда, бу мустамлака ҳудудга уюштирилладиган босим туфайли руслар Европа қитъасидаги сиёсий муаммоларни ҳал қилиши мумкин деб, ҳисоблашарди. Айниқса, бу ҳолат Ўрта ер денгизидан Ҳиндистонгача бўлган британ денгиз йўли коммуникациясида муҳим роль ўйновчи бўғозлар ва Истанбул(Константинопол) учун тегишли эди.

Ушбу ғоя тарафдорлари Россия империясининг Марказий Осиёга кириб келишини Ҳиндистонга юриш кампаниясининг муваффақиятларини кафолатлайдиган шарт-шароитларни юзага келтириш сифатида кўрдилар. Чунончи, Ўрта Осиё хонликлари билан тузилган шартномаларга мувофиқ минтақанинг тўла тасарруфга олиниши, армия ва ҳарбий кучларни маҳаллий манбалар ҳисобига ушлаб турилиши, ҳаракатдаги армия сафларини тубжой аҳоли

ҳисобига тўлдириш, режалаштириладиган ҳарбий юришларнинг орқа фронтларини тайёрлаш сифатида баҳоланди. “Агар, москваликларга Ҳиндистон чегараларида мустаҳкамланишига руҳсат берилса, бизнинг сиёсий ва молиявий қийинчиликларимиз юз баробар ошади”- деб таъкидланган эди.

Шунинг учун “рус хавфи” ни бартараф қилиши учун Буюк Британия ўзининг барча қурол-яроғидан фойдаланиб бўлсада, ҳарбий тўқнашувгача бориши лозимлиги тарғиб қилинди. Ушбу ғоя тарафдорларидан Г. Роулинсон, Ч. Мак-Грегор, Дж. Маллесон, Г. Хэмли, Д. Будджер, Ч. Марвин, Ф. Бернаби ҳамда Г. Белью, Ф. Робинсон, В. Бейкер кабиларни таъкидлаб ўтиш жоиз.

АДАБИЁТЛАР:

1. Сили Дж., Крэмб Дж. Британская империя. М., 2004.-С.201-202.
2. Есмагамбетов К.Л. Историко-этнографическое изучение дореволюционного Казахстана в Англия и США. Автореферат дисс.канд.ист.наук. М.,1990.С.1.
3. The Central Asian research Center ".// Royal Central Asian journal, vol LVI, February, 1969. part L p.105.
4. Эргашхужаева Г. 20 йиллар Ўрта Осиё хотин-қизлар эмансипацияси масалалари инглиз тарихшунослиги талқинида: Тарих фанлари номзоди... дисс...- Т., 1996.- Б.38.
5. Жигалина О.Н. Великобритания на Среднем Востоке в XIX-начале XX века: Анализ внешнеполитических концепций. М.:1990.- С.180.
6. Russia's march towards India. Vol. 1-2, L., 1894, Vol. 1, P. VII.
7. Bellevv H.W. Afghanistan and the Afghans: Being a Brief Review of the History of the Country and Account of its People with a Special Reference to the Present Crises and War with the Amir Sher AH Khan. L., 1879.

**JAHON TARIXI FANI MAVZULARINI O'TISHDA
INNOVATSIYA (ILMIY TADQIQOT YANGILIK)LARNI
JORIY ETISHNING AMALIY AHAMIYATI**

Sharipov Umidjon Olimovich

Buxoro viloyati Vobkent tumani 6-IDUMI tarix fani o'qituvchisi

Qayumov Toshpo'lat Tohirovich

Buxoro shahar 42-maktab tarix fani o'qituvchisi

Bugungi shiddatli kechayotgan jamiyatdagi o'zgarishlardan kelib chiqib, oliy ta'lim muassasalariga kirish uchun munosib nomzodlarni maqsadli tayyorlash tizimini takomillashtirish, o'quvchilarning tegishli mutaxassisliklar bo'yicha oliy ta'lim muassasalarida o'qishni davom ettirishlari uchun zarur va etarli bo'lgan, chuqurlashtirilgan nazariy va kasbiy tayyorgarligini ta'minlash maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining bir qator qarorlari qabul qilindi. Jumladan, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi (2020 yil 24 yanvar)dan: "Eng katta boylik – bu aql-zakovat va ilm, eng katta meros – bu yaxshi tarbiya, eng katta qashshoqlik – bu bilimsizlikdir! Shu sababli hammamiz uchun zamonaviy bilimlarni o'zlashtirish, chinakam ma'rifat va yuksak madaniyat egasi bo'lish uzluksiz hayotiy ehtiyojga aylanishi kerak", "Maktab o'quv dasturlarini ilg'or xorijiy tajriba asosida takomillashtirish, o'quv yuklamalari va fanlarni qayta ko'rib chiqish, ularni xalqaro standartlarga moslashtirish, darslik va adabiyotlar sifatini oshirish zarur", - kabi fikrlarni o'qib olishimiz mumkin.

Mazkur qaydlardagi eng ustuvor vazifa bu – zamonaviy talablar asosida raqobatbardosh kadrlarining, jumladan, tarix fani o'qituvchilarining kasbiy kompetentligini oshirish hisoblanadi.

O'rta umumta'lim maktablarining 10- sinfida, akademik litsey va kasb - hunar bilim dargohlarida «Jahon tarixi» fanidan 1918-1939 yillarda, ya'ni ikki jahon urushi oraliq'ida alohida olingan dunyo mamlakatlarida kechgan ijtimoiy – siyosiy, iqtisodiy- moddiy jarayonlarni o'qitish uchun o'qituvchi innovatsion yondashuvga va kreativlikka erishishi lozim.

Ayniqsa, G'arb va Sharq mamlakatlarida birinchi jahon urushidan keyingi iqtisodiy va siyosiy ahvol, ayrim mamlakatlarning ichki

va tashqi siyosatidagi ziddiyatli holatlar mohiyatini o'quvchilarga yorqinlashtirib berishda so'nggi yillar ilmiy tadqiqot yangiliklaridan foydalanish har bir darsning samaradorligini oshiradi.

2012 yil "ABU MATBUOT - KONSALT" nashriyoti tomonidan tarix fanlari nomzodi K.J.Rahmonovning "Buxoro Xalq Sovet Respublikasi tarixi –matbuot sahifalarida" deb nomlangan monografiyasi chop etilgan. Bu ilmiy monografiya materiallaridan foydalanib, har bir tarix fani o'qituvchisi dars samaradorligini oshirishi imkoniyati mavjud. Monografiyada qayd etilishicha, 1920 yillardagi jahon tarixini o'rganishda 1920-1924 yillarda Buxoro Xalq Respublikasida arab imlosida, eski o'zbek adabiyotida har oyda uch-to'rt marta 4-5 ming nusxada chop etilgan «Buxoro axbori» va «Ozod Buxoro» gazetalarining materiallari qo'shimcha manba sifatida katta yordam beradi. Gazetaning o'nlab sonlarida «Xorij mamlakatlarida» «Sharq dunyosi» kabi ruknlar ostida ko'plab xabar va maqolalar chop etilgan.

Monografiya yordamida 1920-yillardagi Yevropa siyosati haqida ma'lumotlar bilan tanishar ekanmiz, Versal-Vashington tizimidan (1919-1922 yillar) so'ng sobiq Antanta mamlakatlari hisoblangan Angliya – Fransiya, Fransiya – Italiya ziddiyatlari, «Turkiya siyosati», «Rossiya masalasi» kabilar haqida munozarali fikrlar beriladi. Jumladan, F.Xo'jaevning «Berlin maktublari» maqolasida: «Fransiya Olmon puli (reparatsiya to'lovi) bilan quvvatlanib ketmog'idan qo'rqqan Angliya va Italiya davlatlari har vaqt Fransiyaning Olmoniyani talamog'iga bo'lishga tirishadurlar. Fransiya Olmoniyani talamoqqa tirishsa 2 tarafdin Angliya ham yuqoridan siyosat bilan Ovropa va Olmoniyani Fransiyaqa raqib qilib yasatmoqqa tilaydur» kabi fikrlar mavjud. Yoki, birinchi jahon urushidan mag'lub bo'lib chiqqan Germaniya va Avstriyaning ayanchli ahvoli haqida BHSR noziri: «Antantaning kuchli raqibi sanalgan Avstriya davlati poytaxt «Vena» shahridan iborat bo'lib qolgan. Avstriyadagi pulsizlik, Olmoniyadagi ishsizlik (Olmoniyada 1,5 mln ishsiz odam bor) barchani sarosimaga solgan» deb yozadi. O'qituvchi «1918-1929 yillarda xalqaro ahvol» bilan bog'liq mavzuni o'tayotganda yuqoridagi fikrlarni keltirsa, o'quvchilarda XX asr dastlabki o'n yilliklaridagi siyosati bilan bog'liq tasavvur va tushunchalar kengayadi.

Mazkur maqolada qayd etilayotgan tavsiyalarimizning akademik litseylar va kasb-hunar ta'lim muassasalari tarix fani o'qituvchilari uchun

ahamiyatli tomoni shundaki, 2017-2018 o'quv yilidan boshlab AL va KXK talabalarining "Jahon tarixi" (M.Lafasov muallifligida) darsligi tamoyildan chiqarilib, o'rta ta'lim muassasalarining 10-sinfi va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalarining o'quvchilari uchun "Jahon tarixi (1918-1991 yillar)" nomli darsligi o'quv jarayoniga joriy etilgach, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limida 80 daqiqaga asoslangan uzluksiz mashg'ulotni olib borish uchun o'qituvchi albatta, qo'shimcha materiallarga murojaat qilishga majbur bo'ladi. Masalan, tarix fani o'qituvchisi "1918-1939 yillarda Germaniya" mavzusidagi dars mashg'ulotlari (ma'ruza, seminar, aralash dars)ni kreativlik asosida ta'limiy, tarbiyaviy va keng qamrovli tashkil etishga mas'ul hisoblanadi. Shuning uchun o'qituvchi darsliklardan tashqari qo'shimcha innovatsion materiallar, ya'ni ilmiy monografiyalardan foydalanishi juda zarurdir.

Tarix fanlari nomzodi K.J.Rahmonovning "Buxoro Xalq Sovet Respublikasi tarixi-matbuot sahifalarida" deb nomlangan monografiyasini varaqlar ekanmiz, Germaniyaning ichki va tashqi ahvoli bilan bog'liq «Marka yana tushdi», «Markaning qimmati yanada tushmoqda», «Marka kurslari», «Ish tashladilar», «Germaniyada bolalar och va yalang'ochdur», «Nonning qadog'i 210 mln», «Ko'cha urushlari», «Germaniyadagi ahvol», «Bu kundagi Germaniya», «Qancha kishi ishsiz», «Germaniya qarzlari masalasi», «Germaniyaning urush qarzlari», «Muzokaralar qizib boradi», «Germaniya qo'ymaydur», «Germaniyaning notasi», «G'animlar bilan savdo qiladur», «Rur o'lkasi atrofida», «Rur o'lkasida», «Rur masalasi», «Germaniyada keyingi holat» kabi ma'lumotlarga ega bo'lamiz. Ushbu materiallarda Germaniyadagi mislsiz inflyasiya va iqtisodiy bo'hronlar boy raqam va tafsilotlar orqali bayon qilinadi. Iqtisodiy nochor ahvol haqida "Buxoro axbori": «17 oktyabrda (1923 yil) xalq Berlindagi bir necha non do'konlarni talashdi. Do'kon egalarining ko'pchiligi qo'rqib o'z ihtiyorlari bilan non tarqatdilar. Bitta nonning bahosi 450 mln markadan 650 mln markaga chiqdi. Bir AQSH dollari qora bozorda 900 mln marka bilan baholandi. Inflyasiya shu qadar avj olganki, bir kishi sartaroshga kelib, sochini oldira boshladi. Lekin boshini yarmini olgandan so'ng, sartarosh to'xtab: «Afandim davom qilaymi? Marka kursi yana ko'tarildi. Boshingizni qolgan yarmidagi sochingizni olganim uchun yangi narx to'laysiz» - kabi ma'lumotlar talaygina. O'qituvchi tomonidan 10-sinf o'quvchilariga "1918-1939 yillarda Germaniya" mavzusida ochiq dars

mashg'ulotlari tashkil etilayotganda yuqoridagi fikrlar monografiya matnlaridan o'qib yoki so'zlab berilsa, ularda birinchi jahon urushidan so'ng, Germaniyadagi o'ta og'ir bo'lgan ichki ahvol haqidagi tushunchalar kengayadi. O'qituvchi Germaniya aftoda ahvolidan qisqa vaqtda qutulib, Yevropa va dunyoda tez fursatda etakchi mamlakatlardan biriga aylanganligini ulardagi xorijdan qarz olish, ilg'or texnologiyalarni ishlab chiqarishga jalb qilish, ilm – fan rivojiga e'tibor qaratilishi, faol tashqi siyosat yuritilishi kabi omillar bilan izohlaydi.

Germaniyada fashizmning hokimiyat uchun dastlabki urinishlari masalasi ham o'quvchilarni qiziqtiradigan voqelik hisoblanadi. Ilmiy monografiyadagi ma'lumotlarga ko'ra, Bavariya viloyatining diktatori Kork va prinsi Rubrerx davrida 1923 yil 9 noyabrda Gitler va uning tarafdorlari harbiy to'ntarish qilish maqsadida majlislar zaliga bostirib kirishgan, o'zaro to'qnashuvda 70 kishi o'ldirilgan. 1923 yil 11 noyabrda Gitler o'z ihtiyori ila asir tushgan. Bavariya hukumati avvaldan fashistlarga yordam berib turgan, keyinchalik esa ayrim sabablarga ko'ra, pul berishni to'xtatgan. Bu esa fashistlar isyoniga sabab bo'lgan. Mazkur parchadan ayon bo'ladiki, Germaniya viloyatlarida fashistlarga hayrhox hukumat a'zolari mavjud bo'lgan. Bu esa fashizmni ma'naviy va moddiy jihatdan quvvatlantirib, hokimiyat uchun kurashga ilhomlantirgan.

Xulosa qilib aytganda, har bir mavzuni mustaqillik mafkurasini o'quvchilarda shakllantirish talabidan kelib chiqib, nafaqat O'zbekiston tarixi fanidan, balki Jahon tarixi mavzularini ham milliy tarbiyamizga bog'lab o'tishda davriy matbuot materiallari tarix fani o'qituvchilariga katta nazariy yordam va keng imkoniyat beradi. Shunday ekan, murakkablik va ziddiyatlarga to'la ayrim muammoli masalalarga aniqlik kiritish, ob'ektiv baho berishda, o'quvchilarni dunyoqarashini yanada kengaytirishda ilmiy monografiya materiallaridan dars jarayonida foydalanishning ahamiyati yuqoridir.

ADABIYOTLAR

1. 1.Mirziyoev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. – T.: "O'zbekiston". – 2017.– 102 b.

2. 2.O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 2020 yil 24 yanvar.

3. 3.Jahon tarixi [Matn]: o'rtta ta'lim muassasalarining 10-sinfi va o'rtta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalarining o'quvchilari uchun "Jahon tarixi (1918-1991 yillar)" darsligi /Sh.Ergashev, B.Xodjaev, J.Abdullaev. – Toshkent: "Turon-Iqbol". 2017. -144 bet.

4. Raxmonov K. Buxoro Xalq Sovet Respublikasi tarixi matbuot sahifalarida. Monografiya. -Toshkent, "ABU MATBUOT - KONSALT", 2012 y. 175 bet.

5. Raxmonov K. Turkistonda matbuot tarixining dolzarb muammolari (1870-1924 yillar). O'quv qo'llanma. -Buxoro, 2019 y. 116 bet.

6. Raxmonov K., Majidov J. Tarix fanlarini o'qitishda innovatsiya va interfaol metodlarni tadbiq etish. Uslubiy qo'llanma. –Buxoro, 2020 y. 97 bet.

7. Hayitov SH., Raxmonov K. Buxoro Xalq Respublikasi va Germaniya: hamkorlikning tarixiy lavhalari. Toshkent, «Fan», 2004 yil.

НЕКОТОРЫЕ СУЖДЕНИЯ О ВОЗНИКНОВЕНИИ НАУКИ АНТРОПОЛОГИИ

Хомиджонова Мафтунахон

Фаргона давлат университети тарих факультети талабаси

Антропология, как самостоятельная область науки возникла в конце XVIII – начале XIX столетия. Она включает в себе *три* основных раздела: *морфологию, антропогенез, расоведение, или этническую антропологию.*

Раздел *морфологии* разрешает вопросы, связанные с индивидуальной изменчивостью физического типа, с его возрастными изменениями от ранних стадий зародышевого развития до старости включительно, с влияниями полового деморфизма. С анализом тех особенностей физической организации человека, которые возникают под влиянием различных условий жизни и труда. Разделы антропогенеза сосредотачивает свое внимание на тех изменениях, которые претерпевает природа ближайшего предка человека, а затем самого человека в течение четвертичного периода. Это морфология

человека и его предшественника, рассматриваемая во времени, измеряемом геологическим масштабом. Раздел расоведения, посвященный изучению сходств и различий между расами человека, может быть назван по аналогии с разделом антропогенеза морфологией, рассматриваемой в пространстве, т.е. на всей поверхности земного шара, населенной человеком.

Зачатки понятий об антропологии или же, о происхождении человека были упомянуты уже с древних времен. Античные философы стремились определить главные источники отличий человека от животных. Анаксимандр Милетский (Ἀναξίμανδρος, 611–547 гг. до н. э.) в своем труде «De natura» («О природе») стремился познать происхождение и развитие всего сущего из первоосновы бытия – беспредельного, или некое бесконечное, «нестареющее» (божественное) начало – «ἄπειρον» («апейрон») излагаются идеи о возникновении человека путем ряда превращений его предков – животных.

Анаксагор из Клазомена (Ἀναξαγόρας, ок. 500–428 гг. до н. э.) ионийский философ, математик и астроном являющийся основоположником афинской и философской школы, наставник Перикла и Фукидида а также физиков Архелайа и Еврипида. Он выдвигал мнение о многообразии тел в природе и сводил к различным неизменным, неисчислимо многим и бесконечно малым элементам действительного мира («семена вещей», «гомеомерии»).

Зачатки эволюционного взгляда на человека можно найти и у древнегреческого философа, врача, государственного деятеля и в то же время жреца Эмпедокла из Акраганта (Ἐμπεδοκλῆς, ок. 490–430 гг. до н. э.). Он был плюралистом, признавал множество Архэ (досократовская древнегреческая философия – первооснова), а также был сторонником демократии. Ему принадлежит поэма «De natura» («О природе»), из которой сохранились 340 стихов, а также религиозная поэма «Очищения» (иначе - «Искупления»; дошло около 100 стихов).

Большое значение для расширения географического кругозора в античном мире имели путешествия Геродота Галикарнасского (Ἡρόδοτος Ἀλικαρνασσεύς, ок. 484–425 гг. до н. э.). До наших дней дошли его сочинения «История» – один из важнейших источников

для изучения быта и нравов древних народов, а в некоторой степени и их физического типа. Такие свидетельства дополняют данные палеоантропологии и позволяют составить представление о распространении некоторых антропологических типов до эпохи «переселения народов».

Следующим ученым был Сократ (Σωκράτης, 470/469–399 гг. до н. э.). Ему принадлежат методы и анализы понятий майевтики и диалектики. Эти античные философы высказывали мысль, что человек обязан своим высоким положением в миру наличию у него руки.

Демокрит Абдерский (Δημόκριτος, ок. 460–370 гг. до н. э.) – древнегреческий философ, предположительно ученик Левкиппа, один из основателей атомистики и материалистической философии. Его сочинения, которые ближе к нашей рассматриваемой теме это «Врачебная наука» и «Причины живых существ».

Наблюдение путешественников знакомили античных людей с племенными, расовыми отличиями людей. Один из величайших древнегреческих целителей, врач и философ Гиппократ (Ἱπποκράτης, ок. 460–370 гг. до н.э.). Его называют отцом медицины, он изучал влияние климата на организм человека. Ему же принадлежит учение о темпераментах, построенное на представлении о четырех «соках» человеческого тела: кровь, желтая желчь, черная желчь и слизь. Преобладание крови по Гиппократу, характерно для сангвиника, желтой желчи – для холерика, черной желчи – для меланхолика, слизи – для флегматика. В Косской школе был принцип с помощью наблюдения, лечить больных, отсюда и термин «Не навреди».

Изучение человека достигает в античное время своей вершины у Аристотеля (Ἀριστοτέλης, 384–322 гг. до н. э.) ученика Платона, древнегреческий философ учитель Александра Македонского, который в 335 г. до н. э. основал школу «Лицей». Основоположник формальной логики. В своих трудах «Περὶ ζῶων μορίων» («О частях животных»), «О душе» и т. д. Аристотель закладывает основы изучения животных. Он разрабатывает классификацию, рассматривает функциональную роль частей тела, а также механизмов их возникновения, анализирует корреляции (связи) частей. Он широко использует сравнительный метод изучения и вводит в

биологию принцип аналогии. Аристотелю принадлежит идея «лестницы существ» или ряда постепенного повышения организации.

Следует иметь в виду, что хотя взгляды Аристотеля были далеки от идей эволюции, однако его принцип (степенеобразного) расположения существ сыграл в XVIII веке большую роль в развитии эволюционного учения.

Из ученых древности Эпикур Самосский (Επίκουρος, 342/341–271/270 гг. до н. э.) делил свою философию на три части: 1) *κανονικον* (каноника), 2) *φυσικον* (физика), 3) *ηθικον* (этика). Эпикур проповедовал принцип «*λαθεβιωας*» («живи неприметно»). Он развивал идеи о естественном происхождении органического мира и человека, дал замечательную по яркости картину развития культуры от первобытной дикости до цивилизации.

Наибольшее значение в истории антропологических знаний имеет ученый Тит Лукреций Кар (Titus Lucretius Carus, ок. 99–55 гг. до н. э.). Этот римский поэт-философ написал дидактическую поэму «*De rerum natura*» («О природе вещей») – единственное полностью сохранившееся систематическое изложение материалистической философии древности – представляет одну из вершин философской мысли человечества и вместе с тем одну из вершин римской поэзии. Он популяризирует учение своего предшественника Эпикура Самосского.

Первый человек, который дал понятие, что «Мозг контролирует движение при помощи нервной системы» это древнеримский медик, хирург и философ, греческого происхождения Клавдий Гален (Claudius Galenus, ок. 129/131–200/217 гг.). А также он описал 300 человеческих мышц, и доказал, что, не сердце, а голова является «Средоточием движения, чувствительности и душевной деятельности», и доказал, что без спинного мозга наши части тела теряют чувствительность.

Эпоха возрождения ознаменовалась крупными успехами в области анатомии человека. На первом месте среди анатомов следует назвать реформатор анатомии Андрéас Везáлий (Andries van Wesel, 1514–1564 гг.), важнейший труд которого «*De humani corporis fabrica libri septem*» («О строении человеческого тела, в семи книгах») был основан на тщательном изучении тела человека.

Идею «лестницы существ», развивал после Аристотеля, в XVII столетии немецкий философ Лейбниц (Gottfried Wilhelm von Leibniz, 1646–1716 гг.), а в XVIII веке – швейцарский естествоиспытатель Шарль Бонне (фр. *Charles Bonnet*; 13 марта 1720 г. – 20 мая 1793 г.). Длинный ряд природных тел у Шарля Бонне начинается с «тонких материй», огня, воздуха, воды, и кончается различными млекопитающими и человеком.

Аналогичная система была построена философом натуралистом Робине, Жан Батист Рене (Jean-Baptiste-René Robinet, 1735–1820 гг.). В 1768 г. он опубликовал «*Considérations philosophiques de la gradation naturelle*» («Философские соображения о естественной градации форм бытия, или опыта природы, учащейся создать человека»). По его мнению, животные суть как бы неудачные попытки природы породить наиболее совершенную форму бытия – человека.

Более глубокое истолкование «лестницы существ» было дано русским мыслителем А.Н.Радищевым (1749–1802 гг.). Свои философские взгляды он изложил наиболее полно в труде «О человеке, о его смертности и бессмертии», который был написан в 1792–1796 гг. Он же является основателем трансформизма и в то же время автор первой в истории науки стройной теории происхождения человека. Жан-Батист Пьер Антуан де Моне, шевалье де Ламарк (фр. *Jean-Baptiste Pierre Antoine de Monet, chevalier de Lamarck*; 1744–1829), изложил в своем труде «*Histoire naturelle des animaux sans vertebres*, 2 ed» изданный в 1835 по 1845 года, и переведенные на рус. В 1935–1937 годы, как «Философия зоологии». Эта работа рассматривается как первое выражение эволюционной теории, вошедшее в историю как ламаркизм. Сам Ламарк предполагал, что природа создавала тела последовательно – начиная от простейших форм и заканчивая наиболее сложными.

Крупнейшим событием в истории антропологии было появление трудов Чарльза Дарвина (англ. *Charles Robert Darwin* 1809–1882 гг.) «*The Descent of Man, and Selection in Relation to Sex*» («Происхождение человека и половой отбор»), «*The Expression of the Emotions in Man and Animals*» («Выражение эмоций у человека и животных»). В 1837–1838 гг. в своей записной книжке Дарвин высказал мысли о близости человека к животному миру. Они были

подготовлены, прежде всего, идеями эволюционистов XVIII в, трудом самого Дарвина «*Origin of Species*» («Происхождение видов») выпущенный в 1859 г., а также успехами археологии палеолита Буше де Перт (фр. *Jacques Boucher de Crèvecœur de Perthes*, 1788–1868 гг.), четвертичной геологии, «Основы геологии» Чарльза Ляйелля (англ. ученый, геолог. 1797–1875), и других отраслей знания.

В этой области наибольшее значение имели труды сторонников Ч. Дарвина, Томаса Гексли (англ. *Thomas Henry Huxley*, 4 мая 1825 г. – 29 июня 1895 г.) и Эрнеста Геккеля (нем. *Ernst Heinrich Philipp August Haeckel*; 1834–1919 гг.). Путем сравнительно-анатомического исследования Гексли показал, что по очень многим признакам антропоморфные обезьяны ближе к человеку, чем к низшим обезьянам.

Важнейшим периодом в развитии антропологии и в ее формировании как особой науки была середина 60–70-е годы XIX в. Она характеризуется ростом интереса к вопросам систематики человеческих рас, их происхождения и расселения.

В Париже, по инициативе Поля Брока, в 1859 г. основывается Антропологическое научное общество, при котором были организованы музей и Антропологическая школа. В 1893 г. основывается Антропологическая школа в Лондоне, в 1864 г. Антропологический отдел «Общества любителей естествознания» в Москве. А уже позднее аналогичные организации возникают в Германии, Италии и других странах.

После Второй мировой войны антропология в Азии получила дальнейшее развитие, возникли новые научные центры, еще шире развернулись экспедиционные и лабораторные исследования. Успешно развилась наука в постсоветских странах. В Украине, вели исследовательскую деятельность антропологи (В.В.Дяченко, Е.И.Данилова, Л.И.Тегак, А.И.Микулич, М.Ф.Никитенко). В Эстонии (Ю.Ауль, К.Марк), в Латвии (Р.Я.Денисова), в Литве (С.В.Павилонис, Г.Чеснис), Грузии (М.Г.Абдушалишвили), в Азербайджане (Р.М.Касимова), в Таджикистане (Т.П.Кидуюткина), в Казахстане (О.Исмагулов) и в Узбекистане (Т.Касымов).

К заключению надо добавить, что мы в статье показали, что уже в античности в основном древнегреческие философы ставили начало к

зачаткам науки, тем, что производили труды в основном о самом человеке и о его строении. Так или иначе, надо отметить, хотя сама наука только в XIX веке начала развиваться самостоятельно, но мы видим, что нашим предкам было не безразлично знать информации о происхождении человека. И на заре наша Республика очень быстрым темпом развивается, и наступил информационный период в жизни человечества. И те молодые исследователи, которые могут изучить глубже каждую обнаруженную находку, которая даст нам ответы на неразгаданные, до сих пор остающиеся белых пятен в науке. Тем самым найденные артефакты (скелеты, кости) во время полевых исследований не придется отправлять в другие страны, если у нас есть нужные технологии и лаборатории. Нынешнему поколению следует уметь правильно пользоваться новыми технологиями, и тем самым помогать как ни странно до сих пор «новой» для нас науке антропологии. Если развивать данную науку это даст нам во многих других сферах уточнение к каждому анализу и ответу.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Асмус В.Ф. Анаксагор // Античная философия. 2-е изд. – М.: Высшая школа, 1976. – 543 стр.
2. Асмус В.Ф. Эмпедокл // Античная философия. 2-е изд. – Москва.: Высшая школа, 1976. – 543 стр.
3. Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Анаксимандр // Энциклопедический словарь. Современная версия. – Москва.: ЭКСМО, 2007. – 960 стр.
4. Ваagner Е. И., Судакова А. А. Гиппократ – отец медицины // Бюллетень медицинских Интернет-конференций. т. 3. №11. 2013. – С. 12, 93; Темперамент // Большая медицинская энциклопедия / Гл. ред.
5. История и философия науки [Электронный ресурс]: учеб.пособие / Н. В. Бряник, О. Н. Томюк, Е. П. Стародубцева, Л. Д. Ламберов; под общ. ред. Н. В. Бряник, О. Н. Томюк. 2-е изд. – Москва.: ФЛИНТА: Изд-во Урал. ун-та, 2017. – 288 с.
6. Нерсесянц В. С. Споры о спорщике. – В кн.: Нерсесянц В. С. Сократ. – М.: Наука, 1977.

7. Робине, Жан Батист Рене // Большая советская энциклопедия [в 30 т.] / гл. ред. А. М. Прохоров. 3-е изд. – М.: Советская энциклопедия, 1969–1978.

8. Рогинский Я.Я., Левин М.Г. Антропология. – Москва: Высшая школа, 1978.

9. Чанышев А. Н. История философии Древнего мира: Учебное пособие для вузов. – М.: Академический проект, 2011

10. Дарвин Ч. Сочинения / пер. С. Л. Соболя под ред. акад. В. Н. Сукачева. – М: Изд. АН СССР, 1959. – Т. 9.

11. Ustun, C. Galen and his anatomic eponym: Vein of Galen. / Clinical Anatomy, 2004 – Vol. 17. – Issue 6. – P. 454-457.

12. Геродот. История. / Пер. и прим. Г. А. Стратановского. Статья В. Г. Боруховича. (Серия «Памятники исторической мысли») – Ленинград.: Наука, 1972. – 600 стр.

2-ШҶЪБА

ЖАҶОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ТАРИХ ВА ҶОЗИРГИ ЗАМОН

ЖАҶОНИЙ ШУҶРАТ СОҶИБИ: ШОИР, МАТБҶОТЧИ, ТАБИБ ВА ЖАҶОНГАШТА САЙЁҶ

Сулаймон Иноятв

Бухоро давлат университети профессори, тарих фанлари доктори

Бухорои шарифда туғилиб тарихда катта из қолдирган, дунёнинг кўпгина мамлакатларини якқадам қилган, Бухорода биринчи касалхона ва аптека (дорихона)ни очган, шаҳримизда чоп этилган «Бухорои шариф» ва «Турон» газеталарида ўз шеър ва мақолаларини чоп эттириб, ҳар икала босма нашрни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турган ва «Турон» газетасига биринчи муҳаррирлик қилган инсон бу – Мирзо Сирожиддин Ҳакимдир.

Мирзо Сирожиддин Ҳаким Бухорий ибн Ҷожи Мирзо Абдурауф Бухорода машҳур сарроф савдогар Ҷожи Абдурауф Мирзохурд оиласида таваллуд топган. Отаси ўғлининг илм эгаллаши, айниқса, ўша пайтда тараққий топиб бораётган Европа тилларини ўрганишини истаб, унга замонавий билим беришга киришади. У мадраса таълимини олгач, савдо ишлари билан шуғулланиб қолмай, Европа тилларини ўрганишга киришади. Тарихий манбаларда қайд этилишича у ўзбек, форс, араб, француз, немис ва рус тилларини чуқур ўрганган. Ёшлигиданоқ Россия, Европа, Осиё мамлакатларига саёҳатга отланади.

Мирзо Сирожиддин 1902 йили Бухородан темир йўл орқали Красноводсккача бориб, ундан Каспий денгизи орқали ўтиб Боку, Тифлис, Сухуми орқали Туркияга боради. Туркиядан София, Будапешт, Вена, Женева, Париж, Лондон ва Берлинда бўлиб, Варшава, Москва ва яна Боку орқали Бухорога қайтади. У Швейцарияда бўлганида у ердаги тиббиёт илмига қизиқади ва уни ўрганишга киришади. Тарихий манбалардаги айрим маълумотларга қараганда, у Берн (Швейцария) университети тиббиёт факультетига ўқишга кириб уни битиради. Иккинчи сафарини Эрон ва Афғонистонга

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

бағишлайди. Учинчи сафарини яна Европа бўйлаб саёҳат қилади. Унинг сафарлари 1909 йилгача давом этади. У Эронда бўлганида Техронда фаолият кўрсатаётган Америка табобат усулидаги тиббиёт коллежига ҳам ўқишга кириб, уни битириб диплом олади ва Техрондаги Америка тиббиёт коллежининг шифохонасида маълум муддат ишлаб, жуда катта амалий тажрибага эга бўлади.

У сафарлари давомида Германия, Англия, Австрия, Швейцария, Туркия, Эрон, Афғонистон каби мамлакатларда бўлиб, у ердаги иқтисодий ривожланиш, маданий марказлар тараққиёти, саноат корхоналарининг юксакликлари билан танишар экан, Бухоронинг ривожланишдан орқада қолиш сабабларини таҳлил қила бошлади. Бухоронинг қолоқликдан чиқариш масалалари устида чуқур ўйлайди, бош қотиради.

Мирзо Сирожиддин Техрон, Тифлис ва Сабзавор шаҳарларида бўлганида тиббиёт илми билан чуқурроқ шуғулланади. Шарқ ва Ғарб тиббий илмларини таққослаб, табиблик соҳасига эътибор қаратади. Тиббиёт илмига зўр меҳр қўйган Мирзо Сирожиддин аста-секин саррофлик ва савдо ишларини чеклаб, Бухоронинг аҳолисини даволаш ниятида катта ишларни бошлаб юборади. У Бухорои шарифда «Ҳаким», «Табиб Мирхон» ва «Доктор Собир» номлари билан машҳур бўлади. У Бухорода биринчи бўлиб Челонгари гузарида «Дорихона» ва беморларни даволаш учун касалхона очади. Камбағал, етим-есирларни бепул даволашга киришади. Бу касалхонада беморларни Мирзо Сирожиддин Ҳаким европача усулда даволаш усулларини қўллайди ва касалхонасини чет элдан келтирган тиббий ускуналар билан жиҳозлайди.

Мирзо Сирожиддин Бухоро жадидларининг фикрига қўшилиб, Бухорони қолоқликдан чиқариш учун европача усулда мактаб – маориф ишларини жорий қилиш, халқни маърифатга чақиришни даъват этади ва ўзи шу ишларга бел боғлаб киришади. У ўз шеърларида халқни уйғониши учун маърифат ва билимнинг ўрни қанчалик муҳим эканлигини кўрсатади.

Айниқса, давр ва замон талаби асосида халқ учун дунё тараққиёти ва ривожланишидан кейинда қолмаслик ва хабардор бўлиш учун вақтли матбуот зарурлигини уқтириб, бу ишга

сафдошлари билан бирга киришади. Матбуот бу халқни жаҳолатдан, билимсизликдан қутқазувчи восита деб тасаввур қилади.

Бухоролик машхур савдогар ва маърифатпарвар Мирзо Муҳиддин билан бирга Мирзо Сирожиддин Ҳаким Когонда фаолият кўрсатиб айрим китобларни чоп этаётган К.Левиннинг типографиясига мурожаат қилиб, «Бухорои шариф» газетасини чоп этишни ва уни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашларини таклиф этадилар. Уларнинг саъю-ҳаракатлари билан 1912 йил 11 март куни тожик тилида «Бухорои шариф» газетасининг биринчи сони чиқади.

Бу газетанинг бир неча сонларида Мирзо Сирожиддин Ҳакимнинг мақолалари чоп этилади, шеърлари эълон қилинади.

«Бухорои шариф» газетасининг 1912 йил 26 мартдан 12 июлигача Мирзо Сирожиддин Ҳаким 30 дан ортиқ мақолаларини чоп этади. Бу мақолаларида Бухорода соғлиқни сақлашнинг ҳолати, турли юқумли касалликлар тарқалганлиги, уларнинг олдини олиш зарурлигини кўрсатади.

Айниқса, унинг «Бухорои шариф» газетасининг 1912 йилги 19, 20-сонларида босилган «Озодлик» номли мақоласида қатор тавсиялар беради. Жумладан, Бухорордаги тор кўчаларни кенгайтириб тош ётқизиш, ҳаммомларнинг чиқинди сувларини шаҳар ташқарисидаги зовурларга оқизилиши зарурлигига эътибор қаратади. Тозалик, озодалик борасида Европа шаҳарларидан ибрат олишга чақиради.

Мирзо Сирожиддин Ҳаким шеърларидан бирида Бухорода ришта касаллиги ва унинг оқибатлари ҳақида ёзади:

Фаришта гар хўрад оби Бухоро,
Барояд ришта дар пойи фаришта.
(Фаришта агар Бухоро сувини ичса,
Фариштанинг оёғидан ришта чиқади).

Мирзо Сирожиддин Ҳаким ва бир қатор жадидлар Бухоронинг ўзбек тилида сўзловчи аҳолиси учун ҳам алоҳида газета зарурлигини эътиборга олиб, 1912 йил 11 июлидан бошлаб, ўзбек тилида «Турон» газетасини чоп эттиришга муваффақ бўлдилар. Ҳафтада 2-3 марта чоп этиб турилган «Турон» газетасининг биринчи сони Мирзо Сирожиддин Ҳаким муҳаррирлигида чоп этилган.

«Турон» газетасининг бор-йўғи 49 та сони чоп этилган бўлсада у ҳаётий масалаларни кўтариб чиқиб, Бухоронинг истиқболига

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

ишонган. Газета таҳририяти 1912 йил 22 ноябрь сонида Қарши темир йўли ҳақида фикр юритиб, «Бухородан солинмоқ тарҳи тасдиқ қилинди», деб юртдошларни қувонтиради. «Бухоро ҳақиқатан тижорат маркази, ҳақиқатан ислом пойтахти бўлажақдир, Бухоро обод бўлажақ, Бухоро масъуд бўлажақ», деб муаллиф хитоб қилади. Бугун Бухоро шу кунларга эришди.

«Бухорои шариф» ва «Турон» газеталарининг саҳифаларида унинг ўнлаб мақолалари чоп этилиб, у халқни мактаб-маъорифга, илм олишга чорлаб, маърифат халқни қолоқлик, мустабидликдан қутқазади деб даъват этди.

Мирзо Сирожиддин Ҳаким «Турон» газетасининг саҳифаларида одамларни баҳсга, мунозарага чақирувчи мақолалар билан чиқади. «Турон» газетасининг 1912 йил 15 ноябрь сонида босилган «Иқтисод» сарлавҳали мақоласи ана шундай мунозарага чорловчи мақолалардан биридир. Сирожиддин Ҳакимнинг ёзишича, ҳар бир мамлакатда тижорат ва саноатни ривожлантириш, кенгайтириш иқтисодга риоя қилиш асосида бўлади. У Европа мамлакатлари мисолида аввал иқтисодиёт, кейин сиёсатнинг йўлга қўйилиши уларни юксакликларга олиб келганлигини таъкидлайди. «Сиёсатлар ҳам иқтисодиётга боғлиқдир. Иқтисодсиз сиёсат йўлга кетмас» - деб уқтиради.

Мирзо Сирожиддин Ҳакимнинг «Бухорои шариф» ва «Турон» газеталаридаги мақолаларида мамлакатнинг иқтисодини илмий асосга қўйиб, фан-техника ютуқларига таянган ҳолда саноат ривожлантирилса, ўша давлат қудратли салтанатга айланиб, ўзидан кучсиз мамлакатларни тобе қилади, деган ғояни илгари суради. У Англия мисолида бу ғояни исботлаб беради. Унинг бу ғоялари бугунги кунлар учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини кўришимиз қанчалик истиқболли ғоялар эканлигидан далолат беради.

Мирзо Сирожиддин ўз шеърлари тўпламининг қўлёзма девонини тузади. Шунингдек, сафарлари давомида тўплаган хотиралари «Тухфаи аҳли Бухоро» номи билан (1907-1910) ёзиб тугаллайди. Китобда Мирзо Сирожиддиннинг сафар давомида саёҳат қилган мамлакатларининг шаҳарлари, уларнинг тарихи, географияси, флора ва фаунасини чиройли бадиий тасвирларда ифодаланган.

Европа шаҳарларидаги саноат корхоналари ва уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида маълумотлар берилган. Париж шаҳри ҳақида ёзар экан, у ердаги бунёдкорлик, озодалик, тарихий меросга эътиборни алоҳида таъкидлайди. Берлин шаҳридаги олий мактабларни кўриб, бу ерда саноат, иқтисод, хунармандчиликка катта эътибор берилгани, шаҳарда гулу-гулзорлар, фавворалар халқга хизмат қилаётганлигидан мамнун бўлади. Кўрганларини Бухородаги шароитлар билан таққослаб Бухоронинг қолоқлигини, илм-маърифатда анча орқада эканлигига афсусланиб, бухороликларни ислохотлар қилишга чорлайди.

Олим, журналист ва ёзувчи Мирзо Сирожнинг «Тухфаи аҳли Бухоро» китоби «Бухорои шариф» газетасида деярли тўла босилади. У ёзган мақолаларига «М.С.» деб қисқа имзо чеккан.

Мирзо Сирожиддин Ҳаким 1914 йил 17 январда 36 ёшида вафот этади. С.Айний унинг вафоти муносабати билан жуда таъсирчан марсия ёзади.

Сирожиддин Ҳаким ўзбек ва тожик тилларида ғазал, қасида, мухаммас ва рубоийлар ёзиб қолдирган. 200 дан ортиқ шеърлари киритилган 2 тўплами ва «Тухфаи аҳли Бухоро» асарининг қўлёзмалари Тошкентда Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда.

Мирзо Сирожиддин қисқа умри давомида сайёҳ, олим, шоир, тарихчи, журналист, географ, табиб сифатида Бухоро жадидлари орасида алоҳида таҳсинга сазовор бўлган маърифатпарвар инсондир. Унинг ҳаёти, дунё янгиликларига қизиқиши, халқнинг фарзандлари илм-маърифатли бўлишлари учун интилишлари бугунги ёшларимиз учун ибрат мактабидир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 7-том, Тошкент, 2004, - Б.650.
2. «Бухорои шариф», 1912 йил 17 май, 57-сон.
3. Мирзозода Х. Мирзо Сирож // Энциклопедияи Совети Тожик. 8 томлик. 4-том. Душанбе-1983, 413-б.
4. Ҳодизода Р., Каримов У., Саъдиев С. Адабиёти тоҷик (Асрҳои XVI-XIX ва ибтидои асри XX). Душанбе: «Маориф», 1988, С. 407.

WHO ARE THE SHAYBANIDS?

Jaimee K.

Comstock-Skipp PhD candidate at Leiden University

The group designated by the name “Shaybanid/Shībānid” occupies a curious position in scholarship, at times considered “too Persian” to be placed with others from Turkic-speaking regions. This dynasty has also been considered “too Turkish” to be categorized alongside other Persianate dynasties; the Metropolitan Museum of Art refers to the group as Turko-Mongol.¹ The Austrian scholar Joseph von Hammer in his 1828 work called them “die türkische Dynastie Scheibani,”² Svat Soucek characterized them as “Turks like the Tīmūrids,”³ and even their contemporaries in the late sixteenth century referred to them as “Turks” in Ottoman records written down by the chronicler Mustafa Âlī.⁴

¹ Joo-Yup Lee, *Qazaqliq, or Ambitious Brigandage, and the Formation of the Qazaqs: State and Identity in Post-Mongol Central Eurasia*

(Leiden: Brill, 2016), 131.

² This group has been given various names, with the preferred “Tūqāy-Tīmūrid” version stressing their descent from Chinggis Khān’s grandson Tūqāy Tīmūr. Their rule lasted until 1747. Alternate designations of the dynasty include Jānid and Ashtarkhānid. More information can be found in Audrey Burton, “Imam Quli and Iran,” in *Proceedings of the Third European Conference of Iranian Studies held in Cambridge, 11th to 15th September 1995*, ed. Charles Melville (Wiesbaden: Dr. Ludwig Reichert Verlag, 1999), 289; Burton, “Who were the First Ashtarkhānid Rulers of Bukhara?” *Bulletin of the School of Oriental and African Studies, University of London* 51(3) (1988): 482-488; R.D. McChesney, “The ‘Reforms’ of Baqi Muhammad Khān,” *Central Asiatic Journal*, vol. 24, no. 1/2 (1980): 69-84.

A proper discussion of the “Shībānid” term is vital to clarify the dynastic heading that should more appropriately be phrased “Abū’l-Khairid” when referring to the regional rulers in sixteenth-century Transoxiana. Although it is currently connected to a modern nation-state contained by different borders and containing within it different peoples, the term “Uzbek” names a tribal confederation from the Qipchaq steppe descended from Jūchī, the eldest son of Chinggis Khān. Following the death of the Great Khān, a line traced through Jūchī’s son Shībānī (who was active in the thirteenth century) ruled the Golden Horde (1242–1502) in the northwestern sector of the Mongol Empire. Separate strains of these Shībānids held power in Siberia, Khwarazm, and Transoxiana by the late fifteenth century. Joining together Jūchid and Chaghataid lines through intermarriages, the Shībānids persisted in Transoxiana as allies-cum-adversaries of the Tīmūrid princes who grew weaker as the fifteenth century passed.⁵ As far as it has been researched only the Jūchids in Transoxiana—the Abū’l-Khairid and Tūqāy-Tīmūrid dynasties which I will delineate—produced illustrated manuscripts.⁶

In my scholarship, when differentiation is significant and specific periods are being

discussed I stipulate the separate Abū’l-Khairid and Tūqāy-Tīmūrid dynastic strains. In addition, I use the general term “Uzbek” when referencing abstract concepts associated with the region of Transoxiana and the early modern period that are not dynastically specific (such as its geographic location, cultural centers, and social groupings, e.g. military commanders, artisans, and spiritual leaders). Not used by the Abū’l-Khairids themselves, “Uzbek” was wielded in period Safavid chronicles as a group designation that later became a term of abuse akin to the pejorative labels “Turk” or “Qizilbāsh” and was applied to “an unlettered person, a bumpkin or a Robert W. Dunbar gives informative literature on the etymology, quoting Peter Golden that “it is equally unclear whether this was a designation used primarily by outsiders or a self-designation.” In “Zayn al-Dīn Mahmūd Vāsifī and the Transformation of Early Sixteenth Century Islamic Central Asia” (Ph.D. dissertation, Indiana University, 2015), 16, ftn. 17. Subtelny *Art and Politics* 132 ftn 42 notes Shibani Khan’s

strategic marriages into the Chaghataid lines, involving relatives of Sultan Mahmud (the Timurid governor of Tashkent 1487-1508) and Babur.

3 My fourth body chapter to my dissertation will discuss the circumstances of a particular *Shāhnāma* copy attributed to have been scribed in Khiva, thus connected to the Arabshāhid Shībānids in Khwarazm.

In contradistinction, the Abū'l-Khairids continued to use the designation *Moghul* (Mongol) after Muhammad Shībānī Khān founded the khanate although this connection to their nomadic roots was problematic.⁸ In his commissioned Turkic-language biography the *Shībānī-*

nāma, Shībānī Khān implored of the poet Muḥammad Ṣāliḥ: “‘Let the Chaghatay (Tīmūrīds) not call me an Uzbek,’ implying he had already risen above his nomadic counterparts.”⁹ In other empires such as those of the Muscovites and Ottomans, Joo-Yup Lee has uncovered instances in which the “early Mongols as well as post-Mongol groups descending from the Jūchid Ulus” (i.e. the Abū'l-Khairids) were both referred to as “Tātār.” Thus to the Ottomans, the classifications of “Tātār,” “Uzbek,” and “Mongol” denoted the same peoples.¹⁰

The particular Shībānid branch in Transoxiana took root under Abū'l-Khair Khān who united various nomads of the Qipchaq steppe under the name “Uzbek.” Upon Abū'l-Khair Khān's death in 1467-68, his grandson Muḥammad Shāh-Bakht (1451–1510), better known as Shībānī Khān, took over control and surpassed his grandfather's territorial gains.¹¹ The moniker Shībānī R.D. McChesney reports that it was outsiders who

used the term ‘Uzbek’ and often in a pejorative sense, to refer to the entire state, its rulers and their military supporters. Leaders of tribal groups used the title *amīr*. Amirs were usually identified by their tribal name, never as Uzbek (p. 241). “Islamic culture and the Chinggisid restoration: Central Asia in the sixteenth and seventeenth centuries,” in *The New Cambridge History of Islam. Vol. 3: The Eastern Islamic World Eleventh to Eighteenth Centuries*, eds. David O. Morgan and Anthony Reid (Cambridge: Cambridge University Press, 2011), 241. Svat Soucek provides the etymology to the general name of Uzbek, derived from the khan of the Golden Horde who ruled from 1312-1341 (145). Subtelny adds to “the term ‘Uzbek’ at the turn of the 15th century to mean ‘uncouth,’ ‘uncultured.’”

Subtelny “Art and Politics” 133. Good information is to be found in Chapter 3: “Names and Tribes” in Edward Allworth, *The Modern Uzbeks: From the Fourteenth Century to the Present: A Cultural History*, Stanford: Hoover Press Publications, 1990. He explains how the Uzbek group name lost significance as other dynastic, regional, or tribal designations were more used. In the eyes of the Timurids, their enemies, and immigrants, tribesmen, Turks, and Uzbeks were conflated and not carefully distinguished (p. 39).

Lee explains that the term “Tatar” was used by Muscovites and Ottomans to apply to early Mongols as well as post-Mongol groups descending from the Jochid Ulus (i.e., the Turkic nomads of the Qipchaq Steppe also termed Uzbeks). In essence, Tatar and Uzbek denoted the same peoples to the Ottomans. In Lee, *Qazaqliq, or Ambitious Brigandage*, 74, ftn. 2.

The leader’s full name recorded by the chronicler Wāṣifī is Muḥammad b. Shāh Būdāq Sulān b. Abū’l-Khair Khān (Dunbar, “Zayn al-Dīn Mahmūd Vāsifī and the Transformation of Early Sixteenth Century Islamic Central Asia,” 22). McChesney lists his various names: “Moḥammad Šībānī, (aka Šāhī Beg, Šaybāq, Šaybak, and Šāhbaḳt)” in “CENTRAL ASIA vi. in the 16th-18th Centuries,” *Encyclopaedia Iranica*. Babur in his Baburnama refers to him as Shībāq Khān and Shibani Khan; Muhammad Haidar calls hi Shahi Beg Khan in Tarikh-i Rashidi; Abu’l Ghazi (?) calls him Muhammad Shah-Bakht. Info in footnote 1, Subtelny “Art and Politics in Early 16th Century Central Asia” as actually a pen-name for the poetry he composed. The appellation “Shībānid” has frequented scholarly literature to refer to the sixteenth-century Abū’l-Khairid Uzbeks in Transoxiana. Yuri Bregel spells out what is erroneous about this Shībānid designation.¹² “Shībānid” technically applies to the Jūchid agnates specifically descended from Shībānī—the grandson of Chinggis Khān—and not the later Muḥammad Shībānī Khān who was born three hundred years later. It is for this reason that I use the more accurate term “Abū’l-Khairid” to refer to the sixteenth-century administration that reconstituted and resurrected Chinggisid rule in Central Asia initially under Abū’l-Khair Khān but was successfully carried out by his grandson Muḥammad Shībānī Khān. Shībānī Khān took Samarqand in 907/1501 which remained in Abū’l-Khairid hands for the next century and incrementally extended his control over much of Transoxiana which

culminated in taking Herat for the first time in 913/1507. But Shībānī Khān was able to enjoy his control there only briefly. Akin to his hold on territories in Transoxiana, in Ramazan 916 / December 1510 at the Battle of Merv in present-day Turkmenistan, Shībānī Khān was conquered then divided: the victor Shah Ismā‘īl, founder of the Safavid dynasty in Iran, made his skull into a gilded drinking Yuri Bregel explains, “the name ‘Šaybānids,’ often used in scholarly literature for the dynasty founded by Šībānī Khān— besides the wrong transcription of it— can be misleading for several reasons. It cannot refer to the family of Šībānī Khān himself, because he left no posterity, and the authority in the Özbek state that he founded passed to other branches of this family. Besides, the name ‘Šībānids’ should be applied to all the descendants of Šīban...in which case they should include both the branch of Ebrāhim-Oġlān (and later Abū‘l-Ḳayr) and the branch of ‘Arabšāh” (“Abū‘l-Khayrids,” *Encyclopedia Iranica*). R.D. McChesney’s entry on dynastic origins is also informative in “CENTRAL ASIA vi. in the 16th-18th Centuries.”

up, dispatched a severed hand to the Mamluk Sultan Qānṣuh al-Ghūrī, and sent Shībānī Khān's head stuffed with straw to the Ottoman Sultan Beyazid II as a warning that he could be next.¹³

Samarqand was the seat of the Great Khan (usually the oldest member of the ruling house) but with power also dispersed across the cities of Balkh (the heir presumptive’s seat), Bukhara, and Tashkent which were separate appanages (governing centers) overseen by the main base in Samarqand.¹⁴ Bukhara is the city most commonly associated with the Abū‘l-Khairids but

its florescence would come later in the third decade of the sixteenth century under the military commander and Great Khan Ubaidullāh bin Maḥmūd (r. 1533–1540), finally becoming the de facto capital in 1557 under ‘Abdallāh Khān bin Iskandar (Great Khan between 1583–1598).

These three —Muḥammad Shībānī, Ubaidullāh, and ‘Abdallāh Khān— are the most important Abū‘l-Khairid figures who contributed to the consolidation of the Uzbek state.¹⁵ With the death of ‘Abdallāh Khān in Rajab 1006 / 8 February 1598, his dynastic line faltered soon after and was replaced by a “cousin” branch, the Tūqāy-Timūrid dynasty who also have been called the Ashtarkhanids

For more on Shībānī Khān's dismemberment, read the section on Qizilbāsh envoys to various courts bringing body parts in Barry Wood, ed. and trans., *The Adventures of Shāh Esmā'il: a Seventeenth-century Persian Popular Romance* (Leiden: Brill, 2019), 284-288. For more on skull- drinking and the poetry this act inspired in contemporary Mamluk and Safavid societies, read Rasool Jafarian, "The Political Relations of Shah Ismā'īl I with the Mamluk Government (1501-16/907-22)," in *Iran and the World in the Safavid Age*, eds. Willem Floor and Edmund Herzig (London, New York: I.B. Tauris, 2012), 31-47. Jafarian cites Ḥasan Beg Rūmlū in *Aḥsan al-tavārīkh* who wrote that the head was sent to Bayezid (ftn. 57). This is repeated by Hassanein Rabie who writes on the Safavid envoy to the Mamluk Sultan who arrived in Cairo in June 1511 and presented gifts which included a small box containing the head of the "Ozbeg Khān." "Political Relations between the Safavids of Persia and the Mamluks of Egypt and Syria in the Early Sixteenth Century," *Journal of the American Research Center in Egypt*, vol. 15 (1978): 78. Annemarie Schimmel quotes Ibn Iyās, the historian of the last Mamluk rulers, and his witnessing the straw-stuffed head "of a person of the Tartar kings" dispatched to Sulān Qāṣuh al-Ghūrī. "Some Notes on the Cultural Activity of the First Uzbek Rulers," *Journal of the Pakistan Historical Society* 8,4 (1960): 157. There is some discrepancy, for according to Sinem Arca also quoting Rūmlū, the skull stuffed with hay was sent to Bayezid II in Istanbul. In "Gifts in Motion: Ottoman-Safavid Cultural Exchange, 1501-1618," (PhD diss., University of Minnesota, 2012), 12.

James J. Reid claims to use Rūmlū's account declaring the evil head was separated from the body and was sent to Bayezid while a severed hand was sent to Ismā'īl's rival the leader of Māzandarān Āqā Rustam Rūzafsūn (*Studies in Safavid Mind, Society, and Culture* [Costa Mesa, CA: Mazda Publishers, 2000], 81), but the source is actually from Iskandar Beg Munshī's *Tārīkh-i Ālam-ārā-yi Shāh 'Abbāsī* (ca. 1628-29).

⁴ Information on appanage divisions found in Soucek, *A History of Inner Asia*, 154; N. Kılıç, "Change in Political Culture: The Rise of Sheybani Khan," *Cahiers de l'Asie Centrale*. 3/4 (1997): 48-67; Joo-Yup Lee, *The 'Ancient Supremacy:' Bukhara, Afghanistan and the Battle for Balkh, 1731-1901* (New York: E.J. Brill, 1996), 32-33; Lee, *Qazaqliq, or Ambitious Brigandage*, 116.

⁵ Soucek agrees, singling out these three from among the khāns of the dynasty (*A History of Inner Asia*, 154).

Janids by scholars.¹⁶ Like the Abū'l-Khairids, the Tūqāy-Tīmūrids were descendants of Chinggis Khan's first son Jūchī,¹⁷ but their divergence stemmed from the generation afterwards (implying the Chinggisid grandsons). This rival Tūqāy-Tīmūrid line took over broader Transoxiana at the end of the sixteenth century but lost Khurāsān. The Abū'l-Khairids wielded control over a greater expanse; their rule lasted a century and they deserve greater mention in scholarship today.

⁶ "Central and North Asia, 1400–1600 A.D.," in *Heilbrunn Timeline of Art History*, New York: The Metropolitan Museum of Art <<http://www.metmuseum.org/toah/ht/?period=08®ion=nc>> (2000)

⁷ Joseph Hammer-Purgstall, *Geschichte des osmanischen Reiches: Grossentheils aus bisher unbenützten Handschriften und Archiven* (Pesth: C.A. Hartleben, 1840), 351.

⁸ Svat Soucek, *A History of Inner Asia* (Cambridge and New York: Cambridge University Press, 2009), 149.

⁹ See Welsford, *Four Types of Loyalty*, 50 for a diagram of these parallel branches traced through paternal relationships. To compare the seventeenth-century Tūqāy-Tīmūrid takeover with the fifteenth-century Tīmūrid takeover of Transoxiana, Tīmūr married into the Chinggisid line descended from Chinggis Khān's second son Chaghataī and took over the lands administered by the Chaghataīds. Uzbek displeasure with the Tīmūrids, in their eyes "usurpers," stems from Tīmūr's power derived through marriage. The Jūchid descendants comprising the Abū'l-Khairids and Tūqāy-Tīmūrids felt themselves superior and closer to Chinggisid origins.

МАҲМУД АЗ-ЗАМАХШАРИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Рашидов О.Р.

*Бухоро давлат университети доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори*

Маҳмуд аз-Замахшарий 1075 йили Хоразмнинг Замахшар қишлоғида ўрта ҳол оилада дунёга келган. Унинг тўлиқ исми Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад аз-Замахшарийдир. Замахшарийнинг отаси ўз даврининг саводли, анча тақводор, диёнатли кишиси бўлган, аксар вақтини Қуръони карим тиловати ва тоат-ибодат билан ўтказиб, Замахшардаги бир масжидда имомлик қилган. Аллома асарларининг бирида ўз волидаси ҳақида қуйидаги маълумотларни келтирган: “Ёшлигимда бир воқеа бўлган эди. Кунлардан бир кун бир чумчуқни тутиб олиб, оёқларини ип билан маҳкам боғладим, бироқ чумчуқ қўлимдан чиқиб кетиб, девор орасига (инга) кириб бекинди. Мен уни индан тортиб чиқариб олдим. Оёғига боғланган ип сиққани натижасида қушнинг оёғи узилиб тушди. Бундан онам қаттиқ хафа бўлиб: “Сен қушнинг оёғини кесганинг каби худо ҳам сенинг оёғингни кессин”, деб мени қарғади”. Маълумки, аз-Замахшарийнинг бир оёғи йўқ бўлиб, у бутун умр ёғоч оёқда юрган. Шу хусусда тарихчилар унинг бир оёғи бўлмагани, ёғоч оёқда юргани ва узун яктагини тушириб кийгани учун кўрган одамлар уни чўлоқ деб ўйлашларини ёзадилар. Тарихчилардан баъзилари, алломанинг бир оёғи йўқлигини қаҳратон қишда совуқ олганлигидан деб ёзса, яна бошқаси болалигида отдан йиқилганини келтиради.

Маҳмуд аз-Замахшарий отаси қўлида совод чиқарганидан сўнг ислом оламида донғи кетган Бухоро ва Хуросон мадрасаларида ўқиган. Олим ҳаёти давомида кўплаб мусулмон мамлакатлари Эрон, Арабистон, Ироқ, Яман, Шом (Сурия)да саёҳат қилди. Шунингдек, бир қатор шаҳарлар Марв, Нишопур, Исфаҳон, Боғдод, Ҳижоз, Дамашқ ва Маккада яшаб, асарлари учун бой манба тўплаган. Жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси эҳтироми сифатида аз-Замахшарийга “Жоруллоҳ” яъни “Аллоҳнинг қўшнисини”, “Устоз ул-

араб ва-л-ажам” (“Араблар ва ғайри араблар устози”) ва “Фахру Хваразм” (“Хоразм фахри”) деган фахрли номлар берилган.

Буюк мутафаккир аз-Замахшарий бизга бой ва улкан илмий мерос қолдирган. У тилшунослик, луғатшунослик, адабиёт, аруз, жуғрофия, тафсир, ҳадис, фикҳ ва илм ал қироатга оид эллиқдан ортиқ асарлар яратган бўлиб, уларнинг аксарияти бизгача етиб келган. Замахшарий араб тили ва адабиётига чуқур ҳурмат билан қараган ва ўз асарларини фақат араб тилида ёзган. Олимнинг асарларини мазмунига қараб, асосан қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- а) диний илмлар ва уламолар ҳақида;
- б) луғатшунослик;
- в) грамматика (наҳв);
- г) аруз;
- д) адабиёт;
- е) мантиқ.

Маҳмуд аз-Замахшарий Макка шаҳрида яшаган пайтида – 1119-1121 йилларда араб тили граматикасига бағишланган “Ал-Муфассал” асарини ёзди. Бу асар араб тили граматикасини ўрганишда азалдан Шарқда ҳам Ғарбда ҳам донғи кетган асарлардан ҳисобланади. “Ал-Муфассал” нинг бир қўлёзмаси Тошкентда, Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик қўлёзмалар фондида (5198-рақамда) сақланади. “Ал-Муфассал фи санъат ил-иъраб” номи билан аталмиш ушбу китобим тўрт қисмдан иборат”, деб таъкидлайди аз-Замахшарий китобига ёзган муқаддимада. Биринчи қисм – исмлар, иккинчи қисм – феъллар, учинчи қисм – қўмакчилар, тўртинчи қисм ушбу ҳоллар муштарак бўлганлардан иборатдир”.

Маҳмуд аз-Замахшарий илмий меросини ўрганган хорижлик тадқиқотчилардан бири Н.И.Робакидзе ҳисобланади. Унинг тадқиқот мавзуси “Аз-Замахшарийнинг фонетик концепцияси (XII)” деб номланган. Мазкур тадқиқотда Маҳмуд аз-Замахшарийнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда “Ал-Муфассал” асари асосида араб тили фонетикаси асосларини тадқиқ этганлиги таъкидланган. Шунингдек, грузиялик тадқиқотчи Г.С.Ахвледiani ўзининг “Умумий фонетика асослари” китобида Маҳмуд аз-Замахшарий илмий меъросининг жаҳон илм-фанига қўшган улкан ҳиссасини келтириб ўтади.

Аз-Замахшарий Макка шаҳрида яшаган пайтларида яратилган асарларидан яна бири “Навобиф ул-калим” (“Нозик иборалар”) ҳисобланади. Мазкур асар қўлёзмаларидан бир нусхаси Боғдодда Ироқ Миллий музейида (563-рақамда), ундан ташқари Берлинда (8676), Лейденда (891 ва 92-рақамларда) ҳам сақланади. “Нозир иборалар” асарига бир қанча шарҳлар ҳам битилган бўлиб, улардан Самарқандда, Амир Темур саройида хизматда бўлган йирик аллома Саъдуддин ат-Тафтазонийнинг “Ан-Ниъам ас-савобиф фи шарҳ ин-навобиф” (“Ан-навобиф”нинг шарҳида улкан неъматлар”) эътиборга моликдир. Мустақиллик йилларида алломанинг ушбу “Нозир иборалар” асари шарҳшунос олим Убайдулла Уватов томонидан ўзбек тилига ўгирилиб нашр этилди.

Алломанинг ҳали тўлалигича ўрганилмаган асарларидан бири “Робийъ ул-аброр ва нусус-ул ахёр” (“Яхшилар баҳори ва хабарлар изҳори”) ҳисобланади. Бу асар ҳозирги шароитда ўрганилиши долзарб бўлган асарлардан саналади. Чунки асарда шиддат билан ўзгариб бораётган жамиятимиздаги барча соҳаларни қамраб олган ижтимоий, сиёсий, маънавий ва ахлоқий қарашлар баён қилинган.

Асар таркибий жиҳатдан бешта қисмдан иборат. Биринчи қисм дастлабки ўн беш бобни ўз ичига олади. Иккинчи қисм эса ўн олтинчи бобдан ўттиз икинчи бобгача, учинчи қисм ўттиз учинчи бобдан эллик саккизинчи бобгача, тўртинчи қисм эллик тўққизинчи бобдан етмиш бешинчи бобгача ва сўнгги бешинчи қисм етмиш олтинчи бобдан тўқсон саккизинчи бобгача бўлган бобларни ўз ичига олади. Асарда берилган ҳар бир боб алломанинг ўз замонасининг долзарб бўлган масалаларига бағишланади. Жумладан, дунёнинг яратилиши, табиат ҳодисалари, борлиқдаги мавжуд нарсалар, давлат бошқаруви, сиёсат, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, охират каби хабарлар, ҳикоялар, ибратли хикматлар ўрин олган.

Маҳмуд аз-Замахшарий ўзининг илмий фаолияти барқ урган даврда “Атвоқ уз-заҳаб фи-л-ма-воиз ва-л-хутаб” (“Ваъз ва хутбаларда олтин шодалар”) асарини яратган. Ушбу асарнинг дастлабки номи “Ан-Насоих ас-сиғар” (“Кичик насиҳатлар”) деб аталиб, юз мақоладан иборат ибратомуз хикматлар, фойдали насиҳат ва гўзал ахлоқий ўғитлардан иборатдир. “Олтин шодалар” асарига шарҳ ёзган Мирза Юсуфхон ал-Аштиёний шундай ҳикоя қилади: “Аз-Замахшарийнинг

бу асарини Маккани (байтуллоҳни) тавоф қилган вақтида ёзган. Чунончи байтуллоҳни тавоф қилиб ҳар бир айланганидан кейин бир мақола ёзган. Мақолани ёзиб, яна айланган ва шу тариқа юз марта тавоф қилганидан сўнг юз мақола ёзилган”. Аз-Замахшарий ушбу китобда келтирилган мақолаларида золим ҳукумдорларни ҳам, фалсафа ва илм ул-фалак тарафдорларини ҳам кескин танқид қилади. Порахўр қозиларни, адиблар, илм аҳллари ўртасида бўлган ашаддий кўчирмачиликни, мол-дунёга хирс қўйган уламоларни койиб, ижтимоий иллатлар ҳақида очиқ-ойдин ёзади.

Олимнинг яна бир муҳим асарларидан бири “Асос ул-балоға” (“Балоғат асослари”) саналади. Ушбу асарнинг нодир нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида (5234-рақамда) сақланади. Аз-Замахшарий ўз асарларининг манбалари ҳақида гапириб, арабларнинг фасоҳатли луғатидан, турли-туман насрий ва назмий ёзма манбалардан тўплаган ажойиб ибораларга, шунингдек, бозорларга, масжиду жомеълардаги сўзга чечан хатиблардан эшитганларига асосланиб ёзгани ҳақида зикр қилади. Шу билан бир қаторда “Асос ул-балоға” нинг асосий манбаларини қуйидагилардан иборат дейиш мумкин:

- 1) Қуръони карим;
- 2) пайғамбар ҳадислари;
- 3) Умар, Али каби халифалар, саҳобалар ва бошқа фасоҳатли нотикларнинг калимаю сўзлари;
- 4) Жоҳилия, исломдан аввалги ва ислом шоирларининг шеърлари;
- 5) Масаллар;
- 6) араблар насрий асарларида қўлланилган иборалар.

Маҳмуд аз-Замахшарий ижодининг гултожи бўлган ва илм-фан оламида ғоятда кенг танилган “Ал-Кашшоф” асари Қуръони каримга ёзилган машҳур тафсирдир. Асарнинг тўлиқ номи “Ал-Кашшоф ан ҳақоик ит-танзийл ва уйун ил-ақавийл фи вужух ит-таъвийл” (“Қуръондаги берк ҳақиқатларни ва уни шарҳлаш орқали ривоятлар кўзларини очгич”) бўлиб, ғоят қимматли саналади. Аллома ўзидан олдин яратилган Қуръон тафсирига бағишланган кўплаб асарларни қунт билан ўрганиб, ўз асарида улардан унумли ва танқидий равишда фойдаланган. Натижада мукаммал бир тафсир, яъни “Ал-Кашшоф”

вужудга келган. “Ал-Кашшоф” асари ҳар хил даврларда Қуръонга ёзилган тафсирлар ичида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу асар ҳозирги вақтгача араб мамлакатларида кўплаб мусулмон аҳли, айниқса олимлар учун энг зарурий китоблардан бири ҳисобланади. Қоҳирадаги бутун дунёга машҳур “Ал-Азҳар” диний дорилфунунининг талабалари эса аз-Замахшарийнинг “Ал-Кашшоф” асари асосида Қуръонни ва унинг тафсирини ўрганиб, ундан муҳим бир дастур сифатида фойдаланадилар.

Юқорида айтилган фикрлардан яққол кўриниб турибдики, хоразмлик буюк аллома аз-Замахшарий кейинги авлодларга беқиёс бой маданий мерос қолдирган. Ўзининг бутун умрини ва жўшқин фаолиятини илм-фан йўлига бахшида этган, фаннинг турли соҳаларига оид кўплаб асарлар яратган. Аз-Замахшарийнинг чуқур билими, буюк даҳоси ва фаннинг турли соҳаларига оид ўлмас асарлари ҳали у ҳаёт пайтидаёқ бутун мусулмон Шарқида унга бетакрор шуҳрат келтирган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Уватов У. Абу-л Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад аз-Замахшарий. Нозик иборалар. – Тошкент: “Камалак”,1992.-Б.5.

2. Маънавият юлдузлари (Марказий осиёлик машҳур алломалар, адиблар). Тўпловчи ва масъул муҳаррир М.Хайруллаев. – Тошкент: “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси”,2001.-Б. 137.

3. Уватов У. Абу-л Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад аз-Замахшарий. Нозик иборалар. – Тошкент: “Камалак”,1992.-Б.26.

4. Фонетическая концепция Аз-Замахшари (XII) - <https://www.dissercat.com>.

5. Тўраев Л. Маҳмуд Замахшарийнинг “Робийъ ул-аброр” асари қўлёзмаси ва унинг Тошкент нусхалари // Sharq mash’ali журнали 2019 йил №3.-Б.82.

6. Уватов У. Абу-л Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад аз-Замахшарий. Нозик иборалар. – Тошкент: “Камалак”,1992. –Б.28.

7. Ислам.Энциклопедический словарь. Под редакцией С.М.Прозорова. Том I. – Москва: Восточная литература,2006. –С.150.

ЎРТА АСР ҲУНАРМАНДЧИЛИК ЦЕХЛАРИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА

Сойиб Раупов

БухДУ доценти, тарих фанлари номзоди

Фуқаролик жамияти институтлари турли туман бўлиб, улар орасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш институтлари муҳим аҳамиятга эга. Бу институтнинг шаклланиши узоқ тарихга эга бўлиб, унинг тарихий илдизларидан бири немис маданияти доирасида шакланган континентал Европа анъаналари билан боғлиқ. Эркин фуқаро пайдо бўлишига кўп жиҳатдан ўз аъзолари манфаатларини ҳимоя қиладиган ва шаҳар бошқарувига таъсир кўрсата оладиган ўрта аср ҳунармандчилик цехлари катта аҳамият касб этган. Мазкур анъананинг назарий концепцияси Гегель томонидан ишлаб чиқилган. Шу ўринда цехлар нима, улар қандай вазифани бажарган деган табиий савол туғилади. Цехлар – ҳамкасбларни йирик ер эгаларининг ҳамласидан сақлаб қолиш ва махсулот ишлаб чиқариш, уни сотишда ягона устунликни ўз қўлида сақлаб қолиш мақсадида, маълум касб бўйича шаҳар ҳунармандларининг бирлашмаси. Ўрта аср цехлари маълум бир ижтимоий иерархияга: уста, уста ёрдамчиси-халфа ва шогирдларга эга бўлган. Фақат устагина цехнинг тўла ҳуқуқли аъзоси ҳисобланган.

Ўрта аср ҳунармандчилик цехларининг келиб чиқиши иккинчи йирик ижтимоий меҳнат тақсимооти – ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши билан боғлиқ. Алоҳида соҳага ажралиб чиққан ҳунармандлар ўрта аср шаҳарларини пайдо бўлишига асос бўладилар ва ана шу шаҳарларда ўз цехларини тузадилар. Цехлар Италияда IX-X асрларда, Франция, Германия

ва Англияда XI-XII асрлардан бошлаб пайдо бўла бошлайди. Кўпчилик Ғарбий Европа мамлакатларида цехларининг энг тараққиёт чўққисига етган даври XIII-XV асрларга тўғри келади. Бу даврда Ўрта аср ҳунармандчилик цехлари Ғарбий Европа шаҳарларида жуда кенг тарқалди. Масалан, XIV асрда биргина Париж шаҳрида 300 дан ортиқ ҳунармандчилик цехлари бўлиб, бу цехларда 5,5 мингдан ортиқ ҳунармандлар бирлашган эди.² Цехларнинг фаолияти низом асосида ташкил этилиб, низомда усталар, халфаларнинг иш вақти, хомашё сифати, ишлаб чиқариш технологияси, тайёр буюмларнинг сифати ва миқдори, маҳсулотни сотиш жойлари ва шартлари ҳамда ҳар бир устанинг ўз устахонасида ишлатиши мумкин бўлган уста ёрдамчилари ва станокларнинг сони кўрсатиб қўйилган бўлар эди.

Цехларнинг фаолияти фақат бу билангина чекланиб қолай, балки ҳунармандларнинг шахсий, оилавий ва ижтимоий ҳаётини ҳам қамраб олиб, ҳунармандларнинг ўзига хос ўзини-ўзи бошқарувчи органи вазифасини ҳам бажарар эди.

Ҳунармандчилик цехлари ўзаро ёрдам ташкилоти вазифасини ҳам бажарган. Цехга аъзо бўлаётган ҳар бир ҳунарманд кириш бадали тўлар ва аъзо бўлгандан сўнг аъзолик бадали тўлаб борар эди. Тўпланган пулдан камтаъминланган цех аъзоларига моддий ёрдам кўрсатилар, вафот этган цех аъзоларининг дафн маросимлари ўтказилар эди.

Цехларнинг сайлаб қўйиладиган бошлиғи бўлар эди ва у одатда магистр деб юритилган. Цех аъзоларининг устав талабларига риоя қилишларини кузатиб борадиган назоратчилар фаолият кўрсатар эди. Цех аъзолари ўзларининг умумий йиғилишига тўпланиб, цех ҳаётидаги энг муҳим масаларни муҳокама қилиб борган.

Умуман олганда, цехлар хунармандларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий мавқеларини ҳимоя қилган ва мустаҳкамлаган, XII-XV асрларда Ғарбий Европа мамлакатларининг иқтисодий тараққиётида ижобий таъсир кўрсатган. Аммо XVI-XVIII асрларга келиб, яъни капиталистик муносабатларнинг шаклланиши билан, цехлардаги регламентация тартиби тараққиётга ғов бўлган ва цехлар ўз мавқеини йўқотган.

Шуни фахр билан таъкидлаш лозимки, ўтмишда мамлакатимиз ҳудудида ҳам Ғарбий Европа хунармандчилик цехларига ўхшаш бошқарув тизими ҳукм сурган.

Юртимиз хунармандларининг бошқарув тартиби – бобо, оқсоқол, уста, халфа ва шогирддан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига тегишли вазифани бажарган. Бобо хунармандчилик уюшмасининг раҳбари ҳисобланиб, унинг вазифаси “Рисола (устав)да кўрсатилган тартиб-қоидаларга усталарнинг сўзсиз риояқилишларини таъминлаш, усталарнинг сифатли маҳсулот тайёрлашларини назорат этиш, уюшма аъзоларининг барча маъракаларига етакчилик қилиш, усталар ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликларни “Рисола”да кўрсатилган тартибда бартараф этиш, шогирднинг усталик даражасига эришганлиги учун ўтказиладиган “Бел боғлаш” маросимига бошчилик қилиш, бошқа шаҳарлардан кўчиб келган усталарни уюшмага қабул қилиш, шаҳар ҳокимияти вакиллари билан турли масалалардан музокаралар олиб бориш, харидор ва хунармандлар ўртасидаги келишмовчиликларнинг қозилик судларида кўрилишида қатнашиш кабилардан иборат бўлган. Бобо бу хизматлари учун ҳеч қандай ҳақ олмаган. Бобо ўз дўкони, халфа ва шогирдларига эга бўлиб, бошқа усталар сингари ўзмеҳнати эвазига кун кечирган.

Оқ соқол бободан кейинги ўринда турувчи уюшма раҳбари бўлиб, у бажарадиган вазифалар бобоникига қараганда кенгқамровли бўлган. Оқ соқол ҳамусталарнинг барча оилавий маърака – маросимларида иштирок этиб, уюшма аъзолари турмушининг иқтисодий-маиший томонлари билан шуғулланган.

Хунармандлар орасида келиб чиқадиган турли келишмовчиликларни бартараф этган, уста, халфа ва шогирдлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турган. Туркистон ўлкасида ўтказилган хунармандчилик маҳсулотлари кўرғазмасида, турли байрамларда усталарнинг ўз маҳсулотлари билан қатнашишларини уюштирган. Шогирднинг “Бел боғлаш” маросимини ўтказишни ташкил этган. Оқсоқол ҳам бобо сингари ушбу хизматлари учун ҳеч қандай ҳақ олмаган. Ўз навбатида, у ҳам ўз дўкони, халфа, шогирдларига эга бўлиб, хунари орқасидан кун кечирган.

Шаҳарларда муайян соҳаларда фаолият юритадиган хунармандлар ўз маҳалларини ташкил этганлар, кўп ҳолларда, айрим маҳаллаларда асосан бир касб-кородамлар-ҳамкасблар истиқомат қилган ва маҳаллалар шунга қараб номланган. Масалан, Самарқанд шаҳрида Кулолон, Заргарон, Чармгари, Шарбатдор, Сўзангарон, Тўқумдўзи, Галаосиё каби маҳаллаларда турли касбэгалариозик-овқат, ширинликлар, оила ва рўзғор буюмлари, улов анжомлари, дурадгорлик асбоблари, истеъмол учун хомашё маҳсулотларини етиштириб, харидорлар ва миждозларнинг кундалик эҳтиёжларини қондирганлар. Бундай маҳаллалар юртимизнинг барча шаҳарларида бўлган ва мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта рол ўйнаган. Чор Россияси ва Шўролар ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсати оқибатида улар секин-асталик билан жамиятдаги ўз мавқеларини йўқотган.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Шундай қилиб, ўрта аср хунармандчилик цехлари ўзини-ўзи бошқариш органлари сифатида фуқаролик жамияти тўғрисидаги тарихий концепцияларнинг шаклланиши ва ривожланишига ўзининг катта таъсирини кўрсатган ва ҳозирда мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуришишига хизмат қилмоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўрта асрлар тарихидан изоҳли луғат. Т., “Ўқитувчи”- 1979 й., 130 бет.
2. История средних веков. Том-I М.Гос.изд. Политической литературы, 1952 г., стр. 271.
3. Қиличев Р. Туркистонда хунармандларнинг ўзини-ўзи бошқарув тартиби// Жамият ва бошқарув, 2004 й, 3-сон. 39-бет.
4. Самибоев Х., Ширинбоев Ш. Самарқанд маҳаллаларининг номланиш тарихидан, // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2003 й. 3-сон. 52-бет

ЖАҲОН ТАРИХИДА САМАРҚАНД ҚОҒОЗИНИНГ ЎРНИ

Ш.С. Гаффоров

СамДУ тарих факультети профессори

О.Ж.Ирисқулов

СамДУ тарих факультети ўқитувчиси PhD

Дунёнинг қадимги Афина, Рим ва бошқа шаҳарлари ўзининг диққатга сазовор маданий-тарихий ёдгорликлари билан замонавий жаҳон маданиятида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу борада Ўзбекистон шаҳарларининг ҳам жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси муносибдир. Айниқса, Самарқанднинг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни беқиёс бўлиб, ЮНЕСКО ташкилоти томонидан «Самарқанд — маданиятлар чорраҳаси» сифатида жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди ва 2007 йилда шаҳарнинг 2750 йиллик юбилеи дунё миқёсида кенг нишонланди. 2019 йилда Самарқанднинг Жаҳон сайёҳлик шаҳарлари федерациясига (WTCF) аъзо бўлиши эса, унинг келажақда жаҳон туризм марказига айланишидан далолат беради.

Самарқанднинг жаҳон маданиятида тутган мавқеи яна шундан далолат берадики, халқаро миқёсда бу қадимги шаҳарнинг тарихи, маданияти ва ҳозирги ҳаётига қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жаҳон цивилизациясида ёзув ва қоғознинг ўрни муҳимдир. Самарқанд қоғози бир неча аср давомида Шарқ халқлари маданияти ривожини учун хизмат қилган.

Самарқандда бошқа хунарлар қаторида қоғоз ишлаб чиқариш ҳам ривожланган. XV – XIX асрларда самарқанд қоғоз ишлаб чиқаришнинг йирик маркази ҳисобланган. Қоғоз тайёрлашда каноп иплари ҳомашё бўлиб хизмат қилган. Улар тарқатилган, тарошланган ва кеча давомида оҳақли сувга ботириб қўйилган. Шу тариқа камда бир ҳафта давомида ҳомашёга ишлов берилган ва кейин қоғоз тайёрланган. Самарқанд қоғози турли рангларда тайёрланган. П.П.Ивановнинг маълумот беришича шаҳарда ёзув қоғозини ишлаб чиқариш кенг ривожланган.

Қоғоз буюмларини ясовчи устахоналарда қоғоз ҳомашёсини алоҳида ва ёзув қоғозини алоҳида тайёрлашган. Баъзи ҳолларда эса мазкур маҳсулотларни алоҳида устахоналарда тайёрлаб сотувга чиқаришган. Қоғозга яқуний ишловни махсус мутахассис – “муракашлар” амалга оширганлар. 1869 йилда Самарқандда қоғоз ишлаб чиқарувчи устахоналар сони 16 та бўлган.

XVIII аср охири XIX аср бошида Самарқандда қоғоз саноати инқирозни бошдан кечирган. Бунга сабаб, биринчидан Бухоро амирлигидаги ўзаро урушлар, кўчманчи халқларнинг ҳужумлари натижасида юз берган талон-тарошлардан безган халқнинг нисбатан тинч ўлкаларга кўчиб кетиши ҳамда қоғозсоз усталарнинг катта қисми Қўқон хонлиги ҳудудига бориб макон топиши. Иккинчидан, XIX асрда Россиядан катта миқдорда қоғоз маҳсулотларнинг олиб келиниши маҳаллий қоғозсозларнинг инқирозига ҳам маълум қадар ҳисса қўшган. Тадқиқотчиларнинг фикрича ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондларида сақланаётган XIX асрга оид жуда кўплаб қўлёзмалар ичида бирорта ҳам Самарқанд қоғозига битилганлиги қайд қилинмаган. Бу ҳолат XIX аср бошида Самарқандда қоғоз ишлаб чиқариш тўхтаб қолганлигидан далолат беради. Яна бир маълумотда «XIX аср бошларида Самарқанд қоғози тайёрлаш ниҳоясига етган эди. Шу сабабли қоғоз устахоналари ўрнашган жойлар бошдан-оёқ ун тегирмонлари ва чархпалакларга кўмилиб кетган эди», келтирилади.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Бу даврда ўзаро феодал курашлар, тинимсиз талончиликлар, савдо йўлларининг ҳавфсиз эмаслиги натижасида савдонинг сўсайиши, ўзаро курашлар даврида солиқларнинг ошиб кетиши натижасида Самарқандда биргина қоғоз ишлаб чиқариш эмас, балки кўпгина ишлаб чиқариш соҳаларида инқироз кўзатилади.

А.Вамберининг фикрича Самарқанд қоғози «Янги ипақдан тайёрланган...», Ўрта Осиё бўйлаб 1866 йилда саёҳат қилган П.И.Пашино фикрича эса қоғоз пахтадан тайёрланган, А.Семёнов қоғоз тайёрлашда эски латта ва пахта толалари, ипақ ва каноп чиқитлари ҳам қўлланилган деган фикрни илгари суради. Таъкидлаш жоизки ҳар қандай маҳсулот тайёрланганда атроф-муҳитда мавжуд бўлган хом ашёдан кенг фойдаланилган. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки қоғоз тайёрлашда XIX аср самарқандлик хунармандлар асосан каноп, қамиш, пахта, зиғир толаси ва ипақдан кенг фойдаланишган, деган фикр ўринлидир.

Самарқанд қоғози сувсимон ўзининг махсус белгисига эга бўлган. Мазкур белги XVI асрда уста Мир Иброхимнинг ўзига хос муҳри бўлган. Бу белги сунгги пайтларгача ҳам Самарқанд қоғозининг белгиси сифатида сақланиб қолган ва “Мир-Иброхим” деб аталган.

Самарқанд қоғози тайёрланган хом ашёсига кўра, асосан уч навга ажратилган. Улардан бири ипақ чиқитлари, тарандиларидан тайёрланган ва унга ҳеч қандай пахта толаси қўшилмаган. Бу қоғоз ниҳоятда пухта, гўзал, майин ва жуда силлиқ бўлиб сариқ тусда товланиб турган. Бу қоғоз «қоғози абришумий» яъни «қоғози ипақ» деб юритилган. Самарқанд қоғозининг иккинчи хили-ярим шойи қоғоз бўлиб, у ипақ хом ашёсига тенг миқдорда наша пояси қўшиб тайёрланган. «Нимкатоний» деб аталган бу қоғоз қалин, пухта ва яхши оҳорланган бўлиб, бундай қоғоздан қилинган китобни варақлашнинг қулай бўлган. Учинчи нав қоғоз деярли соф пахтадан тайёрланган ва у сифати ҳамда тайёрлаш усулига кўра юқорида айтиб ўтилган қоғозлардан бирмунча пастроқ бўлган.

Самарқанд шаҳри атрофида фаолият юритган қоғозсозларнинг асосий иш жойлари хусусий ёки вақфга тегишли бўлган устахонлар бўлган. Қоғоз тайёрлаш жараёнида устахонада фаолият юритган усталар ўртасида меҳнат тақсимотига амал қилинган. Масалан, қоғоз тайёрловчи уста-қоғозрез, қоғоз оҳорловчи уста-муҳракш, пахта ювувчи уста-пахташўй, қоғозга ун-мой қўшувчи уста-оҳорчи, қоғозни қуритиш учун дорга осадиган ёки деворга ёпиштирадиган уста-

қоғозчаспон деб аталган. Бундан ташқари хандакда қоғоз талқонини тепкиловчи, обжувозни ишлатувчи-жувозчи, бир нечта халфа ҳамда шогирдлар бўлган. Қоғозсозлар шу ернинг ўзидаёқ тайёр бўлган қоғозни савдогарларга, хаттотларга ва бошқа қоғозга муҳтож кишиларга сотишган. Қоғоз савдоси билан шуғулланувчи савдогарлар кўтарасига савдо қилиб олган қоғозларни атроф шаҳарларга ёки узок мамлакатларга элтиб сотишган. Қадимги қоғоз тайёрлаш усули йўқ бўлиб кетганлиги сабабли, биз архивдан топилган ҳужжатлар ва бошқа манбалар асосида аجدодларимиз қоғозни қандай тайёрлаганликлари ҳақида А.Файзиев қуйидаги маълумотларни келтириб ўтади:

Керакли миқдордаги биринчи навли пахта олиниб, бўйра устида яхшилаб сув билан чайилган, сўнг у обжувозда бир кеча-кундуз давомида тортилган. Шундан сўнг талқон ҳолга келган пахта иккинчи бор сувда чайиб олинган ва унга керакли миқдорда ишқор ҳамда оҳак солиниб, яхшилаб аралаштирилган ва обжувозда иккинчи бор қайта тортилган. Керакли миқдорда қайта тортилган қоғоз талқонига 4 пуд ишқор, 1 пуд оҳак аралаштириб бўйра устида ёз кунларида 3 кун, қиш кунларида 15 кун қуёш тиғида сақланган. Кўрсатилган муддат ўтгандан сўнг қоғоз талқони учинчи бор обжувозга солиниб 8 кун тортилган. Шундан сўнг обжувоздаги талқон олиниб сурп матога солинган ва сувда чайиб олинган. Қоғоз талқонидаги сувни сиқиб чиқариш учун оғир тошларга бостириб қўйганлар. Суви сиқиб чиқарилган қоғоз талқони тўртинчи маротаба обжувозга солиниб, 10 кун давомида тортилган. Шу жараёнлардан кейингина қоғоз қилиш учун керакли хамирсимон хом ашё - қоғоз бўтқаси махсус хандакга солиниб оёқ билан 2 соат давомида тепкиланган, сўнг 2 соат таёқ билан саваланган. Шундан сўнг уни суюқ ҳолга келтириш учун сув солинган. Суюқ қоғоз бўтқасини от қилидан тайёрланган майин тўр устига бир хил юпқаликда солиб чиқилган. Шу жараёнда қоғознинг қалинлигига алоҳида эътибор берилган, чунки унинг қанчалик қалин ёки юпқалиги ана шу ерда белгилаб олинган ва бир кеча-кундуз давомида сувини сиқиб чиқариш мақсадида устидан тош бостириб қўйишган. Катта, юпқа варақсимон ҳолга келган қоғоз бўлақларига юпқа қилиб, буғдой уни ва қўй мойи қўшиб тайёрланган ширач суртилиб, қуритиш учун ёз кунларида 3 соат, қиш кунларида бир кеча-кундуз давомида махсус хона деворларига ёпиштириб қўйишган

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

ёки симдан қилинган дорга осиб қўйишган. Қуриган варақлар девордан ажратиб олиниб, махсус пичоқ ёрдамида керакли ўлчамда кесиб чиқилган. Сўнгра ширач варақнинг икки томонига суртилган. Қоғоз таркиби янада зич ва ялтироқ бўлиши учун тош ўқлов билан унга ишлов беришган. Зарур бўлганда бу жараён икки-уч бор такрорланган. Қоғоз тўлиқ қуриши учун ипли дорларга осиб қўйилган ва шундан сўнг истеъмолга чиқарилган. Архив маълумотларига қараганда 18720 варақ қоғоз тайёрлаш учун 24 пуд америка сортли пахта, 24 пуд ишқор, 6 пуд оҳак, 10 пуд ун, 1 пуддан ортиқроқ мой, 6 бўлак мато (1 бўлак 6-7 метр бўлган) ишлатилган. Қоғозсозлар қоғоз тайёрлаш жараёнида унинг қандай рангда бўлишига ҳам алоҳида эътибор қаратганлар. Варақларнинг қандай рангга бўялиши маълум бир маънони англатган. Масалан, ҳаворанг-мотам, айрилиқ аломатини, оч-қизил - бахт-саодат, шодлик, байрам хабарини билдирган. Кўк рангли қоғозлардан асосан қайғули хабарларни билдиришда фойдаланишган. Қоғозбофлар кўп ҳолларда қоғозни оч-қизил ва яшил рангларга бўяшган, негаки бу ранглар оқ қоғозга қараганда кишига қандайдир руҳий тетиклик, ором бағишлаб, тез чарчашнинг олдини олган.

Хуллас, «Муайян даражада ҳар қандай шаҳарда мавжуд бўлган ушбу ҳунарлардан ташқари шундайлари ҳам бор эдики, унга фақат бир шаҳар эгалик қиларди. Қоғозгарлик ана шундай ҳунарлардан эди. У Самарқандда ривож топган эди». Самарқанд, Бухоро, Қўқон шаҳарларида аждодларимиз томонидан ипақдек силлиқ ва юмшоқ, узоқ йилларга чидамли, турли муҳитларга дош бера оладиган, нам тортмайдиган қилиб тайёрланган турли-туман қоғозлар уларнинг бу соҳада юқори малакага эга бўлганидан далолат беради. Юқорида баён қилинган қоғоз тайёрлаш усулидан кўриниб турибдики, у қадар мураккаб эмас. Ҳозирги фан-техника тараққий этган даврда бу жараёндаги кўпгина ишларни техника зиммасига юклаш орқали қадим технологиялар асосида олинган қоғоз билан йўқолиш арафасида турган кўплаб қўлёзма китоблар, ҳужжатларни сақлаб қолиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Иванов П.П. К истории развития горного производства в Средней Азии. – М.-Л., 1932. – С. 64.

2. О некоторых технических производствах в Туркестанском крае.

“Русский Туркестан”. Вып. 2. – С. 229, 231.

3. ЎзМДА, 5 фонд, 1 руйхат, 12 иш, 124 – варақ.

4. Ҳабибуллаев Н. Ўрта Осиёда қоғоз ишлаб чиқариш. – Т.: Фан, 1992. – Б. 10.

5. Вяткин В.А. Материалы исторической географии Самаркандской области.// Справочная книжка Самаркандской области. Вып. VII. – Самарканд, 1902. – С. 22.

6. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – СПб., 1855. – Б. 211.

7. Пашино П.И. Туркестанский край 1866 г. – СПб., 1868. – С. 140.

8. Қаранг: Семёнов А.А. О Среднеазиатской бумаге. – Т., 1943. ст 17.

9. Қиличев Р. Оламда яхши қоғаз самарқанддин чиқар... // Қуйи Зарафшон воҳаси: ижтимоий, маданий, маънавий ҳаёти тарихи (иккинчи китоб). – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 93-97.

10. Абрамов М.М. Из истории производства самаркандской бумаги (к 200-летию Самарканда). // Общественные науки в Узбекистане. 1968, №12. – С. 31.

11. Ҳабибуллаев Н. ЎртаОсиёдақоғозишлабчиқариш. – Т., «ФАН» 1992. – Б. 46-47.

12. ЎзР МДА 53-жамғарма, 2-руйхат, 94-иш, 23-варақ.

13. ЎзР МДА 53-жамғарма, 2-руйхат 20-иш, 36-варақ.

14. Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков Д.Г. Средневековый город Средней Азии. Л., 1973 г. Ст 28.

САМАРҚАНД ҚЎРБОШИЛАРИ ВА АҲМАД ЗАКИ ВАЛИДИЙ ТЎҒОН

Тожибоев Б.М.

Тарих фанлари фалсафа доктори (PhD)

АндДУ. Фуқаролик жамияти назарияси кафедраси доценти в.б.

Ўзбекистоннинг қадимий тарихий вилоятларидан ва йирик маданий марказларидан бири ҳисобланган Самарқанд совет ҳокимияти йилларида муҳим тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган. Сиёсий, иқтисодий ва стратегик жиҳатдан Ўзбекистоннинг айнан марказида жойлашган Самарқанд шаҳри бу даврда Тошкент

шаҳридан кейин республикада ўзининг етакчилиги мавқеини сақлаб қола олган.

Бутун Туркистон минтақасида бўлгани сингари Самарқанд вилоятидаги совет режимига қарши қуролли ҳаракатни ягона мақсад сари йўналтиришда тараққийпарварлар (жадидлар), миллий зиёлилар ва уламолар катта роль ўйнашди. Хусусан, «Туркистон Миллий Бирлиги» (ТМБ) ва «Миллий Иттиҳод» ташкилоти аъзолари Самарқандда ҳам совет тузумига қарши курашни уюштиришда жонбозлик кўрсатишди.

«Туркистон Миллий Бирлиги» ташкилотининг 6-конгресси 1921 йил 5-7 сентябрда Самарқандда ярим яширин ҳолатда ўтказилди. Самарқанддаги конгрессда ТМБнинг 24 банддан иборат Низоми ва Туркистон миллий байроғи қабул қилинди. Ушбу конгрессни тайёрлашда Аҳмад Заки Валидий (1890 – 1970) билан биргаликда миллий раҳбар ходимлардан Тўрақул Жонузоқов (1893-1921) муҳим ишларни бажаришди.

Самарқанд конгресси Туркистон минтақасидаги истиқлолчилик ҳаракатини ғоявий жиҳатдан жипслашувига катта хизмат қилди. Валидийнинг ёзишича, анжуманда бутун Туркистондаги қўрбошилар гуруҳлари билан алоқани мустаҳкамлаш ва ҳар бир қўрбошининг ҳузурига сиёсий маслаҳатчилар юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Конгресс тугагач, Самарқанд вилоятидаги истиқлолчиларнинг раҳбарларидан бири Очилбек қўрбоши ҳузурига сиёсий маслаҳатчи ва ғоявий раҳбар сифатида ТМБ Марказий Қўмитаси аъзоси, ўзбек зиёлиларидан Қори Комил юборилди. Баҳромбек қўрбоши ёнига Самарқанд зиёлиларидан Қори Муҳаммад, Абдулҳамид ва Озодбек жўнатилди. Валидийнинг шахсан ўзи Самарқанд, Бухоро ва Хоразмда ҳаракат қилаётган бир қатор қўрбошиларнинг қароргоҳида бўлиб, уларни умумий душманга қарши аёвсиз кураш олиб боришга чақирди ва ўзаро бирдамликка чорлади. 1921 йил ноябрь - 1922 йил март ойларида у Самарқанд, Жиззах, Фориш, Қўйтош, Нурота, Каттақўрғон, Шаҳрисабз, Ғузор, Касби орасида доим от устида юриб, ташкилий ишлар билан шуғулланди. Баҳромбек (Самарқанд), Жабборбек ва Дониёлбек (Шаҳрисабз ва Ғузор), Қорақулбек (Каттақўрғон), Мулла Абдулқаҳҳор ва Ҳамроқул (Нурота) ҳузурида бўлиб, истиқлолчилар билан турли кенгашлар ўтказди. Валидий

Самарқанд ва Жиззах оралиғида бир неча марта қизил аскарлар билан жангга кирди.

Валидий совет ҳокимиятига қарши қўзғолончилар ва уларнинг раҳбарлари «элни таловчи, босқинчи» эмасликларини, балки «ўз ватанига содиқ, фидойи, дунё аҳволдан воқиф кишилар» эканликларини кейинчалик ёзган хотираларида фақат биргина Самарқанд вилояти қўрбошилари мисолида ҳам яққол кўрсатиб берган эди.

Бу ҳолатни Аҳмад Заки Валидий Тўғон умрининг охирида ёзган “Хотиралар” китобининг “Самарқандга кўчиш” номли фаслида қуйидагича тасвирлаган: “Мен озодлик курашчилари билан яқиндан алоқа ўрнатиш ва сентябрда бўладиган съездга тайёргарлик кўриш учун 5 августда (1921 йил назарда тутилмоқда) бир ўзим отда Кармана орқали Самарқандга қараб йўлга чиқдим. Аёлим ва Хорис Сисанбоев деган ёрдамчи аскарим темир йўл билан кетдилар. Мен тамоман ўзбек деҳқони кийимида эдим. Шундай бўлишига қарамасдан, мен рус аскарлари бор жойларни четлаб ўтдим. Қўрғон деган бир қишлоққа келганимда бу ерда руслар борлигидан хабар топиб, уларга дуч келмаслик учун бошқа йўллар орқали кечга яқин Ойобод деган жойда Кумушота мақбараси ёнида фақирона кун кўрадиган шайхнинг хонақоҳида тунадим. Отимга ем берди. Ўзимга таом тайёрлади. Бу талқон бўлиб фақирлар таоми эди. Устимга ёпинадиган чойшаб ҳам беролмаганидан айтиб, жуда хижолат бўлди, узр ҳам сўради.

Ярим кечагача суҳбатлашдик. Дунё ишларидан яхшигина хабардор экан. У ерларда йигитлари бўлган Қорақулбек билан таниш экан. Тонгда намозга уйғотди. Бирга намоз ўқидик. Сўнг ширчай келтирди ва биргалашиб ичдик. У билан дўст бўлдик. Орадан бир йил ўтгач, Қорақулбек билан бирга русларга қарши жанг қилганимизда яна бу шайхнинг хонақосида бўлдик.

Аҳмад Заки Валидий 1921 йил август оyi ўрталарида Самарқанд шаҳрига келиб, машҳур Шоҳи Зинда яқинидаги Ҳазрати Хизр масжиди ёнидаги уйга кўчиб ўтади. Бу ерда “Туркистон Миллий Бирлиги” ташкилоти ишларини юритган. Дўстлари ва маслакдошлари билан учрашиб, Самарқанд вилоятида совет режимига қарши қуролли ҳаракатни кучайтиришда жонбозлик кўрсатган.

Туркистонда мазкур даврда бўлган ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол қатнашган Аҳмад Заки Валидий Самарқандда

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

турганда бу ерда совет режимига қарши курашаётган қўрбошилар гуруҳлари билан Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳудудида қизил армияга қарши жанг қилаётган ватанпарварларнинг ҳарбий кучларини ўзаро мувофиқлаштириш ва бирлаштириш учун катта ишлар қилган. Валидий 1921 йил 23 ноябрда БХСРнинг Ғузор вилоятидаги Толқишлоқ деган жойда турган Жабборбек қўрбоши қароргоҳига келди, бу ерда у бир неча кун бўлиб Шарқий Бухоро қўрбошиларининг етакчиси Иброҳимбек юборган вакиллар билан учрашади. Валидийнинг Самарқанд тарафдан Ғузорга келишидан асосий мақсад, унинг ўзи ёзишча, “Ғузор, Шаҳрисабз, Қарши шаҳарлари ўртасидаги ҳудудларни қўл остига олган Жабборбекнинг ёнида бўлиб, бу ерларнинг ҳарбий ноziри бўлган Абдулҳамид Орифовни кўмагида ҳарбий қисмларга киритилган зобитларимиз билан алоқада бўлиб туриш эди. Анвар Пошо русларни Шарқий Бухородан қувиб чиқара бошласа, ўша учта шаҳардаги зобитлар қўлидаги гарнизонлар билан Пошога қўшилиб, шарққа келаётган русларнинг йўлини кесиб, асир қилиб олиб, қурол-аслаҳаларни, маълумотлар ва бошқа муҳим нарсаларни қўлга киритиш эди. Бу ерда Нурота ва Хива билан алоқа ўрнатиш муҳим эди. Шаҳрисабздаги гарнизон командири бошқирд қўшини зобити Суюндуков билан дарҳол алоқа ўрнатдим. Қаршидаги аскарлар ҳам унга бўйсунар эди. Пошонинг ёнида бўлган 30 нафар турк зобитлари ва менинг одамларим билан Бухоронинг Шаҳрисабз-Қарши қисмларини дарҳол қўлга киритишимиз мумкин эди. Шарқий Бухорода ҳукумат бошида Бухоро Жумҳурияти раиси Усмон Хўжа бор эди. Бухорода яшириб қўйилган динамитлари билан Амударё-Зарафшон кўпригининг кулини кўкка совуришимиз керак эди. Бухоро ҳукумати аъзоларининг барчаси бизга қўшиламиз, деб туришган эди”.

Бироқ Валидий умид қилган порлоқ ғалабага, яъни Туркистон ва Бухоро тупроқларини босқинчи қизил армиядан бутунлай озод қилишга истиқлолчиларнинг кучи етмайди. 1922 йил 4 августда Анвар Пошо Шарқий Бухорода бўлган жангларнинг бирида мардларча ҳалок бўлади. Қарши ва Шаҳрисабзда турган истиқлолчилар билан Самарқанд вилоятидаги истиқлолчилар ҳам ягона жабҳада туриб, қизил армияга қарши яқунловчи ғолибона зарбани бера олишмади. Бироқ бу ҳолатга қарамай Самарқанд вилояти кўзғолончилари совет режимига қарши курашни бўшаштирмадилар.

1922 йил бошларида Самарқанд яқинидаги Пайшанба, Челақ, Янгиқўрғон атрафларида қизил аскарлар билан кўп жанглар бўлади. Бу жангларда самарқандлик ватанпарварлар душманга қарши ҳаёт-мамот курашига кирганликларига амин бўлиб, бор кучлари билан курашдилар. Бу орада Аҳмад Заки Валидий тоғлар орасидаги Сарой қишлоғидан Қорақулбекнинг бир йигити йўлдошлигида Нурота, Ухум, Фориш ва Қўйтошга боради. Мулла Ҳамроқул бошчилигида Қўйтошнинг шимолий минтақасида отлиқ аскарлар гуруҳи тузилиб, қизил аскарларга қарши курашга қўшилади. Хуллас, 1922 йил январь – февраль ойларида Валидий Нурота билан Жиззах, Самарқанд билан Каттақўрғон, Шаҳрисабз билан Ғузор орасида бир неча марта отда айланиб, кўрбошиларни совет режимига қарши курашга илҳомлантиради. Бу пайтда Валидий билан Қорақулбек ва Жабборбек кўрбошилар доимий равишда ўзаро алоқада бўлиб туришган.

Валидий қаламига мансуб “Хотиралар” китобининг “Самарқандга кўчиш”, “Жаббор кўрбоши”, “Анвар Пошо вакиллари”, “Анвар Пошонинг босмачилари ҳаракатига қўшилиши”, “Босмачилар сафида ва қизиллар билан дастлабки тўқнашувлар”, “Самарқанд тарафларда ишларнинг бузилиши”, “Самарқанд босмачилари”, “Челақдаги жанглар”, “Еряйлоқдаги йиғилишлар”, “Мустафо Чўқаевга мактуб”, “Ўратепа – Мачай йўли орқали Анвар Пошо олдида бориш ниятимиз”, “Довул жанглари”, “Ўсмаат ва Самарқанддаги суҳбатлар”, “Ўсмаат жанглари”, “Ўсмаатда қабул қилинган қарорлар”, “Оқтовдан Зарафшон воҳасининг кўриниши” ва “Мачай тоғларидан ва Қизилқум йўли орқали Тошкентга” номли фаслларида Самарқанд вилоятидаги истиқлолчиларнинг қизил армияга қарши жанглари, Валидий билан кўрбошилар ўртасидаги ҳамкорлик масалалари ёритилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917 – 1924 й.). – Тошкент: Университет, 2002. Б. 168.

2. Zeki Velidi Togan. Hatiralar. Türkistan ve diğer Müslüman Doğu Türklerinin milli varlık ve kültür mücadeleleri. 2-baski. –Ankara: Türkiye diyanet vakfi yayınları, 1999. - S. 629

3. Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Хотиралар. Туркистонда мустақиллик ва озодлик учун курашлар тарихи. Таржимон, илмий таҳрир муаллифи ва нашрга тайёрловчи: М. Абдурахмонов. –Тошкент: “Истиқлол нури”, 2014. –Б. 612.

ГЕННАДИЙ КУЧЕРЕНКО ВА САМАРҚАНД

Беҳзод Турақулов

Сам ДУ, Жаҳон тарихи кафедраси доценти

Жаҳон тарихи саҳифаларида ёрқин из қолдирган мутахассислардан бири Геннадий Семёнович Кучеренко эканлигини тарихчилар яхши биладилар. Франция тарихи билан шуғулланган бу олим хаёлий (утопик) социализм тарихини ўрганган рус тарихчиларининг учинчи авлоди вакили десак тўғри бўларди. Чунки академик В. П. Волгин ва проф. Б. Ф. Поршневларнинг тадқиқотини XX асрнинг иккинчи ярмида самарали давом эттирганлар орасида Г. Кучеренко алоҳида ўрин эгаллайди.

Тарих- энг аввало ижтимоий амалиёт ва ундан кейингина илмий эканлиги тўғрисида кўп фикрлар билдирилаяпти. Ҳаётнинг интеллектуал соҳаси унинг эмотсионал (туйғу, ҳаяжон) томонини бекитиб қолмаслиги учун мазкур мақолада Г. Кучеренконинг нафақат олимлик фаолиятини, балки одамийлик фазилатларига ҳам тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Геннадий Кучеренко 1932 йили 23 августда Краснодар ўлкасининг Новороссийск шаҳрида туғилган. Отаси: Семён Кучеренко шу шаҳардаги “Красний двигатель” заводида разметчик (белги қуювчи) бўлиб ишлаган, лекин ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун кўп ихтиролари эвазига “Меҳнат қизил байроқ” орденига муносиб кўрилган. 1942 йилда завод эвакуация қилинган, уни махфий ҳарбий вазифага қолдирмоқчи бўлдилар. Лекин С. Кучеренко дудуқланиб гапиргани учун у завод билан бирга оиласини олиб Самарқандга жўнади. Орден соҳиби эканлигини инобатга олиб унга директорлар, муҳандислар яшайдиган элита уйдан жой бердилар. Ўша вақтда Геннадий 10 ёшда эди, у шаҳардаги 32- мактабга ўқишга қатнади. Ихтирочи Семён ота хотинига шиппак ясайдиган станокча қуриб берди. Тез орада Геннадий шиппакларни елкасига олиб Сиёб бозорига этиб сотарди. “Тапочки тапочки”, деб бозорни юз марталаб айланардим”, - эсларди профессор Г. Кучеренко. Лекин ўқиш у учун асосий вазифа эди. Зехни тез бола мактабда ва бозорда юриб тожик тилини ўзлаштириб олди. Мактабда ва дарсдан ташқари немис тилини ҳам ўрганди. 1951 йили Гена Самарқанддаги 32- мактабни олтин медал билан тугатди. Ёшлиқдан хирург бўлишни орзу қилган. Лекин Самарқанддек тарихий шаҳарда яшаб, тарих фанига бўлган

қизиқиши кучлилик қилди ва Масква давлат унверситетининг тарих факультетига хужжат топширди. Биринчи курсданок у гитара чалиши ва яхшигина қўшиқ айта олиши билан факультетда танилиб қолди. Айнан тарих факультети комбюросида бюро азолари, кейинчалик Франция тарихининг учта забардаст олимлари – А. В. Адо, В. П. Смирнов ва Г. С. Кучеренколар фаоллик кўрсатган эдилар. Учинчи курсда мутахассисликка ажратиш жараёнида курсдан ягона бўлиб Б. Ф. Поршнев семинарига ёздирди. Бу олим жуда талабчан бўлгани учун унга талабалар тушмасликка ҳаракат қилар экан. Қаттиқ қўл олим курс иши ёзиш учун камида тўртта франсуз тилидаги китобни ўқиш кераклигини айтди ва франсуз тилини ўрганиш учун 4 ой вақт берди. Г. Кучеренко астойдил шуғулланиб бу ишни муддатида бажара олди. 1956 йили МДУ ни тугатган Г. Кучеренко аспирантурага кириш йўλλамасини олди. Лекин у вақтлар Масквада қолиш муаммо бўлиб, тақсимот асосида Самарқандга, ота – онаси ҳузурига қайтишга мажбур бўлди 1956 йил августдан 1958 йил октябригача у шаҳардаги аввал 35- мактабда, кейинчалик ўзи ўқиган 32 – мактабда юқори синфларга тарих фанидан дарс берди. 1958 йил ёзида СамДУ тарих факультети Г. Кучеренкони сиртқи бўлим талабаларига (рус гуруҳи) янги тарих фанидан маърузалар ўқиш учун соатбай ишга таклиф этди. Дарсларни ўтиб бўлгач, у 1958 йил охирида Масквага борди ва ФА нинг Тарих институти аспирантурасига кирди. Илмий раҳбар бўлиб ўша Б. Поршнев тайинланди. Номзодлик диссертацияси учун “ XVIII асрда Францияда атеистик ва социалистик фикрнинг ривожланишида Жан Мельенинг ўрни” мавзуси танланди. Аспирантлик давридаёқ ўзини кўрсата олган Г. Кучеренкони 1959 йили “ Социалистик ғоялар тарихи илмий тўпламининг масъул котиби ва тахририят аъзолигига қабул қилдилар. Самарқанд тарбиясини олган бу йигитни қариялар ҳам, болалар ҳам бирдек севарди. У академик билан ҳам, фаррош билан ҳам жуда енгил гаплаша оладиганлар тоифасидан эди, деб уни москваликлар эслайдилар.

1961 йил аспирантурани тугатган Г. Кучеренкони шу институтнинг Янги тарих секторига кичик илмий ходим этиб ишга олдилар. Ўтган аспирантлик йиллари давомида ва уни битирган 1961 йилда ҳам Геннадий ёзги каникулини Самарқандга ўтказиб СамДУ сиртқи бўлим IV курс талабаларига Янги тарих фанидан ташқари V

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

курс ўзбек рус гуруҳларига социалистик фикрлаш тарихи фани ва махсус семинар дарсларни ўтган.

1962 йил мартада Ленин номли библиотеканинг нодир китоблар залида Зубова Нонна билан танишади. Нонна дворянлар авлодидан экан. Унинг аждодлари IV Давлат Думаси депутатлари бўлиб ўтган. 1963 йил мартада улар турмуш қурдилар. Тўйга Самарқанддан онаси ва шу шаҳарда туғилган укаси Валерий келдилар. Геннадий Семёновичнинг ота-онаси ва укасига жуда боғлиқ эканлиги Москвалик касбдошларини ҳайратга солган экан. У учун оилавий қадриятлар ҳаммасидан устун эди, деб эслайдилар улар. Албатта Самарқандда таълим ва тарбия олганлари, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ҳурмат савияси, меҳр-оқибат, кичикларнинг катталарга, айниқса, болаларнинг ота-онаси олдидаги бурчига садоқат билан қараши Геннадийга катта таассурот қолдирган экан, у бу фазилатларни ўзига қабул қилиб, Москвалик вақтида ҳам унга амал қилишга ҳеч кимдан уялмади ва тортинмади ҳам. Хотини ва укасини олиб ота-онасини кўришга боришни фарзандлик бурчи деб биларди.

Илмий-тадқиқот ишларини ҳам бўшаштиргани йўқ. 1963-йилда чоп этилган Философия луғатида унинг бир неча мақолалари нашр этилди. 1963-йилда институт директори Академик В. М. Хвостов буйруғи билан Иттифоқ ТИВнинг дипломатик ҳужжатларини нашр қилиш комиссияси таркибига қўшилди. Шу комиссияда тақдир уни биринчи бор академик А.Л. Норочницкий билан учраштирди ва улар кейинчалик бир умрга дўстлашиб қолдилар. Ишининг кўплиги туфайли номзодлик диссертациясини ёқлашга вақт тополмади. 1964-йил апрель ойида дастлабки ҳимоядан ўтгандан кейин уни ярим йилга Францияга стажировкага жўнатдилар. Йилнинг охирида қайтиб келгач диссертацияни ҳимояга олиб чиқишга киришди. 1965-йил октябрида оиласида қизи Елена туғилди. Ниҳоят, 1965-йил декабрида фан номзодлигига эришди. 3 йил ўтгач, 1968-йилда устози Б. Ф. Поршневининг Кириш сўзи ва таҳрири остида муаллифлигида “Судьба “Завешания” Жана Мелье в XVIII веке” монографияси чоп этилди. Россия ва Франция архивлари материаллари ва маърифатпарварлар ёзиб қолдирган нодир асарларни таҳлил қилган Г. Кучеренко машҳур мутафаккирлар Волтер, Ламетри, Гольбах, Гельвеций, Дидро, Клоотс, Нежон, Маршал шубҳасиз Мелье ғояларидан хабардор эканликларини исботлай олди. 1970-йил ҳам Парижда ва ҳам

Москвада чоп этилган “Век просвещения” тўпламида Г. Кучеренконинг “Жан Мелье ва XVIII аср француз материализми” номли салоҳиятли мақоласи нашр қилинди.

1965 йилда Институт бу олимни “Новая и Новейшая история” журнали таҳририятига, Ғарбий Европа мамлакатлари бўлимига бошлиқ қилиб юборди. Кўп ўтмай ФА тарих бўлими бюроси уни журнал таҳририятининг масъул котиблигига тайинлайди. Айни вақтда Г. Кучеренко педагогик фаолияти билан ҳам машғул бўлди. Кўп йиллар Москва давлат Педагогика Институтини (МГПИ) Янги ва энг янги тарих кафедрасида ўриндошлик асосида 0.5 ставкада катта ўқитувчи, доцент, профессор лавозимларида ҳам ишлади. МДУнинг таклифи билан ўқитувчилар малакасини ошириш факультетида ҳам фаолият кўрсатди.

Шу тариқа 1961-1968 йилларда Г. С. Кучеренконинг асосий хизмат жойи Тарих институтини бўлиб, 1968-йил октябрида ундан Умумий тарих институтини ажралиб чиққач, янги институтга ишга ўтди. 1973 йилдан шу институтнинг “Ижтимоий фикрларнинг ривожланиш тарихи” сектори мудири. 1974 йилда чиқарилган “XIX аср биринчи ярмида Француз ижтимоий фикрида Сен-Симонизм” мавзусидаги авторефератини фақат 1975 йил октябрида ёқлаб докторлик даражасини олди. Академик А. Л. Нарочницкий билан жуда яқин, дўстона муносабатлари ҳаммага аён эди ва у Г. Семёновичга нафақат ижобий, балки, салбий оқибатларга ҳам олиб келди. Машҳур академик табиатига кўра, бир мунча димоғдор, кеккайган бўлгани учун ФА да уни кўпчилик ёқтирмасди. Унинг жабрини беозор Кучеренко тортди. Фанлар Академиясининг мухбир аъзолигига хужжат топширишни кўп киши маслаҳат берган эди. Узоқ вақт эътиборсиз қолдиргач, охири Г. Кучеренко барибир бу ишни амалга оширди, аммо иккинчи тургача етиб келди холос.

Сен-Симон ҳақида кўп мақолалар чиқаргандан кейин, ниҳоят, 1975-йили унинг йирик асари – “XIX аср ижтимоий фикрида Сен-Симонизм” номли монографияси нашрга чиқди. Монографиянинг диққат марказида Сен-Симоннинг ўзи эмас, балки, у яратган таълимотнинг XIX аср ижтимоий фикридаги тақдири масалалари турарди. Бу давр Кучеренко ижодий биографиясидаги энг маҳсулли давр эди. 1974-1981-йиллар давомида унинг 3 та монографияси ва 20 дан ортиқ мақолалари нашрдан чиқди. У академик В.П. Волгиннинг 5 томдан иборат сайланган асарларини (М. 1976-1979) тайёрлади.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

“Социалистик ғоялар тарихи” нинг икки нашрини (М. 1976 ва 1977-йиллар) чиқарди. Устози “Поршнев Б. Ф. нинг адабий мероси” (1976) ва “Е. В. Гарленинг чоп этилмаган асарлари” –ни (М. 1981) рўёбга чиқаришда асосий жонкуяр бўлди.

1975-йили тарихий фанларнинг халқаро конгрессида иштирок этиш учун икки ҳафтага Сан-Франциско (АҚШ) сафарига, 1976-йилда эса Францияга, совет француз тарихчиларининг VII конгрессига СССР ФА делегацияси таркибида Парижга борди. У ерда совет элчиси С. В. Червоненконинг таклифига биноан бир неча кунга илмий кутубхонага қолиб кетди. Москвага 11 кун кечикиб келгани учун унга хайфсан эълон қилинди. Геннадий Семёнович бу ноҳақликдан ғам-ғуссага ботди, ишдан ҳайдалишдан қўрқиб 17 кг ориқлаб қолди. 1977-йил июнида СССР ФА нинг вице президенти П. Н. Федосеев имзоси билан хайфсан олиб ташланганлиги эълон қилинди. Аммо, Г. Кучеренко айтганидек, “асорати юракка бир умрга қолди.” Рухий азобланишдан чиқишида дўстлари, яқинлари қўмаклашди, айниқса, профессор В. А. Дунаевский. 1981 йилда Г. С. Кучеренконинг “XVI-XIX асрларда Франция ва Англия ижтимоий фикри тарихининг тадқиқоти” ва В. А. Дунаевский билан ҳамкорликдаги “Совет тарихчилари асарларида Гарбий Европа утопик социализми” китоблари нашрдан чиқди. Бугун фикрласам, Москвада 1979 йили Геннадий Семёнович билан учрашган вақт бу инсон учун енгил бўлмаган кунлар экан, гарчанд сездирмаган бўлсада. Умумий тарих институтида Янги тарих секторининг аспиранти бўлганим учун Г. Кучеренко асарларидан хабарим бор эди. Лекин мен Германия тарихи билан шуғулланганим сабаб бу олим билан шахсан таниш эмасдим. У кишини мени хонамга МДУ да малака оширишни ўтаётган Сам ДУ Умумий тарих кафедрасида ўн йил (1967-1977) мудирлик қилган Ким Хотамович Самибаев бошлаб келдилар. Домла меҳмонларига Гена деб, сан-санлаб мурожаат қилар эдилар. Кучеренкони менга таништириб, “ўзимизнинг кафедрада ишлаган, самарқандлик” деганларида ҳайрон бўлган эдим. Китоб жавонимда олимнинг “Сен-Симонизм в общественной мысли XIX в” китоби турарди. Уни дарров олиб дастхат ёзиш учун муаллифига узатдим. Ўқиб кўрсам қуйидаги сўзлар ёзилган экан: “Бехзоду Турақулову от замляка. С надеждой скоро получит подобный не подарок. имзо”.

1982 йил 23 августда Г. Кучеренко 50 ёшга тўлди. Ҳеч қандай тантанасиз, банкетсиз ва ҳатто УТИ дирекциясининг расмий

ташаккурномасисиз, фақат дўстларининг табриги билан ўтди. У ҳар йили тарихчиларнинг халқаро конференцияларида мавзуга доир маърузалари билан қатнашарди. Француз буржуа инқилобининг 200 йиллиги яқинлашганлиги учун институтда инқилобни ўрганувчи гуруҳ тузилиб, унга Кучеренкони раҳбар этиб тайинладилар, Таркибда эса В. М. Далин, Г. С. Черткова, Е. В. Киселева ва бошқалар кирди.

1987 йил январида институтда янги буйруқ эълон қилинди. Унга асосан, Г. Кучеренко ЮНЕСКО йўналиши бўйича Францияда ишлаш учун МИД ихтиёрига юборилиши айтилган эди. Лекин бунгача, 1986 йил майида Иттифоқ ТИВ нинг ходимлар бошқармаси уни ЮНЕСКО Секретариатига департамент директори лавозимига тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилган экан. Тақдир кулиб боққандай эди. Аммо бу ҳолат уни хурсанд қилмади. Чунки, у аспирантларини ташлаб қўйишни истамасди. Ундаги инсоний фазилатлардан бири масъулиятлилик, ўз бурчини ҳалол-покиза адо этиш бўлган. У ўз шогирдларини севган, уларга оталарча ғамхўрлик қилган. Лекин орқага йўл йўқ эди, у оиласини олиб Парижга жўнади. Секретариат иши кун бўйи, эрталаб 9:00 да ишга келиб, кеч 19:00 да кетарди. ЮНЕСКОда ишласада, ҳар куни мамлакати элчихонасига бориб кўриниш бериши керак, чунки, у элчихона ҳудудида турмасди. Шундай бўлсада, Г. Кучеренко илмий изланишларини ташлаб қўймади. Энди уни Габриель Мабли қизиқтирарди ва у Париждан кўп материал топишга улгурди. 1990 йил октябрида ЮНЕСКОда миссиясини тугатиб Москвага қайтди. Институтда унга сестор мудирлигини таклиф этдилар. Аммо у оддий ходим бўлиб қолишни маъқул кўрди ва етакчи илмий ходим ўрнини эгаллади.

Янги СССРда ўз ўрнини топиш унга осон бўлмади. Ўзининг айтишича, Москвага қайтгач, у бу ердаги ҳаётни тушунишга ҳаракат қилган. Лекин ҳеч нимани тушунмаган. Ишга бориш ҳам ёқмасди, куни билан газета ўқиш ва телевизор кўриш билан овораман. Бу ердаги сиёсий ҳаётдан беҳабар эканман, хотирлаган Г. Кучеренко.

Мамлакатдаги рўй бераётган ҳодисаларни тушуниш унга осон эмасди. Ўрта Осиё минтақаси руҳида тарбия топган Г. Кучеренко нима учун марказий Россияда одамлар ёмон яшашини бошида тушуна олмади.: “Мен Твер орқали русларни хис этдим, “марказий русларни”, деб ёзди у кейинчалик. Ўзини жанублик деб ҳисоблаб, самарқандликларнинг турмуш тарси, инсонийлик муносабатлари

ҳамма вақт унга маъқул эканлигини такрорларди. Устози Поршнев билан ёлғиз учрашувларида унга “бобо” деб мурожаат қилган. Ўзи ҳам шогирдларини худди бизда боболар набираларини кутгандай кутар экан. Ворисликнинг сақланиб қолиши у учун жуда муҳим эди. Шогирди Н. Ю. Плавинскийнинг айтишича, Г. Кучеренко талабалари билан мулоқотни ёқтирган, уларни жуда севган. Ўз навбатида талабалари ҳам бу устозларига муҳаббатли муносабатда бўлишган. Бир гал битирувчи курс талабалари унга шеърлар билан тўлдирилган альбом тағдим этган, охирида “спасибо Вам, что вы такой!” деган сўзлар ёзилган. 1992-1994 йилларда у тарих факультети талабалари учун “Тарихчи касби тўғрисида” дган махсус курс тайёрлади. 1994-1995 йилларда Кучеренко янги махсус семинар ҳам тайёрлади ва уни “XIX аср биринчи ярмида Ғарбий Европада ижтимоий фикрнинг асосий йўналишлари” деб атади.

1997 йил 26 февралда Гуманитар университети талабаларига маъруза ўқиётган вақтда юрак хуружи бўлиб, реанимацияга тушиб қолади. 2 март куни хотинига хатча ёзиб: “Бугун биринчи бор юрагим оғримади. Мен сени шунчалик севаманки, танҳо қолдиришни истамайман”. Ўша куни соат 10 дан 10 дақиқа ўтганда Г. С. Кучеренконинг юраги уришдан, соати эса юришдан тўхтаб қолади. У 65 ёшда эди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Самарқанд вилоят давлат архиви. Ф. 637, рўйхат 4, иш 561, 10-12 в.
2. Памяти Геннадия Семёновича Кучеренко. Новая и новейшая история. 1997., N:4
3. Гладишев А. В. Г. С. Кучеренко: штрихи биографии Французский Ежегодник., 2002. М. 2002.
4. Портрети историков Время и судьби. Том 5. Средние века. Новая и новейшая история. Отв. ред. Г. Н. Севостьянов. М. Наука, 2010.

SADRIDDIN AYNIY IJODIYOTINING DUNYOVIY AHAMIYATI

Temirov Farrux Umedovich

T.f.f.d., (PhD), Buxoro davlat universiteti

Mashhur ma'rifatparvar adib, olim va jamoat arbobi Sadridin Ayniy (1878-1954) jahon adabiyoti va ayniqsa Sharq hamda G'arb adabiyoti va san'atiga zo'r qiziqish bilan qaragan. U fransuz, ingliz, nemis klassik yozuvchi va shoirlari asarlaribilan tojik va o'zbek tiliga qilingan tarjimalar asosida tanishadi. Bundan yarim asr avval (1934-y) fransuz xalqining sevimli adibi Viktor Gyugoning mashhur "To'qson uchinchi yil" romani tojik tiliga M.Yusufiy tomonidan tarjima qilingan edi. S.Ayniy roman tarjimasiga adabiy muxarrirlik qiladi. Adib fransuz yozuvchisi Ferdinand Dyushenning sharq xalqlari hayotiga oid "Qamar" romanini o'zbekchadan tojik tiliga mohirlik bilan tarjima qiladi. S.Ayniy (1928-y) "Qamar" romanini Samarqandda chop ettirar ekan, kitobga kattagina so'zboshi ham yozadi. Mazkur so'zboshida yozuvchi fransuz san'atkori Ferdinand Dyushen ijodiga yuksak muhabbat bilan qaraydi.

Yozuvchining "Odina", "Doxunda", "Sudxo'ning o'limi", "Qullar", "Esdaliklar" kabi monumental asarlari jahon xalqlari tillaridan fransuz, ingliz, nemis, arab, mo'g'ul, chex, polyak, hind, xitoy, yapon, bulg'or kabi o'ttizdan ortiq xorijiy mamlakat xalqlari tillariga tarjima qilingan. Chet elda Ayniy hayoti va ijodini o'rganishga, uning asarlarini tadqiq etishga tarixchilar, sharqshunoslar va adabiyotshunos olimlar kata ahamiyat berib keladilar.

O'tgan yillar davomida S.Ayniy asarlari xorijiy mamlakatlarda uch yuz martadan ortiq nashr qilindi. Birgina mashhur "Esdaliklar" asarini jahonning o'ttizdan ortiq xalqlari o'z ona tillarida o'qimoqda. Xorijiy mamlakatlarda Ayniy hayoti va ijodi haqida ellikdan ortiq maqolalar, ilmiy-tanqidiy asarlar chop etildi. Fransuz adabiy jamoatchiligi, adabiy tanqidchilari "Sudxo'ning o'limi", "Esdaliklar" kabi asarlarni o'z ona tillarida o'qir ekan, yozuvchi mahoratiga yuksak baho berib kelgan. Shuningdek, Sadridin Ayniy asarlarini chex tiliga tarjima qilgan, yozuvchi hayoti va ijodiy faoliyatiga doir qator tadqiqot ishlari olib borgan

chexoslovakiyalik sharqshunos olimlar Yan Ripka va Irji Bechkalar ham S.Ayniy nomini dunyoga tanilgan adiblar bilan bir safga qo'yadilar.

Darhaqiqat, o'z ijodi bilan maktab yaratgan S.Ayniy ijodi dunyo ahamiyatiga molikdir. Osiyo va Afrika yozuvchilarining 1962-yilda Qohirada bo'lib o'tgan konferensiyasi Dekloratsiyasida Sharqning klassik san'atkorlari Robendranat Togor, Lu-Sin, Toho Husayn, Muxtor Avezovlar qatori S.Ayniyning nomi ham hurmat bilan tilga olinadi.

Ma'lumki, Ayniy asarlari otgan asrning 20-30 yillardayoq xorijiy Sharq va G'arb mamlakatlari kitobxonlari qo'liga yetib borgan va ular tomonidan zo'r hurmat va ehtirom bilan sevib o'qilgan edi. Bu jihatdan eronlik olim ayol Shukuh Xovariyonning o'z vaqtida S.Ayniyga yo'llagan bir maktubi xarakterlidir. Shukuh Xovariyon ko'pchilik kitobxonlar singari "Rahbari donish" (1928-y, № 6) jurnalida tojik adabiyotshunosi Rahim Hoshimning "Birinchi inqilobiy tojik qissasi" taqrizini o'qib g'oyat hayajonlanadi. Oddiy tojik yigiti kambag'al Odina bilan pok sevgi-sadoqatga ega bo'lgan mehnatkash tojik qizi Gulbibining erk va ozodlikka, baxt-saodatga erishish yo'lidagi mashaqqatli kurashlari va bu kurash yo'lida qurbon bo'lishlari mushtipar ayolning qalbini to'lqinlantiradi va qattiq iztirobga soladi. Tehronlik bu ayolningning qalb so'zlari "Rahbari donish" jurnalining 1928-yil 8-9 sonlarida e'lon qilinadi.

XX-asrning 20-30-yillarda Eron va Afg'on ma'rifatparvar ziyolilari o'rtasida S.Ayniy hayoti va ijodiga qiziqish ancha ortadi. Adibning 1926-yilda Moskvada chop etilgan "Namunai adabiyoti tojik" ("Tojik adabiyotidan namunalar") nomli ilmiy-adabiy va tarixiy asariga ham qiziqish kuchayadi. Chunki S.Ayniyning bu noyob kitobida O'rta Osiyo va butun Sharq olamida yashab ijod (X-XX asrlar) etgan 200 dan ortiq shoirlar, yozuvchilar hayoti va ijodi haqida qimmatli materiallar berilgan edi.

Eronda XX-asrning 20-30-yillardayoq S.Ayniy asarlaridan ayrim namunalar markaziy matbuot sahifalarida, jumladan, Eron mamlakatining markaziy jurnali hisoblangan "Payomi nav", "Suxan" jurnali sahifalarida e'lon qilinadi. Adibning eronlik mashhur shoir Abulqosim Lohutiy g'azaliga bag'ishlab yozilgan "Dili Lohutiy" ("Lohutiy dili") nomli mashhur muxammasi "Payomi nav" jurnali sahifasida (1938-y) e'lon qilinadi. Xuddi shuningdek, S.Ayniyning "Odina" nomli povestidan parchalar, mazkur asar haqida izohlar ham "Suxan" jurnali sahifalarida chop etiladi.

Ma'lumki, 1934-yilda fors-tojik adabiyotining buyuk klassik shoiri va mutafakkiri Abulqosim Firdavsiyning ming yillik to'yini tantanali ravishda nishonlagan edilar. Firdavsiy yubileyiga tayorgarlik va uni namunali o'tkazish maqsadida sharqshunos va adabiyotshnos olimlardan Y.E. Bertels, S.Ayniy, A.Fitrat kabilar zo'r faoliyat ko'rsatib ishladilar. S.Ayniy Sharqda ilm-fanning zabardast donishmand olimi Firdavsiy faoliyati, uning shoh asari "Shohnoma"ga bag'ishlangan qator tadqiqot ishlari olib bordi. 1942-yilda SSSR Fanlar akademiyasi Tojikiston filiali Prezidiumi raisi bo'lgan akademik E.N.Pavlovskiy Eron til va adabiyoti akademiyasida ko'pgina nashr ettirilgan eng yaxshi kitoblarning katta bir qismini topshiradi. Eronlik ziyolilari S.Ayniy asarlariga ayiqsa katta e'tibor beradilar.

Jamoat arbobi S.Ayniy hayoti va ijodiy faoliyatini targ'ib etishda Eronning mashhur arboblari Said Nasafiy, Parviz Natali Xonlariy, Abulqosim Lohutiy kabilarning roli katta bo'ldi. Tegron universitetining professori, Erondagi til va adabiyot akademiyasining a'zosi, mashhur adabiyotshunos va sharqshunos olim Said Nasafiy S.Ayniy asarlarini Eronda keng targ'ib etishda jonkuyarlik qiladi. S.Nasafiy ayniqsa Ayniyning adabiyotshunoslik, sharqshunoslik va adabiyot tarixini o'rganishga doir tadqiqotlarini yuksak baholaydi.

Ulkan san'atkor S.Ayniyning nomi va boy ijodi qo'shni Afg'onistonda ham ma'lum va mashhurdir. Zotan adib o'zining mashhur asari "Yetim" asarining ijobiy qahramonlaridan Sora va uning o'g'li Yetim – Shodining Afg'oniston dashtu sahrolarida kechgan hayotlari S.Ayniyning mazkur asarida aks ettirib berilgan. O'sha vaqtlarda Afg'oniston Fanlar Akademiyasi Prezidenti bo'lib ishlagan, mashhur shoir va olim Gulpocha Ulfat, afg'on xalqining sevimli adibi Sarvar Go'yo singari fan va madaniyat arboblari ham S.Ayniy adabiy ijodiga zo'r qiziqish bilan qarab, adibning boy ijodiyotini tadqiq etadilar.

Afg'onistonning yirik adiblaridan biri Sarvar Go'yo qadimiy Samarqand shahrida Sadriddin Ayniy bilan (1945-y) uchrashadi. Uchrashuv davridagi qizg'in suhbat vaqtida Sarvar Go'yo amir Sayid Olimxonning ikki ko'zi ko'r bo'lib, Afg'onistonda vafot (1944-y) etganligini aytadi. "Men S.Ayniyga teng keladigan odamni uchratmaganman. Men bu buyuk insonga shunchalik tez ko'nikib qoldimki, darhol unga o'z qalbimni ochdim. U qadrdon do'stim bo'lib

qoldi. Har tomonlama chuqur bilimga ega bo'lgan bu mehri daryo zot siz va bizning o'lkalarimizning munosib vakilidir", - deb yozgan edi Sarvar Go'yo.

Adibning avtobiografik xarakterdagi ikki mashhur asari "Eski maktab" povesti, "Buxoro" nomi bilan xorijiy mamlakatlarda keng tarqalgan "Esdaliklar" nomli memuar asari, Xitoy Xalq respublikasida ham qayta-qayta (1953-1958-yy) nashr qilingan. Bu asar o'sha vaqtlarda Xitoyda katta, ommaviy tiraj bilan (1953, 1956, 1957, 1959 yy) yilda chop etiladi. "Esdaliklar"ning 1959-yilda chop etilgan nusxasidagi "kirish so'z"da tarjimon quyidagilarni yozadi: "Asarning bosh qahramonlari – oddiy, sofdil kishilardir. Ular povestda tasvirlangan zolim amaldorlarga nisbatan bir necha pog'ona yuqori turadilar. Chunki muallif ehtiromi, simpatiyasi shu oddiy odamlar tomonida turadi".

S.Ayniyning "Eski maktab" asari 1956-yilda Shanxayda ommaviy tirajda nashr eiladi. Adibning "Buxoro" nomi bilan xorijiy o'lkalarga mashhur bo'lgan "Esdaliklar" nomli memuar asari xitoy tiliga tarjima qilinib qayta-qayta nashr ettirildi va "Esdaliklar" haqida taqrizlar va maqolalar Xitoy matbuotida e'lon qilindi. Masalan, S.Ayniy "Esdaliklar" asari yozuvchi hayot vaqtidayoq 1953-yilda Shanxayda ommaviy tirajda chop etilgan edi. Oradan sal vaqt o'tgach, 1957-yilda adibning mashhur "Esdaliklar" asariga yana murojaat etiladi. Mazkur asar kitobxonlarning talab va ehtiyojini qondirish maqsadida qaytadan tarjima qilinadi va "Buxoro" nomi bilan 1957-yilda Shanxayda xitoy tilida chop ettiradilar.

S.Ayniy asarlari hind xalqiga ham tanish edi. "Biz "Dohunda" romanini Gang sohillarida uchratdik. Roman hind tiliga tarjima qilinib, hind xalqining qo'lidan tushmayapti. Bu kitob ezilgan xalqning bosqinchilarga qarshi kurashida yordam beruvchi yorqin mash'aladir". "Dohunda" romani 1948-yilda Ollohobodda hind tiliga nashr ettirildi. Romanni rus tilidan hind tiliga Hindistonning mashhur adibi Rohul Sankrityayan mohirlik bilan tarjima qilgan.

Ayniy asarlarining Hindistonda keng targ'ib qilgan, yozuvchi asarlari haqida taqriz va izohlar yozgan mashhur adib Rohul Sankrityayan S.Ayniyning boshqa bir prozaik asari "Yetim" povestini ham himd tiliga ag'daradi. Asar 1956-yilda Ollohobodda ommaviy tirajda chop ettiriladi. Xuddi shu mohir tarjimon Rohul Sankrityayan 1952-yilda Patna shahrida hindiy tilida "Sudxo'ring o'limi" povestini ham nashr ettiradi. Oradan bir

yil o'tgach, 1953-yilda esa hind xalqi yozuvchisi S.Ayniyning boshqa bir mashhur romani "Qullar"ni hind tilida o'qish baxtiga Musharraf bo'ladi. Shuningdek, S.Ayniyning "Esdaliklar" asari ham avtorning mazmundor so'zboshisi bilan 1961-yilda bengal tilida nashr ettiriladi.

Adabiyotshunos olim S.Ayniy vafotidan ikki yil keyin, 1956-yilda adibning "Esdaliklar" asarini arab yozuvchisi Hamid Abu Sa'd ruschadan arab tiliga tarjima qiladi. Bu asar Livan poytaxti "Bayrut" nashriyoti tomonidan 1957-yilda chop ettiriladi. Livan ilmiy jamoatchiligi, taraqqiyparvar ziyolilari arab olami matbuotida Sharqning alloma san'atkori S.Ayniyning boshqa badiiy asarlarini o'qishga chanqoqliklarini bildiradilar. Buni Bayrut shahrida chiqadigan "Al-adib" jurnali sahifalarida S.Ayniy asarlari va ayniqsa "Buxoro" kitobining tarjimasini bilan bog'liq qator taqrizlar va maqolalardan ham bilishimiz mumkin.

Alloma san'atkor, zullisonayn yozuvchi S.Ayniyning umrboqiy rang-barang ijodiyoti va ijtimoiy faoliyati dunyoviy ahamiyatga molikdir. Adibning hayot haqiqatini aks ettirgan barcha katta-kichik asarlari dunyo xalqlar tilida qayta-qayta nashr etilishi fikrimizning dalilidir.

ADABIYOTLAR:

1. Брагинский И. Западно – восточный литературный синтез и творчество С.Айни. – Душанбе, 1986. – С. 78,89,91.

2. Мулложонова З, Азизкулов Ж. Феҳристи асарҳои С.Айнӣ ва адабиёт оид ба ӯ (то охири соли 1961). – Душанбе, 1963. – Саҳ. 63-75, 82,102.

3. Книга жизни Садриддина Айни. (Подготовка издания и исследование Камол Айни. – Душанбе: Ирфон, 1978. – С. 41-52.

4. Садриддин Айний замондошлари хотирасида. – Тошкент: 1978. – Б. 7.

5. Айний Садриддин. Намунаи адабиёти тоҷик. – Москва: 1926.

ЕВРОПА МИНТАҚАСИДАН УЗУМ ЯНГИ НАВЛАРИНИНГ ТУРКИСТОН ЎЛКАСИГА КИРИБ КЕЛИШИ ВА ИҚЛИМЛАШТИРИЛИШИ ТАРИХИ

Ҳайтов Жаҳонгир Шодмонович

*Бухоро давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси, тарих фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Туркистон минтақаси қадимдан ўзининг ширин-шакар мевалари билан жаҳонга машҳур бўлиб, мил авв. II аср охирги чорагида Буюк ипак йўли орқали савдо-сотик алоқалари ўрнатилган илк даврларданок Фарғона водийсидан Хитойга узум, анор ва бир қатор полиз ҳамда сабзавот экинлари кириб борган. Шунингдек, хитойликлар ток парваришлаб, узумчилик билан шуғулланиш, боғдорчилик маданияти кабиларни ўрта осиеликлардан ўрганганлар. Аҳоли миграцияси асрлар давомида узлуксиз юз бериб турганлиги сингари, экинларнинг турларида ҳам “буюк кўчишлар” содир бўлган. Ҳар бир халқ янги экин навларини ўз Ватанида иқлимлаштиришга интилган ва кўп ҳолларда ушбу ҳаракатлар ижобий натижалар берган. Манбалардан бирида: “Узумнинг ватани Ғарбий Кавказ, Қора денгиз бўйлари эмас, балки Ўрта Осиё бўлган, хитойликлар айниқса, II асрдан бошлаб бу ўлкадан узумнинг энг аъло навларини харид қилиб кетардилар. Ёввойи узум тоқлари Шарқий Бухоронинг (ҳозирги Сурхондарё ва Тожикистон Республикаси) Ҳисор тоғли ҳудудларида ўсиб, улар новдаси 50-100 метргача бўлганлиги, бундай ёввойи узум навларини Тошкент уездининг Чимён тоғларида ҳам учратиш мумкинлиги қайд этилади.

1869 йилдан бошлаб Туркистонга Европанинг Франция, Германия, Венгрия, Болгария каби мамлакатларидан Россия империясидаги Қрим, Кавказ, Украина минтақа ва ҳудудларидан узумнинг янги навлари келтирила бошланди. Ҳатто, Америка қитъасидан ҳам узум қаламчалари олиб келиниб, ўлкада иқлимлаштирилди. Европадан илк бор кириб келган узум навларидан бири “Лозь” деб номланиб, 1888 йилдан бошлаб унинг новдалари минтақадаги юзлаб боғбонларга тарқатилди ва сотилди. XX аср бошларида Самарқанд вилояти уездларида 50 десятина ер майдонида узумнинг Қора Птивердо, Франк-пино, Изабелла, Каберно-Савиньон,

Оқ Шампан, Рислинг, Сотернь, О-Порто, Модеро, Мальвазе, Лакримахристи, Оқ мускат каби чет элдан келтирилган навлари парваришланиб, боғбонларни қониқтирадиган меъёрда ҳосил олинган. XIX аср охирида Туркистонга Ширвон (Озарбайжон)дан келтирилган Қора Ширвон номли узум нави ҳам кенг тарқалиб, унинг минглаб новдалари (кўчатлари) Боку губерниясидаги Матрос деб номланган арман қишлоғидан олиб келинган. Шу сабабли бу узум нави “Матрос” деб ҳам аталган. Матрос нави совуққа чидамлилиги, замбуруғ ва холера касалликларга иммунитетини кучлилиги, ҳар бир десятинадан ердан олинган ҳосилдан 600-700 челақ (1 челақ – 12-15 литр) сифатли вино олиш мумкинлиги каби хусусиятлари билан Европа навлари ҳисобланган Мерло, Гренашь, Мурвед кабилардан устун келган. Жанубий Қримдан олиб келинган Пино-Фран, Бордо (Франция)дан келтирилган Каберно-Савиньон, Каберно-Фран, Карменера, Мерло, Вердо, Молебек, Шампан графлиги (Франция)дан келтирилган Пино-Фран, Пино-Гри, Нино-Блан, Алигата каби узум навлари ҳам ҳосилдорликда, виносининг таъми ва ранги жозибадорлигида Матрос билан баҳслаша олмаган.

Кавказдан Тошкент уездининг Никольский қишлоғига кўчиб келган ва ўзининг мевали “саноат боғи”ни яратган Василий Семичь “Туркистон қишлоқ хўжалиги” журнали маълумотларидан ўз фаолиятида кенг фойдаланганлигини эътироф этади. Самарқанд уезди бошлиғи 3618 - сонли махсус хатида ҳаваскор боғбон У.Александровичга ўзига тегишли боғда гилос, олма, нок ва гулнинг янги навларини етиштириб, атрофдаги боғбонларга тарқатиш топшириғи берилгани манбаларда қайд этилган.

Ҳаваскор боғбон П.И.Хомутов тропик ўсимлик ҳисобланган пальма дарахтини 15 йил парваришлаб ярмаркалардан бирида намойиш этган”. XX аср бошларида “Самарқанд боғбонлари мактаби” вакиллари томонидан империянинг турли ҳудудлари (асосан Қрим ва Кавказ) ва хориждан келтирилган “Бельфлер”, “Линкольская Безсемьянка”, “Бере-диль”, “Клержо” каби олма ва нок мева янги навлари ҳам маҳаллий шароитда иқлимлаштирилган.

Россия империяси марказидаги вилоятлардан кўчирилган рус, немис, украин ва бошқа миллат вакиллари ҳам ўз хўжаликларида мевачилик билан шуғулланганлар. Улар хўжалигида донли экинлар

етиштириш, чорвачилик, паррандачилик билан бир қаторда олма, малина, смородина, крижовник каби мевали дарахтлар парваришланган. Каспийорти вилоятига қаршли Ашхободдаги Саратовка қишлоғилик немислар янги мевали дарахтлардан мўл ҳосил олишган. XX аср дастлабки ўн йиллигида маҳаллий ўзбек ва тожиклар боғида ҳам Европа мева навлари етиштирилди.

Хуллас, XIX аср охири–XX аср бошларида Туркистон ўлкасига узумнинг 40 дан ортиқ янги навлари кириб келди ва маҳаллий узум навлари билан 60 дан ортиқ узум навлари етиштириладиган бўлди. Узум навларининг сони ўша пайтда 60 тадан ортиқ бўлса, ҳозирда Ўзбекистонда 175 нави етиштирилмоқда. Узум навларини танлашда совуққа чидамли ёхуд совуққа таъсирчан, вақтли гуллайдиган ёхуд кеч гуллайдиган, қанд моддаси кўп, қанд моддаси оз, ҳосилдорлиги баланд, ҳосилдорлиги паст, таъми ширин ёхуд нордон, касалга тез чалинадиган, иммунитетни кучли, виноси сифатли ёхуд сифатсиз каби мезонларга амал қилинган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мусофир. Среднеазиатское виноградарство // Туркестанский сборник. Том 433. – С.12.
2. Слуцкий И.М. Самарканд скоро виноделия в связи с виноградарством / Справочная книжка Самаркандской области, 1897 год, Выпуск V. Самарканд – 1897. – С.33, 35-36.
3. Виноделие в Туркестан // Туркестанский сборник. Том 522. – С.163.
4. Невесский М. Список деревьями и кустарникам произрастающим в Самаркандской области // Туркестанский сборник. Том 525. – С.177-183.
5. Василий Семич. Из заметок крестьянина-садовода // Туркестанский сборник. Том 501. – С.736.
6. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-20-фонд, 1-руйхат, 1746-йиғма жилд, 2-варақ.
7. Туркестанские плоды на Санкт-Петербургской выставке-ярмарке // Туркестанский сборник. Том 500. – С.182.
8. Тарновский Г. Русские поселения в Закаспийской области // Туркестанский сборник. Том 419. – С.132.

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Бобожонов Шавкат Улуғбекович

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти таянч

докторанти +99891 400-07-82

shava.and.world@mail.ru

Маълумки, зиёрат тарихига минг йилдан ошган. Қадимги юнон ва римликлар маъбуд уйлари ва ибодатхоналарга зиёрат уюштиришган. Ҳиндистонда азалдан одамлар у ёки бу худолар таъсирида муқаддас жойларга зиёратга бориб туришган. Ўрта асрларда зиёрат оммавий тус олган. XI-XII асрларда рўй берган салиб юришлари бунга ёрқин мисолдир.

Зиёрат сўзи араб тилидан таржима қилинганда “сафар”, “саёҳат” маъноларини англатади. Туркий халқлар тилида фақат у маҳаллий зиёратгоҳларни диний мақсадда зиёрат қилишни ифодалайди. Жаҳонда зиёрат “паломничество” шаклида қўлланилиб, лотинчада “palmarius” – тўлиқроқ “палмовник” палма дарахти (ғалаба дарахти) ёки палма новдасини олиб юриш сўзидан олинган.

Маълумки, дунё ҳалқарининг ҳар бирининг марказий зиёрат шаҳарлари мавжуд. Масалан, Ламаистлар Ҳитойнинг Лхас шаҳрига, индуслар Ҳиндистондаги Илоҳобод ва Варанаси шаҳарларига, буддистлар ва синтоистлар Япониядаги Нару шаҳрига, иудализм дини вакиллари Иерусалим (Қуддус)га асосий зиёратгоҳ сифатида ташриф буюради. Макка ва Мадина шаҳарларига зиёрат эса мусулмон дунёсида “Ҳаж” деб юритилади. Ҳиндистон, Непал ва Тибет динлари учун маълум бир зиёратгоҳ атрофида маросимий юриши “Кора” деб аталади.

Бугунги кунга келиб зиёрат сайёҳлик даражасига кўтарилиб, туризмнинг сердаромад ва истиқболли йўналишига айланди. Гастрономик, этнографик, экологик, спорт, эсктремал турлари қатори зиёрат туризми ҳам жаҳонда ўз ўрнига эга бўлмоқда.

Диний мақсаддаги саёҳат туризми инсоннинг ўзи яшаб турган бир йилдан кўп бўлмаган муддатда муқаддас жойларга ва зиёрат марказларига бориши тушунилади. Зиёрат туризми деганда одатий муҳитдан ташқарида диний марказларга борадиган зиёратчиларга

хизмат кўрсатиш ва уларнинг эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ фаолият турлари тушунилади.

Тадқиқотчи В.А.Квартальновнинг таъкидлашича, XX асрнинг охирида туризм тадбиркорлари ва мутахассислари орасида саёҳат каталогига диний марказлар, зиёратгоҳлар ва муқаддас обидаларни киритиш ғояси пайдо бўлади ва “зиёрат туризми” атамаси пайдо бўлади.

Диний йўналишдаги туризмда зиёрат туризмидан ташқари “маънавий туризм”, “ибодат туризми”, “сакралный туризм (муқаддас туризм)”, “некропольный туризм (қабристон туризми)” турлари ҳам кенг оммалашмоқда. Россиялик тадқиқотчи В.Бугрийнинг эътирофича, бутун дунёда қабристон туризми қадимий туризмнинг ажралмас қисми сифатида аллақачон машҳур бўлган. Баъзи бир некрополлар мамлакат, унинг ҳаёти тарзи ҳақида исталган йўлқўрсаткичга қараганда кўпроқ маълумот беради. Шунинг учун дунёнинг кўплаб мамлакатларида қабристонлар диққатга сазовор маданий объектлар ҳисобланади.

Бугунги кунда “зиёрат туризми”, “зиёрат тур”, “зиёрат экскурсияси” каби сўзлар кўп қўлланилмоқда. Буларни барчаси зиёратнинг моҳиятини нотўғри тушуниш, ташқи томондан зиёратнинг туризм билан яқинлашувига олиб келган. В.С.Сениннинг фикрига кўра, икки тушунча ҳам саёҳатни билдирсада, аммо турлича табиатга эгадир. Ҳатто икки тоифа ташриф буюрувчилар муқаддас жойларга ташриф буюради, бироқ сайёҳ ва зиёратчилар бошқа-бошқа вазифаларни бажаради.

Одатда дунё миқёсида диний йўналишдаги туризм икки катта гуруҳга бўлиб ўрганилади:

- Зиёрат туризми
- Ахборот берувчи экскурсион йўналишдаги диний туризм.

Зиёрат туризми – турли динга эътиқод қилувчиларнинг муқаддас жойларга гуноҳларини кечирилиши, руҳий ва жисмоний касалликлардан даволаниш, махсус “хайрли тухфалар” (донишмандлик, ишонч, умид, муҳаббат)га эга бўлиш мақсадидаги маънавий ва диний саёҳатидир.

Танишув-экскурсион диний туризм эса диний марказлар, тарихий, меъморий, маънавий аҳамиятга эга масжидлар ва

ибодатхоналар, музей ва кўзргазмаларга ташриф буюришни ўз ичига олади. Бундай турдаги диний туризм мотивацияси ўта тақводор зиёратчилар зиёратидан тубдан фарқ қилади.

Бугунги техник тараққиёт ва глобаллашув даврида мамлакатлар, одамлар узвий боғланган, дунёнинг исталган ўлкаси бир қадамдек. Шу боис туризм энг катта соҳалардан бирига айланди. Мутахассислар тилида туризм тугамайдиган нефт деб аталади. Айрим мамлакатларда иқтисодиёти тўлалигача сайёҳлик индустриясига қурилган. Таҳлилларга кўра одамлар самолётда учиш вақти соатгача бўлган ўлкаларга энг кўп саёҳат қилади. Ўзбекистон атрофида бундай масофада 60 га яқин давлат, 3 миллиард аҳоли бор. Бу улкан туризм бозори деганидир. Ўзбекистон туризм саноатида зиёрат йўналишининг алоҳида ўрни мавжуд. 1991 йилдан бошлаб мамлакатимизда туризмнинг мазкур турини ривожлантириш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилмоқда. Бугун Ўзбекистон, унинг мусулмон цивилизациясига ҳисса қўшган қадимий шаҳарлари дунё зиёрат туризми марказлари сифатида эътироф этилмоқда.

Зиёрат туризми замонавий тушунча бўлишига қарамай, унинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалади. Тарихий тараққиёт даврларини босиб ўтган зиёрат бугун трансформациялашган ҳолда намоён бўлмоқда ҳамда иқтисодиётнинг муҳим тармоғига айланди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Бирюкова Е. В. Религиозный туризм в территориальной рекреационной системе ЦЧР. Ученые записки Крымского федерального университета имени В. И. Вернадского. География. Геология. Том 3 (69). № 1. 2017 г. -С.20.

2. Глушко А.А., Сазыкин А.М. География туризма. – Владивосток.: изд.Дальневосточного университета, 2002.-С.55.

3. Основные виды туризма: учебно-методическое пособие для высшего профессионального образования / Е.Н. Артемова О.Г. Владимирова. – Орел: ФГБОУ ВПО «Госуниверситет - УНПК», 2015. – С.87; Российский энциклопедический словарь “Туризм” (под редакцией С.Ю.Житенёва). – М.: Институт Наследия, 2018. –С.265.

4. Есикова Е.В. Характеристики паломнического туризма // Вестник Воронежский институт высоких технологий. 2017 г. № 1(20).162.

5. Нуртазина Н.Д. Религиозный туризм в Казахстане: история и современные проблемы // Современные проблемы сервиса и туризма. №4 / 2009. -С.32.

6. Христов Т.Т. Религиозный туризм. –М.: АСАДЕМА.2005.-С.9.

7. Квартальнов В. А. Культурный туризм во имя мира и развития: вступление в XXI век // Культурный туризм для мира и развития: Сб. докл. и тез. междуна. науч. конф. – М.,2000.-С.19.

8. Бугрий Е.В. Некропольный туризм: зарубежный опыт //tourlib.net.

9. Сенин В.С. Организация международного туризма: учеб. / Сенин В.С. М.: Финансы и статистика, 2003. 400 с.

10. Основные виды туризма: учебно-методическое пособие для высшего профессионального образования / Е.Н. Артемова О.Г. Владимирова. – Орел: ФГБОУ ВПО «Госуниверситет - УНПК», 2015. – С.86; Панченко С.А. Культурологические аспекты паломничества // International Science Project. - 2017. - №4. - С.67.

11. Панченко С.А. Культурологические аспекты паломничества // International Science Project. - 2017. - №4. - С.68.

XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ АҲОЛИСИНИНГ ҲАЖ ЗИЁРАТИ

Айматова З.Ғ

БухДУ, Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси

XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги зиёратчилар манзилларига асосан турк, юнон, форс флоти кемаларида етиб боришган. 1901 – 1903 йилларда зиёратчилар Макка ва Мадинага юнон кемаларидан “Элли”, “Гермес” ларда ва турк кемаси “Абдул Қодир” да етиб борганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Ўша пайтда зиёратчилар хизматида рус флотининг “Олег” номли кемаси ҳам бўлган. “Гермес” номли юнон кемасида 1901 йилнинг 1 июнида Макка ва Мадина ҳажи зиёратидан Одесса портига қайтиб келган Бухоро амирлиги фуқароларидан 9 киши ҳақида маълумот берилди.

Ҳаж зиёратига борган бухоролик мусулмонларнинг сафар пайтида вафот этиб қолиши, бедарак йўқолиши, йўлтўсар ва қароқчилар томонидан таланиши, ёки амирликка қайтмай, Арабистонда ва бошқа Шарқнинг бирон-бир мамлакатада муқим яшаб қолишлари билан боғлиқ маълумотлар ҳам тўплаб борилган. 1902 йилнинг 30 августида Одесса портидаги карантин округи бошлиғи Моссанский томонидан Бухоро амирлиги Россия сиёсий агенти номига юборилган хабарда: “Бухоро фуқаролари бўлган Одилбой Фозилбоев ва Бекмуродбой Боймуродбоевлар Макка ҳажидан қайтиб келаётганларида “Абдул Қодир” номли турк кемаси капитанининг маълумотича, Сувайиш каналидан Феодосияга қараб йўлга чиқилган пайтда вафот этишган. Уларнинг жасадлари денгизга ташланган, вафот этганлардан ҳеч қандай пул ва қимматбаҳо буюм қолмаганлиги маълум қилинади. Иккинчи бир ҳаж сафарига вафот этганлар билан боғлиқ ҳужжатда: 1904 йилда Жидда шаҳрида вафот этган ҳожилардан Ойгулой Қобулбой қизи, Худоберди Раҳимберди ўғли, Остонқул Дубилбой ўғли, Ҳошим Абдулазиз ўғли, Ҳожи Худойберди Раҳмонберди ўғли, Тўхтамурод Абдуллоҳиқ ўғли, Хожихон Мурод Сўфи Ҳақберди ўғли, Ҳожи Аҳмад Шарифбой ўғли сингари 8 кишининг исм – шарифи қайд қилинади.

Бухоро амирлигининг Қушбегиси ва Бухородаги рус сиёсий агентига 1907 йил 17 мартда йўлланган маълумотномада: “Бухоро фуқароси Хўжа Абдураҳим Орифбоев Макка ҳажидан қайта туриб касалланиб қолган. Қрим – Кама (Феодосия)да даволанган. Орифбоев соғайганидан сўнг, ўз ҳамроҳлари билан Севастополга қараб йўлга чиққан, улар ушбу шаҳардан Ростов шаҳрига етиб келишган. Ростовда йўқолиб қолган Орифбоевни излаган дўстларидан бири Туркия фуқароси Аҳмад афанди Ҳожи Ҳасанов рус жандармларидан битта зиёрачи поезд остида қолиб, оёғидан ажралганлиги, унинг ташқи белгилари баланд бўйли, қора соқоли, оқ саллали, сарт (ўзбек) эканлиги ҳақида маълумотнома олган. Орифбоевнинг қариндошларига ушбу маълумотномани кўрсатиш ва Жиддадаги рус ваколатхонасида 400 сўм миқдорида маблағи сақланаётганлигини хабар бериш сўралади. Чор Россиянинг мустамлакачилик сиёсати ҳамда икки ёқлама зулм ва бошқа сабабларга кўра Макка ва Мадина ҳажи зиёратига кетган айрим бухороликлар ортларига қайтишмаган.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

1905 йилнинг 15 сентябрида Жиддадаги(Саудия Арабистони) рус ваколотхонаси вакили Бухоро рус сиёсий агентлигига берган махфий хабарида: “Жиддада ўзини Бухоро фуқаролари деб ҳисоблайдиган 15 – 20 тагача шахслар истиқомат қиладилар. Улар Туркия ҳукумати билан яхши алоқада. Ушбу шахслар хизматида бўлган яна бир неча ватандошлари бор” – деб маълумот берилади. XX асрнинг бошларида асли хўжандлик бўлган Абдурашид Хўжа Эшон ҳаж сафарига кетиб ватанига қайтмайди. 1903 – 1905 йилларда Арабистондан Туркияга кўчиб ўтади. Абдурашид Хўжа Эшон Туркияда сандиқсоз уста, тижоратчилик каби касблар билан шуғулланиб кун кўрган.

Сиртдан қараганда Макка ва Мадина ҳажини ихтиёр қилган амирликдан йўлга чиққан зиёратчиларга чор Россияси ҳукуматининг “махсус портлар очиш”, “махсус кемалар қўйиш” ҳожиларни “йўлтўсар ва қароқчилардан ҳимоя қилиш”, “пули, буюмлари ва мол – мулки, жонини асраш” каби ҳаракатлари ижобий жиҳатлардек бўлиниб кўринади. Бироқ, Россия империяси ва мустамлакачилар маъмуриятининг бу соҳадаги фаолияти “мазлум халқларни асоратда сақлашга қаратилган эди”. Аввало, туркий халқлар билан узоқ асрлардан буён иқтисодий ва маданий алоқаларда бўлган Туркия ва Эрон орқали ҳаж зиёрати ўтиб қайтишнинг олдини олиш орқали Россия империяси хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда мусталакаларда озодлик ва мустақиллик учун кураш ғояларини тарқалишига йўл қўймаслик мақсади кўзланган эди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидан 1910 йилларда зиёратчиларнинг Жидда – Бомбей (Ҳиндистон) қулай ва арзон сув йўли билан ўз юртларига қайтиш ҳаракатида бўлганликлари ҳам Россия ҳукуматини ташвишга солган. Жиддадаги Россия бош элчиси “Константинополь ва Феодосияга йўл олган рус кемаларининг чипта нархи 5 ва 8 лира, турк кемаларники эса, 2,5 ва 6 лира, Бомбей Жиддадан 10 кунлик йўл бўлишига қарамай бор – йўғи чипта нархи 2 рупия... Баъзи бир моддий жиҳатдан қийналган зиёратчилар Бомбейга текин ҳам етиб борадилар. Уларга инглиз кемаларида етарли шарт – шароитлар яратилган. Инглизлар яқинда (1905 йил) ҳар бир зиёратчидан Бомбейгача бор – йўғи 2 рупия оладиган етти саккизтагача кемалар қатновини йўлга қўйдилар... Зиёратчилар кутиб турмасдан тезда йўлга чиқадилар. Жиддада инглизларнинг таъсири кучли... Рус

кемалари қатновини тезлаштириб, йўл чипталари нарҳини 100 рублдан 70 рублга тушириш керак” деган таклифини билдиради. Ҳиндистон ўша пайтда Англия қўл остида мустамлака бўлганлиги, бу мамлакат орқали зиёратчиларнинг ўтиб-қайтиши ҳам чор Россияси ҳукуматини тавишга солган. Шу тариқа нуқул ўз сиёсий мақсадлари ва империя манфаатларини ўйлаган Россия мустамлака бошқарувининг мусулмон зиёратчиларини ҳам ўз назорати остига олган эди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Возращение полонников // Окраина, 1897, - № 21. – С.3.
2. Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватанжудоликни мунгли тарихи. Бухоро: 2005. – Б. 105.
3. Ҳайитов Ш. Айматова З. Бухороликларнинг хориждаги мулклари ва ворислик ҳуқуқи масаласига доир // БухДУ Илмий Ахбороти. 2012. № 3. – Б. 38.

XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА АНЪАНАВИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Аҳмадов О.Ш.

БухДУ, Педагогика кафедраси ўқитувчиси

Бухорода асрлар давомида бошланғич таълим масчитлар қошидаги мактабларда бериб келинган. Бундай мактаблар тарихи VIII аср бошларига бориб тақалади. Ўрта Осиёда ислом динининг жорий этилиши, масчит ҳамда мадрасалар қурилиши билан мусулмон мактаблари вужудга келган. “Мактаб” сўзи арабча “катаба” – ёзмақ феълидан ясалган бўлиб, “ёзишга ўргатиладиган жой” дейилса, айрим ҳолларда “мактаб” атамаси “мирзалар мактаби” маъносини билдирган. Мактаб мусулмонларнинг масжидлар қошидаги хат-савод чиқариш ва диний удумларни ўзлаштириш даргоҳи бўлган. Бундай анъанавий таълим тизими Ўрта Осиё Араб халифалиги томонидан истило қилингандан сўнг зардуштийларнинг “дабиристон”лари ўрнида шаклланган.

Ўрта Осиёда анъанавий таълим икки босқич: қуйи-бошланғич мактаб, юқори-мадраса босқичидан иборат эди. Ушбу тизим

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

мактаблар иккига бўлиниб, давлат томонидан таъмин этиладиган ва хусусий шахслар маблағи ҳамда вақф мулклари ҳисобидан фаолият юритадиган мактабларга бўлинган. Бошланғич таълим муассасалари манбаларда “мактабхоналар” сифатида қайд этилиб, улар деярли барча йирик қишлоқларда бўлган. Мактаблар аксарият ҳолларда бир хонадан иборат бўлганлиги учун ҳам уларни “мактабхона”- деб аташган. Мусулмон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўғил ва қиз болалар мактаб хоналарнинг аксарияти масжидлар, мадрасалар, қорихоналар қошида ёки хусусий мактабдорлар хонадонларида, қиз болалар мактабхоналари отин аёллар уйларида ёки бадавлат кишиларнинг мактаб ёшидаги қизлари учун уларнинг уйларида ташкил этилган.

Вақфномаларда ёзилишича, мактабхоналар хом ва пишиқ ғиштдан бино килинган. Мактабхона биноси одатда бир хонадан иборат булиб, болалар буйра ёки гилам (тушакча, шолча) устида ўтиришган. Мактабнинг хоналари кичик, тор булиб, ёруглик тушмайдиган қоронғи, ўқувчилар ўтирадиган жой эса нам ва заҳ бўлган. Ўғил болалар мактабхоналарида масжид имоми, муаззини ёки мадрасани тугатган шахс муаллимлик қилган.

Бухоро амирлигидаги мактабхоналар фаолиятини Абдурауф Фитрат шундай таърифлайди: “Мактаб шундай жойдирки, бир муаллими бор, уни “мактабдор” дейдилар, болалар у ерда етти йилдан то ўнйилгача зарурий хат-саводларини чиқаргунга қадар қоладилар, ундан кейин хоҳишларига қараб, мадрасага бориб, дарс ўқий бошлайдилар.

Садриддин Айнийнинг ёзишича, Бухородаги мактабхонанинг кўриниши куйидагича бўлган: “Мактаб торгина бир хонадан (хужрадан) иборат булиб, унинг икки эшиги бор, бунинг бири бир табақали ва эшик купинча ёпик турар эди. Иккинчи эшиги дарча бўлиб уч газ (1 газ-62-64 см) бўйи ва ярим газ эни бор. Бу дарчанинг олдида домла(мактабдор)нинг ўтирадиган жойи бор. Дарчаларга эса пардақилинган(дерасаси қоғоз билан қопланган) ва қоғозга қор-ёмғирдан сақлаш учун зиғир мойи суртилган эди. Шунингдек, мактабнинг дерасасидан дарсхонага ҳеч бир ёруғлик кирмас эди. Хужранинг шипи тагидан деворнинг шипга якинлашган жойида икки томондан ҳам бир-бирига рўпарама-рўпара қилиб очилган икки

туйнукча бўлса ҳам, булардан кирадиган ёруғлик пастга тушмасдан, хужранинг деворларида қолар эди. Бу хужранинг кенглиги ўн олти газ мурабба (квадрат) эди, унинг ичида бир-бирининг устидан ўтказилиб тўртта синч тортилган ва бу билан хужра тўққиз бўлакка бўлинган, гўё мактабхонанинг ичида тўққиз охур пайдо бўлган эди. Эшик олдидаги охурчада болаларнинг кавушлари турарди, дарча олдидаги охурчада бўлса домла ва қолган етти охурчада эса болалар ўтирарди”. Садриддин Айний ушбу эски мактаблардан бирида таълим олар экан, ўқувчилар муаллим тахтачага ёзиб берган сабоқларни синф хонасини бошларига кўтариб, шовқун солиб такрорлашлари кераклигини қайд этади. С.Айний ўзи ўқиган мактабда ўқувчилар ёши хусусиятларига қараб ажратилмаганлиги, 7 яшар болалар билан 12-13 яшар болалар бирга ўқитилиши ҳақида маълумот берган. Муаллим ўқувчини саводини чиқариш учун 6-7 йил ўқитган. Эски мактабдаги таълим жараёни ҳақида кейинчалик Бухоро матбуотида: “Кичик бир хужра ичида 50-55 бола домланинг гапига қараганда болаларни биртадан ёнига чиқариб олиб, усули қадим билан ўқитар экан. Бундай усул билан 55 болага 55 марта дарс бериш мумкинми?- деб сўралганида домудла 4-5 нафарига дарс бераман-у, қолганига осмондан фаришталар тушиб ўқитадур, жавобини берган”– деган маълумот келтирилган. Ёхуд, Абдурауф Фитрат бу типдаги мактабларни “мактаби қадим” уларда дарс бериш усулини эса “тахсили қадим”– деб атайди. Ўқувчилар муаллимдан калтак ва ҳақоратлар билан ҳар куни икки таълим оладилар, сабоқ ўзлаштирилиши ва тушунарли бўлишига ҳеч ким парво қилмайди, каби фикрлари 1909 йилда ёзилган “Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жаид мактаблари хусусида қилган мунозараси” асарида баён қилинади. Ўқувчилар ўтирадиган хона ярим қоронғу, зах ҳамда ҳайвонлар яшайдиган жойларга ўхшайди”– деб ёзганди. Албатта, унинг фикрида анча бўрттиришлар сезилсада, аслида XIX аср охири – XX аср бошларида масчитлар қошидаги мактабларга эътибор сусайганди.

Шунга қарамай бошлангич мактаблар Эски Бухоро шаҳрида ва бошқа шаҳарларда, шунингдек, қишлоқларда мавжуд бўлиб, Бухоро шаҳридаги 22 гузарнинг ҳар бирида мактабхонаси бўлган. Маълумки шариат аҳкомларига кўра, илм ўрганиш учун мурожаат қилган

кишига рад жавоби бериш кечирилмас гуноҳ ҳисобланган, ўқишга келган ҳар бир боланинг қайси ижтимоий тоифадан бўлиши ва ўқиш учун қанча ҳақ тўлай олишидан қатъий назар, ўқитувчилар зиммасига уларни ҳар қандай эътирозсиз ўқитиш вазифаси юклатилган. Чунки, “ҳар бир мусулмоннинг билим олиши ҳам қарз, ҳам фарз” лиги ҳақидаги ҳадиси-шариф суннат ҳисобланган.

Мактаблар идора қилиниши ва таъминоти жиҳатдан умумий ва хусусийга бўлинган. Уларнинг асосий фарқи-мактаб биносининг ким томонидан қурилиши ва таъминланишида эди. Хусусий мактаблар алоҳида шахслар, яъни мансабдор, давлатмандкишилартомонидан қурилган бўлса, умумий мактабларжамоатчилик маблағлари ҳисобидан қурилган. Мактаблар саҳоватли кишилар томонидан қилинган хайр-эҳсонлар ва унда таҳсил олаётганўқувчиларнинг ўз ота-оналари ҳисобидантаъминланган.

Хулоса қилиб айтганда Бухоро амирлигида бошланғич таълим XIX аср охири – XX аср бошларида замон талабларидан ортда қолиб, ислохотларга муҳтож бўлиб қолганди. Бухоронинг Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Абдувоҳид Мунзим сингари тараққийпарвар инсонлари мактабхоналар фаолиятини тубдан янгилаш орқали инқирозли ҳолатдан чиқиш мумкинлиги тўғрисидаги илғор фикрларини илгари сурдилар.

АДАБИЁТЛАР:

1. ДолимовУ. Эски мактаб // Тафаккур. – Тошкент, 2010. - № 1. –Б. 66-73.
2. АлимовИ. Ўзбекистондавақфмулкларинингтуғатилиши (1917-1929 йиллар). – Тошкент. Фан; 2009. – Б.57.
3. Абдурауф Фитрат Ҳиндистонда бир фаранги ила Бухороли мударриснинг жаид мактаблари хусусида қилган мунозараси. Танланган асарлар; 1 жилд. Т.: Маънавият; 2000. - Б. 50.
4. Айний С. Эски мактаб // Асарлар. VIII томлик. – Тошкент. Бадиий адабиёт. 1965. IV жилд. - Б. 139-140.
5. Фаришталар ўқитар экан // Озод Бухоро; 160-сон, 1924 йил. 3 ноябр.
6. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 1- жилд: Т.: Маънавият; 2000. – Б.84.

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ МУЗЕЙИ - МАЪРИФАТ МАСКАНИ

Б.Б.Болтаев

Бухоро тарихи кафедраси, катта ўқитувчи

Ҳозирда Ўзбекистонда 100 дан ортиқ давлат музейлари фаолият кўрсатмоқда. Эътиборлиси, музейга ташриф буюрувчиларнинг 70 фоизини ёшлар ташкил этади. Ушбу маълумотларнинг ўзиёқ музейларга бўлган эътибор масъулиятини янада оширади ва зиммамизга янги вазифаларни юклайди. Таълим тизими ва музейларнинг ўзаро алоқаларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ва ривожлантириш ижобий самара гаровидир.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ, юртимиз тарихини, кўп йиллик меросини ўзида мужассам этган музейларни ташкил этиш бўйича бир қатор амалий ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда янги-янги музейларнинг ташкил этилиши, пойтахтдаги энг йирик ва нуфузли темурийлар даври тарихи, “Қатағон қурбонлари” хотираси, мамлакатимиз жанубида жойлашган Термиз шаҳридаги “Археология” музейининг очилиши ҳукуматимиз томонидан музей ва музейшунослик соҳасида ниҳоятда катта ишларнинг амалга оширилишидир. Янги музейларнинг ташкил этилиши билан бир қаторда шу вақтгача ҳам фаолият кўрсатиб турган барча катта-кичик музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш, миллий истиқлол руҳида қайта ташкил этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Музейларни давр талабидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш, уларнинг қиёфасини, экспозициясини халқаро стандартларга мослаштириш, фондларини бойитиш, ашёларини илмий ўрганиш, асраб-авайлаган ҳолда замонавий услубда таъмирлаб келажак авлодларга етказиш, жаҳонга намойиш этиш йўлларини бир тизимга солиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Музейлар нуфузини ошириш, уларни замонавий талаблар доирасида жиҳозлаш, томошабинларни жалб қилиш учун янги усулларни ташкил этиш, илгари намойиш этиш имкони бўлмаган музей фондларидаги буюмларни ҳам намойиш этиш чоратadbирларини ишлаб чиқиш зарур бўлмоқда. Юқори технологияларни, экспозицияларни намойиш этишдан ташқари, ёш авлодни маънан етук, баркамол, ватанпарвар, миллий, тарихий

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

анъаналарга садоқат руҳида тарбиялашда музейларнинг ўрни беқиёс. Музей нафақат мозий мактаби, балки тарбия ўчоғи, маданий-маърифий маскандир. Ўзликни англаш, миллий қадриятларни тиклаш, мафкуравий иммунитетни шакллантиришда бошқа тарғибот воситалари қатори музейларнинг ҳам ўз ўрни ва вазифаси бор. Музейлар ишини такомиллаштириш жараёнига мустақилликнинг дастлабки даврларидан қўл урилди. Бу хайрли ишларнинг натижаси ўлароқ, музейлар ишини қайта ташкил этиш ва ривожлантириш тўғрисида ҳукумат қарорлари қабул қилинди. “Музейлар куни”, “Музейлар ҳафталиги”, “Очиқ эшиклар куни” каби тадбирлар мамлакатимизда мунтазам ўтказилиб келинмоқдаки, улар чинакам маънода оммавий байрамга айланиб улгурди.

Мамлакатимизда давлат музейларидан ташқари, маҳаллий мазмунга эга бўлган ташкилот, корхона, муассаса, мактаб, мемориал, уй музейлари ҳам мавжуд. Бухоро вилоятида ҳам шу хилдаги музейлар катор йиллардан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида бундай музейларнинг сони янада ортди. Айтиш мумкинки, Бухорода неча йиллардан бери намунали давом этиб келаётган музей ишининг тарихий – маърифий анъаналари Бухоро давлат университетининг янги ташкил этилган музей-лабораториясида ҳам ўз ифодасини топган.

Республикамизнинг кўпгина олий ўқув даргоҳлари бутунги кунда ўз илмий-амалий музей-лабораториясига эга. Музей дарсларини ташкил қилиш ёки айрим дарсларни тўғридан-тўғри музейларда ўтиш амалиётини жорий қилиш ва оммалаштириш долзарб масалалардан бирига айланиши керак. Бу нарса биринчидан, музей ишининг янги қирраларини очишга, иккинчидан, таълимнинг ноанъанавий усулларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда музейларга бўлган юксак эътибор доирасида БухДУ нинг 85 йиллиги муносабати билан Илмий-амалий музей-лаборатория ташкил этилган эди. Бундан мақсад фақат мозийга назар солиш эмас, балки музей экспонатлари орқали ушбу таълим даргоҳининг босиб ўтган йўли, таълим тизимининг динамик ривожланиши, таълимдаги анъанавийлик ва замонавийлик уйғунлиги, келажакка нигоҳ, соҳада ечимини кутаётган муаммоларни кўрсатишдан иборат. Экспонатларни тўплаш сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш каби музей ишининг асосий принципларига амал қилган ва жаҳон музейшунослиги тажрибасига суянган ҳолда ишни

ташқил қилиш университет музейи ва унинг жамоаси олдида турган бош вазифадир. БухДУ ҳузуридаги Илмий-амалий музей-лабораториясининг музейларни ривожлантириш бўйича эълон қилинаётган давлат инновацион лойиҳаларида мунтазам қатнашиб бориши таъминлаб келинмоқда.

Умуман, университетда ташқил этилган музей – экспозициялар ичида ушбу Илмий-амалий музей-лаборатория учинчисидир. Биринчи музей-экспозиция мустақиллик арафасида, иккинчиси ўтган асрнинг 90-йиллари охирида ташқил топиб, барчаси кўрғазма мазмунига эга эди. Янги Илмий – амалий музей – лаборатория эса олдингиларидан шаклан ва мазмун жиҳатдан фарқ қилади. Ушбу фарқдаги дастлаб кўзга ташланадиган жиҳат - ушбу музейнинг замоний талабларга мос, профессионал даражада яратилганлигидир. Музей иши қоида ва амалиётида бинонинг муваффақиятли танланиши музейнинг кейинги ривожини таъминлайди деган тушунча мавжуд. Буни БухДУ Илмий-амалий музей-лабораторияси мисолида кўриш мумкин.

Шулар қаторида ушбу музей ҳақиқий профессионал илмий марказ сифатида фаолият юритиб, ўз олдига Бухоро давлат университети тарихи, унинг ривожланиш босқичлари ҳақидаги маълумотларни жамлаш, қайта ишлаш ва шу асосда юртимиздаги ва хориждаги олийгоҳлар билан илмий ва маданий алоқаларни такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқаришни асосий вазифа этиб белгилайди. Бухоро давлат университети Илмий-амалий музей-лабораториясини қайта ташқил қилиш ғояси кун тартибига қўйилган кундан бошлаб янги концепция яратиш ва унинг асосида тематик-экспозицион режа тузишга киришилди. Бинобарин, янги Илмий-амалий музей-лаборатория шакл, мазмун ва сифат жиҳатдан аввалгиларидан фарқ қилиши, университет фаолиятининг экспозицион ифодаси замонавий музей иши талабларига мос келиши, 85 йиллик тарих илмий асосда ихчам, чиройли, хронологик изчилликка риоя қилинган ҳолда қамраб олиниши, айниқса, мустақиллик йилларидаги фаолият ўзининг тўлақонли ифодасини топиши лозим эди. Бош мезон қилиб олинган ушбу талаб ва масъулиятдан келиб чиқиб, музей ташқил этиш жараёнларига Бухоро давлат музей-қўриқхонасининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари К. Рустамов, шунингдек, Тошкент давлат

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

иқтисодиёт университети Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, Олий таълим муассасалари қошида музейлар ташкил этиш бўйича мутахассис Л.Илҳомжоновлар жалб қилинди ва уларнинг профессионал малакаларидан фойдаланилди. Янги Илмий-амалий музей-лабораториянинг функционал йўналиши борасида муҳокама ва мунозаралар ташкил этилиб, фикрлар алмашилди.

Ташкил этилаётган Илмий-амалий музей-лаборатория учун тарихий ва замонавий экспонатлар комплексини шакллантириш, университет тарихини акс эттирувчи архив материалларини қидириб топиш масаласи кун тартибига қўйилди. Чунки олдинги экспозицияларда нодир архив материаллари қарийб учрамасди. Айниқса, Бухоро давлат педагогика институтини ташкил этиш тўғрисида Республика халқ маорифи комитетининг бирламчи буйруғини қидириб топиш ва уни экспозицияга жойлаштириш долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа сифатида ишчи гуруҳ зиммасига юклатилди. Шу мақсадда архив ишини пухта эгаллаган Бухоро давлат университети Тарих ва маданий мерос факультети Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси А.Ҳамроев Тошкентга, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивига жўнатилди. Саъй-ҳаракатлар тез орада ўз натижасини бера бошлади.

Фикримизни яқунлаб айтадиган бўлсак музейшуносликка берилган юксак эътиборнинг самараси ўлароқ мазкур соҳада қуйдаги мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди: -музейшунослик соҳасини ривожлантириш, такомиллаштиришга доир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди ҳамда музейлар фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари яратилди. Музей ишини самарали йўлга қўйиш ҳамда музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида жамғарма ташкил этилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон музейларида сақланаётган моддий ва маданий меросимизни кенг жаҳон оммасига намойиш этиш бўйича қатор кўرғазмалар жаҳон музейларида ташкил этилди. Юқорида санаб ўтилган соҳа ривожига мувофақиятлар Ўзбекистонда музейшунослик соҳасини тараққий этишга мустақам замин яратган омиллардир. Ташкил этилган ва этилаётган кўплаб музейлар ёш авлодни тарихимиз, моддий ва маданий меросимизни нақадар чуқур илдизга эгаллигини сингдирган ҳолда, уларни ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари билан тарбиялашга хизмат қилади. Президент Шавкат Мирзиёев 2018 йил 16 февралдаги Бухоро шахрига қилган ташрифида вилоятда

туризм соҳасини янада ривожлантириш концепцияси асосида амалга оширилаётган ишлар билан танишар экан. “Бухоро ўзининг бетакрор тарихий обидалари, осори-атиқалари, асрлар оша давом этиб келаётган миллий ҳунармандлик анъаналари билан юртимиз туристик жозибадорлигини оширишда улкан салоҳиятга эга эканлигини” -таъкидлаб ўтди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсақ, мустақиллик йилларида музейлар фаолияти тубдан ўзгариб юқори даражада ўсди, Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимидаги ўқув юртларидаги музейларни жаҳон олийгоҳлари музейлари билан ҳар томонлама ҳамкорлик қила оладиган, ҳатто илмий баҳслашадиган музейларга айлантириш, инновацион технологияларни жорий этиш орқали ривожланишга эришиш асосий масала бўлиб қолмоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1. Альмеев Р. Музей жамғармаларини оптималлаштириш, сақлаш ва кўргазмалаштириш. // Мозийдан садо. 2(38) – Тошкент: 2008. Б-2-3.

2. Ҳабибуллаев Н. Музей ва фан-таълим. / Ўзбекистон музейлари истоқболлари. – Тошкент, 2013. – Б.7.

3. А.Тўлаганов, Ҳ. Тўраев. Бухоро давлат университетининг 85 йиллиги музей кўзгусида . “Музейшунослик” фанидан ўқув қўлланма. Бухоро-2016 йил

4. А.Тўлаганов, Ҳ. Тўраев. Бухоро давлат университетининг 85 йиллиги музей кўзгусида . “Музейшунослик” фанидан ўқув қўлланма. Бухоро-2016 йил

5. Ш.М.Мирзияевнинг Бухорога ташрифи.//www.google.com

6. Азимова М. М, “Мустақиллик йилларида музейлар фаолияти ва туризм”, “Бухорони туризм чоррахасига айлантириш имкониятлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. 2019 йил 29 май. -Бухоро: 2019. (2-қисм)

7. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг илк босқичлари //www.turizm.uz

ЧЖЭН ХЭ (МУҲАММАД) БУХОРОЛИК ХИТОЙ АДМИРАЛИ

Гадаев Ҳамро Усанович

*Самарқанд давлат университети, Тарих факультети “Жаҳон тарихи”
кафедраси ўқитувчиси*

Бухоро қадимий ва навқирон шаҳар сифатида юртимизнинг фаҳри ва ғуруридир. Шаҳарнинг шонли тарихи унинг бугунги кунда бутун дунёга танилишида муҳим ўрин эгаллайди. Бухоронинг тарихига қайта ва қайта мурожаат қилиниши, янги топилмалар, маълумотларнинг келтирилиши эса шаҳарнинг ҳануз ўрганилмаган, тарихчиларга номаълум жиҳатлари кўплигидан далолатдир.

Бухоро шаҳри ҳақидаги дастлабки ёзма манбалар одатдагидек юнон ёки Рим муаллифлари асарларида эмас, балки, эрамиздан аввалги II асрда хитойлик муаллифларнинг асарларида тилга олинган.

Бухорога «Бухорои-шариф» «Ислом дини гумбази» - каби ўхшатишлар ўтмишда шаҳарнинг ислом дини, унинг ривожланишида қай даражада муҳим ўрин эгаллаганлигидан далолат беради. Абдухлоик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбандий, Сайфиддин Бохарзий, Имом Бухорий, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Наршахий, шоирлар Рудакий ва Дақиқий қабилар унинг шуҳратини бутун дунёга ёйганлар.

Шу билан Бухоронинг шундай фарзандлари борки, уларнинг фаолияти ўз ватанидан олисларда амалга оширилган бўлсада, аммо улар шу юрт фарзанди сифатида тарихда қолишган.

Улардан бири Хитой тарихида жуда муҳим ўрин эгаллаган денгиз сайёҳи, адмирал ва дипломати Чжэн Хэ бўлади. Унинг фаолияти натижасида Хитой денгизда янги ўзига хос “Ипак йўли” ни кашф этди. Шу билан бирга Чжэн Хэ Африкага борган биринчи хитойлик сифатида талқил қилинади. Айрим тарихчилар Чжэн Хэнинг фаолияти натижасида хитойликлар Америка ва Австралияга ҳам биринчи бўлиб боришганлигини таъкидлашади.

Унинг фаолияти борасида хитойлик тарихчилар ҳам у қадар кўп маълумот беришмайди ва албатта бунинг ўзига хос сабаблари бўлиши мумкин.

Чжэн Хэ экспедицияларига рухсат берган император Чжу Ди даврида ҳам кўплаб сарой аёнлари мазкур саёхатларни фойдасиз ва самарасиз деб баҳолайдилар. Чжэн Хэ ва император Чжу Чжэньцзи (император Чжу Дининг набираси) вафотидан кейин давлат денгиз саёхатларини тўхтатиб қўйди ва Чжэн Хэ флоти техник маълумотларининг катта қисми йўқ қилинди ёки унутилди. Фақатгина XX аср бошлари Хитойда европаликларга қарши ҳаракатларнинг авж олиши билан Чжэн Хэ образи яна эсга олинди.

Чжэн Хэ 1371 йил Хитойнинг Куньян вилоятида Хэдай қишлоғида туғилган. Отасининг исми Ма Хожи («Ма» фамилия бўлиб, хитойча «Муҳаммад» маъносини англатади). Чжэн Хэ дунёга келганда унга Ма Хэ, яъни Муҳаммад исми қўйилган. Унинг оиласи сэмү қавмидан деб кўрсатилган ва бу сўз Ўрта Осиёдан келган оилаларга нисбатан ишлатилган. Сэмүларнинг катта қисми муғуллар бошқаруви даврида кўчиб келишган.

Чжэн Хэнинг бобоси Саид Жалолиддин Умар Бухорода туғилган бўлиб, Хубилайхоннинг саркардаси сифатида Юньнань вилоятини бошқарган.

Чжэн Хэ ҳам ўз аждодлари каби ислом динига эътиқод қилган. У ёшлигида император саройида тарбияланган. Император Чжу Ди 1402 йил 17 июлда тахтга ўтиради ва 1404 йил Ма Хэга хизматлари учун янги Чжэн фамилиясини беради.

Чжэн Хэ император буйруғи билан ташкил қилинган флотда Жанубий – Шарқий Осиё мамлакатлари ва Ҳинд океанига 1405-1433 йилларда етти марта экспедиция амалга оширади. 250 та кема ва 27 минг кишилик флот Чжэн Хэ бошчилигида 56 мамлакат ва шаҳарларда бўлади. Чжэн Хэ 1405—1407 йилларда биринчи, 1407—1409 йилларда иккинчи, 1409—1411 йилларда учинчи, 1413—1415 йилларда тўртинчи, 1417—1419 йилларда бешинчи, 1421—1422 йилларда олтинчи ва 1431—1433 йилларда еттинчи денгиз саёхатини амалга оширган.

1424 - 1431 йиллар оралиғида император Чжу Ди вафотидан кейин денгиз экспедициялари тўхтатиб қўйилади ва Чжэн Хэ етти йил давомида Нанкин гарнизони бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатган. 1434 йилда унинг ёрдамчилари Маккага ҳам келишади. Бошқа бир маълумотларга кўра Маккага Чжэн Хэнинг ўзи шахсан

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

келган ва исломнинг энг муҳим амалларидан бўлган ҳаж амалларини бажарган. Фақатгина бу ҳолатни ўз кундаликларига тўлиқ киритмаган.

Чжэн Хэ экспедицияларига бағишланган 1597 йилда Ло Маодэ томонидан ёзилган «Ғарбий Океанга Чжэн Хэ саёҳатлари» асарида барча саёҳатлари батафсил ёритиб берилган.

Чжэн Хэнинг вафоти ҳам еттинчи экспедиция пайтида юз берган. Хитойга қайтишда 1433 йил Ява оролининг деган жойида рамзий маънода жаноза ўқилади ва денгизчиларнинг одатларига кўра унинг ўзи ҳам денгизга дафн этилади. Адмиралнинг оёқ кийими ва сочи, айрим манбаларда бош кийими ва кийимлари олиб келиниб, Нанкинга дафн этилади.

Замондошлари Чжэн Хэни қуйидагича тасвирлашган. У ўз оиласининг урф одатларини қаттиқ сақлаб қолган ва уларга амал қилади. Бўйи етти *чи* (*чи* – Мин даврида 31,1 см, айрим вилоятларда 27 см) бўлиб бу ўша даврдаги ўлчовларга ишонилса, 189-210 см деган хулосага келиш мумкин. Бу эса ўша давр хитойликлар учун камдан – кам учрайдиган бўй эди. Бу ҳам унинг ота боболарининг ташқи кўринишини ҳам сақлаб қолганлигидан далолат беради.

Аммо унинг ўз фарзандлари бўлмаган ва у ўзи билан бухороликларнинг Хитойдаги денгизчиларнинг машҳур авлоди давом этишини таъминлай олмади.

Чжэн Хэ хитойликлар наздида жуда машҳур, ҳатто афсонавий қаҳрамон сифатида гавдаланади. 1997 йил “Life” журналида эълон қилинган 100 нафар машҳур хитойликлар орасида Чжэн Хэ 14 – ўринда келтириб ўтилган.

Чжэн Хэнинг оиласи вакиллари ўзларининг бухоролик аجدодлари тўғридан – тўғри Муҳаммад САВга бориб тақалишини таъкидлаб келишган. Чжэн Хэнинг отаси ўз отасининг исмини Саид Шамсуддин Умар ва Бухорода туғилганлигини келтириб ўтган, аммо бошқа маълумотлар учрамайди.

Манбаларда таъкидланишича Чжэн Хэ император саройида фаолият кўрсатган бўлсада, аммо ислом динига қаттиқ амал қилган ҳолда яшаган.

Хитойнинг South China Morning Post газетасида Нанкин университети профессори Liu Yingshengнинг мақоласида келтиришича,

ўрта асрлар даври Хитой денгиз флотиди форс ва сўгдча атамалар ишлатиб келинган.

South China Morning Post газетасида таъкидланишича, Чжен Хэ ўз фаолияти даврида Ява, Суматра, Борнео ва бошқа худудларда ислом динини ёйилишига ҳам хизмат қилган. Сабаби унинг флотиди яна кўплаб мусулмонлар ҳам хизмат қилган. 1961 йилда Индонезиядаги диний секталардан бирининг раҳбари «Индонезия ва Малайзияда ислом динининг тарқалиши хитойлик мусулмон адмирал Чжэн Хэнинг ўрни алоҳида» деб таъкидланган.

Чжэн Хэнинг Нанкиндаги қабрига араб ёзувида – Аллоху Акбар жумлалари ёзилганлиги ҳам унинг ислом динига қай даражада эътиқод қилганлигидан далолат беради.

Умуман юртимиздан жуда машхур, дунё тан олган алломалар, олиму фузалолар, саркарда-ю давлат арбоблари етишиб чиққан. Уларнинг фаолиятини ўрганиш ёшларимиз онгида ватанпарварлик ғояларни янада шаклланишида муҳим ўрин тутди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Бокщанин А. А. Волшебный свет на мачтах. Заморские экспедиции Чжэн Хэ // Лики Срединного царства. - М.: Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 2002.

2. Бокщанин А. А. Китай и страны южных морей в XIV-XVI вв. - М.: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1968.

3. Бокщанин А. А. Китай во второй половине XIV-XV вв // История Востока: В 6 т. - М.: Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 2000. - Т. 2: Восток в средние века.

4. Вельгус А. В. Известия о странах и народах Африки и морские связи в бассейне Тихого и Индийского океанов (Китайские источники ранее XI в.). - М.: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1978.

5. Свет Я. М. За кормой сто тысяч ли. - М.: Географгиз, 1960.

6. Усов В. Н. Чжэн Хэ // Духовная культура Китая: энциклопедия. - М.: Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 2009. - Т. 4.

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА БУХОРОНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ХУСУСИДА

Кучаров Жамшид

Қарши давлат университети

Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси

Бухоро тарихининг барча давларида нафақат Ўзбекистон, балки жаҳоннинг бошқа минтақаларида ҳам ўзига хос мавқега эга бўлган. Амир Темур ва темурийлар даврида Бухоро тарихи ва унинг жаҳон тарихи, жумладан, Шарқ мамлакатлари билан ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий муносабатлари етарли даражада ўрганилмаган. Мавжуд тарихий адабиётлар ва манбаларда етарлича маълумотлар учрамайди. Мавжудлари ҳам ўша давр тарихини мухтасар тасаввур қилиш имконини бермайди. Амир Темур ва темурийлар даврида Бухоро ва унинг жаҳон тарихидаги мавқеини ўрганиш мавжуд маълумотларни қиёсий таҳлил қилиш орқали маълум бир илмий хулоса ва тасаввурга эга бўлишимиз имконини беради.

Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даврида Бухорони ободонлаштириш, иқтисодий салоҳиятини оширишга ҳаракат қилишган. Бухоро мўғуллар даврида бир неча бор вайрон қилинган бўлиб, ҳатто Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда марказлашган давлат қуриш учун курашлари давомида ҳам 1376 йил Юсуф Сўфи, 1380, 1389 йилларда Тўхтамишхоннинг хужумлари Бухоро шаҳрини вайронага айлантирган. Амир Темур Бухорони қайта тиклаш, шунингдек, халқаро савдодаги алоқаларини ривожлантириш мақсадида Шероз шаҳридан бир қатор яҳудийларни Бухорога жойлаштирган. ХХ аср бошларида ҳам ушбу яҳудийлар ўзларининг Амир Темур томонидан кўчирилганликларини таъкидлаб Бухоронинг “Маҳаллаи кўҳна” гузарида истиқомат қилганлар. Сирдарёнинг ўрта оқимидан Амир Темур буйруғи билан Шохрух Мирзо ва Улуғбеклар томонидан Бухорога томон қазилган ариқ масаласи, Мирзо Улуғбекнинг Сомончиқ даштида канал қазиб Бухоронинг жанубий-ғарбий қисмини обод қилганлар. Бундан ташқари, Когондан жанубий-шарқий йўналишда чиқарилган канал халқ хотирасида “Темур ариқ” деб сақланиб қолинганлиги билан боғлиқ маълумотлар рус олими

П.Ф. Ситняковскийнинг “Рус жуғрофия жамияти”га йўллаган ҳисоботлари асосида келтириб ўтади. Бухоро шаҳри шимолида йирик захкаш (коллектор) мавжуд бўлиб, уни халқ Амир Темур номи билан боғлайди. Бу эҳтимолки Амир Темур замонида қурилган бўлса керак деган фикрлар мавжуд. Эҳтимолки бир вақтлар Сирдарёдан қазиб Бухорогача келтирилган канал қолдиқлари ҳам бўлиш эҳтимоли мавжуд. Тарихий адабиётларда айнан шу захкаш сабабли Бухоро шаҳри шимолида деҳқончилик ва боғдорчилик ишлари анча яхши бўлганлигини ҳам таъкидланади.

Амир Темур ва Улуғбек даврида Бухоро шаҳрининг майдони кенгайиб, унга яқин атрофдаги ерлар янги гузарлар сифатида қўшиб олинганлигини тарихий манба ва адабиётлар тасдиқлайди. Қадимги Бухоронинг Искандархон гузари хусусида ёзиб О.А. Сухарева гузарнинг (Имом ва Самарқанд дарвоза оралиғи) Амир Темур ва кейинчалик Улуғбек даврида қалъа деворини кенгайтириш орфали шаҳарга қўшилган деган хулосаларни келтиради. В.А. Шишкин билан шахсий мулоқотларида шаҳарнинг бу ҳудудидаги сопол қолдиқлари қадимги даврларга хос бўлмаганлиги билан боғлиқ фикрларини ҳам келтириб ўтади.

Тарихий адабиётларда Амир Темур даврида Бухорода Чашмаи Аюб ёдгорлиги, Мирзо Улуғбек томонидан мадраса биносининг қурилганлиги билан боғлиқ маълумотларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, Амир Темур ва Мирзо Улуғбек Бухоро воҳаси ва унинг Мовароуннаҳр минтақасидаги иқтисодий, стратегик аҳамиятини яхши англаб, бу шаҳар ва ҳудудни давлатнинг иқтисодий ва ҳарбий таянчига айлантиришга ҳаракат қилганлар. Зотан Самарқанд учун жанубий-ғарбий йўналишдаги кучли мудофаа чизиғи ҳам кун тартибига қўйилгани шубҳасиздир.

Мўғуллар даврида вайрон бўлган Бухоронинг иқтисодий-ижтимоий ва маданий жараёнларда фаол иштирок этиши Мирзо Улуғбек даврида кўзга ташлана бошланган. Мирзо Улуғбек даврида 1428-1429 йилларда Бухорода зарб қилинган тангалар XVI аср бошларига қадар муомалада бўлган. Улуғбек даврига оид топилган тангаларнинг 97 % зи ёки 1712 таси Бухорода 1428-1429 йилларда зарб қилинган бўлиб, атиги 3 фоизи ёки 56 та топилган тангалар бошқа шаҳарларда зарб қилинган. Улар сифати жиҳатидан Бухорода зарб

қилинганлар билан тенглаша олмаган. Хулоса қилиш мумкинки, бу даврда Бухоро салтанатда муҳим аҳамиятга эга бўлган молиявий марказлардан бирига айланиб улгурган.

Бухоронинг иқтисодий ва маданий марказ сифатида аҳамиятининг ортиб бориши хорижий мамлакат элчи, сайёҳ ва айғоқчиларининг ҳам эътиборидан четда қолмади. Темурийлар даврида Хитойнинг Мин сулоласи билан элчилик алоқалари ривожланиб, ўзаро кўплаб элчи, савдогарлар орқали турли муносабатлар амалга оширилган. Хитойнинг Мин сулоласи элчиси бўлган ва темурийлар саройига ташриф буюрган Чэнь Чэн Ўрта Осиё ҳудудларида бўлиб, ўз хотираларида 17 та давлатни санаб ўтади. Бухоро шаҳри эса бу рўйхатнинг охирида келтирилган.

Тарихий адабиётларда Мин сулоласи элчиси Чэнь Чэн 1414 йил февралда Ўрта Осиё ҳудудлари сари йўлга отланиб, шу йилнинг октябрь ойида қарийб 8 ойдан сўнг Ҳиротда бўлган. Хитойга қайтгач, хотираларида санаб ўтилган ўлкалар сони 17 тани ташкил этади. Бу ўлкалар Самарқанд, Виндхой, Бадахшон, Термиз, Шохрухия, Тошкент, Бухоро, Сайрам, Кеш, Янгикент, Бешбалиқ, Караходжа, Лукчуи, Турфон, Лобнор, Хами кабилар эди. Келтирилган рўйхатдан кўриш мумкинки, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан темурийлар давлати таркибида бўлмаган ўлкалар ҳам санаб ўтилган. Демак, Бухоро ҳам Чэнь Чэн Ўрта Осиёда бўлган даврда маълум бир маънода иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан Ўрта Осиёдаги етакчи марказлардан бирига айланган деб айтиш мумкин. Чэнь Чэн Мин давлатига қайтгандан сўнг, ўзи бўлиб қайтган 17 ўлканинг ҳам тавсифини “Ши си юй цзи” (Ғарбий ўлкалардаги элчилик хотиралари) номли асарда келтириб ўтади ва Бухоронинг ҳам қисқа бўлсада таъриф ва тавсифини келтириб ўтади.

Хулоса қилиб айтганда, мўғуллар истилоси ва Амир Темурнинг марказлашган давлат тузиш жараёнида Бухоро вайронага айланиб, унинг иқтисодий-ижтимоий мавқеи пасайиб кетганди. Амир Темур ва кейинчалик Мирзо Улдуғбек томонидан олиб борилган ободонлаштириш, тиклаш ишлари натижасида Бухоро ўз мавқеини тиклаб темурийлар даври сўнгги йилларида нафақат ўлка, балки минтақада муҳим аҳамият касб эта бошлади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Xorazmiy.uz/oz/pagez/view/441.
2. Сухарева О.А. Квартальная Община позднефеодалного города Бухары (в связи с историей кварталов). – М.: Наука, 1976. – С. 26, 76, 226.
3. Орзиев М.З., Ахматов А.Х. Сирдарёдан Бухорога томон қазилган канал: ҳақиқатми ёхуд уйдирма//Buxorodavlatilmiyaxborotlari 2019/ № 1. – С. 237.
4. Ситняковский Н.Ф. Заметки о Бухарской части долины Зерафшана //Туркестанский сборник. - Т. 118. – С. 176.
5. Тўхтиев И. Амир Темур ва темурийларнинг молия-пул сиёсати://И.Тўхтиев; Масъул муҳаррирлар: Муҳаммад Али, Л.Тангриев. – Т.: O'zbekiston, 2006. –Б. 65.
6. Uni-numizmat.narod.ru/html/mavzu15.html.
7. Каримова Н.Э. Взаимоотношения народов Центральной Азии и Китая вXIV-XVII вв. (По материалам китайских источников). Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. – Т.: 2006. – С. 26.

СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ ТРАНСПОРТ ИСЛОҲОТЛАРИ ВА УНИНГ БУХОРО ТРАНСПОРТИ СОҲАСИГА ТАЪСИРИ

(XX АСРНИНГ 70 ЙИЛЛАРИ)

Мажидов Ж.

Бухоро давлат университети ўқитувчиси

Ўтган аср давомида дунёнинг деярли барча мамлакатларида аҳолининг маиший турмуш тарзи учун кўплаб янгиликлар ва энгиликларга эришилган. Албатта, бу фан ва техника соҳасидаги амалий ютуқлар, шунингдек, кўплаб иқтисодий ресурслар эвазига амалга оширилган.

Совет ҳокимияти йилларида транспорт соҳаси барча республикаларда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бирига айланган. Мамлакатнинг ягона транспорт тармоғи сифатида мазкур соҳани ривожлантириш барча транспорт турларини техник

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

реконструкция қилиш асосида амалга оширилган. Хусусан, транспортнинг кўплаб турлари янгидан яратилди.

Бунда мамлакат иқтисодиёти йилдан-йилга ўсиб бораётган транспорт соҳаси олдига ўзига хос талаблар қўяди. Аввало улар мамлакат ичкарисида иқтисодий ва маданий алоқаларни амалга ошириши, социалистик ва капиталистик мамлакатлар билан алоқаларни кенгайтириши лозим эди.

1970 йилда жамоат транспорти тармоғи (денгиз йўналишларини ҳисобга олмаганда) 1485,5 минг км.ни ташкил этди. Шундан темир йўлларнинг эксплуатацион узунлиги 135,2 минг км.ни, эксплуатация қилинган дарё йўлларининг узунлиги - 137,8 минг км.ни ва қаттиқ қопламали автомобил йўллари 511,6 минг км.ни ташкил этди.

СССР Министрлар Советининг 1972 йил 18-апрелдаги "Қишлоқ жойларида транспорт йўлларини яхшилаш ва телефон алоқасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги № 274 сонли ҳукумат қарорида ҳам соҳани ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида бир қатор вазифалар белгилаб берилган. Хусусан, Қурилиш қўмитаси (Госстрой) ҳузуридаги архитектура бўйича давлат қўмитасига алоҳида вазифалар юклатилган.

Мазкур қурилиш ва таъмирлаш ишлари барча Республикаларнинг чекка ҳудудларигача амалга оширилиши белгиланган. Бундан кўзланган мақсад, барча турдаги, жумладан, жамоат транспортлари, юк машиналари, қишлоқ хўжалиги машиналари ва бошқа шу турдаги транспорт воситаларининг ҳаракатланишига қулайлик яратиш орқали халқ-хўжалигини ривожлантиришдан иборат бўлган.

Бу даврда Ўзбекистон ССР ҳудудидаги барча вилоятлар қаторида Бухорода ҳам бу борада ўзига хос ишлар амалга оширилган бўлсада, қайсидир маънода бу аҳолининг ижтимоий - иқтисодий эҳтиёжларини тўлақонли қондира олмаган. Жумладан, Транспорт, йўл қурилиши ва алоқа масалалари бўйича Бухоро вилоят халқ депутатларининг доимий комиссияси раисининг 1978 йил 28-март санасида қилган маърузасида соҳага оид бир қатор рақамларни келтиради. 1978 йил январь ойи ҳолатида вилоятда 17186 км автомобил йўли бўлган. Бу йўллар умумдават, республика ва вилоят

аҳамиятига эга бўлиб, уларнинг аксарият қисми йўл ҳаракати талабларига етарлича жавоб бермаслиги таъкидланган. Биргина Зарафшон катта йўли (трассаси)да 1 сутка давомида 15000 автомобил ҳаракатланади. Ваҳоланки йўл 3-4 минг автомобилга мўлжалланган. Жуда оғир вазият маҳаллий автомобил йўлларига тўғри келиб, 14428 км умумий узунликдаги йўлнинг 11966,2 км ҳали умуман қопламага эга эмас. Маҳаллий йўл қурилиш ташкилотлари йилига 150-200 км йўл қуриш имкониятига эга.

Доимий комиссия томонидан берилган таклиф ва тавсияларга асосан, Республика вазирликлари, юқори ташкилотларга бир қатор хатлар йўлланган. Шунингдек, комиссия томонидан йўловчи ташиш фаолиятини яхшилаш учун ҳам тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

1978 йил 1-январь ҳолатида вилоятда 40282 та автомобил бўлиб, жумладан, 1819 та енгил машина, 1441 та автобус, 12202 та юк машинаси, 21173 та хусусий енгил автомашиналар мавжуд бўлган.

Автохўжалик ишлари таҳлили шуни кўрсатадики, автомобиллардан фойдаланиш сифати паст. Вилоят автотрестининг 2 ойлик фаолияти таҳлилидан маълум бўлишича, юк машина паркиннг фойдаланиш коэффциенти 0,66%, автобус 0,69%, такси 0,75% га эга. Қолаверса жамоат транспортлари ўз вазифаларини ҳар доим ҳам тўлақонли бажармаган. ГАИ ходимларининг таъкидлашича, кўплаб транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиш ҳолатлари кўпаймоқда. Бу эса соҳага оид жуда кўплаб ечилмаган муаммолар мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Темир йўл транспортидаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинганда, юк ортиш ва тушириш ишлари тизимли йўлга қўйилмаганлиги, юк ҳовлилари қурилиши жуда секин бораётганлиги, йўлларнинг таъмирланиши объектив ва субъектив сабабларга кўра тўхтаб қолганлиги, ёз мавсумида аҳоли чипталарни олишда қийналаётгани, хусусан, бундай ҳолат Москва йўналишидаги пойездларда кузатилаётгани эътироф этилган.

Доимий комиссия томонидан қилинган таҳлилар шундай хулосани кўрсатадики, мазкур соҳаларнинг кўплаб муаммолар гирдобида қолишида ўз навбатида кадрлар масаласининг ҳам оғир бўлганлиги билан ҳам характерланади. Кадрлар қўнимсизлиги, яъни,

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

доимий равишда соҳа мутахассисларининг бир жойдан иккинчисига кўчириб юборилиши шу каби муаммоларнинг асосий омилларидан бири бўлиб қолаверган. Бунда янги совхозлар, янги аҳоли пунктларининг ташкил этилиши ва у ерда коммуникация тизимларини йўлга қўйиш мақсадида шундай йўл тутилган. Бу жараён эса доимий равишда такрорланиб келган. Фақатгина 80-йилларга келиб маълум маънода барқарорлашув ҳолатлари кузатилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Транспорт и связь СССР. Статический сборник. М. 1972.– С.3-4.
2. Бухоро вил. давлат архиви 1023 -фонд, 1-рўйхат, 661-йиғма жилд, 87, 92, 94 варақлар.

ОИЛА НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИДА АЁЛНИНГ ЎРНИ: ТАРИХ ВА БУГУН

Нафиддинова Хосият Равшановна

Бухоро давлат университети

+998914046211

Оила – эр-хотин, уларнинг болалари ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи; хонадон. Унинг бошқа маънолари бир-бирига яқин бўлиб, умумий маънода бирлашган кишилар, халқлардир.. Оила – никоҳга ёки туғишганликка асосланган кичик гуруҳ. Унинг аъзолари рўзгорининг бирлиги, ўзаро ёрдами ва маънавий маъсулияти билан бир-бирига боғланган. Оила – жамиятнинг бир бўлаги (бошланғич гуруҳи), эр-хотин ва қариндошчилик алоқалари иттифоқи асосида тузилган шахсий ҳаётнинг муҳим шакли.

Бухоро воҳаси аҳолисининг этник муносабатлари, урф-одатлари, анъаналари, оилавий муносабатлари ҳам ўзига хос бир қатор хусусиятларга эга. Унда аёл ва эркак оила этноанъаналарини асрашга турлича ёндашишлари, бу ўзига хосликлар уларнинг этнологик тузилишидаги фарқлар, узоқ ривожланиш жараёнида шаклланган тасавурлари ва стереотиплари билан боғлиқлиги таъкидланади. Аёл ишлаб чиқариш, меҳнат жараёнларининг бош субъекти сифатида намоён бўлмаса-да, уларга билвосита таъсир этган. Оилада меҳнат

тақсимотини ҳам, оилавий муносабатларни ҳам эркак белгилайди деган тушунча устунлик қилган. Ҳатто онги ва билими юксак, инсониятга ибрат бўлиб келаётган донишмандлар, файласуфлар ва ақл эгалари ҳам аёлнинг оиладаги, жамиятдаги ролига салбий фикр билдиришдан тўхтамаган. Оилада ким ҳукмрон бўлиши кераклиги масаласини қадимги юнон файласуфлари давридаёқ кенг муҳокама қилишган, бироқ ундан бирор натижа чиқмаган. Фалес, Платон ва Аристотель хотин-қизларни “идора этилувчилар”га ажратган бўлса, Софокл давлатни аёллар бошқаришини хоҳлаган. Бундай зиддиятли ёндашувлар диний догматик қарашларнинг юзага келиши билан янада кенг тарқалган. Барча динлар патриархал бошқариш тарафдорлари сифатида аёлларга “уй бекаси” сифатида қарашга мойил. Эзопнинг фикрича, “Уч офат бор-улар олов, аёл ва денгиз”. Аристотель фикрича, “Аёл табитан бузилган эркакнинг қусурли нусхасидир” А.Шопенгауэр “Аёл бутун умри бўйи гўдак бўлиб қолади”, деб ҳисоблайди. Ф.Ницше эса, “Аёл олдида бормоқчимисан, қамчини унутма!” дейди. Мазкур салбий фикрлар аёлнинг оиладаги ролини камситишга асос бўлолмайди. Тўғри, хусусий мулкнинг пайдо бўлиши ва патриархал муносабатларнинг авж олиши билан аёлнинг ролига бўлган қарашлар ҳам ўзгарган. Бунда аёлларнинг айби йўқ. Бундай муносабатлар мутлақлаштирилган давлатларда аёлларга қул, сотиб олинadиган предмет сифатида қараш реал воқелик бўлган. Натижада оилани демократик институт эканини эътироф этишга ҳали кишилиқ жамияти тайёр эмас. Ҳатто эр-хотин ўртасидаги муҳаббатни, никоҳни “юксак ахлоқий қадрият” сифатида эозлашга тайёр И.Кант ҳам оилавий ҳаётнинг эркак ҳукмронлигига қурилишини ёқлайди. Бу масалада Манғитлар ҳукмронлиги даврида Бухоро амирлигида ҳам худди шунга ўхшаш қарашлар кенг тарқалган эди. Айниқса, бизнинг минтақамизда аёл вояга етгунча отасига, оила қургач эрига, қариганда эса ўғлига қул бўлади деган қараш кенг тарқалган. Гарчи муқаддас динимиз бўлмиш ислом динида аёллар алоҳида ҳурмат билан тилга олинган ва уларга мулойим муносабатда бўлиш кераклиги таъкидланган бўлсада, реал ҳаётда одатда бунинг акси кузатилган. Ҳатто никоҳнинг асосий шарти сифатида эътироф этилган қизнинг розилиги ҳам аксарият ҳолларда сўралмаган. Унинг

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

ўрнига отаси жавоб берган ва бу кўп ҳолларда манфаатлар тўқнашувига асосланган.

Лекин шундай бўлишига қарамай аёллар жамиятда ва оилавий муносабат, анъаналарда ўз ўрнини сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Айнан шунинг учун ҳам қиз чиқариш, ўғил уйлантириш, кимлар билан қудачилик қилиш каби анъаналарни аёллар ўз зиммасидаги вазифа деб билади. Қадимдаги уруғчилик тузумига бориб тақалувчи бу анъана ҳамон ўз моҳиятини йўқотмаган, айниқса анъанавий жамиятларда уларга риоя этиш ижтимоий норма, оила амал қиладиган қадрият ҳисобланади.

Тарихий манбалар кўрсатадики, XX аср бошларида Эронда яшовчи осетинлар келинга 18 сигир беришган, бева хотинга эса унинг ярми тўланган. Туркманларда ёш қизча 5 дан 400 рупийгача баҳоланган, бева хотинга ҳам шунча тўланган. Ёки ёш қизчага 5 туя, ёш бева хотинга эса 50 дан 100 гача туя берилган. Ўрта Уралда ориқ қиз 5 рубл, семизи эса 25 рубл турган. Ҳатто алнман, саал франк, рипуар, бургунд, англосаксон ҳуқуқларида келин учун пул тўлаш шартлиги кўрсатилган. Бухоро амирлигида ҳам қалин пули деган тушунча албатта бўлган. Бухоро амирлигида никоҳга кириш асосан маҳр ва қалинни тўлаш билан боғлиқ бўлган. Умуман олганда ислом ҳуқуқи бўйича фақатгина маҳр тўлови тан олинган. Маҳр – бу никоҳ совғаси бўлиб, тўй куни қайлиқ томонидан келинга берилиши лозим бўлган совға тури. Хотин киши маҳрни пул шаклида ёки нархи 10 тангадан кам бўлмаган миқдордаги мулкни талаб қилишга ҳақли бўлган. Маҳрнинг ўлчами томонлар розилиги билан ҳам белгиланиши мумкин бўлиб, никоҳ тузилиши жараёнида маълум қилинган. Маҳр аёл кишининг шахсий мулки ҳисобланган. Қиз ўзининг маҳри билан, одатда ашё кўринишидаги шахсий мулки билан эрининг уйига ташриф буюрган. Маҳр унинг шахсий мулки бўлганлиги учун уни ажралиш пайтида ўзи билан олиб кетиш ҳуқуқига эга бўлган.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, бугунги кунда аёлларни жамиятнинг ярми дейишади. Йўқ, у жамиятнинг ҳаммасидир. У жамиятнинг ярми бўлиб қолган ярмини тарбиялайди. Аёлнинг диний, ватаний ва ижтимоий аҳамияти жудаям буюк. У она ва бувидир. У хотин, сингил ва қиздир. У мураббия, зиёкор ва эзгулик

куйчисидир. Агар уларни ҳаётга тайёрлашни эплай олсак, умумий уйимиз биносига ҳисса қўшолган бўламиз. Аҳмад Шавқий айтганидек "Она мадрасадир. Агар уни муносиб тайёрлай олсанг, қони тоза халқни тарбиялайсан!" Дунё давлатларида бугунги кунгача давом этаётган аёллар, уларга ҳурмат-эътибор ва тенглик масалалари Бухоро амирлигида ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Гарчи бошқарувчилар бўлган эркаклар билан тенг ҳуқуқга эга бўлмасаларда, аёллар ҳам жамиятда ўз ўрнига эга бўлган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Бўриев О., Саидов А. Оила / ЎМЭ. 6-жилд. Мирий – Пархиш.– Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2003. – Б. 469.
2. Гитин В.Г. Эта покорная тварь женщина.--Москва: АСТ, 2001. С.1, 25, 96, 449-450.
3. Ильясов Ф.Н. Сколько стоит невеста // Социологические исследования. –Москва. 1991. - №6.- С.68.

XX АСР БОШИДА БУХОРОДА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ТАДБИРЛАРИ

Гулзора Саидбобоева

Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси, PhD

Туркистон ўлкасига электр энергия соҳасининг кириб келиши ярим вассал саналган Бухоро амирлигини ҳам четлаб ўтмади. Кўриб чиқиладиган даврда Бухоро амирлигида электрлаштиришнинг аҳволи ҳақида архив фондлари материалларида баъзи маълумотлар мавжуд. Бинобарин, Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган И-1 (Туркистон генерал-губернатори девонхонаси) фонди ҳужжатлари анча қимматли манба саналади.

1913 йил 18 ноябрда Янги Бухоро электр станцияси бош механиги ҳудуднинг почта-телеграф идораси бошлиғига йўллаган билдиргисидан электр станциясини жиҳозлаш ишлари тугалланганлиги, кучланиш 220 вольтдан иборат бўлиб, тизими уч симли, доимий ток эканлиги маълум қилиниб, "корхонанинг техник кўриги почта-телеграф муассасаси томонидан қонуний назарда тутилган тақдирда, уни кўриқдан ўтказиш" сўралган.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Ички ишлар вазирлигига қарашли Туркистон почта-телеграф округининг 22 ноябрда ўлка генерал-губернаторига йўллаган хатида эса тадбиркор Левин томонидан Янги Бухорода шаҳар ва хонадонларни электр билан ёритиш учун бунёд этилган станция линияси Янги Бухоро маҳкамаси бошлиғининг хабарига кўра, мавжуд телеграф ва телефон симларини тўсиш қоидаларига амал қилинмаганлиги, оқибатда Янги Бухоро телефон тармоғида ишлаб турган телефон аппаратларининг ёниб кетиш ҳолатларининг содир бўлгани, шунингдек, ёритиш симларига тегиб кетиши сабабли телеграф фаолиятидаги узилишлар ва Ички ишлар вазирининг 1904 йил 29 сентябрдаги 1236-сонли циркуляри 1-бандини ҳисобга олиб, Янги Бухорода ёритиш ишларига қачон ва ким томонидан рухсат берилганлиги ҳамда бу каби иншоотни ишга тушириш ҳам, қуриш ҳам ўша циркулярга кўра мутахассислар комиссияси тасдиғидан ўтказилган бўлиши кераклиги хавотир билан таъкидланган.

Бухородаги Россия императорлиги Сиёсий агентига маъмурий полиция қисми бошлиғи жўнатган хатида эса “Янги Бухорода электр станцияси қуриш учун рухсат 1912 йил 17 октябрда Сиёсий агентлик бошқарувчиси жаноб Петров томонидан берилганлиги, уни ишга тушириш учун махсус комиссия акти тақдим этилмаганлиги сабабли ҳали олинмаганлиги, иккита телефон аппаратининг ёниб кетиши ва телеграф ишидаги қисқа узилишлар электр станциянинг илк кунидаги синов пайтида содир бўлгани, тадбиркор Левин томонидан нуқсонларни бартараф этиш юзасидан ўша заҳотиёқ зарур чоралар кўрилганлиги, унинг айтишича, тармоқни текшириш учун почта муассасасига комиссия тузиш бўйича ариза билан мурожаат этгани маълум қилиниб, жаноби олийлари (Бухородаги Россия императорлиги Сиёсий агенти – Г.С.) электр станцияни махсус қоидалар бўйича текшириш юзасидан фармойиш бериши” сўралган.

Ўз навбатида Сиёсий агентлик бошқарувчисининг ўлка генерал-губернаторига ёзган жавоб хати (1914 йил 14 январ)да “жаноб Левинга фақатгина шаҳар кўчалари ва шахсий хонадонларни ёритиш тажрибасини ўтказишгагина ижозат берилганлиги, ёритиш тизимини ишга туширишга эса рухсат берилмаганлиги, тажриба янги линияда бир қатор нуқсонлар борлигини кўрсатгани, уларнинг аксарияти тадбиркор томонидан бартараф этилгани, Ички ишлар вазирининг

1904 йил 29 сентябрдаги 1236-сонли циркулярига амал қилинмаганлиги учун жаноб Левинга махсус комиссия томонидан текширув ўтказилмагунча қўчаларни ёритишни тўхтатиш буюрилган. Шу аснода шаҳарни ёритувчи керосин-калиль чироқлари олиб ташланди. Ҳозирда Янги Бухоро қоронғу тушиши билан зимистонга айланади. Шу сабабдан генерал-губернатор девонхонасидан Янги Бухорода электр ёритиш станциясини текшириш комиссиясини ташкил этиш учун зудлик билан фармойиш беришга, бундай комиссияни белгилаш кечикадиган ҳолда Сиёсий агентлик фармойишига кўра тузилган ва таркибида генерал-губернатор хузуридаги техник, муҳандис Сакович ва Янги Бухоро почта-телеграф идораси вакили иштирокида линия кўриқдан ўтказилгач, қўчаларни вақтинча ёритишга рухсат бериши” сўралган.

Натижада 1914 йилнинг 3 февralида генерал-губернатор девонхонасидан Бухородаги Россия императорлиги Сиёсий агентлиги бошқарувчисига йўлланган хатда “Туркистон почта-телеграф округи бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчиси хабарига таяниб, почта-телеграф идорасининг Янги Бухородаги электр ёритиш корхонасини текшириш комиссияси ўз ишини жорий йилнинг февраль ойи охиридан эрта бошламаслиги, Туркистон почта-телеграф округи бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи томонидан кўрсатилган таркибдаги комиссия иштирокида дастлабки текширув ўтказилгач, қайд этилган электр станцияни кечиктирмай вақтинча очишга ҳеч қандай тўсиқ йўқлиги” маълум қилинган.

Гарчанд Бухородаги Россия императорлиги Сиёсий агентлиги амирликнинг ички ва ташқи ишларини назорат қилувчи орган сифатида тарихий адабиётларда чексиз ваколатларга эга эканлиги кўрсатиб келинган бўлса-да, юқоридаги ҳолат амалда унинг ўлкадаги марказлашган ҳарбий-бюрократик идора – генерал-губернатор маҳкамаси ижозатисиз бирор ишга қўл урмаганлигидан гувоҳлик беради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ильясов Ф.Н. Сколько стоит невеста // Социологические исследования. – Москва. 1991.-№6. - С.68.

2. ЎзМА, И-1-фонд, 27-рўйхат, 424-иш, 1, 2, 3, 5-варақлар.

**XX ASR BOSHLARIDA TURKISTON QISHLOQ
XO'JALIGIGA YANGI TEXNIKALARINING KIRIB KELISHI**

Elova D.D.

BuxDU Milliy g'oya, ma'naviyat asoslari va huquq ta'limi kafedrasi o'qituvchisi

XIX asr oxiri - XX asr boshlarida Turkiston qishloq xo'jaligiga Rossiya va xorijiy mamlakatlardan o'nlab turdagi pluglar qatorida sodda ingliz-hind tipida yasalgan pluglar ham kirib keldi. Ushbu plug mahalliy omochga o'xshash, biroq temirdan yasalgan otval, tutqich va qatorli lemexlari bo'lib, unda kichkina yog'och ushlagichi bo'lgan. Bu turdagi plug Toshkent yaqinidagi Qoplonbek mashinalarni sinash punkitidan tarqatilgan. Plug mahalliy aholi xo'jaligida ham keng qo'llanilib, yerni 6 vershok (1 vershok-445 sm) haydaydi. Ushbu plugning narxi 12 rubl bo'lganligi, yengil va unversalligi uchun dehqon xo'jaliklariga keng tarqalishiga sabab bo'lgandi. Qoplonbek mashina punkitiga AQShda sinovdan o'tkazish uchun yangi turdagi qurol-yarog', paxtaga ishlov beradigan texnika vositalari ham olib kelingandi. O'lkada lalmikor dehqonchilikda qo'llanilgan mashinalarga talab katta edi.

Janubiy Rossiyadan ko'chib kelgan rus dehqonlari asosan lalmikor yerlarda donli ekinlar yetishtirish bilan shug'ullanishgan. Ularning yog'och plugi "Sabanov" o'lkaga kirib kelishi bilan dehqonlarning ko'pchiligi oddiy omochni uloqtirdilar. Dehqonlar "Sakka", "Aksay" pluglardan ham foydalanganlar. Biroq, "Aksay plugi" "Gena" va Braya Donskix" pluglaridan mustahkam bo'lmay, ushlagich dastasi nozik va mustahkam emas edi. "Kavkaz", "Noviy Kavkaz" kabi pluglar molokanlar xo'jaligida ishlatilib, ular ham yerni 7-8, 10 duyum (1 dyum-2.25 sm) dan chuqur haydamagan. Ekkert va Ersani pluglari ham xo'jaliklarda keng tarqalgan, Belo'roq va o't-o'lan o'radigan texnikalarning "Mak-korelka", "Massel-gares", "Dirmune" kabi turlari bo'lib, ular bozorda yuqori baholangan. Rossiyaning o'zida bunday mashinalar 147 rubl tursa, ular Turkistonda 180-190 rubl sotilardi. Veyalkalarga ehtiyoj katta bo'lgan. Veyalkalarning "Telferixa Sadyo", "Gena", "Mardovka" kabi turlari o'lkaga keltirilgan. Ular orasida "Uspex" markali veyalkalar qulay bo'lgan. Biroq bu vielkalar ham 120 rubldan 160 rublgacha ya'ni yuqori baholarda yetkazilardi. Brechka (arobalar) "Tavarishskal Zaksiteyl" zavodidan chiqarilgan. Ta'kidlash joizki, qishloq xo'jalik texnologiyalarni ehtiyot

qismlari bilan ta'minlash qoniqarli holda bo'lmagan. Shu sababli ko'plab qishloq qo'jalik texnikalari ta'mirtalab bo'lib, ochiq havoda zanglab yotganligi manbalarda qayd etiladi

XIX asr oxiri - XX asr boshlarida Turkistonda AQShdan bug' bilan ishlaydigan plug kirib keldi. Namangan hududida mahalliy dehqonlardan biri Rossiya texnikalari qishloq xo'jaligiga ko'rgazmasidan sotib olingan. Ushbu plug bilan bir kunda 5-6 desyatina yerni haydab, (1 desyatina – 1.09 gektar) 20-25 ishchi kuchi va 40-45 ho'kizning bir kunlik ishini bajargan.

O'rganilayotgan davrda Turkistonga belo'roq, don sovurish va yanchish mashinalari, markazdan qochirma nasos, sholi tozalash mashinasi, jeneyka, molotilka, veyalka kabilar kirib kelgan. Shuningdek, "Chempion" markali o'rim va yanchish mashinasi kabilar ham paydo bo'lgandi. Sholini somondan va po'stidan ajratadigan mashina bir kunda 300 pud (1 soatda 15-20 pud sholini tozalagan) (1 pud 16 kg) sholini tozalash bilan qo'l mehnatini osonlashtirdi. Paxta zavodlarini gidrovlik presslash mashinalari bilan qurollantirish uchun Germaniyadan presslash mashinalari olib kelindi.

Toshkent va Andijonda zamonaviy texnika va asbob-uskunalar omborxonalari shuningdek, o'lka turli uyezdlarida mashina va texnika tarqatish punktlari ochildi. Yangi texnikalarning Toshkent ko'rgazmasi 1902-yilda tashkil etilgandi. K.O.Reyingard xo'jaligida diskli boronadan foydalanib, beda maydonlariga ishlov berish keng tarqatib, bu nafaqat hosildorlikni oshirishga xizmat qilgan, barcha keng bedazorlarni begona o'tlardan tozalashda ham muhim bo'lgan. Diskli borona bilan ishlov berilganidan so'ng, Reyingard beda maydonlariga super fosfat berib, yerni sug'orish orqali ikki barobar ko'p hosil olindi.

Paxta maydonlari 4 ta ishchi hayvoniga qo'shiladigan Sakka plugida 3,5-4 vershok chuqurlikda haydalgan. Yerlar birinchi bor 10-martdan shudgor qilish, ikkinchi bor 10-15-apreldan 25-aprelga qadar shudgor qilingandi. Sakka plugi yerni haydaganidan so'ng ikki qatorli borona bilan yer tekislanib ekinga tayyorlangan. [8.17-18] Kartoshka ekilgan maydonlarga ham Sakka plugi, temir borona va kultivator bilan ishlov berilgan. XX asr boshlarida yerga kartoshka ekishni tayyorlash uchun 1 desyatina yer maydonini Sakka plugi bilan haydash 6 rublga, borona qilish va tekislash 1 rublga, 2 korpusli plug bilan ikkinchi bor haydash 4 rublga, omoch bilan ishlov berish 2 rublga tushgan. Agar agrotexnika qoidalariga

to'la amal qilinsa, 1 desyatina yerdan 600 puddan 800 pudgacha, ba'zan 1000 pudgacha kartoshka hosili olingan. Agar 1 pud kartoshka bozorda 35 qop sotilsa 600 pud kartoshka 210 rubl, 800 pud kartoshka 280 rublni tashkil etgan. Kartoshkaning har bir desyatina yeridan o'rtacha 58 rubl sof daromad olingan. Xolbuki, Sakka plugi bilan yer chuqur haydalib, borona va kultivator orqali unga ishlov berilsa, hosildorlik o'rtacha 350-400 pudni tashkil etgan. Kaspiyorti viloyatida dehqonchilik qurollari va mashinalari ombori 1902-yilda tashkil etilib, dehqonlarga qishloq xo'jalik zamonaviy texnikasi imtiyozli narxlarda sotilgan. Ombordan 1903-yilda dehqonlarga 1739 rubl 63 qop, 1904-yilda 3631 rubl 91 qop, 1905-yilda 3455 rubl 01 qop, 1906-yilda 5594 rubl 08 qoplik qishloq xo'jalik texnikasi sotilgan. 1097-yil hisobidan esa 1000 rubl miqdorda mijozlar bilan shartnomalar imzolangan. Mashina va texnikalarning to'lovini dehqonlar 1, 1.5 yillik muddatda to'lashi uchun kredit berish joriy qilingan. Mashina va asbob-uskunalar orasida bir pozali "Sakka-7" markali "o'zi yurar plug" A va O.K markali "Aksay" pluglari xaridorgir bo'lib, ular yengil va narxi ham qulay bo'lganligi uchun tez sotilib ketgan. "Zaychik" markali, og'irligi 2 pud 3 dugun bo'lgan plugni har bittasi 14 rubl 50 qopdan sotilgan. Kaspiyorti omboridan Kolumbiya markali AQSh grabllari 320 rubl Rossiya zavodlarida ishlab chiqarilgan grabllar 188 rubldan sotilgan.

Kavkazdan ko'chgan molokanlar qo'ychilik bilan shug'ullanib, atrofdagi aholiga qo'y suti va sarig'yog' sotganlar. Moskvalik "Koloba" firmasi ularga sutdan yog' ajratadigan preparat (texnika-moslama) taqdim qilgan. Bitta kichik korxonani ushbu asbob-uskunalar bilan jixozlash 275 rublga tushgan.

Qishloq xo'jaligi ekinlariga kasalliklar ko'p tarqalib, (12 xil kasallik turi manbalarda keltirilgan) bog'dorchilik, uzumchilik va mekachilikda changdan tozalagich va maxsus pichoqlar ishlatilgan. Ayniqsa, ekinlarni hashorot bosishiga qarshi M.Ya.Shxilin "Sjigalka" (yondirgich) ni yaratdi. U o'z texnikasini yildan yilga takomillashtirib bordi. Ushbu texnik moslama kerosin bilan ishlab, hashoratlardan ekinzorlarni tozaladi va kutilgan natijani berdi.

Paxta preslash texnik moslamasi, paxta tolasini ip qilishda qo'llanilib, 1 pud u 32 funt paxta tolasini presslagan.

Biroq Turkiston qishloq xo'jaligida yangi texnika keng tarqalmadi. Turkistonda, turli-tuman pluglar, bug' mashinalari, donli ekinlar uchun

ishlatiladigan asbob-uskunalar, seyalka, borona, kultavotor, "Fardzan" traktori kabilarni narx-navosi juda baland edi. Oddiy dehqonlar bunday zamonaviy texnikalarni sotib olish qurbiga ega emasdilar. Ikkinchidan, qishloq xo'jalik texnikalarining barchasi ham mahalliy sharoitga mos kelmasdi, ularni qo'shib ishlatadigan ishchi hayvonlar (ot, ho'kiz) yetishmasdi. Bundan tashqari mahalliy dehqonlar o'zlarining asl ana'naviy mehnat qurollari: ketmon, lapatka, oddiy o'roq, xashak to'plagichlarda yerda ishlash qulayliklariga ega edilar. Ya'ni bir omil o'lkada arzon ishchi kuchi mavjud bo'lib, qo'l mehnati bilan asosiy yumushlar bajarilardi. Yangi texnika vositalarining ehtiyot qismlari hamma vaqt ham topilavermagani uchun ham ular o'lkada keng tarqalishida to'siqlardan biri bo'lgandi.

Xullas, XX asr boshlarida Turkiston o'lkasida qishloq xo'jaligiga yangi texnikalar kirib kelganligi ijtimoiy-iqtisodiy hayotga sezilarli ta'sir etgan, deb hisoblash mumkin.

ADABIYOTLAR:

1. Шахназаров А.И. Селкое хозяйство в Туркетанском крае Санкт-Петербург , 1908.-512 стр.
2. Шредер Р.Р. Туркестанская селскохозйственная опытная станция // Туркестанский сборник. Том. 495-С. 121-125.
3. Прошин Л, Тимаев К. Экскурсия на селисо-хозйственную опытную станцию // Туркестанский сборник. Том 506.-С. 48-51.
4. Е-вич. Пионер машинного орошения земель в Туркестане // Туркестанская ведомости. 1910.-№ 72.
5. Е-вич. Туркестанский трактор // Туркестанская ведомости. 1914-№112.
6. Е-вич. Гренжная станция и опытное хлопковая плантация за 1885-1887// Туркестанская ведомости. 1888-. №42;43.
7. Е-вич. Завод общественного пользования для переработки плодов и овощей // Туркестанские ведомости. 1914.-№149.
8. Гр-Головин. Холодильное дело в Туркестане // Туркестанские ведомости. 1910-№31.
9. Верховский А.П. Фруктовый вагон Ташкентской дороги // Туркестанские селское хозяйство.-1909-№8. С.625.
10. Земледельческая машина // Туркестанско селское хозяйство.-1912-№2. С.24.

11. Болшоков. Казенне селское хозяйствово склад в Туркестане // Туркестанская ведомости. 1913-№78.

12. К.Т. Испитание рисоочистительной машины // Туркестанская ведомости. 1889-№75.

13. Туркестанское селское хозяйства. 1907.-№9.-С.5.6. 1912-№6-С 503-506, 494, 499, 1912-№2-С24-26

14. O'zR MA, R-2284; 1-ro'yxat, 1005-hujjat, 1-2 varaqlar.

15. O'zR MA, – R-1-fond, 17-ro'yxat, 37-hujjat,16,16 varaqni orqa tomoni.

16. O'zR MA, I-7-fond, 1-ro'yxat, 2657 hujjat,17-18 varaqlar.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА ХРИСТИАНЛИК ДИНИНИНГ ЎРНИ ВА МИНТАҚАГА ХРИСТИАНЛИКНИНГ КИРИБ КЕЛИШИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Эшкуватов Бобир Валикул ўғли

Тошкент давлат педагогика университети

Энг қадимги даврлардан бошлаб Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида аҳоли турли динларга эътиқод қилиб, улар орасида дунё динларидан бири ҳисобланган христианлик ўзига хос ўринга эга бўлган. Марказий Осиё ҳудудларига дастлабки христиан жамоалари ва тарғиботчиларининг қачон ва қайси йўл орқали кириб келганлиги ҳақидаги аниқ маълумотлар бизгача етиб келмаган. Лекин, христиан черкови маълумотларига кўра бу диннинг Осиё мамлакатларида, Ҳиндистон ва унинг қўшни давлатларида тарқалиши хаворий Фома номи билан боғланади.

Афсоналарга кўра, бутун инсоният тақдирини белгилаб берганидек, Муқаддас Рух Нажоткор(Исо Пайғамбар)нинг ўн икки шогирдининг йўлларини ҳам кўрсатиб, "Ҳинд давлатлари" да воизлик қилиш ва ҳақ дин тарғиботини олиб бориш каби илоҳий вазифа хаворий Фома зиммасига юкланади.

Ушбу концепция Осиё ҳақида ноаниқ тасаввурга эга бўлмаган антик давр тарихчилари томонидан нафақат Ҳиндистонни, балки Рим империясидан ташқаридаги Шарқнинг барча давлатларини кўрсатиш учун ишлатилган. Апостол Фома нафақат брахманлар, балки, бутунги

замонавий Марказий Осиё халқларининг қадимий аждодлари ҳисобланган бақтриялик, парфияликлар ўртасида ҳам дин тарғиботи билан шуғулланди. Бу афсонанинг ҳақиқатга яқинлигини ҳозирги давргача ўз жамоалари учун "Ҳаворий Фома насронийлари" номини сақлаб қолган Ҳиндистон насронийлари тасдиқлайди.

Ҳаворий Фома Кичик Осиёни Ўрта Осиё билан боғлаган Буюк Ипак йўлининг жанубий тармоғи бўйлаб ҳаракатланиб, замонавий Эрондан ўтиб, Марв воҳасида, бой ва улўғвор Антиохия-Маргиёна(Марв) шаҳрида қўним топади. Даромадли битимлар излаб юрадиган карвонга шерик бўлганлиги сабабли у савдогарлар билан Хоразмга етиб борди ва у ердан йўл Моварауннаҳрга йўл олади. Ҳозирги Ўрта Осиё заминида Ҳинд савдогарлари карвонига қўшилиб, тарғиботини давом қилдиради ва Малипур яқинидаги тоғларда танаси найзалар билан тешилган ҳолда шаҳидлик мартабасида ўлим топади.

Маълумотларга кўра, Масихнинг яна бир ҳаворийси, Авлиё Андрей ҳам Марказий Осиёга ташриф буюрган. Ефесда унга кўринган Масих Раббийнинг ўзи Авлиё Андрейга: "Қўрқма, мен сен билан бирга саёҳат қиламан. Ҳатто Скиф давлатлари ҳам сизни кутмоқда" –деб мурожаат қилади.

Авлиё Андрей муқаддас чақириққа биноан Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғи бўйлаб юришни бошлади. Шимоли-шарқий Қора денгиз ҳавзасида Масихнинг хушхабарчиси сўғд савдогарлари карвони билан учрашди ва шу фурсатдан фойдаланиб, Буюк Скифияга кириб бориб, Масихни қутқарувчи деб эълон қилди. Кейинчалик Андрей Кавказ ўлкаларидан Каспий денгизининг шимолий қирғоғи бўйлаб, дастлаб Қозоғистон чўлларига, кейинчалик шу йўл орқали Хоразмга қараб юрди. Афсонага кўра, Ҳаворий Андрей Сўғдиёнага етиб борган. Буюк дашт орқали қайтиб кетаётиб, у сак кўчманчиларига воизлик қилди. Лекин ушбу маълумотлар христианликнинг муқаддас қитобларидан бошқа бирорта ёзма ёки археологик асосига эга эмас.

Осиё халқлари христианлик эътиқодини ўзига қабул қилиш арафасида оромий тили шарқ халқлари орасида кенг тарқалган тил эди. Шарқий христиан дунёси тили ва ёзма манбалари билан шуғулланувчи мутахассислардан бири Жеймс Ньенгуис

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

таъкидлашича, “Оссурияликлар империянинг иккинчи тили қилиб оромий тилни танлашди. Оромий ёзуви мил.авв. 1000 йилгача алифбо белгиларига эга бўлмаган ва асосан финикия ёзуви белгиларидан фойдаланган. Шунинг учун бўлса керак шарқий черков шакллана бошлаган Антиохия атрофларида оромий тилида мулоқот олиб борилган ва Шарқий Оссурия ва Ғарбий Сурия черковларининг коммуникация воситаси бўлган.

II асрдан шакллана бошлаган сурия адабий тили ва ёзувининг асосида ҳам оромий ёзув асос вазифасини ўтаган. Сурия ёзувидаги манбалар христианлик таълимотининг Осиё бўйлаб тарқалашини акс эттирувчи дастлабки манбалар саналади. Инжилнинг таржималари ва ундан олинган парчалар, диний мадҳиялар шулар жумласидандир.

Панжикентдан топилган VIII асрга оид ёзувлар, Ургутдан аниқланган IX –X асрларга доир битиклар, Егтисув воҳасидаги Тароз ва Хитой ҳудудларидаги Чаняндан VIII-X асрларга оид бўлган сурия ёзувидаги битиклар фикримиз далили саналади.

Юқорида таъкидланганидек, сурия ёзуви бутун ўрта асрлар дунёсига ўзининг христианлик(несторианлик) тарғиботи орқали ёйилиб, ушбу қўлёзмалар ҳозирги кунда дунёнинг турли музейлари фондларида сақланмоқда.

IV асрга оид бўлган ҳаворийларнинг миссионерлик фаолияти ҳақидаги Ипполит қиссасида ҳаворий Фоманинг христианликни "парфияликлар, мидияликлар, форслар, гирконлар, бактрияликлар ва марғиёналиклар" ўртасида тарғиб қилгани ҳақида маълумот келтирилади.

Аммо, кейинги диний манбалардаги маълумотларда Фома масихийликни Ҳиндистонда тарғиб қилганлиги ҳикоя қилинади. 263-340 йилларда фаолият кўрсатган тарихчи Евсевий Кесарийский ўзидан олдинги ёзувчи эдессалик Бардасаннинг маълумотларига таяниб, "масихийлар Парфияда парфияликлар каби кўпхотинлиликка йўл қўймайдилар, мидияликлар каби жасадларини итларга ташламайдилар, Эронда форсларга ўхшаб ўз қизларига уйланмайдилар ва бактрияликлар орасида уларга ўхшаб никоҳ ришталарини бузмайдилар", деб ёзади.

Агар биз ушбу парчани соф риторика (қадимги халқлар ва уларнинг ўзига хос урф-одатларини санаб ўтиш) деб ҳисобламасак,

ушбу минтақаларда масиҳийлар III асрнинг охирига келиб аллақачон мавжуд бўлган ягона тасдиқ сифатида қабул қилишимиз мумкин.

Қомусий аллома Ал-Беруний Исо пайғамбар туғилишидан 200 йил ўтиб, Марвда христианлар мавжудлиги ҳақида қайд этади.

Берунийнинг маълумотлари VII-VIII асрлардаги Шарқий христиан муаллифлари томонидан ҳам тасдиқланиб, Шимолий Хуросон черковининг афсонавий ва реал тарихи ўртасидаги фарқи сезилмаган. Лекин, на Эрондаги, на Марказий Осиёдаги археологик тадқиқотлар ушбу даврга оид бўлган христианлик объектлари аниқланмаган.

Шарқда насроний жамоаларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, епископликлар ва метрополитенларни ташкил этилиш масалаларини тарихини кейинги дардаги насроний арбоблар иложи борича қадимийлаштиришга, дастлабки ярим афсонавий ҳаворийлар ва миссионерлар фаолияти билан боғлашга ҳаракатлар қилишмоқда. Бу ҳолатни Марв ҳудудларида муқаддас дин тарғиботини олиб борган ҳаворий Фома ва Вселенск соборида иштирок қилган митрополит ва епископларнинг рўйхатлари ҳақидаги афсоналар тасдиқлайди.

Лекин ҳудудда олиб борилган археологик қазишмалар давомида топилган суғд ва сурия тилларидаги қўлёзмаларда (Турфандан топилган), “Зеерта йилнома”сида Марв епископлигининг бошқаруви Бар Шаба исми инсон қўлида бўлганлиги таъкидланади.

Сурия ёзувида битилган “Мамлакатларнинг конунлари ҳақидаги китоб” да Кушонлар империяси таркибидаги Бактрияда христианлар мавжудлиги эслатиб ўтилади.

Ушбу китоб Эдессалик Бардесан (154-222) томонидан ёзила бошланган бўлсада, III асрнинг ўрталарида унинг шогирдлари томонидан тугалланган. Китобда Бардесаннинг шахсан ўзи Мидия, Парфия ва Эронда христианлар билан учрашганлигини қайд этади.

263-340 яшаган Евсевий Кесарский унга қўшимча киритиб, Бактриядаги христианлар ҳақида фикр юритади.

Шунингдек, Кушон давлати милодий II аср охирларида яратилган муқаддас “Қалб мадҳияси” да ҳам эслатилади.

Ўрта асрлар арман тарихчиси Егише Ҳиндистонгача чўзилган Кушонлар давлатига христианларнинг тарқалиши Шопур II (309-379)

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

даврида насронийларнинг таъқиби билан боғлиқ эканлигини қайд этади.

Бактрия насронийлари ва несториан патриархи ўртасидаги алоқалар VI асрнинг ўрталарига келибгина ўрнатилди. Чунончи, 549 йилда эфталит-христианлар несториан черкови патриархи Мар-Абудан ўзларига епископ тайинлашларини сўраган эдилар. Эфталитлар илтимосига кўра, уларга Анушервон исмли руҳоний епископ этиб тайинланади.

Турк ҳоқонлиги давлатининг ташкил топиши ва бутун Марказий Осиёни ягона ҳокимият байроғи остида бирлаштириши бирмунча вақт мобайнида сиёсий аҳвол яхшиланди. Шарқ ва Ғарбни ўзаро боғловчи савдо йўллари қайта тикланди.

Айнан мана шу вазиятда несториан миссионерларнинг фаолиятлари ҳам қайта жонлана бошлади. Айниқса, патриарх Йешуяба II (628-643) даврида Самарқанд, Ҳирот, Хитой ва Ҳиндистонда митрополитликлар ташкил қилиш борасида жиддий ҳаракатлар амалга оширилди. Несторианлар миссияси 635 йилда Хитойда ҳам бўлиб, тарғибот ишларини олиб борган. Ушбу ташрифга доир ёзма ёдгорликлар XVII асрда иезуитлар ордени вакиллари томонидан топилган.

Ўрта Осиёга христианликнинг кириб келиши ва тарқалишига доир ёзма манбаларни таҳлил қилар эканмиз, аҳоли таркибига сингиб кетган ушбу эътиқод вакилларининг алоҳида таъкид билан қайд этилмаганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Чунки, улар маҳаллий аҳоли билан шунчалик яқинлашиб кетардики, масиҳийларни ажратиш кўрсатиш манба муаллифларининг эътиборини тортмаган.

Черков ва диний манбалар талқинига кўра эса, христианларнинг минтақа ҳудудларига кириб келиш ва тарқалиш тарихини иложи борича қадимийлаштириш тенденцияси кучли эканлигини кўриш мумкин. Ўз навбатида Ўрта Осиёда ғоявий тарғиботини олиб борган христианлик йўналишларидан фақат насроний(несторианлар)гина муваффақиятга эришиб, ўз тарафдорларини кўплаб тўплай олганлиги кузатиш мумкин. Марказий христиан таълимотларида эса несторианлар эътиқод йўлини танлашда адашганлар сифатида талқин этилиши эса, уларнинг минтақа бўйлаб тарқалиши бўйича муҳим маълумотлар

берувчи манбаларнинг эътиборсиз қолдирилиши ёки йўқотилишига, нотўғри ёндашувлар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1. По стопам Апостола Фомы. Христианство в Центральной Азии. М.: "Сканрус". 2011.-С.7, 12, 176.
2. Массон М.Е. Происхождение двух несторианских надмогильных галек Средней Азии \ \ ОНУз., 1978.- №10.
3. Н.В.Пигулевская. Культура сирийцев в средние века.-М., 1979. – С.176
4. Ртвеладзе Э.В., Лившиц В. Памятники древней письменности.Т.:1985.-С.7
5. Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. Т.:, 1999.-С.79-81.
6. Кошаленко Г.А., Губаев А., Бадер А.Н., Гаибоев В.А. Древний Мерв в свидетельствах письменных источников. Ашгабат.1994.-Б.62, 63.
7. Praeparatio Evangelica. –Р.93.
8. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. I том.-Т.: Фан, 1968.- Б.342
9. Marquart J. Osteuropaische und ostasiatische Streifzuege. Lpz., 1903.- P.283.
10. Cureton W. Spicilegium Syriacum. L., 1885.-P.32
11. Беленицкий А.М. Вопросы идеологии и культов Согда по материалам пянджикентских храмов. М., 1954.-С.4
12. Ставиский Б.Я. Кушанская Бактрия. М., 1978.-С.177; Mingana A. The early Spread of Christianity in Central Asia and the Far East: A new document.-Bull, of J.Rylands Library. 9,2,1925.-P.302.
13. Егише. О Вардане и войне армянской. Пер.И.А. Орбели. Ереван.1971.-С.65
14. Braun O. Ausgewahlte Akten persischer Martyrer. Kempten.-Munchen, 1915.-P.217.

БУХОРО ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ҳаётова Нафиса Закировна

*“Миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси
ўқитувчиси*

Бухоро Ўзбекистоннинг энг кўп сайёҳ ва меҳмон ташриф буюрадиган ҳудудларидан бири сифатида эътироф қилингани бежис эмас.

Бугунги кунда шаҳарни иқтисодий ривожлантириш, уни йирик туристик марказга айлантириш, кўҳна кентнинг меъморий обидалари асраш, зиёратгоҳларни ободонлаштириш, янги қурилишлар олиб борилаётган ҳудудларга замонавий кўрк бағишлаш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Бухоро шаҳри ҳозирги кунда қурилиш майдонига айланган. Бухоро шаҳрида янги меҳмонхоналар, маданий-кўнгилочар масканларнинг барпо этилиши, янги ва замонавий турар жойларнинг қурилиши, собиқ “Шаҳристон” бозори ҳудудида ҳунармандлар марказини қуриш ишлари бошлаб юборилган. Музей шаҳар ҳисобланган Бухоро шаҳри қадимги меъморчилик ва замонавий архитектура уйғунлашган шаҳар сифатида намоён бўлмоқда. Шунини айтиш жоизки, Бухорода туризм соҳасини ривожланишини икки даврга бўлсак бўлади. Биринчи давр Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.Каримов даврида соҳани ривожлантиришга доир ислохотлар (1991-2016 й) ва иккинчи давр Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан сўнгги тўрт йил давомида Бухорони янгича тарзда “эски” ва “янги” шаҳар қисмини уйғунлашган ҳолда ривожланиши учун олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари туризм соҳаси янада ривожланишига олиб келди.

Тарихий ва архитектура ёдгорликлари зич жойлашган “эски” шаҳар ҳудуди ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган бўлиб, шаҳарни томоша ва зиёрат қилиш учун ҳар йили дунёнинг турли давлатларидан сайёҳлар ташриф буюришади. Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 19 майдаги “2017-2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори ва соҳага доир бошқа фармон ва қарорларнинг ижроси таъминланаётгани боис бугунги кунда сайёҳлик тараққиёти янги босқичга кўтарилди. Шу

қатори ташқи сиёсатда очиқлик принципига амал қилиниши, 76 та давлат фуқаролари енгиллаштирилган тартибда электрон виза олиши, 101 та мамлакат аҳолиси учинчи давлатга боришда Ўзбекистонга 5 кунгача визасиз кириши каби қатор имтиёзлар жорий этилиши миллий туризм салоҳиятини юксалтириш имконини яратди. Бу каби ўзгаришлар ва янгиланишлар самарасида Бухорога келаётган сайёҳлар оқими кейинги икки йилда 2-2,5 бараварга кўпайди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, сайёҳлар қадимий руҳи ва қиёфасини сақлаб қолишга интилаётган кўхна шаҳарларга катта қизиқиш билдиради. Қадимий шаҳарлардан бўлмиш Бухоро айни шу жиҳати билан ажралиб туради. Бугунги кунда Бухоронинг ўрта асрларда шакланган маданий қиёфасини асл ҳолида сақлаб қолишга, бу борада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилинмоқда. Бизга маълумки, совет даврида 500 гектарли Бухоро шаҳри тарихий ҳудудининг 350 гектари ўзгаришга маҳкум этилди. XX асрнинг 20- 60 йиллари мобайнида шаҳар қадимий мудофаа деворининг ичкари қисми бўйлаб жойлашган аксарият эски ҳовлилар, гузарлар, меъморий обидалар девор билан бирга бузиб текисланди. Жумладан, XVI - XVII асрга оид обидалардан Поянда-бий оталиқ масжиди, Бозори гусфанд, Хўжа Ниҳол, Шодимбий мадрасалари бутунлай бузиб ташланади. Ҳаттоки, Бухоро шаҳрининг Арк қалъаси ичидаги биноларнинг бизгача фақат 20 фоиза етиб келган, холос. Шу сабабли бугунги кунда жаҳон маданиятининг ёрқин ва қадимий ўчоқларидан бири бўлган Бухоро шаҳри тарихий қисмини сақлаб қолиш ҳар бирмизнинг бурчимиз ҳисобланади.

2019 йилда Бухоро шаҳрида сайёҳлик соҳасини изчил ривожлантириш, туризм индустрияси ва инфратузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида туристларга хизмат кўрсатиш муассасалари сони 292 тага етказилди. Бу кўрсаткич 2017 йилда 95 тани, 2018 йилда 149 та ташкил этган эди. Шундан: 126 та меҳмонхона (4* юлдузли синфга мансуб 1 та меҳмонхона, 2* юлдузли синфга мансуб 1 та меҳмонхона) 114 та оилавий меҳмон уйлари (338 хона, 985 ўрин), 2 та квартира (5 хона, 10 ўрин), 2 та бутик отель (24 хона, 82 ўрин), 24 та ташкил этади. Шу қатори сайёҳларга турли маълумотлар орқали ёрдам берувчи туристик ахборот марказлар сони 2019 йилда 5 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда улар сони 12 тани ташкил қилиб, сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Вилоятда

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

туристик оқимни ошириш учун 2019 йилнинг ўзида 44 та меҳмонхона ва 10 та парк қурилиши, ҳаво шарларида парвоз, махсус фермер хўжаликларига сафарлар уюштириш, замонавий кинотеатрлар тармоғини ташкил этиш, велоўлаклар ва янги кўнгилочар масканлар қуриш амалга оширилди. 2020 йилга охири келиб, янги меҳмонхоналар сони яна 72 та ошиши кутилмоқда. Жорий йилда Бухорода илк 4 юлдузли меҳмонхона “Sahid Zarafshon” иш фаолиятини бошлади. 2 йил давомида олиб борилган таъмирлаш ишлари натижасида 15 йилдан буён бўш ҳолда ташлаб қўйилган меҳмонхона, ўзгача қиёфада 2020 йил март ойидан дастлабки сайёҳларни қабул қилди. Меҳмонхона қарийб 200 миллион аҳолиси бўлган, нақшбандия тариқати ғоялари кенг ривожланган Индонезия давлатининг “Sahid” компанияси билан ҳамкорликда фаолият юритади. Шуларни инобатга олган ҳолда Индонезия давлати фуқароларини Бухорога жалб қилиш ишлари ҳам йўлга қўйилмоқда.

Бухоро ўзининг ислом дини ва маданиятига беқиёс ҳисса қўшган улуғ сиймолари билан ҳам машҳурдир. Мустақиллик йилларида улар меросини ўрганиш, хотираларига ҳурмат бажо келтириш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, сўнгги тўрт йил давомида бу борадаги бунёдкорлик тадбирлари Бухоро шаҳри қиёфасини ўзгартириб бормоқда.

Маълумки, зиёрат туризми бўйича Бухоро вилояти салоҳияти жуда юқоридир. Бу йўналишда қулайликлар яратиш мақсадида Дин ишлари бўйича қўмита таркибида Зиёрат туризмининг қўллаб-қувватлаш бўлими ташкил этилди. Малайзия, Туркия, Индонезия каби давлатлар учун визасиз режим жорий этилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда маърифий исломни ривожлантириш, буюк алломалар мақбараларининг обод қилишга қаратилаётган эътибор халқаро миқёсда тан олинди. Хусусан, Ислом Ҳамкорлик ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалар бўйича ташкилоти - ISESCO томонидан Бухоро шаҳри 2020 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши юртимиз алломаларининг муқаддас динимиз ривожига қўшган улкан ҳиссасининг яна бир эътирофи бўлди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Абдуҳолиқ Гиждувоний таваллудининг 915 йиллиги ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисидаги” фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 майдаги “2020 йилда Бухоро шаҳрининг

“Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилиниши муносабати билан амалга ошириладиган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар тўғрисида”ги фармойишида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, етти пир зиёратгоҳларида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун 100 миллиард сўмдан ортиқ, шу жумладан, маҳаллий бюджетдан 35,2 миллиард сўм маблағ ажратилди. Натижада етти пир зиёратгоҳларида 2017-2019 йилларда бирин-кетин ободонлаштириш, янги лойиҳа асосида қайта қуришлари олиб борилди. Жумладан, Абдулхолиқ Ғиждувоний зиёратгоҳи янги лойиҳа асосида қайта қурилиб, жоме масжиди барпо этилди. Хожа Али Ромитаний қадамжосида янги мақбарани қуриш ишлари поёнига етказилди. Саййид Мир Кулол зиёратгоҳидаги янги масжид биносининг ташқи ва ички қисмида пардозлаш ишлари олиб борилди. Хожа Анжир Фағнавий зиёратгоҳида янги минора қад кўтарди. Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида янги автотураргоҳ барпо этилди.

Етти пир зиёратгоҳларининг барчасида замонавий меҳмонхоналар бунёд этилди. Ушбу зиёратгоҳларга олиб боровчи автомобиль йўллари таъмирланди. Йўл бўйларидаги Етти пир зиёратгоҳи жойлашуви харитаси, алломаларнинг ҳикматли сўзлари битилган лавҳалар жой олган 18 та стелла ўрнатилди.

Сўнгги йилларда Бухоро шаҳрида жойлашган бир нечта зиёратгоҳларда ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилди. Жумладан Турки Жанди зиёратгоҳи 11-12 асрларга оид мақбара бўлиб, XX асрнинг 30-йиллари бошларида зиёратгоҳни таъмирлаш учун асосий манба ҳисобланган вақф мулклари бекор қилинганидан сўнг, зиёратгоҳ харобага айланади. Натижада XX асрнинг 70 йилларида бир неча қаватли пушталар (қабрлар) текисланиб, турар жойлар қурилади. Турки Жанди мақбараси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги 846-сонли қарорига асосан давлат муҳофазасига олинган. 2019-2020 йилларда “Обод маҳалла” дастури доирасида кенг кўламли реставрация ишлари амалга оширилди. Ниҳоят, 2020 йилга келиб, реставрация ва тиклаш ишлари якунланиб, зиёратчилар учун обод масканга айлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 846-сонли

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

қарори билан маданий мерос объектлари рўйхатига Бухоро вилоятидан киритилган иншоотлар сони 829 тага етган. Уларнинг 507 таси кўп асрлик қадимий меъморий обидалар, мадраса, хонақоҳ ва масжидлар, 18 таси “Етти пир” туркуми каби муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар ҳисобланади. Бухоро шаҳрининг ўзида жами 347 та моддий маданий мерос объектлари давлат муҳофазасига олинган. Шундан, 2 та археология ёдгорликлари, 52 та архитектура объектлари, 17 та монументал санъат асарлари ва 7 та диққатга сазовор жойлардир.

Хулоса қилиб айтгандак, туризм соҳасини ривожланиши албатта шаҳар инфраструктурасига, иқтисодиётига, аҳоли турмуш –тарзига ҳам таъсир этмай қолмайди. Ўзбекистонни зиёрат туризми марказларидан бири сифатида эътироф этиш тўғрисидаги “Бухоро декларацияси”нинг қабул қилиниши ҳам Зиёрат туризми-туризм соҳасининг жадал ривожланиб бораётган ва XXI асрнинг етакчи трендига айланаётган йўналишлардан бири эканлигини кўришимиз мумкин. Зиёрат туризм соҳасини ривожлантиришнинг асосий мақсади, халқлар орасида тинчлик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга, маданиятлараро ва цивилизациялараро мулоқотни қўллаб-қувватлаш анъанасини давом эттиришга, турли миллат ва динларнинг кўп асрлар давомида тинч тотувликда, ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликка хизмат қилишдан иборатдир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Э.Ёдгоров. “Bukhara City”-Бухоро шаҳрининг янги иммижи. Бухоронома. 2019 й 17 июль №57 (22/2011)
2. Ҳ.Тўраев. Бухоро: “ЭСКИ ШАҲАР”, “ЯНГИ ШАҲАР”. Бухоронома, 2018 йил 9-июнь (№47), 4-б
3. Бухоро шаҳар ҳокимлиги аппарати ахборот хизмати маълумотлари
4. sputniknews-uz.com
5. sputniknews-uz.com
6. Бухоро шаҳар ҳокимлиги аппарати ахборот хизмати маълумотлари
7. Бухоро шаҳар ҳокимлиги аппарати ахборот хизмати маълумотлари
8. uza.uz

AMIR TEMURNING TARIX SHAHNASIGA KIRIB KELISHI YEVROPALIK TARIXCHILAR NIGOHIDA

Elimov Lochin

Sam DU Tarix fakulteti "Jahon tarixi" kafedrasi o'qituvchisi

Yevropa manbalarida Amir Temur haqida to'plangan ma'lumotlar uning kelib chiqishi, davlat birlashtirish yo'lidagi harakatlari, harbiy mahorati, bunyodkorlik ishlari, tashqi siyosati, madaniyatga munosabati va shunga o'xshagan ko'p jihatlari aks etgan. Bir necha asrlar davomida yevropalik tarixchilar tomonidan Amir Temur va temuriylar tarixiga oid juda ko'plab asarlar yaratilgan va yaratilmoqda. Bu manbalar va asarlarda Chig'atoy ulusining parchalanishi va Amir Temurning tarix sahanasiga kirib kelishiga oid ma'lumotlar ham uchraydi.

XIV asr o'rtalari Markaziy Osiyodagi siyosiy jarayon juda tahlikali ahvolda edi. Yurtni boshqarayotgan chingiziy xonlar o'rtasidagi o'zaro kurashlar natijasida mamlakat mayda-mayda qismlarga bo'linib ketgan. Mana shunday vaziyatda tarix sahanasiga Amir Temur kirib keldi.

Sohibqiron Amir Temur ko'hna shahar Shahrisabzga qarashli Xo'ja Ilg'or qishlog'ida 1336-yil 9-aprel kuni tug'ulgan. Otasi Tarag'ay bahodir mamlakatning ijtimoiy-siyosiy hayotida katta ahamiyatga ega bo'lgan barlos qavmidan chiqqan o'rtahol beklardan bo'lib, Chig'atoy xonlaridan Qozonxon (1338-1346) lashkarida xizmat qilgan. Xo'ja ilg'or qishlog'i va uning atrofidagi yerlar unga qarashli edi. Onasi Takina begim ham buxorolik mashhur faqih Toj-ash sharia (shariat toji) tahallusi bilan mashhur bo'lgan Ubaydulla ibn Masudning avlodidan bo'lgan.

Amir Temur haqida uzoq yillar davomida uning kelib chiqishini mo'g'ullarga olib borib taqash, Yevropada yaratilgan tarixiy asarlarda shu tarzda talqin qilib kelingan. Mashhur fransuz tarixchisi Rene Grusse 1941-yilda nashr etilgan "Dasht saltanati" asarida Amir Temurni barlos urug'idan kelib chiqqanligi haqida shunday yozgan: "Temuriylarning tarixchilari uning shajarasini Chingizxon safdoshlaridan biriga va hatto Chingiziylardan biriga olib borib ulashga harakat qilardi. Aslida u hech qanday mo'g'ul emasdi, turkiy edi. U Movaraunnahrning barlos urug'idan chiqqan aslzoda oilalaridan biriga tegishli bo'lib, ular Kesh atrofida o'z mulklariga ega bo'lganlar va unga hokimlik qilganlar".

Boshqa bir fransuz tarixchisi Lui Bazan bu aytilganlarni quyidagicha tariflaydi: “Mo’g’ullarning 1240 yili yozilgan “Maxfiy tarix”da keltirilgan ma’lumotlarini Amir Temur 1405 yili o’lganidan keyin temuriy tarixchilar keltirgan ma’lumotlar bilan solishtirish shuni ko’rsatadiki, bular Amir Temurni o’zi ham tasavvur qilmagan Chingiziylarga qonuniy tegishli qilib ko’rsatishga uringanlar. U faqat hayotining oxiriga yaqin Chingiz avlodi Hizr Xojaxonning qiziga uylanish yo’li bilan unga qarindosh bo’ldi”. Demak, Temur barlos urug’idan bo’lish bilan birga uning mo’g’ullar va Chingizxonga umuman aloqasi yo’q.

Keltirilgan bu ma’lumotlar uzoq yillar Yevropada Amir Temur va temuriylarni kelib chiqishi haqidagi ma’lumotlarni noto’g’ri talqin qilishga qisman bo’lsa ham zarba bera olgan.

Amir Temurning davlatni bosqinchi mo’g’ullar zulmidan ozod qilish yo’lidagi harakatlari natijasida yangi davlatga asos solganligi to’g’risidagi ma’lumotlar bizga juda ko’plab manbalar orqali yetib kelgan. O’z davrida Amir Temur haqida nafaqat Markaziy Osiyo tarixchilari balki, boshqa xorijiy mamlakatlar vakillari tomonidan juda muhim ma’lumotlar yozib qoldirilgan. Bu ma’lumotlar asosida biz boshqa davlat vakillarining Amir Temur shaxsiga qanday munosabatda bo’lganligini bilib olishimiz mumkin.

Amir Temurning yoshlik yillari, uning mo’g’ullarga qarshi mardonovar kurash olib borganligi haqida ma’lumotlar nafaqat turkiy, arab va fors manbalari orqali balki, boshqa mamlakat vakillari tomonidan yozilgan manbalarda ham uchraydi. Shunday shaxslardan biri Ioann de Galonifontibus bo’lib, u Rim papasi Bonifatsiy IX tomonidan 1398 yil 23 avgustda Sultoniya shahrining arxiyepiskopi etib tayinlangan. U o’zining faoliyati bilan birga davlat hukumdori bo’lgan Amir Temur haqida ham ancha qiziqarli ma’lumotlarini yozib qoldirgan. Uning ma’lumotlari «Amir Temur va uning saroyi haqida xotiralar» (Memoires sur Tamerlan et sa cour) asarida jamlangan.

Amir Temurning yoshlik yillari to’g’risidagi ma’lumotlar ham Ioan asarida qisqa shaklda bo’lsa-da uchraydi. Uning yozishicha: “Yoshligida u ham o’z tengqurlariga o’xshash yigit edi, ammo aql-zakovati, zukkoligi bilan ajralib turardi va doimo mard yigitlar qurshovida yurgan. U doimo xudoni olqishlab yuradi va nima qilsa barisini xudo uchun, uning xohishi bilan qiladi; o’zining aytishicha, u bir bechora ayolning o’g’li, kuchsiz va

kambag'al yigit bo'lgan, u nimaga erishgan bo'lsa, xudoning marhamati ila erishgan, vaqti kelib bularning hammasini xudoga qaytaradi".

Ioan estaliklarida Amir Temur davlatni birlashtirish yo'lidagi harakatlarni quyidagi ma'lumotlari orqali keltirib o'tadi. "Bu hukmdorning qo'li dastlab unchalik uzun bo'lmagan va uni ko'pchilik tanimagan, uning qo'l ostida o'zining oilasiga o'xshash oilalardan chiqqan atigi o'n chog'li maslakdoshi bo'lgan. Biroq u yoshligidanoq o'z aql-zakovati, uddaburonligi ila boylik orttira bordi, istehkom va amloklarni egallab, maslakdoshlari sonini nihoyatda ko'paytirdi va kundan-kunga kuchayib bordi". Keltirilgan bu ma'lumotga asoslanadigan bo'lsak, Amir Temur yoshligidan harbiy shiga mohir bo'lish bilan birgalikda uzoqni ko'ra biladigan shaxs ham bo'lgan.

Amir Temur haqida Ioandan tashqari mashhur ispan elchisi Rui Gonsales de Klavixo ham o'z estaliklarida to'xtalib o'tadi. U Amir Temurning kelib chiqishi haqida quyidagicha ma'lumot keltirgan: "Temurbekning otasi mazkur chig'atoyilar urug'iga mansub zodagon bo'lsada, biroq badavlat emas edi. Uning uch yoki to'rt otliq xizmatkori bo'lgan. U Kesh yaqinidagi bir qishloqda yashagan.". Klavixo bu ma'lumotlarini o'zi eshitganlariga asoslanib yozganligi kundaligida ham qayd etib o'tgan.

Klavixo Amir Temurning dastlabki harakatlarini unchalik haqqoniy baholay olmagan. Chunki u o'z kundaligida Amir Temurning dastlabki harakatlarini zo'ravonlik deb baholab shunday deydi, "Aytishlaricha, Temurbek o'zining to'rt besh otliq xizmatkorlari bilan qo'shni xonadonlarning bir kuni qo'yini, ikkinchi kuni sigirini tortib ola boshlaydi. Ba'zan bazmga berilib ketib, o'g'irlagan qo'ylari bilan ularni mehmon qilardi. Ba'zan oliyjanoblighi tutib ketib, bor narsasini o'z odamlariga bo'lib berganligi sababli uning atrofiga ko'plab navkarlar to'plana boshlaydi. Oxiri uning otliqlari uch yuzga yetgan".

Klavixo bu keltirgan ma'lumotlari orqali Amir Temurning harakatlarini notog'ri talqin qilgan. Yuqorida aytib o'tganimdek bu ma'lumotlar u turli xil hikoyalarga asoslangan. Quyida keltirilgan ma'lumot ham gapimizni tasdiqlaydi. "Amir Temur shundan keyin o'z otliqlari bilan uzoqlarga borib, o'zi va odamlariga zarur narsalarni talash va o'g'irlash bilan mashg'ul bo'ldi. Yo'llarga chiqib savdogarlarni talay boshladi".

Klavixodan farqli ravishda Ioan Grinlo o'zining asarida bu voqealarga nisbatan sal boshqacharoq yondoshgan. Asarda Amir Temurning kelib chiqishi bilan birgalikda bosqinchi mo'g'ullarga qarshi kursh olib borganligi ham qayd etib o'tilgan. U Amir Temurning mo'g'ullarga qarshi kurashini quyidagi satrlar orqali tariflaydi: "O'zining ishlaridan Buyuk Mo'g'uliston imperatori (amir Qazog'on) ning g'azabi qaynab turganini sezgan Temurbey to'ppa-to'g'ri Xitoy imperatorining huzuriga bordi. U kamarli nasroniylar (maroniy) mazhabidan bo'lib, mo'g'ul imperatorining raqibi va dushmani edi. Temurbey shu nasroniy imperator huzurida ko'p harakat qilib, undan qudratli bir qo'shinni yordamga oldi; shu qo'shin bilan u zikr etilgan Mo'g'uliston imperatorining katta yerlarini qo'lga kiritdi, xususan, u Semerkant (Samarqand) shahrini egalladi. Shahar sharqda joylashgan bo'lib, Mo'g'uliston imperatoriga qarardi. Shundan so'ng u (Amir Temur) nasroniy imperatorning lashkariga ketish uchun ruxsat berdi". Ioanning keltirgan bu ma'lumoti boshqa ma'lumotlariga qaraganda o'zining chalkashligi bilan ajralib turadi. Shuning uchun bu ma'lumotlarga ishonishimiz ham to'g'ri emas.

Uyg'onish davri Yevropasida Amir Temur haqida yuqorida nomlari keltirib o'tilgan tashqari yana ko'plab shaxslar o'z asarlarini yozib qoldirgan. Bu davarda yozilgan asarlarning aksariyati kundalik yoki xotira to'plami sifatida talqin qilingan. XVI asrning birinchi choragida ham Amir Temur tarixiga oid juda ko'plab asarlar yaratildi. Shulardan biri fransuz tilida Amir Temur haqida ma'lumotlar Teodoro Spandujinonning «Buyuk Turk shajarasi» asarida jamlangan. Bu asar 1519 yilda Parijda chop etilgan. Bu asarda ham Amir Temurning tarix davlat birlashtirish va mo'g'ullarga qarshi kurashiga ham qisqacha to'xtalib o'tgan. O'z asarida Amir Temur haqidagi ma'lumotlarni sayyohlar va elchilarning ma'lumotlariga asoslangan holda yozadi.

Amir Temurning siyosiy maydonga kirib kelishi haqida Yevropada nafaqat shu davrda yozilgan manbalarda balki, keyinchalik shu manbalarni o'rganib tahlil qilgan tarixchilar asarlarida ham juda ko'plab ma'lumotlar uchraydi. Shunday tarixchilardan biri Fransiyalik Lyuseyen Keren o'zining "Amir Temur saltanati" asarida juda qimmatli ma'lumotlarni keltirib otgan. Uning yozishicha "Yigirma yoshga to'lgan Temurbek Mavarounnahrning haqiqiy amir Qazag'onning saroyiga borib,

uning qo'shinida xizmat qilish istagini bildirdi. Qazag'on qattiq qo'l, hatto shavfqatsiz, ammo odil hukmdor edi. U Kesh barloslar boshlig'ining o'g'li ko'rsatgan xizmatlari va o'spirinning qobilyatini munosib qadrlab, uni qiz nabiralaridan biriga uylantirib qo'yadi va lashkarida tanlangan bo'limalardan biriga boshliq qilib tayinlaydi". Lyusyen Keren keltirgan bu ma'lumoti Amir Temurning siyosiy sahnaga chiqib kelish jarayonining haqqoniy yoritganligi bilan ham ajralib turadi.

Yevropalik tarixchilar asarlarida ham keltirishicha 1358-yil oxiri va 1359-yil mamlakatda hokimiyatga davogarlik qilayotgan amirlar o'rtasidagi nizo va janjallarda o'tdi. Ana shu Movaraunnahrdagi notinchlik, g'alayon va suron sharoitida bu vaziyatdan Chig'atoy ulusining sharqiy qismining xoni Tug'luq Temur foydalanib qolishga harakat qilgan. U 1360-yilning yanvarida Sirdaryo bilan Toshkent oralig'idagi Chanoq Buloq degan mavzeyda to'xtadi. Bu ma'lumotni Yevropaning turli davlat temurshunos tarixchilari turli xil tarzda talqin qiladi. Xususan, Jon Pol Ru ham o'z asarida bu tahlikali vaziyatda Amir Temurning tutgan yo'lini quyidagicha baholaydi "1360-yil yanvarida, hali yigirma to'rt yoshga to'lmagan bo'lsa ham xon bilan muzokara olib borganligi diqqatga sazovardir".

Amir Temurning yosh bo'lishiga qaramasdan qilgan ishi juda katta ahamiyat kasb etadi. Bundan shuni ko'rishimiz mumkinki, Amir Temur shu yoshida Movarounnahrning ko'zga ko'ringan harbiy va siyosiy arbobi bo'lib yetishgan. Bu voqeadan keyin sarkarda hayotida yangi davr boshlandi. Uning davlatni birlashtirish yo'lidagi harakatlari kundan-kunga jadallashib borgan.

Xulosa qilib shuni aytishim mumkinki, Yevropa manbalarida XIV asr o'rtalaridagi siyosiy jarayonlar va Amir Temurning siyosiy maydonga kirib kelishi haqida yuqorida keltirib o'tgan ma'lumotlarimizda chalkashliklar, yoki noto'g'ri talqin qilinish holatlariga duch kelishimiz mumkin. Bunaday holatlar manbalar bilan birgalikda keyingi davrlarda yozilgan tarixiy asarlarda ham juda ko'p uchraydi. Ularda keltirilgan ma'lumotlarni hammasini to'g'ri deb hisoblashimiz noto'g'ridir. Lekin yevropaliklar uzoq davr maboynida shu ma'lumotlarga tayangan holda Amir Temur haqida tushunchaga ega bo'lib kelgan.

АДАБИЙОТЛАР:

1. Grousset R. L'Empir des steppes: Atilla, Ginghis_Khan, Tamerlan / Paris, 1939. p. 465.
2. Peter Jackson. The Timurid and Safavid Periods. Cambridge University Press 2008. p.375.
3. Jean of Sultoniya. Memoir sur Tamerlan et sa cour par un Dominicain, et 1403, ed., H.Moranville.-Bibliotheque de l'Ecole des Chartres, Paris:1894. p.11
4. Jean of Sultoniya. Memoir sur Tamerlan et sa cour par un Dominicain, et 1403, ed., H.Moranville.-Bibliotheque de l'Ecole des Chartres, Paris:1894. p.12.
5. Rui Gonsales de Klavixo. Samarqandga Amir Temur saroyiga sayohat kundaligi (1403-1406-yillar). Rus tilidan O. Togayev tarjmasi. Ma'sul muharrir Muhammad Ali. Toshkent: "O'zbekiston". 2010. b.149.
6. Rui Gonsales de Klavixo. Samarqandga Amir Temur saroyiga sayohat kundaligi (1403-1406-yillar). Rus tilidan O. Togayev tarjmasi. Ma'sul muharrir Muhammad Ali. Toshkent: "O'zbekiston". 2010. B.150.
7. Jean of Sultoniya. Memoir sur Tamerlan et sa cour par un Dominicain, et 1403, ed., H.Moranville.-Bibliotheque de l'Ecole des Chartres, Paris:1894. p.12.
8. Lyusyen Keren. Amir Temur saltanati / Fransuz tilidan B.Ermatov tarjmasi. Maxsus muharrir: X.Sultonov. Toshkent: "Ma'naviyat". 1999. B.18.
9. Jean Paul Roux. Tamerlan / Paris. 1991. p.44.

НОСИР ХИСРАВНИНГ АҲЛОҚИЙ ҒОЯЛАРИ

Ҳайдарова Ҳанифа

Бухоро давлат университети Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси

Х-ХІ асрларда Шарқ ва Марказий Осиёда маданият, илм-фан, санъат ва адабиёт анчагина ривожланган ва тараққий этган давр эди. Ана шу даврда Абулқосим Фирдавсий, Абу Абдулло Рӯдакий, Носир Хисрав, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Югнакий, Саккокий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Махмутқули, Огаҳий ва бошқалар, ўзларининг бебаҳо асарларига ахлоқий тушунчаларни ифода этдилар.

Ана шу даврда яшаб ижод қилган мутафаккирлардан бири Носир Хисрав ҳисобланади.

Шарқ ва Ўрта Осиё маънавий маданиятининг буюк мутафаккири Носир ибни Хусрав ибни Ҳорис-ул-Қубодиёни 1004 йилда Қубодиёнда (ҳозирги Тожикистон ҳудудида) туғилган. У Марв ва Балх шаҳарларининг мадрасаларида таҳсил олади, ўша даврдаги диний, дунёвий билимларни эгаллайди. Носир Хисрав ёшлигиданоқ қатор тилларни ва фанларни, жумладан, риёзиёт, табиёт, фалсафа, фикҳ, тарих, калом, мусиқа ва бошқаларни чуқур ўрганган. Носир Хисрав илм-фан ўрганиш билан бир вақтда Салжуқийлар саройида хизматда бўлган. Шу даврларда у Шарқнинг буюк файласуфлари Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, шунингдек, қадимги юнон файласуфлари Сукрот, Платон, Аристотелнинг илмий ва фалсафий асарларини ўрганган. Кейинчалик мутафаккир обрў ва шуҳратига қарамасдан расмий лавозимлардан узоқлашиб, саройни тарк этади. У “ҳақиқат ва адолат” излаб Яқин Шарқ мамлакатларига сафарга отланади.

Носир Хисрав 7 йил давомида яъни 1045 йил 16 октябрдан 1052 йил 23 октябргача сафарда бўлади. шу йиллар давомида Озарбайжон, кичик Осиё, Сурия, Фаластин, Миср, Ҳижоз, Мадина, Макка, Басра ва бошқа ерларда бўлиб “Сафарнома” асарида буни зикр этади.

Мутафаккирнинг бизга қадар қуйидаги асарлари етиб келган. “Жомеъ-ул-ҳикматайн”, “Рўшноинома”, “Саодатнома”, “Сафарнома”, “Дин важҳи”, “Зод-ул-мусофирин”, “Хон-ул-ивон”.

Носир Хисрав фалсафа, табиатшунослик соҳасига ҳисса қўшиш билан бирга ахлоқий-тарбиявий муаммоларга катта эътибор берган. Мутафаккир “Саодатнома” ва “Рўшноинома” асарларида инсоннинг юксалиши учун ахлоқий-маънавий тарбияни биринчи ўринга қўяди.

Носир Хисрав “Саодатнома” асарида ахлоқий ва фалсафий жиҳатларни кенг ёритиб беради. Бу ҳақда шоирнинг ўзи қуйидаги мисраларда буни таърифлаб берган.

Бигуфтам байт сесад аз дини пок
 Хама дўшизағони табъу идрок
 Табиат дода оройиш тамомаш
 Хирад карда “Саодатнома” номаш

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Носир Хисрав “Рӯшноинома” асарини Юмғонда яшаган даврида ёзади. Бу асарда ҳам “Саодатнома” сингари ахлоқий жиҳатлар кенг ёритилган.

Ўз салафларининг анъанасини давом эттирган донишманд шоир одамларни фазилатли, хуш феъл-атворли қилиб шакллантиришда ахлоқий қоидалар ва тарбия ҳиссасининг беқиёс эканлигини таъкидлайди. Унингча, аслида одамнинг ёмони бўлмайди, ёмон тарбия олган, феъл-атвори яхши ёхуд нолайиқ инсонлар бўлиши мумкин. Шундай экан, асосий диққат-эътибор ахлоқий тарбия муаммоларига қаратилмоғи лозим. Файласуф шоир ахлоқий сифатларни ижобий ва салбий жиҳатларга бўлиб, инсонларни ижобий ахлоқий сифатларга эришишга даъват этади. Мазкур фикр қуйидаги мисраларда ўз ифодасини топган.

“Бу зиндонда шерикларинг борки, ул ёронларда ажралиш иложини изла,”

Бири бахиллик, иккинчиси ғазаб, учинчиси харислик, тўртинчиси макр,

Бешинчиси шаҳват, олтинчиси такаббурлик ва ҳасаддир.

У ёронлардан ўзинга халал етказишдур ишинг,

Улардан узоқлаш, яхши дўстлар изла, улуг доно маъруф рафиқлар изла.

Адаблилик, демак, карам қаноатдир.

Ким ранж этиш, демак, парҳез, чидамлилик, тоатдир.

Ўзгаси ҳикматдур, агар оқил эрсанг,

Уларни узоқлаштир ва буларга ўзлаштириб, итоат қил.

Мутафаккир талқинича, ахлоқий сифатларни эгаллаш учун, авваламбор, одам ўз-ўзини англай олиши лозим. Унингча, хайру-саховат ва бахиллик орасидаги фарқни ажрата билиш учун инсон, биринчи гада, ўзлигини яхши англаб олиши лозим. Инсон Худони ва Коинотни билиб олишни, ўзлигини билиб олишдан бошламоғи даркор. Ўз-ўзини англаш орқалигина Мутлақ Вужудни билиб олиши мумкин. Бу ғояни Хисрав қуйидагича изоҳлайди:

Айтганлар, бор, ўзлигингни англа

Куфру дин, яхши, ёмонни билиб олки,

Бу йўл ила худо томонга роҳатдир.

Носир Хисрав тарбия соҳасида меҳнатсеварликка ҳам алоҳида эътибор беришни уқтиради. У меҳнат аҳлини улуғлайди. Айниқса деҳқонларни самимий муҳаббат билан шарафлаб, “Саодатнома” асаарида қуйидаги мисраларни баён этади:

*Оламдаги хунарлардан деҳқончилик яхшидур,
Яратувчидан рухсатсиз ҳеч нарса қўзгалмайди.
Деҳқондан оқибатда бир нарса тўкилур,
Жаҳондаги шоду хуррамлик деҳқондандур.*

Деҳқонлардан кейинги ўринда хунармандларнинг меҳнат-фаолияти қўйилади. Олим бу тоифа аҳлини хушбахт одамлар деб таърифлайди.

Носир Хисрав очкўзлик, пасткашлик ва иккиюзламачиликни қаттиқ қоралайди, уларни инсонийликнинг энг салбий жиҳатлари деб ҳисоблайди. Шунинг учун деҳқон ва хунармандларни ҳалол меҳнат, ҳалол турмуш тимсоли сифатида тасвирлайди.

Носир Хисрав фикрича: Дунё – бу моддий неъматлар ишлаб чиқариладиган макондир, шунинг учун ҳамма мазкур бойликларни ишлаб чиқариш билан банд бўлиб, бекорчилар бўлмаслиги керак. Эҳтиёжга, қобилиятга яраша ишлаш инсонга бахт-саодат келтириши қуйидагича тасвирланади:

*Эзгулик учун яралмиш дунё,
Яратмасдан яшамоқ ёмон бир одат.
Имконият ила сен яратурсан,
Бахту буюкликка ҳам эришурсан.*

Носир Хисрав илм ва маърифатни улуғлаб, ёшларни илм ўрганишга чақиради.

*Билим қидиришга урдим бошимни,
Бекорга ўтказмадим умримни, вақтимни.
Қайдаки эшитсам илму донишни,
Эшиги тагида ўлтирдим, маҳкам билиб олдим они.*

Шоир: “Маънавий жиҳатдан улғаймоқчи бўлсанг, мартабанг юқори кўтаришни, жаҳоннинг улуғларига яқинлашишни истасанг, илм ўрган”, деб таъкидлайди.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Файласуф шоир ахлоқий тарбияда устознинг ўрни, хизмати беқиёс эканлигини изоҳлаб, қуйидаги мисраларни битган:

*Косибдан шоду-хуррам йўқ жаҳонда,
Хунардан яхши дур ҳам йўқ жаҳонда .
Кимки шогирликка чин дилидан шод,
Бир кунни ўзи ҳам бўлгуси устод.*

Мутафаккир дўст орттиришга ҳам ҳушёр ва эҳтиёткор бўлиш кераклигини таъкидлайди.

*“Зи некон нек боши ва-з хасон хас,
Зидунон дун шавию аз касон-кас
Яъни “улуғлар билан улуғ бўласан,
Пасткашлар билан пасткаш,
Донолар билан доно бўласан”.*

Шундай қилиб, мутафаккир шоир Носир Хисрав “Рўшноинома” ва “Саодатнома” асарларида шахснинг комилликка эришишида инсоний хислатларнинг ўрни беқиёс эканлигини тасвирлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Носир Хисрав “Қуллиёт” жилд I Душанбе 1991 йил.
2. Хожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти. Тошкент 2005 йил.
3. Унсурулмаолий Кайковус. Қобуснома. Тошкент 1986 йил.
4. А.Е.Бертельс. Насир-и Хосров и исмаилизм. Москва 1959 йил.
5. А.Ирисов. Абу Али ибн Сино. Тошкент 1980 йил.
6. Буюк алломаларимиз. Тошкент ислом университети 2002 йил.

ТУРКИСТОНДА “БОЖХОНА НИЗОМ” ЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Халмаматов Одилжон Абдусалимович

Самрақанд вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ижтимоий-иқтисодий фанлар методикаси кафедраси ўқитувчиси

Ўтмиш воқелиklarини ўзида мужассам этган жаҳон давлатчилиги тарихи жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тараққиёти, тарихий мерос муаммоларининг бир мамлакат доирасидан чиқиб, дунё миқёсида аҳамият касб этиши билан характерланади. Қадим даврлардан шакланган тарихий ҳақиқат жамият тараққиётининг барча босқичларида ҳаққонийлик мезони вазифасини ўтайди. Халқларнинг ўзлигини англаш жараёни тезлашиб бориши натижасида мустақил тараққиёт шароитида давлатнинг тутган ўрни борасидаги тарихий мунозаралар кескин авж олди. ХХI аср бошларига келиб сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий соҳалардаги рақобат туфайли тарихшунос-манбашунослик соҳасидаги илмий тадқиқотларда инсон тарихий меросини ҳимоя қилишга эҳтиёж сезиларли даражада ошди.

Республика мустақилликка эришганининг дастлабки йиллариданоқ узоқ ва яқин тарихни чуқур ўрганиш, энг ишончли манбаларга таянган ҳолда Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш масаласига жиддий эътибор берилди бошланди. Жумладан, илмий тадқиқот ишлари ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш дастури доирасида тадқиқотчилар олдига ХIХ асрнинг иккинчи ярми – ХХ аср бошларида Туркистон божхона тарихи (1867-1917йй) маъмурий бошқарув идоралари фаолияти тарихини манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17-февралдаги ПҚ 2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги 315-сонли «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги, Ўзбекистон

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга муайян даражада хизмат қилади.

Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Россия ФА Этнология ва антропология институти, Москва давлат университети Марказий Осиё тарихини ўрганиш маркази (Россия), Ўзбекистон Миллий университети ва ЎзР ФА Тарих институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Ҳозирда хорижий тарихшунослик ва манбашунослик тадқиқотларида мустамлака даври тарихини ёритишни такомиллаштириш учун қуйидаги устувор йўналишлари – маҳаллий аҳолининг ижтимоий ҳолатига салбий таъсир этадиган давлат бошқаруви тамойилларини жорий қилиниши, қонунлар ва иш юритиш жараёнларининг ўзаро муносабатлари, архив ёзма материалларини ҳаққоний ва танқидий баҳолаш, босиб олинган ҳудудларда бошқарув тизимининг зарарли оқибатлари, унинг маҳаллий аҳоли ҳаётига таъсирини аниқлаш; мустамлака даври қонунлари ва иш юритиш ҳужжатлари, трансформация жараёнини акс эттирган архив маълумотларини танқидий баҳолаш ва талқин қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Божхона сиёсатида «Божхона Низом»лари ташкилий асос ҳисобланиб, улар янгидан 1819, 1857, 1892 ва 1906 йилларда қабул қилинган. Илк бор божхона иши тўғрисидаги ташкилий масалаларни ҳал қилиш Россия империяси Савдо Вазирлигида, ундан сўнг эса Молия Вазирлигида амалга оширилган.

1867 йилда Туркистон ўлкасини бошқариш учун ишлаб чиқилган «Еттисув ва Сирдарё вилоятларини бошқариш ҳақидаги қоидалар лойиҳаси» Туркистон генерал-губернаторлиги тузилгандан кейин ўлкада божхона ишини юритишнинг дастлабки ҳуқуқий асоси бўлган.

Унга кўра 1868 йили Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида бошқа масалалар қатори закот ишларини юритиш учун Хўжалик бошқармаси ташкил этилиб, у чегара ортидан келаётган ҳар

бир карвондан шариат бўйича белгиланган миқдорда закот ундириш билан шуғулланган.

Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида 1872 йил 1 апрелда Закот бошқармаси ташкил этилган. Мазкур Закот бошқармаси аслида маҳаллий закотчиларга ишонмаслик натижасида вужудга келган эди.

Закот бошқармасининг асосий вазифаси Туркистон ўлкасига келган ёки чиқиб кетаётган карвонларни рўйхатга олиш, юкларнинг қийматини аниқлаш, юк ва чорва молларидан закот ундиришдан иборат эди. Кириб келаётган ёки чиқаётган карвонларни назорат қилиш учун чегараларда махсус закот масканлари фаолият юритар эди. Бу даврда закот тўлови давлат хазинасига тушиб, у карвон йўлларини таъмирлаш ва карвонсаройларнинг ички эҳтиёжи учун бериларди. Туркистон генерал-губернаторлигининг 1874- йил 3 майдаги фармонида мувофиқ, Туркистон ўлкасида қўлланивчи Савдосотиқ ва бож ҳақида «Низом» тасдиқланиб, у дастлаб 4 йил муддатга вақтинчалик чора сифатида кучга кирган.

1875 йилдан Туркистон Закот бошқармасининг тугатилиши сабаб, ўлка 1881 йилгача божхона назоратидан четда қолди. Бу вақт давомида қўшни хонликлардан олиб келинадиган чойга нисбатан ўрнатилган биринчи бож ва бошқа тўловларни ундиришга ҳам ҳеч қандай идора жалб этилмади. Вужудга келган бу вазият Россия империяси ҳукуматини таҳликага солиб қўйди. Биринчидан, Россия ва Ўрта Осиё хонликлари ўртасида имзоланган шартномаларга кўра, бу ҳудудлардан кириб келаётган маҳсулотлардан божхона тўловлари ундирилмас эди. Россия бюджети ва иқтисоди учун бу катта зарба бўлиши мумкин эди. Иккинчидан, Туркистонга хорижий давлатлар маҳсулотлари олиб келиниши Марказий Осиёни рус саноати моллари сотиладиган қулай бозорга айлантиришни хоҳлаган ва шунга ҳаракат қилиб келаётган Россия ҳукмрон доиралари сиёсатига тўғри келмас эди.

1881 йилнинг декабрида Туркистон генерал-губернатори вазифасини бажарувчи Г.А.Колпаковский ўлкага ғарбий Европа ва Осиё маҳсулотларининг кириб келишига чек қўйиш мақсадида Муваққат божхонага оид қоидаларни тасдиқлаган: Ўрта Осиё хонликларида ишлаб чиқарилган барча турдаги маҳсулотларни Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудига божсиз олиб киришга

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

рухсат этилсин; барча англиз-ҳинд (кўкчой, дока (кисея) ва бўёқ (индиго) дан ташқари), Европа, Туркия ва Эрон маҳсулотларини Туркистон генерал-губернаторлигига олиб кириш қатъиян таъқиқлансин; бир пуд брутто чой учун 14 рубль 40 копеек, дока учун 6 рубль ва бир фунт бўёқ учун 1 рубль миқдорда бож ставкалари белгилансин; бож ундириш рус кредит рублларида амалга оширилсин; олиб кирилиши таъқиқланган ёки бож тўланиши лозим бўлган маҳсулотлар божхона назоратидан яшириб олиб кирилган тақдирда мусодара қилиниб, ундан тушган пулнинг 25% эса божхона муассасаларининг махсус фондига ўтказилган.

Бож солиқлари йиғишнинг назорати ва муаммоли ишларни ҳал қилиш вилоят бошқарувининг хўжалик бўлимларига юклатилган бўлиб, 1885 йилгача Фарғона вилоятидаги божхона вазифаларини аввалгидек, закот йиғувчи ташкилотлар амалга оширарди. Давлат Кенгашининг 1886 йилда тасдиқлаган қарорига кўра Туркистон ўлкасида божхона қисмини бунёд этиш ва уни бошқариш Россия империясининг Молия Вазирлигига юкланди.

Бу давргача божхона идораларини назорат қилиш Ғарбий Вазирлик ихтиёрида бўлган. Вақт ўтиши билан Туркистонда божхона иши бошқарувининг норматив ҳуқуқий базасини Россия ҳукмрон доира вакиллари ишлаб чиққан кўпгина қўлланмалар, вақтинча қонун-қоидалар орқали амалга оширилган. Масалан, 1889 йили Вақтинча божхона қоидалари қабул қилинган бўлиб, уларда Туркистонга қўшни хонликлардан ва Хитойдан келтирилган товарларга қўйилган солиқ йиғимлари ишлаб чиқилган.

Молия вазири томонидан Ўрта Осиё бозорларида кучли савдо-саноат монополиясини ўрнатиш ҳақидаги масала кўтарилиб, 1892-йили Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини Россия билан ягона божхона тизимига киритиш ҳақида ислоҳот лойиҳаси тайёрланиб, божхона чегараси Бухоро-Афғон чегарасига ўтказилди. Лойиҳага мувофиқ Туркистон округи тузилиб, унда 16 та божхона идораси ташкил этилди.

Ўрта Осиёда янги ҳуқуқий меъёрлар асосида ташкил қилинган империя божхона идоралари минтақада метрополия иқтисодий манфаатларини тўла таъминлаш, бу ҳудудда ўз савдо монополиясини қарор топтириш мақсадида бож тизимини ҳам тубдан ўзгартириб, шу мақсадларга хизмат қилувчи бож сиёсатини юритди.

Туркистон божхона тарихи тарихшунослигига оид адабиётларни, концептуал услубий ва хронологик-муаммовий тамойиллардан келиб чиққан:Марказий Осиё Россия томонидан босиб олинганидан кейин Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди. 1893 йилда 11 та чегара пости ташкил этилди. Туркистон округи шулардан бири бўлди. Туркистон округида 16 та божхона органи мавжуд эди. 1895 йилда Термиз шаҳрида Патта-Ҳисар божхонаси ташкил этилди. Унда асосан Афғонистондан келтирилган товарлардан божлар ундирилар эди. Ҳар йили ушбу божхона пости орқали 2500 дан зиёд саёҳатчи ўтарди. У пайтлари Афғонистон худуди орқали Марказий Осиёга кўплаб контрабанда товарлари ҳам ўтказилган. 1917 йилдан кейин ички ва ташқи савдо халқ комиссарлигида 8 та божхона округидан иборат божхона бошқармаси ташкил этилди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17-февралдаги ПҚ 2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги 315-сонли «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги, қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

4. Зиёев Х.Туркистонда Россия тажовузига қарши кураш. Тошкент, 1998.

5. Свод законов Российской империи 1857 г. Т.6 Уставы таможенные. Свод учреждений и Уставов таможенных. СПб., 1857.

6. Общее собрание циркуляров, распоряжений Департамента таможенных сборов за 1870–1900 гг. СПб., 1902.

7. Таможенный устав по европейской и азиатской торговле. СПб.: Изд-во Миклашевского. СПб., 1887.

8. Тухтаметов Ф.Т. Правовое положение Туркестана в Российской империи: Вторая половина XIX века: Историко-правовое исследование: Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук. М.,2003.

ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ КОНЦЕПЦИЯЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ

Турдиев Бехруз Собирович

*БухДУ, Миллий зоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси
ўқитувчиси*

Бугунги кунда жамиятнинг маънавий юксалиши ҳақидаги турли даврдаги буюк мутафаккир, аллома ва жамоат арбобларининг илмий-фалсафий қарашларини чуқур тадқиқ этсак, жаҳоннинг ривожланган демократик давлатларининг юксалиш тарихини ўргансак, мамлакатимизни жаҳон тенденцияларига мос равишда юксалтиришимиз, халқимизни давлат ва жамиятнинг миллий юксалишида фаол иштирок этишга сафарбар эта оламиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев эътироф этганидек: “Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмоқда. Биз аجدодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз”.

Агар ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига назар ташласак, маънавий янгиланишлар жараёнининг жамият тараққиётига таъсир доирасининг аҳамияти сезиларли эканлигини аجدодларимиз қолдирган илмий меросларида кўришимиз мумкин. Буюк алломалар, тарихий шахслар, сиёсий арбоблар ўзларининг ҳаёт сабоқлари, тарих тажрибалари ва ўз олдларига қўйган мақсадларини эътиборга олиб маънавий янгиланишларни жонлантириш, юксалтириш ёки маънавий бўҳронни чуқурлаштириш орқали жамият, миллат тараққиётига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишга ҳаракат қилганликларининг гувоҳи бўламиз.

Марказий Осиё халқларининг илмий-фалсафий мероси умумжаҳон фалсафа тарихида ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган. Ушбу халқлар фалсафаси Ҳиндистон, Хитой, Миср, Юнон фалсафаси каби қадимийлиги билан эмас, балки ўз тараққиёти йўлида жаҳон халқлари маънавиятига кучли таъсир этган фалсафий-диний ғоялар эволюциясидан иборатлиги билан ажралиб туради.

Жамиятнинг маънавий юксалишида Марказий Осиёда халқларининг қадимги Зардуштийлик фалсафасининг эзгу ғоялари муҳим аҳамиятга эга. Унда ҳудудимиздаги қадимги халқларнинг маънавияти, маданияти, урф-одат ва анъаналари, ахлоқий қадриятлари мужассам бўлган. Жамиятнинг маънавий юксалишига хизмат қиладиган тинчлик ва барқарорлик, инсонларнинг бир-бири билан ҳалол меҳнатда камол топиши ғоялари ўз аксини топган. Зардушт фалсафасидаги, “Ўзгаларга ёруғлик истаган кимсаларга ёруғлик насиб этади. Ҳақиқат нурлари остида, Эзгу ниятдан яралган маърифатингдан бизларга ҳадя қил, токи тириклигимизнинг ҳар лаҳза, ҳар соат, ҳар бир кунда шодмонликдан баҳраманд бўлайлик” ёхуд “Олам ободлиги учун ғайрат кўрсатмоқ лозим, уни яхшилик билан асрамоқ ва ёруғлик сари элтмоқ керак” сингари фикрлар бутун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. У ўз даврида халқни эзгулик ва адолат ғояларига даъват этиш, ҳаётбахш анъаналарни шакллантириш, деҳқончилик ва шаҳар маданиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган, унинг ғоялари билан боғлиқ қадриятлар бутунги кунгача яшаб келмоқда ва халқимиз турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятларини белгилашда улкан қиммат касб этмоқда.

Қадимги Хитойдаги ижтимоий-фалсафий фикр тарихида Конфуцийнинг (551-479) маънавий янгиланишларнинг жамият ҳаётида муҳим омил эканлиги тўғрисидаги қарашлари алоҳида ўрин тутди. Унинг “Афоризмлари” жаҳон халқлари маънавиятининг ажралмас сарчашмасидир. Унинг фалсафий қарашларида ҳар бир жамият аъзосининг маънавий янгиланишга дахлдор эканлиги, инсонларнинг ҳаёти тақдирга боғлиқ эканлиги, инсон эзгу мақсадлар сари интилса унга албатта бойлик ва улуғлик насиб этишини илгари суради. Конфуцийнинг фалсафий қарашларида ахлоқий масалалар марказий ўрин тутди. Қадимги аждодларнинг урф-одатлари, маросимлари, тариқатига таянган Конфуций ўтганларнинг шухрати уларнинг авлодларини юксалтиради, деб жамиятнинг ҳақиқий негизи, пойдеворини янада мустаҳкамлашда қадимги урф-одатлар, маросимлар, анъаналарни тиклаш ва уларга амал қилиш зарурлигини уқтирди.

Бугунги кунда Конфуций томонидан яратилган таълимотнинг мақсадга мувофиқлигини мамлакатимизда қадимги урф-одат, анъана,

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

миллий маросим ва байрамларимизнинг, аجدодларимиз тарихий хотираларининг тикланиши борасидаги маънавий-маърифий ислохотларимизда ҳам кўришимиз мумкин.

Инсоният цивилизациясида дастлабки ижтимоий-фалсафий ғоялар аввал Шарқда вужудга келишига қарамай Ғарбда, айниқса Қадимги Греция ва Римда юксак чўққига эришди. Бу борада қадимги Юнонистондаги ижтимоий-фалсафий фикрлар алоҳида ажралиб туради. Қадимги Юнонистонда Сукрот, Платон ва Аристотел асос солган фалсафий мактаб вакиллари жамиятнинг маънавий янгилиниши ҳақидаги қарашлари нафақат Ғарбда, шунингдек Шарқ фалсафасининг юксалишига хизмат қилди.

Юнон фалсафасида ақлга сиғмайдиган инсон сифатида ва ҳаёти давомида ҳеч қандай асар ёзмаганига қарамасдан, фалсафа ривожланишини тубдан ўзгартирган файласуфлардан бири Сукрот (мил.авв. 469-399 йй.) эди. Инсон зоти унинг ҳозирги ҳолати эмас, балки бўлиши кутиладиган мавжудотдир, тугалланганлик эмас балки хоҳиш, муваффақият эмас, ваъда ва уринишдир. Ўзини-ўзи намоён қилиш ва ўзини тўлдириш инсон борлигининг моҳиятидир. Бироқ, мазкур салоҳиятни чиқариш учун у билимнинг йўриқ берадиган нури билан ёритилиши керак. Сукрот фикрича, таълим эзгу ниятни инсон ичида экишга кўмаклашади. Сукрот айтадики, “мен доянинг ўғли бўлганим ва дояликнинг сирларини билганим учун ҳам менинг саволларимга энг тўғри жавобни беришга ҳаракат қилгин. Менинг доялик санъатим умуман олганда бошқаларники кабидир, ягона фарқи шундаки менинг мижозларим аёллар эмас, эркаклардир, ва менинг ташвишим танада эмас балки туғилишнинг иши бўлган руҳ биландир”. Бу контекстда муаллимнинг вазифаси Сукротга кўра билимни ўқувчига етказиш эмас, балки мавжуд ички билимни очиб беришдир. Сукротга кўра билим уни етказиш орқали олинмайди, балки у тадқиқот орқали олиб бориб бу ҳаёт давомида давом этади. Сукрот ўзини донишманд эмас файласуф деб атаганини инобатга олсак, таъкидлаш жоизки, билимнинг орқасидан қувиш ва уни излаш ҳаёт давомида давом этади.

Жаҳон фалсафаси тарихида ўчмас из қолдирган буюк аллома, файласуф олим бу Платондир (428/427 ёки 424/423 - мил. авв. 348/347). Платоннинг жамият ва давлат тўғрисидаги таълимоти унинг

дунёқарашида марказий ўринлардан бирини ташкил этади. Мутафаккир ўзининг “Қонунлар” асарида жамият ҳақида, унинг идеал сиёсий тузуми тўғрисидаги қарашларини марказий таълимоти - ғоялар назарияси билан узвий боғлиқ ҳолда илгари сурган. Унинг фикрича, “Кимки, давлатларга жамият ва умумхалқ муомаласида бўладиган ахлоқнинг ҳаётий қоидалари тўғрисида қонунлар беришни ўйлаб, аммо хусусий ҳаётга эътибор беришни зарур деб ҳисобламаган бўлса, бу билан ҳаммага ҳамда ҳар кимга ўзи хоҳлаганича кунини ўтказишига имконият яратиб берган бўлса; фуқаролар, ўзларининг хусусий ҳаётлари қонунлаштирилмаганига қарамай, жамият ва умумхалқ ҳаётида қонунларга мос яшайдилар, деб ҳисобласа, у нотўғри мулоҳаза юритган бўлади”. Платоннинг идеал давлат тўғрисидаги орзулари негизида адолат ғояси ётади. Платон таъкидлаганидек, жамият барча аъзоларининг одил жамиятдаги қонунларга бўйсунishi ижтимоий тараққиётнинг асосий гаровидир.

Ўзининг қомусий мероси билан жаҳонни лол қолдирган, илмий-фалсафий ғоялари билан шарқда “Биринчи муаллим” сифатида эътироф этилган буюк файласуф Аристотелдир (милоддан аввалги 384-322 йиллар). Аристотелнинг жамият юксалиши тўғрисидаги фикрлари аллома таълимотининг марказида туради. Файласуфнинг жамият тараққиёти ва ривожини ҳақидаги қарашлари “Давлат”, “Риторика”, “Сиёсат”, “Физика” каби асарларида таҳлил этилган.

Аристотел фикрича, инсоният жамоасининг мақсади фақат яшашдан иборат бўлмай, балки ундан олийроқ, яъни бахтли яшашдан иборат бўлиши керак, шунинг учун давлатнинг мақсади бахтли ҳаёт яратишдир. Шундай қилиб, давлатнинг вазифаси, мақсади оилаларга ва бир қанча авлодларга бахтли ҳаёт яратишдан иборат. Давлат тенг ҳуқуқли кишилар жамияти бўлиб, улар ўзаро энг яхши ҳаёт қуриш мақсадида бирлашишлари мумкин: Умуман олганда имконият ва имкониятдан қандай натижалар кутилиши хуш толеъга эга бўлиш ва ахлоқий ҳаракатларга эга бўлиши билан боғлиқдир. Шунинг учун, имконият ахлоқий ҳаракатларнинг соҳасига боғлиқдир. Бу хуш толеълиликнинг бахт тушунчаси билан деярли бир хил маънога келишини аниқлаб бахт эса ахлоқий ҳаракатнинг бир турига айланади.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Арасту учун давлат ҳаётнинг энг мукамал шаклидир. Бундай шаклда ижтимоий ҳаёт энг олий фаровонликка эришади. Давлат умумий адолатга хизмат қилади. Лекин адолат нисбий тушунчадир, шунга қарамай, адолатни умумий бахт-саодат, деб билади. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир индивид ва инсонлар умуман олганда ўзлари хоҳлаган ва хоҳламаган интиҳони аниқлаб берадиган умумий мақсадга интиладилар. Қисқача айтганда бу интиҳо, бахт ва унинг ташкил этувчиларидир. Унда биз тасвирлаш йўли орқали бахтнинг табиатида нималар борлигини ва уни ташкил этувчиларнинг элементларини аниқлаб олсак.

XVIII аср жаҳон фалсафаси тарихида маърифий янгиланишлар даври бўлди. Айниқса, Европа маърифатпарварлик ғояларининг ривожига Ж.Локк, Д.Юм, Вольтер, Ж.Ж.Руссо, Ш.Л.Монтескье каби маърифатпарварларнинг маънавий-маърифий қарашларининг аҳамияти катта бўлди.

Француз маърифатпарвари Вольтер озод ва либерал жамият ғояларида илҳомни топган. Вольтернинг “Маърифат лойиҳаси” фароғат тушунчаси билан боғлиқдир. Ж.Ж.Руссо коррупцион (у ўзини худди шундай жамиятда яшайди деб ҳисоблаган) жамиятни фақатгина фан ва умумий маърифат билан енгиш мумкин деган хулосага келган. Ш.Л.Монтескье ўз асарларида инсонни фақатгина таълим-тарбия орқали ривожлантириш мумкин деган хулосага келган.

Мухтасар қилиб айтганда, маънавий янгиланиш тўғрисидаги фикрларимизни умумлаштириб айтиш мумкинки, Шарқ ва Ғарб файласуфлари томонидан илгари сурилган қарашлар жаҳон халқлари маънавий юксалиш тарихининг ажралмас қисмига айланган. Ушбу ғоялар ижтимоий муҳит, инсон муносабатларини ўрганиш, мавжуд оламни билиш ва уни ўзгартиришга бўлган узлуксиз интилиш жараёнида шаклланиб, ривожланиб борганини ва халқларнинг илмий тафаккурининг ўсиб бориши, маънавий юксалиб бориши, демократик жамият ривожига ва маънавий янгиланишлар ҳақидаги ғояларни олға суриш ва амалга ошириш учун хизмат қилмоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. //“Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 20 сентябрь, №189 (6883).
2. Жўраев Н. Авесто: тарихий-адабий ёдгорлик. –Т., “Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2015. –Б.52-120.
3. Конфуций. Ҳикматлар. –Т., “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти”, 2010. –Б.9.
4. Fatih Demirci. Socrates: the prophet of life-long learning. //Procedia - Social and Behavioral Sciences , 2012, № 46. –P.4485.
5. Афлотун. Қонунлар (Масъул муҳаррир: Ўткир Ҳошимов, Таржимон: Урфон Отажон) –Т., “Янги аср авлоди”, 2002. –Б.197.
6. Aristotle. Physics (Edited by Jonathan Barnes). New Jersey, Princeton University Press, Princeton, 1991. –P.28.
7. Complete Works of John Locke. United Kingdom, Delphi Classics, 2017. –P.3115.
8. The philosophical works of David Hume. Volume IV. Edited by T.H.Green, T.H.Grose. London, Longmans, Green and Co. 1875. –P.483.
9. Voltaire. Candide. Boni & Liveright. USA, New-York, “The modern library”, 1918. –P.173.
10. Jean-Jacques Rousseau. The Confessions. By Angela Scholar. Edted by Patrick Coleman. USA, New-York, Oxford University Press, 2000. –P.636.
11. Montesquieu. The Spirit of the Laws. Translated and edited by Anne M., Cohler, Basia C., Miller, Harold Stone. USA, New-York, Cambridge University Press, 1989. –P.706.
12. Felicia Gottmann. The Eighteenth-Century Luxury Debate: The Case of Voltaire. The Eighteenth-Century Luxury Debate: The Case of Voltaire Thesis submitted for the degree of Doctor of Philosophy. University of Oxford, September 2010. –P.7. //https://ora.ox.ac.uk/objects/uuid
13. Jean-Jacques Rousseau: Human nature and history. Edted by John T.Scott. USA, New-York, Routledge Taylor & Francis Group, 2006.-P.16.
14. Montesquieu. The Spirit of Laws (Thomas Nugent). Kitchener, Ontario, 2001. –P.16.

AMIR TEMUR VA TEMURIYLAR DAVRIDAGI TO'Y,
MAROSIM VA BAYRAMLARNING JAMIYAT HAYOTIDA
TUTGAN O'RNI

Zaripov S.D.

BuxDU "Jahon tarixi" kafedrasi o'qituvchisi

To'ylar doimo xalqimiz hayotida muhim ahamiyat kasb etgan. Ajdodlarimiz quvonch-shodliklarini, bir-biriga mehr-muhabbatini to'ylar o'tkazib, elga dasturxon yozib, o'yin-kulgu uyushtirish bilan ifoda qilgan. Elga to'y berish, to'yga yetishish har bir o'zbekning ezgu maqsadi, orzusi hisoblanadi. To'y shohu-gadolar uchun birdek qadrli, e'zozli hisoblangan. Albatta, to'ylar har kimning iqtisodiy imkoniyatiga qarab nishonlangan. Xususan, podsholarning taxtga o'tirishi, biror-bir ulug'roq ishni amalga oshirishi, biron mamlakatni bosib olishi, farzandlari, nevaralarining tug'ulishi, ularning oila qurishi bilan bog'liq bo'lgan to'ylar o'tkazishni xush ko'rishgan. Bu ezgu xislatni ulug' Sohibqiron Amir Temur va uning vorislari ham xush ko'rib, ulug' tantanalarida ishtirok etganlar. Bu haqida Rui Gonsales de Klavixo "Samarqandga, Temur saroyiga qilgan kundaligi" da ko'p yozgan va shulardan biri quyidagicha bayon qilingan:

"Ulug' Amir bugun katta to'y tashkil etib, unga elchilar, ko'plab erkak va ayolar, qarindosh-urug'lar va boshqa mehmonlarni taklif etishni buyurdi. Bu g'ij-g'ij mevali, manzarali daraxtlar soya tushurib turgan juda katta bog'da edi. Bog'dagi yo'lak va so'qmoqlar to'siqlar bilan o'ralgan. Bog'da ko'plab chodir va soyabonlar tikilgan bo'lib, ular qurama usulda tikilgan shoyi mato hamda, guldor gilamlar bilan qoplangan. Bog' o'rtasida qosh shaklida juda anvoyi narsalar bilan bezatilgan bino bor. Uy ichida ko'rpa-yostiqlar taxlanadigan yoki, balandroq narsalar qo'yiladigan uchta o'rindiq, uyning devorlari va sahna, koshinlar bilan qoplangan. To'rdagi katta o'rindiqda balandligi odam bo'yi, kengligi bir yarim gaz keladigan, zarhallangan kumush xontaxta turar edi. Kimxob va shohi matolardan zarhal bilan tikilgan ko'rpachalar xontaxta oldiga qat-qat qilib qo'yilgan. Bu ulug' Amir o'tiradigan joy, devorlarga shoh pardalar tutilgan. Zarpardalar zarhal, chiroyli kumush to'qalar bilan bezatilgan. To'qalarga zumrad, marvarid va boshqa qimmatbaho toshlar o'rnatilgan. Pardalar ustidan kengligi yarim qarich keladigan shohi laxtaklar tutilgan bo'lib, ular ham parda singari qimmatbaho to'qalar bilan bezatilgan edi. Pastga egilib

turgan laxtaklar ichidagi rang-barang ipak bog'ichlar shamolda yelpinganda juda chiroyi bo'lib ko'rinadi.

Mazkur o'rindiqlarning raboq shalkidagi eshiklari oldida ham xuddi yuqoridagidek bezatilgan pardalar tutilgan. Pardalar nayzasimon yog'ochlar osilgan bo'lib, uchlaridagi katta-katta ipak bog'ichlari yerga tegib turardi. Uy sahniga gilam va kigizlar to'shalgan. Uy o'rtasida eshik, ro'parasida ikki oltin xontaxta turibdi.

Elchilarning o'z vaqtida yetib kelmaganligi, tilmochning ular bilan birga bo'lmaganligi, buning ustiga podshoh xonadonini boshqaradigan amirlarning kelmaganligi uchun podshoh mirzolaridan qattiq xafa bo'ldi... Ammo Temurbek elchilar yoniga odam yuborib, to'yga yetib kelmaganliklari uchun ularga besh qo'y va ikkita ko'zada sharob yubordi. Ushbu to'yga xotin-qizlardan tortib asilzodalargacha va boshqa ko'plab qishloqlardan iborat ko'p xalq to'plandi".

Rui Gonsales de Klavixodning bergan ma'lumotlaridan ham ayon bo'ladiki, Amir Temur ziyofatni, mehmondorchilikni, mehmonni kutib olish va kuzatib qo'yish rasm-rusumini, odatlarini a'lo darajada bilgan. Fikrimiz dalili sifatida birgina to'yga kelmaganlarga qo'y va sharob yuborilishini keltirish mumkin. Bu odat hozirgi kunda ham saqlangan. Hamon qishloqlar (ovul, mahalla) dagi qariyalar, o'zlarining uyidagi mehmonlar, xastalar, azadorlarga to'ydan oziq-ovqat, ba'zan sarpo yuboradilar.

Klavixodan tashqari Ibn Arabshoh, Ali Yazdiy, Nizomiddin Shomiy singari tarixchi olimlar ham Amir Temur va uning o'g'illari hamda nevaralari ko'plab to'ylar tahkil etganiga, to'yni quvonch va shodlik deb bilganiga qator misollar keltiradi.

Sohibqiron Amir Temur va uning vorislari davrda, bayramlardan Navro'z qanday nishonlangan degan savol hammani birday qiziqtirishi tabiiy.

Navro'z bayrami haqida gapiradigan bo'lsak, bu bayram xalqimizning ziroatchilik bilan bog'liq qadimiy ayyomidir. Arxeologlar dehqonchilikning vujudga kelishini miloddan avvalgi III ming yilliklarga borib taqalishini dalillar orqali isbotlashgan. Bundan kelib chiqadiki, Navro'z bundan besh ming yil ilgari bayram qilina boshlangan.

Zardushtiylik e'tiqodicha, ko'klam giyohlar unib, daraxt shohlari kurtak ocha boshlagach, o'sha atrofdan qora kuchlar, devlar mahv bo'lgan.

Bu hol ezgulik, bunyodkorlik kuchlarining buzg'unchi kuchlar ustidan g'alabasini anglatgan va el-ulus bu murodbaxsh kunlarni shodu xurramlik bilan kutib olishgan. O'tmishda Navro'z o'n uch kun davom etgan va bu kunlarning har biri muayyan bir bayram sifatida nishonlangan.

Navro'z 21-martdan 22-martga o'tar kechasi "Qozon to'ldi" udumi bilan boshlangan. Bu "Qozon to'ldi" an'anasi ajdodlarimizning hosildorlik bilan bog'liq qadimiy e'tiqodlari bilan uyg'undir. Qozon Navro'z bayrami pishiriqlari va shirinliklari bilan to'ldirilgan. So'ngra u musofirlar va aziz avliyolar maqbaralari qoshidagi xonaqohlar ahliga tarqatilgan.

Temuriylar davrida Navro'z tantanalari aziz avliyolar mozorlari yonida yoki keng sayillarda o'tkazilgan. Masalan, Samarqandda, Konigilda, Ko'hna tepaligida, Buxoroda, Qasri Orifondagi Bahobuddin Naqshbandiy maqbarasi yonida tashkil etilgan.

Amir Temur Movorounnahr va Xurosondagi elatlar, urug'lar, shahar va qishloq aholisi, o'troq va ko'chmanchilarni birdam qilish, markazlashgan davlatni mustahkamkash uchun xizmat qilgan har qanday ijtimoiy harakat, marosim, urf-odatlarini, jumladan, xalq ruhini ko'taruvchi bayram sayliyu, to'y-tomoshalarni qo'llab quvvatlagan. Mo'g'ullar iste'losi davrida inqirozga uchragan Navro'zni qayta tiklab, davlat miqyosidagi bayramga aylantirish harakartida bo'lgan Sohibqiron. Navro'zni Samarqand atrofidagi bog'larda (Konigil mavzesida), shahri Keshdagi Oq saroyda, Ulug' maydon sayilgohlarida, Taxti Qoracha tog'ida, Amudaryo va Sirdaryo, Zarafshon bo'ylarida, Axsikent saroyida, Qo'qon tepaligida, harbiy yurishlar paytida esa, Rum Qora bog'ida va uning ommaviy tusda o'tishiga alohida e'tibor bergan.

Bunday bayramlarga nainki, sarbozlar, lashkarboashilar, balki, o'sha atrofdagi oddiy kishilar, dehqonlar, hunarmandlar, chorvadorlar ham imkoni boricha jalb etilgan. Ya'ni, Ibn Arabshohning ta'biri bilan aytganda, bunday paytlarda "Xaloyiqqa turli-tuman o'yin-kulgu tizgini bo'shatib yuborilgan". Kosib va hunarmandlar o'z mehnati jarayonlari, mahsulotlarini tomosha shaklida namoyish etishgan. San'atkorlar tulum va niqoblardan foydalangan holda spektakllar ko'rsatishgan. Sayilgohlar va maxsus maydonlarda, kurash, chavgon, qaboq o'yin, ko'pkari, merganlik, qiz quvdi, qo'chqor urishtirish musobaqalari o'tkazilgan.

Amir Temur Navro'zni tiklash va umumxalq bayramiga aylantirish bo'yicha boshlangan harakati, Temurzodalar tomonidan davom ettirildi. Mirzo Ulug'bek davrida (1397-1447) Konigil o'lanida bayramlar, shu jumladan Navro'z ham muntazam ravishda o'tkazib turilgan. Shoir Sakkokiy o'zining Ulug'bekka atab yozilgan qasidalaridan birida, butun bir bobni Navro'zga bag'ishlagani bejiz emas. Unda, shunday satrlar bor:

Guliston ahlina bu kun erur ham iydi Navro'z,
Ular gul sochdilar, man ham keturdim xush bu halvoni.
Yoxud gul vaslalaridin tikib bir xal'ati zebo,
Bu majlisga keturmakka asli valoni.

Bu to'rtlik orqali Navro'zni nishonlanishi, tabiatni yasharish tantanalariga xos noz nematlar tortilishi, xursadchiliklar taranum qilingan.

Navro'z bayrami, Sharq xalqlarini mushtarak bir maqsad yo'lida birlashtiradigan, insonlarga ma'naviy ozuqa beradigan, baynalmilal ayyomdir. Temuriylar davrida ham bu bayran keng nishonlanib, sayqallanib, ajdodlardan-avlodlarga boyigan holda yetib kelmoqda.

АДАБИЁТЛАР:

1. Choriyev A. "Sohibqiron ma'naviyati". – T.: "Yangi asr avlodi" , 2001, 75-bet.
2. Moziydan sado. 2005 , №1, 2-bet.
3. Moziydan sado. 2005 , №1, 4-bet.

САЙФИДДИН БОХАРЗИЙНИНГ ТАСАВВУФ ТАРИХИДАГИ ЎРНИ

Норова Малика Файзуллоевна

БухДУ ўқитувчиси

Сайфиддин Бохарзий ўз ҳаёти, фаолияти ва шахсияти билан фалсафа тарихига сезиларли даражада таъсир этган буюк донишманд сифатида ислом фалсафасининг ривожланишида унутилмас ва абадий сўнмас из қолдирган.

Унинг ҳаёт йўли Мовороуннаҳрда Хоразмшоҳлар ҳукмронлигининг мураккаб даврларига қолган ҳаётининг қирқ йили

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

мўғуллар босқинидан кейинги даврлар яъни XII асрнинг охири XIII аср биринчи ярмига тўғри келади.

Шайх Сайфиддин Бохарзий Бухоронинг фахрли ва шарафли фарзандларидан бири бўлиб, 1190 йили Эроннинг Бохарз шаҳрида таваллуд топган.

Сайфиддин Бохарзий дастлабки билимни Имом Абу Абдуллоҳ Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳабийнинг “Сияру аъламин нубало” (Машҳур даҳолар сийрати) китобида маълумот беришича, Муаййид Тусий ва бошқа муҳаддислардан ҳадис эшитган. Боғдодда Али ибн Муҳаммад Мавсий, Абул Футуҳ Хусрий, Исмоил ибн Саъдуллоҳ ибн Ҳамдий, Мушриф Холисийдан, Найсобурда Иброҳим ибн Солор Хоразмийдан ҳадис эшитганлар.

Ривоятлардан айтилишича, у Боғдодда келганида ўн бир ёшда бўлган. Ибн Жазвийдан дарс эшитган. Кейинчалик яна Хуросонда илм олган. Ҳаттоки, буюк фақиҳ, шайхулислом Бурҳониддин Марғинонийнинг (1123–1197) “Ал-Ҳидоя” китоби юзасидан у кишининг ўғли Жамолиддиндан дарс олган. Сўнгра Хоразмга келган. Хоразмга келишининг сабаби чунки бу даврда Хоразмшоҳлар давлатида фан, маданият равнақ этган давр эди. Хоразмда “Маъмун академияси”нинг фаолият олиб бориши билан бир қаторда мамлакатда аниқ фанларнинг ривожланиши билан бир қаторда ислом динини тарғиб этувчи марказлар фаолияти ҳам кенг қулоқ ёйган эди. Бохарзий умрининг охиригача Хоразм ва Бухорода муқим яшади. У Хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти Кўҳна Урганчга келиб Нажмиддин Кубродан тариқат илмини ўрганади ва унинг халифаларидан бири бўлиб етишади. Сайфиддин Бохарзий устозининг топшириғи билан Бухорога юборилади. Бу воқеа 1220 йили Чингизхон Бухорони босиб олган йилга тўғри келади. Бохарзий варон этилган Бухоронинг қайта тикланишига, илм фаннинг тараққий этишига қолаверса ислом динининг қайта давлат дини сифатида тан олинишига эришди. У ислом дини равнақи йўлида улўғ ишлар қилди.

Бухородаги ижтимоий-сиёсий ҳаётда шайхнинг ўрни катта бўлган. Дарҳақиқат, Чингизхоннинг набираси бўлмиш Олтин Ўрда хони Беркахон (1209–1266) Сайфиддин Бохарзийга муриб тушиб, у кишининг маърузаларини эшитгандан сўнг ислом динини қабул қилади ва ислом динини қабул қилган биринчи мўғул ҳукмдори сифатида тарихда қолди. Заҳабийнинг маълумотига кўра, Беркахон

Сайфиддин Бохарзийнинг барча айтган гапларини сўзсиз бажарган. Беркахон ислом динини қабул қилгандан сўнг ўз исмини Баракахонга ўзгартирди. У ўзининг Шимолий Кавказдан то Сибиргача бўлган улкан давлати ҳудудларида ислом динини жорий қилиб, масжид ва мадрасалар қурдирди. Унинг бу ҳаракатидан кўпчилик ислом динини қабул қилди. Бу воқеадан сўнг Сайфиддин Бохарзийга “Шайх ул-олам” (Олам шайхи) унвони, Бухоро шаҳрига эса шариф мақоми берилди.

Бохарзий чингизий Чиғатойхон (вафоти 1242) даврларида Бухорода яшади. Манбаларда келтирилишича, мўғул хонлари хонадонларида ҳам унинг ҳурмат-эҳтироми баланд бўлган. Масалан, Мунке, Хулоку, Хубилайларнинг онаси, Чингизхоннинг келини, унинг тўнғич ўғли Тулунинг беваси малика Суйурук Танибека (тахминан 1190–1252) Бухорода бунёд этган Хония мадрасасига Сайфиддин Бохарзийни мударрис ва мутавалли этиб тайинлайди. Уни турли тухфалар инъом қилган. Бохарзий илм-фанда юксак мақомга эришган. Бохарзий фикҳий ихтилофлар, ҳадис ва оятлардаги гўзал сўз ва ибораларни жуда яхши билган. У Бухоро шаҳри яқинидаги Калободда мадраса қурдирган. Бохарзийнинг араб ва форс тилларида ёзган "Воқеоти хилват" ("Хилватдаги воқеа"), "Китоби аврод", "Нома ба шайх Саъиддин Ҳамавий", "Рубоиёт", "Китоб рисолаи ишқ" ("Ишқ ҳақида рисола"), "Васиятнома", "Шарҳ ал асмо ал хусно" ("Аллоҳнинг гўзал исмлари шарҳи"), "Фатвойи воқеоти ирфони Бохарзий", "Рўзнома" ва шу билан бирга тўртликлари ҳам бизгача етиб келган.

Сайфиддин Бохарзий 658 йили (1261) вафот этади ва Бухоронинг Фатҳобод мавзесига Қарши дарвозаси рўпарасида дафн қилинади. Унинг қабри устига мақбара қурилган. Сайфиддин Бохарзий мақбарасининг кичик гўрхонаси XIII асрнинг 2-ярмида, зиёратхонаси эса XIV асрнинг 2-ярмида бунёд этилган. Мақбарага Сайфиддин Бохарзий фарзандларидан, икки ўғли, шунингдек, невараси ва эваралари дафн этилган.

Соҳибқирон Амир Темур Бухорога ташриф буюрганда шайхнинг қабрини албатта зиёрат қилган. Унинг фармони билан мақбара обод зиёратгоҳга айлантирилиб мақбаранинг шарқий пештоқи қурилган. Шайхнинг қабри устидаги ёғоч сағананинг ясалиш услуби, зарҳал безаклари, Амир Темур давридаги ёғоч ўймакорлиги санъатининг ноёб ёдгорлиги ҳисобланади. Амир Темурнинг Сайфиддин Бохарзийга ҳурматининг баландлигининг сабабларидан

бир, маълумотларга қараганда Амир Темурнинг онаси Тегинабегим Моҳ ва отаси Тарағай Баҳодирнинг никоҳларига Сайфиддин Бохарзий сабаб бўлган ва уларнинг никоҳларидан буюк саркарда Соҳибқирон Амир Темурнинг туғилишини башорат қилган.

Дамашқлик машҳур тарихчи ва муҳаддис Шамсуддин Заҳабий (1274–1348) ўзининг “Машҳур даҳолар сийрати” асарида эътироф этишича, Сайфиддин Бохарзий: “Номлари тўрт иқлимга машҳур. Қалблардан ўрин олган беназир олим”, деб таърифлайди. Шу сўзларданок шайхнинг шавкатига баҳо бериш мумкин.

“Фатвойи воқеоти ирфони Бохарзий” асарида пир-мурид муносабатлари, сўфийлар истиқомат қиладиган хонақоҳлар одоби, ўзини-ўзи назорат ва кузатиш усуллари, сўфийлик мақомлари, самоъ мажлислари, сўфийларнинг либослари, тасаввуф истилоҳлари ҳақида сўз боради. “Фатвойи воқеоти ирфони Бохарзий” асари Бухородаги фатҳобод хонақоҳида яшаган сўфийларнинг ички тартиб қоидалари жамланмаси ҳисобланади. Айниқса шайх ва мурид ўртасидаги муносабатлар ҳозирги кунда устоз шогирдлик муносабатларининг шаклланишига алоҳида аҳамиятга эга.

“Воқеоти хилват” (“Хилватдаги воқеа”) асари Нажмиддин Кубронинг Сайфиддин Бохарзийни иккинчи марта чилла ўтиришга даъват қилганлари ва бу ибодатларида содир бўлган воқеа ва ҳодисотлар тўғрисида ёзилган. Бундан жараённи рисола тарзида ёзиб қўйишни устозлари Нажмиддин Кубро буюрганлар.

Сайфиддин Бохарзийнинг “Рубоиёт”лари ҳозирги кунда аниқланганлари 650 тани ташкил этади. Бу рубоийларида Бохарзийнинг фалсафий тасаввуфий қарашларидан огоҳ бўламиз. Аксарият рубоийлари муридларига Қуръон оятларидан маърузалар қилаётганда, бадеҳатан шарҳ сифатида айтилган рубоийлардир. Шунинг учун ҳам бу рубоийлардан биз борлиқ, вужуд, қалб поклиги, илм олиш, комил инсон ва одоб ахлоққа оид кўплаб қарашларини ўрганишимиз мумкин.

“Китоби аврод” асари Сайфиддин Бохарзий омонидан ёзилган бўлиб кейинчалик форс тилида Мавлоно Ғуломнабий Таваккулий томонидан таржима қилинган унда кўплаб зикрлар билан бирга сўфийлар такрорлаб юриши керак бўлган зикрлардан ташкил топган.

“Васиятнома” асари Бохарзийнинг ўзидан кейинги авлодга ёзиб қолдирган гапларидан ташкил топган. Бу асаридаги биз учун энг

муҳим жиҳатларидан бири шундаки, унда комил инсон тушунчасига зоҳ бериб бу яхшиликни эгаллашнинг тўрт асосини кўрсатиб беради.

"Китоб рисолаи ишқ" ("Ишқ ҳақида рисола") асари 1387 йил Ирожи Афшор томонидан форс тилига таржима қилинган. Бу асар Имом Ғаззолийнинг укаси Аҳмад Ғаззолийнинг "Фавониҳ ул-Ушшоқ" (Ишқ метафизикаси) асарига шарҳ сифатида ёзилган. Бу асар инсонинг Аллоҳга бўлган муҳаббати тўғрисида бўлиб, Аллоҳга муҳаббат барча нарсани У зотга ҳиба қилишдан иборатдир. Ундан сенга ҳеч нарса қолмайдир. Бундан мурод иродангни, азмингни, ишларингни, нафсингни, молингни ва вақтингни ўзинг муҳаббат қўйган зотга топширмоқдир. Уларнинг барчасини У зотнинг розилигига учундир. Улардан ҳеч нарсани ўзингга олиб қолмайсан. Фақат У зот Ўзи берганини оласан. Аллоҳ таолонинг муҳаббати мақомотларнинг энг олийсидир. Шавқ, унс ва ризо каби кейинги мақомотлар ушбу мақомнинг самараларидир. Тавба, сабр ва зуҳд каби олдин келадиган мақомотлар бу мақомнинг муқаддималаридир. Сайфиддин Бохарзий бундай ишқни қуйидаги мисраларда акс эттиради.

چيست تفسير ترا عشق مشكل
چيست تعبير مرا سوداي خواب

Мушқули ишқ туро тафсир чист?
Жавоби савдойи моро таъбир чист?

Сайфиддин Бохарзий Бухорода ўтказган 41 йиллик умри эдавомида Бу ҳудуднинг қайта тикланишга, илм-фаннинг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Бохарзийнинг саъйи ҳаракати билан Бухоро қайта тикланди. Ислом динининг равнақиға ўзининг ҳиссасини қўшди. Ҳатто маълумотларга қараганда Беркахон то Бохарзий билан учрашмагунича ислом динини Татаристонни босиб олиш мақсадида ва аҳолининг унга қаршилигини камайтириш мақсадида ёлғондакам қабул қилинган. Лекин Бохарзий билан учратгандан сўнг у хатто ўз исмини ҳам Баракахонга ўзгартирган. Сайфиддин Бохарзий Бухоро аҳлининг ишончини қозонган, хатто шу даражадаки, мўғул ҳукмдорлари у билан ҳисоблашишга тўғри келган. Бохарзийнинг қўл остида кўплаб илм масканлари, ҳар бир маҳаллаларда кутубхоналар ташкил этган. Бундай кутубхоналар аёллар ва эркакларники алоҳида бўлган. Мўғул ҳукмдорлари унга катта ерларни, масжид, мадрасаларни вақф қилиб берган эди.

Бохарзий бу вақф ерларидан тушадиган маблағларнинг барчасини аҳолининг ижтимоий ҳимояси учун сарфлаган. Тарихда босиб олинган ҳудуд ерларида босқинчилар ўз динларини тарғиб қилган бўлса, Бохарзий шарофати билан мўғул босқинчилари ислом дини қабул қилиб, бу диннинг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Ночор аҳоли қатламига кўплаб илм аҳлларини ҳимоя қилиши ва масжид мадрасасининг қурилиши ҳамда шунга ўхшаш маданий сиёсат натижасида Бухорода кўплаб илм аҳллари етишиб чиққан. Бохарзий тасаввуфий қарашларига кўра, тасаввуф шундай бир диний-фалсафий дунёқарашки, у инсон ҳаёти давомида барча соҳаларини қамраган ҳолда Аллоҳни руҳан, ақлан ва бевосита англаш орқали идрок этади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Темурнома. Тошкент. Чўлпон. 1991.-Б.43

2. 91.Б. Бахрзи الدین سیف العالم شیخ: نویسنده افشار ایرج: تصحیح عشق رساله کتاب

СОВЕТ ДАВРИДА КАРТОГРАФИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ИЛМИЙ ВА ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

Муҳиддинжон Примов

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Тарих факультети таянч докторанти

Совет картографиясидаги ютуқлар асосан кадрларни пухта тайёрлаш, тизимли илмий изланишларни ташкил этиш ва натижада картографияни мустақил фан сифатида шакллантириш билан боғлиқдир. 1917 йилда Ландшафт Институтини геодезия факультети очилиб, 1923 йилда картография ихтисослиги – ўз вақтида биринчи олий картография мактаби пайдо бўлди. Совет илмида кўзга кўринган шахслар - геодезист Ф.Н. Красовский ва географ А.А. Борзовнинг таъсири картографларнинг мустақам геодезик ва географик асосда ўқитилишини таъминлади. 1929-1930 йилларда картография ишлари жадал кенгайиб, Москва ва Ленинград университетларининг география бўлимларида ҳам картография мутахассисликларини ташкил этилди. 1930 йилда Ер кадастри институтининг геодезия факультети Москва Геодезия институтига, сўнг 1936 йилда Москва геодезия, аэрофотосурат ва картография

муҳандислари институти махсус картография факультети билан бирлаштирилди. Кейинчалик бошқа олий ўқув юртларида ҳам картограф мутахассисларни тайёрлаш ташкил этилди. Ўрта малакали картографлар картография бўлимларига эга бўлган топографик техник билим юртларини тугатдилар.

Картографик ишлаб чиқаришни ўсиши учун яна бир шарт – бу меҳнат унумдорлигини оширадиган ускуналар ва янги иш усуллари ишлаб чиқиш эди. Авиация фотографияси топографик ишларда ва географик тадқиқотларда туб ўзгаришларни амалга оширди. СССРда унинг ишлаб чиқаришга тизимли равишда киритилиши 1923 йилда, биринчи авиация тадқиқот компанияси ташкил этилган пайтга тўғри келади. Аэрофотосуратлар меҳнат унумдорлигини сезиларли даражада оширишга ёрдам берди; илгари бориш қийин бўлган ҳудудларда аниқ тадқиқотларни ўтказиш имконияти яратилди; ниҳоят, аэрофотосуратнинг объективлиги ва ландшафтнинг турли элементлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқ тақдим этиш туфайли топографик ва тематик хариталарни бойитиш ва такомиллаштиришнинг янги усуллари очди.

Дунёдаги биринчи олий картография мактаби 1923 йилда Москва ер кадастри институтининг (ҳозирги Москва геодезия, аэрофотосурат ва картография муҳандислари институти) геодезия факультетида ва 1929–1930 йилларда Москва ва Ленинград университетларининг география кафедраларида картография ихтисослиги сифатида ташкил этилган эди. Картография мутахассисликлари очилиши картографларнинг муҳандислик тайёргарлиги, картография ишлаб чиқариш технологиясига нисбатан кенроқ тасаввурга эга бўлишларига имкон берди. Иккала картография мактаби ўртасидаги маълум бир фарқ бўлсада, улар агар картограф харитада бирон бир майдонни моҳиятини тушунмаса, унинг характерли хусусиятларини кўрмаса уни тўғри тасвирлаб бўлмайди, деган умумий фикрга асосланди.

Кейинчалик бошқа олий ўқув юртларида мутахассис картографлар тайёрлаш ташкил этилди. Дастлаб асосан олий ўқув юртларида ривожланиб борган илмий-тадқиқот фаолияти 1928 йилда Геодезия, аэросъёмка ва картография Марказий илмий-тадқиқот институти, шунингдек бошқа илмий-тадқиқот институтларининг ташкил этилиши натижасида янада мустаҳкамланди.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Буларнинг барчаси картографиянинг махсус билим соҳаси сифатида шаклланишига ёрдам берди. 1920-йилларда унинг вазифалари хариталарни тузиш ва кўпайтиришнинг илмий-техник усуллари ва жараёнларини ишлаб чиқишни ўз ичига олган бўлиб, бу картографиянинг олдинги соф геометрик талқинларига нисбатан олдинга катта қадам бўлди. Шу билан бирга, хариталарни тузиш усуллари кўпроқ эътибор берилар экан, гарчи янги хариталарни яратиш учун – уларнинг методларини ишлаб чиқишга, манбаларни тўплашга, таҳлил қилишга ва баҳолашга муҳим аҳамиятга эга бўлсада, уларнинг моҳиятини ўрганиш сояда қолмоқда эди. Бу тафовут айниқса Совет картографияси Дунёнинг Катта Совет Атласи каби йирик картографик асарларни яратишга киришилганида сезилди. 30-йилларнинг охиридан картография хариталарни (воқеликни намойиш қилишнинг махсус методи сифатида) ва жараёнларини ўрганадиган фан сифатида кўриб чиқила бошланди.

1940 йилда СССР худудига Красовскийнинг эллипсоиди татбиқ этилиши, 1978 йилда Марказий Геодезия, Авиация ва картография илмий-тадқиқот институтига унинг ташаббускори бўлган Ф.Н. Красовский (1878–1948) номи берилишига сабаб бўлди. Буларнинг барчаси картографиянинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланишига ҳисса қўшди. Хариталарни тузиш ва кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга эътибор қаратилгани билан, уларнинг моҳиятини ўрганиш сояда қолмоқда эди.

30-йилларнинг охирида картография хариталарни ўрганадиган фан сифатида, воқеликни намойиш қилишнинг махсус усули сифатида, шунингдек уларни тузиш, такрорлаш усуллари ва жараёнларида кўриб чиқила бошланди. 1939 йилда хариташуносликнинг биринчи нашри - олий таълим учун дарслик нашр этилди. Картографик проэкциялар назарияси муваффақиятли ишлаб чиқилган бўлиб, уни ишлаб чиқишда В.В.Каврайскийнинг хизматлари катта.

Катта картографик асарларни яратиш билан амалий муаммолар билан бир қаторда назариянинг муҳим масалалари ҳал қилинди. Иқтисодий хариталарнинг мустақам бўлимларини ўз ичига олган капитал комплекс атласларни ишлаб чиқиш тажрибаси умумлаштирилди ва назарий жиҳатдан Москва Давлат университети профессори Н.Н.Баранский ўзининг “Иқтисодий картография”

асарида (1939–1940) тематик харитани янада ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратди. Топографик ва суратга олиш-топографик хариталар таркибини умумлаштириш бўйича ажойиб материаллар – “Миллион харитани ишлаб чиқиш” қўлланмасида (1940), ўша даврда СССР да ўрта ўлчамдаги хариталарни таҳрирлаш ва тузишда тўпланган тажриба умумлаштирилди.

Ўрта Осиё республикаларида XX асрнинг 20-йилларигача барча хариталарда жуда содда тасвирланган бўлса, юртимиз ҳақида деярли карталар бўлмаган. Шунинг учун янги карталар тузиш ишлари бошлаб юборилган. Аммо ишларнинг уюлмаган ҳолда олиб борилаётгани, режага амал қилинмаётгани учун зарур ҳужжатлар кеч етиб келган. Айримлари эса ноаниқ ҳисобланиши натижасида йўналишда адашишлар кўзга ташланган. Шартномаларнинг йўқлиги, шошилиш ва ноаниқ рақамлар кераксиз чиқимларга сабаб бўлган. Яққол мисол сифатида Ўрта Осиё Сув хўжалиги бошқармаси(Средазводхоз) хатоларини айтиш мумкин. Ер ости сув йўли чизмаларининг мавжуд эмаслиги зарур суғориш ишларини ташкил этишда мавжуд бўладиган муаммолар ҳосил унумдорлигига таъсир этмай қолмасди. Хатоларни тузатиш ва топогеодезик ишларни тўғри ташкил этиш учун иқтисодий статистик ишларни аниқлигини таъминлаш зарур эди. Бу ҳисоботлар алоҳида алоҳида олиб борилгани учун ташкилотларга умумий берилган ҳудудлар суратга олинмай қолган. Баъзи ҳудудлар эса икки, уч марта суратга олинган. Суратлар нотўғри масштабда олингани учун кўпини ишлатиб ҳам бўлмасди.

Ўрта Осиё давлат университети(ҳозирги ЎзМУ)да XX асрнинг 20-йилларида илмий тасаввурга асосланган оригинал геологик, гидрогеологик, тупроқ-геоботаник ва бошқа хил нафақат Ўзбекистон, балки Ўрта Осиё тематик картографиясида муҳим рол ўйнаган карталар яратилди. Хусусан, 1920–1932 йилларда университет қошидаги Тупроқшунослик ва геоботаника институтида дала экспедицияси материаллари асосида Ўзбекистоннинг деярли бутун ҳудудининг тупроқ ва ўсимлик карталари тузилди. 1923 йилда институт ходимлари Н.А.Димо, Р.И.Аболин, М.А.Орлов, М.Н.Воскресенский, К.М.Клавдиенко 1: 1000 000 масштабдаги Ўрта Осиёнинг биринчи обзор тупроқ картасини тузганлар. Бу карта 1927 йилда қайта ишланиб, Вашингтон Халқаро конгрессида ҳам намойиш этилган. Ушбу институт томонидан 1920–1931 йилларда Ўрта Осиёда

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

150 дан ортиқ экспедиция ўтказилиб, 1, 2, 5, 10 вёрстли ва 1: 50 000, 1: 100 000, 1: 500 000 масштабли махсус тупроқ ва ўсимлик карталари тузилиб, катта қисми рангли фонда топографик усулда нашр этилган.

XX асрнинг 20-йиллари охири–30-йиллари бошида Тупроқшунослик ва геоботаника институт олимлари М.А.Орлов Ўзбекистоннинг, М.А.Панков – Тожикистоннинг, К.М.Клавдиенко Қорақалпоғистон, Туркменистон ва Қирғизистоннинг ва бутун Ўрта Осиёнинг обзор тупроқ карталарини туздилар. Н.В.Кимбергнинг ёзишича институт ходимлари 1931 – 1932 йилларда Ўрта Осиёдаги 30 га яқин пахтакор совхоз (майдони 200 минг га)нинг 1: 100 000 масштабли тупроқ карталарини тузиб чиққанлар.

Кейинги йилларда, картография фан ва техника ҳамда ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳалари билан боғлиқ ҳолда ривожланиши туфайли карталарни тузиш ва фойдаланишда катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришларнинг асл маъноси ҳозирги замонавий компьютерлар имкониятларидан фойдаланиб, картографик маълумотларга кўра жойнинг рақамли моделини тузиш, ортофотопланларни тайёрлаш ва амалда жорий этишдан иборатдир. Лекин картографиянинг бугунги ривожланиш даражаси карта тўғрисидаги тасаввурга яна иккита биринчи даражали аҳамиятга молик бўлган тамойилни киритишни тақозо этади. Карталар ҳақидаги тасаввур – борлиқни образли-белги моделлари сифатида илмий картографиянинг предмети – табиат ва жамият объектларини, уларнинг жойланиши, хусусиятлари, ўзаро алоқадорликлари ҳамда вақт мобайнида ўзгаришларини карталар ва бошқа картографик моделлар воситасида акс эттириш, тадқиқ қилишдан иборат, деб ҳисоблашга имкон беради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Салищев К.А. Картоведение. – Москва: Издательство Московского университета, 1990. – С. 257, 369, 370.
2. ЎзМА Р-9 фонд, 1-рўйхат, 1520-иш, 19-варақ.
3. Раҳимбеков Р.У. Из истории изучения природы Средней Азии. – Ташкент.: “Ўқитувчи”, 1970. – С. 71-87.
4. Гальков Ч.В., Раҳимбеков Р.У., Югай Р.Л. Ўзбекистон карталари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – Б. 96-97.

ТУРКИСТОН ЖАДИДЛАРИНИНГ СИЁСИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАРИХИ: “ИТТИҲОДИ ТАРАҚҚИЙ” ДАН “ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ БИРЛИГИ”ГАЧА

Жамолова Мафтуна

Когон тумани 1-ИДУМ ўқитувчиси

Туркистон ўлкасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва улар томонидан мамлакатда мустамлакачилик сиёсатининг амалга оширилиши маҳаллий тараққийпарварларни қаттиқ ташвишга сола бошлади. Советлар томонидан маҳаллий аҳолига қилинган жабр-зулм ва халқ бойликларининг Россияга ташиб кетилиши Ватан фидойиларини озодлик учун сиёсий кураш бошлашига сабаб бўлди. Жадидларнинг асосий мақсади, аввало, халқни босқинчиларга қарши маънан ва ақлан тарбиялаш, ўз кадр-қимматини англаштириш бўлди. 1917 йилда Туркистон жадидлари ўзларининг янги сиёсий ташкилотлари “Иттиҳоди тараққий” га асос солдилар. Бу ташкилот Туркия муҳожирлари ёрдамида тузилиб, унга Усмонбек раислик қилган. “Иттиҳоди тараққий” совет ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини танқид қилиш, ёшларни сиёсий фаоллаштириш ва мактаб ишларини ислоҳ қилиш билан машғул бўлган.

“Иттиҳоди тараққий” ҳақида Мунаввар Қори жамият дастурини туркиялик муҳожирлар Усмонбек ва Ҳайдар афандилар тузганлиги, уни туркчадан ўзбек тилига ўзи таржима қилгани ва 1917 йил август ойи охирларида тараққийпарварларнинг Усмонбек раислигида бўлиб ўтган йиғилишида бу дастур қабул қилинганини ёзади. Ташкилот тузилган пайтда аъзолар сони 50 тадан ошмаган. Жамиятнинг моддий маблағи унинг аъзолари ўз ихтиёри билан берадиган бадал асосида ташкил этилган бўлиб, ҳар бир кишининг моддий имкониятига қараб, 100 сўмдан 250 сўмгача қилиб белгиланган. Жамиятга аъзо бўлувчилар тараққийпарварлик мафкурасига эга бўлиши, жамият марказининг ҳар қандай буйруқларига итоат қилишга ваъда бериб, Қуръон ва қуролни ушлаб қасамёд қилиши шарт бўлган.

Жамиятнинг олдида турган асосий вазифа ўқув юртлари сонини кўпайтириш, мактаблар қошида катталар учун саводсизликни тугатиш курслари очиш ҳамда тўғарак ва жамиятлар ташкил этиш, совет ҳукумати ағдарилганда, Туркистон мухториятини сақлаб қолиш

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

мақсадида тараққийпарварларнинг янги кучини тайёрлашдан иборат бўлган.

Бу ташкилот ўз фаолиятини ташкиллаштиришда Туркиядаги “Иттиҳод ва тараққий” (1889-1918) ташкилотидан ёрдам сўраган ва икки марта махсус вакиллари Туркияга юборган. Аммо ҳар иккала вакиллик ҳам мақсадига эриша олмаган. Биринчи вакиллар Садирхон ва Саидносир Миржалиловлар бўлиб, 1918 йил Истанбулга борганда, Ёш турклар ҳукумати мағлубиятга учраган ва ташкилот аъзолари муҳожирликка кетган эди. Шунинг учун улар белгиланган кишилар билан учраша олмай Тошкентга қайтадилар. Иккинчи делегациянинг бориши 1919 йилда режалаштирилган бўлиб, унинг таркибига Тошкентдан Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев ва Саидносир Миржалилов, Самарқанддан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мардонқул ва Муҳаммадқуллар кирган эди. Бу делегациянинг яширин топшириқ билан Туркистондан чиқиб кетишидан ЧК (совет ҳокимиятининг фавқулодда комиссияси) ходимлари хабар топган. Натижада Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев Москвада, Саидносир Миржалилов Тифлисте яширинишга мажбур бўлган. Маҳмудхўжа Беҳбудий эса Шаҳрисабзда ушлаб олиниб, Бухоро амири одамлари томонидан қатл этилган.

Бу воқеалардан кейин, “Иттиҳоди тараққий” ташкилоти фаолияти биров сусаяди. 1919 йилда “Иттиҳоди тараққий” “Миллий иттиҳод” номи билан қайта ташкил этилади ва 1926 йилгача фаолият олиб боради. Ташкилотнинг марказида дастлаб турк муҳожирларидан Муҳаммадбей, Сулаймон Сами, Садриддинхонлар, кейинчалик Турор Рисқулов, Саъдулла Турсунхўжаев, Мунаввар Қори, Низомиддин Хўжаевлар турган. Бу сиёсий уюшмага жадиждардан ташқари, уламолар ва савдогарлар ҳам аъзо бўлган.

“Миллий иттиҳод” ташкилотининг асосий мақсади совет ҳокимиятининг Туркистондаги таъсирини пасайтириш ва маҳаллий комиссарликларнинг мустақиллиги учун курашдан иборат бўлган. Жамият аъзолари марказга сиёсий ва иқтисодий мустақилликни ифода этувчи талабнома тайёрлайдилар. Ушбу талабномада Туркистонда Турккомиссия фаолиятини тугатиш; Туркистонга ўз ҳукумати тасарруфида бўлган қуроли кучлар, миллий армия сақлаш учун имконият бериш; темир йўллари Туркистон ҳукумати тасарруфига бериш; почта, телеграф, телефон соҳаларини Москва аралашувисиз идора этиш учун Туркистон ҳукуматига топшириш;

Шарқ давлатлари билан алоқаларни Туркистон ҳукуматининг ўзига топшириш каби масалалар илгари сурилган. Аммо бу талабларнинг бирортаси марказ томонидан бажарилмайди.

1926 йилда жаидларнинг ташаббуси “Иттиҳоди тараққий” ва “Миллий иттиҳод” ташкилотларининг давомчиси “Миллий истиқлол” ташкилоти тузилган. Бу ташкилот фаолиятида Азиз Лазиззода, Салимхон Тиллахонов ва Ғофиржон Мусахоновлар етакчилик қилган. Ташкилотнинг бутун республикадаги махфий фаолиятини Мунаввар Қори бошқарган.

Бу ташкилот фаоллари мустақилликка эришишнинг асосий йўлларида бири ҳукумат ва бошқа давлат корхона, идора ҳамда муассасалари раҳбарларини маҳаллий кадрлар билан алмаштиришдан иборат деб билди. Шунинг учун ҳам улар комфирқанинг “маҳаллийлаштириш сиёсати”дан усталик билан фойдаланди ва қатор давлат лавозимлари ушбу уюшма аъзолари томонидан эгалланди.

“Миллий истиқлол” ташкилоти 1929 йил октябрда СССР Бирлашган Бош Сиёсий Бошқармаси (ОГПУ) томонидан фош этилади. 6 ноябрда 26 киши, кейинчалик жами 87 киши қўлга олиниб, бир йилу беш ой давомида дастлаб Тошкентда, кейин Москвада тергов қилинган. 1931 йил 25 апрелда уларнинг устидан СССР Бирлашган Бош Сиёсий Бошқармасининг судлов коллегияси ҳукм чиқаради. Коллегия уларнинг 15 тасига отув, шулардан 6 тасини 10 йиллик концлагерга алмаштириш шарти билан, 25 тасига 10 йиллик, 21 тасига 5 йиллик, 15 тасига 3 йиллик концлагерга юбориш, 3 тасига СССРнинг 12 та белгиланган шаҳарларида яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

Ташкилотнинг биргина аъзоси Муҳаммедов Мадхиддин Салихович жаидчиликка сиёсий баҳо бериб, дўстларини сотганлиги учун қамоқдан озод қилинади. Унинг сиёсий бошқармага ёзган хатларидан бирида: *“Агар жаидларнинг ҳозирги мафкурасига назар солсак, улар совет ҳокимиятининг ашаддий душмани эканликларини, бу ҳокимият қачон қулар экан, деб интиқ бўлаётганларини осонгина билиб оламиз. Қулашига эса улар қатъий ишонадилар. Улар совет ҳокимиятининг чет душманлари билан бир сафдадилар ва бу ҳокимиятни тугатишда иштирок этиш ниятлари бор. Душман хоҳ ичдан, хоҳ ташқаридан қачон бу ҳокимиятга қарши ҳаракат бошлайдию, қачон бу кураш авжига минади – улар шуни кутмоқдалар”*, деб ёзган.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Жадидларнинг яна бир сиёсий уюшмаси 1921 йил 2-5 августда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган конгрессда дастлаб “Ўрта Осиё миллий мусулмон жамиятлари федерацияси”, кейинчалик “Туркистон Миллий Бирлиги” номи билан тузилган ташкилотдир. “Туркистон Миллий Бирлиги” ташкилотининг асосий мақсад ва вазифалари истиқлолга эришиш; демократик жумҳурият ва миллий қўшин тузиш; иқтисодни бошқаришни, темир йўллар, суғориш иншоотлари фаолиятини Туркистон истиқлоли манфаатларига мувофиқ тарзда ташкил этиш; маорифни замонавий даражага кўтариш ва Европа маданияти билан танишишни Россиянинг воситачилигисиз йўлга қўйиш; мактаблар ташкил этиш, табиий бойликлардан фойдаланиш, миллий масалаларни ҳал этишда ерли аҳолининг миллий манфаатларини эътиборда тутиш ва кўзлаш; диний эркинлик бериш, динни дунёвий ишларга аралаштирмасликдан иборат бўлган.

Ташкилот фаолиятида Фитрат, Чўлпон (1898-1938), Отаулла Хўжаев (1880-1937), Саъдуллахўжа Турсунхўжаев (1891-1938), Мукамил Бурҳонов (1884-1938), Муинжон Аминов (1890-1938), Абдулқодир Муҳитдинов (1892-1937), Ҳожи Сафо Жўрабоев, Салимхон Тиллахонов (1900-1931), Миён Бузрук Солиҳов (1891-1938) ва бошқалар фаол қатнашганлар.

1921 йил сентябрда Самарқандда Туркистон Миллий Бирлиги ташкилотининг олтинчи конгресси бўлиб ўтади. Унда жамиятнинг 24 банддан иборат Устави ва Туркистон байроғи қабул қилинган. 1921 йил 6 сентябрда қабул қилинган Туркистоннинг Миллий байроғи бинафша рангда бўлиб, унинг асоси қилиб, X асрда ҳукмронлик қилган қорахонийлар ва салжуқийлар давлати байроқлари танланган. Байроқни тайёрлаш ишида Заки Валидий, Мунаввар Қори ва Тўрақул Жонузоқовлар иштирок этган.

1922 йил сентябрда Тошкентда Туркистон Миллий Бирлиги ташкилотининг 16 нафар аъзоси иштирокида махфий йиғилиши бўлиб ўтади. Унда Валидийга Европага кетиб, Мустафо Чўқай билан Туркистон Миллий Бирлиги ташкилотини чет элда тузиш вазифаси қўйилади. 1923 йилдан бошлаб бу ташкилот аъзоларини ЧК таъқиб остига олади. Натижада “Туркистон Миллий Бирлиги” раҳбарлари ва аъзолари бу ташкилот фаолиятини тўхтатишга қарор қиладилар.

Туркистон Миллий Бирлиги хорижда самарали фаолият кўрсатади. 1923 йил 26-28 июнда Кобулда Валидий раислигида ташкилотнинг кенгаши бўлиб, унда Усмон Хўжа, Ҳошим Шойиқ,

Мирзо Исомиддин ва бошқалар қатнашади. Кенгаш қарорига кўра, Валидий раис, ташкилот аъзоларидан Усмон Хўжа Туркияга, Абдулҳамид Орипов Кобулга, Мустафо Чўқай Европага, Ҳошим Шойиқ Японияга вакил этиб тайинланади. Шунингдек, Туркистон Миллий Бирлигининг марказини ташкил қилиш вазифаси ҳам белгилаб олинади. 1927 йилда Истанбулда Туркистон Миллий бирлигининг биринчи қурултойи бўлиб ўтади ва ташкилотнинг Туркиядаги фаолияти бошланади. Туркистон Миллий бирлиги етакчиларидан Мустафо Чўқай ташкилотнинг мақсад ва ғояларини тарғиб қилиш учун матбуот органига асос солади ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Усмон Хўжа муҳаррирлигида чиққан “Янги Туркистон” (1927 йил июнь – 1932 йил сентябрь, Истанбул ва Берлин) ва Мустафо Чўқай муҳаррирлигида чиққан “Ёш Туркистон” (1929 йил декабрь – 1939 йил август, Париж ва Берлин) журналлари ташкилотнинг матбуот органи ҳисобланган. 1929 йилдан 1942 йилгача Мустафо Чўқай томонидан бошқарилган Туркистон Миллий Бирлиги ташкилоти жаидларни бир жамиятга бирлаштириб, ҳамкорликда ҳаракат қилишларини таъминлай олган.

Хулоса қилиб айтганда, совет ҳокимияти Марказий Осиёда мустақамланиб олгач, Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (ТАССР), Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ва Хоразм Халқ Совет Республика (ХХСР)ларининг ички ишларига назоратни кучайтирди. Унинг мустамлакачилик сиёсати, зўравонлиги ва маҳаллий шароитни инобатга олмай, халққа ўтказётган жабр-зулми зиёлиларни сиёсий бирлашмаларга асос солишлари ва озодлик ғояларини тарғиб қилишларига сабаб бўлди. Жаидлар “Иттиҳоди тараққий”, “Миллий иттиҳод” ва “Туркстон Миллий Бирлиги” каби ташкилотлар тузиб, ўз мақсадларини шу сиёсий уюшмалар орқали амалга оширишга интилдилар. Бу ташкилотлар аъзолари дастлаб жамиятнинг барча жабҳаларида ислоҳотлар ўтказиш, миллий матбуотга асос солиш, мухторият тузиш учун курашган бўлсалар, Туркистон мухторияти қонга ботирилгач, совет режимига қарши миллий озодлик ҳаракатларини ташкиллаштириш, кўрбошилар фаолиятини бирлаштириб, уларни қизил армияга қарши курашга йўналтиришда жонбозлик кўрсатдилар. Мустамлакалардан маҳрум бўлишни истамаган советлар озодлик учун курашаётган жаидларга турли айбловлар қўйиб, уларни пантуркист, панисломист,

империализм жосуслари, буржуа ёт унсурлар деб атадилар ҳамда 1930, 1937-1938 йилларда оммавий қатағон қилдилар.

Жадидлар ташаббуси билан XX аср бошларида ташкил этилган сиёсий ташкилотларнинг фаолияти тарихини алоҳида тадқиқот доирасида ўрганиш, Ватан озодлиги, юрт фаравонлиги учун курашган жадид боболаримизнинг номларини абадийлаштириш, уларнинг фидойилигини ёш авлодга ибрат қилиб қилиб кўрсатиш тарихчи олимлар олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдурашидхонов М. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар). Нашрга тайёрловчи С.Холбоев. Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 22.
2. Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи С.Аҳмедов. Тошкент: Маънавият, 2003 – Б. 213-214.
3. Мактубларга инган ҳасратлар // Тарихнинг номаълум саҳифалари. - № 8. Тошкент: Akademnashr, 2018. – Б.198.
4. Туркистон жадидчилиги – миллий уйғониш даври тарихи (XIX аср охири – XX аср бошлари). Наманган: “Наманган” нашриёти, 2012. – Б. 282.
5. Ўзбегим. “Звезда Востока” журнали кутубхонаси. Тошкент, 1992. – Б. 171.
6. Zeki Velidi Togan. Natiralar (2-baski). - Ankara, 1999. – S. 318.
7. Бу ҳақда қаранг: Зияева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракатида зиёлиларнинг ўрни // Марказий Осиё XX аср бошларида: ислохотлар, янгиликлар, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш. Халқаро конференция материаллари. Тошкент: Маънавият, 2001. – Б. 103.
8. Ражабов Қ. Жадидлар ва уламолар совет ҳокимиятига қарши қуроли курашнинг ғоявий асосчиси ва ташкилотчилари. – Б. 293-294.
9. Zeki Velidi Togan. Natiralar (2-baski). - Ankara, 1999. – S. 353.
10. “Туркистон Миллий Бирлиги”на таъқиб // Янги Туркистон, (Истанбул) 1927. № 7. Б. 11-15.
11. Zeki Velidi Togan. Bugünkü Türkili Türkistan ve yakin tarihi. Istanbul, 1981. - S. 484-485.
12. Tahir Çagatay. Kizil empryalizm. IV-kitap. Ankara, 1969. - S. 22.
13. Аҳад Андижон. Туркистон учун кураш. Туркчадан Тоҳир Қаҳҳор таржимаси. Тошкент: “Тафаккур”, 2017. – Б. 257.

ИСТОРИЯ ЧАЯ В АНГЛИИ

(XVI-XIX в.в.)

Маматова Махфуза Бахриддиновна

Докторантка Каршинского государственного университета

XVI век был периодом Великих географических открытий и европейцы начали узнавать все больше о Востоке. Португальцы первые пришли в Китай уже в 1516 и с этого времени начался торговля с Европой по морскому пути.

В Европу чай впервые был завезен португальцами в 1517 году и получил распространение в узком кругу португальского королевского двора. Из-за этого в первые годы европейской торговли с Китаем и Японией не было зарегистрировано ни одного случая транспортировки чая, но миссионеры-иезуиты, которые рано проникли в обе страны, познакомились с чайным напитком и отправили отчеты о нем в Европу.

Португальский иезуитский священник Жаспер де Круш первый описывает чай в своей книге. Вернувшись в Португалию в 1560 году, он опубликовал первое уведомление о чае на португальском языке.

Первое упоминание о чае в европейской литературе был в 1559 г., венецианец-итальянец Джованни Баттиста Рамусио (1485-1557) в своей книге «Навигация и путешествии» («*Navigazione et Viaggi*») в описании Китая содержали упоминание о чае. Рамусио, будучи секретарем Венецианского совета, собрал редкую коммерческую информации и познакомился со многими известными путешественниками, среди которых был Хаджи Магомед или Чаджи Мемет, персидский купец, которому приписывают первые знания о чае в Европе.

Еще одна новость о чае достигла Италии в 1565 году в письме отца Лоуса Алмейды, миссионера в Японию. Как писал отец Альмейда: «Японцы очень любят траву, приятную на вкус, которую они называют чиа».

Хотя в 1559 году в Венеции был опубликован рассказ о чае, но только в 1588 году это было снова отмечено в итальянской книге. Когда Джованни Маффей, выдающийся итальянский автор, напечатал в

Флоренции Письма 1565 г. отца Альмейды в обширной работе под названием «Четыре книги избранных писем из Индии», в часто цитируемой Маффеем Исторической Индии, опубликованной в Риме в том же году.

Во Франции чай стал известен с 1636 года, а в Россию был завезен в 1638 году. Англия приветствовала чай в 1650 году и говорила о нем как о «прекрасный, одобренный всеми врачами китайской напиток, именуемый китайцами «ча», другими народами «тей»».

В 1664 году Ост-Индская компания купила у голландцев два фунта чая и вручила в качестве подарка королю Англии Карлу II. Супруга короля, португальская принцесса Катарина Брагансская приучила пить чай английскую знать. С тех пор чайный напиток получил повсеместное распространение в Западной Европе.

«Чай» в Англии использовался почти с самого начала для обозначения любого случая, например приема, на котором подавался чай, а «время чая» обозначало час для такого развлечения. Но «чай», как легкая трапеза, которую подают с чаем в качестве ужина, восходит только к XVIII в. В 1780 году религиозный реформатор Джон Уэсли писал, что можно познакомиться со всем обществом «за завтраком и чаем», подразумевая, что чай к его времени стал признанной едой.

Истинно английским чайным «изобретением» был и остается традиционный «Five o'clock tea» или «Afternoon tea» – послеобеденный чай. Но обычаев послеобеденного чая в XVII в. можно встретить в книге Саутерна «Оправдание жены» (1692), ссылая на письмо мадам де Севинье (1626–1696).

Однако за обычай пить послеобеденный чай как отдельную и определенную функцию, мир обязан герцогине Анне, жене семнадцатого герцога Бедфордского (1788-1861). В XIX в. люди ели потрясающий завтрак. Обед был своего рода пикником без прислуги. До 8 часов вечера другой еды не было, после чего чай подавали в гостиной. Герцогине Бедфорд показалось утомительным после легкого ланча в начале дня дожидаться вечернего обеда. Чтобы утолить приступы голода, она собирала подруг на чай с легкой закуской. Мода оказалась устойчивой, в середине XIX в. она пленила весь цвет лондонского общества, и чайные мастера стали составлять букеты чая, наиболее приятные для легкой дневной трапезы, особенно

для дамского круга. Он появился в XIX в. в пик моды на светские «чайные посиделки». В 1851 году в Англии даже был издан специальный закон об обязательном 15-минутном перерыве для чаепития для рабочих и служащих.

В 30-е г. XIX в. чай стал союзником реформаторов воздержания в борьбе с алкогольными напитками в Англии. «Чайные собрания», как их называли, проходили в Ливерпуле, Бирмингеме и Престоне. Посещаемость достигала 2500 человек, и всем приходящим угощали чаем. Столы были накрыты чайным инвентарем с вкраплениями цветов и вечнозеленых растений.

Именно черный чай появился в Лондоне лишь в 1839 году и вскоре приобрел огромную популярность. Росту популярности черного чая способствовало появление подделок зеленого чая (фальсификаторы смешивали зеленый чай с листьями других растений) это вывело черный чай на лидирующие позиции. В те времена считалось, что черный и зеленый чай - разные растения. Лишь спустя некоторое время стало известно, что они отличаются способом обработки.

Сегодня чай является вторым по популярности напитком в мире после воды. Во всем мире каждую секунду выпивается 25000 чашек чая – около 2,16 миллиарда чашек в день [6]. Вот уже почти пять тысяч лет этот удивительный напиток дарит нам тепло, гармонию и неповторимый вкус.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Reade A. Tea and tea drinking. – London, 1884. – PP. 32-48.
2. William H.Ukers. All about tea. Volume 1. – NY: The tea and coffee trade journal company, 1935.. – P. 23, 24, 25.
3. William H.Ukers. All about tea. Vol. 2. – NY: The tea and coffee trade journal company, 1935. – P. 401
4. Семёнов В. Чайные рецепты и чайные секреты. – М.: «Олма-Пресс», 2002. – С. 38.
5. Кобзева О., Закирова М. Шелковый путь в потоке истории. – Т., 2007. – С. 209.
6. Bolton D. Tea consumption second only to packaged water. // URL: <https://www.worldteanews.com> (дата обращения 10.08.2020).

QUYI ZARAFSHON VOHASI DEHQONCHILIK
AN`ANALARI

Jumayeva N.A

Buxoro tarixi kafedrasi katta o'qituvchisi

XIX asrning oxiri – XX asr boshlarida Buxoro , Karmana va Qorako`l vohalarini o`z ichiga olgan Quyi Zarafshon vohasida dehqonchilik madaniyatining o`ziga xos an`analari yuzaga kelgan . Bu an`analar avvalambor dehqonchilik texnikasi va mehnat qurollari bilan bog`liq bo`lgan .

Insoniyat hayoti, xo`jalik faoliyati ko`p jihatdan dehqonchilik ishlab chiqarishiga bog`liq bo`lib , mehnat qurollari uzoq o`tmishdan qolgan shakllarda edi . Yerni haydab shudgor qilish , yoki ekinlarga ishlov berish qo`sh-ho`kizlar yordamida amalga oshiriladi , shuning uchun ishchi hayvonlarning buxoroliklar hayotidagi ahamiyati nihoyatda baland bo`lgan. Ishchi hayvonlarni yaxshi oziqlantirish , ularni asrab avaylash hayotiy zaruriyatga aylangan edi. Kuzgi shudgor paytida ham asosiy ishchi kuchi qo`sh-ho`kizlar bo`lib , ular qo`shilgan omochlarda yer haydalar , shudgor qilinar edi. Erta bahorda esa yerni ekishga tayyolash, six mola qilishda ham asosiy ishchi hayvon ho`kizlar, ba`zan otlardan foydalanilar edi. Bahorgi yumushlar qizigan mart – aprel oylarida kunlar uzayib , havo harorati ham ko`tarilib borar , bunday sharoitda ayniqsa qishdan “ eti yupun bo`lib , yoki yo`g`on cho`zildi – ingichka uzildi“ bo`lib chiqqan jonivorlarning xizmatidan foydalanish barobarida ularni asrab – avaylash ham zarur bo`lgan .

Qadimgi buxoroliklar ishchi hayvonlarni yaxshi oziqlantirish bilan birga ularni salqin vaqtda , ko`proq tunda va erta saharda ishga solganlar. Bahorgi yumushlar qizigan pallada ishga solingan ho`kizlarga nisbatan “ gava pushtash oftoba nabinad”-Ho`kizning tanasi quyosh ko`rmasin iborasi shundan shundan kelib chiqqan bo`lib , ho`kizlarni, umuman ishchi jonivorlarni quyosh tig`ida ishlatmasdan, ularni asrab – avaylash , ishni salqin vaqtda amalga oshirish lozimligi nazarda tutilgan.

Erta bahorda yerlarni ekishga tayyorlash , ekishni o`z vaqtida o`tkazish ham alohida tayyorgarlik va tajribalarni talab qilgan. Buxorolik Bobodehqonlar bahorning har bir lahzasidan unumli foydalanib ekish – tikish ishlarini o`z vaqtida amalga oshirishga harakat qilganlar. Bahorning

har daqiqasini g`animat bilib , ekishni ertaroq amalga oshirishga intilganlar. Xalqda “sepilgan urug` ho`kizning tanasiga tegmasin” iborasiga bahorgi ekish paytida erga sepilgan urug` ishchi jonivorlarning tanasiga tegilib erga tushguncha vaqt boy beriladi, degan ma`no anglatgan.

Yerga ishlov berish , ekinlarni parvarishlash borasida ham an`anaviy usullar asosida katta tajriba to`plangan. Ota bobolarimiz bir qator agrotexnik usullarni kashf qilganlar. Shulardan biri oq jo`xori ostini to`pchalash usulidir.

Ma`lumki xalqimiz oshxonasida go`ja taomi qadimdan mavjud bo`lib, uni asosan oq jo`xoridan tayyorlashgan va qatiq qo`shib iste`mol qilingan. Oq jo`xorini yetishtirish esa boshqa ekin turlariga qaraganda alohida agrotexnika talab qilgan. Buning uchun mahalliy o`g`itdan yaxshilab to`yintirilgan , suvga qulay joy tanlanib ekin ekilgan. Ekin qator orasi, butalar oralig`i 40 -50 sm dan kam bo`lmasligi kerak bo`lgan. Ekin unib chiqqandan so`ng uni yagonalab , begona o`tlardan tozalab turilgan.

Buxoroning issiq va quruq havo sharoiti , suv tanqisligi davrida balandligi bir metrcha keladigan oq jo`xorining har bir tubiga alohida – alohida ishlov berilib,osti yumshatilib,yumshoq tuproqdan kunda ostiga tortilib, to`pcha qilingan . Buning natijasida nam uzoq saqlangan va butaning mustahkamligi, shamol va tabiiy ofatlarga bardoshligi oshgan . Oq joxori 2 - 2,5 metr balandlikkacha o`sib , har bir tubi 3 – 4 tagacha bosh bog`lagan yoki har bir tubdan kamida bir kilogacha hosil olingan. Qishloq joylarida yashovchi buxoroliklarning ayvonida uzun qator qilib osib qo`yilgan oq jo`xori boshlarini kech kuzgacha uchratish mumkin edi. Yozning issig`ida obdon qurigan oq jo`xori boshlari yanchilib , doni sovurilib olingan , yaxshilab tozalanib, alohida quruq joyda saqlangan. Kuz va qish mavsumlarida uning donidan go`ja taomi pushirilib iltemol qilingan

Buxoro an`anaviy dehqonchiligining yana bir usuli poliz mahsulotlaridan qovun va tarvuz etishtirishda qo`llangan “Varqoni” usulidir. Bu usul haqidagi ma`lumotlarni tarixiy yozma manbalarda uchratmadik. Axborotchilarning xotiralariga suyanib fikr yuritdik.

Buxoro vohasining o`ziga xos iqlimi va tuproq sharoitida poliz mahsulotlari yetishtirish alohida qunt va tajriba talab qilgan. Zarafshon daryosining serunum tuproqli adog`lari , katta kanallarning to`g`on

atroflari suvga serob , sernam va yumshoq bo`lib , daryo va kanallar oqizib kelgan loyqadan to`yinib , unumdorligi oshgan joylar edi. Bunday joylarda poliz ekinlaridan qovun va tarvuz ekilsa yuqori hosil berar edi. Ekilgan qovun unib chiqib , palak otib gulga kirgach,suvga bostirib sug`orilgan yoki toshqin bo`lsa suv ostiga qolgan. Bu holda yer tobga kelgach ag`darma chopiq qilinib , har bir tup ostiga tuproq to`pcha qilingan . Bu usulni suv inshootining bosh qismi to`g`on nomi bilan yoki qadimgi so`g`diy tilida “varq ” - “to`g`on nomi bilan “Varqoni” deyilgan . Varqoni – to`g`on boshi dehqonchiligi bo`lib , etishtirilgan poliz mahsulotlari serob va nihoyatda mazali bo`lgan.

An`anaviy Buxoro dehqonchiligida poliz ekinlarini yagonalashda alohida e`tibor qaratilgan. Xalqda “bir palakdan ikki qovun , ikki palakdan bir qovun” iborasida qovun,tarvuz,qovoq va boshqa ekinlarni o`z vaqtida yagonalashning nihoyatda zarurligi ko`rsatilgan.

Shunday qilib, XIX arsning oxiri-XX asr boshlaridagi buxoroliklar og`ir sharoitlarga qaramay o`zlarining asriy tajribalari asosida,ananaviy ehqonchilik usullari yordamida mo`l-ko`l hosil yetishtirishga muvaffaq bo`lganlar.

ADABIYOTLAR:

1. Dala etnografik ma`lumotlari,axborotchi Shodi Ro`ziyev, 1980-y.(Ahmad Jumayevning shaxsiy arxividan)
2. (Ho`kizning tanasi uyosh ko`rmasin) Dala etnografik ma`lumotlari. Axborotchi A.Jumayev , 2012yil.
3. Dala etnografik ma`lumotlari . Axborotchi Jo`rayev R. 2003 yil
4. Dala etnografik ma`lumotlari . Axborotchi Jumayev A. 2020 yil

REFORMS IN THE FIELD OF ARCHIVAL SYSTEM IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Xasanov Miralisher Mirsaid o`g`li

National University of Uzbekistan

In order to improve public administration and control in the field of archives and office work in the Republic of Uzbekistan, to further accelerate the digitization of paper, film, photo and phono documents, as well as five priority areas for development of the Republic of Uzbekistan in

2017-2021. In accordance with the Action Strategy and in accordance with the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to improve archival work and record keeping in the Republic of Uzbekistan" dated September 20, 2019 № PF-5834 3 central state archives were given national status and National archives were created on the basis of central state archives.

Since independence the archival system have been gradually reformed. Regulation of normative documents in the system of archives in the Republic of Uzbekistan, storage, digitization of archival documents, on going international cooperation, attraction of grant funds in this area, training of archivists abroad, reconstruction and technical modernization of state archives a number of laws and by-laws have been adopted. We can include laws, decrees, regulations, instructions, rules, orders in the laws and regulations of the Republic on archives.

For example: 1). Laws in the system of archives. 2).Decisions on the activities of archives. 3).Regulations in the system of archives.

In the process of transition to market relations in Uzbekistan, many private and non-governmental organizations, enterprises and their archives have emerged. The departmental archives of non-governmental organizations are their property. At the same time, the Regulation on the National archive fund of the Republic of Uzbekistan, approved by the Cabinet of Ministers on October 30, 1999, stipulates that "non-governmental legal entities and individuals shall be included in the archives established for storage of documents of the non-governmental archive fund. They provide constant storage in their fields. Documents stored on a permanent basis and documents on personnel (documents on length of service, salary, training, bonuses, etc.) without the consent of the bodies and institutions of the Agency "Uzarchive" under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan it cannot be destroyed by non-governmental and legal entities and individuals. " According to the Regulations of the NAF of the Republic of Uzbekistan, non-governmental legal entities and individuals can transfer their documents to the state archives, museums and libraries. In the event of the death of a non-governmental organization or the owner of a private archive, in the absence of heirs and legal heirs, their documents shall be transferred to the state property and transferred to the state archives for permanent storage.

State archives provide methodological assistance in the compilation, storage, and use of documents, and may provide paid services for scientific and technical processing of documents, development of normative documents on office work, repair and binding of collections¹⁰.

“On measures for the reconstruction and technical modernization of the Central State Archives of the Republic of Uzbekistan with the involvement of grants from the Government of the Republic of Korea” adopted by the First President of the Republic of Uzbekistan Islam Karimov on August 21, 2008. As a result of the implementation of the decision, significant results have been achieved in a short period of time. In particular, a single information network has been created between the three state archives. The installation of servers and other equipment in the archives allowed to create a large single database of data stored in all state archives¹¹. In the future, it is planned to unite all the archives of the country into a single network. In addition, information kiosks have been installed in the state archives of the center and the capital to make it easier for users to search for the necessary information, which includes catalogs of the most valuable documents and legislation governing the archives of the country. To date, the kiosks contain information about the databases of 11,248 organizations, personal documents stored in the archives of the city of Tashkent, as well as documents of 2,545 organizations stored in the departmental archives¹².

Approved by the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated August 26, 2008 №194 "On additional measures for further development of archival work in the Republic of Uzbekistan" "Archive in the Republic of Uzbekistan until 2011 Construction of 18 new archive buildings and reconstruction of 1 archive building.

During 2009-2013, 19 new archive buildings were built and 5 archive buildings were reconstructed at the expense of centralized sources (budget funds). As a result, the number of buildings on the balance of the archives increased from 21% in 2006 to almost 95% in 2013. This created the ability to store documents in 2.7 million storage units¹³.

¹⁰Official site of the archival agency. www.archive.uz

¹¹Исакова М. Становление и развитие архивного дела в Узбекистане. – Тошкент: Университет, 2012.-6.173.

¹²Rashidov O.R. O'zbekistonda arxiv ishi tarixi. –T: Navro'z, 2019.- bet.87

¹³Official site of the archival agency. www.archive.uz

Much attention was paid to the implementation of the most important priorities of the development of the field in 2017 by the “Uzarchive” Agency on Archives¹⁴. In this regard, effective work has been done to improve the material and technical base of archival institutions, to ensure the preservation of the National archive fund and to further improve the methods of storing documents. The programmers of our country have developed a special computer program for archival institutions "Registration of archival data". All manual calculations will now be done automatically. This not only saves time, but also prevents mistakes when filling out documents.

Information and communication technologies have penetrated into all spheres of human activity, including the work of archival institutions. The introduction of new acts in the activities of archives and libraries will expand the possibilities of documentary information, including remote access, analysis of archival data. This, in turn, provides new tools for archiving, allows you to print documents and information in the most modern electronic forms. It serves to integrate the information resources in the archives into the global cyberspace.

Relations arising in the formation, storage and use of archives in Uzbekistan and the activities of archival institutions of the Republic of Uzbekistan are regulated by the Law of the Republic of Uzbekistan "On Archives" (June 15, 2010). In this sense, taking into account the work to be done in the National archive system, the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to modifying archival work and record keeping in the Republic of Uzbekistan"¹⁵ dated September 20, 2019, № PF-5834 According to the decree , the following are the main directions of improvement of archival work and office work, and the following¹⁶:

- Accelerated introduction of modern information and communication technologies in archival work and office work, gradually digitization of documents of the National archive fund of the Republic of Uzbekistan and creation of insurance copies;

¹⁴ Xasanov M., Normative dokumente zur reform der archivtätigkeit in Den jahren der unabhängigkeit der Republik Usbekistan.// DIGEST OF ARTICLES Science research, development #26. 15.02.2020. Berlin. P-87.

¹⁵ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasida arxiv ishi va ish yuritishni takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2019 yil 20-sentyabridagi PF-5834-son farmoni.//Xalq so‘zi.2019. 21-sentabr, son-197(7427) B.1-2.

¹⁶ Khasanov M.M., The work done to improve archival system in the Republic of Uzbekistan.// O‘zbekistonda arxiv sohasi rivojlanishi istiqbollari va ilmiy-amaliy tadqiqotlar mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumanlar maqolalari to‘plami. Toshkent. 2020. B-119.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

- Increase the number of users of archival information by unanonymizing activating archival documents;
- Organizing of step-by-step provision of archival services through the centers of public services and the single interactive state services portal;
- Strengthening the material and technical base of the archives and further modernization of the infrastructure, the introduction of modern methods of collecting, archiving, storing and using archives;
- Introduction of modern principles of personnel policy formation through the introduction of advanced and transparent organizational and legal mechanisms for selection, training, retraining and advanced training of archives and office personnel;
- Creating favorable conditions for improving the financial incentives of the sphere industry workers;
- Development and implementation of advanced and transparent mechanisms for the implementation of public administration in archives and records management¹⁷.

It is aimed at full coverage of all archival documents available in the territory of Uzbekistan, preservation of the integrity of the National archive fund of the Republic of Uzbekistan. Managing and supporting the National archive is about preserving the historical and cultural heritage of our people through the archival sector. Today, by supporting archives in the National archive System of the world, it is understood that¹⁸, as stated in the Journal of Archival Practice and Principles and John Riedener's "Intellectual History of Archival Theory", the legal framework for organizing work in the archival network activities such as the development of documents, the creation of conditions for the activities of archives, the development of guidelines for the activities of state and non-state archives, the development of standards for working with documents. For example, the private sector in the business system will develop an additional program for document evaluation and archiving. These programs reflect the following; analysis of the business system for the collection of fundamental data, the type, location, physical condition of the

¹⁷Paragraph 7 of the September 20, 2019 PF-5834 decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On Measures to modifying archive work and record keeping in the Republic of Uzbekistan". Xalq so'zi. 2019. September 21. Issue 197 (7427) . -P.1-2.

¹⁸JhonRidener. From polders to postmodernism: an intelectual history of archival theory. USA, 2017.P.200.: Archive Principles and Practice. Crown copyright. 2011. Page 19.

documents, the building for their storage, the timing and use of the collection of materials, and information about the organization's documents. It should be borne in mind that the basis of the activities of the archives in the business system is the legislation that belongs to the private sector of the archive network. Regular evaluation of archival documents is strictly adhered to in order to invalidate and report them. These works should be reflected in all persons and means produced by the agency. Legislative or organizational policy documents need to be evaluated on a regular basis and a basis for evaluating records that need to be destroyed. The evaluation and destruction of documents should be entrusted to the relevant heads of the agency. General guidance on the storage, destruction, and evaluation of records should be provided to archival organizations for records. Therefore, the record manager should develop a comprehensive guideline for setting up a business system for evaluating, storing, and destroying documents, and for consulting with representatives of relevant organizations and archival organizations and archival organizations. The rules should regulate the timely maintenance of records, their transfer to the national archives, and the timely destruction of expired documents¹⁹. This work is carried out in all private sector archives under the supervision of the national archives. The National archive defines the main strategies for collecting information about events, activities and lives of individuals, public and private organizations. The information collected should be well-preserved and accessible, and serve to preserve the cultural, historical, spiritual, and scientific heritage of the people²⁰.

Such reforms in the system of archives are one of the important directions in the work of archives and archival activities with effective results. One of the requirements of today is to establish systematic work using the archival system and reforms of developed countries, as well as the proposals received in the areas corresponding to the archives of Uzbekistan.

With regard to the National archive fund of the Republic of Uzbekistan and the documents stored in the National Archives in general, effective work is being done to improve the material and technical base of

¹⁹Building records Appraisal System. International Records Management Trust. London. 1999, P. 24-25.

²⁰Archive Principles and Practice. Crown copyright. 2011. Page 18.;

archival institutions, ensure the preservation of the National archive fund and further improve the methods of document storage. The volume of documents stored in the National Archives has reached 8.4 million units, and sufficient conditions have been created for their storage and use²¹.

In conclusion, we can make the following assessment of the organization of archives in the early years of independence and now. In other words, in the early days of independence, the government of the Republic of Uzbekistan paid great attention not only to the country, but also to the archives, which contain rare documents that reflect the history and past of the Central Asian region. Over the past period, the necessary infrastructure has been created in the field of archival activities and record keeping, positive results have been achieved in the collection, accounting, storage and use of archival documents, as well as certain intellectual and technological the National archive fund has been enriched with archival documents of historical, scientific and cultural significance, reflecting the material and spiritual life of the people of Uzbekistan.

References:

1. Archive Principles and Practice. Crown copyright. 2011. Page 18., Archive Principles and Practice. Crown copyright. 2011. Page 19.
2. Building records Appraisal System. International Records Management Trust. London. 1999, P. 24-25.
3. JhonRidener. From polders to postmodernism: an intellectual history of archival theory. USA, 2017.P.200.
4. Khasanov M.M., The work done to improve archival system in the Republic of Uzbekistan.// O'zbekistonda arxiv sohasi rivojlanishi istiqbollari va ilmiy-amaliy tadqiqotlar mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumanlar maqolalari to'plami. Toshkent. 2020. B-119.
5. Mirzaliev U.B, Xasanov M.M, Works and reforms on organization of activity of National archives of the Republic of Uzbekistan.// ЎТМИШГА НАЗАР 3-қисм / махсус сон Doi Journal 10.26739/2181-9599 №SI (2020) Тошкент-2020. B-364.

²¹Mirzaliev U.B, Xasanov M.M, Works and reforms on organization of activity of National archives of the Republic of Uzbekistan.// ЎТМИШГА НАЗАР 3-қисм / махсус сон Doi Journal 10.26739/2181-9599 №SI (2020) Тошкент-2020. B-364.

6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasida arxiv ishi va ish yuritishni takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" 2019 yil 20-sentyabridagi PF-5834-son farmoni.//Xalq so'zi.2019. 21-sentabr, son-197(7427) B.1-2.

7. Official site of the archival agency. www.archive.uz

8. Paragraph 7 of the September 20, 2019 PF-5834 decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On Measures to modifying archive work and record keeping in the Republic of Uzbekistan". Xalq so'zi. 2019. September 21. Issue 197 (7427) . -P.1-

9. Rashidov O.R. O'zbekistonda arxiv ishi tarixi. –T: Navro'z, 2019.-bet.87.

10. Xasanov M., Normative dokumente zur reform der archivtätigkeit in Den jahren der unabhängigkeit der Republik Usbekistan.// DIGEST OF ARTICLES Science research, development #26. 15.02.2020. Berlin. P-87.

11. Исакова М. Становление и развитие архивного дела в Узбекистане. – Тошкент: Университет, 2012.-б.173.

MUSTAFO CHO'QAY – MARKAZIY OSIYOLIK SIYOSAT ARBOBI

Axatov Sunnatjon Axtam og'li

BuxDU magistranti

XIX asrning oxirgi choragi Turkiston tarixidagi eng og'ir yillardan biri edi. Bu davrda podsho Rossiyasi Turkistonni bosib olishni yakunlaydi. XX asr tarixi O`rta Osiyo milliy ziyolilari uchun katta ahamiyatga ega bo'lgan. Markaziy Osiyoning yetakchi elitasi millat mustaqilligi uchun kurashni o`z zimmalariga olishdi. Butun turkiy xalqlarning ozodligi uchun tinimsiz xarakat qilgan ana shunday shaxslardan biri Mustafa Cho'qay gumanist, demokrat, publitsist, huquqshunos, O`rta Osiyo hamda Qozog`iston xalqlari qadimiy va boy madaniyat tarixi xabarchisi, Uyg`onish davri yorqin namoyondalaridan edi. U barcha turkiy xalqlarning ozod bo'lishini orzu qilgan va butun hayotini shunga bag`ishlagan.

Mustafo Cho'qay Sankt-Peterburg universitetida o'qiyotganda siyosatga qo'shildi. M.Cho'qay matbuotda chor hukumatining Islomga qarshi siyosatiga qarshi da'vat e'lon qildi. Murojaatga qozoq, boshqird,

tatar va o'zbek talabalari imzo chekdilar. Sankt-Peterburgda Mustafo Cho'qay milliy musulmon harakati vakillari bilan uchrashadi. Alixon Bokeyxonov Mustafoga katta siyosatda qatnashishga yordam bergan yagona odam edi. Bokeyxonovni Cho'qayning siyosiy o'qituvchisi deb atash mumkin. Mustafoning qat'iyatliligi va vatanparvarligini payqab, u yosh Cho'qayni siyosatchilar, jamoat arboblari, Davlat dumasi deputatlari, Sankt-Peterburgdagi olim va yozuvchilar bilan tanishtirdi.

Mustafoni Rossiya Davlat Dumasining Musulmon fraksiyasi kotibiyatiga nomzod qilib tayinlagan Alixon edi. 1917-yil inqilobi natijasida chor hukumatining qulashi Mustafo Cho'qay uchun katta quvonch edi. U inqilob paytida turkiy xalqlar Rossiya fuqaroligidan qutulib, avtonomiyaga ega bo'lishiga umid qilar edi. Biroq, 1917-yildagi oktabr inqilobidan so'ng, Toshkentdagi ishchilar va askarlar deputatlari kengashi mahalliy aholining o'zini-o'zi boshqarish huquqini tan olishdan bosh tortdi. Shunday qilib, mintaqadagi barcha hokimiyat yevropaliklardan tashkil topgan Turkiston Xalq Komissarlari Kengashiga berishga qaror qildi. Mustafo Cho'qay buni davom etayotgan adolatsizlik deb atadi.

Shundan keyin Mustafo Cho'qay boshchiligidagi musulmon harakati vakillari favqulodda qurultoyni chaqirishdi. Qurultoy tomonidan tashkil etilgan Turkiston-Qo'qon muxtoriyatining 54 kishilik Muvaqqat Xalq Kengashiga saylandi. U Muvaqqat hukumatning tashqi ishlar vaziri edi. Bosh vazir Muxammadjon Tinishbayev iste'foga chiqqandan keyin uning o'rniga Cho'qay saylandi. Mustafo Cho'qay muxtoriyatni saqlab qolish uchun ko'p harakat qildi. Ammo, afsuski, avtonomiyaning hayoti uzoq davom etmadi. Mustafo Cho'qay birinchi parlament saylovlarini Qo'qonda o'tkazmoqchi edi. Biroq tarafdorlari kam edi va bu g'oya amalga oshmadi.

1918-yil fevralda Sovet qo'shinlari Turkiston Muxtoriyatini Mustafo Cho'qay Toshkentga qochib tirik qoldi. Keyin u Bokuga, so'ngra esa Tbilisiga keladi. Tbilisi Sovet hukumati qulaganidan keyin u Turkiyaga qochib ketdi. Ammo u Turkiyada qololmaydi. Oxir oqibat, Fransiya poytaxti Parijga ketadi.

Mustafo Cho'qay 21 yil Yevropada quvg'inda bo'ldi. Shubhasiz, unga sevimli vatanini tark etish oson bo'lmagan. U o'z vatanidan uzoqda bo'lsa ham, ozodlik uchun kurashdi. Yevropada bo'lganida, u dunyo e'tiborini Turkiston muammosiga qaratdi. U Turkistondagi vatandoshlari va tarafdorlari bilan aloqada bo'lib turdi. Jurnalistik nuqtai nazardan tan olingan "Yosh Turkiston" jurnalini chet elda nashr etdi. Turli nashrlarda siyosiy maqolalar chop etildi. Germaniya, Angliya va Fransiya singari yirik

mamlakatlarning siyosiy minbarlaridan turib, u turk xalqi Sovet konservativ siyosatidan aziyat chekayotganini qayd etdi. Mustafoning shuhrati va hatto AQShga ham yoyildi. Amerikaliklar ham uni bir necha bor taklif qilishdi va unga siyosiy platformani taklif qilishdi. Biroq, u Amerikaga bormadi. 1925-yilda Parijdagi “EKSP0” paytida Mustaf0 Cho‘qay Amire Kashaubaev bilan uchrashdi. Ushbu tashrifdan so‘ng NKVD xodimlari Mustafoni so‘roq qilishdi. Shu tarzda boshlangan tergov to‘qqiz yil davom etdi.

1940 yil Parijda nemislar tomonidan qamoqqa olinib, Kompyen konslagerida tutqunlikda saqlandi. U yerda yuqumli kasallikka chalinib vafot etdi. 1942-yil 2-yanvarda Mustaf0 Cho‘qay Berlindagi musulmonlar qabristoniga dafn etilgan.

Mustaf0 Cho‘qay muhojirlikda yashab, turli xalqaro anjumanlarda ishtirok etdi, matbuotda maqolalari bilan qatnashib turdi. Rus, o‘zbek, qozoq, turk, fransuz, ingliz, nemis, polyak tillarida Turkistonning XXI asr tarixiga oid ko‘plab maqolalar, kitoblar yozdi

Jumladan, “Turkistondagi milliy kurash” (Parij,1923) maqolasida o‘lkaning mustaqillik yo‘lidagi vazifalarini ko‘rsatib berdi. “Turkistondagi bosmachilik harakati” (London, 1928) asarida bu harakat milliy istiqlol kurashi ekanligini takidladi. “O‘rta Osiyodagi Sovetlar” (Parij 1928) kitobida Turkistonda o‘rnatilgan Sovet rejimining asl mohiyatini ochib tashladi.

Mustaf0 Cho‘qay 1929-yildan boshlab Turkiston Milliy Birligi Markaziy qo‘mitasining raisi bo‘ldi. Parij va Berlinda o‘zbek tilida “Yosh Turkiston” jurnalini chiqarib, unga muharrirlik qildi (1929-1939).

Bugungi kunda Mustaf0 Cho‘qayning ko‘plab asarlari Fransiya kutubxonalarida saqlanmoqda. Cho‘qayning asarlarini o‘rganish uchun nafaqat qozog‘istonlik olimlar, balki chet ellik olimlar ham kata qiziqish bildirishgan.

Xulosa qilib shuni aytishimiz lozimki, Turkiston mustaqilligi uchun kurashchi, Turkiston hukumatining bosh vaziri, keyinchalik muxojirlikka mahkum etilgan Mustaf0 Cho‘qay to‘g‘risida mamlakatimizda tadqiqotchilar va olimlar uning hayot yo‘li, hamda mustaqillik uchun kurashgan qahramonliklarini va yuksak insoniy fazilatlarini yosh avlodga yetkaza olishsa, Cho‘qayni nafaqat qozoq xalqi, balki butun turkiy olam va dunyo hurmat qiladi.

ADABIYOTLAR:

1. D.Qidirali. "Mustafo", Ostona 2012.
2. Arxan Qidirali. "Mustafo Cho'qay: Hayot, bilim, kurash", Anqara 2001.
3. Akim Tarazi. "Mustafo Cho'qay", Olmaota, "Yozuvchi" 2008.
4. Turkestan pod vlastyu Sovetov, Parij 1935-yil;
5. Istiqlol jallodlari "1917-yil xotiralari" Toshkent 1992-yil.
6. Sharafiddinov O., Mustafo Cho'qay, Cho'lpon, Otajon Hoshim, Toshkent, 1993-yil;
7. Iz istorii Rossiyskoye migratsii: pisma Validova I.M. Chokayeva 1924-1932-yil, Moskva 1989;
8. Rajabov. K. Haydarov. M. "Turkiston tarixi" Toshkent 2002-yil.
9. <https://articlekz.com/kk/article/15529>

ЎРТА АСРЛАР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ

Султонова Азиза

Бухоро давлат университети магистранти

Илмий раҳбар: т.ф.ф.д. Жамолова Д.

Маълумки, 1997 йил 11 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти томонидан қабул қилинган «Хоразм Маъмун академиясини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Фармон аждодларимиз маънавий меросига бўлган эътибор ва ҳурмат белгиси бўлиб, бугунги илм-фаннинг мақомини юксак даражага кўтаришга қаратилган. Бу фармоннинг тарихий аҳамияти шундаки, биринчидан, миллий меросимизга чуқур ҳурмат билан қараш ва юқори интеллектуал муҳитни яратиш назарда тутилган. Иккинчидан, бой маънавий меросни таҳлил қилиш асосида фундаментал тадқиқотлар олиб бориб, замонавий илмий мактаблар яратиш кўзлаган. Учинчидан, минтақа илмий жамоатчилигини халқаро илмий ҳамкорликка олиб кирди.

Хоразм Маъмун академиясининг қайта тикланиши Хоразм тарихи, илм-фани, санъат бойлигининг ўзига хослигини эътироф этилиши ҳамда давлат сиёсатида акс этишидир. Бундан минг йил аввал Хоразм заминида «Дорул ҳикма ва маориф» ёки «Мажлиси уламо» номи билан вужудга келган Маъмун академияси қисқа

фурсатда фаолият олиб борса-да, ўз даврида (1004—1017 йй.) жаҳон илм-фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Академиянинг ўзига хос жиҳатлари шундан иборатки, унда шоҳ Маъмун фармони билан кенг қамровли фундаментал тадқиқотлар олиб борилди. Айниқса, табиий фанлар, хусусан, математика, астрономия, геодезия, минерология, тиббиёт, доришунослик каби фанлар юксак босқичга кўтарилди. Табиий фанларда эришилган ютуқлар ҳозирги замон фани ютуқларига деярли яқинлиги билан ҳайратланарлидир.

Маъмун академияси, кўҳна Хоразмнинг узоқ ўтмишидаги илм-маърифат илдизлари билан бевосита алоқадор. У илк ўрта аср Уйғониш даври маданий юксалишининг қонуний натижаси бўлди. Зеро, кўҳна Хоразмда фалакиёт (астрономия), риёзиёт (математика) ва бошқа илмларга бўлган қизиқиш анча эрта вужудга келган. Ҳатто, инсон зотининг фазога парвози тўғрисидаги ғоя ва унинг илк амалиёти ҳам шу академия туфайли амалга оширилган. Заминимиз делтапланерларнинг ватани экани ҳақида Санкт-Петербургда сақланаётган бир қўлёзмада Исмоий ал-Жавҳарий (940—1008) деган астроном олимнинг Хоразмда илк бор фазога учганлигига оид маълумотлар бор.

Маъмун академияси минтақада фанни ривожлантирибгина қолмай, балки турли давлатлар ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлади, турли халқларни, эътиқодларни бирлаштирувчи дўстлик риштаси бўлиб тарих саҳифасига ёзилди. «Мажлиси уламо» илк бор толерантлик тараққиёт талаби эканлигини амалда кўрсатди.

Маъмун академиясида гипотеза тарзида олға сурилга ғоялар фаннинг беш юз йилдан кўпроқ ривожини учун омил бўлди. Масалан, Америка қитъасининг мавжудлиги, гелиоцентризм, эллипсоид, жисмларнинг тортилиши ҳақидаги ғоялар анча вақтларгача баҳсларга сабаб бўлди. Маъмун академияси қолаверса барча насларга ва асрларга татигулик икки буюк даҳо Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Синони етказиб бергани учун ҳам фахрланишга арзийди. Шунини таъкидлаш жоизки, «Мажлиси уламо» номи билан аталган бу илм маскани бир гуруҳ олим, адиб, шоирларнинг тасодифий йиғини эмас эди. Бошқача айтганда у қуруқ ерда тасодифан вужудга келмади, аксинча ўзининг мустаҳкам заминига эга эди.

Қадимги Хоразмда суғорма деҳқончилик, Амударё оқимида мослашган йирик каналлар, ноёб ирригация иншоотларининг вужудга келиши, маҳобатли шаҳарлар, қўрғон ва саройларнинг бунёд

этилиши, гўзал меъморий ёдгорликларнинг қад кўтариши албатта математика, геометрия, геодезия, топография илмларисиз амалга ошмас эди. Қадимги Хоразмда яратилган ноёб заргарлик буюмлари, рангдор тасвирий санъат асарлари, металл ва сополдан ишланган рўзғор буюмлари, буларнинг барчаси бу ерда кимё, минерология илмларини эрта ривож топганлигини тасдиқлайди. Хоразмликларнинг ўша даврда узоқ мамлакатлар ахолиси билан савдо ва маданий алоқаларини ўрнатиши астрономия, география, картография, этнография илмлари ривожига самарали таъсир кўрсатган. Демак, Хоразмда табиий ва гуманитар илмларнинг яратилиши, тараққий этиши учун моддий ва маънавий замин қадимданоқ мавжуд бўлган.

813 йилда халифалик тахтига ўтирган Хорун ар-Рашиднинг ўғли Абдулл оҳ ал-Маъмун 819 йилгача Марвни вақтинчалик пойтахт қилиб олади. Абдуллоҳ ал-Маъмун 813—815 йиллар орасида шарқнинг машҳур олиму фозилларини Марвга чорлайди, уларга ғамхўрлик қилади ва илмий марказ тузади. 819 йилда илмий марказ Боғдодга кўчади. Боғдод академияси фаолиятида Марказий Осиёлик олимлар етакчи ўринда туради. Масалан, Муҳаммад ал-Хоразмий «Байтул ҳикма» мудири, Марвлик Яҳё ибн Абу Мансур 828 йилда аш-Шаммосия маҳалласида қурилган расадхона раҳбари, Ҳолид ибн Абдумалик ал-Марваррудий 831 йилда Дамашқ яқинидаги Касиюн тоғида қурилган расадхона раҳбари бўлиб ишлаган. Кейинчалик унга Аҳмад ал-Фарғоний раҳбарлик қилган. Демак, шарқдаги илк академия «Байтул ҳикма»га халифа ал-Маъмун томонидан 813—815 йилларда Марвда асос солинган, 819 йилда Бағдодда кўчиб ўтгандан кейин бу илмий марказ кенгайган, ривожланган ва «Байтул ҳикма» номини олган.

Мухтасар қилиб айтганда, IX – XIII асрларда Шарқда юз берган маданий уйғониш бутун Ўрта Осиё, Хоразм, Эрон, Хуросон, араб мамлакатлари Хиндистон хатто қадимги Юнонистон ва Италиянинг юксак илмий-маданий меросига бориб тақалган. Хоразм Маъмун академияси ана шу бой илмий меросдан ижодий фойдаланди, улар яратган илмий ғояларни ўз тадқиқотлари ва кашфиётлари билан янада бойитиб энг юксак поғонага кўтаришга муваффақ бўлди. Шундай қилиб, Хоразм Маъмун академиясининг шаклланишида шу ўлкада антиқ ва илк ўрта асрларда ривож топган илмий-маънавий замин ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Хоразм Маъмун академиясининг бой илмий меросини ҳар томонлама ўрганиш, ёш авлод қалбида миллий ифтихор ва мамлакатимизнинг тарихий ўтмишига чуқур ҳурмат туйғусини камол топтириш, шунингдек, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилеи юксак ташкилий даражада нишонланишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 ноябрда қабул қилган қарори халқимизнинг тарихий хотирасини тиклашга хизмат қилди. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг «Хоразм Маъмун академияси фаолиятини такомиллаштириш ва унинг 1000 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 1 ноябрдаги 240-сонли қарори чиқди. Бу қарорда белгиланган вазифалар аждодларимиз яратган интеллектуал бойликка ҳурматнинг бир белгисидир.

Хулоса қилиб айтганда, ўрта асрлардаёқ йирик академияга асос солган буюк мутафаккирларимизнинг бой меросини ўрганиш ва уларга муносиб равишда янги кашфиётларни амалга ошириш бугунги кун илмий жамоатчилиги олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги фармони. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1997 йил 17 ноябрь.

2. Байлжанов И.С. Хоразм Маъмун академияси: ўтмишда ва бугун. Урганч, 2004. – Б. 7.

3. А. Садуллаев, А. Сотликов. Хоразм Маъмун академиясининг тарихий илдизлари. Урганч, 2003. – Б. 12.

4. Садуллаев А., Сотликов А. Хоразм Маъмун академияси: ташкил топиши ва фаолияти. Урганч, 2005. – Б. 9.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорлари. «Халқ сўзи», 2004 йил 10 ноябрь.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хоразм Маъмун академияси фаолиятини такомиллаштириш ва унинг 1000 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори, «Халқ сўзи», 2005 йил 2 ноябрь.

БУЮК ОЛИМ Н.А.КИСЛЯКОВНИНГ ПЕДАГОГЛИК ФАОЛИЯТИГА НАЗАР

Умаров Бахтишод Бахридин ўғли

*БухДУ Бухоро тарихи кафедраси Этнография, этнология ва антропология
йўналиши I-босқич магистранти*

Биз Тожикистон этнографияси ривожига улкан ҳисса қўшиб, уни алоҳида фан сифатида вужудга келтирган кўплаб рус олимларининг номаларини биламиз, масалан, А.А.Семенов, И.И.Зарубин, Д.А. Ольдерогге. Улар билан бир қаторда “...камтар инсон ва йирик олим” Н.А.Кисляковни ҳам айтиб ўтишимиз лозим.

Николай Андреевич Кисляков фаолиятининг катта қисмини Тожикистоннинг жануби ва Шарқий Бухоронинг XIX аср охири –XX аср бошларидаги этнографисини: этник таркиби, тили, фольклори, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилиги, оила-никоҳ муносабатини ўрганишга бағишлаган. Бу изланишлар давомида жуда кўплаб илмий маълумотлар тўплади ва кўплаб йирик асарларни яратди.

Олим Ленинград тарих-этнография мактаби битирувчиси ҳисобланиб, фаолиятини XX аср 20 йилларида Қизил Армия таркибида хизмати қилиб юрган пайтлари ҳарбий бошқарма топшириғига биноан Москва ва Ленинград қизил армиячилар мактабларида ўқитувчилик қилиш билан бошлаган. Унинг ўқитувчилик билан шуғилланиши ўша даврда бир нечта тилларни мукамал билиши ҳамда тарих-география фанлари бўйича яхши билимга эга эканлиги сабаб бўлган. Ленинградда 1924-1925 йилларда кадетлар мактаби ўрнида ташкил этилган қизилармиячилар мактабида юқори синф ўқувчиларига таълим берди. 1925 йилда оғир касалланиб Қизил армиядан четлаштирилади. Даволаниш мақсадида Қримга юборилади ва бу ерда Керч ва Евпатория шаҳарлари халқ таълими бўлимида инструктор ва 1927 йилгача мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди.

Н.А.Кисляков олий таълимни тутатиш арафасида Тожикистонга юборилади ва дастлаб инструктор, кейинчалик эса илгариги Шарқий Бухоро ҳудудида жойлашган тоғли Қоратегин воҳасида халқ таълими бўлими ходими бўлиб ишлай бошлайди.

Бўлажак этнограф олимнинг Тожикистондаги педагогик фаолиятига юқори баҳони Тожикистон халқ шоири Боқи Раҳимзода бериб, ўз хотираларида шундай эслайди: “Мен, Тавилдарада камтар

ва жуда қизиқ бир инсон билан танишдим. У халқ таълими бўлими бошлиғи Н.А.Кисляков эди. У Тожикистонга Ленинграддан келган ва мактаб ишини жуда яхши биларди. Маҳаллий ўқитувчилар уни тезда ўз оилаларига қабул қилдилар. Мутахассислиги бўйича Николай Андреевич этнограф эди ва тожик тилида жуда яхши гапирарди. Туман ўқитувчилари уни ўзларининг устозлари деб аташарди. Ҳақиқатдан ҳам у барча ўқитувчиларга ўрнак эди. Унинг саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ тез орада аҳоли совет мактаби-бутун халқ мактаби эканлигини англадилар”.

Олий таълимни тугатган Н.А.Кисляков Тожикистоннинг Тавилдара туманига қайтиб, этнографик материаллар тўплаш билан бирга ўзи учун сеvimли бўлган ўқитувчилик фаолиятини давом эттирди. Тожикистоннинг жанубий туманлари, шунингдек, Шарқий Бухоро тоғли тожиклари этнографияси билан шуғилланганлиги сабабли кўпинча кўчиб юришга мажбур бўлар эди. 1932 йил сентябрдан 1933 йил июлгача Хингоу дарёсининг юқори оқимида жойлашган Сангвор қишлоғида бўлиб, қайта ташкил қилинган етти йиллик мактабда ва катта учун ўқув курсларда ўқитувчилик қилади. Аёллар ва еркаклар ўқув курслари алоҳида гуруҳларга бўлинган бўлиб, Н.А.Кисляков уларга тарих ва география фанларидан дарс берган. Тожик тилини билиши, тожик халқи маданияти ва турмушига бўлган чуқур ҳурмати уни ҳар бир тожик оиласининг азиз меҳмониغا айлантирди.

В.М.Победимов ўзининг “Золотой кишлак” (“Олтин қишлоқ”) мақоласида Н.А.Кисляковнинг педагогик фаолиятини эслаб қуйидагиларни ёзади: “Мактаб жоёлашган жой унча катта бўлмай, деворлари лойдан, хоналарнинг шипи паст эди. Ўқувчилар янги ўқитувчига қизиқиш билан қарар эдилар, - у қандай савол берса?-деб ўйлар эдилар. Ўқитувчи эса кўпроқ болаларнинг қизиқишларини ва оиласи ҳақида билгиси келар эди ... - Менга сиз айтингчи? Қандай ёввойи ҳайвонларни биласиз? Бола ўрнидан турди ва иккиланмасдан жавоб берди: - бўри, тулки, қуён, ажина ва дев. Ўқитувчи ажабланди, ажина ва дев? Ўқувчи тушунтирди: -Ажина –бу инсоннинг сояси. Ким уни кўрса ақдан озади. Дев –тоғ ва қўлларнинг тубида яшайдиган узун тирноқлари бор улкан эркак. Барчасини эшитиб бўлган Николай Андреевич сабр билан ўқувчиларга бунинг афсона эканлигини тушунтирди. Дарс эртак ва урф-одатлар ҳақида давом этди. Дарс тугагандан сўнг вазифаларни бериб, ўқитувчи мактабдан чиқди. Бу ерда унинг оти турар эди. У тезда унга миңди ва йўлга отланди. Тоғ

тизмасидаги тор йўлакчадан юқорига кўтарилди ва қоялар орасидан ўтиб, Зайниддин Амонов олдиға борди. Ўша пайтда у 100 ёшга кирган эди. Кисляков у билан тожик тилида саломлашди ва унинг ёнига ўтириб, саволларга кўмиб ташлади". Шундай суҳбатлар давомида орттирилган билимлар Кисляковга педагогик маҳоратини янада оширишга хизмат қилиб борган.

Н.А.Кисляков умрининг охиригача педагогик фаолиятини давом эттирган буюк олимдир. У турли йилларда, 1938-1939 ўқув йилида Ленинград сиёсий-маърифий институтида, 1941-1942 ўқув йилида ва қисқа муддатдан сўнг 1960 йиллар охиригача Сталинобод давлат педагогика институтида ўқитувчилик қилган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Искандеров Б.И. Скромный человек и крупный ученый. Этнография в Таджикистане/ Б.И. Искандеров. -Душанбе, 1989. С.3.

2. Кисляков Н.А. Патриархальная семья у таджиков долины Ванджа. Труды Института антропологии, археологии и этнографии Н СССР.1936.

3. Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. Л, Наука,1969.

4. Кисляков Н.А. Семья и брак у таджиков. — Л., 1959., Кисляков Н.А. Патриархально-феодалные отношения среди оседлого сельского населения Бухарского ханства в конце XIX-нач.XX вв.,М-Л,1962.

5. Кисляков Н.А. Культура и быт таджикского колхозного крестьянства(По мат-ламколхоза Кыстакоз Ленинбд.обл.Тадж.ССР). М-Л,1954., Кисляков Н.А Очерки по истории Каратегина. Сталинабад.Таджикгосиздат. вып.2.1954. ва бошқалар.

6. Бакиев Р.У. Вклад Н.А.Кислякова в изучение истории и этнографии Таджикистана ... дисс.кан. ист.наук. Душанбе. 2015. –С.14.

7. Кислякова Г.Н. Из истории одной русской семьи//«Еуго сарропен» (Воспоминание).-Хельсинки,2010.С.- 65.

8. Кисляков В.Н., Решетов А.М.Крупный советский этнограф и музейевед Николай Андреевич Кисляков(К100-летию со дня рождения), 2002,ЭО, №5,С.109.

9. Писарчик А.К. Н.А.Кисляков//Этнография в Таджикистане. Душанбе. Дониш,1989. –С. 7.

ZAMON TANLAMAS MA'RIFAT**Akramov Doston Faxriddin o'g'li***Buxoro davlat universiteti o'qituvchisi*

O'zbekiston Respublikasi koronavirus pandemiyasi bilan hozirgi kunda kurashar ekan, bu holat iqtisodiyotga salbiy ta'sir o'tkazmasligi va aholi turmush darajasini tushurmasligi uchun bir qancha chora-tadbirlar amalga oshirishni taqozo etadi. Bu global moammodan barcha davlat aziyat chekmoqda, qadimda ham 1665-1666-yillarda Londonda vabo epidemiyasi tarqalishi natijasida shahar aholisining 20% halok bo'lgan, bu insonlarning gigiyenaga amal qilmaslik oqibatida yuz bergan hamda keyinchalik insonlar bu kabi qiyinchilikni yengib o'tishgan. Bu borada esa har bir davlat o'ziga xos tarzda tadbirlar amalga oshirmoqda, onlayn tartibda, masofadan ishlash jarayonida faoliyatni yo'lga qo'yib, shaxsiy gigiyena talablariga rioya qilib, xizmat ko'rsatuvchi korxonada xodimlari internet orqali ishlamoqdalar, ishlab chiqarish sohasidagi ishchi xodimlar esa himoyalovchi vositalar orqali o'z faoliyatlarini davom ettirishmoqda. O'zbekistonda ham bu kabi ishlar hamkorlik doirasida amalga oshirilmoqda, bu davrda o'zbek mentaliteti orqali bu kabi jarayonda juda yaxshi samarali harakat qila oladi. O'zbek mentaliteti avvaldan gigiyena talablari darajalarida yashash ko'nikmalarini an'anaviy tarzda davom ettirib kelmoqda, aholining turmush tarzi va faoliyati ham hunarmandchilik asosida kun kechirishi, o'z yeridan unumli foydalanib, tomorqa madaniyatini oshirishi, o'z ijodiy mahoratini yaratishi kabilar ham yuksak namunali hayot tarzi sanaladi. Hozirgi paytda kichik biznesni, kasanachilik, bog'dorchilik, kuryerlik faoliyati, marketlar qamrovini kengaytirish, onlayn bozor qamrovi oshirish, transport xizmatlarini yana ham oshirish va ilmiy-texnikaga alohida e'tibor berish zamon talabi sanaladi. Birinchi o'rinda hozir ilmiy –texnika yutuqlarini rivojlantirish va yana ham yuksak texnologiyani hayotga tatbiq etish muhim masala sanaladi. Jamiyat taraqqiyotining asosi, uni muqarrar halokatdan qutqarib qoluvchi yagona kuch – ma'rifatdir. Jamiyatni demokratik rivojlantirish uchun ma'rifiy maqsadlarni xavfsizlik va fan taraqqiyoti tashkil etishi lozim. Ana shu masalalar eskirmaydigan va har qanday zamon tanlamas masaladir. Bu aynan shu davrga xos bo'lgan fikr sanaladi. Chunki bu davrda inson, fuqarolar o'z insoniy burchlari va vazifalari doirasida

yashasa, o'z davlati taraqqiyoti uchun birgina arzimas ish, uyga o'tirib o'z davlati uchun o'z iqtidor va tajribasini orttirsam, mehnat qilsam ham katta muvaffaqiyatdir.

Inson eng avvalo, pirovard maqsadi hisoblangan –to'la-to'kis shart-sharoitda baxtli hayot kechirishi uchun tabiatni va uning o'zgarmas qonunlarini, bundan tashqari uning uzviy bo'lagi e'tiqod va uning mustahkamligiga e'tibor qaratishi muhim masala sanaladi. Faylasuflar ta'rifiga ko'ra, inson tafakkurining shakllantiruvchi omillari –tabiat va e'tiqod sanaladi. Buning hozirgi kundagi shakli ta'lim va tarbiya hisoblanadi, chunki ta'lim orqali biz tabiatni, e'tiqod orqali tarbiyani yoshlarga o'rgatamiz. Shundan kelib chiqib, hozirgi global muammo sanalgan ta'lim va tarbiya ham Yevropani, bundan tashqari jahon hamjamiyatini e'tiborli masalasiga aylangan. Hozirgi kunda barcha davlatlarga globalizm va ommaviy madaniyat xavf solmoqda, lekin bu xavfni oldini olish uchun turli xil davlatlarda turlicha holat va jarayonlar avj olmoqda: bu Yevropa va rivojlangan davlatlarda ta'limni rivojlantirib, Sharqda esa nisbatan kam rivojlangan yoki rivojlanayotgan davlatlarda ta'lim va tarbiya orqali buni yengishga harakat qilinmoqda. Falsafada, har bir narsa ikki qarama-qarshilikdan vujudga kelishi hamda har bir narsaning ikki xil xususiyati ijobiy va salbiy sifatga ega sanaladi. Shu fan isboti o'laroq, hech narsa yo'qlikdan bor bo'lmaydi, borlikdan yo'qlikka aylanmaydi. Bu tabiat qonuniyatini hamma fan isbotlaydi, chunki fizikada ham bir jism harakatini o'zgarishi uchun boshqa bir jism ta'sir ko'rsatishi kerak yoki biologiyada bir organizmni vujudga kelishi uchun boshqa organizmni ta'siri bo'lishi lozim sanaladi. Ana shunday tabiat qonuni bilan hisoblashsak, yoshlarni kelajakda shaxs bo'lishi uchun ta'lim va tarbiya uzviy bog'liq ravishda olib borilishi zamon va fan talabidir. Yana bir, olimlar ayniqsa Yevropaliklar, ta'lim va tarbiya ikonasi fan va zamon deb ham ilmiy adabiyotlarda talqin etishmoqda. Lekin bizning O'zbekiston Respublikasini rivojlangan va barqaror taraqqiyotga erishish borasidagi maqsadlarimiz, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev ta'biri bilan aytganda, jamiyatimizni ilm, marifat bilan sug'orishimiz hamda jahon taraqqiyot bosqichiga davlatimizni ko'tarish uchun jon – dilimiz bilan harakat qilmoqdamiz. Buning uchun birinchi navbatda kadrlarni bilimli, shu bilan birgalikda vijdonli etib tarbiyalashimiz darkor.

Dunyoda, hayotda ham hech kim iqtidorsiz emas faqat uni yuzaga chiqarish ko'nikmasi bo'lsa va e'tibor berilsa, albatta o'zini namoyon qiladi. Jahonda kambag'allikka qarshi kurashilar ekan, birinchi navbatda inson kelib chiqishi, mayqeyi, jinsi, yoshi, tajribasi va boshqa narsalarga e'tibor bermasdan uning iqtidori va salohiyatiga diqqatni qaratish kerak. O'zbekistonda ham bu borada ishlar rejali tartibda yo'lga qo'yilmoqda. O'zi kambag'allik nima va qayerdan kelib chiqadi? Degan savolga javob berish lozim sanaladi. Kambag'allik yuzaga kelishi inson qadr –qimmatini hisobga olmaslik oqibatida yuzaga keladi, misol uchun, bir inson biror ish qilmoqchi bo'lsa, o'z iqtidoriga yarasha ish topa olmaydi va bu qiziqmagan ishi natijasida turmush tarzi yomonlashib, kayfiyatida ham ta'sir ko'rsatadi. Faylasuflar aytganidek, inson qay tarzda yashashi, uning bevosita fikri natijasida: yaxshi kayfiyat unumli va muvaffaqiyatli yutuqni olib keladi. Shuning uchun kambag'allikni tugatish uchun birinchi navbatda, integratsiya (insonlar va tashkilotlar o'rtasida vijdonli xohish bilan), iqtidorning yuzaga kelishi uchun yetarli tabiiy resurs kitoblar nashrini ko'paytirish va ommaviy jahon nashrini ham bevosita o'rganish imkoniyatini hosil qilish, iqtidorni qo'llab-quvvatlash tashkilotlari faoliyatini ochiq va oshkoraligini ta'minlash, ko'proq tanlovlar va musobaqalar tashkil etish (turli soha va turli yo'nalishlar bo'yicha), raqobat muhitini yana ham rivojlantirish uchun har bir ishga qabul jarayonini ochiq tanlov asosida bo'lishini ta'minlash, har bir sohaviy tashkilot qabuli uchun bir xil standart talab joriy etish kabilar amalga oshirilsa, inson o'zini tafakkur kambag'alligidan qutiladi, ya'ni inson o'z imkoniyatlariga ishonsa, hamma birdek turmush tarzida yashay boshlaydi.

Biz xalqimizning dunyoda hech kimdan kam bo'lmasligi, farzandlarimizning bizdan ko'ra kuchli, bilimli, dono va albatta baxtli bo'lib yashashi uchun bor kuch va imkoniyatlarimizni safarbar etayotgan ekanmiz, bu borada ma'naviy tarbiya masalasi, hech shubhasiz, muhim rol o'ynaydi. Ma'naviyatga e'tibor bergan har qanday inson o'z mehnati bilan o'z davlati uchun vijdonli ish olib boradi. Shunga yoshlarni o'rgatish kerak.

Bu global pandemiyaga texnologik rivojlanish bilan yuksalish yana ham muvaffaqiyatli yengish mumkin. O'zbekistonimizning yuksak rivoji hamda fuqarolarimizning o'z vatanini sevish kabi xususiyatlari yana ham bu inqirozga katta yordam beradi. O'zbek fuqarosi sharqona mentaliteti tarbiyasi va o'zining bilim, salohiyati bilan bu pandemiya va

kambag'allikka qarshi kurasha oladi. O'zbekistonning o'ziga xos an'anaviy mentaliteti uning qon –qoniga singib ketgan, bu o'ziga xos xususiyat bilan albatta tarixda katta jonbozlik ko'rsatgan, bu kabi pandemiyaga ham o'zining yuksak insoniy xususiyatlari bilan jahonni o'ziga hayratlantira oladi albatta. O'zbekistonning kambag'allikka qarshi olib borayotgan chora-tadbirlar esa muvaffaqiyatli kechib, kichik biznes va tadbirkorlik muhiti paydo bo'lib, o'z navbatida ko'plab ish o'rinlari hamda yuksak sharoitda yashash imkoniyatlari hosil bo'ladi, bizning oilaviy kasanachilik tarmog'imiz rivoji o'z navbatida ichki bozor imkoniyati va ehtiyojlarini ta'minlab, o'zining sifati va an'anaviy xususiyatlari bilan jahonda mashhur xaridorgir mahsulotga aylanmoqda. Bu esa paxtani o'zimizda yana ham ishlov berish va tayyor mahsulotlarni qamrovini kenaytiradi. Bundan tashqari yangi imkoniyatlar natijasida axborot –texnologiyasi borasida ham ko'pgina yutuqlar kuzatilmoqda va keyingi bu yutuqlar albatta mevasini berib, yirik axborot –texnologiya avlodi yetishib chiqadi. Bu esa zamon talabi mos ish o'rini va qulay imkoniyatlar kaliti deganidir. Shu kabi ishlarni ishtiyoqni so'ndirmasdan olib borsak albatta o'zimiz orzu qilgan taraqqiyotga va rivojlanishga yetib boramiz.

ADABIYOTLAR:

1. Islom Karimov "Tarixiy xotirasiz –kelajak yo'q". T.: Sharq. 1998. 3-bet.
2. Islom Karimov "Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch". T.: Sharq. 2008. 4-bet.
3. Jeffrey Sachs "Kambag'allikning yakuni". New York.: The Penguin Press. 2005. 360-bet.

ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРНИНГ ЭТНОГРАФИК ТАҲЛИЛИ

Юсупова М.Ў.

Жаҳон тарихи Кафедраси катта ўқитувчиси

Ўзбеклар ўзига хос шаклланиш жараёнига эга халқдир. Тарих гувоҳлик берадики, ўзбек халқи мазкур ҳудудда яшаган туб ерли этнослардан томир олган; иккинчи илдизини эса қадимий туркий халқлардан бошлаган. Ҳар иккала асосий илдизларнинг бирикиши -

ўзаро синтези ўзбек элатини ва кейинчалик ўзбек миллатини ташкил этган.

Ўзбекларнинг Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудида, ҳамда уларга туташ минтақалардаги ўтроқ деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданиятига эга автохтон халқ эканлигига халқимизнинг она табиатга, ерга, сувга, ҳавога, оловга бўлган чексиз ҳурмати ва уларни эъзозлаш билан боғлиқ турфа хил урф-одат ва маросимлари, анъанавий деҳқончилик ва ҳунармандчилик удумлари, кўп асрлик ислом шароитидан қатъий назар, ўзбек халқининг турмуш-тарзида, урф-одатларида сақланиб келаётган сон-саноксиз зардуштийлик элементларида айниқса яққол ифодаланган. Шунингдек, бугунги кунда ўзига хос тарзда тарих ривожланаётган шаҳарсозлик ва меъморчилик анъаналаримиз, бой фольклор наъмуналаримиз, ёзма мерос, адабиёт, санъатга бўлган қизиқишларимиз, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш, коинот ва замин, инсон ва ҳаво, ўлим ва абадият ҳақидаги асотир ва ривоятларимизда, асосан ўтроқ, маданият соҳибларига тегишли бўлган Наврўз, Меҳржон, Сада, Гул сайллари, Ҳосил байрами каби байрам ва сайлларнинг давомийлиги, ёинки инсоннинг қайғули онлари-мотам маросимларида махсус ўлик хизматчилари-гассоллар, гўрковлар ипгироки билан боғлиқ удумларимиз, расм-русмларимиз давом этиб келаётганлиги фикримиз далилидир. Ўзбекларнинг бошқа асосий илдизи туркийлардан бошлаганлигига (туркийликка хос жанговарлик, мардлик, лафз ҳалоллиги) бағрикенглик саҳоватпешалик, ҳожатбарорлик каби ҳислатларимизда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Биз буни айниқса халқимизнинг тўй-тантаналарга ўта ўчлигида, йиллар мобайнида йиғиб - териб элга тарқатишдан завқ-шавқ олишида, аъза ва йўқлов маросимларини уюшган ҳолда ўтказишда, бола туғилишидан тортиб то мотам маросимларимизгача бўлган барча маросим ва урф-одатларимизда, кенг жамоатчилик ва маҳалла аҳлининг доимо бош-қош бўлиши каби удумларимизда кузатамиз ва буларнинг асосини оилавий муносабатлар ташкил этишини этногриф олимлар ўз илмий изланишлари орқали тадқиқ этиб бормоқдалар.

Ўзбек халқи оила қуриш анъаналарига риоя қилишда, қиз узатиш ёки куёв танлашда ҳам қуда бўлмиш томон хусусида маълумотга эга бўлиб, уларнинг ижтимоий келиб чиқишини, жамоада тутган ўрнини ва обрў-эътиборини ҳисобга олади. Агар куёв

ёки келин бўлмиш томоннинг ақли, одоби, хусни-малоҳати бир ҳисса бўлса, уларнинг қариндош-уруғлари, авлоднинг жамоадаги мавқеи ва бу хусусдаги жамоатчилик фикри иккинчи, аксарият ҳолларда, ҳал қилувчи омил вазифасини ўтайди. Фарзандларни яхшига қўшиш, бу борада хато қилиб қўймасликда жамоа, жамият раъйи, кўпчиликнинг кенгашли фикри муҳим роль ўйнайди. Шу боисдан ҳам, жамоатчилик фикрининг шахс турмуш тарзи, тақдирини белгилашдаги устуворлик мавқеи беқиёсдир. Шу ўринда «Ғарб қонунлари, шарқ урф-одатлари билан бошқарилади» деган иборани эсламоқ жоиз. Дарҳақиқат, Шарқда, шу жумладан ўзбекларнинг турмуш тарзида ҳам кўплаб урф-одатлар қонунлар даражасида юқори туради. Жумладан, оила даврасида, ёинки, кенг жамоатчилик ўртасида ўтказиладиган барча маросимларимизда маҳалланинг бош-қош бўлиши, кўни-кўшничилик анъаналаримиз, оила-турмуш маросимларимиздаги кўплаб урф-одатлар қонун даражасида бажарилади.

Анъанавий тус олган оилавий маросимлар, асосан, уч турдан иборат бўлади. Уларни тўй, мотам, бирор оила аъзоси ҳаётидаги муҳим воқеа (касадан тузалиш, илмий даража олиш, ҳаж сафарини бажо келтириш ва бошқалар)нинг рўй бериши муносабати билан ўтказиладиган йиғинлар ташкил этади. Одатда, янги оиланинг пайдо бўлиши никоҳ тўйлари билан бошланади. Қизни турмушга бериш ҳаракатини оиласига совчи келиш белгилаган. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғоти-т-турк” асарида “сав” сўзининг хабар бериш маъноси борлиги қайд этилган. Шу маълумотга асосланиб “совчи” миллий тилимиздаги энг қадимги сўзлардан эмасмикан, деган фикрга бориш мумкин. Чунки совчи бўлажак келин оиласига куёв ҳақида, унинг шу қизга уйланиш нияти борлиги ҳақида, куёвга эса келиннинг рози, рози эмаслиги ҳақида хабар берувчи элчи ҳисобланади. Тўй маросими ҳам тўй олиб келиш, индовчи юбориш, зиёфат бериш, ёр-ёр айтиш, тортишмачоқ, айрим вилоятларда кампир ўлди, қўл силатди каби қатор кичик сахнали маросимлардан иборат бўлади. Бухоро вилоятининг кўпчилик туманлари, хусусан Шофиркон, Гиждувон, Жондорда қадимги урф-одатларга кўра тўй қизнинг ота уйида бўлади. Аммо деярли барча ҳаражатларни куёв томон ўз зиммасига олади. Воҳаликлар тўй келиннинг уйида бўлишини “қиз ота уйини тарк этади, ота уйига фақат меҳмон бўлиб келади, тўй - бу қизнинг ота уйдан айирилиши деб билиши, шу боис ота-онасини кўриб қолсин” деган маънода изоҳлашар экан. Бухоро келин-

куёвларнинг ўзига хос одатларидан бири – уларнинг тўй охирига қадар тик туришлари, уларга бахт – саодат тилаб, эзгу ниятлар билдирганларга ҳурмат бажо келтириб, таъзим қилиб турган. Бу ёшларнинг келган меҳмонларга нисбатан ҳурматини билдиради. Келин тўй туганидан сўнг куёвнинг уйига боргач 40 кун шу одатни давом эттириб, уйга келган меҳмонларни кутиб олиб, меҳмонлар кетгунича таъзим қилиб туради. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи оила қуриш анъаналарига риоя қилишда, қиз узатиш ёки куёв танлашда ҳам қуда бўлмиш томон хусусида маълумотга эга бўлиб, уларнинг ижтимоий келиб чиқишини, жамоада тутган ўрнини ва обрў-эътиборини ҳисобга олади. Агар куёв ёки келин бўлмиш томоннинг ақли, одоби, ҳусни-малоҳати бир ҳисса бўлса, уларнинг қариндош-уруғлари, авлоднинг жамоадаги мавқеи ва бу хусусдаги жамоатчилик фикри иккинчи, аксарият ҳолларда, ҳал қилувчи омил вазифасини ўтайди. Фарзандларни яхшига қўшиш, бу борада хато қилиб қўймасликда жамоа, жамият раъйи, кўпчиликнинг кенгашли фикри муҳим роль ўйнайди. Шу боисдан ҳам, жамоатчилик фикрининг шахс турмуш тарзи, тақдирини белгилашдаги устуворлик мавқеи беқиёсдир. Шу ўринда «Ғарб қонунлари, шарқ урф-одатлари билан бошқарилади» деган иборани эсламоқ жоиз. Дарҳақиқат, Шарқда, шу жумладан ўзбекларнинг турмуш тарзида ҳам кўплаб урф-одатлар қонунлар даражасида юқори туради. Жумладан, оила даврасида, ёинки, кенг жамоатчилик ўртасида ўтказиладиган барча маросимларимизда маҳалланинг бош-қош бўлиши, кўни-қўшничилик анъаналаримиз, оила-турмуш маросимларимиздаги кўплаб урф-одатлар қонун даражасида бажарилади.

Оилада ўғил туғилди. Чорбоғда боғлар ва тераклар сони ортади. Чунки 20-25 йилдан сўнг иморат солиш, тўй-томоша ўтказиш керак. Оилада қиз туғилади. Сандиққа сеп йиғила бошлайди.

Қиз болаларга ёшлигиданоқ эрининг уйида қилиши керак бўлган ишларни ўргатишади. Умумий қабул қилинган тасаввурдаги “яхши” келин эрта тонгдаёқ, ёз кунлари соат бда туради, ҳовлига сув сепида, супуради, нонушта тайёрлайди, кейин оиланинг бошқа аъзоларини уйғотади. Ҳамма дастурхон атрофига йиғилганда у чой қуйиб беради, дастурхонда ҳамма нарса бор бўлишига қараб туради. Келин нафақат кечки овқатни, агар оила аъзоларидан бири тушлик пайтида уйга келиб қолса, улар учун тушлик таомни ҳам тайёрлайди. Аммо ҳозирги пайтда кўпгина озик-овқат маҳсулотлари

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

қимматлашиб кетганлиги боис овқат асосан бир марта пиширилмоқда. Яхши келин кун бўйи уй ишларини бажаради: йиғиштиради, кир ювади, овқат пиширади ва мол-холларга қарайди. Хафтасига 2-3 марта тандирда нон ёпадиган бўлса, бу унинг яна бир фазилати ҳисобланади. Келин таом тайёрлашдан олдин қайнонадан ва эридан улар нима овқат ейишни хоҳлаётганликларини сўрайди. Шундай оилалар ҳам борки, овқат тайёрлаш учун маҳсулотларни қайнона ажратиб беради. Келин эса унга итоат этган ҳолда қайнонадан:

- Саранжомлик, саришталикни,
- Маҳсулотларни исроф қилмасдан ишлатишни,
- Ҳар қандай таомни пиширишда эътиборли бўлишни ўрганади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Шаниязов К., Исмаилов Х. И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конец XIX начало XX в. – Тошкент: Фан, 1981. – 124 с.

2. Жабборов И. Ўзбеклар (Анъанавий хўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти).– Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 240.

3. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари / Масъул муҳаррир: С. Олим. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 240. Ўша муаллиф: Этнокультура: (Традиционная народная культура): Учеб. Пособие / У. Карабаев; Академия художеств Республики Узбекистан, Национальный ин-т художеств и дизайна им. К. Бехзода. –Тошкент.: Шарқ, 2005. – 240 с.

4. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 384.

5. Асқаров А. Ўрта Осиёнинг энеолит ва бронза даври оташгоҳлари // “Авесто” китоби – тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи” мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. 2000 йил, 6 декабр.– Тошкент, 2001.– Б. 27–33.

6. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашр, 2007. – Б. 272

7. Жўраев М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 291., Жўраев М. Наврўз байрами. – Тошкент: Фан, 2009 – Б. 229; Жўраев М., Худойқулова Л. Маросимнома. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашр., 2008.–Б. 171

ТУРКИЯДАГИ БУХОРО (ТУРКИСТОН) ТЕККЕЛАРИ ТАРИХИ ХУСУСИДА

Зокиров Бобир Чориевич

Бухоро давлат университети магистри

XI асрдан Туркистон (Бухоро) ва Кичик Осиё (Онадўли) ўртасида савдо-сотик, маданий-маърифий, дипломатик алоқалар ўрнатилган бўлиб, ушбу муносабатлар Салжукийлар ва Усманийлар даврида узок ва мураккаб, зиддиятли тараққиёт йўлини босиб ўтди. Туркиядаги туркий қабилалар аждодларининг юрти Туркистон билан маънавий алоқаларни, диний муштаракликни сақлаш мақсадида ҳамиша отабоболари заминига интилиб келдилар. Айниқса, XII-XVII асрларда Туркистон минтақасидан мусулмон уламо ва шайхларнинг Кичик Осиёга кўчиб ўтиши, улар томонидан яссавия, чиштия, кубравия, нақшбандия таълимотларини ёйиши муҳим роль ўйнайди. Ушбу мақсадда Кичик Осиёга кўчиб ўтган туркистонлик (бухоролик)лар турли шаҳарларда ўзларининг қаландархоналари, дарвешхоналари ва такя (текке)ларини бунёд қилганлар. Бундай бинолар Шарқ мамлакатларида 100 дан ортиқ бўлган. Усманийлар салтанатининг пойтахти, тарихий манбаларда “Олтин кўприк” деб қайд этилган Истанбулда бухоролик муҳожирларнинг 8 та теккеси (мусофирхонаси) бўлганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади.

Ушбу мақолада 2017 йилда Истанбулда чоп этилган “Истанбулдаги Туркистон теккелари. Ота юрт ва она юрт ўртасидаги маънавий кўприклар”¹ китоби ҳақида айрим мулоҳазалар билдирилади.

Аввало, ушбу китобнинг нашр қилиниши ва тузилмаси, шакли, мазмуни ҳақида умумий тавсиф бериб ўтсак. Мазкур нашр муаллифлар жамоаси томонидан чоп этилган бўлиб, китобга илк тақдимот фикрини Туркия Республикаси Президенти (Жумҳурбошқони) Режеп Таййип Эрдоғон ёзган. Китоб кўк тусдаги рангли қалин муқовада, юқори дид билан дизайн берилган альбом шаклида, ўнлаб рангли фотолавҳалар билан чоп этилган. “Истанбулдаги Туркистон теккелари” китоби кириш, беш бўлим, хулоса, (sönsüz) қисқартма сўзлар кўрсатгичи каби қисмлардан иборат.

Ушбу нашр ҳақидаги маълумотни биз Туркиядаги қозоқ миллати вакили, тарих профессори Абдулваҳап Қарадан олдик ва Истанбул китоб палатасидан 125 турк лирасига харид қилдик. Мазкур китобда Истанбулдаги Туркистон (Бухоро) теккеларидан 5 таси ҳақида имкон қадар фикр-мулоҳазалар билдирилган. Тўғри, Туркиядаги Бухоро теккеларининг тарихи бундан олдинги тадқиқотларда ҳам баён этилган. Жумладан, турк олими Тоҳир Чиғатойнинг “Ота юртда, Она юртда туркистонликлар”² китобида Истанбулдаги учта текке тарихи ҳақида маълумотлар келтирилган. Бироқ биз устида мулоҳаза юритаётган китобда Истанбул шаҳрининг турли қисмларида жойлашган Амир Бухорий теккеси (EMIR BUHARI TEKKESI), Бухоро теккеси (Türkistanlilarin Fahr Konsoloslugu BUHARA TEKKESI), Шайх Мурод Бухорий теккеси (SEYH MURAD BUHARI TEKKESI), Аюб қаландархонаси (Buhara Dervislerin Melecul EYUP KALENDARHANESI), Ускудардаги ўзбеклар теккеси (ÜSKUDAR ÖZBEKLER TEKKESI) яъни жаъми: 5 та текке тарихи баён қилинган.³

Китоб матни билан танишиш асносида юқорида номлари келтирилган теккелар Истанбулда бухоролик тижоратчи ва савдогарлар, амалдор ва аъёнлар томонидан ажратилган маблағлар, вақф мулклари (дўкон, тегирмон ва ҳоказо)дан келган даромад ҳисобига қурилган. Мусофирхоналар қуришда Бухоро ҳукмдорлари, Усмоний султонлар, уларнинг вазиру-вузаролари ҳам хазина ва шахсий ҳисобларидан маблағ сарфлашган. Бухородан келиб, диний тарғибот билан шуғулланган Хожа Баҳоуддин сулукидаги шайхлар ҳузурига Усмоний султонлар ҳам ташриф буюриб туришган. Ёхуд, Баҳоуддин шайхлари Усмоний ҳукмдорлар саройида ҳам бўлиб, айрим тадбирларда иштирок қилганлиги китобда архив манбалари ва вақфнома ҳужжатлари орқали исботланган.

Шунингдек, “Истанбулдаги Туркистон теккелари” китобидан ҳар бир теккенинг қурилган тарихий санаси, майдони, уларда фаолият юритган шайх ва дарвешлар, уламолар, уларнинг автобиографияси, теккелардан етишиб чиққан маданият, фан, санъат, сиёсат, адабиёт намояндалари, улар тақдирлари кабилар ўрин олган.

Маълумотларда келтирилишича, Туркия заминига XI асрданоқ яссавия таълимотини ёйиш учун Яссавий шайхлари (альперин)лар ташриф буюришган. Баҳоуддин Нақшбандий шайхлари XIV асрдан, асосан XVI асрдан кўплаб кела бошлашган.

Агар Амир Бухорий теккеси (Истанбул шаҳрининг Ўтрикапи қисмида –Ш.Ҳ.)ни қуриш 1516 йилда бошланиб, 1540-1545 йилларга қадар давом этган бўлса, Туркистонликларнинг Бухоро теккеси 1692-1693 йилларда, Мурод Бухорий теккеси XVII асрда, Аюб қаландархонаси турк султонларидан Мустафо III (1757-1774), Меҳмед II (1808-1939) ҳукмронликлари даврида тўла-тўқис бунёд этилган.

Истанбул шаҳрида бунёд этилган теккелар бухороликлар мулки бўлиб, уларга муҳожирликни ихтиёр этган турли табақа вакиллари ҳам жойлашаверган. Улар бир муддат теккеларда истиқомат қилиб, оилалари билан Туркия турли шаҳарларига кўчиб ўтишган. Айрим шахслар ўн йиллаб теккелардаги хонақоҳларда текин овқатлантирилиб, ётоқхонада умргузаронлик қилишган. Теккедан кўчиб чиқиб кетган айрим бухороликлар баъзи сабабларга кўра яна теккега қайтиб келиб, ўз ҳаётларини давом эттирарди.

Туркистон минтақасидан муқаддас шаҳарлар Макка ва Мадина ҳажига борганлар ҳам зиёрат сафари давомида теккеларда тўхтаб ўтишарди. Бухоро, Хива, Қўқон хонликларидан Усманийлар салтанати ҳукмдори хузурига элчи бўлиб келган шахслар теккеларнинг шайхларидан маслаҳат олишар, савдогарлар улар воситачилигида султон ва унинг амалдорлари билан учрашишга муваффақ бўларди. Биз юқорида тақриз қилинаётган китобда теккеларнинг шайхлари ва дарвешлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилганлигини қийд этдик. Жумладан, Ускудордаги ўзбеклар теккесида Иброҳим Адҳам Афанди, Шайх Маҳмуд Содик Афанди, Шайх Ато Афанди, Маҳмуд Мажидиддин Афанди (Ўқтой) кабилар фаолият юритган. Ушбу шайхлар текке моддий ва маънавий ҳаётида муҳим роль ўйнашган. Уларнинг қабрлари текке олдида жойлашган ўзбеклар қабристонидан жойлашган, ҳар бир шайх қабри устида тош устун ўрнатилган.

“Истанбулдаги Туркистон теккелари...” китобини варақлаш асносида бизда қуйидагича тақлиф ва тавсиялар юзага келди.

– XIV-XIX асрларда Туркиядан ташқари Арабистон, Сурия, Ироқ каби Шарқ мамлакатларида ўнлаб бухороликларнинг теккелари бўлган, истиқболда уларнинг тарихи ҳақида илмий асарлар яратиш зарур.

– Ўзбек теккеларининг ижтимоий, маданий-маърифий, давлатлараро иқтисодий, дипломатик алоқалардаги ўрни, мавқеи ва ролини кўрсатишга қаратилган тадқиқотларга ҳам эҳтиёж бор.

АДАБИЁТЛАР:

1. Istanbuldagi Türkistan Tekkeleri (Ata yurt ile Ana yurt arasindaki manavi köprüler). –Istanbul, 2017. –294 s. (Türk tilinda).
2. Tahir Çagatav. Ata jрта –Ana jрта Türkistanlilar. Adana, 2009. (Türk tilinda) 45-103 s.
3. Istanbuldagi Türkistan Tekkeleri... S.39-72; S.73-126; S.127-178; S.179-222; S.223-274.

АТРОФ-МУҲИТГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР ТАРИХЧИЛАРНИНГ ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Юлдошева Бибиражаб Миржонова

Бухоро давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси

Атроф-муҳит масалалари кенг қамровли ва дунё миқёсидаги ҳал қилиниши керак бўлган асосий тушунчалардан биридир. Бу мавзу фанлараро тадқиқотлар мавзуси саналади.

Атроф-муҳит нима, инсоният томонидан унинг ҳолатига кўрсатилган ва ҳамон давом эттирилаётган турли таъсирлар ва шунинг натижада содир бўлган оқибатлар, келажакнинг муаммолари ва имкониятларини шарҳлашга маъсуллардан бири бу тарихчи олимлардир. Бу соҳани тарихчи олимлар томонидан ўрганилиши жуда кўпчиликни ажаблантиради. Чунки тарихан маълумки, тарихий тадқиқотларда асосий урғу атроф-муҳит, маданият ва тараққиётга эмас, балки жангу-жадаллар, дипломатия ва сиёсий жараёнларга қаратилган.

Инсоният цивилизациясининг илк босқичидаёқ сезилар-сезилмас атроф-муҳитга зарар келтирилган, таъсир кўрсатишган. Бунга далилларни қўлғезмалар, манбалар ва тарихий архивларда топиш мумкин. Бу атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолининг соғлиғини сақлаш, табиатни муҳофаза қилиш, тутунни назорат қилиш, уй ишларини олиб бориш, касб касалликлари, ҳавонинг ифлосланиши, сувнинг ифлосланиши, яшаш жойи экологияси каби кўплаб омилларда мавжуд.

Атроф-муҳит тарихи бўйича тарихий нуқтаи назарнинг кенг тарқалмаганлиги билимсизлик ва нотўғри маълумотларни келтириб чиқаради. Натижада, замонавий атроф-муҳит муаммолари кўпинча

оммавий ахборот воситаларида, контекстдан ташқарида пайдо бўлади ва кейинчалик фақат рамзий ечим билан яна йўқолади.

Давлат миқёсида ҳам бу соҳа эътибордан четда қолган. Сабаби сиёсий кучлардан бири консерваторлар табиатни муҳофаза қилиш ҳаракатларида ўз қадриятларининг аксини тан олмайдилар. Сиёсий либераллар эса ижтимоий ислоҳотлар анъаналарини англашини тушуниб етишмайди. Тарихий бўшлиқ натижасида XX асрда хавфли мифлар туғилган. Масалан;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш шунчаки фан ва технологияларга истерик реакция эканлиги ҳақидаги миф;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жиддий бўлмаган сеvimли машғулот эканлиги;
- Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дин ўрнини босади деган афсона.

Ушбу афсоналарнинг хавфи шундаки, улар инсониятни сиреналар сингари алдайди ва атроф-муҳит муаммоларига бепарво қараш мумкинлигига ишонтиради.

Инсон хотирасини йўқотганда ўзлигини йўқотгани каби, цивилизация ҳам биз тарих деб атайдиган шаклдаги ўзининг умумий хотирасига муҳтож.

Замонавий глобал экологик инқироз яқин-яқиндан бошлаб тарихий тадқиқотларни талаб қила бошлади.

Тарих пассив тарзда яратилмайди. Бу тарихчиларнинг фаол иши ва уларнинг қарашлари воқеалар содир бўлгандан кейин ўнлаб йиллар ўтгач юзага келадиган фактлар атрофида ўзгариши, ўсиши ёки бирлашиши мумкин. Тарихга янги ёндашувлар, кўпинча Ховард Зин айтганидек, зарурат бўлгандагина пайдо бўлади. Масалан, фуқаролик ҳуқуқлари тарихи 1960 йилларга қадар пайдо бўлмади. Аёллар тарихи 1970-йилларда аёллар ҳаракати билан бошланди.

Атроф-муҳит тарихи ҳам жуда қийинчилик билан бошланган. Зеро, милоддан аввалги 450 йилларда яшаган файласуф Зено айтганидек "Ҳаётнинг мақсади табиат билан келишган ҳолда яшашдир".

Замонавий "атроф-муҳит" сўзи кўплаб бир-бирига яқин масалаларни қамраб оладиган соябон сифатида ишлаб чиқилган, аммо муаммолар ва улар билан боғлиқ зиддиятлар тарихга сингиб кетади, баъзан кўринмайди, аммо ҳар доим ҳаётда инсоният билан ёнма-ён яшайди.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Атроф-муҳит тарихи тушунчаси XX асрнинг 60 – 70 йилларида пайдо булган. Бу дунё миқёсидаги экологик муаммолар: сув ва ҳавонинг ифлосланиши, озон қатламининг емирилиши, инсон фаолияти туфайли келиб чиқаётган “иссиқхона эффекти” тўғрисида хабардорлик ошиб бораётганининг маҳсулидир. Барча тарихий жараёнлар табиий дунёда содир бўлишини инобатга олсак, экологик муаммолар муайян вақт миқёсида, географик минтақалар доирасида ёки асосий мавзулар сифатида тадқиқотчиларнинг ўрганиш объекти бўлади. Ушбу омилар натижасида дунё тарихчи олимлари мазкур муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини ўргана бошладилар.

Атроф-муҳит тарихининг умумэътироф этилган таърифи мавжуд эмас. Умуман айтганда, бу - бизнинг атрофимиз нима учун бундай бўлганини ва инсоният табиий муҳитга қандай таъсир қилганини тушунтиришга, шунингдек, келажак муаммолари ва имкониятларига изоҳ беришга ҳаракат қиладиган тарихдир. Доналд Востернинг 1988 йилда атроф-муҳит тарихига берган таърифида экологик тарих "ўтмишда инсоният жамияти ва атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро боғлиқлик" деб таъкидланган.

Хуллас, тарихчилари узоқ ўтмишдан то ҳозирги кунгача инсоннинг табиий оламга бўлган муносабати, одамлар ва табиатнинг ўзаро таъсирини ўрганадилар. Ўрганишнинг асосий мавзуларига атроф-муҳитнинг бузилиши, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, энергиядан фойдаланиш масалалари, табиий алмашинув, ҳамкорликдаги эволюция, ресурсларнинг етишмаслиги, табиат ҳақидаги тасавурларнинг ўзгариши, табиат билан боғлиқ анъаналар ва маросимлар киради. Ушбу йўналиш табиатни муҳофаза қилиш масалаларидан ташқари, кенгроқ даражада илмий ва ижтимоий масалаларни ҳам қамраб олади. Масалан, аҳоли манзилгоҳлари ёки барқарор ривожланиш каби масалалар.

Сўнги йигирма йил ичида атроф-муҳит тарихининг географик ва методологик асослари кенгайиб, бир қатор кичик бўлимларга бўлинди.

XIX асрда атроф-муҳит масалалари деганда иккита муҳим манбани айтиш мумкин эди. Булар география ва экология фанлари. Замонавий атроф-муҳит тарихида эса экологик концепция ўтмиш атроф-муҳитининг таҳлили учун ишлатилади.

Атроф-муҳит тарихининг яна икки илдизи бу – археология ва антропология бўлиб, булар орқали янги йўналиш гуманитар фанлар тармоғига қўшилди. 1972 йилда Родрик Неш ўтмишда кишилиқ жамиятининг атроф-муҳитга таъсирини ўз мақоласида қайд этди. Ворстер, Пфистер, Бримблесомбе, Понтигларнинг илмий изланишлари туфайли атроф-муҳит тарихи етук фанлар қаторига қўшилди. Ҳозирги кунда атроф-муҳит тарихи халқаро ва фанлараро ишдир.

3-ШҮЪБА

XX АСР ВА XXI АСР ДАСТЛАБКИ ЎН ЙИЛЛИКЛАРИДА
МИНТАҚАВИЙ ВА ҲАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР
ФАОЛИЯТИ

ТУРКИСТОНДА ФАВҚУЛОДДА АДЛИЯ
ОРГАНЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ ВА
ФАОЛИЯТИ (ИНҚИЛОБИЙ ТРИБУНАЛЛАР
МИСОЛИДА, 1918-1923 ЙИЛЛАР)

Жайнаров Обиджон Ҳамид ўғли

ЎзМУ Ўзбекистон тарихи кафедраси таянч докторанти.

Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг ҳам ўлка суд тизимида чуқур ўзгаришлар амалга оширилмади. Дастлаб совет судларининг вазифасини шаҳар ижроқўмлари таркибида ташкил этилган тергов комиссиялари ҳамда халқ инқилобий судлари ва инқилобий трибуналлар бажарди.

Большевикларнинг ўзлари мутлақ камчиликни ташкил этадиган ўлкадаги иқтидорини фақат мутлақ кўпчилик аҳолини ташкил этувчи мусулмонлар устидан зўравонлик йўли билангина сақлаб туриш мумкин деб ҳисоблашган²². Фавқулодда кенг ваколатларга эга бўлган инқилобий трибуналлар айнан шу мақсадда ташкил қилинди. Инқилобий трибуналларнинг вазифасини В.И. Ленин ўзининг 1917 йил 14 декабрда қилган маърузасида белгилаб берган эди²³.

ТАССРда дастлабки трибунал суди 1918 йилнинг 21 феввалида Туркистон Марказий Ижроия қўмитаси (МИҚ) томонидан қабул қилинган “Тошкент инқилобий трибунали тўғрисида”ги Низом асосида ташкил қилинди. В. Вотинцев трибунал судининг биринчи раиси этиб тайинланди²⁴. Инқилобий трибуналлар таркиби раис ўринбосари ҳамда икки нафар маслаҳатчилардан иборат бўлган.

²² Саломов Ш. XIX-XX аср Туркистон ва Жанубий Кавказ. – Т.: Истиқлол нури. 2017. – Б. 90; Chokaev M. Turkestan and the Soviet Regime // Journal of the Royal Central Asiatic Society. 1931. Vol. 18. – Pp. 403-420.

²³ Ленин В. Полное собрание сочинение. Т. 27. – С. 317.

²⁴ Тошкент вилоят давлат архиви (Тошкент ВДА), 2-фонд, 1-рўйхат, 234-иш, 8-варақ.

Инқилобий трибунал раиси ва ўринбосари 3 ой муддатга, маслаҳатчилар эса 1 ой муддатга сайланган. Инқилобий трибуналларда қораловчи вазифасини тергов комиссияси вакили бажарган.

Дастлабки даврларда инқилобий трибуналлар томонидан айбланувчини жаримага тортиш, сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилиш, мол-мулкни мусодара қилиш, мажбурий жамоат ишларига жалб қилиш ва бошқа жазо чоралари қўлланилган²⁵. Бироқ кейинчалик улар томонидан қўлланилган жазо турлари кенгайиб борганлигини кўриш мумкин.

Туркистон МИҚнинг 1918 йил 18 сентябрдаги чиқарган декретига мувофиқ ўлканинг йирик шаҳарларида ҳам инқилобий трибуналлар ташкил қилина бошланди²⁶. Уларнинг таркиби раис, олти нафар маслаҳатчилардан иборат бўлиб, номзодлар маҳаллий советлардан танлаб олинган. Маҳаллий инқилобий трибуналларга жиноий ишларга нисбатан ҳаттоки, ўлим жазосини қўллаш ваколати ҳам берилди.

Оғир сиёсий жиноятларни кўриб чиқиш учун эса Туркистон МИҚнинг 1918 йил 14 сентябрдаги қарори асосида Олий инқилобий трибунал тузилди. Унинг биринчи раис этиб эса К. Сорокин сайланди²⁷. Олий инқилобий трибунал ўз фаолиятини Адлия халқ комиссарлиги томонидан ишлаб чиқилган декрет ва йўриқномалар асосида олиб борган.

Архив ҳужжатларининг таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, Олий инқилобий трибунал айбланувчига нисбатан жазо тайинлашда чекланмаган ваколатга эга бўлиб, унда асосан сиёсий жиноятлар, ҳамда чайқовчиликка оид ишлар билан бир қаторда совет ҳукуматига бефарқ бўлганлиги, совет қонунларини бажармаганлик, порахўрлик, безорилик, ноқонуний қурол савдоси, аксилинқилобий ҳаракат, пул белгилари ва ҳужжатларни қалбакилаштириш, давлат маблағларини ўзлаштириш каби жиноий ишларни ҳам кўриб чиққан²⁸.

1918 йилнинг охирларига келиб Туркистон Республикасида инқилобий трибуналларнинг марказлашган тизими

²⁵ Расулев А. Создание и развитие советского суда в Узбекистане. – Т.: Госиздат, УзССР, 1957. – С. 57.

²⁶ ЎзМА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 27-иш, 51-54-варақлар.

²⁷ Hayit Baymirza. Some problems of Modern Turkistan History. – Dusseldorf: East European Research Institute, 1963. – P. 22.

²⁸ ЎзМА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 1036-иш, 72-варақ.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

шакллантирилган бўлса, кейинчалик алоҳида тармоқларга ихтисослашган трибунал судлари ташкил қилинди. Хусусан, 1919 йилда ҳарбий трибунал, 1920 йилда эса темир йўл трибунали фаолияти йўлга қўйилди.

Ўлкада совет ҳокимиятига қарши кучайиб бораётган миллий истиқлолчилик ҳаракати большевикларни инқилобий трибуналар тармоғини ҳамда уларнинг ваколатларини кенгайтиришга мажбур қилди. 1919 йил 6 майда ТАССР МИҚ томонидан қабул қилинди “Вилоят инқилобий трибуналлари ва унинг бўлимлари тўғрисида”ги Низом айнан шу мақсадга хизмат қилди. Низом асосида ўлканинг барча вилоятларида вилоят инқилобий трибуналлари ташкил қилинди²⁹. Вилоятлар миқёсида совет ҳокимиятига қарши ҳаракатлар олиб борган шахслар устидан ҳукм чиқариш уларнинг асосий вазифаси қилиб белгиланди.

1920 йил 18 мартда Туркистон МИҚнинг “Инқилобий трибуналар тўғрисида”ги яна бир Низоми қабул қилинди³⁰. Ушбу Низомга асосан инқилобий трибуналар эндиликда вилоят марказларидан ташқари вилоятнинг йирик шаҳарларида ҳам ташкил қилина бошланди.

Инқилобий трибуналар ташкил қилинишидан то тугатилгунга қадар улар томонидан қўлланиладиган жазо турлари сони кенгайиб борганлигини кўриш мумкин. Дастлабки даврда айбланувчига нисбатан инқилобий трибуналар олий жазони қўллаш ваколатига эга бўлмаган. Бироқ, кейинчалик уларга маҳкумга нисбатан ўлим жазосини қўллаш ҳуқуқи ҳам берилди. Шу ўринда таъкидлаш керак, 1919–1922 йилларга оид архив манбаларидаги маълумотларга кўра инқилобий трибуналар томонидан айбдор деб топилган шахсларга нисбатан ўлим жазосини тайинлаш йилдан йилга кўпайиб борган³¹. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, инқилобий трибуналар томонидан чиқарилган ҳукм ва қарорларнинг муҳокама қилинмаслиги совет ҳокимияти қонунларида белгилаб қўйилган эди.

Ушбу даврга келиб инқилобий трибуналарда асосан Халқ Комиссарлари Совети (ХКС), Фавқулодда комиссиялар (ЧК), Давлат сиёсий бошқармаси (ГПУ) ҳамда Ишчи-деҳқон инспекциялари (РКИ) томонидан юборилган ишлар кўриб чиқилган. Бундан ташқари,

²⁹ Известия ТурЦИК. 1919 г. 20 мая.

³⁰ ЎзМА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 111-иш, 81-83-варақлар.

³¹ ЎзМА, Р-344-фонд, 3-рўйхат, 2-иш, 80-варақ.

мансабдор шахслар ва фуқароларнинг маъмурий, ҳарбий ва фуқароликка тегишли масалалардаги мурожаатлари ҳам кўрилган. Ҳарбий трибуналларга ҳарбий жиноий ишлардан ташқари босқинчилик, безорилик ва шунга ўхшаш ишларни кўриб чиқиш ҳам юклатилган.

Архив ҳужжатларидаги маълумотларга кўра, бу даврда фуқаролар асосан фавқулодда комиссиялар ва инқилобий трибуналларнинг қарори асосида озодликдан маҳрум қилинган³². Содир этилган жиноятларнинг кўпчилиги ўз мансабини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган. (жами жиноий ишларнинг 30,8 %). Қолган жиноий ишларнинг 15 % ини мулкни талон-тарож қилиш, ўғирлик ва бошқа шунга ўхшаш жиноятлар, 8,3 % сиёсий жиноятлар, 5,2 % шахсга тажовуз қилиш, 2 % чайқовчилик, 38,7 % ини эса бошқа жиноятлар ташкил қилган³³.

Инқилобий трибуналлар фаолиятида ҳам порахўрлик, ўз ваколатларидан шахсий манфаатларда фойдаланиш ҳолатлари рўй берганлигини кўриш мумкин. Масалан, Самарқанд инқилобий трибунали оғир жиноятлар билан озодликдан маҳрум этилганлардан жуда кўпчилигини пора эвазига муддатидан олдин озод қилганлиги, инқилобий трибуналлар фаолиятини тафтиш қилиш пайтида аниқланган³⁴.

Компартиянинг 1921 йилда бўлиб ўтган XI Бутунроссия съездида жойларда инқилобий қонунчиликни янада кучайтириш, айбдорларга нисбатан кескин жазо чоралари қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу съезднинг қарорлари асосида суд тизимида қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, 1921 йилдан бошлаб Туркистондаги барча инқилобий судлар ягона суд тизимига киритилиши белгилаб берилди. Шунингдек, халқ судлари ва инқилобий трибуналлар ҳузуридаги тергов комиссияларининг фаолияти тугатилди³⁵. Уларнинг ўрнида эса алоҳида тергов бўлимлари ва терговчи лавозими жорий қилинди.

РСФСР МИҚ томонидан 1921 йил 25 августда қабул қилинган Декрет асосида мустақил совет республикалари, автоном

³² ЎзМА, Р-17-фонд, 1-руйхат, 54-иш, 35-варак.

³³ ЎзМА, Р-17-фонд, 1-руйхат, 54-иш, 37-варак.

³⁴ ЎзМА. Р-344-фонд, 3-руйхат, 11-иш, 5-8-вараклар.

³⁵ Абдуллаев А. Амударё бўлимида сиёсий-маъмурий бошқарув ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар (1873–1924 йй.): Тарих фанлари. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. – Т., 2018. – Б. 123.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

республикалар ва автоном вилоятларга инқилобий трибуналлар ва бошқа махсус судлар фаолиятини марказлаштирилган ҳолда назорат қилиш мақсадида олий суд муассасаларини ташкил қилишга рухсат берилди³⁶. Ушбу Декрет асосида 1922 йил 27 июнда Туркистон МИҚ махсус Декрет ишлаб чиқди³⁷. Декретга кўра МИҚ ҳузурида Пленум, кассацион ва суд коллегияларидан таркиб топган Олий трибунал фаолияти йўлга қўйилди³⁸. Олий трибунал ТАССР суд апаратининг жойлардаги бўлимларининг хўжалик шароитларини яхшиланишига хизмат қилиши, Қизил армия қисмларида шунингдек, темир йўл ва дарё транспорт тизимида назоратни кучайтириши лозим эди.

1923 йилда Туркистон МИҚ томонидан “ТАССР суд тузилиши тўғрисидаги Низом” қабул қилинди³⁹. Ушбу Низом асосида 1923 йилдан бошлаб, Туркистон АССРдаги барча трибуналлар, хусусан, вилоят, ҳарбий, темир йўл, МИҚ ҳузуридаги кассацион ва олий инқилобий трибуналлар фаолияти тугатилиши белгилаб қўйилди. Уларнинг вазифалари эса РСФСР Олий судининг Туркистон бўлими зиммасига юклатилди.

Бир сўз билан айтганда, совет ҳокимияти ўлкада инқилобий адлия органлари жумладан, инқилобий трибуналлардан ўз душманларини йўқотишда кенг фойдаланди. Улар совет суд тизимининг бир бўғини ҳисобланган бўлса-да, аслида Туркистонда большевиклар террор сиёсатининг фаол амалга оширувчиси ҳамда тоталитар тартибот муҳофазасида ҳал қилувчи ва чекланмаган ваколатларга эга бўлган алоҳида давлат органи бўлиб қолди.

³⁶ Собрание Узаконений и Распоряжений Рабочего и Крестьянского правительства РСФСР (СУ РСФСР). 1921 г. № 62. – С. 442.

³⁷ СУ РСФСР, 1922 г. № 8. – С. 80.

³⁸ Комолов Д. Туркистон АССР суд тизими тарихи (1917 – 1924 йиллар): Тарих. фан. номз. дисс. – Т., 2008. – Б. 80.

³⁹ История советского государства и права Узбекистана. Т. I. (1917–1924 гг.). – Т.: Изд. АН УзССР., 1960. – С. 496.

TURKISTON LEGIONI VA MILLIY TURKISTON BIRLIGI KOMITETI FAOLIYATI

Obidjon Alimov

BuxDU magistranti

Turkiston legioni» 1941 yilning oxiri 1942 yilning boshlarida shakllandi. Uning asosini urushda asir olingan Turkistonliklar tashkil qildilar. Yozma manbalarning guvohlik berishicha Sovet Ittifoqi bilan Germaniya o'rtasidagi urushning ilk yillari (1941-1942)da sovetlarning G'arbiy jabhasida taxminan 2 millionga yaqin turkistonlik askar bo'lgan. Urush davrida to'plangan ma'lumotlarga qaraganda, 1943 yilda Qizil Armiyaning faqat 6 harbiy qismida, ya'ni Minsk, Kiev, Moskva, Leningrad, Uzoq Sharq va Shimoliy Kavkazda 1.179.802 turkistonlik askar bo'lgan. Faqat Kiev va Minsk qismlarida 997.892 nafar edi⁴⁰. Ana shu turkistonlik Qizil Armiya askarlarining kattagina qismi nemislar tomonidan asir olindi. To'rg'ay shahrida joylashgan Germaniya harbiy asirlari Boshqarmasining 1943 yilda bergan ma'lumotlariga qaraganda urushning dastlabki yillaridayoq (1941-1942) sovetlar armiyasidan 1.700.00 ga yaqin turkistonlik asir olindi⁴¹

O'sha vaqtda Olmoniyada yashab turgan yagona turkistonlik Vali Qayumxon bo'lgan. Vali Qayumxonning ko'z o'ngida minglab turkistonliklar behuda o'lib ketayotgan edilar, ular Vali Qayumxonning vatandoshlari, jigargo'shalari edilar. Shunda Vali Qayumxon Parijda yashayotgan Mustafo Cho'qay bilan umumiy til topib, harbiy asirlarni bekordan bekorga qirib tashlaguncha ulardan foydalanish yo'lini taklif qildilar. Bu taklif nemis qo'mondonligiga ma'qul tushdi. Insonning hayotini saqlab qolish hamisha hurmatga sazovor ish bo'lganligining ongli suratda tushgan Vali Qayumxon va Mustafo Cho'qay o'z vatandoshlarining ko'ngilli anketalarini tuzishga kirishdilar. Asirxonalarni kezib yurish chog'ida o'ziga sil kassaligini yuqtirgan Mustafo Cho'qay 1941 yil dekabr oyida vafot etdi. Endi barcha ish Vali Qayumxonning chekiga tushdi va uning elib-yugurishi tufayli «Turkiston legioni» tashkil

⁴⁰ «Sharq yulduzi», 1992 yil, 3-son, 152-bet

⁴¹ SH.Hayitov .2-jahon urushi: Asirlarning taqdiri va fojiali hayot lavhalari.Buxoro 2015y 3-bet

etildi⁴² «Turkiston polki» 4ta rotadan tashkil topgan edi. Urush oxirigacha Turkiston legioniga o'zbek millatiga mansub bo'lgan Boymirza Hayit boshchilik qiladi. Shu alohida ta'kidlab o'tish kerakki, Boymirza Hayit O'zbekistonning mustaqilligini ko'rishga erishadi.

Turkiston legionining askarlariga Buyuk Turksiton davlati tuzilishi va'da qilingan edi. Shu bilan birga Buyuk Turkiston tarkibiga O'rta Osiyo, Boshqirdiston, Volgabo'yi, Azarbayjon, Shimoliy Kavkaz va Sintzyan ham qo'shilishi kerak edi⁴³. Turkiston legionining bayrog'i Oo'qon xonligi bayrog'i asosida yaratilgan.

Vali Qayumxon Turkiston istiqloli uchun kurash shamchirog'i sifatida turkistonlik asirlarga ramziy ma'noda ota bo'lib qolgan edi. Sovet hukumati, harbiy qo'mondonligi butun dunyoga Germaniyada bizning asirlarimiz yo'q deb ma'lumot bergan edi. Aslida baynalmilalchilik qoidasiga ko'ra, urushayotgan har bir davlat o'zining dushman qo'lidagi askarlarini oziq-ovqat, kiyim-kechak va dorilar bilan ta'minlashi kerak edi. «Moskvadagi jallodlar asirlikdagi o'z askarlariga yordam bermadilar. Vali Qayumxon Olmoniya hukumatiga murojaat qilib, turkistonlik asirlar Sovet Armiyasining haqiqiy jangchilari emasligini, ularni zambarak uchun em-holida tutilganligini, Sovet Ittifoqi bilan Olmoniya orasidagi janglarda qo'llarida qurol o'rniga tayoqlar bilan tutilganligini, anglatgan edi.

Olmon hukumati ham Sovet davlatining nohaq harakat qilganligini va turkistonliklar kabi g'ayri rus xalqlardan urushda strategik maqsadda foydalanganligini to'la ravishda anglagan edi. 1942 yilning boshidan e'tiboran Qayumxon bir necha yuz ming turkistonlik asirni lagerdan chiqarib ularni ommaviy ishlarga joylashtirishga muvaffaq bo'ldi. Ochlik, kasallik hukm surgan sovuq oylarida kiyimsiz qolganimiz sharoitlarida biz, turkistonlik asirlar Qayumxonning himmatini ko'rib, uni «Ota» ataydigan bo'ldik. U biz uchun chindan ham otalik qildi»⁴⁴

1942 yil avgustida Vali Qayumxon raisligidagi «Turkiston Milliy Birlik Qo'mitasi» tuzildi. 1942-1945 yillarda Berlinda faoliyat ko'rsatgan «Turkiston Milliy Birlik Qo'mitasi»da 112 turkistonlik ishladi. Ayni

⁴² Boymirza Hayit, Vali Qayumxon ota Turkiston istiqloli uchun kurashning shamchirogi edi-shaxsiy arxiv, 2-bet.

⁴³ Aim.uz

⁴⁴ Boymirza Hayit, Vali Qayumxon ota Turkiston istiqloli uchun kurashning shamchirogi edi-shaxsiy arxiv, 2-bet.

zamonda «Milliy Turkiston», «Milliy adabiyoti» jurnallari va «Yangi Turkiston» gazetasi nashr etila boshlandi. «Milliy Turkiston» jurnalining birinchi soni 1942 yil 15 avgustda chiqdi. Jurnal «Bizning yo'l» bosh maqolasi bilan e'lon qilindi va unga «Bizning yo'l otalar yo'lidir, mustaqillik yo'lidir», deb bayonot berilgan edi. Germaniya hukumati milliy qo'mitaning bu siyosiy yo'lini o'rganib chiqdi, ammo uning siyosiy niyatiga qarshi chiqmadi. Bu tabiiy edi, albatta. Chunki ayni davrda milliy Qo'mitaning faoliyati Germaniya foydasiga va Sovet Ittifoqiga qarshi qaratilgan edi.

Milliy qo'mitaning bayonoti biron bir darajada bo'lsada Germaniyaning mavqeiga hech qanday xavf tug'dirmas edi. «Turkiston legioni» tarkibida askar va zobitlarning miqdori 1944 yil oxirlarida 267 ming kishi atrofida bo'lgan⁴⁵ Legion qo'mondonini tayinlash Germaniya armiyasi qo'mondonligi ixtiyorida edi. Batalon, polk qo'mondonligi va rota komandirlari tarkibida turkistonliklardan ko'p bo'lgan. Legionning siyosiy va milliy ishlari Milliy Turkiston Birlik Qo'mitasi tomonidan idora etilardi. Har bir askar va zobitning so'l qo'lida «Turkiston, Olloh biz bilan» tamg'asi bor edi. Askariy ont, Qur'oni Karim, qarshisida ikki qilich birlashtirilib, Turkiston bayrog'i ostida qabul qilingan. «Turkiston legioni»ning o'z madhiyasi bor edi. Bu madhiya «Go'zal Turkiston» nomi bilan atalardi. Madhiyaga Cho'lponning «Go'zal Farg'ona» she'ri va uning kuyi asos qilib olingan edi.

«Turkiston legioni» rus sovetlari qo'shinlariga qarshi jiddiy janglar olib borgan va unga katta talofotlar bergan. «Turkiston legioni»ning birinchi partiyasi 1942 yil 2 mayda Bryansk o'rmonlarida jangga tashlangan edi. Ruslar, Turkiston milliy askarlaridan asir olmas edilar, ularni «qora fashistlar» deb atashardi. Olingan asirlarni ayab o'tirishmas, ularni joyida o'ldirishardi. Hatto yarador askarlarga nisbatan ham shafqat yo'q edi.

«Turkiston legioni» 1944 yilning oxirlariga kelib taxminan 65 ming askarini yo'qotdi, 900 ga yaqin legionchilar sovetlar partizan birliklariga qochgan edilar. «Turkiston legioni» o'zbek, qozoq, qirg'iz, turkman va tojik qavmlaridan iborat edi. Ular yillar davomida sovetlarning olib borgan bo'lib tashlash va parchalash siyosatlariga qaramasdan turkistonliklarning «turklik birligini» ko'rsatib qo'yish qobiliyatlarini ham isbot qilgan edilar.

⁴⁵«Sharq yulduzi», 1992 yil, 3-son, 154-bet.

Sovetlar targ'iboti «Turkiston legioni»ni ichidan buzish uchun ko'p harakat qildi. Ammo Turkiston Milliy Birligini buzaolmadi.

«Turkiston legioni» tuzishda Germaniya hukumati o'z manfaatini birinchi o'ringa qo'yganligi isbot talab qilmaydigan haqiqatdir. Ammo shu narsaga tan bermaslik mumkin emaski, Germaniya davlati 1945 yil 24 martda bu davrda Germaniya front jabhasida mag'lubiyat ketidan mag'lubiyat alamini tortayotgan bo'lsa, «Turkiston legioni»ni Turkiston Milliy Hukumati sifatida rasmiy bir vasiqa bilan tanidi.

«Turkiston legioni»ning urushdan keyingi taqdiri albatta har bir kimsani qiziqtiradi. Ikkinchi jahon urushidan so'ng Turkiston Milliy Armiyasining hayyotida achchiq bir davr boshlandi. Amerika Qo'shma Shtatlari prezidenti Ruzvelt va Angliya Bosh Ministri Cherchil 1945 yil 4 fevralda Qrim yarim orolining Yalta shahrida I.Stalin bilan uchrashdilar. Bu erda bo'lib o'tgan konferentsiyada ittifoqchilar asir tushgan o'z vatandoshlarini qaytarib olishga o'zaro kelishdilar. Ammo dunyodagi eng yirik mustamlakachi Qizil saltanat bo'lgan Sovet Ittifoqi uchun bu shartnoma ming-minglab kishilarning taqdiri nuqtai nazaridan fojeali yakunga ega bo'ldi. Sababi, tuzilgan bitimga asosan 1945 yildan 1947 yilga qadar Sovet Ittifoqi tashqari qochib o'tgan yoki Germaniyaga asir tushgan yuz minglarcha turkistonliklarni ozarbayjon, qrim, qolmiq va boshqa millat kishilarni Garbiy Ittifoqchilar majburan sovetlarga topshirdilar. Holbuki ozodlik kurashchilari Amerika, Angliya va Frantsiya davlatlariga ishonib o'zlarini taslim etgan, ularga ishonar edilar. Chunki, 1941 yil 14 avgustda «Atlantik Jxorta» e'lon etilgan edi. Unda «Ozodlik, inson huquqi, xalqlarning o'z taqdirini o'zi belgilashi, har bir xalqning mustaqillikka bo'lgan huquqini ta'minlash, mustamlakachi likni bitirish, «Yangi bir dunyo» tashkil etish masalasi bahs etilgan va qarorlashtirilgan edi». «Atlantik Jxorta»ga Amerika, Angliya, Sovet Ittifoqining boshliqlari imzo chekkan edilar. Bu hujjat 1941 yil 14 avgustda Atlantikadan Amerika kemasida Ruzvelt va Cherchil ishtirokida tuzildi va ular urush tamom bo'lgandan keyin yangi, ozod va erkin dunyo ko'rilajagini tashqaridan arlashuvsiz o'zi belgilayajagini e'lon qildilar.

«Atlantik Jxorta»da ezilgan xalqlar, millatlarning haq-huqulari, istak-orzulari, milliy maqsadlari muxofaza qilinishi kerak edi. Ammo afsus va nadomatlar bo'lsinki, Garbiy ittifoqchilar 1945 yil Yaltada to'planib⁴⁶,

⁴⁶ Vtoraya Mirovaya voyna. Kratkaya istoriya M.: Nauka, 1985, 630, 635-betlar

«Yangi dunyo» qurish to'g'risidagi o'z bayonotlariga o'zlari hiyonat qildilar, I.Stalin bilan kelishilgan holda «Yalta bitimi»ni tuzdilar, oxir-oqibatda o'z ozodliklari uchun kurashgan g'ayrirus millat kishilarini majburan qizil saltanat o'lim tegirmoniga topshirdilar. Jami bo'lib AQSh va Angliya hukumatlari yordamida 2.272.000 kishi⁴⁷ chet eldan SSSRga qaytarilgan edi. Bitimga ko'ra Milliy Turkiston Birlik-Qo'mitasiga qarashli 200 ming askar va 300 ming ehtiyotda turgan turkistonliklarni, bir qanchasi qo'llariga zanjirlar solib zo'rlab oilalari bilan yuk, hayvonlar tashiladigan vagonlarga tiqib Rossiyaga tomon jo'nata boshladilar. Turkistonliklarning ko'pchiligi o'z-o'zlarini o'ldirdilar. Ular «ruslarning qo'lga tushgandan ko'ra, o'lim yaxshiroq», deb qo'llarining tomirlarini kesdilar, beajal halok bo'ldilar. Turkistonliklar arosatda qolgan mana shunday og'ir fojeali bir sharoitda o'z vatandoshlarini qutqarish uchun jon kuydirib ishlagan Amerikadagi armanilar singari turklarga ham yordam qo'lini cho'zadigan bir davlat topilmadi.

Xulosa qiladigan bo'lsak «Turkiston legioni»ni tuzishda kim qanday maqsadni o'z oldiga qo'yganligidan qat'iy nazar, hayot bu qo'yilgan qadamning o'z vaqtida va to'g'ri qo'yilgan qadam bo'lganligini isbotladi. «Turkiston legioni» minglab turkistonliklarning hayotini saqlab qoldi.

Ana shu jihatdan Vali Qayumxon singari turkistonliklarning urush yillaridagi bu boradagi xizmatlari katta albatta. Faqat Vali Qayumxon va «Turkiston legioni» boshqa fidoyilarning o'sha davrdagi faoliyatiga hozirgi mustaqil O'zbekiston fuqarosi g'oyalari va ko'z qarashlari asosida baho bermoq kerak bo'ladi. Shundagina biz vatandoshlarimiz ikki dahshatli o't orasida qolib bekordan-bekorga qirilib ketmaslik uchun birdan-bir to'g'ri yo'lni tanlaganliklariga imonimiz komil bo'ladi. Vali Qayumxon Turkiston va turkistonliklarga zarracha bo'lsada xiyonat va xoinlik qilgan emas. Aksincha u Turkiston va turkistonliklarni Qizil saltanat mustamlakachiligi zulmidan ozod qilish uchun kurashdi

⁴⁷ Geller M., Nekrich A. Istoriya Rossii. 1917-1995. Tom vtroy; «Utopiya u vlasti», kniga vtoraya «Mirovaya imperiya». M., «MII», 1996 g str 7.

ТУРКИЯДАГИ МУҲОЖИР ТУРКИСТОНЛИКЛАР МАТБУОТИДА ТУРКИСТОН ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ ("TÜRKİSTAN SESİ"- "ТУРКИСТОН ОВОЗИ" ЖУРНАЛИ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)

Ражабова Н.З.

БухДУ, Жаҳон тарихи кафедраси II босқич магистранти

Туркия Республикаси ўзбек муҳожирлиги марказларидан бири ҳисобланиб, XXI асрдан XX аср дастлабки ўн йилликларига қадар бир қатор тарихий босқичларда миллатдошларимиз ушбу мамлакатнинг ўнлаб вилоят ва шаҳарларида доимий яшаб қолганлар. Айниқса, Истанбул, Измир, Адана каби шаҳарлар ўзбек муҳожирлари кўп тарқалган ҳудудлар бўлиб, уларда истиқомат қилган ватандошлар XX аср давомида ўнлаб ўзбек ва турк тилларида матбуот органларига асос солганлар.

Ғарбий Туркистон (ҳозирги марказий Осиё Республикалари) ва Шарқий Туркистон (ҳозирги ХХР нинг Шинг-Жонг уйғур мухтор раёни) дан Туркияга кўчган ўзбек, қозоқ, қирғиз, Туркман, тожик, қорақалпоқ, уйғур, дунган, саранчиларнинг тарих, илм-фан, маданият ва санъат йўналишларига қаратилган газета ҳамда журналларида асосий мавзу "Туркистон" масаласи бўлган. Улар Туркистоннинг табиати, аҳолиси, этнографияси, қадимги ва ўрта аср тарихи, янги даврда озодлик учун курашлари, шунингдек, хонликлар билан Усманийлар салтанати ва Мустафо Камолнинг "Муваққат Анқара ҳукумати" ўртасидаги анъанавий савдо-сотик ҳамда дипломатис алоқалари ҳақида ҳикоя қилувчи мақолаларни еълон қилишган. Айниқса, Ғарбий ва Шарқий Туркистондан Туркияга муҳожир бўлиб келган зиёлиларнинг "Янги Туркистон" ("Yeni Türkistan"; 1927-1931 йиллар) , "Туркистон овози" ("Türkistan sesi"; 1956-1958 йиллар), "Туркистон" ("Türkistan"; 1962-1963-йиллар); "Хур Туркистон учун. Истиқлолчи газета ; 1975-1976 йиллар" кабиларда Туркистон (Ўзбекистон) ҳақида бой манбавий маълумотлар берилади. Биргина Истанбул университети ахборот ресурс марказида ва ўқув залидаги фондларда Туркистон тарихига оид 158 та китоб, рисола, мажмуа,

газета ва журналлар сақланаётганлиги юқоридаги фикримизга далил бўла олади.

Муҳожир Туркистонликлар томонидан нашр етилган матбуот органларидан бири “Туркистон овози” (“Türkistan sesi”) дергеси (журнали) ҳисобланади. “Туркистон овози” мажмуаси Шарқий Туркистон ва Ғарбий Туркистондан Туркия Республикасига турли йилларда бориб қолган туркий халқ вакилларининг хайр-еҳсон, бадали ва ионаси асосида чоп етилиб, сармоядор уйғур, ўзбек, қозоқ миллатига мансуб кишилар уни маблағ билан таъминлаб туришган. Журнал чиқишида унинг таъсисчилари 10 лирадан 50 лирагача (Турк лираси-ТЛ- у пайтларда қадри баланд бўлган-Н.Р.) ҳар бир сонига иона қилишган. Шарқий Туркистоннинг Қошғар шаҳридан Истанбулга кўчиб ўтган Меҳмет Амин Буғро (Mehmet Emin Bügra) таъсисчилиги ва муҳаррирлиги остида чоп етилган журналда Туркистон иқтисодиёти, зироати (қишлоқ хўжалиги) маданияти, совет ҳокимияти йилларидаги истиқлолчилик ҳаракати, ушбу ҳаракатда иштирок етиб, муҳожирликка маҳкум етилганлар хотира парчаларай, шеър, ҳангома ҳамда ички ва ташқи хабарлар босилган. Мазкур матбуот органининг ҳажми унчалик катта бўлмай, бор ёғи 30-32 саҳифани ташкил етган. “Туркистон овози” ҳар икки ойда, баъзан 3 ойда бир бор чоп етилиб, унинг таҳририятида ўзбек, уйғур, қозоқ, туркман миллати вакиллари қатнашганлар. Матбуот органининг ўнлаб сонлари билан танишиш асосида амин бўлдимки, ушбу нашрда Меҳмет Амин Буғро билан бир сафда Саит Шамил, И.Алптегин, А.Енгин, Х.Олтой, Муглу, И.Мусабой, М.Тожимурот, Яҳё Чиғатой, С.Тошкентли, А.Муслимин кабилар фаолият юритишган.

“Туркистон овози”да Меҳмет Буғро ва Яҳё Чиғатойлар Туркистон ҳаётига оид тарихий ва сиёсий мақолалар билан қатнашишса, Субҳи Тошкентли ва Мутлулар ўз ижод намуналари ҳисобланган шеърларини еълон қилиб боришган. Журналнинг баъзи сонларида Меҳмет Емин Буғронинг 3-4 тагача мақолалари босилиб, улар Туркистон тарихи ва Шарқу Ғарб дунёсида кечаётган масалаларга бағишланган. Журнал “Асир миллатлар” тарихи ва халқаро ташкилотларининг уларни озод қилиш йўлидаги конференция, симпозиум ва анжуманлари, уларда қабул қилинган

қарор, декларациялардан ўз ўқувчиларини доимо хабардор қилиб борган.

Журнал саҳифаларини варақлар эканмиз, Субҳи Тошкентли (Suphi Taskentli) нинг “Türkistan”, “Hürlik”, “Ajdodlar edi” каби, Мутлунинг “Ey Vatan”, “Yrt farsandi” каби шеърларидан воқиф нўламиз. Ушбу шеърларда Туркистонни истиқболда албатта озод бўлишига қатъий ишонч билдирилиб, миллат ва халқимиз улуғланади. Шунингдек, журналнинг турли сонларидаги бир қатор саҳифаларида ўзбек мумтоз адабиёти намоёндаларидан Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат кабиларнинг шеърларидан намуналар берилган. Ушбу шеърлар мавзуси асосан халқ ва Ватанни улуғлаш, она юрт соғинчига қаратилган эди. Жумладан, журналнинг 1957-йил 10-11-сонларида “Бобурдан шеърлар” (“Babürden siirlar”) берилиб, истиқлол фидойиси ва куйчиси Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг “Балжувон” шеъри ҳам 11-сондан ўрин олган. Журналда Шарқ алломалари Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий, Махтумқули, Маннон, Абай Қуюнбоев кабилар ҳаёти ва фаолиятларидан қисқа матнли мақолалар берилиб борилганлиги, муҳожир журналхонларни юртимиздан чиққан улуғ даҳолар билан таништириш мақсади бўлганлиги ўз-ўзидан аён.

“Туркистон овози” мажмуасининг муҳим манбавий аҳамияти шундаки, унинг кетма-кет 6 та сониди Туркистон озодлик ҳаракатида муҳим рол ўйнаган, Фарғона “босмачилари” йўлбошчиси Шермуҳаммадбек Қўшоқбой ўғли (совет адабиётларида ҳақоратомуз Кўршермат, Шермат кўр деб камситилган миллий қаҳрамон) нинг хотиралари босилган. Шермуҳаммадбек (1893-1970 йиллар) нинг хотиралари “Туркистон миллий ҳаракатларидан бир парча” (Sir Mehmet Bey. Türkistan milli hereketlariden bir parça) номи билан турк тилида еълон қилинган. Ушбу хотиралар журналнинг 6 та сониди 3-5 бетдан иборат ҳолда босилган. Нўмалум сабабларга кўра тўлиқ ҳолда Шермуҳаммадбек хотиралари журналдан ўрин олмай чала қолиб кетган. Маълумки, Шермуҳаммадбек тенгсиз жангларида қизил армиячилардан мағлубиятга учраганидан сўнг, 1923-йилда кўшни Афғонистон ҳудудига бир қатор бек ва аёнлари билан муҳожирликка ўтди. Унинг ҳарбийлари кўлидаги қуроли яроқларни афғон ҳукумати

мусодара қилганидан сўнг, у Қобул яқинидаги Чилвирсотарлар маҳалласида ҳукуматдан ер олиб, деҳқончилик қилиб яшади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида “Фаол-Ватанни озод қилиш комитети” номли туркистонликлар яширин ташкилотидида қатнашганлиги учун Қобулдаги “Демазанг” номли хибсхонада қўл оёғи занжирбанд ҳолда уч ой давомида тутқунликда сақланди. 1953-йилда Покистон орқали Туркия Республикасига кўчиб, бир умр Адана шаҳрида яшади.

Юқоридаги фикрларни келтиришдан кўзланган мақсад, “Туркистон овози” журналида хотиралари босилган 1957-йилда Шермуҳаммадбек оиласи ва укаси Нурмуҳаммадбеклар хонадони Аданада истиқомат қиларди. 64-65 ёшларда бўлган Шермуҳаммадбекдан Меҳмет Амин Буғро ўз хотираларини “Туркистон овози” билан ўртоқлашишни сўраган. Хотиралар билан танишиб чиқиш асносида амин бўлдимки, Шермуҳаммадбек 1971-йил охиридан истиқдолчилик ҳаркатига қўшилиб, 1919-1920- йилларда совет режимига қарши курашда Фарғона вилоятидаги фаолияти жўшқин кечган. Унинг хотира парчаларидан 1918-1920 –йилларда кураш олиб борган Маҳмуд Рўзиқўрбоши, Шокир қўрбоши, Маҳмуд Паҳлавон, Маҳмуд Юсуф қўрбошиларнинг Фарғона водийсидаги Ўш, Марғилон, Ёзёвон, Балиқчи, Учқўрғон, Андижон, Олой, Шоҳимардон, Чимён, Олтиариқ, Қўқон, Асака, Шахрихон, Қоратепи, Дардак, Бозорбой каби ҳудудларда олиб борган омонсиз курашлари ҳақида хабардор бўлиш мумкин.

“Туркистон овози” нинг 1957-йил 10-11 сонларида босилган Шермуҳаммадбек хотиралари 1920-йил кузидаги сиёсий воқеалари баёни билан тугаганлиги афсусланарлидир. Юқоридаги ҳолатга қарамай журналда ёшон қилинган Шермуҳаммадбек хотира парчалари ўз муштарийларига, айниқса, Туркистон муҳожирлари учун бой маълумотлар берганлиги табиий ҳолдир.

Хуллас, “Туркистон овози” (Türkistan sesi) нашри бизга XX аср дастлабки ўн йилликлари даври Туркистон тарихини ўрганишда, Шарқ дунёсида кечган ушбу аср бошидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий жараёнларни таҳлил қилишда муҳим манбавий асос бўларлидир.

ЖАҲОНДАГИ ГЛОБАЛ МУАММО: ҚАШШОҚЛИК ВА ОЧАРЧИЛИК

Рахматова Дилноза

БухДУ “Жаҳон тарихи” кафедраси магистранти

Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, жамиятнинг барқарор ривожланиши азалдан долзарб аҳамиятга эга бўлган масаладир. БМТ бу борада ўз фаолияти давомида жуда кўплаб тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, 2000 йилнинг сентябрида бўлиб ўтган БМТнинг Минг йиллик Саммитида БМТнинг Минг йиллик Декларацияси, яъни халқаро ҳамжамиятнинг инсон тараққиёти ва инсон ҳавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳаракат дастури бир овоздан қабул қилинди. Бу ҳужжатга биноан Минг йиллик ривожланиш мақсадлари (МРМ), яъни 192 давлат ва 23 халқаро ташкилотлар томонидан 2015 йилга келиб қашшоқликни бартараф қилиш, одамларнинг билим даражасини кўтариш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тенглигини таъминлаш, касалликларга қарши курашиш, тинчлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш борасида эришиш керак бўлган вазифаларга оид мажбуриятлар белгиланди. МРМ доирасида бутун дунёда ўта қашшоқликни бартараф этиш, бошланғич таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, бошланғич мактаб даражасида гендер тенглигини таъминлаш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш, ОИВ-инфекцияси тарқалишини тўхтатиш ва безгадан ўлим ҳолатларини қисқартириш, ҳамда санитарияни яхшилаш имкониятларини таъминлаш борасида эътиборга молик натижаларга эришилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати МРМни амалга ошириш индикаторлари ва механизмларини ишлаб чиқиш асносида 2004 йили Осиё тараққиёт банки, БМТ ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда миллий МРМ билан жуда ҳамоҳанг бўлган устувор вазифалар ўз ифодасини топган 2005-2010 йилларда Аҳоли фаровонлигини ошириш стратегияси - АФОСни белгилаб олди⁴⁸.

⁴⁸Саломатлик барча учун: Ўзбекистоннинг янги мингйилликдаги асосий мақсади. Инсон ривожланиши тўғрисидаги миллий маъруза. – Тошкент – 2006. – Б. 30
http://www.undp.org/content/dam/uzbekistan/docs/Publications/human-development/national-human-development-report-2006/book_uz_release.pdf

Дунё мамлакатлари МРМ доирасида эришилган му-ваффақиятларни эътироф этган ҳолда, МРМ доирасида амалга оширилиши яқунланмай қолган мақсадларга эришиш, ҳамда, жаҳон ҳамжамиятини 2015 йилдан сўнг янги ривожланиш жабҳалари сари етакловчи мақсадларни белгилаб олиш заруриятини таъкидладилар. Шу тарзда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2012 йили барқарор ривожланиш мавзусида ўтказилган «Рио+20» Конференциясида дунё мамлакатлари етакчилари Барқарор Ривожланиш Мақсадларини (БРМ) ишлаб чиқишга келишиб олдилар⁴⁹. Бу муҳим ҳужжат МРМнинг мантиқий давоми бўлиб, унда 2030 йилга қадар эришилиши лозим бўлган 17 глобал мақсад ҳамда 169 вазифа белгиланди. 2015 йилнинг сентябрида, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тарихий саммитида, БРМ расман қабул қилинди. Унда ўта қашшоқликка барҳам бериш, очарчиликни тугатиш, гендер тенглик, соғлик ва фаровонлик, сифатли таълим, тоза сув ва энергия, муносиб иш ўринлари ва иқтисодий ўсиш, денгиз ва қуруқликдаги экотизимни асраш, иқлим ўзгаришларига қарши кураш, тенглик ва адолат, масъулият, ривожланиш йўлида ҳамкорлик каби мақсадлар кўзда тутилган.

Бутун дунёда қашшоқлик ва очарчиликни тугатиш БРМнинг устувор мақсадларидан биридир. Ўтган йили сайёрамиздаги 700 миллион киши очарчилик муаммосига йўлиққан эди, 2020 йилда вазият янада оғирлашади. Охириги беш йилда очлар сони 60 миллион кишига ошди. БМТ 13 июль куни ҳавола қилган ҳисоботда тафсилотлар очиб берилган.

Мутахассислар овқат етишмовчилиги бўйича энг кўп ҳолатлар Осиёда (381 миллион киши очликдан азоб чекмоқда) кузатилаётгани, очарчилик энг тез Африкада (250 миллион киши) тарқаётганини қайд этишди. Учинчи ўринда эса Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари — 48 миллион киши тўйиб овқат емасликдан қийналмоқда.

«Коронавирус пандемияси глобал озиқ-овқат тизимининг ҳимояланмаганлиги ва номувофиқлиги ҳолатларини борган сари кучайтиряпти. 2020 йилда очликдан азоб чекаётганлар қаторига яна

⁴⁹<http://www.un.org/uzb/pages/display/mdgs>

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

132 миллион киши қўшилиши кутиляпти», — дейилади БМТ ҳисоботида⁵⁰.

Мамлакатимизда БРМни амалага оширишда қалор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2018 йил 20 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалар белгилаб олинди:

Барча жойларда аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пасайтириш;

Озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, овқатланиш рационини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига кўмаклашиш;

Соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва барча ёшдаги кишиларнинг фаровонлигига кўмаклашиш;

Умумқамровли ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барчага бутун умри давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантириш;

Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш⁵¹ кабилар.

Қарор билан тасдиқланган Миллий мақсад ва вазифаларда 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадлар ва улар доирасида амалга ошириладиган вазифалар қамраб олинган. Жумладан, амалга ошириладиган тадбирлар натижасида 2030 йилгача Ўзбекистонда ўта қашшоқликни тугатиш, кам таъминланган аҳоли сонини ҳозиргига нисбатан икки бараварга камайтириш режалаштирилган⁵².

Соғлом турмуш тарзини таъминлаш, касалликлар туфайли бевақт рўй берадиган ўлим сонини 30 фоизга қисқартириш, 2025

⁵⁰<https://www.xabar.uz/xorij/bmt-2020-yilda-global-ocharchilik-yanada-kes>

⁵¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сонли қарори. 2018 йил 20 октябрь. <https://lex.uz/docs/-4013356>

⁵² Barqaror rivojlanish maqsadlari O'zbekistonda qanday bajarilmoqda? <http://uza.uz/uz/society/barqaror-rivojlanish-maqsadlari-o-zbekistonda-qanday-bajaril-12-11-2018>

йилгача йўл-транспорт ҳодисалари сонини икки бараварга камайтириш режалаштирилган. Сифатли таълимни таъминлаш, ўқитувчилар сонини кўпайтириш мўлжалланган.

Умуман, БМТ томонидан илгари сурилган аксарият дастурларнинг бош мақсадини очарчилик ва қашшоқликка барҳам бериш, саломатлик, таълим ва экологик хавфсизлик масалалари ташкил этади. Бу айниқса ривожланаётган мамлакатлар учун оғир кечмоқда. Бунга асосан, иқлим ўзгаришлари, ишлаб чиқаришда замонавий техникаларнинг етишмаслиги, таълим сифатининг пастлиги, гендер тенгсизлик сабаб бўлмоқда. Аҳоли дунёқарашини тубдан ўзгартириш, ички имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда аҳолини ўз-ўзини банд қилишини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, саводсизликка барҳам бериш, айниқса, аёлларнинг қобилияти ва ташаббусларини юзага чиқаришида кенг йўл очиб бериш иқтисодий-ижтимоий тараққиётга эришишнинг муҳим омилидир.

СУВАЙШ КАНАЛИ ҚУРИЛИШИНING XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИДАГИ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА ТУТГАН ЎРНИ

Тожиев Достонжон Бекназар ўғли

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Тарих факультети магистранти

Сувайш канали – бугунги Миср Араб Республикасининг шимоли-шарқий қисмидаги кема қатнайдиган шлюзсиз⁵³ денгиз канали. Ўрта Ер денгизини Қизил денгиз билан бирлаштириб туради. Қизил ва Ўрта Ер денгизларини боғлайдиган сув йўлида шлюзлар йўқ. Бу жуда қулайдир, чунки ҳеч қандай тўсиқсиз кема битта сув йўлидан иккинчисига тушиши мумкин. Атлантика ва Ҳинд океанлари ўртасидаги энг қисқа сув йўли (Африкани айланиб ўтишга сарфланадиган 8-15 минг км.лик йўлни қисқартиради). Сувайш канали худуди Осиё билан Африка оралиғидаги шартли географик чегара деб қабул қилинган.

⁵³ Шлюз (голландча sluis, лот. excelcio — бўламан) — навигацияда кемаларни дарё ёки каналларга бир сув сатҳидан иккинчи сув сатҳига ўтказиш учун мўлжалланган гидротехника иншооти.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Бу канал Ўрта Ер денгиздаги Порт-Саид шаҳридан бошланиб, Қизил денгиздаги Сувайш портида ниҳоясига етади. Канал маъмурияти Порт-Фуадда жойлашган⁵⁴. Каналнинг Шарқий томонида, Сувайш рўпарасида, Порт-Тавфиқ жойлашган. Канал иккита денгиз портини – Ўрта Ер денгиздаги Порт-Саид ва Сувайш портини – Қизил денгиздаги Сувайш кўрфазининг шимолини боғлайди. Ушбу сув йўли бугунги кунда Мисрнинг мулки ҳисобланади ва давлат хазинасига ҳар йили камида 5 миллиард доллар олиб келади, канал орқали эса 18 мингга яқин кемалар ўтади⁵⁵.

Сувайш каналининг қурилиши 1832 – 1833 йилларда Искандариядаги француз консули Фердинанд де Лессепснинг номи билан боғлиқ ва у 1833 – 1837 йилларда Қоҳирадаги консул лавозимида ҳам ишлаган. Ушбу улкан корхонага асос солган Лессепс Миср ҳадиви Муҳаммад Али билан дўстона алоқалар ўрнатди. Ҳадив унга Сувайш канали қурилиши учун имтиёз берган⁵⁶. Сувайш каналини режалаштириш расмий равишда 1854 йилда, француз дипломати Лессепс император Наполеон III⁵⁷ кўмагида Миср губернатори билан Сувайш канали компаниясини яратишга келишиб олингандан сўнг бошланди. Буюк Британия ушбу қурилишда ўзининг денгиз кучларига тажовузни кўрди ва бу режага қарши кучли ташвиқот кампаниясини бошлаб юборди. Францияни “оддий одамларни (акциядорларни) шафқатсиз талон-тарож қилишда” айблаган.

1854 – 1856 йилларда Фердинанд де Лессепс Миср вазири Муҳаммад Саид-пошодан барча мамлакатларнинг кемаларига очиқ транспорт каналини қуриши керак бўлган компанияни ташкил этиш учун рухсат олди. Концессия шартларига кўра, компания канал очилганидан бери 99 йил давомида ишлаши, шундан сўнг уни Миср ҳукуматига топшириши керак эди. Дизайн учун австриялик муҳандис Луиджи Негрелли⁵⁸ ёлланган. Концессион имтиёздан кейин Сувайш

⁵⁴ <http://uza.uz/uz/society/suvaysh-kanali-haqida-nimalarni-bilamiz-20-05-2019>

⁵⁵ https://ru.wikipedia.org/wiki/Суэцкий_канал.

⁵⁶ Гальский Д. Великие авантюры: История создания Суэцкого и Панамского каналов. Москва: Прогресс, 1986. С. 186.

⁵⁷ Шарль Луи Наполеон III Бонапарт (1808 – 1873) – Иккинчи Франция Республикасининг 1848 – 1852 йиллардаги биринчи президенти, 1852 – 1870 йилларда Иккинчи Франция империясининг императори.

⁵⁸ Алоис Луиджи Негрелли (1799 – 1858) – австриялик инженер-қурувчи, архитектор, Австрия, Швейцария ва Италияда кўприклар ҳамда темир йўллар қурилиши ташкилотчиси, Сувайш канали лойиҳачиси.

каналы компанияси (французча *Compagnie universelle du canal maritime de Suez*) 1858 йил 15 декабрда ташкил топган⁵⁹.

1855 йилда Франциялик дипломат Фердинанд де Лессепс⁶⁰ канал қурилиши учун Миср вице-қироли Саид-пошшодан⁶¹ ижозат олади. Саид Пошшо канал қурилиши учун биринчи молия, савдо ва кемачиликка доир компанияни ташкил этилишига рухсат берди. Айнан Саид-пошонинг ташаббуси билан Мисрда илк банк – “Bank of Egypt” очилди⁶². Бу компания 1859 йилда Парижда ташкил этилиб, 99 йил давомида канал назоратини ўз қўлида тутиб туриши лозим эди⁶³.

1859 йилнинг 25 апрелида расман канал қурилиши бошлаб юборилди. Акцияларнинг 44 фоизи Миср ҳукуматига, 53 фоизи Францияга, 3 фоизи эса бошқа мамлакатларга тегишли бўлиши белгиланган⁶⁴. Шартнома шартларига кўра, Миср Лессепс бошчилигидаги Сувайш канали бош компаниясига 99 йил давомида қуриш ва ишлатиш ҳуқуқини берди. Шу билан бирга, ўша вақтда операцион даромаднинг 75 фоизи Универсал компаниясига, 15 фоизи Миср ҳукуматига ва 10 фоизи компания муассисларига тушди⁶⁵. Компания 10 йил давомида солиқлардан тўлиқ озод қилинди. Кейин эса солиқларнинг атиги 10 фоизини тўлашга ваъда берган⁶⁶.

Компаниянинг бошланғич капитали ҳар бири 500 франкнинг 400 минг акциясига бўлинган ҳолда 200 миллион франкни ташкил этди. Энг кўп акцияларни Франция сотиб олди – 207,111. Буюк Британия, Австрия, Россия империси ва Америка Қўшма Штатлари битта ҳам акцияни сотиб олмасаларда уларнинг улуши учун 85506 та акция қолдирилди. Компанияни қўллаб-қувватлаш учун Саид-пошо қолган 177,642 акцияни ўзига сотиб олди⁶⁷. Шу билан компаниянинг барча акцияларининг деярли 44 фоизини Саид-пошо ўзиники қилди ва бу Мисрнинг умумий акциялари қийматини ҳам белгиларди.

⁵⁹ <https://bumotors.ru/uz/sueckii-kanal-skolko-let-stroilsya-sueckii-kanal-istoriya-i.html>

⁶⁰ Фердинанд Мари, виконт де Лессепс (1805 – 1894) – француз дипломати, Сувайш канали қурилиши бошқарувчиси. Мутахассислиги бўйича юрист.

⁶¹ Саид-пошо (1822 – 1863) – 1854 – 1863 йилларда Миср пошоси, Муҳаммад Алининг тўртинчи ўғли.

⁶² Мусаева С.И. К вопросу о строительстве Суэцкого канала. Дагестан – 2011. С. 2.

⁶³ <https://uz.eferrit.com/qizil-dengizni-orta-er-dengizi-bilan-boglash/>

⁶⁴ Мусаева С.И. К вопросу о строительстве Суэцкого канала. Дагестан – 2011. С. 2.

⁶⁵ Гальский Д. Великие авантюры: История создания Суэцкого и Панамского каналов. Москва: Прогресс, 1986. С. 201.

⁶⁶ <https://bumotors.ru/uz/sueckii-kanal-skolko-let-stroilsya-sueckii-kanal-istoriya-i.html>

⁶⁷ <https://bumotors.ru/uz/sueckii-kanal-skolko-let-stroilsya-sueckii-kanal-istoriya-i.html>

Тез орада Буюк Британия канални муҳим савдо йўли сифатида тан олди ва француз лойиҳасини ўзининг геосиёсий ва молиявий манфаатларига таҳдид сифатида қабул қилди. Британия империяси мажбурий меҳнатни қораларди ва ишчилар орасида ғалаён кўзғаш учун бадавий қуроли кучларини канал қурилиши ҳудудларига юборди. Натижада, Саид-пошо қул хизматидан фойдаланишни тўхтатди ва қурилишни вақтинча секинлаштирди.

Аввалига халқаро жамоатчилик ушбу лойиҳага шубҳа билан қарашди. Сувайш канали компаниясининг акцияларини Буюк Британия, АҚШ, Австрия ва Россия империяси сотиб олишга тайёр эди. Бироқ, компаниянинг барча акцияларини Францияга сотишга эришилди.

Канал расман 1869 йилнинг 17 ноябр кунини очилган. Тадбирда Франция императори Наполеон Учинчининг рафиқаси Евгения⁶⁸, Австрия-Венгрия императори Франц Иосиф I⁶⁹ ва ташқи ишлар министри Андраши⁷⁰, шаҳзода Мурат, Миср вазири хадив Исмоил-пошо⁷¹, Голландия шаҳзадаси Генрих⁷², Хесс шаҳзадаси Людвиг, генерал Банко – АҚШ Сенати ташқи алоқалар бўйича комиссия раиси ва бошқа нуфузли меҳмонлар иштирок этганлар.

Канал жаҳон сиёсати ва савдосига беқиёс таъсир кўрсатди. Канал қурилиши Африка қитъасини босиб олиш жараёнларини тезлаштирган ҳодисалардан ҳам бири бўлган. Сувайш канали очилганидан кейин бир зумда дунё миқёсидаги савдо-сотиққа сезиларли таъсир кўрсатди. Чунки товарлар жаҳон миқёсида рекорд миқдорда олиб ўтила бошланди. Каналнинг очилиши жаҳон савдосига жиддий таъсир кўрсатди. Каналдан олти ой олдин қуриб битказилган Америка қитъалараро темир йўлини бирлаштирган ушбу канал жаҳон савдосининг рекорд муддатда ўсишига имкон берди. Каналнинг очилиши Европанинг нуфузини кенгайтириш ва Африкани мустамлака қилиш ишини тезлаштиришда ҳам муҳим рол

⁶⁸ Мария Евгения (1826 – 1920) – Франциянинг сўнгги императричаси, Наполеон учинчининг рафиқаси (1853 – 1873 йилларда икки ўртада расмий никоҳ бўлган).

⁶⁹ Франц Иосиф I (1830 – 1916) – 1848 йил 2 декабрдан Австрия империяси императори ва Богемия қироли, 1867 йил 15 августдан бошлаб – бирлашган икки давлат – Австро-Венгрия монархияси императори.

⁷⁰ Граф Дьюла Адраши (1823 – 1890) – Австрия-Венгрия давлат ва сиёсий арбоби, граф Карл Андрашининг уч фарзандидан иккинчиси.

⁷¹ Исмоил-пошо (1830 – 1895) – Мисрни 1863 – 1879 йилларда бошқарган бош вазири.

⁷² Генрих Оранско-Нассауский (1820 – 1879) – Нидерландия ва Оранско-Нассауский шаҳзадаси, қирол Виллем II ва Анна Павловнанинг тўртинчи ўғли, Люксембург губернатори.

ўйнади. Ташқи қарзлар Саид-пошонинг вориси Исмоил Пошони 1875 йилда Буюк Британияга 4 миллиард фунт стерлингга ўз каналига тегишли улушни сотишга мажбур қилди. Бош вазир Дизраэли⁷³ компания бошлиғи Исмоил-пошодан компаниянинг 176 602 та акциясини сотиб олиши натижада Буюк Британияни йирик акционерга айлантди. Аммо Франция барибир асосий, йирик акционер бўлиб қолаверди.

1875 йилда Миср Сувайш каналига эгалик қилиш ҳуқуқини Буюк Британияга сотган. Бироқ 1888 йили халқаро конвенция ҳар қандай мамлакатнинг кемалари қатнови учун канални фойдаланишга имкон яратди⁷⁴. Миср бошқарув ва даромадлардан четлатилгани боис канал Буюк Британия-Франция корхонасига айланди. Амалда канал хўжайини Буюк Британия эди. 1882 йилда Мисрдаги фуқаролар уруши пайтида инглиз қўшинлари канални эгаллаб олишган. 1888 йилдаги Константинополь Конвенцияси⁷⁵ канални Буюк Британия ҳимоясидаги нейтрал зона деб эълон қилди.

Канал очилганидан бир неча йил ўтгач, унинг қурилиши халқаро юк ташишларида инқилоб қилганлиги маълум бўлди. Каналнинг географик жойлашуви Европа ва Шарқ мамлакатлари орасидаги масофани сезиларли даражада қисқартиришга олиб келди. Хусусан, Триестдан Бомбайгача бўлган йўл 37 кунга, Женевадан – 32, Марселдан – 31, Бордо, Лондон ёки Гамбургдан 24 кунга қисқарди. Африканинг айланаси билан солиштирганда, Сувайш канали ёқилғи тежашни 25-50% га қадар таъминлайди⁷⁶.

Сувайш канали Европани Осиё билан боғловчи муҳим транспорт йўлаги ҳисобланади. Агар бу канал бўлмаганда, бугун ҳам кемалар 8 минг километр йўл босиб, Африкани айланиб ўтишга мажбур бўлардилар. Шу қаторда канал қурилиши Европа давлатларининг Шимолий Африка ва Яқин Шарқ учун бўлган геосиёсий курашларида ҳам муҳим ҳудуд бўлиб қолди. Африкани капитал манфаатлар учун мустамлака айлантириш бу даврда жадал ўсиб, яқунда қитъа халқларининг нотенг оғир қисматига сабабчилардан бўлди.

⁷³ Бенжамин Дизраэли (1804 – 1881) – инглиз давлат арбоби, Консерваторлар партиясидан Буюк Британиянинг 40 ва 42 премьер-министри (1868, 1874-1880).

⁷⁴ <https://uz.eferrit.com/qizil-dengizni-orta-er-dengizi-bilan-boglash/>

⁷⁵ Константинополь, 17/29 октябры 1888 г. Конвенция об обеспечении свободного пользования Суэцким каналом. istmat.info. Дата обращения 5 августа 2019.

⁷⁶ <https://bumotors.ru/uz/sueckii-kanal-skolko-let-stroilsya-sueckii-kanal-istoriya-i.html>

4-ШҶЪБА

ЖАҲОНДА МИГРАЦИЯЛАР ВА ДИАСПОРАЛАР
ТАРИХИ

USMON XO'JA: QO'ZG'ALONLAR, ISLOHOTLAR,
INQILOBLAR VA TO'XTOVSIZ KURASHLAR OSTIDA
O'TGAN TURMUSH (1878-1968)

Timur Kocaoğlu (Temur Xo'ja)

Prof., Michigan Davlat Universiteti, AQSh

Usmon Xo'ja, Turkiston, shu qotarda Buxorodagi jadidchilik harakatining yetakchi siyosiy arboblardan biri bo'lganiga qaramay, Sovet davrida uning nomi va faoliyatlari nafaqat e'tibordan chetda qoldirildi, balki u xoin sifatida qoralandi. Stalin davrida 1930-1938-yillarda qotag'on qilingan boshqa Jadidchilar va siyosiy arboblarning nomlari va obro'ylari 60-yillardan so'ng qayta tiklanib, ular haqida 80-yillardan keyin O'zbekistonda maqolalar, tadqiqatlar nashr etilaboshlagan bo'lsa ham, Usmon Xo'ja haqidagi jimjitlik uzoq muddat davom qildi. O'zbekistonda Usmon Xo'ja haqida dastlabki maqolalar faqat 1991-nchi yil oxirlaridan yozilaboshladi. Lekin, boshqa Jadidchilar bilan solishtirganda Usmon Xo'ja haqidagi ilmiy tadqiqatlar hali ham kamroq o'rinda turadi. Bu maqolada ko'proq Usmon Xo'ja deb ishlatilgan nom turli tillardagi manbalarda shunday uchraydi: Usmon Po'latovich Xo'jaev (o'zbek), Usmon Xojaev (rus), Osman Hoca, Osman Hocaoglu, Osman Kocaoglu (turk), Osman Khoja, Osman Khojayevev (inglis, fransuz, nemis va boshqa tillarda). Osman Xo'ja 1927-yildan boshlab yozgan maqolalarida familiasini "Kocaoglu" (talaffuzi: Qo'jaog'lu) deb yozgan.

Chet ellarda, ayniqsa Olmoniya, Fransa, Angliya, AQSh, Turkiya, Yaponiyada 50-yillardan bugungacha nashr etilgan ko'p sonda maqolalar va kitoblarda Usmon Xo'ja haqida ma'lumotlar berilib turdi. Usmon Xo'ja haqidagi dastlabki ma'lumot Fransiyalik jurnalist Joseph Castagné-ning 1925-yilda Parijda nashr etilgan Bosmachilik haqida yozgan fransuz tilidagi kitobida mavjud.¹

Amerikalik Jadidshunos olim Adeeb Khalid Usmon Xo'ja va Buxorodagi jadidchilik haqida qo'lda ozroq ma'lumot borligi to'g'risida shunday deydi:

Usmon Xo'ja Buxoroda jadidchilik asoschilaridan biri bo'lgan va shu sababli islohotlar harakatiga boshidanoq qotnashgan. Jadidchilik harakatining maktablarni isloh qilish, aniqlash, Buxoroda yangi bilim tushunchasi va maorifni joriy etish urinishlaridan boshlanganini bilamiz. Ammo Jadidlarning 1917-yilgacha bo'lgan faoliyatlarining tafsilotlari hali ham noaniq vaziyatda. Buxoro jadidchiligining dastlabki yillari haqida bilganlarimiz, asosan Sadridin Ayniy va Fayzulla Xo'jaev kabi ishtirokchilarning qisman boy avtobiografik ma'lumotlaridan kelib chiqishiga qaramay, ular bu haqdagi ko'plab savollarni javobsiz qoldiradilar. Bundan tashqari, biz tarixiy ma'lumotlarga insoniy nuqtai nazardan yandashishimiz uchun zarur bo'lgan juda ko'p tafsilotlarga ega emasmiz.ⁱⁱ

1991-yil 1 sentyabrda O'zbekiston mustaqilligi e'lon qilingandan so'ng, o'zbek tarixchisi Prof. Rustam Shamsutdinov 1991-yil 15 oktyabrda o'zbek matbuotida e'lon etilgan maqolasida shularni yozgan edi:

Biz tarixchilar Usmonxo'ja Po'latxo'jani xoin va shu paytgacha ingliz josusi sifatida qoraladik. Tarixiy asarlarimizda har tomoni bilan mavzuni ko'rib chiqmasdan, biz Usmonxo'ja va inqilobimizning boshqa raqiblarini xoinlar, inqilob dushmanlari, burjua millatchilari, panturkistlar va islomchilar deb tamg'alashni davom ettirdik. Ushbu uslub bilan biz asarlarimiz, tadqiqotlarimiz va nomzodlik dissertatsiyalarimizning sinfiy, partiyaviy va hozirgi xalqaro tamoyillar asosida yozilganligini isbotlashga harakat qildik.ⁱⁱⁱ

Shamsutdinov Usmon Xo'janing Buxorodagi bir necha siyosiy faoliyati to'g'risida ma'lumot berib, quyidagilarni ta'kidlaydi: "Usmonxo'ja Po'latxo'jaevning siyosiy portreti, hayoti va faoliyatining ijobiy va salbiy tomonlarini o'rganish va to'g'ri baholash hujjatli manbalar va xotiralar asosida zarur". O'zbekistonda Usmon Xo'ja haqida yagona mustaqil asar esa, ikki tarixchi Qahramon Rajabov va Shodmon Hayitov tomonidan 2011-yilda nashr etilgan 36 betlik risoladir.^{iv} Shu maqolada, 90 yillik umrida turli tarixiy voqealarning guvohi hamda faol "tarixiy qatnashchisi" bo'lgan Usmon Xo'janing siyosiy, ijtimoiy, maorifi, va adabiy faoliyatlari haqida ma'lumot beriladi.

Shu yerda qiziq bir tarixiy tasodifni aytishga to'g'ri keladi: Turkistondagi yirik jadidchilarning muhim bir bo'limi Usmon Xo'ja bilan birga 1878-yili tug'ilganlar: Usmon Xo'ja (1878-1968), Sadriddin Ayniy (1878-1954), Munavvar Qori (1878- 1931), Abdulla Avloniy (1878-1938). Lekin ularning oxirgi taqdiri farqli farqli bo'lgan: ko'pchiligi 1931 bilan 1938 orasida sovet tuzumida otib o'ldirilgan, undan faqat ikki kishi qutilgan: biri qotog'onga uchramagan Sadriddin Ayniy 1954-da 76 yoshida Stalinobodda (Dushanbada), ikkinchisi bo'lsa 1922-yili chet ellarga chiqib ketgan Usmon Xo'ja 1968-da 90 yoshida Istanbulda vafot qilganlar. Turkistondagi jadidchilikning eng muhim yuetakchisi Samarqandli Mahmudxo'ja Behbudi (1875-1919) esa, Usmon Xo'jadan 3 yil oldin tug'ilib, 44 yoshida Buxoro Amirligi buyruqi bilan Sharisabzda qo'lga olinib, Qarshida qatl qilinadi. Bu voqea Samarqandda bir yildan keyin ma'lum bo'ladi. Fitrat, Cho'lpon, Ayniy va boshqa shoirlar Behbudiyga atab marsiyalar yozganlar.^v

2. Usmon Xo'janing tug'ilishi, oilasi va ta'limi

Usmon Xo'ja 1878 yilda Turkistonda Farg'ona vodiysining O'sh tumanida tug'ilgan.^{vi} Uning otasi Buxorolik Po'lat Xo'ja, bobosi Keramatulloh Xo'ja bo'ladi. Usmonning onasi Fotima Oyim Oshlik o'zbeklardannedi. Po'lat Xo'janing akasi Qosimxo'janing o'g'li Ubaydulloh Xojadan Fayzulla Xo'ja (Xojaev; 1896-1938) tug'ilgan. Usmon Xo'ja shu sababdan Fayzulla Xo'jaevning amakisi bo'ladi. Usmon Xo'janing Sobira ismli opasi, Otaulla Xo'jaev (1980-1938) ismli ukasi bo'lgan.

Boshqa Buxorolik savdogarlar kabi Po'lat Xo'janing ham Buxoradan toshqari Samarkand, Andijon, Osh va boshqa shaharlarda savdo idoralari va do'kanlari bo'lgan. yilning bir necha oyini u yerda o'tkazardilar. Fotima Oyim ham Usmonga homilador bo'lganda Po'lat Xo'ja bilan Oshga borib, bir necha oy uyerda yashab, Usmonni u yerda tug'gan va o'g'linin chillasi bitganda uni bUxoroga olib kelganlar. Yosh Usmon oldin Buxorodagi maktab va madrasada ta'lim olgan bo'lsa ham, u davrdagi ilm saviyasinin pastligi tufayli, u ham xususiy murabbiylar tomonidan ta'lim olgan hamda Baxchesoroy (Qirim), Boku, Qozon, Istanbul (Usmonli imperiyasi)'da nashr etilgan gazet-jurnal va kitoblarni o'qib o'z ilmini o'stirgan. Boshqa jadidchi ziyolilar singari Usmon Xo'ja ham o'sha yillarda Terjuman gazetasida chop etilgan jadid (islohotchi) g'oyalari va Usul-i jadid (yangi usul) maktablari haqidagi yangiliklardan ilhomlangan. Gaspirinski 1893-yil Buxoroga

kelganida, Sadridin Ayniy (1878-1954) va boshqa ziyolilar qotarida Usmon Xo'ja ham u bilan uchrashib suhbatlashgan. Sadridin Ayniy o'zining xotiralarida Terjumanning ta'sirini quyidagicha eslaydi : «Garchi bu gazeta va jurnallar Buxoroga kamdan-kam etib kelgan bo'lsa-da , ular amirlar va konservativ diniy o'qituvchilarning og'ir boshqaruvi ostida orqada qolib ketgan Buxoro jamoatchiligiga ta'sir o'tkaza boshladilar.”^{vii} Keyinroq, Usmon Xo'ja 1909-yilda Baxchesoroy (Qirim) borib Ismaoil Gaspinski yonida bir yil Jadid maktablarinin ta'lim tizimi to'g'risida ma'lumot o'rganadi va 1910-1913 yillarda esa Istanbul'da turib u yerdagi yangiliklar bilan tanishadi (Quyidagi bo'limlarga qarang).

3. Andijon qo'zg'oloni

Usmon ham yoz oylarini otasi singari O'shda o'tkazar edi. U 1898-yil may oyida O'shda bo'lganida, Andijonda “Dukchi Eshon” laqabli Madali Eshon (1856-1998) rahbarligida Turkistondagi Chor Rossiyasining hukmronligiga qarshi qo'zg'olon yuz bergan (17-18 may). Qo'zg'olon bostirilgandan so'ng Chor askarlari 777 kishini hibsga olib, Dukchi Eshon va uning yoqin safdoshlarini dorga osadilar. O'zi Toshkentdan bo'lib 1921-1928-yillar orasida Germoniya'da Zoologiya fannida universitet hamda doktorlik ishini bitirgandan song uzoq yillar Turkiyada Ankara Universitetida xizmat qilgan Prof. Ibrohim Yarkin (1902-1995) bergan ma'lumotlarga ko'ra, Andijon qo'zg'olanida hibsga olinganlar orasida hali 20 yoshidagi Usmon Xo'ja va uning qarindoshlari ham bo'lgan.^{viii} Prof. Yarkinning yozishicha, Usmon Xo'ja Chor Rosiyasining Turkiston guberniyosi fuqorosi emas, Buxoro amirligi fuqorosi bo'lgani ucun Chor Rosiya askarlari uni Buxoro Amirligiga yuborib topshirganlar. Demak 1898-yil Andijon qo'zg'olani Usmon Xo'ja qatnashgan dastlabki isyon harakati hisoblanganda, buning orqasidan 1916, 1918, 1920 va 1921-yillarda Usmon Xo'janing yetakchi rol o'ynagan qo'zg'olon va harbiy harakatlar keladi.

4. Jadidchilar harakati

Usmon Xo'ja 1898-1909 yillari orasida Turkistonga yoyilaboshlagan jadidchilik harakatlarida faol qatnashib, Buxoro jadidchiligining muhim rahbarlaridan biriga aylanadi. Ushbu islohotchilar harakati dastlab, mavjud an'anaviy ta'lim tizimini isloh qilish maqsadi bilan boshlangan bo'lsa-da, keyinchalik siyosiy harakatga va hatto siyosiy partiyaga

aylanadi. Sadriddin Ayniy Jadidchilikning dastlabki ahvoli va g'oyalarini quyidagicha izohlaydi:

Shunga qaramay, progressiv harakatni inqilobiy deb atash mumkin emas. Maktablarni, madrasalarni va boshqa eski urf-odatlarini takomillashtirish, amir soliqlarini isloh qilish va amir amaldorlarining o'zboshimchalik harakatlariga chek qo'yishni maqsad qilgan. Progressiv harakatning eng muhim savollaridan biri dehqonlar soliqlarini aniq to'g'irlash edi. Men ham ushbu ilg'or harakatga qo'shildim. Biz maktab va madrasalarni isloh qilishni rag'batlantirardik.^{ix}

Maktab va madrasalarni isloh qilish zarurligini tan olgan birinchi Buxorolik ziyolilardan biri Ahmad Donish (1817-1896) edi. Ahmad Donish Buxoro madrasalarida oliy ma'lumot olgan bo'lsa ham, madrasalarda bunday mavzular yo'qligini aniqlagandan beri u o'z tashabbusi bilan matematikani uning mutaxassislaridan o'rgangan. Qisqa vaqt ichida uning chuqur bilim va o'tkir zukkolik obro'si Buxoroda yaxshi tarqaldi. U Buxoro madrasalarining ta'lim nuqsonlarini fosh qildi. Donishning atrofidagi yosh o'quvchilar Sharif Mahzum, Iso Mahzum, Inoyat Mahzum, Yahyo Xo'ja, Qori Abdulmajid Zufunun, Molla Sharif Soat, Mirza A'zam singari turli ilg'or ziyolilar tomonidan tarqatilgan islohotchilik tafakkuri bilan tanishish imkoniyatiga ham ega edilar. Usmon Xo'ja, Sadriddin Ayniy, Abdurrauf Fitrat singori Buxoroli Jadidchilar bir yoqdan Ahmad Donish va uning shogirdlari, boshqa yoqdan esa Samarqandlik Mahmud Xo'ja Behbudi, Toshkentlik Munavvar Qori va Qirim Tatar Jadidchi Ismoil Gaspirinski kabi ilg'or ziyolilar ila yoqin aloqada bo'lib, Buxoro Amirligi ichidagi jadidchilikni rivojlantirishga boshladilar. Albatda bunday islohot fikrlarining yoyilishida jahondagi shu islohot o'zgarishlari to'g'risidagi xabarlarining ziyolilar orasida tarqalib muhokama qilinishi ham katta hissa qo'shganidir: Usmonli imperiyasida 1878-yildagi "Tanzimot" deb otalgan parlamentar monarxiya konstitutsiyasi va islohot harakatlari, 1889-yilda Yaponiya "Meiji Konstitutsiyasi"ga asoslangan Monarxiya tuzumi, 1905-yil Rossiya monarxiya inqilobi va 1906-yil Eron monarxiya konstitutsiyasi.

5. Jadid maktablari

Birinchi Jadid maktabini 1884-yilda Bahchesaray shahrida ochgan Ismoil Gaspirinski Amiri Abdulahad bilan uchrashish uchun umidi bilan 1893 yilda Buxoroga tashrif buyurdi. Ammo amirni ko'ra olmaganligi

sababli, amirning amaldorlari bilan uchrashib suhbatlashishga majbur bo'lgan. Turkistondagi birinchi jadidlar maktabi Gaspirinskiyning iltimoslari bilan 1893-yilda Samarqandda ochilgan, lekin u 40 kundan keyin Amirning buyrug'i bilan yopilgan.^x Turkistondagi ushbu birinchi jadidlar maktabi Ismoil Gaspirinskiy tashabbusi bilan turkistonlik jadid ziyolisi tomonidan ochilgan edi. Turkistonda 1898-1908 yillarda jadidlarning 102 ta boshlang'ich maktabi va 2 ta jadid o'rta maktablari mavjud edi. Ushbu jadid maktablaridan 6-tasi Buxoro amirligida, 8-tasi Xivan xonligida edi. Bular qotarida, 1898-yilda Qo'qanda Salohaddin Domla tomonidan, Toqmaqda, 1899-yilda Toshkentda Mannan Qori va Andijonda Shamsiddin Damla jadid maktablari ochdilar. 1900 yilda Toshkent Mirobod tumanidagi jadid maktabini Munavvar Qori ochdi. Hoji Muin va Abdulqodir Shukuriy birgalikda 1903 yilda Mahmud Xo'ja Behbudiyning yordami bilan Samarqandda jadid maktabini ochdilar. Buxoro amirligidagi jadid maktablari esa, ochilganlaridan ko'p o'tmasdan Amir tomonidan yopib qo'yilar edi. Jadid ziyolilari esa, bu tashabbuslaridan va'z kechmasdan qayta jadid maktabi ocar edilar. Buxoroli jadidchilar yangi usuldagi maktablarni yo o'z hovlilarida yoki qarindoshlaridan birining uyida yoshirincha ochishga majbur bo'lib turdilar.

Buxoro jadid ziyolilari va ishbilarmon-savdogarlari jadid maktablariga moliyaviy yordam berish maqsadida 1909 yil mart oyida (Rabi'ulavval 1327) "Shirkat-i Buxoro-i Sharif" nomli tijoriy shirkatni tashkil etishdi, va uni faqatgina savdo shirkati sifatida ko'rsatishdilar. Lekin Sadriddin Ayniy bu shirkatning aslida siyosiy bir tashkilot ekanini ta'kidlaydi.^{xi} O'sha shirkat yashirin ravishda jadid maktablari uchun darsliklar va boshqa materiallar bilan ta'minlagan.^{xii} Sadriddin Ayniy, Zeki Velidi Tugon, Hélène Carrère d'Encausse va Baymirza Hayit kabi tadqiqatchilar "Shirkat-i Buxoro-i Sharif" bilan 1910 yil qurilgan "Tarbiya-yi Atfol" (Bolalar Ta'im-Tarbiyasi) nomli uyishmaga asos solgan kishilar orasida Usmon Xo'jani ham tilga olmoqdalar.^{xiii}

6. Bahchesaray va Istanbul (1909-1913)

"Shirkat-i Buxoro -i Sharif" qurilishi bilanoq, Buxorolik jadidlarni zamonaviy ta'limining yangi usullarini o'rganish uchun turli joylarga yubora boshladi. Ayniy bu mavzuda: "shuningdek Usmonxo'ja va

Hamidxo'jani usul-i savtiya (savodxonlik usuli) maktablari bilan yaqindan tanishish uchun Bahchesaroy va Istanbulga jo'natdik." deb bildiradi.^{xiv}

Hamid Xoja Mixri va Usmon Xoja 1909 yilda Bahchesaroyda Ismoil Gaspirinskiy yonida bir yil turib, Qirimdagi jadid maktablaridagi yangi ta'lim-tarbiya tizimi va uslubini kuzatib, chuqur o'rgandilar. Keyinchalik Usmon Xo'ja Odessadan kema bilan Istanbulga bordi. Usmon Xo'janing Bahchesaroy'da bir yil va Istanbulda 3 yil davomida qilgan ishlari haqida qo'limizda tafsiliy ma'lumotlar bo'lmasa ham, turli manbalarda Usmon Xo'jani Istanbulda ko'p sonda turk ziyolilari va siyosiy-harbiy kishilari kutib olgani bildiriladi (**Rasm 1: Usmon Xo'ja Istanbulda, 1910**). Ular orasida eng muhimi Usmonli davlatining Harbiy boshligi bo'lgan Anvar Posho ham Usmon Xo'jani o'z idorasida qabul qilib u bilan korishgan. Usmon Xo'ja bilan Anvar Posho orasida 1911-1912-yillardagi ucrashuv juda ham muhim, chunki keyinroq 1920-1921-yillarda Anvar Posho Turkiston, Buxoro va Şorqiy Buxoroda (Dushanba va hozirgi Tojikiston) yurganida, unga eng katta moliyaviy va siyosiy yordamni osha paytda Buxoro Jumhuriyatining prezidenti bo'lgan Usmon Xo'ja beradi.

Usmon Xo'jadan toshqari Istanbulga osha paytda Abdurauf Fitrat (1886-1938) va boshqa jadid ziyolilari ham kelgan va Istanbuldagi madrasalarda ta'lim-tarbiya olganlar. Usmon Xo'ja, Fitrat va boshqalar Istanbul'da Buxorodagi "Tarbiya-yi Etfal" tashkilotining Istanbul bo'limi sifatida "Buxoro Ta'mim-i Maarif Jamiyat-i Hayriyesi" (Buxoro Ta'limni Tarqatish Xayriya Jamiyati) namli uyishmani 26-oktyabr 1909-da (11 Shavval 1327) qurib, uning nizomnomasini nashr qiladilar (**Rasm 2: Buxoro Ta'mim-i Maarif Jamiyati**). Istanbuldagi uyushma o'zining nizomnomasining birinchi moddasida hech qanday siyosiy maqsadga ega emasligini e'lon qildi (Turkcha yozilgan matn bu yerda o'zbekcha ko'chirilib berilmoqda):

1-modda: Buxoro Ta'mim-i Maarif Jamiyati, Turkistonda, ayniqsa Buyxoroda fanni tarqatish va maktablar ocish maqsadida tuzilgan bir xayriya uyishmasidir va hech qanday siyosiy maqsadni ko'zlamaydi, yana hozirgi paytdagi boshqa siyosiy uyishmalar bilan hech qanday aloqasi yoki hamkorligi yo'qtur.^{xv}

O'sha nizomnomaning ikkinchi moddasida jamiyatning asl maqsadi Turkiston va Buxorodan har yili ma'lum miqdordagi o'quvchilarni Istanbuldagi maktablarda o'qishni davom ettirish uchun bu yerga talabalar

olib kelinishi bildiriladi. Darhaqiqat, shu uyishma tomonidan 1911 yilda 15 talaba va 1912 yilda 30 talaba Buxoro va Turkistonning boshqa yerlaridan Istanbulga olib kelingan. Bu yerda shuni eslataylik, 1920-yilda Buxoro Xalq Sho'ralar Jumhuriyati tuzilganda, 1920 va 1921-yillarda Istanbul, Maskav va Berlin (Germoniya) shaharlariga oliy tahsil olishlari uchun talaba guruhlari rasmiy tuzda yuboriladi.

7. Buxoroga qaytish va jadid maktablari ochish

Usmon Xo'ja 1913 yilning bahorida qaytib kelganida, Latif Xojaning uyida jadid maktabini ochadi. Ayniyning so'zlariga ko'ra, Usmon Xo'ja asosan maktabda o'z qarindoshlarining bolalariga ko'proq o'run bergan.^{xvi} O'sha yilning yozida Usmon Xo'ja Havz-i Gavgesxon yaqinidagi binoni ijaraga oladi va maktabini shu erga ko'chirdi. U doskani va boshqa jihozlarni tayyorlab, ikkita yordamchi o'qituvchini ishga olib va o'qishni boshlatadi. Keyinchalik Xamid Xo'ja va boshqalar jadid maktablari sonini ko'paytiradilar. 1914 yilda o'quvchilar sonining ko'payishi sababli ularni jadid maktablariga joylashtirish katta muammoga aylandi va Usmon Xo'ja o'z maktabini kattaroq binoga ko'chirishga majbur bo'ldi. 1914 yilda Usmon Xo'ja maktabida 200 o'quvchi, Molla Vafo maktabida 80 o'quvchi, Markish maktabida 150 talaba va Xiyobondagi maktabda 40-50 o'quvchi bor edi.^{xvii} Bundan tashqari, ushbu maktablarda kattalar uchun kechki savodxonlik kurslari mavjud edi.

Ammo chor Rossiyasining Buxorodagi amaldorlari va Buxoro amiri jadid maktablarining o'sishidan xavotirda edilar. Chorlik amaldorlarining Buxoro Amiriligiga doimiy tazyiqlari tufayli Amirlik ma'murlari jadid maktablariga turli bahonalar va iflos nayranglar bilan to'sqinlik qilayotgan edilar. Ular hatto jadid rahbarlariga katta miqdorda pul va obro'li yuqori lavozimlar berishni ham taklif qilishga urinib ko'rar edilar. Ayniy o'z asarida, Qozi Kalon Burhoniddinning bunday hilalarini Usmon Xo'ja bilan bog'liq quyidagi qiziqarli voqea orqali fosh qilib beradi:

Bir kun maktab xususida Qozi Kalonning vakili bo'lgan Molla Qamar Usmonxo'ja ila ko'rishib, "Agar siz o'z ixtiyoringiz ila maktabingizni bog'lasangiz, tilagan yeringizda qozi yoki rais qildirmoqni Qozi Kalon tomonidan va'da beraman» dedi. Usmonxo'ja: "Muallimlik qilishimiz, ochlikdan yoki mansabga yetishaolmaganligimizdan emas, balki xalqqa va yurtimizning bolalariga bir oz foyda yetkuzarmiz deb

muncha mashakatlarni boshimizga yukladik, tutgan muqaddas maslakimizni dunyo mansabiga sotmaymiz.” deb javob berdi.^{xviii}

Ayniyning so'zlariga ko'ra, Qozi Kalon Burhoniddin shu kabi jozibali takliflar bilan jadid maktablarini ochgan boshqa o'qituvchilarga pora berishga uringan, ammo buning uddasidan chiqa olmagan. Keyin u boshqa vositalarni sinab ko'rdi. Buxorodagi Rossiya elchixonasi rasmiylari ham u erda jadid maktablarining tarqalishidan mamnun emasdilar. Rossiya elchixonasi xodimi N. Shulga Buxorodagi jadid maktablariga tashrif buyurdi. Amerikali tarixchi Adeeb Khalid, N. Shulga'ning Usmon Xo'janing o'z uyidagi maktabiga qilgan ziyoratidan keyin yozgan rasmiy hisobotidan parchalarni beradi (**Rasm 3: Shulga hisoboti**):

Maktab binosi odatdagi Buxoro uyi. Usmon Xo'ja o'z uyining ichki hovlisida biri pastda ikkinchisi yuqori qavatida juda keng ikkita sinf xonasi joylashgan (men uni oldindan ogohlantirmasdan borishga muvaffaq bo'ldim) Usmon Xo'janing xonasida Evropa mebellariga o'xshash buyimlar va ba'zi odatdagi Buxoro uslubi buyimlar bor; Devor ichidagi javonlarda ikki-uchta globus va asosan Samarqandda nashr etilgan ko'plab kitoblar bordi. Sinf xonalarida o'quvchilar uchun stullar, stollar va talabalarga berilgan daftarlar mavjud. Umuman maktablar judo ozoda va an'anaviy Buxoro maktablari bilan bilan solishtirganda Ajablanarli darajada chiroyli taassurot qoldirar edi.^{xix}

Shulga hesobotiga ko'ra, Usmon Xo'ja boshlang'ich sinfda tez o'qishni o'rganishga alohida ahammiyat berib, matematik va Qur'on oyatlaridan dars beradi. Shuningdek, u matematikadan dars berishni kengaytirib, o'quv dasturiga geografiyani ham qo'shgan edi. Biroq, Shulg'aning Usmon Xo'ja va boshqalar maktablariga qilgan norasmiy tashriflari Buxoro jadidlarini bezovta qilganga o'xshaydi. Ayniy ushbu tashriflarga o'z shubhasini quyidagicha izohlaydi:

Talabalarning Istanbulga yuborilishini to'xtatish uchun yarim yaxshilangan maktablardan umidini uzgan [Rossiya] elchixonasi xodimlari Istanbulda tahsil olgan yoshlarning maktab ishida qatnashishiga shubha bilan qorayotgan edilar.. Aslida, zolimlar pashshani fil deb bilishadi. Biroq, ular o'zlarining siyosatini [jadidlar] maktablariga ochiqchasiga qarshilik ko'rsatish orqali o'zlarining ismlarini yoshlar va matbuot oldida yomon fosh etishlarini ma'qul ko'rmadilar. Shuning uchun ular fitnaga amal qilishdi.^{xx}

Ayniyning bergan ma'lumotiga ko'ra, Chor Rossiyaning Buxorodagi elchixonasi a'zosi N. Shulga nifoq va xiyonatda tengsiz diplomat bo'lgan. Shulka Buxoro maktablariga qilgan dostona ziyoratlari bilan ikkiyuzlama riyokor maqsadni ko'zda tutgan: Birinchidan, o'zini ham yoshlar, ham maktablarning himoyachisi sifatida ko'rsatish. U maktablarga norasmiy ravishda borganida, na o'qituvchilardan va na talabalardan hech narsa so'ramagan va o'quv dasturi yoki kitoblarni ko'rmagan. Salomlashib va salomatlik tilab chikib ketgan. Shu bilan yoshlar va o'qituvchilarda "Elchixona - bizning va maktablarimizning himoyachisidir" degan fikr uyg'otib. kelajakda bundan siyosiy foyda olishga erishish. Ikkinchidan bolsa, ushbu tashrif bilan, musulmon ruhoniylari (mollalar) va bexabar jamoatchilik o'rtasida "Yangi maktablar Rossiya himoyasida va ular ruslar bilan kelishgan" degan g'iybatning tarqalishiga sabab bo'lish. Ayniyning aytishicha, shunday qilib, maktablar yopilganda Rossiya elchixonasini gunohsiz korsatish ko'zda tutilgan.

Ushbu voqeadan so'ng, deb yozadi Ayniy, Qozi Kalon Burhoniddin soxta imzoli arizalar bilan jadid maktablarining adashganligi va islom dini nuqtai nazaridan gunohga aylanganligi, shuningdek, bolalarni buzg'unchilik va fitnalarga sudrab borganini isbotlashga uringan.^{xxi}

8. Umum Turkistan qo'zg'oloni: 1916

Birinchi Jahon urushi paytida (1914-1918), chor Rossiyasi ma'muriyati Turkistondagi mahalliy xalqlarning yoshlarini jangga emas, balki xandaq qazish kabi qurilish ishlariga jalb qilishga qaror qildi . 1916 yil fevral oyida gazetalarda chop etilgan ushbu farmon turkistonliklar orasida g'azabli reaksiyalarni keltirib chiqardi. Bu qo'zg'olanda Turkistonli jadidchilarning yetakchilari, Mahmudxo'ja Behbudi, Munavvar Qori, Pahlavon Niyoziy, Usmon Xo'ja , Qari Komil va Abidjan Mahmud va boshqalar Mahmud Xoja Behbudiyning Samarqanddagi uyida yig'ilib, chor hukumatining bu qaroriga qarshi norozilik bildirish va Turkiston uchun ko'proq erkinliklar talab qilishda kelishishdi.^{xxii} Usmon Xo'janing o'z qo'li bilan yozilgan daftarda, Usmon Xoja Samarqanddagi mazkur yig'ilishga qatnashganligi haqida shularni yozadi: "Men Buxoroda edim, Mahmud Xoja Behbudiydan kelgan telegrammada menga zudlik bilan Samarqandga kelishimni talab qildi. Shunday qilib, men 1916 yilgi qo'zg'olonni rejalashtirish yig'ilishida qatnashdim". Turkistondagi 1916-yil qo'zg'oloni haqida chet ellardagi ilmiy tadqiqat va asarlarda keng yoritilgan, mustaqillik davrida

O'zbekistonda ham bu haqda songgi 25 yil ichida Hamid Ziyoyev va boshqa tarixchilar tomonidan arxiv hujjatlari asosida yangi tadqiqotlar nashr etildi.^{xxiii}

9. Buxoro Xalq Shoralar Jumhuriyati

Buxorodagi jadidchilik harakati dastlab savodxonlikni oson yo'l bilan qo'lga kiritish va an'anaviy maktablar va madrasalarni (oliy o'quv yurtlari) takomillashtirishni maqsad qilgan. Bu keyinchalik siyosiy maqsadga aylandi. Albatta, bu o'zgarish uchun 1916 yilgi Turkistondagi qo'zg'olon va chor rejimining qulashiga olib kelgan 1917 yilgi oktyabr inqilobining ta'siri juda katta edi. Har safar amirning buyrug'i bilan yoki uning amaldorlari tomonidan o'z maktablari yopilgandan so'ng, Buxoro jadidlari shunday xulosaga kelishganlar: agar jadidchilik harakati siyosiy oqimga aylanmasa, ular o'zlarining ta'lim sohasida ko'zda tutgan maqsadlarini amalga oshirolmaydilar. Buxoro Amiri Olim Xon va jadidchilar o'rtasidagi munosabatlar va kurash borasida O'zbekistonda songi yillarda ancha tadqiqotlar nashr etigani tufayli Buxoro Amrligining 2-sentyabrda kulashi va Olim Xonning Afg'onistonga qochisi mavzui haqida ma'lumot bermasdan, yangi qurilgan Buxoro Xalq Shurolor Jumhuriyatidagi dastlabgi ikki yilda (1920-1922) ayniqsa Usmon Xo'ja olib borgan muhim ishlari haqida qisqacha ma'lumot berisga harakat qilinadi.

1973 yilda nashr etilgan O'zbek Sovet Entsiklopediyasining to'rtinchi jildidagi "Yosh Buxoroliklar" maqolasda Usmon Xojaning ushbu harakatdagi o'rni quyidagicha belgilab berilgan: "Yosh Buxoroliklarning o'ng qo'lidagilarning bir guruhi (Usmon Xo'ja , Apdulxay Oripov va boshqalar) Buxoro inqilobidan so'ng aksilinqilobchilar tomoniga o'tib, Bosmachi harakatining faol ishtirokchilariga aylanishdi.^{xxiv} Xuddi shu nuqtai nazar quyidagi 1988-yilda nashr etilgan *Entsiklopedik Lug'at*-da ham xuddi shunday ifodalangan.^{xxv}

Buxoro amiri Olim Xonning Bolshevik qo'shinlari yordamida "Yosh buxoroliklar" harakati tomonidan ag'darilishi turli manbalarda batafsil yoritilgan. Usmon Xo'ja 1920 yil 29 avgustda Buxoro muvaqqat hukumatida moliya vaziri bo'ldi (**Rasm 4: Buxoro Jumhuriyati 3. Qurultoyi**). Hukumat boshlig'i Mirza Rahim Xon va vazirlar kengashining rahbari Fayzulla Xo'ja edi. Ushbu voqealarning guvohi bo'lgan Turkistonli Rajab Baysun batafsil ma'lumot beradi.^{xxvi} Amir Alim Xon qochib Buxoroni kuni 1 sentyabr, 1920 , Hisor viloyatida bir muncha vaqt qoldi, va borib

Afg'oniston haqida fevral 18, 1921 . Bu paytda Mirzo Abdulqodir Muhittin muvaqqat hukumatning boshlig'i bo'ldi. Buxoro respublikasining sharqiy qismida avtonom "Sharqiy Buxoro milliy hukumati" tuzilganda , uning muxtor vakili sifatida Usmon Xo'ja tayinlandi. Ayni paytda amirning tarafdori Ibrohim Laqay Dushanba atrofida Buxoro hukumatiga qarshi hujumlarni uyushtirgan. Buxoro xalq vakillari ikkinchi qurultoyida Usmon Xo'ja respublika prezidenti etib saylandi. Usmon Xo'ja birinchi nutqida quyidagi so'zlarni aytdi: "Bilaman, xalqimiz azaldan erkinlik va mustaqillikka erishish uchun hayotning barcha jabhalarida o'zining milliy taqdirini astoydil istaydi. Mening javobgarligimdagi hukumatning birinchi harakati xalqimizning ushbu istak va istagini amalga oshirish bo'ladi."^{xxvii}

Buxoro Xalq Sho'ralar Jumhuriyatining nomi 1923-yilda "Buxoro Xalq Sovet Respublikasi" bo'lib o'zgartirilganicha mustaqil bir jumhuriyat sifatida 5 davlat tomonidan tanildi: Rusya Sovet Respublikasi, Angliya, Afg'oniston, Eron va Ankara Hukumati va elchiliklar olmashildi. BXShJ 1921 va 1922-yillardagi konstitutsiyosining 3. Modddasida Buxoroning mustaqilligi shunday ta'kidlanadi:

3) Buxoro xalqi sho'ralar Jumhuriyati o'zining bukungi serhadlari (chegarak)lari ichinda birlashgan bo'linmayturgan erkli (mustaqil) davlat deb taniladir. **(Rasmlar 5-6: Buxoro Qonuni Asosisi)**

Buxoro Buxoro Xalq Sho'ralar Jumhuriyatining qonuni asosini (konstitutsiyosini) 1918-yildagi Rusya Sover respublikasi konstitutsiyosi bilan solishtirganimizda, Buxoro davlatining sotsialistik bolmagani aniqlanadi, cunki Buxoro konstitutsiyosida shaxsiy mol-mulkning shaxsiyligi va ota-onadan bolalarga meros bo'lib otishi ma'qullangan, din erkinligi berilgan davlat maktablari yonida, xususiy maktablar ochish ham tonilgan. BXShJ konstitutsiyosininin tafsiliyni taxlilini esa, boshqa bir maqolaga qoldiramiz.

Qattiq antisovet va Buxoro mustaqilligining himoyachisi Usmon Xo'ja prezident etib saylanganidan so'ng bu yo'nalishda qo'lidagi barcha vakolatlardan foydalanishni boshladi. Ayni paytda Usmon Xo'ja Buxoro respublikasida bo'lgan Enver Posho bilan yaqin aloqalarni o'rnatdi .

Usmon Xo'ja tomonidan turli xil muhim qadamlar qo'yilgan . Ulardan biri respublikaning kelajakdagi armiyasining asosiy qismi bo'lgan Buxoro militsiyasini shakllantirishda Krasnoyarskdagi chor Rossiyasi harbiy asirlar lageridan qochib qutulishga muvaffaq bo'lib Toshkentga

kelgan va u yerdagi jadid maktablarida xizmat qilayotgan Usmonli turk ofitsarlarini Buxoroga da'vat qilib, ulaning harbit ta'lim-tarbiyasidan foydalandi.^{xxviii} (**Rasm 7: Buxoro Qoshun Qismlari**) Ikkinchidan, Usmon Xo'ja Anatoliyada dushmonlarga qarshi kurashayotgan Ankara hukumatiga moliyaviy yordam masalasini Lenin bilan kelishib, Buxorodan olib ketilgan Amir xazinasidan bir qismining Ankara hukumatiga yuborilishini ta'minladi.^{xxix} Ayni paytda Usmon Xo'ja 1921 yilda Toshkentda tashkil etilgan "Turkiston Milliy Birligi" (Turkiston milliy birligi) maxfiy tashkilotining a'zosi ham bo'lgan.^{xxx}

Usmon Xo'ja Sahrqiy Buxoro mutloq hokim vakili sifatida Dushanbaga borganida, Buxoro armiyasidan bir guruh va turli Bosmachi to'dalaridan foydalanib, u yerdagi Bolshevik Rus askarlarining Dushanbadan chiqib ketishi uchun u yerdagi Bolshevik harbiy boshliqlari va Bolshevik namondalarni asirga oldi. Ular orasida garnizon boshlig'i general Morozov, Rossiyaning Buxorodagi elchisi Yarinef, sharqiy Buxorodagi konsul Nagurin ham bor edi. Anvar Posho Amir tarafdori Ibrahim Loqoy tomonidan uy qomog'iga olinganda va boshqa qiyinchiliklar tufayli to'qnashuvlar yuz berdi. Loqoyning qurolli kuchlari ham Buxoro qoshinlarini orqodan urib, garnizondagi Rus askarlariga yordam qildilar. Usmon Xo'ja va uning qo'shinlari chekinishga to'g'ri keldi. Ushbu voqeadan so'ng Usmon Xo'ja deklaratsiyani e'lon qilib, aholini mustqailik uchun qurol ko'tarib Rus askarlariga qarshi kurashishga chaqirdi: "Hammamizning yuragidagi eng katta orzuv- Turkistonda yarim asrdan ko'proq vaqt davomida dushmanning tajovuzidan xalos bo'lish orqali ozodlik va mustaqillikka erishishdur . Endi bu maqsadga erishish vaqti keldi. Men qo'limda qurol bo'lganlarni va qurol ishlata oladiganlarni ushbu sharafli vazifaga taklif qilaman. Yashasin ozodlik va mustaqillik uzoq bo'lsin!"^{xxxi}

Dushanbadagi Sovet garnizonining qamal qilinishi va uning qo'mondonlarining hibsga olinishi borasida Sovet davrida adabiy asarlarda yoritildi. Toniqli tojik yozuvchisi Jalol Ikromiy 1975 yilda "Garnizon Taslim Namishavad" (Garnizon ochilmaydi) pyesasida Usmon Xojani antisovet xarakteri sifatida ta'riflaydi, o'zbek yozuvchisi Shukur Halmirzayev esa 1982 yilgi " Qil Koprik" romanida Usmon Xojani sovetlarga qarshi ko'rsatsa da, uning mustaqillik fikrlarini ancha ijobiy tasvirlaydi.^{xxxii} Boshqa tomondan, tatar yozuvchisi Tefvik Aydi 1991 yilda yozilgan " Elan

Ugi" (Ilonning uyasi) romanida Usmon Xo'janing Buxoro Respublikasidagi bir necha faoliyatini ijobiy tasvrlab, uni Buxoro Jumhuriyatini mustaqil qilishga harakat qilganligini ta'kidlaydi.^{xxxiii} Sovet davrida Dushanba vaqeasi to'g'risida 1977-yilda Tojik Film tomonidan "Mukhasara" (qamal) nomli filmda tojik kino yulduzi Gurminch Zavkibekov Usmon Xo'ja rolida o'ynagan.^{xxxiv} **(Rasm 8: Muxosara kinosi)**

Usmon Xo'janing Dushanba garnizonidagi sovet qoshinlariga qarshi kurashi, albatda uning Buxoro va Turkistondagi faoliyat olib borishini ham toxtatib qo'ydi. Agar Sovet hukumati Usmon Xo'jani qo'lga tushirganda uni zudlik bilan o'ltirishar edi. Shu sababdan bu ochiq mustaqillik kurashi, uning hayotidagi burilish nuqtasi bo'ldi va u Afg'onistonga ketishga majbur bo'ldi.

10. Usmon Xo'ja chet ellarda: 1922-1968

Usmon Xo'ja 1922-yil 10-aprelda Afg'oniston paytaxti Kabulga keldi. U bu yerdagi ingliz rasmiylari bilan Buxoro qo'shinlari uchun qurol-yarog sotib olish to'g'risida muzokara olib borishga harakat qildi. Biroq, ingliz rasmiylari Usmon Xo'jaga hech qanday kafolat bermadilar, chunki Angliya va Rossiya o'rtasida bir-birining manfaatlari sohalariga aralashmaslik to'g'risida kelishilgan edi. Usmon Xo'ja 1922-yil 29 aprelda Afg'oniston shohi Omonullohxonga memorandum taqdim etdi. Ushbu memorandumda Usmon Xo'ja konstitutsiyasida mustaqil mamlakat sifatida tasdiqlangan Buxoro Jumhuriyatiga qarshi Sovet hukumatini hujumkor harakat qilganlikda aybladi: "Bugungi kunda Buxoro markaziy hukumatining yetakchilari Sovet bosqinchi armiyasining bosimi ostida. Hatto ularning hayotiga tahdid etilmoqda. Ulardan Sovet talablarini qullar singari qabul qilishlari talab qilinmoqda. Yuqorida aytib o'tilgan voqealardan ko'rinib turibdiki, Buxoro hukumati erkin va mustaqil emas. Hatto iqtisodiy mustaqillikka ega emas".

Usmon Xo'ja shu mamarondumi davomida, Buxorodagi milliy kurashning maqsadi Sovet askarlarini Buxoro tuprog'idan olib chiqib ketilishi va Sovet Rossiya hukumati tomonidan Buxoroning ozodligi va suverenitetining tan olinishini talab qildi. Usmon Xo'ja usha mamarondumga "Buxoro prezidenti va mustaqillikni himoya qilish bosh qo'mondoni Usmon Xo'ja" deb imzo qo'ygan.^{xxxv}

Anvar Posho 1922 yil 5 avgustda Dushanba yaqinidagi Beljivanda vafot etganligi haqidagi xabar Kobuldagi Usmon Xo'jaga yetib keldi.

Rossiya hukumati hatto Afg'onistonda ham Usmon Xo'ja faoliyatini diqqat bilan kuzatib borar edi . RSFSRning Kobuldagi elchisi Fyodor Fyodorovich Raskol'nikov Usmon Xo'jaga ergashgan bir nechta josuslarga ega edi . Rossiya elchixonasiga Usmon Xo'ja haqida ma'lumot bergan josuslardan biri bu Buxoro elchisi Abdurrahim Yusufzada edi.^{xxxvi}

Moskvadagi kundalik "Pravda" gazetasi sohilalarida, doimiy ravishda Usmon Xo'jadan shikoyatlar va uning Afg'onistondagi faoliyatlari haqida ma'lumotlar chiqib turgan 1922-yildagi sonlarida.^{xxxvii} Pravda gazetining bu xabarlarini dastlab Fransuz jurnalisti Joseph Castagnéning diqqatini jalb qilgan.^{xxxviii} Moskva Usmon Xojani inglizlar va bosmachilarning guruhlarini o'rtasidagi munosabatlarni saqlab qolishda shunday ayblamoqda edi: "Usmon va Qori Afandi inglizlar bilan aloqalarni o'rnatish uchun Afg'onistonda".^{xxxix} Nihoyat, Moskva Afg'oniston hukumatiga Usmon Xojani ularga topshirishi yoki uni mamlakatdan chiqarib yuborishi uchun bosim o'tkazganida, Usmon Xoja Kabuldan chiqib, 1923-yil o'rtalarida Eron orqali Istanbulga yetib bordi.

Usmon Xo'janing Turkiyada Buxoro va umuman Turkistonning ozodligi borasida faoliyat olib bordi. Usmon Xo'ja undan oldin 1918-nci yilda Fransiyaga borgan Alish O'rda va Qoqand muxtariyatining boshliqlaridan Mustafa Choqoy va 1918-nci yildagi Boshqurdiston Muxtar jumhuriyatining prezidenti tarixshunos olim Ahmad Zaki Validi Togan bilan birga 1927-yilda Istanbulda uchrashib, Istanbulda "Yangi Turkiston" va Parijda "Yosh Turkiston" jurnallarini nashr etish borasida yig'ilish o'tkazdilar. Usmon Xo'ja bundan toshqori Istanbuldagi ozbek, qozoqlar bilan birga umuman Turkiston nomi bilan "Turkiston Gençler Birligi" (Turkiston Yoshlar Birligi) nomli jamiyat tuzdi (**Rasmlar 9-10: Usmon Xo'ja Istanbulda va Yangi Turkiston jurnoli**).

Lekin Usmon Xoja va boshqa muhojirlarning faoliyatlaridan norozi bo'lgan Sovet hukumati Turkiya hukumatiga ham tazyiqlar o'tkazishga bosladi. Turkiya prezidenti Mustafa Kamol Otaturk ogir kasal bo'lgan bir paytda, Turkiya vazirlar kengashining qarori bilan Usmon Xo'ja Oktyabr oyida Turkiyadan haydab chiqorilganda, Usmon o'ziga Po'lisha paytaxti Varshovaga borib, u yerdagi siyosiy do'stlari 1918-1920 yillardagi Ozorboyjan Jumhuriyati prezidenti Mahmad Amin Resulzoda, Qosqosya qahramoni Shayx Shomilning navarasi Soid Shomil, Tatar ziyolisi va yozuvchisi Ayoz Ishokiy va boshqa kimsalar bilan birga bo'ldi va keyin

Eronga bordi va Ikkinchi Jahon Urushi paytida Tehron shahrida yoshadi. Sovet jasuslari Usmon Xo'jani Eronda ham qidirishdi. 1944-yil ozirida Turkiya Usmon Xo'jani qaytadan qabul qildi. Usmon Xo'ja 1951-1957 yillar orasida Pakistonda bolib, u yerda Turkiston jamiyatini uyishtirdi va yoz oylari Afg'onistonning shimolidag Pomir tog'lariga borib, u yerdagi qirg'izlarning rahbari Rahmonqul Xon bilan birga Sovet chagaralarini kuzatib turdi, bir necha marta Tojikistonga yoshirin vaziyatda kirib chiqdi. Sovet hukumati Usmon Xo'jani Pomirda tutib olish uchun u yerga ba'zi kishilarni yubordi. O'sha paytlarda Usmon Xo'ja 73-77 yoshlarda edi. 1957-yil Istanbulga qaytib kelib, Turkiston va Buxoro haqida Turkiyadagi ziyolilar va trli davlat elchixonalarida maxsus leksiylar o'qib turdi. 90 yillik hayoti qo'zg'olanlar, jadidchilik, kurashlar bilan o'tgan Usmon Xoja 28-iyul 1968-da Istanbulda vafot qilib, Istanbulning Uskudar mintiqasidagi O'zbeklar Takyasi yonidagi qabristonda ko'mildi (**Rasm 11: Usmon Xo'janing Istanbuldagi qabri**).

Foto-suratlar



Rasm 1: Usmon Xo'ja (oq sallali) Istanbulda, 1910



Rasm 2: Buxoro Ta'mim-i Maarif Jamiyati Nizomnomasi


старого метода, начинают открыто говорить о превосходствѣ быстрой системы обученія, о ея полной согласованности съ шаріатомъ и т. п. Разумѣется муллы убѣжденные противники „усули джедидъ“ ^и всѣ муфтіи, за исключеніемъ Мулла Икрама хранили свое враждебное отношеніе къ новому методу, но несомнѣнно, что открытыя рѣзкія сужденія объ „усули джедидъ“ дѣлаются все рѣже и рѣже, а удаленіе же изъ Бухары Гіясуддинъ Садра, смерть его и наконецъ смерть Абдургазика создали впродѣлѣ благоприятную обстановку ^{для} полугласнаго существованія новометодныхъ школъ.

И такъ приблизительно въ концѣ 1912 года когда уже почва была подготовлена въ Бухарѣ основывае^{тся} первая новометодная школа. Основатели ея явился нѣкій Османъ Ходжа или какъ онъ себя называетъ Османъ Ходжа Саде, по происхожденіи бухарецъ. Османъ Ходжа много путешествовалъ по Турціи, жилъ въ Константинополѣ, неоднократно бывалъ въ разныхъ городахъ Туркестана. Съ скромнымъ даже застѣнчивомъ Османъ Ходжа держится очень осторожно, отвѣчая односложно на вопросы и видимо опасаясь проронить лишнее слово. Послѣ нѣсколькихъ бесѣдъ, не вида къ себѣ, враждебнаго или даже подозрительнаго отношенія, позволяетъ себѣ скромныя сужденія о недостаткѣ просвѣщенія въ Бухарѣ, невѣжествѣ населенія, и т. п. въ духѣ брошюрокъ „Муназара“ и „Біянати Сіяхи Гинди“, но все-таки въ чрезвычайн^о осторожныхъ и осторожныхъ выраженіяхъ. Задумавъ устрѣить въ Бухарѣ новометодную школу онъ, естественно, постарался найти поддержку въ средѣ купечества, гдѣ у него имѣется таковой видный родственникъ, какъ Лятифъ Ходжа одинъ изъ наиболее богатыхъ, солидныхъ и извѣстныхъ купцовъ, ведущій крупныя торговля операція съ Москвой и Ни^жнимъ Новгородомъ. Было взято въ наемъ



Rasm 4: Buxoro Jumhuriyati 3. Qurultoyi:

O'ngdan chapka: Otaulla Xo'ja, Usmon Xo'ja, Abdulqodir Muhitdinov,
Fayzulla Xo'jaev, eng chapda Abdurrauf Fitrat



(Rasmlar 5: Buxoro Qonuni Asosisi muqovasi)



(Rasmlar 6: Buxoro Qonuni Asosisi 1. beti)



Rasm 7: Buxoro Qoshun Qismlari

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

ва оммаҳои халқро ба ис-
революцияи пролетарӣ
секард.

аз ғалабаи Революцияи
Социалистии Октябр
яти пурқўшу хуруши Чи-
омов сар мешавад. Вай ба-
амал баровардани тадбир-

ризан меҳнатқашон ба муқобили
душманони Ҳокимияти Советӣ бо
камолӣ кордонӣ роҳбарӣ мекунад.

Чинор Имомов ба сифати яке
аз намоёндогони халқи тоҷик со-
ли 1924 дар тамоми маъракаи
тақсироти ҳудуди миллии Осиёи
Миёна ва ташкил додани респуб-

Имомов дар Университети комму-
нистии Ленинград таҳсил карда,
савияи маълумоти худро баланд
мебардорад. Баъд аз таҳсил вай
то соли 1937 дар вазифаҳои масъ-
ули роҳбарикунанда — ҷонишини
комиссари халқии маориф, комис-
сари халқии ниғаҳдорӣ тандурус-

ҳон шонстан Чинор Имомов —
роҳбарӣ болаёқату кордон, пур-
ғайрат ва ташкилотчи моҳирӣ
омма, ғамхору хоксор дар таърих
ва дар хотири меҳнатқашон аба-
дӣ ёқди хоҳанд монд.

И. КЕЛДИЕВ,
номзади илми таърих.



Киностудияи «Тоҷик-
фильм» банаворгирии
фильми нави бадеии «Му-
хосира»-ро аз рӯи сценарияи
Х. Назаров ва Булгаков ба
итмом расонд. Ин фильм роҷеъ
ба солҳои аввал ва хеле
душвори сохтмони Ҳо-
кимияти Советӣ дар
Тоҷикистон муфассал
нақл мекунад. Таҳия-
гари фильм режиссё-
ри бомаҳорат Марат
Орифов тамоми ғазолия-
ти эҷоднашро ба қор бур-
дааст ва фильмро табино
пурмазмун офаридааст.

Дар ин суратҳо лаҳза-
ҳо аз фильми «Мухоси-
ра» акс ёфтаанд. ДАР
СУРАТИ АВВАЛ: Арти-
сти Хизматнишондодаи
Республика Ҳабибулло
Абдураззоқов дар нақши
Иброҳимбек. ДАР СУ-
РАТИ ДУЮМ: Артисти
Халқии Республика Гур-
минҷ Завкибеков дар
нақши Усмонхоҷа.



ЕНИННОМАИ САНЪАТ

ш дар сах. 3).
аҳдҳои соли 1948
ов дар намоишно-
и миллиқдор»
Позитив бои на.

лас дар «Хуррият» ва «Сар-
бозони Инқилоб» пещ аз ҳа-
ма ба офариниши образи Ле-
нин ҳамчун роҳбарӣ ғамхору
нуқтасанҷ, ҳамчун фарди со-
ҳибӣ дили бузург, арбоби

инсонӣ низ табиӣ баромада-
аст.

Асли Бурҳонов 30 сол боз
дар сахнаи Театри академи
драмаи ба номи Лоҳутӣ ҳам-
чун инқилобӣ болаёқату

Луис СУАРДИАС, (Шоир аз Куба).



Rasm 8: Muxosara kinosi (Tojik Film, 1977)
Ongda Usmon Xo'ja rovida (Gurminj Zavkibekov)
Chapda Ibrohim Bek rovida (Habibulla Abdurrazzokov)



Rasm 9: Usmon Xo'ja İstanbulda 1927-yil

تورکستان

آبده برهینقار ادبی علمی سیاسی اقتصادی مجله عدد .

سای ۱

۱۹۲۷ - حزران - ۵

پیل ۱

مندرجات	
قره اوغنی	افاده
مصطفی جوقای	قسم سیاسی :
عبدالقادیر	تورکستان مسئلهسی
عبدالرزاق زاده تورک	آی تاگری (شعر)
احمدزکی ولیدی	سوویتلرک تورکستانده تطبیق ایندکری ملیت سیاسی
قره اوغنی عثمان	قازاقستان احوالی
	اوزبکستان احوالی
	قسم ادبی :
	شایاق خانک شعری
	تورکستان ادبیاتینا مکتوبه وی نوبلری
	شئون

Rasm 10: Usmon Xo'ja chiqorgan Yangi Turkiston jurnalining 1. Soni

1927



Rasm 11: Usmon Xo'ja qabri, O'zbeklar Takyasi, Uskudor, Istanbul
Usmon Xo'janng o'g'li Temur Xo'ja (Timur Kocaoğlu)

Izohlar:

¹ Bu film haqidagi xabar Tojikistondagi shu gazetda nashr etilgan: *Maorif va Madaniyat*, 7-noyabr (1977), s. 4.

¹ Abdullah Recep Baysun, *Türkistan Milli Hareketleri* (o'sha yerda), s. 137-139.

¹ Rustam Shamsutdinov, "Usmonxo'ja Vatan Xoini Emasdi", *Xalq so'zi* (Toshkent: gazet) 15.10.1991, s. 3.

¹ Pravda , 1923 yil 5, 10, 12, 13, 17 va 19 iyun.

¹ Joseph Castagné, *Les Basmatchis: Le mouvement national des Indigènes d'Asie Centrale depuis la Révolution d'Octobre 1917 jusqu'en Octobre 1924*. Paris: Editions Ernerst Leroux, 1925, s. 62; turk tilidagi nashri: Joseph Castagne, *Türkistan Millî Kurtuluş Hareketi*. İstanbul: Orkun Yayınevi, 1980, s. 152.

¹ "Usman-Xodja i Kari Efendi ostayutsya v Afganistane dlya svyazi s angličanami." Pravda, Nr. 122 (5.6.1923), s. 3.

ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Шодмон Аҳмадович Ҳайитов

БухДУ Жаҳон тарихи кафедраси профессори, тарих фанлари доктори

Орта қолган XX аср ва XXI асрда жаҳонда кечаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий жараёнлар тезлашибгина қолмай, айрим йўналишларда ўзига хос, турли-туман шакл ва кўринишлар ҳосил қилмоқда. Кейинги йилларда миграциянинг тур ва шакллари, йўналишлари ҳамда хусусиятлари борасидаги ўзгаришлар тарихчи, иқтисодчи, социолог, географ, демография соҳаси олимларининг диққатини ўзига тобора жалб қилмоқда. Тадқиқотчилар миграциянинг тарихий илдизлари, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий омиллари, бу жараён дунё мамлакатларидаги диаспораларга асос бўлаётганлиги, ўз мамлакатини алмаштирганларда миллий ўзликни сақлаш муаммолари ва трансформация жараёнлари, демография ҳамда урбанизацияга таъсир масалаларини тадқиқ қилиш билан боғлиқ самарали натижаларга эришдилар. Бироқ мазкур мавзу ҳамон долзарблик касб этмоқда. Ушбу кичик тадқиқотда миграция ва унинг илмий, назарий, методологик асос ва жиҳатлари ҳақида мухтасар мушоҳада юритиш мақсади қўзланди.

Миграция (лотинча “migratio”) “кўчаман”, “жойимни ўзгартираман” каби маъноларни англатиб, ушбу тушунча кенг қамровли бўлиб, “Аҳоли миграцияси”, “Ҳайвонлар миграцияси”, “Ўсимликлар миграцияси”, “Элементлар миграцияси”, “Энергия миграцияси” кабиларга нисбатан ишлатилади. Тарихда миграциянинг ушбу кўринишлари доимий жараён сифатида юз берган ва ҳамон давом этиб келмоқда⁷⁷.

Биз устида мушоҳада юритадиган аҳоли миграцияси тарихан таркиб топган объектив ҳодисот бўлиб, инсоният тонги ҳисобланган ибтидоий жамият мавжуд бўлган даврларданок кишилар тўдаси табиий-иқлимий омил, тирикчилик манбаини излаш, яшаш учун қулай бўлган маконлар қидириш кабилар мақсадида бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрганлар. Бироқ бу “механик” кўчиш бўлиб, кишилар ўзлари кўчадиган ҳудудлар, минтақалар ҳақида олдиндан

⁷⁷ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Том 1. –Т.: 2000. Б.565-566; Том 5. –Т.: 2003. –Б.640.

хабардор эмасди, уларни янги жойларда қандай тақдир кутиши ҳақида ҳам оддий тасаввурга етадиган қараш ва тафаккур бўлмаган. Иккинчидан, давлатлар мавжуд бўлмаганлиги туфайли чегаралар белгиланмаганлиги аجدодлар кўчишида эркинликнинг ҳуқуқий қоида ва меъёрлари амал қилмаган.

Ҳозирги миграцияга “механик” кўчиш деб эмас, балки ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг кўпгина қирраларини қамраб олган мураккаб жараён деб қараш керак. Шу сабабли аввало, “мигрант”, “мигрантлар”, “эмиграция”, “эмигрантлар” каби тушунчалар, “сальдо” атамаси кабилар моҳиятини чуқур англаш зарур. Мигрант (муҳожир) миграция оқими шаклланган ҳудуд, яъни кўчувчилар чиқиб кетадиган жой вакили, “мигрантлар”-янги жойга, янги ҳудуд ва мамлакатга кириб келганлардир. “Эмиграция”-бир мамлакатдан иккинчи бир мамлакатга кўчишда иштирок этиш, “эмигрантлар”-шу кўчишда иштирок этганлар жамоасидир. Кўчиб келувчилар “иммиграция”, кўчиб келиб ўрнашганлар эса “иммигрантлар” каби атамаларда таъкидланади, манбаларда. “Сальдо” эса маълум вақт давомида ҳудуддан кўчиб кетганлар ва аксинча ушбу ҳудудга кўчиб келганлар ўртасидаги ўзаро нисбий фарқдир. Агар мамлакатларда тинч даврларда кўчиб кетганлар нисбати кўчиб келганлардан ортиқ бўлса, ушбу давлат тараққиёт даражаси нисбатан паст бўлиб чиқади.

Миграцион жараёнларнинг уч босқичда кечиш концепцияси XX асрнинг охириги чорагида ишлаб чиқилиб, унга кўра миграция жараёни ҳар қандай ҳолатда учта босқичдан ўтади. Ушбу муаммонинг назарий-методологик асоси Л.Л. Шамилева ва Л.Л. Рыбаковский кабилар томонидан XX аср охирида ишлаб чиқилган⁷⁸.

Мазкур босқичлар қуйидагиларни ўз ичига олади.

1. Ўз яшаш жойини ўзгартирувчи бўлган аҳоли кўчишга дастлаб тайёргарлик кўриш босқичидан ўтади.

2. Асосий босқич. Кўчувчилар оқимининг бошқа ҳудудга кўчиб ўтиш жараёни

3. Якуний босқичда мигрантларнинг янги жойда яшаб қолишлари билан боғлиқ⁷⁹.

⁷⁸ Қаралсин. Шамилева Л.Л. Моделирование миграции населения в районе. –Автореф. дисс. канд.ист.наук. –Москва. -1975. –С.15; Рыбаковский Л.Л. Три стадии миграционного процесса (очерки теории и методов исследования). –М.: Мысл, 2004. – С.28.

⁷⁹ Қаранг. Авт.коллектив (О.Д.Воробьёв, А.В.Топилин, В.И. Мукомель и др.) Миграция населения: теория и политика (Учебное пособие). –М.: Изд. “Экономическое образование”, 2012. - С.143; Полян П. Принудительная миграция. М.: 2001. – С.56.

Уч босқичда кўчадиган аҳолининг ижтимоий-психологик ҳолати, ўз асл жойларига қанчалик мустаҳкам боғланганлиги билан узвий равишда боғлиқ. Ватанини алмаштиришга тайёргарлик кўрар экан, кўчадиганлар ижтимоий таркиби хилма-хил бўлиб, улар орасида меҳнатга қобилиятли эркак ва аёллардан ташқари ёш болалар, кекса ва ногиронлар борлиги, чорва ҳайвонлари, уй-хўжалик буюмлари, меҳнат қуроллари, уй-жой ва ҳоказо каби омилларни назардан қочирмаслик керак. Кўчиш учун маблағ тўплаш, оилани истиқболда яшаш шароитлари ҳақида имкон яратиш зарурати ҳам мавжуд. Кўчувчилар ўз яшаш жойларини ўзгартиришдек узил-кесил қарорни ўзлари чиқарадиларми ёхуд ҳукуматми? деган масала ҳам муҳим. Агар ушбу ҳал қилувчи қарорни ўзлари чиқарганларида эса кўчадиган ҳудудлар улар томонидан эркин танланади. Шундай ҳолатда ҳам кўчиш жараёни осон кечмайди. Ҳозирги даврда “GREEN CARD” ютиш, йўл чиптаси, янги жойда вақтинча яшаш шарт-шароитларини яратиш, ишчи ўрнига эга бўлиш энг муҳим зарурат сифатида тақозо қилинади. Мигрантларга тарихнинг бирор босқичида ҳам осон бўлмаган. Уларга кўчиб борган янги жойлардаги табиий-иқлимий шароит, меҳнат турини ўзгартириш зарурати, иш жойи, уй-жой каби муаммолар кўндаланг бўлган. Мигрантлар зинама-зина ҳаёт “нарвони”дан кўтарилиб, тили, урф-одати, хўжалиги, анъаналари ўзгача бўлган халқлар орасида яшаб кетишлари керак эди. Ўзликни сақлаб қолиш муаммоси ҳам илк бор кўчганларнинг авлодларини ташвишга солган. Айниқса, ўз Ватанига мустаҳкам боғланган миллатларда “кейинги авлод миллий тил, урф-одатларни сақлаб қола оладими ёхуд ўзга миллатларга қўшилиб йўқ бўлиб кетадими”? деган саволлар кўндаланг бўлиши табиий ҳол эди.

Аҳоли миграцияси ҳақида фикр юритилар экан, ушбу жараён ўзининг йўналишига кўра ташқи ва ички аҳоли миграциясига бўлинади. Ташқи аҳоли миграцияси фуқаро ёхуд фуқароларининг ўзи яшаб турган мамлакатдан мутлақо чиқиб кетиши (муҳожирлик) ва бошқа давлатда яшашидир. Ички миграция - ўз мамлакати доирасида шахсининг вилоятлараро ва туманлараро яшаш жойини ўзгартиришидир. Тадқиқотларда яшаш жойини вақтинча ўзгартирганларнинг барчаси учун ҳам “мигрант” атамаси қўллаш ўринли эмаслиги қайд этилади. Жумаладан, турист бўлган, курортга

борганлар, зиёратчилар турар жойларини доимийга ўзгартирмаганлари учун аҳоли миграциясига киритилмайдилар.

Аҳоли миграцияси йўналишларига кўра: ташқи , ички; давомийлиги бўйича: вақтинча, мавсумий, маятниксимон; сабабига кўра: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳарбий, диний, табиий; қарор қабул қилиниши бўйича: ихтиёрий, ихтиёрий-мажбурий каби кўринишларга эга бўлади. Аҳоли миграциясини таҳлил қилишнинг соф миграция, ялпи миграция, алоҳида шахс, оила миграцияси каби коэффицент шаклида ифодаланишни ҳисоб-китоб қилиш қоидалари ҳам мавжуд.

Инсонлар доимий яшаш жойларини ўзгартиришга таъсир қилувчи объектив омиллар (табиат, табиий офатлар, ишлаб чиқариш кучларининг жойлашувидаги нотекисликлар, ижтимоий инфраструктурадаги ҳудудий фарқлар) мавжуд. Улар инсон омилига боғлиқ бўлмаган жиҳатлар бўлиб ҳисобланади. Айниқса, кейинги йилларда давлатлар тараққиётидаги яшаш даражасининг бир-биридан кескин фарқ қилиши, ривожланган ва ривожланмаган мамлакатлар турмуш тарзидаги ўта баланд ва ўта пастликлар, меҳнатга ҳақ тўлашнинг турличалиги каби омиллар таъсири кучаймоқда. Субъектив омиллар, яъни фарзандлар келажагини ўйлаб, иқтисодий ривожланган мамлакатларга кўчиб кетиш, фаровон яшашга эҳтиёжнинг кучайиши, ривожланган мамлакатларда малакасиз меҳнатга талаб ошуви қабилар сифатида намоён бўлади. Бу жиҳатларга демографик, миллий-этник, маънавий эҳтиёжларни ҳам қўшиш керак⁸⁰.

Миграция барча давлатлар тарихида аҳоли миграцияси нуқтаи назаридан масалага ёндашилганида гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб турган. Миграция жараёни “инқилоб”, сиёсий тизимнинг тубдан ўзгариши ёхуд давлатларда туб бурилишга оид иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар амалга оширилган пайтларда “оммавий тўлқин” тусини олган. Тарихдан инглиз буржуа инқилоби, буюк француз инқилоби, АҚШдаги 1-2-фуқаролар уруши, совет ҳокимиятининг аграр соҳадаги тадбирлари (ер ислоҳоти, қулоқлаштириш, жамоалаштириш, сурган ва ҳоказо), Германияда фашистик диктатуранинг ўрнатилиши, Испанияда Франко фашистик диктатураси, Кубада Батиста режими, ҳуллас, бу масалада ўнлаб мисолларни келтириш мумкин.

⁸⁰ Торговля людьми. Социокриминологический анализ / под общей редакцией Е.В.Тюркановой и Л.Д.Ерохой. –М.: Academia, 2002. –С.220; Мўминова Х.И., Қайимова З.А. Аҳоли миграциясининг меҳнат бозорига таъсири // БухДУ илмий ахборотлари, 2004. -№3. –Б.68.

Ихтиёрий миграцияда кўчадиган жойини мигрантларнинг ўзи танлайди. Ушбу миграцияда кўчувчилар нисбатан эркин бўлиб, ўз ихтиёрлари бўйича ҳаракат қиладилар ва тегишли қарорлар қабул қиладилар.

Ихтиёрий-мажбурий миграцияда мигрантларнинг талаб эҳтиёжлари маълум жиҳатдан инобатга олинган ҳолда, кўчишлари мажбурий қилиб қўйилади. Бундай пайтда 16 ёшга тўлмаганлар, кексалар, касал ва ногиронларга кўчиш мажбурий қилиб белгиланмасада, бироқ улар ўз оила аъзоларидан айрича яшаш хавфи ва “жазоси”дан қутулиш мақсадида асосан ўз ихтиёри билан кўчирилганлар таркибига бориб қўшиладилар.

Мажбурий кўчириш ёхуд кўчишлар асосан диний, ирқий геноцид, камситиш, диний-миллий таъқиб, дискриминация, маълум бир миллат ва элатни депортация қилиш, совет жамиятида “қулоқлаштириш”, “сургун” компанияси даврида намоён бўлганди. Мажбурий миграцияда инсон ҳуқуқлари поймол қилинади, уларнинг шахсий ва ижтимоий ҳаётдаги эркинликлари бутунлай чегараланади. Маълум бир ҳудудда қатъий назорат остида ёхуд ҳибсда яшаш, мажбурий оғир меҳнатга жалб қилиниш, комендантлик назорати ва ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан босим ўтказиш жараёнлари туфайли мигрантлар кўрқув, таҳлика ва хўрланган ҳолатда яшашга маҳкум этилади. XX аср 2-ярмида (1948 йилдаги Умумжаҳон Инсон ҳуқуқлари декларацияси, 1951 йил “Муҳожирлар ҳақида қонун” чиққунга қадар-Ш.Х.) мигрантларга муносабат ҳар бир мамлакатнинг ўзида амал қилган бу йўналишдаги қонунлари асосида бўлган⁸¹. Шу сабабли “мигрантлар статуси” масаласи ҳамisha ҳам адолатли ҳал қилинмаганлиги, улар кўчиб борган янги жойларда хўрлик ва камситишларга дучор бўлганлиги тарихий манбалар, эсдалик ва хотиралар орқали бизга қадар етиб келган.

Масалан, табиий, ҳудудий, диний омилга кўра 1920-1930 - йилларда Афғонистонга кўчиб ўтган ўзбек (туркистонлик)лар маҳаллий афғон бекалари томонидан кўз кўриб қулоқ эшитмаган хўрликларга дучор қилинган.

Ҳозирги даврда меҳнат мигрантларининг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Меҳнат мигрантлари XX аср дастлабки 10 йиллигида 200 млн. (баъзи манбаларда 246 млн)дан ошиб кетди. Мигрантларнинг ўз мамлакати иқтисодий-ижтимоий ҳаёти учун аҳамияти сезиларли бўлиб, ишсизлик муаммосини юмшатишда, мамлакатига валюта

⁸¹ Қаранг. Полян П. Принудительная миграция. М.: 2001. 245 стр.; Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных.-Москва. “Собрание”. 2004. 296 стр.

киритишда, оила бюджети ва шахсий моддий-маънавий ҳаётини юқорилашида малакали меҳнат турларини такомиллаштиришда, шахсий ободончилик ишлари ва қурилиш маданиятини кўтаришда бу ижобий жиҳатлар кўзга ташланади.⁸² Бироқ ноқонуний мигрантлар армиясининг кўпайиб бориши, инсон ҳуқуқлари, соғлиқ, маиший хизмат кўрсатиш, уларни асл мамлакати билан алоқани узиш, шарқона маънавий-ахлоқий илдизлардан узилиш, одам савдоси, бевақт ўлим, меҳнатига яраша ҳақ олмай алданиш каби салбий жиҳатларни юзага чиқарганини ҳам унутмаслигимиз керак.

Жаҳонда кечган ва ҳозирда кенг тус олган миграция жараёнларининг илмий-назарий ва методологик жиҳатлари таҳлил қилинар экан, бу масалада қўйидагича якуний хулосаларга келиш мумкин:

1. Миграция жараёни узоқ тарихий илдизга эга бўлиб, бу жараён объектив ва субъектив омиллар туфайли узлуксиз давом этиб турган. Миграция жараёни тўлқинсимон, нотекс характерга эга бўлиб, туб сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар, инқилоблар, уруш, ҳарбий-сиёсий, диний-миллий тўқнашувлар даврида вақти-вақти билан оммавий тус олган.

2. Тарихий тараққиёт давомида миграциянинг кўринишлари гуруҳланиш белгиларига кўра: йўналиш бўйича (ташқи ва ички), давомийлиги бўйича (доимий, вақтинча, мавсумий, маятниксимон), сабаблари бўйича (иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳарбий, диний, табиий), қарор қилиниши бўйича (ихтиёрий, ихтиёрий-мажбурий, мажбурий) каби тур ва шаклларини ҳосил қилган.

3. Миграциянинг давлатлараро давом этиб туриши ҳар бир мамлакатдаги аҳолининг миллий-диний таркибига ўз таъсирини ўтказиши асносида ҳозир ер юзида бирорта ҳам ягона миллатли давлатни учратмаймиз. Шунингдек, дунё мамлакатларида кўплаб диний конфессиялар ёнма-ён яшаб келмоқда.

4. Миграциялар туфайли ҳозир ер юзидаги қитъаларда турли ўнлаб мамлакатларнинг диаспораси (дунё бўйлаб тарқалиши) шаклланган. Диаспоралардаги моддий ва маънавий маданият ҳар бир

⁸² Пармонов Ф. Халқаро миграцион жараёнлар \ \ Жамият ва бошқарув. 2009. №4. –Б.31; Расулова Д. Меҳнат миграцияси \ \ Жамият ва бошқарув. 2009. №4. –Б.34; Ҳайитов Ш. Муҳожирликнинг халқаро ҳуқуқ меъёрлари: тарих ва ҳозирги замон \ Инсон-энг олий кадрият мавзусидаги Республика илмий-назарий конференция материаллари (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги бағишланади). Бухоро -2008. –Б.33.

миллатнинг асл Ватанидаги маданият ва маънавият хазинасининг бир қисмидир.

5. Ўзбек миллати асл аجدодлари юрти ва Ватанига мустаҳкам боғланган бўлиб, миллатдошларимиз жони, оиласи, мол-мулкига даҳл етмаса, иймон-эътиқоди оёқ ости қилинмаса, имкон қадар ўз туғилган жойида яшаб қолишга жон-жаҳди билан интилганига тарихнинг ўзи гувоҳ.

АДАБИЁТЛАР:

1. Коллектив авт. (О.Д. Воробьев, А.В.Топилин, В.И. Мукомель и др.) Миграция населения: теория и политика (Учебное пособие). –М.: Изд. “Экономическое образование”, 2012. 364 стр.

2. Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных.-Москва. “Собрание”. 2004. 296 стр.

3. Мўминова Х.И., Қайимова З.А. Аҳоли миграциясининг меҳнат бозорига таъсири \ \ БухДУ илмий ахборотлари, 2004. -№3. –Б.68-72.

4. Пармонов Ф. Халқаро миграцион жараёнлар \ \ Жамият ва бошқарув. 2009. №4. –Б.31-33.

5. Полян П. Принудительная миграция. М.: 2001. 326 стр.

6. Расулова Д. Меҳнат миграцияси \ \ Жамият ва бошқарув. 2009. №4. –Б.34-35.

7. Рыбаковский Л.Л. Три стадии миграционного процесса (очерки теории и методов исследования). –М.: Мысль, 2004. 284 стр.

8. Тарасова Е.В. Казахстанско-российского миграция в советский период: основные тенденции развития \ История и археология (Известия Алтайского государственного университета). -2005. -№ 1. С.41-47.

9. Торговля людьми. Социокриминологический анализ \ под общей редакцией Е.В.Тюркановой и Л.Д. Ерохой. –М.: Academia, 2002. -224 с.

10. Ҳайитов Ш. Муҳожирликнинг халқаро ҳуқуқ меъёрлари: тарих ва ҳозирги замон \ Инсон-энг олий қадрият мавзусидаги Республика илмий-назарий конференция материаллари (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги бағишланади). Бухоро -2008. –Б.32-36.

11. Ҳайитов Ш. Ноқонуний миграция ва унинг оқибатлари хусусида \ \ Бухоро мавжлари. 2013. -№1. –Б.39-41.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ МИГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ТАРИХИ: XX АСР ЎРТАЛАРИДА КАВКАЗ ХАЛҚЛАРИНИНГ ДЕПОРТАЦИЯ ҚИЛИНИШИ

Хашимова Мукаддас Мурадхановна

Самарқанд давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси доценти

1942 йил ёз ойида совет-герман frontiда кенг миқёсдаги ҳарбий ҳаракатлар совет қўшинлари учун муваффақиятсиз бўлди. Катта талофатлар билан Ғарбий, Жануби-Ғарбий ва Жанубий фронтлар қўшилиб орқага чекинар экан, Харьков ва Сталинградгача бўлган катта ҳудудни душман қўлига топширдилар. 1942 йил кузига келиб Волга қирғоқлари ва Катта Кавказ тоғлари бўсағаси душман қарамоғида қолди[10; -Б.238]. Ҳарбий воқеаларнинг бундай шиддат билан бориши туфайли Шимолий Кавказ халқларини оммавий эвакуация қилиш учун шароит йўқ эди. Чечен-Ингушетиянинг бир қисми, шунингдек, қорачойлар, болқорлар ва қалмиқлар яшаган ҳудуд оккупация остида қолади. Совет қўшинларининг шиддатли равишда ҳужум олиб бориши охирида гитлерчилар Сталинград ва Курск остида тор-мор қилиниши душман томонидан ишғол қилинган жойлар, шулар қаторда 1943 йил январь-февраль ойларида бутун Шимолий Кавказ озод қилинади[6; - Б.38].

Озод қилинган ҳудудларни тиклаш ишлари билан бирга «сотқинлар» ва «душман ҳамкорлари»ни излаш ишлари олиб борилади. Чекиниш пайтида гитлерчилар томонидан жойларда тармоқланган жосуслик (шпионлик) шаҳобчалари қолдирилган эди. Уларнинг ҳақиқатдан бўлганлиги ва фаолият кўрсатганлигидан далолат берувчи ҳужжатлар ҳам бўлган. Озод қилинган ерларда тозалаш операцияларида ҳарбий отрядлар ва НКВД томонидан кўп миқдордаги турли-туман қурооллар (автомат, пулемет ва артиллерия қурооллари) топилган[10; -Б. 238]. Буларнинг ҳаммаси НКВД, айниқса унинг раҳбарларига фақатгина алоҳида шахс ёки гуруҳга эмас, балки бутун бир халққа нисбатан «гумонсираш» билан қарашга сабаб бўлди. Натижада уруш олиб бораётган мамлакат хавфсизлигини таъминлаш учун уларни депортация қилиш баҳонаси ўйлаб топилди. Ваҳоланки, бу халқларнинг кўпчилиги гитлерчиларга қарши фаол равишда курашиб орден ва медаллар билан тақдирланган эдилар.

Шимолий Кавказ худудидан биринчилардан бўлиб қорачойлар кўчирилишга маҳкум этилади.

Қорачойлар вилоятдан 147 774 оила Қозоғистоннинг Жамбул ва Жанубий Қозоғистон вилоятига 11 711 оила; Қирғизистонга 5 790 оила ва Ўзбекистонга 95 оила кўчирилган[10-Б.238]. Қорачойларни кўчириш қисқа муддатда шафқатсизларча олиб борилган.

1944 йилда Давлат Мудофаа Қўмитасининг болқорларни кўчириш тўғрисидаги қарори қабул қилинди ва НКВД тезкор (оператив) таркиби ва армия қисми бутун болқор халқини кўчирди[10; - Б..241-242].

Қадимдан Кавказ дарвозаси бўлган Чечен-Ингушетия аҳолиси сони бўйича энг кўп халқ ҳисобланиб, бу ерда деҳқончилик ривожланган эди. Иттифоқ ҳукумати томонидан ўтказилган коллективлаштириш сиёсати бошқа кўпгина жойлар сингари, бу ерда ҳам маҳаллий хусусиятларни эътиборга олмаган ҳолда олиб борилди. Маҳаллий аҳоли, унинг урф-одатлари, динига бўлган нотўғри муносабат ҳам улар орасида иттифоқ ҳукуматига нисбатан норозиликнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Чечен-Ингушетияда сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий аҳвол оғир бўлиб, узок вақт мобайнида кенг истеъмол товарларининг жойларга етказиб берилмагани бу ҳолатнинг янада кескинлашувига олиб келди. Оқибатда, немис оккупацияси вақтида алоҳида шахс ёки гуруҳларнинг душман тарафига ўтиш ҳодисалари бўлган. Уларни НКВД кучлари билан қуролсизлантириш мумкин бўлишига қарамай, Сталин ва Берия бутун бир халқни кўчириш йўли билан уларни жазолаш ва Кавказни «умрбод» тинчлантиришга қарор қилдилар.

Чечен ва ингушларни кўчириш бўйича 1944 йил 23 февралда бошланган «Чечевица» операцияси ўша йилнинг 20 мартга келиб тугатилди.

НКВД маълумотига кўра, 180 та темир йўл эшелонларида 493 269 нафар чечен ва ингушлар ҳамда уларга қўшиб олинган бошқа миллат вакиллари кўчирилган. Операция вақтида 50 та одам ўлдирилган. Йўлда 1 272 нафар киши вафот этган[9; - Б..148]. Айрим тадқиқотларнинг кўрсатишича, йўлдаги қийинчиликларни инобатга олган ҳолда, бу сон бир неча баробар кўп бўлган. Республиканинг партия, совет ва диний идоралари бошлиқлари ҳам кўчирилган. Бу

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

операция вақтида 100 минг офицер ва НКВД кўшинлари, НКВД, НКГБнинг оператив ишчилари қатнашиб, улар Қорачой, қалмиқларни кўчиришда «фаол» равишда қатнашган эдилар. Бу сафар ҳам уларнинг иштироклари билан 11 та тумандаги 395 та колхоздан 32 000 хўжалик Қозоғистон ва Ўрта Осиёга бадарға қилинади[9; - Б..148].

Депортация қилинган чечен ва ингушлар дастлаб, Қозоғистоннинг 12 вилоятидаги 133 та туманга 400 600 киши, Қирғизистон ҳудудининг 4 та вилоятидаги 24 та туманига 22 800 киши жойлаштирилди[9,с.151].

Кейинчалик, махсус кўчириб келинганларнинг сонини тўлдирган контингент – бу Шимолий Осетиядаги қамоқхоналардаги маҳбуслар бўлди. Чечен ва ингушлар НКВДнинг Карағанда лагерига кўчирилиб бу чора Қорачой, шунингдек болқорларга нисбатан ҳам қўлланилди. СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1944 йил март ойидаги қарори билан Чечен-Ингуш АССР тугатилади[10; - Б..152].

XX асрнинг 40-йилларида Кавказ халқларидан месхети турклари, болқорлар, чечен-ингушлар, қалмиқлар, Қорачойлар ва бошқаларнинг ҳаммаси немис-фашистларига сотқинликда айбланадилар. Ваҳоланки, ҳукумат томонидан уларга бундай айб қўйиш учун аниқ асослар бўлмаган. Шунга қарамай Кавказ халқлари бу айб туфайли ўз ватанларидан жудо бўлишга мажбур бўладилар ва уларнинг асосий қисми Марказий Осиё республикаларига мажбуран кўчирилади. Улар яшаган ҳудудлар номи эса харитадан бутунлай ўчирилиб ташланади.

СССР Олий Кенгаши президиумининг Шимолий Кавказ халқларини кўчириш ҳақидаги қарорларининг ҳаммаси махфий тарзда қабул қилиниб, бу халқлар кўчириладиган ерлар, шу жумладан Қозоғистон республикаси ҳам уларни жойлаштириш бўйича керакли тайёргарлик кўриш учун хабардор қилинган эди.

Иттифоқ халқ комиссарлиги кенгашининг 1943 йил 14 октябр № 1118-342 -сонли, 1944 йил 31 январ № 5074 - сонли ва 1944 йил 5 март № 5309 -сонли қарорларига кўра, 40 минг Қорачойлар, 420 минг болқорлар, умумий ҳисобда 470 минг киши 111 593 оила таркибидаги Шимолий Кавказликлар Қозоғистонга кўчирилиб, улар

республикадаги 14 та вилоятнинг 145 та туманига жойлаштирилди[1; Оп. 1. Д. 1820. Л. 14.].

Шимолий Кавказдан сургун қилиниб махсус кўчирилган халқларнинг Қозоғистон республикаси вилоятлари бўйича қандай жойлаштирилганлиги ушбу жадвалда акс этган[1; Оп. 10.Д.1855^а.Л. 2.].

Жадвал №1.

Махсус кўчириб келтирилганларнинг Қозоғистон республикаси бўйича жойлаштирилиши.

Вилоятлар номи	Қорачойлар		Чечен ингушлар*		Қалмиқлар	
	оила	Киши	оила	Киши	Оила	киши
Олма – ота	-	-	3 600	13 600	-	-
Актюба	-	-	4 129	20 248	-	-
Ақмола	-	-	10 789	51 242	-	-
Шар.Қозоғистон	-	-	6 779	31 140	-	-
Жамбул	5 069	20 285	4 873	23 474	-	-
Қарағанда	-	-	8 682	36 891	-	-
Қизил Орда	-	-	5 700	26 951	648	2 268
Кокчетов	-	-	7 254	31 415	-	-
Қустанай	-	-	10 434	45 125	-	-
Павлодар	-	-	8 533	41 960	-	-
Шим.Қозоғистон	-	-	5 072	22 561	-	-
Семипалатинск	-	-	6 777	32 575	-	-
Талди-Қурган	-	-	5 225	21 159	-	-
Жан.Қозоғистон	6 642	25 244	5 452	23 450	-	-
Гурьев	-	-	237	840	-	-
Олма-Ота ш.	-	-	1 025	4 894	-	-
Умумий	11 711	45 529	94 561	427 525	648	2 268

*Чечен ва ингушлар қардош тилда сўзлашувчи икки турли хил халқ ҳисобланади. Уларнинг сургун қилиниши бир хил вақтда бўлиб ўтганлиги сабабли барча ҳужжатларда уларнинг умумий сони бирга кўрсатилади. – М.Х.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, болқор, Қорачой, чечен ва ингуш халқлари Республика бўйича унча катта бўлмаган гуруҳларга бўлиниб, туман ва колхозларда бошқа миллат вакиллари – қозоқ, рус, қрим татарлари, немис ва бошқалар билан аралаш ҳолда

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

жойлаштирилган. Шимолий Кавказ халқларининг вилоят ва туманлар бўйича тарқоқ ҳолда жойлаштирилгани эса, улар ўртасидаги алоқага салбий таъсир кўрсатиб, оғир шароитларда бири-бирини қўллаб-қувватлаш имконияти бўлмаганидан тушкунликка тушишларига сабаб бўлган.

Шимолий кавказликлар халқ хўжалигининг йўналиши бўйича қуйидаги тартибда: колхозларда 68 968 оила, совхозларда 11 377 оила ва саноат корхона ва ташкилотларида 31 274 оила ҳисобида жойлаштирилди[1; Оп. 1. Д. 1820. Л. 14;]. Мавжуд ҳужжатлар бу халқларни жойлаштириш ишлари жуда оғир кечганлигини кўрсатади.

Сургун қилинган Шимолий Кавказ халқларига ажратилган уйлар баҳор, қиш фасллари учун оддий талабларга ҳам жавоб бермаган. Аҳолининг жуда зич жойлаштирилиши, яъни бир кишига 1,5-2,5 кв. м. жой тўғри келиб, бу ҳолларда бир хонада бир неча оила (20-25) киши яшаб, шу хонада овқат пишириб, кир ювиб, соғлом кишилар билан бир хонада касаллар туриши, бу халқлар орасида юқумли кассаликлар, айниқса, тиф касаллигининг кўпайиб кетишига сабаб бўлади[2; Оп.12.Д.337.Л.56об.]. Республика вилоятларида доимий равишда санитария ишларини олиб бориш учун совунлар захираси, махсус кўчириб келинганларнинг кийимлари ва уйларини дизенфекция қилиш учун эса хлоропикрин бўлмаган. Натижада касалликлар маҳаллий халқлар орасида ҳам тарқалиб, жуда хавфли тус олган.

Тўғри, ёқилғининг етишмаслигига қарамай санитария ҳолатини яхшилаш мақсадида ўша даврдаги баъзи жойларда ҳаммомлар ташкил этилар эди, аммо махсус кўчириб келинганлар у ерга хоҳламай борар ёки умуман бормаганлар. Сабаби эса, баъзи раҳбарлар тушунтирганларидек, уларнинг ювинмасликка ўрганганликлари эмас, балки биринчи навбатда уларни совуқ ва зах уйлар – яшаш жойлари кутиб турса, иккинчидан, уларнинг алмаштириш учун кийимлари ҳам бўлмаганлигида эди[2; Оп. 12. Д. 337. Л. 55.].

Шимолий кавказликларнинг дастлабки кўчирилиш йилларида ўлим сонининг юқори бўлиши сабабларидан бири, бу яшаш жойларнинг энг зарур талабларга жавоб бермаганлиги, жойларда

санитария ва дизенфекция ишлари олиб борилмаганлиги натижасида юқумли касалликларнинг кенг тарқалиб кетишидир. СССР НКВДсининг 1945 йилги маълумотига кўра, сургун қилинган Шимолий кавказликлардан 44652 киши вафот этган[8; - Б..122-143].

40-йилларга келиб Қозоғистон ҳудудига мамлакатнинг ғарбий туманларидан ярим миллиондан ортиқ бошқа халқларнинг (немис, корейс, қрим-татарлар ва бошқалар) сургун қилинганлиги, бу халқлар билан бир қаторда Шимолий Кавказ халқларининг жойлаштирилиши масаласини янада кескинлаштирар эди.

Шу ўринда яна Шимолий Кавказдан сургун қилиб келтирилганлар сони қанча бўлганлиги масаласига қайтадиган бўлсак, бу масала бўйича архив материалларида кўпгина чалкашликларга йўл қўйилган. Бунинг биринчи сабаби: кўп ҳужжатларда уларнинг сони бошқа сургун қилинган халқлар – қрим- татарлар, грузинлар, қалмиқлар, немислар ва бошқалар билан умумий ҳолда кўрсатилгани бўлса, иккинчидан, махсус кўчириб келтирилган оилаларнинг республика вилоятлари бўйича кўпайиши ёки камайишга сабаб, бу армия ва госпиталлардан қайтганлар, кўчирилиш пайтида мажбуран ажрашиб кетган қариндош-уруғ, оилаларнинг бирлашиши ёки оилаларнинг мустақил иккита оилага бўлиниши, МВД буйруғига кўра бошқа республикалардан кўчириб келинган ёки кетганлар ҳисобига эди.

Шундай қилиб, СССР Олий Кенгаши қарорларига кўра, ярим миллиондан ортиқ Кавказ халқлари 1943-1944 йилларда Марказий Осиё республикаларига кўчирилади. Аммо, Иккинчи жаҳон уруши бораётган даврда бу республикалар ҳудудига мамлакатнинг ғарбий туманларидан ярим миллиондан ортиқ бошқа халқлар (немис, корейс, қрим-татар ва бошқалар) ҳам сургун қилинган эдилар, бу эса уларни жойлаштириш масаласини янада кескинлаштирган эди.

Депортациянинг оқибати жуда ҳам фожиали бўлиб, 1945 йилнинг ўзида Шимолий кавказликлардан 44 652 киши ўлган[8; - Б..128], 1950 йилга келиб эса бу кўрсаткич 104 903 кишига етган [8; - Б..140]. Архив ҳужжатларида маълумот берилишича, бунга кўчирилиш жойларидаги яшаш шароити, озик-овқат масаласи, тиббий ёрдамнинг йўқлиги ҳам сабаб бўлган.

Манбалар

1. Архив Президента Республики Казахстан. Ф.708.
2. Центральный Государственный Архив Республики Казахстан. Ф.1137.
3. Государственный Архив Алма-Атинской области. Ф.423, 425, 499, 608,685,1881.
4. Автарханов А. (А. Уралов). Убийство чечено-ингушского народа. Народо убийство в СССР. – М.: Вся Москва. 1991.- 80 с.
- 5.Белая книга. Из истории выселения чеченцев и ингушей. 1944 – 1957. Вспоминания, архивные материалы, фотодокументы. – Алма-Ата: 1991. – 235 с.
6. Бугай Н.Ф. Правда о депортации чеченского и ингушского народов. // Вопросы истории. - 1990.- № 7- С. 32-44.
7. Бугай Н. Ф. К вопросу о депортации народов в СССР в 30 – 40 х годах. // История СССР. -1989.- № 6.- С. 136-144.
- 8.Бугай Н.Ф. 40-50-е годы: последствия депортации народов (свидетельствуют архивы НКВД-МВД СССР). // История СССР.- 1992.- № 1- С.122-143.
9. Бугай Н.Ф. Гонов А. М. Кавказ: народы в эшелонах. (20–60-е годы). – М.: Инсан. 1998. – 365 с.
10. Депортированные в Казахстан народы: время и судьбы. – Алматы: Арыс-Қазақстан,1998 – 412с.
11. Пиримкулов Ш.Д. Сургун қилинган поляк фуқаролари Ўзбекистонда (1941 – 1946). – Тошкент: Фан. 2006. – 296 б.

БУХОРО ВА ТУРКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ТУРКИЯДАГИ ЖАМИЯТЛАРИ

Дилноза Жамолова

Бухоро давлат университети

Марказий Осиёда совет ҳокимияти мустақамланиб олгач, Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (ТАССР), Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ва Хоразм Халқ Совет Республика (ХХСР)ларининг ички ишларига назоратни кучайтирди. Бу давлатларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги фаолиятлари марказда қабул қилинаётган қарорлар ва қонунлар андозаси бўйича тайёрланган маҳаллий меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинди. Республикаларнинг маҳаллий етук кадрлар тайёрлаш учун хорижий давлатларга талабаларни ўқишга юбориш борасидаги сиёсатига марказ томонидан чеклов қўйилди.

1922 йил охирида совет ҳукумати Туркистон АССР, БХСР ва ХХСР раҳбарларига Туркия ва Германияда таҳсил олаётган ёшларни зудлик билан чақириб олишга буйруқ берди. Ўз мамлакатнинг тараққиёти ва ривожланишига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Туркия ва Германияга таҳсил олиш учун борган бир гуруҳ ёшлар юртларига қайтганида эса уларга “ватан хоини”, “жосус” тамгалари ёпиштирилиб, қатағонга қилинди. Натижада улар ўз юртларини ташлаб Афғонистон ҳудудига ўтиб кетишга мажбур бўлди, хорижда юрганлари эса юртига қайтмасликка қарор қилди. 1922 йилларнинг иккинчи ярмида Туркистон АССР, БХСР ва ХХСРнинг Германиядаги собиқ талабалари Туркияга кўчиб ўтдилар ва туркистонликлар жамиятини тузиш ҳаракатини бошладилар⁸³.

Совет ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатига қарши миллий озодлик ҳаракати томонига ўтган, “Ёш бухороликлар” партиясининг айрим аъзолари, жумладан, БХСР ҳукуматида дастлаб молия нозири, кейин эса БХСР Марказий Ижроия Қўмитасининг биринчи раиси лавозимида ишлаган Усмонхўжа Пўлатхўжаев (1878-1968) Туркия ҳукуматига 1923 йилда сиёсий бошпана сўраб мурожаат қилди. Уни

⁸³ Хайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2008. - Б. 52.

янги ташкил топган Туркия Республикасининг биринчи президенти Мустафо Камол Отатурк давлат раҳбарларига кўрсатиладиган олий мақомда кутиб олган. Отатурк Усмонхўжага эндигина шаклланиб келаётган ёш ҳукуматда масъул вазифада ишлашни таклиф этганда, у бундан кейин давлат органларида ишламаслиги, Туркистон маданияти масалалари билан шуғулланиш нияти борлигини айтади. Мустафо Камол Усмонхўжага маънавий ва моддий мадад бериш мақсадида Туркия давлати миқёсида нафақа белгилайди⁸⁴.

Усмонхўжа 1927 йилда Истанбулда ташкил топган “Туркистон Миллий Бирлиги” ташкилотига аъзо бўлади ва унинг матбуот органига ношир этиб тайинланади. Унинг ноширлигида 1927 йил июнь ойидан “Янги Туркистон” (“Yeni Turkistan”) журнали нашр этила бошлайди. Журналнинг асосий мақсади хориждаги Туркистон аҳли бирлигини сақлаш, Туркистондаги сиёсий, иқтисодий вазиятни ёритиш, турк дунёсининг маданий бирлиги борасида тушунчалар бериш, совет ҳукуматининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатини танқид қилишдан иборат бўлган⁸⁵. Журнал чиқа бошлагач, орадан бироз вақт ўтиб совет матбуотида “Янги Туркистон” ва унинг таъсисчиларига қарши фикрлар, оммавий тарғиботлар авж ола бошлайди. Ўрта Осиё коммунистлар партияси Марказий қўмитаси раиси И.А.Зеленский ва партиянинг Ўзбекистон Марказий қўмитаси раиси В.И.Иванов бошчилигида бошланган қарши компанияда “Правда Востока” газетаси воситасида журнал таъсисчилари пантуркист, панисломист, империализм жосуслари, Бухоро амирининг малайлари, буржуа ёт унсурлар, деб айбланади⁸⁶. Бундай ташвиқотлар журналнинг нашр ишларини тўхтатолмайди. Хориждаги туркистонликларнинг миллий озодлик ғояларини ўзида акс эттирган, совет ҳукуматини мустамлакачилик сиёсатини танқид қилган ушбу журнал фаолияти 1931 йил октябрда Туркия Республикаси Вазирлар маҳкамаси қарори билан тўхтатилади⁸⁷.

1927 йилнинг 29 июлда туркистонлик ёшларни ўзида

⁸⁴ Ражабов Қ., Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа. Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2001. - Б. 22.

⁸⁵ Аҳад Андижон. Туркистон учун кураш. Туркчадан Т.Қаҳҳор таржимаси. Тошкент: “Tafakkur”, 2017. - Б. 257-258.

⁸⁶ “Янги Туркистон” ва руслар // “Янги Туркистон”, 1927. № 7. – Б. 1-7.

⁸⁷ Аҳад Андижон. Туркистон учун кураш. - Б. 309.

бирлаштирган яна бир ташкилот Межидиддин Аҳмад (Делил)⁸⁸ раислигида “Туркистон турк генчлари (ёшлари) бирлиги” уюшмасига асос солинади. Ушбу ташкилотни тузишдан мақсад туркистонликларда истиқлол ғоясини мусаҳкамлаш, Туркияда яшаётган моддий жиҳатдан ночор туркистонликларга ёрдам беришдан иборат бўлган. “Туркистон турк ёшлари бирлиги” ташкилоти аъзолари Туркистон тарихи ва маданиятини ўрганиш ва озодлик учун кураш масалалари, ўзбек миллий байрамларини биргаликда нишонлаш, мушоира ва шеърхонлик кечалари, моддий аҳволи оғир кишиларга ионалар тўплаш, ўзбек миллий матбуот органлари учун мақолалар тайёрлаш каби билан шуғулланганлар.

1930 йил 10 октябрда “Туркистон турк ёшлари бирлиги” ташкилоти тузилганлигининг 3 йиллиги муносабати билан “Бирлик” уйида байрам тантанаси уюштирилган. Уюшма раиси Межидиддин Аҳмад, “Янги Туркистон” журналининг муҳаррири Усмонхўжа, собиқ талабалардан Аҳмад Найим, Туркияда таҳсил олган туркистонлик қизлардан Розия хоним, Маъмура хонимлар йиғилганлар олдида маъруза қилишган. Маърузачилардан Аҳмад Найим ўз нутқида: *“Туркистон миллий истиқлолини олмагунча ўз болаларини ўз пули ила тарбия қила олмас. Ўз мустақиллигини олатургон кун кўп узоқ эмас! Яшасун, миллатпарвар ёшлар!”*⁸⁹ – каби фикрларни айтиб ўтади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида “Туркистон турк ёшлари бирлиги” ташкилоти фаолияти тўхтаб қолади. 1949 йилда Усмонхўжа ёрдами ва маслаҳати билан Зиёвуддин Бобоқурбон “Туркистон талабалар бирлиги” ташкилотини тузган. Бироқ бу ташкилот ҳам узоқ вақт фаолият олиб бормаган.

Хулоса қилиб айтганда, совет ҳокимиятининг хорижда таҳсил олган талабаларга уюштирган оммавий қатағони уларни ўзга юртларга қочиб кетиб жон сақлашга мажбур қилди. Ҳали Ватанига қайтмаган, чет элларда таҳсил олаётган иқтидорли ёшларнинг ота уйига келиб яшаш, Ватан равнақи йўлида хизмат қилиш каби орзуларини армонга айлантирди. Уларнинг аксарият қисми Туркияда яшаб қолдилар ҳамда озодлик ғояларини тарғиб қилиш, маданий

⁸⁸ М. Аҳмад Делил 1902 йилда Тошкентда туғилган. 1922-1923 йилда туркистонлик талабалар билан Истанбулга ўқиш учун келган. 1928 йилда Истанбул университети тиш касалликлари факультетини тугатиб, олий маълумотли врач бўлган.

⁸⁹ Элтар. Истанбулда Туркистон кунини // Ёш Туркистон, 1930. - № 12 - Б. 32.

тадбирлар ўтказиш мақсадида “Туркистон турк генчлари (ёшлари) бирлиги” (1927-1945), “Туркистон талабалар бирлиги” (1949) каби ташкилотларга асос солдилар. Бу ташкилотларнинг Туркиядаги фаолияти ҳалигача тўлиқ ўрганилмаган. Бугунги кунда тарихчи олимлар олдида турган муҳим вазифалардан бири хорижда қолиб кетган ватандошларимиз томонидан тузилган сиёсий ва маданий ташкилотлар тарихини яхлит тадқиқот доирасида ўрганиш ҳамда илмий муомалага киритишдан иборатдир.

КОРЕЙС МИЛЛАТИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ФАРҶОНА ВИЛОЯТИГА КЎЧИРИЛИШИ

Пиримкулова С.Ш.

СамДУ тарих факультети Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси

30-50 йиллардаги сиёсий қатағонлар миллатимиз тарихида энг оғир изларини қолдирганлиги каби кейинчалик «қонли империя» деб ном олган собиқ иттифоқ ҳудудида яна кўплаб халқлар ўз бошларидан бундай оғир синовларни бошидан кечиришди. Гап 30-50 йилларда мажбуран ўзлари яшаб келаётган ҳудудлардан кўчирилган корейс, ингуш, чечен, немис, қалмиқ, болгар, қрим - татар ва яна кўплаб бошқа халқлар ҳақида бормоқда. Узоқ йиллар давомида бу халқлар тақдири учун қайғуришгина эмас балки, эслаш ҳам мумкин бўлмаган ҳолатга 1989 йилда СССР олий советининг бу сиёсий воқеалар қонундан ташқарида ва жинойткорона деб эълон қилинган Декларациясидан сўнг чек қўйилди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг Республикамизда олиб борилаётган адолатпарвар байналминал сиёсат натижасида мамлакатимиз ҳудудида яшаётган ҳар бир миллат, элат тарихига ҳурмат билан қараш бошланди.

Бу адолатсиз сиёсат натижасида мажбуран кўчирилган кўчиришлар бу миллатларга кўплаб инсонларнинг йўқотилиши, маънавий-руҳий, сиёсий зарбалар етказилди. Уларнинг маданияти, хўжалиги, айниқса, оғир йўқотишларга дучор бўлди. Бу инсон йўқотишлари уруш давридаги ҳарбий йўқотишлар каби зарур ёки вазият қурбонлари сифатида

бўлишмасдан, бу юз минглаб кишилар айбсиз тинч аҳоли эди. Халқларнинг кўчирилиши билан боғлиқ бўлган воқеалар тарихий адабиётларда ёритилмаслиги, ўрганилмаслиги сабаби архив ҳужжатларининг ёпиқлиги эди. «Қайта қуриш» даврида демократик «эсан шамол» натижасида яратилган 1986 йилдаги «СССР тарихи» асарида кўрсатилишича бу аҳолининг сони 3,5 млн.га яқин деб кўрсатилади. Аммо бу маълумотлар ҳам бутунги кун талабига жавоб бермаслиги сабаб, мавзу чуқурроқ ўрганилишини талаб этади.

Амалда сиёсий дискредитацияга учраган ва СССРда мажбурий кўчирилишига учраган дастлабки миллатлардан бири бу Узоқ Шарқда яшаб келаётган – корейслар бўлди. 1937 йилда 170 мингга яқин корейслар мажбуран Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудларига кўчирилди. Улардан 74 мингги Ўзбекистонга қолганлари эса Қозоғистонга келтирилган. 1936 йил декабрида қабул қилинган СССР конституциясининг миллат ва халқларга оид бандларига мутлақо зид бўлишига қарамасдан амалга оширилди. Бу корейс халқлари 1937-1945 йиллардаги махсус кўчирилувчилар рўйхатида туришмасдан, уларнинг паспортига Ўзбекистондан ташқарига чиқиши таъқиқловчи белги киритилганди. Фақатгина 1945 йил 2 июнда СССР Халқ комитети ички ишлар вазири Л.Бериянинг буйруғига асосан корейслар махсус кўчирувчилар рўйхатига олинди. 1946 йил 2 августдаги иттифоқ ички ишлар министрлигининг №196-сонли директивасига асосан паспортида 5 йиллик чеклови бўлган маъмурий жўнатилганларга бу муддат тугагач ҳамма билан тенг тарзда рўйхатга олиниши ва янги паспортда чекловлар олиб ташланиши расмийлаштирилиб, улар қаторига Узоқ Шарқдан кўчирилганлар ҳам киритилди. 1947 йил 3 мартдаги иттифоқ ички ишлар министрлигининг № 30-рақамли 2-директивасида, № 196-сонли директивасида корейсларга паспорт бериш ҳақидаги тартибига аниқлаштириш киритилди. Бу директивага асосан паспорт фақат чегара ҳудудларидан бўлмаган, Ўрта Осиёдаги кўчирилганлар учун жорий этилди. Шу директивага асосан корейсларга Узоқ Шарқ ўлкасида (Бурят-Мўғул АССР,

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Приморье, Хабаровск ўлкалари, Читин областида) яшаш таъқиқланди. Фақатгина 50-йилларнинг иккинчи ярмидан бу чекловлар олиб ташланиб, корейс кўчирилганларга ўз Ватанларига қайтишларига рухсат берилди.⁹⁰

Корейс миллатининг Ўзбекистон ҳудудига оммавий кўчирилиши жараёни 1937 йил 21 августдаги ССР халқ комиссарлари советининг буйруғидан кейин оммавий тарзда бошланади. Халқ комиссарлари Совети раиси В.Молотов ва И.Сталин имзолаган ушбу ҳужжат «Корейс аҳолисини Узоқ Шарқ ўлкасининг чегара ҳудудларидан кўчириш» ҳақида деб номланарди. Ушбу ҳужжатларнинг биринчи бандига асосан Узоқ Шарқ ўлкасига япон шпионлигини киришини олдини олиш мақсадида Узоқ Шарқ ўлкасининг чегара бўйи районлари Посъетский, Молотовский, Гродековский, Хонкайский, Хорольский, Черниговский, Спасский, Шмановский, Постышевский, Бикинский, Вяземский, Хабаровский, Суйфинский, Кировский, Калининский, Лазо, Свободенский, Благовещенский, Тамбовский, Михайловский, Аркоринский, Сталинский ва Блюкерово районларидаги барча корейс аҳолисини Жанубий Қозоғистон вилоятига, Орол денгизи ва Болтиқ районларига ва Ўзбекистон ССРга кўчиришни назарда тутарди.

Фарғона вилоятида учта туманда корейс хўжаликлари жойлаштирилган эди. хусусан Учқўрғон туманидаги «1-май» номли колхозда 55 та корейс хўжаликлари бўлса, Фарғона туманидаги Блугар номли колхозда 40 та, Ленин туманида «Бутуниттифоқ Коммунистик Партияси» номидаги колхозда 34 та, Қўқон туманида «Тонг нури» колхозида 82 та, Янги йўл колхозида эса 20 та корейс хўжаликлари истиқомат қилишган. Умуман олганда Ўзбекистонда янгидан ташкил қилинган 5 та колхозда 5820 та⁹¹ корейс хўжаликлари истиқомат қилиб, маҳаллий аҳоли билан биргаликда халқ хўжалигида меҳнат қилишган. Корейс кўчирилувчилари Тошкент вилоятида 27 та, Самарқандда 9 та, Хоразмда 3 та, Қорақалпоғистон АССР да 5

⁹⁰ Всесоюзная перепись населения 1926 года. Т.15. Узбекская ССР. М., 1928. С.8.

⁹¹ Ўз.Р.МДА. Ф.837. Оп.38. Иш.32.

та Фарғона вилоятида эса 6 та янги колхозлар ташкил этишган. Кўчирилган корейс хўжаликларига янги жойларда ер миқдори турлича тўғри келган. Масалан, Тошкент вилоятида ҳар бир оилага ўртача - 2,29 дан то 7,44 гектаргача тўғри келган бўлса, Самарқандда - 3,46 дан то 6,3 гектаргача тўғри келган, Хоразмда – 2,04 дан то 5,27 гектаргача, Қорақалпоғистон АССР да эса – 4,53 дан то 8,86 гектаргача ер тўғри келган бўлса, шусиз ҳам аҳолиси анча зичроқ бўлган Фарғона вилоятида - 1,98 дан то 6 гектаргача тўғри келган. Янги ташкил қилинган колхозларда барча ишни нолдан бошлашга тўғри келиб, бу ерларда яшаш жой сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бирор бир қурилиш иншооти йўқ эди. Шу сабабли ҳам улар ертўлаларда яшашга мажбур бўлишган.⁹²

Яшаш жой муаммосидан ташқари бу хўжаликларда бошқа муаммолар ҳам мавжуд эди. Яъни корейс кўчирувчилари қўлида дастлабки даврда на иш қуролилари, на қурилиш материаллари ва на бирор-бир техника бор эди. Чунки уларни Узоқ Шарқдан кўчириш учун эшелонларга чиқариш вақтида ўзлари билан биргаликда ошхона анжомларидан ташқари янги кўчирилган жойларда барча нарса билан таъминлашни ваъда беришган эди. Фарғона вилоятидагина эмас, умуман Ўзбекистонда корейс кўчирилувчилари жойлашган жойларда аҳвол энг оғир эди.

Корейс миллати вакиллари бундай оғир яшаш шароитига қарамасдан тезда маҳаллий аҳолининг ёрдамлари билан ўз хўжалиklarини тиклаб олишиб, туб жой аҳоли билан биргаликда хўжаликнинг ривожланишига ўзига хос ҳисса қўшдилар. Корейслар бу янги ватанларида кўпгина янги экин турларини ўзлаштиришда ҳам ҳисса қўшдилар. Хусусан, гуруч етиштиришда канопнинг янги серҳосил навларини, маккажўхорининг серҳосил навларини ўзлаштиришда алоҳида маҳорат кўрсатишдилар. «Янги йўл» колхозида эса балиқчиликнинг Ўзбекистон шароитида шаклланишга имкон яратди. Урушдан кейинги йилларда республикада барча колхозлар каби корейс колхозлари ҳам урушдан қайтганлар

⁹² Всесоюзная перепись населения 1926 года. Т.15. Узбекская ССР. М., 1928. С.52.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

ҳисобига янги ишчи кучларига эга бўлиб, ўз иш самарадорликларини янада оширдилар.⁹³

Аста-секинлик билан корейс аҳолисининг маҳаллий аҳоли билан ассимиляция жараёни кучайди. Эндиликда махсус корейс колхозларига рус ишчилари ва бошқа миллат вакиллари аъзо бўла бошлаган бўлса, худди шу тарзда корейс деҳқонлари маҳаллий аҳоли колхозларга иш ўргатувчилар сифатида кира бошлади. Бунда корейсларнинг меҳнатсеварлик хусусияти ўзига хос роль ўйнади. Умуман олганда Ўзбекистонда 1946 йилдан 1991 йилгача бўлган вақт давомида “Социалистик меҳнат қаҳрамони” номига 650 киши лойиқ деб топилган бўлса, шулардан 139 таси корейс миллатига таалуқли эди. Ўзбекистондаги мазкур даврда бир киши уч мартаба “Социалистик меҳнат қаҳрамон” лигига сазовор бўлган бўлса, яна уч киши икки мартадан шу унвонга эришган эди.

Корейсларни Узоқ Шарқдан депортация қилиниши миллат вакиллариغا оғир жисмоний ва руҳий из қолдирди. Лекин бу кескин қарорнинг энг салбий томонларидан бири корейс кўчирилувчиларининг ўз маданияти, тили ва анъаналарининг йўқотилиши эди. Халқларнинг миллий маданиятларини шакллантиришга эътибор фақатгина 80-йилларга келибгина бошланди.

Корейс миллати кўчириб келтирилган жойларда таълимга эътибор қаратилди. Бу ҳолат 60-70 йилларда кучайди. Корейс мактаблари сони Фарғонада 1 та бошланғич корейс мактаби бўлиб, унда 35 нафар корейс таълим олган. Наманганда 3 та бошланғич ва 1 та ўрта мактабда 284 нафар ўқувчи ўқиган. Марғилон ва Андижонда биттадан бошланғич мактаб бўлиб, Марғилонда 81 ва Андижонда эса 21 нафар ўқувчи ўқиган.

Фарғонадаги корейс мактабларида ҳам ўқитувчилар билан таъминланиш даражаси турли хил эди. Фарғона шаҳридаги бошланғич мактабда 5 ўқитувчи бўлган. Намангандаги 5 бошланғич ва битта ўрта мактабда жами – 12 ўқитувчи ишлаган. Марғилонда эса (битта бошланғич мактаб бор эди) 3

⁹³ Всесоюзная перепись населения 1926 года. Т.15. Узбекская ССР. М., 1928. С.88.

ўқитувчи бўлган. Фақат битта корейс бошланғич мактабига эга бўлган Андижонда 2 нафар ўқитувчи бор эди.⁹⁴

Корейс маданият марказини ташкил этишга бўлган ҳаракат 1988 йилдаёқ бошланиб кетган эди. 1989 йил сентябрида Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгаши фаолиги билан Ўзбекистон корейслари ташкилоти тузилди. 1990 йил 27 февралда Тошкент корейс маданият марказининг биринчи таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Унда марказнинг дастури ва низоми қабул қилинди. Тошкент корейс маданият марказининг ортидан Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Бухоро, Гулистон, Жиззах, Қарши, Наманган, Термиз, Урганч, Фарғона ва яна бошқа йирик шаҳарларда, Олмалиқ, Оҳангарон, Янги бозор, Чирчиқ, Янгийўл, Кўктепа, Ғалаба, Денов, Янгиер, Бекобод ва бошқа туман марказларида Корейс маданияти марказлари очилди. Бу эса корейс миллатининг урф-одатларини янада тиклашида ўзбек миллати билан уйғунликда яшашига янги имкониятларни очиб берди.

ТУРКИСТОНГА АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИНИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ (АРАБ ХАЛИФАЛИГИ ВА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ИСТИЛОЧИЛИГИ ДАВРИ МИСОЛИДА)

Ризаев Бахтиёр Назарбоевич

Бухоро давлат университети “Жаҳон тарихи” катта ўқитувчиси

Жаҳон тарихи турли даврларида дунёни йирик империя ва давлатлари томонида истилочилик юришлари олиб борилгани тарихдан бизга маълум. Лекин, ҳар бир давлат ўз ички имкониятлари ва унгача бўлган даврда қўлланиб келинган усулларни мувофиқлаштирган ҳолда, ҳудудларни забт этиш ва бошқаришга алоҳида эътибор бериб келганди. Жумладан, Эрон Сафавий давлати томонидан олиб борилган истилочилик⁹⁵ юришлари минтақада мавжуд сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, сунний ва шиа диний ниқоби

⁹⁴ Фарғона вилоят давлат архиви. Фонд 1125.

⁹⁵ Истило - (арабчадан) қўлга киритиш, эгаллаб олиш. Қурол кучи билан ўзга мамлакатни босиб олиш. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат нашрети. 2006. –Б. 738.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

остида амалга оширилганди⁹⁶. Англия ҳукумати томонидан мустамлакага айлантирилган Ҳиндистонда бошқарувни барқарорлаштириш мақсадида ҳиндлардан сипоҳий қўшин тузулиб, мустамлакачилик⁹⁷ сиёсатини такомиллаштиришга уринганди⁹⁸. Ёки бўлмаса Франция империяси XVII-XVIII асрларда мустамлакачиликнинг молиявий методлари (санкция, иқтисодий қамал ва бошқалар) ни қўллаган ҳолда босиб олинган ҳудудларда мустаҳкамланишга ҳаракат қилганди.

Жаҳон тарихида икки йирик империя борки улар турли давларида ҳукумронлик қилган бўлишига қарамасдан, истилочилик сиёсатини баъзи жиҳатларида яқдил йўл тутгани эътиборни тортади. Араб халифалиги (630-1258 йй) ва Россия империяси (1721-1917 йй) томонидан Туркистонда амалга оширилган истилочилик ва мустамлакачилик сиёсати доирасида аҳолини кўчириб келтиришга алоҳида эътибор қаратилганди. Туркистонга, араблар босқинидан ўн аср ўтиб бошланган Россия империяси босқини жараёнида аҳолини кўчириш тадбирлари ҳам кўзда тутган эди. Империя маъмурлари аҳолини Ўрта Осиёга кўчириш жараёнида халифалик томонидан қўлланилган бир қатор усуллардан фойдаланганлигини кўриш мумкин.

Халифалик маъмурияти истило қилинган ҳудудларда араблаштириш сиёсатини зўр бериб амалга оширишга ҳаракат қилганди. Ушбу сиёсатнинг бевосита таркибий қисми арабларни халифалик таркибига киритилган янги ҳудудларга кўчиришдан иборат бўлди. Россия империясини Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатида ҳам рус мужикларини минтақага кўчириш алоҳида ўрин тутган. Ҳар иккала империя ҳукумрон доиралари Туркистонга аҳолини (араблар, руслар) кўчириш тадбирларини ташкил этиш жараёнида миграциясини ихтиёрий ва мажбурий кўринишларидан

⁹⁶ Эргашев Ш. Жаҳон тарихи. –Т.: Ўзбекистон., 2013. –С. 458.

⁹⁷ Мустамлака - (арабчадан) эгаллаб олинган, қарам мамлакат. Кучли давлат томонидан босиб олиниб, эқцулатация қилинувчи мамлакат. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат нашрети. 2006. –Б. 651.

⁹⁸ Ральф Фокус. Английская колониальная политика. –Ленинград, Государственное социально-экономическое издательство, 1934. –С. 68.

фойдаланганди⁹⁹. Аҳолини кўчириб келтиришдан кўзда тутилган мақсадларда ҳам муштатараклик якқол намоён бўлади.

- Туркистонда мустамлака бошқарувини янада мустаҳкамлаш;
- туб жойли аҳолини маданий-маънавий ҳаётига таъсир ўтказиш;
- аҳоли эътиқодига зарба бериш(ислом, насронийлик ўтказиш);
- маҳаллий аҳолини норозилик чиқишларини бостириш;
- ўз мафкурасини туб жойли аҳолига сингдириш;

Халифалик ва империя ҳукуматлари томонидан маъмурий, этник ва демографик муаммоларини ҳал этиш дастурларида ҳам ўхшашликлар мавжуд эди. Кўчирилган араблар маҳаллий аҳолига қўшилиб кетмасдан алоҳида колония¹⁰⁰ ларга жойлаштирилади. Жумладан, Хисор, Насаф, Сурхондарё, Бухоро ҳудудларига тарқаган араблар алоҳида манзиллар (арабхона)да истиқомат қилган. Турк комиссия берган маълумотларига таянилганда XX асрнинг 20 йилларида Бухорода-44.398 нафар, Қашқадарёда 7.321 нафар араблар яшаган.

Россия империяси маъмурияти кўчирилган аҳолини маҳаллий аҳолидан ҳимоя қилиш, мигрантларга алоҳида имтиёзлар бериш мақсадида алоҳида поселенияларга жойлаштиришга эътибор қаратганди. Мисол учун Тошкентда янги шаҳар, Янги Марғилон, Янги Бухоро (Когон), Андижон, Наманган, Қўқонда янги шаҳарлар бунёд этилиб, мигрантлар жойлаштирилганди¹⁰¹.

Туркистондаги истелочилик ва мустамлакачилик сиёсатини амалга оширилишида ҳар иккала маъмурият томонидан мигрантларни маҳаллий аҳоли хўжалик ва турмуш тарзига адаптациясига катта эътибор қаратилди. Айни кўчирилган аҳоли минтақадаги янги тил, маданият, мафкура эътиқоднинг шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши кўзда тутилганди. Бу борада эса фарқларни кузатиш мумкин бўлади. Араблар Мовурауннаҳр табиий-иқлим шароитига тез мослашган бўлса, Рус

⁹⁹ Набиболла Гасеми Хатир Фазлолла. Переселение арабских племен на территорию Хурасан и Мавераннахра и его социально-культурные последствия (VII-XII вв). Автореферат дисс....канд. ист.наук. –Душанбе, 2014. –С. 5., Гаффаров Ш. Тарих ва тақдир: Россия империясидан туркистонга кўчирилганлар. –Т.: Фан, 2006. –Б. 21.

¹⁰⁰ Бир мамлакат ёки давлат ҳудудидан бошқа мамлакат ёки давлатга бориб яшовчи жамоа

¹⁰¹ Ю.Н.Цыряпкина. Русские переселенцы в Туркестане в конце XIX –начале XX в.: основные социокультурные характеристики. Вестник Томского государственного университета, 2016. -№411. –С. 183.

мужикларини Туркистонга адаптация жараёни ниҳоятда мураккаб кечганди¹⁰². Шунингдек арабларнинг аҳолини исломга даъват этиш сиёсатида кўчирилган аҳоли ўрни беқиёс бўлган бўлса, рус деҳқонлари бу борада кутилган натижани бермаганди¹⁰³.

Мухтасар қилиб айтганда араб халифалиги ва Россия империясини Туркистонга аҳолини кўчириш сиёсатини умумий ва ўзига хос жиҳатлари алоҳида илмий тадқиқотларга мухтождир. Зеро, кўчириш тадбирларини қиёсий таҳлили орқали Ўзбекистон аҳолисининг этник таркиби, топонимик жой номлари, кўп миллатли аҳолини бошқаришни самарали методларини ишлаб чиқишда айни муддао бўларди.

ҚОЗОҒИСТОНДАГИ ЎЗБЕКЛАР “ДИАСПОРА”МИ?

Ҳамроқулова Ш.Ш.

СамДУ “жаҳон тарихи” кафедраси ўқитувчиси

Жаҳон миқёсида XXI асрда эзгулик ва аҳилликнинг рамзи бўлган халқлар дўстлиги, миллатлараро муносабатларни яхшилаш ва ўзаро тинч-тотувликни таъминлаш юзасидан кенг кўламда ишлар амалга оширилди. Кейинги пайтларда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида томонларнинг сиёсий иродаси ва муштарак интилишлари туфайли қардошлиқ, яхши қўшнилик ва стратегик шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида улкан натижаларга эришилди. Хусусан, Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари 2017 йилнинг сентябрь ойида 2018 йилда Қозоғистонда «Ўзбекистон йили» ҳамда 2019 йилда Ўзбекистонда «Қозоғистон йили»ни ўтказишга келишиб олганлиги бунинг ёрқин исботидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистонда «Қозоғистон йили»ни тантанали очилиш маросимидаги нутқида «Биз қардош Қозоғистон билан йўлга қўйилган дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини қадрлаймиз ва энг яқин қўшнимиз билан мулоқот ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлашга интиламиз. Биз бир-биримизга ҳамиша елкадош бўлиб келганмиз, хавф-хатарларга қарши биргаликда курашганмиз,

¹⁰² Гаффоров Ш. Тарих ва тақдир: Россия империясидан туркистонга кўчирилганлар. –Т.: Фан, 2006. –Б. 162.

¹⁰³ Труды историко-археологического института. Материалы по истории второй половины XIX в. Вып. I. Ч.1. М., 1962. –С. 186.

бугун эса умумий ёрқин келажагимизни ҳам бирга қурмоқдамиз»¹⁰⁴ дея таъкидланиши ҳам Қозоғистондаги ўзбеклар тарихини чуқур ўрганишни тақозо қилади.

Дунёнинг қатор давлатларидаги илмий марказларда Ўзбекистон худудидан ташқарида фаолият кўрсатган ўзбеклар тарихи турли йўналишларда ўрганилмоқда, янги тадқиқотлар юзага келмоқда. Бажарилаётган тадқиқотларда асосан хориждаги ўзбеклар диаспораси шаклланиши ва ривожланиши, «хорижий ўзбеклар», «муҳожир ўзбеклар» мавзусига умумий эътибор қаратилиб, қисман уларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий муаммолари ёритилган. Марказий Осиё республикаларида, жумладан Қозоғистондаги ўзбекларнинг жамият тараққиётига қўшган ҳиссаси яхлит ва тизимли равишда тадқиқ қилинмаган. Шунингдек, шўро даврида миллатлар «атайин аралаштирилган», «ягона халққа айлантирилган» бир пайтда ушбу мавзунини холисона ўрганиш имконсиз бўлган.

Хориж ўзбекларининг тарихи мустақиллик даврида бир қатор Ўзбекистон тарихчилари томонидан маълум даражада ўрганилган¹⁰⁵. Аммо айнан Қозоғистондаги ўзбеклар республикамиз тарихчилари томонидан алоҳида илмий объект сифатида тадқиқ этилмаган. Шу билан биргаликда танланган мавзу Қозоғистон тарихчилари томонидан ҳам ҳали етарли даражада ўрганилган эмас.

Қозоғистонда туғилиб ўсган исломшунос ўзбек олимлари тўғрисида Ҳожи Исмагуллоҳ Абдуллоҳ, М.Ҳашимов, С.Жалиловларнинг изланишларида эса айрим маълумотлар учрайди¹⁰⁶.

¹⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг тантанали очилиш маросимидаги нутқи//Халқ сўзи, 2019 йил. 16 апрель.

¹⁰⁵ Аъзамова Г.А. Узбеки за рубежом: социально-политические и правовые проблемы. Автореф. дисс. ... канд.филос.наук. Тошкент:1995; Зиёев Ҳ.З. Волга ва Урал бўйидаги ўзбеклар. Тошкент: Фан, 1963, Ўша муаллиф. Ўрта Осиё ва Сибир.Тошкент: Фан, 1964; Ҳашимбеков Х. Узбеки северного Афганистана. Москва.1994; Рустам Обид. Яқиндаги йироқлар ёки Сибир ўзбеклари хусусида // Саодат.1992. N-12. – Б. 24; Кучимов А. Сехрли диёр (АҚШ ўзбеклари ҳақида) // Ёш ленинчи. 1991 йил. 24-июль; Ориф Усмон. Хуросонлик ўзбеклар // Мулоқот. 1991. N-3; Шамсиева И.М. Америкадаги туркистонлик ўзбеклар ҳақида / Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва тарихий жараёнлар (Илмий тўплам). – Тошкент. 2006. – Б. 68-74; Юсупов А. Хориждаги ўзбеклар // Ёшлик. 1990. N-2; Мавлон Шукурзода. Америкалик ўзбеклар. Тошкент: Фан, 2007. – Б. 279; Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар... Тошкент: Шарқ, 2001.

¹⁰⁶ Ҳашимов М. Религиозные и духовные памятники Центральной Азии. Сага. 2001. - С.159-160; Ҳожи Исмагуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда ислом маданияти. Тошкент: Шарқ, 2005. -Б.107-109; Жалилов С. Бухорийлар қиссаси. Тошкент: Тошкент ислом университети, 2006. –Б. 153-164.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Қозоғистон ўзбеклари тўғрисида А.Н.Жилин¹⁰⁷ ўзининг иккита мақоласида, Г.Д.Сугирбаева¹⁰⁸ эса «Узбекское население Казахстана в 20-30 годы XX века: проблемы истории и культуры» мавзусидаги номзодлик ишида тўхталиб ўтган холос. Эътиборли томони шундаки, А.Н. Жилин ҳам, Г.Д.Сугирбаева ҳам ўзларининг илмий ишларида Қозоғистондаги ўзбекларни «диаспора» сифатида кўрсатишган.

Биламизки, ўзбеклар Қозоғистон ҳудудида жуда қадим замонлардан бери яшаб келади. Улар ўзларини сак, турк, ўғуз авлодлари деб билишади¹⁰⁹.

Қозоғистонлик тарихчи Мираҳмад Мирхолдоровнинг маълумотига кўра, Чимкент ва Авлиёота ўзбеклари қадимдан шу ерда яшаб келган. Қорабулоқдаги ўзбеклар Туркистон шаҳрининг Иқон қишлоғидан, Манкент ўзбеклари Сайрамдан, Туркистон ўзбеклари Хоразмдан Чингизхон ҳужуми арафасида 1217-1218 йилларда (Хоразм аҳолисини яъни ўлкадаги туркий элатларни) Хоразмшоҳнинг буйруғи билан Ўрта Осиё шаҳарларига, хусусан, ҳозирги Қозоғистон ҳудудларига кўчиртирилган¹¹⁰. Ҳудудга форслар, араблар, қорахитойлар, Чингизхон бошлиқ мўғуллар, XVIII асрда жунғорлар, 1864 йилда руслар бостириб келганида Қозоғистонда яшайдиган барча халқлар жумладан, ўзбеклар ва қозоқлар ёнма - ён бўлган. XIX аср ўрталарида Қозоғистоннинг Чимкент, Авлиёота, Туркистон шаҳарлари, Сузоқ ҳатто Оқмачитгача бўлган ерлар Қўқон хонлиги таркибида бўлган. Туркистон Россия империяси томонидан босиб олинган, бу ҳудудларда 1867 йилда Туркистон генерал - губернаторлиги таркибида Еттисув ва Сирдарё вилоятлари ташкил топган. 1917 йилда Қозоғистонда совет ҳокимияти ўрнатилиб, Еттисув ва Сирдарё вилоятлари 1918 йил ташкил этилган Туркистон АССР таркибига киритилган. 1924 йилда ўтказилган миллий – ҳудудий чегараланиш натижасида Марказий Осиёнинг туб халқлар «марказ»

¹⁰⁷ Жилин А.Н. Узбеки в Южном Казахстане // Современное развитие этнических групп Средней Азии и Казахстана. – Москва: Изд. инст. этн. и агрп. 1992; Жилин А.Н, Тайжанов К.К изучению узбекского населения Южного Казахстана (историко-этнографическая характеристика селения Карамурт) // Полевые исследования Института этнографии. Москва. 1984.

¹⁰⁸ Сугирбаева Г.Д. Узбекское население Казахстана в 20-30 годы XX века: проблемы истории и культуры. Автореф. дисс. ... канд.ист.наук. Алматы. 2000.

¹⁰⁹Тадқиқотчига 2008 йил декабрда М.Мирхолдоров билан бўлган учрашувда олинган видеолавҳа асос бўлади.

¹¹⁰ Мирхолдоров М. Сайрам тарихи. Чимкент. 1994. – Б. 9.

томонидан атайин қўшни республикалар таркибига аралаштириб юборилган*.

1926 йилдаги аҳоли рўйхатида Қозоғистондаги умумий аҳоли сонига кўра, қозоқлар 57,1%, руслар 19,7%, украинлар 13,2% бўлса, ўзбеклар 3,3% ни ташкил этиб, сони жиҳатидан 4-ўринда турган.¹¹¹ Шунингдек, Қозоғистон шаҳар аҳолисининг эса 10,8% ни ўзбеклар ташкил этган¹¹².

Ўзбекларнинг кўпчилиги Сирдарё губерниясидаги шаҳарларда яшаган бўлиб, у ерда 37,5% ни ташкил қилган. Республиканинг бошқа ҳудудларидаги шаҳарларда ўзбеклар озчилик бўлишган¹¹³.

Қозоғистонда 1933 йилги қурғоқчилик қозоқ халқи бошига катта талофат келтириб, республика аҳолисининг миллий таркибига сезиларли даражада таъсир этган. 1933 йилнинг кузидан бошлаб Қозоғистонда, айниқса, унинг марказий ва шимолий вилоятларида чорва моллари ем - хашаксиз қолиб, очликдан қирила бошлайди, аҳоли ўртасида очарчилик бошланади, очарчилик қаҳатчиликка айланади. Бунинг устига қиш қаттиқ келиб, атрофи дашту саҳродан иборат овулларда яшовчи аҳоли оғир, ночор аҳволда қолишган. Омон қолганлар молларию бола - чақаларини етаклаб асосан Қозоғистоннинг жанубига, қисман жануби-шарқига қараб йўл олади.

Шимолий, Шимоли - Шарқий, Шимоли - Ғарбий ва Марказий Қозоғистон ҳудудларининг, жумладан, Урал, Тўрғай, Гурьев, Оқтепа, Кустанай, Кўкчатов, Павлодар, Оқмулла, Қарағанда, Семипалатинск ва бошқа вилоятлар аҳолисининг йўлга чиққан бир қисми тарихан ўзбеклар яшаб келаётган Қизилўрда, Чимкент ва Авлиёота¹¹⁴ вилоятларига келиб ўрнашган. Уларнинг яна бир қисми Тошкент вилоятига, шунингдек, Самарқанд ва Бухоро вилоятларига келиб ўрнашади, халқимиз иложсиз қолган қардошларимизни қишлоқларда ҳам, шаҳарларда ҳам мурувват кўрсатиб кутиб олади. Шу тариқа, Қозоғистоннинг Чимкент, Қизилўрда, Авлиёота

* Эслатма: 1920 йилда РСФСР таркибида Қирғизистон (Қозоғистон) АССР, 1925 йилда Қозоғистон АССР, 1936 йилда Қозоғистон ССР тuzилган.

¹¹¹ Асылбеков Л.М, Галиев Б.А. Социально-демографические процессы в Казахстане (1917-1980). Алма-Ата: Гылым, 1991. - С.61.

¹¹² Алексеенко Н.В. Населения дореволюционного Казахстана (1870-1914 гг). Алма-Ата. 1981. - С. 83.

¹¹³ Асылбеков Л.М, Галиев Б.А. Социально-демографические процессы в Казахстане (1917-1980). Алма-Ата: Гылым, 1991. - С.64.

¹¹⁴ Авлиёота вилояти 1997 йилдан бошлаб Жамбул вилояти деб юритилган.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

вилоятларида, шунингдек, Ўзбекистон аҳолиси таркибида қозоқларнинг сони ошади¹¹⁵.

Аммо шуни эслатиш керакки, бундан олдин ҳам ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қозоқлар овул-овул бўлиб яшаган. Бироқ уларнинг қатлам бўлиб келишлари ўттизинчи йилларнинг биринчи ярмига тўғри келади¹¹⁶.

Колхозлаштириш сиёсати ва ўша машғум қаҳатчилик туфайли қозоқ халқининг сони деярли тенг ярмига озайган. Советлар тузумининг бундай ғайриинсоний сиёсатининг замирида яширин ғараз ётгани орадан йигирма йилча вақт ўтгач ошкор бўлган. 1953 йилда марказ томонидан қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш шиори ўртага ташланиб, Қозоғистоннинг биз юқорида тилга олган вилоятларига асосан славян халқлари - рус, украин, белорус аҳолиси олиб келиб ўрнаштирилади. Натижада 1939-1959 йилларда республика аҳолисининг миқдорида ўсиш кузатилади.

1959 йилда Қозоғистон аҳолиси умумий сонининг 30% ни қозоқлар, 42,7% ни руслар, 8,2% ни украинлар, 1,5% ни ўзбеклар (136 минг) ташкил этган. Бу 20 йил ичида ўзбеклар 33 мингга (қозоқлар 20%, руслар 62% га) кўпайган¹¹⁷.

60 - 70 йиллар давомида эса аҳолининг этник таркибида кескин ўзгаришлар кузатилмаса-да, 80 – йиллардан бошлаб Қозоғистонда русларнинг сони камайиб бориши натижасида, республикадаги ўзбеклар кўрсаткичи ошиб борган. 1989 йил Жанубий Қозоғистон вилоятида ўзбеклар республика аҳолисининг 15,63% ни ташкил этган бўлса, 1999 йилда 16,79 %¹¹⁸, 2009 йилда 17,4% бўлишган¹¹⁹. Бундан шуни айтиш мумкинки, СССР парчалангач вилоят таркибида ўзбеклар сон жиҳатидан қозоқлардан сўнг 2 – ўринга қўтарилган.

Олмаота, Гурьев, Семипалатинск, Толдиқўрғон, Тўрғай, Целиноград ва бошқа вилоятларда ўзбеклар яшаса-да, республиканинг жанубий вилоятларида улар ўз салмоғи билан

¹¹⁵ У пайтда ҳали Сирдарё, Жиззах ва Навоий вилоятлари тузилмаган эди

¹¹⁶ Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар... Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 272.

¹¹⁷ Асылбеков Л.М, Галиев Б.А. Социально - демографические процессы в Казахстане (1917-1980). Алма-Ата. Гылым, 1991. - С.126.

¹¹⁸ Итоги переписи населения 1999 года по Южно-Казахстанской области. Т.II. Алматы. 2001. - С. 45-51.

¹¹⁹ Тадқиқотчига 2010 йил августда Жанубий Қозоғистон вилояти ўзбек миллий маданият марказидан олинган маълумотлар асос бўлади.

ажралиб туради. Чунки, миллий – ҳудудий чегараланиш туфайли асрлар давомида шу ерда яшаган ўзбеклар Жанубий Қозоғистон ва Жамбул вилоятларида қолишган эди. Шунинг учун Жанубий Қозоғистоннинг Чимкент, Туркистон, Кентов шаҳарларида, Тарозда шунингдек, Сайрам, Пахтаорол, Тўлабий, Сарιοғоч, Тулкибош, Қазифурт туманларида ўзбеклар нисбатан зичроқ жойлашган. Шу боис тадқиқотимиз асосан республиканинг жанубий вилоятларида олиб борилди.

2000 йилдан сўнг меҳнат миграциясининг тарқалиши сабабли, этник ўзбеклар Қозоғистоннинг Остона ва Олмаота шаҳарлари, шунингдек Олмаота, Қарағанда, Мангистау, Қизилўрда вилоятида пайдо бўлади¹²⁰.

Расмий маълумотларга кўра, Қозоғистонда ўзбеклар 1999 йил 370 минг 663 киши (аҳолининг 2,5%) ни, 2009 йил 457 минг 200 киши (аҳолининг 2,8%)ни¹²¹, 2010 йил Жанубий Қозоғистон вилоятида 425 минг 110 кишини, 2012 йил 493 минг 789 киши (аҳолининг 2,8%) ни, 2013 йил 511 минг киши (аҳолининг 3%) ни, 2014 йил 521 минг 252 кишига (аҳолининг 3,04%) ни ташкил этади. Аммо олиб борилган тадқиқот натижасига таяниб, Қозоғистон Республикасидаги этник ўзбеклар сони 800 минг атрофида дейишимиз мумкин¹²².

Шу ўринда Қозоғистондаги ўзбекларнинг тили масаласида тўхталиб ўтадиган бўлсак, икки тиллик бу юртда қадимдан давом этиб келган. Маҳмуд Кошғарий XI асрда Тароз ва Исфижобда икки тилли туркий гуруҳларни таъкидлаган. В.Бартольд «Исфижобда туркийларнинг икки йирик қавми - ўғузлар ва қарлуқлар яшаган»¹²³ деб ёзган.

Дала тадқиқотларидан бизга шу нарса маълум бўлдики, ҳозирги пайтда Қозоғистон ўзбекларида уч хил диалект (лаҳжа) мулоқот воситаси ҳисобланади*. Бу албатта Қозоғистондаги ўзбекларнинг тарихи ва ҳудудий жойлашуви билан боғлиқ. Ҳатто Сайрам, Туркистон, Чимкент, Қорабулоқ, Қорамурт ва бошқа жойда яшовчи

¹²⁰ <http://assemble.kz/ru/media-centr/smi-etnokulturnykh-obedineniy> (19.09.2019)

¹²¹ <http://en.m.wikipedia.org> (3.03. 2020)

¹²² Тадқиқотчига 2008 - 2020 йиллар давомида Қозоғистон Республикасида олиб борган тадқиқотда тўпланган материаллар асос бўлади.

¹²³ Мирходдор М. Чимкент тарихи. Чимкент.1997. – Б. 5.

* Қозоғистондаги ўзбеклар ўзбек диалектологиясидаги 3 та - қорлуқ, қипчоқ ва ўғуз лаҳжасида сўзлашади.

Ўзбекларнинг диалекти ўзаро фарқ қилади. Туркистон ўғуз, Сайрам, Чимкент ва Тошкентга яқин ҳудудларда яшовчи ўзбеклар қарлуқ лаҳжасида сўзлашадилар¹²⁴.

Юқорида келтирилган маълумотлардан хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, Қозоғистондаги ўзбеклар ўказилган миллий - ҳудудий чегараланишдан кейин Қозоғистоннинг жанубий ҳудудлари – Туркистон (Чимкент), Жамбул, Қизилўрда вилоятларига келиб жойлашган «диаспора»лар дейиш мутлоқо нотўғри. Чунки ҳозирда Қозоғистон республикаси ҳудудида истиқомат этаётган ўзбекларнинг аجدодлари кўп асрлар давомида шу ерда яшаб келган туб аҳоли бўлиб, улар «этник ўзбеклар»дир. Иттифоқнинг ғаразли сиёсати оқибатида қардош халқлар парчаланиб, атайин аралаштирилиб юборилан. Миллий - ҳудудий чегаралаш сиёсати натижасида ўзбеклар Қозоғистон таркибидаги «кам сонли» халққа айланиб қолган.

XX асрнинг бошларидаги оммавий халқ кўчишлари оқибатида, айниқса, ўттизинчи йиллардаги очарчилик ва қаҳатчилик қозоқ халқига икки томонлама таъсир этиши туфайли Қозоғистон аҳолисининг миллий таркиби кескин ўзгарган. Иккинчидан, эллигинчи йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Қозоғистон аҳолиси таркибида жиддий ўзгаришлар юз бериб, қозоқларнинг сонига қараганда русларнинг миқдори ошиб кетган. Бу ҳам марказнинг миллий республикаларни руслаштириш бўйича олиб борган сиёсатининг бир кўриниши бўлган. Иттифоқ парчалангач, Қозоғистондаги рус ва украинларнинг ўз ватанларига қайтиши сабабли ўзбеклар сон жиҳатидан республикада учинчи, Жанубий Қозоғистонда эса қозоқлардан сўнг иккинчи ўринда бўлмоқда.

¹²⁴ Ҳамроқулова Ш. Ш. Қозоғистондаги ўзбекларнинг республика фан ва маданияти ривожига қўшган ҳиссаси (1925-2005 йй). Монография. Тошкент: Янги нашр, 2015. - Б. 12.

ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Азаматова Гулмира Байирбековна

*Жиззах политехника институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси
ассистенти*

Миграцион жараёнлар инсониятнинг бутун тараққиёти давомида жаҳоннинг демографик манзараси шаклланишида муҳим аҳамият касб этиб келган. Демографик кўрсаткичлар эса анъанавий равишда халқаро миграциянинг кенгайишига сабаб бўлиб келган. Халқаро миграция жараёнлари ўзининг узок ривожланиш тарихи билан бирга миграция ҳуқуқи ҳам таррақий топди. Ушбу ҳуқуқ, асосан икки жиҳат, яъни эмиграция ва иммиграцияга оид халқаро миграцияни тартибга солиш вазифаси бўлган. Эмиграция - аҳолининг бошқа мамлакатга доимий ёки вақтинчалик (узок муддатга) яшаш учун (ихтиёрий ёки мажбурий) кўчишини билдиради. Иммиграция – бу ишлаш учун аҳолининг бошқа бир мамлакатдан иккинчи бир мамлакат ҳудудига кўчиб келиши. Бу икки ҳолат ўртасидаги фарқ миграция сальдоси деб номланади. Эмигрантнинг ўз юртига қайтиб келиши реэмиграция деб аталади. Халқаро миграцияда юқори малакали мигрантлар “ақлли муҳожирлар” деб аталади. XXI аср бошларида дунё ҳудудларида халқаро миграцион жараёнлар кучайди. Мутахассислар бу жараёнда иштирок этаётган аҳолини асосан олти гуруҳга ажратганлар:

1. Оилавий ва бошқа сабабларга кўра, доимий яшаш мақсадида бир давлатдан иккинчи давлатга кетган эмигрантлар.

2. Мигрант-меҳнаткашлар.

3. Ноқонуний иммигрантлар.

4. Қочоқлар.

5. Талабалар, стажёр-тадқиқотчилар, илмий ходимлар ва профессор-ўқитувчилар.

6. Турли мақсадда кўчиб юривчилар-туристлар, дам олувчилар, анжуманларга қатнашувчилар ва ҳ.к.

2013 йилда дунё миқёсида мигрантлар 230 млн кишидан иборат бўлган. Айни пайтда дунё бўйлаб 260 миллиондан ортиқ мигрант бор. БМТ маълумотларига қараганда, 2000 йилда жаҳон бўйича 174,8 миллион расмий мигрантлар рўйхатга олинган, ҳозирги кунда уларнинг сони 2000 йилга нисбатан 49 фоизга ортган. Дунёдаги 260

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

миллион халқаро мигрантнинг 50 фоизи 10 та давлатдан, 67 фоизи 20 та давлатдан қўним топган.Эътиборлиси халқаро мигрантларнинг 30 фоизини 29 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади.АҚШ мигрантлар оқими бўйича етакчи давлат ҳисобланади.Бу давлатда 50 миллионга яқин мигрантлар яшайди (дунё мигрантларининг 20 фоизи).Миграция натижасида турли ирқ, миллат вакиллариининг аралашуви пайдо бўлиб, бунда ўзаро таъсир намоён бўлади.2017 йилги маълумотларга кўра, ўз ватанидан кетаётганларнинг 36,1 миллионга яқини болалар, 4,4 миллиони талабалар ва 150,3 миллиони меҳнат мигрантларидан иборат. Мигрантларнинг 31 фоизи Осиёда, 30 фоизи Европада, 26 фоизи Шимолий ва Жанубий Америкада,10 фоизи Африкада, 3 фоизи Океания давлатларида қўним топган.Ҳиндистон, Покистон, Вьетнам, Жазоир, Мексика, Ирландия ва Туркия каби давлатлар дунё бозорига меҳнат мигрантларини етказиб берувчи асосий мамлакатлар бўлиб қолмоқда.Ривожланган мамлакат Германияда аҳоли сони йилига ўрта ҳисобда 0,1 фоиз камайиб бормоқда.Бу ҳам хорижий меҳнаткашларни мамлакатга жалб этишнинг сабабларидан биридир.Аксинча, дунёнинг бошқа кўплаб давлатларида аҳоли сони кескин ошяпти.Масалан, Фаластинда аҳоли йилига 3,7 фоиз, Яманда 3,3 фоиз, Конгода 3,1 фоиз кўпаймоқда.

Бутун дунёдаги миграция оқимларини тартибга солиш мақсадида халқаро даражада миграция хизматларини кўрсатиш зарурати юзага келганлиги муносабати билан 1951 йилда Халқаро Миграция Ташкилоти (ХМТ) га асос солинган.Унинг вазифаларинсонпарварлик ва миграция жараёнларини тартибга солишга ёрдам бериш, миграция назорати чораларини тартибга солиш ва инсонпарварлаштириш, миграция масалаларига амалий ечимларни топиш ва муҳтож муҳожирларга, шу жумладан, қочқинлар ва мигрантлар учун гуманитар ёрдам кўрсатишда кўмаклашиш, ушбу муаммоларни бартараф этиш ХМТ ҳукумат ва мигрантларга маслаҳат ва хизматларни тақдим этади.

1990 йил 18 декабрь куни БМТ бош ассамблеяси Меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила азоларининг ҳуқуқлари ҳимояси ҳақидаги халқаро конвенцияни қабул қилди.2004 йилдан бошлаб БМТ 18- декабрни Халқаро муҳожирлар куни сифатида нишонлашни татбиқ этди.

БМТнинг фикрича, ўз мамлакати ҳудудидан ташқари бир жойда бир йилдан ортиқ истиқомат қилган ҳар қандай одам мигрант бўла

олади. Ватанни тарк этиш сабаби муҳим аҳамият касб этмайди. Ўз хоҳиши биланми, хоҳишидан ташқарими, бунинг аҳамияти йўқ. Мигрантлар ўз мамлакатини қуйидаги сабаблар туфайли тарк этишга мажбур бўлади: қуроли можаро, этник таъқиб, табиий офатлар ёки қашшоқлик. Лекин, мигрантлар молиявий ҳолати сабабидан ихтиёрий равишда ҳам ватанни бир қанча муддатга тарк этиши мумкин. Бу жараёнлар эса мамлакатлар ривожланиши учун муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Натижада мигрантлар давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади. Глобаллашув шароитида миграция ҳодисаси тезлашмоқда. Миграция – доимий жараён. 2017 йил ҳолати бўйича 40 миллион одам маълум сабабларга кўра мамлакати ҳудудида қочиб юришга мажбур бўлган. 2016 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош ассамблеяси ўз юртини мажбуран тарк этган миллионлаб кишилар ҳуқуқларининг ҳимояси орасида чора тадбирларни кўзда тутувчи Нью-Йорк декларациясини қабул қилди.

2018 йил 10 декабрь куни БМТга аъзо 150 мамлакат Марокашнинг Марракеш шаҳрида бўлиб ўтган учрашув чоғида Мигранция бўйича халқаро пактни қабул қилди. Хужжат 2018 йил 19 декабрь куни Нью-Йоркда, БМТ Бош ассамблеясида ратификация қилинди.

2018 йил 27 ноябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Миграция агентлиги кенгашининг Женева шаҳрида очилган 109-сессиясида овоз бериш натижасида Ўзбекистон Республикаси Халқаро Миграция Ташкилотига 173 аъзоси бўлиб қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси **“Халқаро миграция ташкилоти конституциясини ратификация қилиш тўғрисида”** ги қонун 2018 йил 12 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва 14 декабрда Сенат томонидан маъқулланган. ХМТ Конституциясида унинг мақсад ва вазифалари эълон қилинган. 2018 йил 26 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев **“Халқаро миграция ташкилоти конституциясини ратификация қилиш тўғрисида”** ги қонунни имзолади. **“Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида”** ги Президент қарори қабул қилинди (ПҚ-4806-сон, 12.08.2020 й.).

Қарор билан Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларининг меҳнат, мигратсия ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича Маслаҳат кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Битимга ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги Баённомага (Минск, 2016 йил 28 октябрь) қўшилди.

Ҳозирги кунда миграция жаҳон ҳамжамиятини хавотирга солаётган долзарб муаммоларнинг бирига айланди. Миграция муаммолари кишилик жамияти шаклангандан бери мавжуд ва ўтмишда миграцияни вужудга келтирган омиллар айни кунларда ҳам сақланиб турибди, ҳатто уларнинг долзарблиги янада ортган, чунки ҳозирги замон технологияларининг тараққиёти ахборот ва алоқа билан боғлиқ муаммоларни ҳал этади. Давлатлар ўртасидаги демографик ва иқтисодий тафовутлар чуқурлашуви, одамларнинг чегаралардан ўтиши кўринишидаги “табiiй реакция” ни вужудга келтирди. Ҳозирги замонда миграция муаммолари миллий ва халқаро даражада олиб бориладиган давлат сиёсати муҳокмаларида марказий ўрин тутди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Маматқулов Х. Жаҳон иқтисодиёти ва иқтисодий муносабатлар. Тошкент 2013 йил. “Фан ва технология” нашриёти. Б.234.

2. M.R. Buriyeva, Z.N. Tajiyeva, S.S. Zokirov. Population geography and demography basics “Tafakkur” Tashkent-2011 year. P.42-43.

3. Migration and Remittance Flows: Recent Trends and Outlook, 2013-2016. Migration and Development Brief. The World Bank. October 2, 2013. P.9. <http://www.bancomea.md/app/webroot/uploaded/MigrationandDevelopmentBrief21.pdf>.

4. International Migration Report 2002. New York: United Nations Population Division, Department of Economic and Social Affairs, 2002. P.

5. <https://theworldonly.org/statistikamigratsii>.

6. Migration and Development Brief. October 2, 2013 маълумотлари асосида тузилди.

7. Халқ сўзи газетаси № 268 (7196) 27/12/2018, “Халқаро миграция ташкилоти конституциясини ратификация қилиш тўғрисида”: Ўзбекистон Республикасининг қонуни.

8. “Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида” ги Президент қарори қабул қилинди (ПҚ-4806-сон, 12.08.2020 й.).

ПРОМЫШЛЕННАЯ МИГРАЦИЯ СОВЕТСКОГО СОЮЗА: РАЗВИТИЯ ТЕНДЕНЦИИ И ЭТАПОВ

Зарипов Жахонгир Гульмуродович

Докторант 1-курса кафедры Всемирная история при БГУ

Jahongirwomenizet@gmail.com

У каждой страны начиная с древних времён была своеобразная политика переселения или миграционная система, чтобы заполнить пустующие земли и за ним следовало социально-экономическое развитие страны. За всеми развитиями стоит правильная политика, хорошая экономика и поток трудоспособных мигрантов. Например, в США – с начала открытием этой страны поток мигрантов не прекращается по сей день и все инженерские и экономические развития пришли вместе с теми новизнами которые привезли с собой эмигранты, это конечно же как было ожидаемо с новыми законами и огромными запасами полезных ископаемых. А что касается миграционной политики Азии (страны СНГ), во время правления великого Петра I переселенческая политика вышла на новый уровень, точнее он начал наполнять пустующие земли на территорию империи с западной части на восток. Это конечно же дала результат по развитию земледелия и по пере образованию экономики, и эта политика была в действии до распада Русской империи.

А что касается миграционной политики в Азии (странах СНГ), переселенческая политика – и политика в области трудовой миграции как часть её – коренным образом изменилась после октября 1917 года. Молодая Советская Республика исповедовала идеалы индустриализма и интернационализма, что требовало создания гомогенной народно-хозяйственной территории. В советский период истории нашей страны государственная значимость переселений подчеркивалась созданием переселенческих органов, формированием системы льгот, которые являлись материальной базой переселений и были важным стимулом переселенческого движения.¹²⁵ Переселение проводилось на добровольных началах, при его осуществлении учитывались интересы

¹²⁵ А.А.Давыдов - Государственная политика в области трудовой миграции в ссср: истоки, этапы, тенденции - Вестник Башкирского университета. 2014. Т. 19. №3 -С. 1049.

общества и отдельных граждан. Но были и негативные моменты – в частности, политика принудительной коллективизации в начале 1930-х гг. привела к борьбе с «кулачеством», в результате которого крепкие крестьянские хозяйства, позиционированные как «кулаческие», уничтожались, их имущество передавалось в колхозы, а семьи «кулаков» вливались в поток трудовых мигрантов – творцов «Магнитки» и других «великих строек». Особое место в истории трудовой миграции в СССР 1920–1930-х гг. занимают крупные перемещения сельских жителей в город, что тоже является трендом «индустриальной эпохи», нуждающейся в рабочих руках на фабриках и заводах. За период 1926–1939 гг. в города переселились свыше 18.5 млн. человек, что составляет 63% общего увеличения численности городского населения страны за этот период. В результате доля городского населения в СССР выросла с 17.9% в 1926 г. до 32.8% в 1939 г.¹²⁶. В некоторых наиболее развитых индустриальных районах (Урал, восточная часть Украины) уже накануне Второй мировой войны она превышала 60%, миграции стали важным средством восстановления страны, катализатором демографических процессов (особенно урбанизации). Такая политика продолжалась и в послевоенные годы но теперь урбанизации следовало ожидать не только в западных странах СССР но и странах средней Азии тоже. Начиная 1947 года была восстановлена система организованного набора рабочей силы, которая была принята 1917 году и действовавшая до второй мировой войны. Эта часть требованием рабочих сил было значительно выше чем в довоенные годы. Здесь было разрешено, наряду с другими социальными группами набирать для работы в промышленности, на стройках (считалась основной) желающих и на среди членов колхозов¹²⁷. Начиная с 1945 года в первый пять лет поток в города СССР составлял 0,5 млн человек в год это превышало нормы переселения в городской жизни при этом 60 – 80% составляли сельские жители и большинство из них после вкуса городской стабильной жизни не возвращались в село и колхозы, это перевело к

¹²⁶ Рыбаковский Л. Л. Миграционный потенциал: понятие и критерии оценки // Социол. исслед. 2009. - №2. - С. 29–36.

¹²⁷ А.А. Давыдов - Государственная политика в области трудовой миграции в СССР: истоки, этапы, тенденции - Вестник Башкирского университета - Вестник Башкирского университета. 2014. Т. 19. - №3 -С. 1049.

социальному кризису сельскохозяйственной жизни РСФСР но такой урбанизационный взрыв не осуществлялась в городах средней Азии причина этому была переселения жителей с западной части СССР (Белоруссия, Украина, Россия и д.р) в города Узбекской СССР. Стихийная миграция в СССР была затруднена большим количеством правовых барьеров – отсутствием у колхозников паспортов, необходимостью прописки и т.д. но это была не единственной проблемой в Узбекской СССР, в котором сельскохозяйственные жители не могли переезжать в город чтобы зарабатывать и принять участия в развитии промышленности и городов. Причин было много и одно из них не образованность страны при общей численности 8 млн 106 тысяч чел. численность жителей в городе было 2 млн 729 тысяч¹²⁸ (1959) и эти жители не были местными узбеками в основном они были эмигрантами которые входили в программу переселения. В число городских жителей в процентах переселенцы было больше местных жителей. В Узбекской СССР 21% составляли Русские, белорусы, татары, корейцы и евреи по этому улицы городов Узбекской СССР были названы русскими названиями. Не смотря на всякие политические запреты и минусы промышленность нашей страны развивалась в геометрической прогрессии. Рабочий класс советского союза, осуществляя глубочайшие революционные преобразования в нашей стране изменил коренные изменения в промышленной индустрии. Изучения истории рабочего класса бывшего советского союза, особенно кадров промышленных рабочих в Узбекском СССР представляет собой одну из важнейшей части нашей истории. За годы советской власти в Узбекистане под руководством Коммунистической партии, при огромной помощи русского рабочего класса была создана многоотраслевая социалистическая индустрия, было сформирована промышленные кадры национального рабочего класса.¹²⁹

Как отмечает Ш.Р. Рашидов, «важнейшим фактором сближения нации, перерастающего в подлинное родство, является то, что наши союзные республики из года в год становятся все более

¹²⁸ Статический ежегодник – Народное хозяйство СССР в 1960 году – Москва, 1961 г. -С.10

¹²⁹ Статья написана на историко-этнографическом материале заводов сельскохозяйственном машиностроения УзССР – «узбекселмаш», «чирчикселмаш», «ташселмаш», - собранном автором в 1958-1960 гг.

многонациональными. Наглядный пример тому – Узбекистан. В нашей республике живут и трудятся плечом к плечу, как родные братья, представители более ста национальностей... Коллективы трудящихся нашей республики многонациональны по своему составу»¹³⁰. Эти слова доказательства того в основном в промышленной сфере главенствующую часть правления принадлежала другим нациям в основном русским, это доказывает то что для строении городов и промышленных зонах было переведено от части общего населения 13,5% переселенцев из России, Украины и д.р. как и сказывалось прежде в этом играло роль не высшее образование населения УзССР. Статистика высшее законченных было к 1959 году 104,9 тысяч, высшее незаконченных было 66,3 тысяч, среднее специальное (техникумы) составляла 180,2 тысяч¹³¹, это прямое доказательство того что местное население не было готова в промышленной сфере и по этим фактам были предоставлены рабочие советского класса из промышленно развитых стран.

«Возникновение новых промышленных центров – говорилось в программе КПСС – открытия и разработка природных богатств, освоение целинных земель и развитие всех видов транспорта усиливало подвижность населения, содействовало расширению взаимного общения народов бывшего СССР»¹³²

Не смотря на все эти трудности УзССР развивался по всем направлениям, совместный героический труд способствовало дальнейшей закалки рабочих Узбекистана в интернационализме, укрепляла интернациональные связи узбекского рабочего класса. Растущее сближение, братская взаимопомощь и нерушимая дружба народов являются одним из важнейших условий успешного развития промышленности в Узбекистане и в том числе наш многоуважаемый президент Ш.Мирзиёев в 2020 году издал указ о развитии промышленности в Узбекистане и как важно привлечь рабочие классы из местных жителей в котором промышленная организация может обеспечить местное население нашей страны и не надо привлечь специалистов из других стран когда наш народ уже в наши дни не отстаёт не на один шаг от других специалистов развитых стран,

¹³⁰ Ш. Рашидов – Расцвет и сближение социалистических наций, «Правда», 17 августа 1961 г.

¹³¹ Статический ежегодник – Народное хозяйство СССР в 1960 году – Москва 1961 г. –С. 22

¹³² Программа коммунистической партии Советского Союза, М., Госполитиздат, 1961 г. –С. 113.

промышленные предприятия обязаны нанять рабочих с ближних городов или селений. Это даст бум развитию экономики потому что не надо расходовать больше, когда рабочий класс живет рядом, такую систему промышленного развития используют все развитые государства.

В отличие в СССР как в США не было поток эмигрантов поскольку страна была закрытой и социалистическая государство пугало жителей зарубежных стран и вот по этому бывшая советская республика решила проблему иначе.

Список литературы:

1. А.А.Давыдов - Государственная политика в области трудовой миграции в ссср: истоки, этапы, тенденции - Вестник Башкирского университета - Вестник Башкирского университета. 2014. Т. 19. №3 ст. 1049.
2. Рыбаковский Л. Л. Миграционный потенциал: понятие и критерии оценки // Социол. исслед. 2009. №2. С. 29–36.
3. Статический ежегодник – Народное хозяйство СССР в 1960 году – Москва 1961 г. Ст.10
4. Статья написана на историко-энографическом материале заводов сельскохозяйственном машиностроения УзССР – «узбекселмаш», «чирчикселмаш», «ташселмаш», - собранном автором в 1958-1960 гг.
5. Ш. Рашидов – Расцвет и сближение социалистических наций, «Правда», 17 августа 1961 г.
6. Программа коммунистической партии Советского Союза, М., Госполитиздат, 1961 г. Стр.113.

KOREYANING IKKIGA BO`LINISHI VA URUSH O`CHOG`IGA AYLANISHI

Jumayev Sh.Sh.

BuxDU, Jahon tarixi kafedrasi II bosqich magistri

1950 yil 25-iyun, yakshanba kuni tong otganida Koreya Xalq armiyasi 38-parallel ortidagi artilleriyani kesib o`tdi. KPA o`z hujumini birinchi bo`lib ROK qo`shinlari hujum qilgani va KPA “qaroqchi xoin Syngman Rhee” ni hibsga olishni va qatl etishni maqsad qilgan degan da`vo bilan oqladi. G`arbdagi Ongjin yarim orolida janglar boshlandi. Janubiy Koreya Xeju shahrini egallab olganliklari to`g`risida da`vo qilgan va bu voqealar ba`zi olimlarning janubiy koreyaliklar birinchi bo`lib o`q uzgani haqida bahslashishiga sabab bo`lgan. Ongjingga kim hujum qilganidan qat`iy nazar Shimoliy Koreya kuchlari 38-parallel bo`ylab hujum qilishdi.¹³³

Shimoliy koreyaliklar og`ir artilleriya bilan taminlangan tanklarni o`z ichiga olgan birlashgan qurol kuchiga ega edilar. Bunday hujumni to`xtatish uchun Janubiy koreyaliklarda tanklar, tanklarga qarshi qurollar yoki og`ir artilleriya yo`q edi. Bundan tashqari, Janubiy Koreyaliklar o`z kuchlarini qismlarga ajratgandi va natijada ular bir necha kun ichida yo`q qilindi. 27- iyun kuni Rhee hukumati Seuldan evakuatsiya qilingan. 28- iyun kuni tungi soat 2 da Janubiy Koreya armiyasi Xan daryosi ustidagi Xangang ko`prigini portlatib Shimoliy Koreya armiyasini to`xtatishga harakat qildi. Ko`prik 4000 qochqin o`tayotganda portlatilgan va yuzlab odamlar halok bo`lgan. Ko`prikni buzish Xan daryosining shimolidagi ko`plab Janubiy Koreyaning harbiy qismlarini yo`q qildi.¹³⁴ 28- iyun kuni Rhee o`z mamlakatida siyosatga qarshilikda gumon qilinayotganlarni qirg`in qilishni buyurdi. Iyul oyi boshida, AQSh kuchlari kelishi bilanoq, Janubiy Koreya armiyasidan qolganlari AQSh Birlashgan Millatlar Tashkiloti qo`mondonligiga topshirildi. Said Kim: “Yaponiya xavfsizligi uchun xavf bo`lmagan Koreyani talab qilishini tan olish to`g`ridan-to`g`ri Prezident Trumanning aralashishga olib keldi ... Muhim tomoni ... Amerika Shimoliy Koreyaning hujumiga munosabati AQSh siyosati

133 Rowny, Edward (2013), *smokey Joe and the General Washington*, D, C; Create Space Independent Publishing Platform. ISBN 978-1493539323

134 Russ, Martin, *The choison reservoir Campaign, Korea 1950*. New York: simon and Schuster, Penguin 2000.464 pages, ISBN 0-14-029216-4.

Yaponiya tomoniga qaratilganidan kelib chiqqan” degan edi¹³⁵. BMT Xavfsizlik Kengashi Janubiy Koreyaliklarga yordam berish uchun kuch ishlatishni ma’qulladi va AQSh zudlik bilan mintaqada bo’lgan barcha havo va dengiz kuchlaridan foydalanishni boshladi. Truman ma’muriyati endilikda Koreyaga boshqa joyda, uning majburiyatlarini buzmasdan aralashishi mumkinligiga ishongan.

¹³⁶Osan jangi, AQShning Koreya urushidagi birinchi muhim ahamiyati bu Yaponiyadan olib kelingan 24-piyoda diviziyasining kichik qismi bo’lgan 540 askarli Tezkor guruh Smith boshchiligida ishtirok etishi edi. 1950 yil 5-iyulda Smith maxsus guruhi Osanda Shimoliy Koreyaliklarga hujum qildi, ammo shimoliy koreyaliklarning tanklarini yo’q qilishga qodir qurollari yo’q edi. Ular muvaffaqiyatsizlikka uchrashdi; Natijada 180 kishi halok bo’lgan. KPA janubga qarab harakatlanib, AQSh kuchlarini Pyongtaek, Chonan va Chochiwonga hamda 24-diviziyaning Taejonga chekinishiga majbur qildi, bu muvaffaqiyatni KPA Taejon jangida qo’lga kiritdi;¹³⁷ 24-Diviziyada 3602 nafar jangchi halok bo’ldi, 2962 nafarini asirga oldi, shu jumladan uning qo’mondoni general-mayor Uilyam F. Dean ham. Amerika Qo’shma Shtatlari Havo Kuchlari (USAF) KPA logistikasini 40 kunlik qo’llab-quvvatlash bilan to’xtatib qo’ydi, bu 32 ta ko’priknini vayron qildi, kunduzgi avtoullov va temir yo’l harakatlarini to’xtatdi. KPA kuchlari kunduzi tunnellarda yashirinishga va faqat tunda harakatlanishga majbur bo’ldilar. KPA matérielni rad etishi uchun USAF logistika omborlarini, neftni qayta ishlash zavodlarini va portlarini yo’q qildi, natijada AQSh havo kuchlari transport markazlariga hujum qildi 15 sentyabrga qadar amfibiya hujum kuchi Incheonda kam sonli KPA himoyachilariga duch keldi: harbiy razvedka, psixologik urush, partizan razvedkasi va uzoq muddatli bombardimon jangni osonlashtirdi. Bombardimon natijasida Incheon shahrining katta qismi vayron qilindi.¹³⁸ Incheon mag’lub etilganidan so’ng, 1-otliq diviziyasi Pusan perimetridan shimolga qarab yurishni boshladi. "Tezkor guruh Lynch" (podpolkovnik

135 Appleman, Roy (1992), *South to the Naktong, North to the Yalu*, Washington, D, C: Center of Military History, United states Army, ISBN 0-16-035958-9

136 Rowny, Edward (2013), *an American soldier’s saga of Korean war*, Washington D, C: Create space publishing platform.

137 Marshall, S.L.A. (1982), *The river and the gauntlet: defeat of the eighth army by the Chinese communist forces, November ,1950, in the battle of the Chongchon river, Korea, des moines. Ia: time life books.*

138 *Lost to public commemoration: American Veterans of the “Forgotten” Korean War* by Keene, Judith, *journal of social history*, vol44.no.4, summer 2011.

Colonel James H. Lynchdan keyin), 3-batalyon, 7-otliq polk va ikkita 70-tank batalion bo'linmasi (Charlie Company va razvedka- vzvodi) "Pusan Perimetri hududi" 171,2 km (106,4) masofadagi dushman hududini Osandagi 7-piyoda diviziyasiga qo'shilish uchun bosib o'tdi. X korpusi Seul atrofida KPA himoyachilarini tezda mag'lubiyatga uchratdi va shu bilan Janubiy Koreyadagi asosiy KPA kuchlarini tuzoqqa tushirdi. 18-sentyabrda Stalin general H. M. Zakharovni Koreyaga jo'natdi, Kim Il sungga Pusan perimetri bo'ylab hujumini to'xtatish va Seulni himoya qilish uchun o'z kuchlarini qayta safarbar etishni maslahat berdi. Xitoy kuchlarining qo'mondoni Zou Enlaiga Shimoliy Koreyaliklar kamida 100 ming kishilik zaxiraga ega bo'lsalargina, Incheondagi dushman kuchlarini yo'q qilishga urinishlari kerak; aks holda, u shimoliy koreyaliklarga o'z kuchlarini shimolga olib chiqib ketishni maslahat berdi. Stalinning yordamini olish uchun Zhou va Xitoy delegatsiyasi 10- oktabr kuni Moskvaga yetib kelishdi va o'sha zahotiyiq ular Stalinning Qora dengizdagi uyiga uchib ketishdi. U yerda ular Sovet Ittifoqining yuqori rahbariyati bilan maslahatlashdilar, ular tarkibiga Joseph Stalin, shuningdek Vyacheslav Molotov, Lavrentiy Beria va Georgi Malenkovlar kirdilar. Dastlab Stalin harbiy texnika va o'q-dorilarni yuborishga rozi bo'lgan, ammo Zhouni Sovet Ittifoqining havo kuchlarini tayyorlash uchun ikki yoki uch oy vaqt kerak bo'lishi haqida ogohlantirgan. Keyingi uchrashuvda Stalin Zhouga Xitoyni faqat kredit asosida uskunalar bilan ta'minlashini va Sovet harbiy havo kuchlari faqat Xitoy hududida ishlashini aytdi. Vaziyat shu qadar jiddiylashdiki, 1951 yil noyabrda Zhou Enlai Shenyangda PVA ning logistika muammolarini muhokama qilish uchun konferensiya o'tkazdi. Yig'ilishda ushbu hududda temir yo'llar va aerodromlar qurilishini jadallashtirish, armiya uchun mavjud bo'lgan yuk mashinalari sonini ko'paytirish va har qanday usul bilan havo mudofaasini yaxshilash to'g'risida qaror qabul qilindi.¹³⁹ 1953 yil 27-iyulda imzolangan sulh bitimida ushbu masalani hal qilish uchun Hindiston generali K. S. Thimayya raisi huzuridagi Neytral Millatlar Repatriatsiya Komissiyasi tuzildi. Urushdan so'ng jangovar mamlakatlarga halok bo'lganlarni almashtirishga imkon berish uchun 1954 yil iyuldan noyabrgacha operatsiya o'tkazildi. "Shon-sharaf" operatsiyasidan so'ng, 416 nafar Koreya urushi noma'lum askarlari Gavayining Oahu orolidagi Tinch okeanining milliy yodgorlik qabristoniga (Punchbowl) dafn etildi. Orqaga qaytarilgan

139 The Korean war; A history by Bruce Cumings.

4167 konteynerdan sud-tibbiyot ekspertizasi 4 ming 219 kishini aniqladi. Ulardan 2944 nafari AQShdan ekanligi aniqlandi, 416 kishi boshqa ism bilan aniqlandi. 1996 yildan 2006 yilgacha KXDR Xitoy-Koreya chegarasi yaqinida 220 ta qoldiqni topdi. Birlashgan Millatlar Tashkilotining yangi sanksiyalaridan so'ng, 2013 yil 11 martda Shimoliy Koreya sulh bekor qilingan deb da'vo qildi. 2013 yil 13 martda Shimoliy Koreya 1953 yilgi sulhga barham berganligini tasdiqladi va Shimoliy Koreyani "Shimol Janubga tajovuz qilmaslik to'g'risidagi deklaratsiyasini cheklamaydi" deb e'lon qildi.¹⁴⁰

2013 yil 30 martda Shimoliy Koreya Janubiy Koreya bilan "urush holatiga" kirganligini va "Koreya yarim orolining uzoq vaqtdan beri tinch va urush holatida bo'lmagan holati nihoyat tugadi" deb e'lon qildi. AQSh Mudofaa vaziri Chuck Hagel 2013 yil 4 aprelda nutq so'zlab, Pyongyang Pentagonga Janubiy Koreya, Yaponiya va Amerika Qo'shma Shtatlariga qarshi yadroviy qurol ishlatilishini "ratifikatsiya qilganligi" to'g'risida "rasmiy ravishda xabar bergani" haqida xabar berdi, shu jumladan Guam va Gavayiga ham.

2016 yilda Shimoliy Koreya urushni rasman tugatish uchun rasmiy tinchlik muzokaralarini o'tkazish to'g'risida AQShga murojaat qilgani ma'lum bo'ldi. Oq uy maxfiy tinchlik muzokaralariga rozi bo'lganida, Shimoliy Koreyaning shartnoma doirasida yadro qurolsizlanishini muhokama qilishdan bosh tortgani sababli bu reja rad etildi. 2018 yil 27 aprelda Shimoliy Koreya va Janubiy Koreya 65 yildan beri davom etib kelayotgan mojaroni to'xtatish bo'yicha muzokaralar olib borishga kelishib olgani e'lon qilindi. Ular o'zlarini Koreya yarim orolini to'liq yadrosizlantirishga majbur qilishdi. Koreya urushi nisbatan qisqa, ammo juda qonli edi.¹⁴¹ 5 millionga yaqin odam vafot etdi. Ularning yarmidan ko'pi – Koreyaning urushgacha bo'lgan aholisining taxminan 10 foizi – tinch aholi edi.¹⁴² (Bu tinch aholi orasida qurbon bo'lish darajasi Ikkinchi Jahon urushi va Vetnam urushidan yuqori bo'lgan.) Deyarli 40,000 amerikaliklar Koreyada jangda halok bo'lishdi va 100,000 dan ortig'i jarohat olishdi. Bugun ular Vashington shahridagi Milliy savdo markazidagi Linkoln yodgorligi yonidagi Koreya urushi faxriylari yodgorligida harbiy xizmatchilar sifatida yodga olinadi.

140 The hidden history of the Korean war by I. F Stone.

141 Applemen, Roy (1987), east of Chosin: Entrapment and breakout in korea ,1950,2, college station, Tx texas A and M university military history series.

142 The Korean war: handbook of the literature and research,1st edition, Lester H. Brune.

ИЛК ЎРТА АСР МИГРАЦИЯЛАРИНИНГ ХИТАН ХАЛҚИ ЭТНОСИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Жасур Латипов

БухДУ магистранти

Хитанларнинг халқаро муносабатларда мустақил субъект сифатида қатнашиши 388 йилдан сўнг яққол кўзга ташланади. Айни шу даврдан бошлаб хитанларда аҳоли сони оша бошлаган. Бизнинг фикримизча, бу даврда жамиятда ҳали патриархал уруғчилик муносабатлари давом этган. Уруғчилик жамоа тузумининг емирилиши учун узоқ йиллар керак бўлди. Хитанлар икки юз йил давомида ягона сиёсий уюшмага бирлашгунига қадар бошқа давлатларнинг ва халқларнинг тазйиқи остида яшашга мажбур бўлдилар.

IV аср охири – V аср бошларида хитанларнинг ҳарбий қудрати ўса бошлаган. Бу эса ўша даврда Хитой шимолида йирик ва ўта қудратли давлатларнинг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Хань (мил.авв. 206 – мил. 220) империясининг таназзули туфайли давлат парокандаликка юз тутган. Ижтимоий муносабатларда ҳам ўзгаришлар мислсиз эди. Шимолий Хитойда ҳам жанубда бўлгани каби феодал муносабатлар шакллана бошлаган. Бу жараёнлар давлатда ижтимоий-сиёсий низоларнинг давомийлигини таъминлаган. Бундай шароитда Хитой ҳудудларига мамлакат чегараларидаги “варвар” (ажнабий)ларнинг ҳужумлари кучайиши табиий эди. Шимолий Вэй (Бэй Вэй, 386-535 йй) давлати эндигина ташкил этилган бўлиб, ҳали халқаро стратегик ташаббусни ўз қўлига олишга улгурмаган эди. Мужунларнинг Янь давлати (285-370 йй) эса шимоли-шарқий ҳудудлардаги қабилалар (хитанлар ва бошқа қўшин халқлар) ҳужумлари натижасида таназзул ёқасига келиб қолганди. Хитойдаги сулолалар иқтисодий муаммоларни шимолдаги кўчманчиларга “экспорт қилганлар”. Оқибатда уларнинг фаолиятидаги агрессивлик характери тобора яққол намоён бўла бошлайди. Бунинг исботи хитанларнинг 378 йилда Когурё (мил.авв. 37 – мил.одий 668 йй) қишлоқларига ҳужум уюштириб, уларни талон-

тарож қилишларидир¹⁴³. Очарчилик хитанларни қўшни ҳудудларга босқинлар ташкил қилишга мажбур этарди.

Кейинги ўн йилликларда қабилалар аҳолиси ва унинг таъсирида қўшинлар сони, ҳарбий тайёргарлик даражаси оша борди. Ўша давр тарихига оид манбалардаги маълумотлар фикр-мулоҳазаларимизни исботлай олади. Чунончи, 406 йилнинг қишида Кечки Янь давлати (384-407 йй) қўшинлари кўп сонли хитанларга ҳужум қилишдан ҳайиқиб ортига чекинган ва Когурёга муваффақиятсиз равишда ҳарбий юриш қилган¹⁴⁴. Илгариги тўқнашувларда ҳам мужунлар хитанлардан мағлубиятга учрамоқда эдилар¹⁴⁵. Бу мағлубиятлар Янь давлатининг тез орада тарих саҳнасини тарк этиши билан яқунланишини англатарди. Лекин, хитанлар учун янги рақиб – Когурё давлати пайдо бўлади. Корея яриморолининг шимолидаги Когурё давлати ҳукмдорлари мамлакатдаги ички низоларга барҳам бериб, йирик ҳарбий кампанияларни бошлаб юборгандилар.

Тарихий адабиётлардаги маълумотларга кўра, Когурё V аср бошларидан хитанларга хавф сола бошлайди. Кейинги йилларда унинг ҳарбий қудрати тезлик билан юксалиб бориб, бу давлат Шарқий Осиё минтақасидаги энг йирик ва қудратли давлатга айланади. Айни пайтда Когурё ҳукмдорларининг хитанларга тазйиқи кучайиб, бунинг натижаси ўлароқ, улар ван Квангэтхо (391-413 йй) томонидан мағлуб этиладилар¹⁴⁶. Аҳоли сони ҳамда унга ҳамоҳанг тарзда моддий эҳтиёжларнинг тинимсиз ошиб бориши ошиб бориши, шунингдек, шарқдан ва жанубдан амалга оширилаётган сиёсий босим таъсирида хитанларнинг сиёсатида агрессивлик характери кучайиб, жанубдаги қўшнилари бўлмиш Шимолий Вэй сулоласига ҳужумлар уюштира бошлаганлар. Бу чегара низолари

¹⁴³ Ким Бусик. Самгук саги (Исторические записи трех государств) Кн. 2. Летописи Когурё. Летописи Пэкче. Хронологические таблицы. Издание текста, перевод, вступ. статья и коммент. М.Н. Пака. – М.: Издательская фирма "Восточная литература" РАН, 1995. – С.80.

¹⁴⁴ Ким Бусик. Самгук саги (Исторические записи трех государств) Кн. 2. Летописи Когурё. Летописи Пэкче. Хронологические таблицы. Издание текста, перевод, вступ. статья и коммент. М.Н. Пака. – М.: Издательская фирма "Восточная литература" РАН, 1995. – С.82.

¹⁴⁵ Фан Сюаньлин. Цзинь шу (хитой тилида). – Пекин: Чжунхуа шуцзюй, 1974. – Б.3106.

¹⁴⁶ Тихонов В.М., Кан М. История Кореи: В 2 т. Т. 1: С древнейших времен до 1904 г. / Ред., сост. хрон. табл., сост. указателя Т.М. Симбирцева. (Orientalia et Classica: Труды Института восточных культур и античности: вып. 41.) – М.: Наталис, 2011. – С.101.

кўринишидаги талончилик юришлари эди¹⁴⁷. Бу вақтда Хитой ҳукуматининг шимоли-шарқий чегаралардаги таъсири ҳавас қиларли даражада бўлмаганлиги сабабли кўчманчиларга етарли даражада қаршилик кўрсата олмайди. Лекин, муносабатлардаги кескинликлар аста-секин яхшилана боради. Жумладан, 441 йилдан хитан қабилалари саройга ўлпон тариқасида отлар жўната бошлаганлар¹⁴⁸. Чунки, Хитойнинг ички бозори хитанларнинг бир қатор иқтисодий муаммоларини ҳал қила оларди. Хитойликлар ҳам ички сиёсий вазиятнинг ҳали барқарорликка эришмаганлиги туфайли шимоллик кўчманчиларга баъзи масалаларда ён беришга мажбур эдилар. 471 йилда хитан қабила сардори Хэчэнь мохэфу¹⁴⁹ Хитой саройига совға-саломлар билан шахсан ўзи ташриф буюрган. Шу вақтдан бошлаб шимоли-шарқий ҳудудлардаги Хитой бозорларида хитанларга савдо қилиш учун рухсат берилган¹⁵⁰. Хитанларнинг ташқи сиёсий масалаларда бир қанча муаммоларга дуч келиши уларни Шимолий Вэй давлати ҳимоясига ўтишга мажбурлаган. Чунки, Когурёдан ташқари уларга ғарбдаги Жўжан хоқонлиги (330-555 йй) ҳам хавф солиб турарди.

479 йилда когурёликларнинг жўжанлар билан ҳарбий иттифоқ тузганлиги хитанларнинг хавфсизлигига очикдан-очик таҳдид бўлган. Натижада уларнинг бир гуруҳи Ляохэнинг юқори оқими ҳудудларини тарк этиб, жануби-шарқий ҳудудларга, дарёнинг ўрта оқимига бориб жойлашадилар¹⁵¹. Бундай вазиятда ожиз қолган хитанларга, табиийки, кучли иттифоқчи ёки ҳомий давлатлар зарур эди. Ўша йили қабила сардори Уюй (ёки Угань) мохэфу 3000 хонадон, яъни 10

¹⁴⁷ Киданьский город Чинтолгой-балгас / отв. ред. Н.Н. Крадин; Ин-т истории, археологии и этнографии народов Дальнего Востока ДВО РАН. – М.: Вост. лит., 2011. – С.6.

¹⁴⁸ Суровцов М.Н. О владычестве киданей в Средней Азии: историко-политический обзор деятельности киданей от начальных известий о появлении народа и основании им династии Ляо до падения сей последний на западе // История Железной империи / Пер. и коммент. Л.В. Тюрюминой. – Новосибирск: Издательство Института археологии и этнографии СО РАН, 2007. – С.198.

¹⁴⁹ Ёки “мофухэ”. Ушбу атама илк ўрта асрларда қабила сардорларининг нуфузини билдирган бўлиб, талаффуз жиҳатидан турк-мўғул халқларидаги “баходур” унвонига ўхшаб кетади. Батафсил қаранг: Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: Тексты и исследования. – Новосибирск: Наука, 1989. – С.157-158.

¹⁵⁰ Крадин Н.Н., Ивлиев А.Л. История киданьского империи Ляо (907-1125). – М.: Наука – Вост. лит., 2014. – С.20.

¹⁵¹ Twitchett D., Tietze K.-P. The Liao // The Cambridge History of China. Vol. 6, Alien regimes and border states, 907-1368. – Cambridge: Cambridge University Press, 1994. – P.45.

минг киши билан биргаликда ўзини Шимолий Вэй сулоласига тобелигини изҳор қилган¹⁵². Ушбу рақамлар бизга баъзи тахминларни илгари суришга имкон беради. Эътиборни тортадиган жиҳати шундаки, бир неча ўн йиллар давомида нуфуси ўсиб борган хитанлар атиги 10 минг кишини ташкил этиши жуда таажжубли. Фикримизча, Уюй бошчилигида Хитойга бўйсунган аҳоли фақатгина бир қабила ёки унинг баъзи уруғ вакилларида иборат бўлган. Хитанларнинг асосий қисми Жўжан хоқонлигининг шарқий чегараларида уларга тобе халқ сифатида яшаган бўлиши мумкин. Бу уларга Когурё таҳдидидан сақланиш имконини берарди.

Хитанлар ярим асрдан зиёд вақт давомида Хитой билан яхши муносабатларни сақлаб турганлар. Лекин, кейинроқ икки ўртадаги адоват кўзга ташлана бошлайди. Бизнинг фикримизча, VI асрнинг ўрталаридан Узоқ Шарқ минтақасида халқаро сиёсий мувозанатдаги кучлар алмашинуви туфайли хитанлар ҳам ўзларини ташқи сиёсатда бирмунча эркин ҳис қила бошлайдилар.

552 йилда Бумин хоқон (552-553 йй) томонидан Турк хоқонлиги (552-659 йй)га асос солинган, шимолдаги барча халқлар бирин-кетин туркларга бўйсундилар. Тарихий адабиётларда турклар билан иттифоқчи бўлган мохэ (мукри) халқи ҳамда баъзи хитан қабилаларининг Когурёга ҳужумлар уюштириб, чегараларни талай бошлаганликлари ҳақидаги маълумотлар мавжуд¹⁵³. Айни пайтда Хитойнинг ташқи сиёсатдаги мавқеига ҳам путур етди. Чегарадаги Хитой вассали бўлган хитанлар қулай вазиятдан фойдаланиб, босқинчилик ҳужумлари уюштира бошлайдилар. Жумладан, Вэй сулоласи¹⁵⁴ни тахтдан ағдариш эвазига Хитойнинг шимоли-шарқий ҳудудларини эгаллаб олган Шимолий Ци давлати (550-577 йй) ҳудудларига қилинган 553 йилги хитанлар ҳужуми император

¹⁵² Баъзи тарихий манба ва адабиётларда қабила сардорининг исми “Мер-гань” деб ёзилган. Қаранг: Zhu James Xueyuan. The Far-East Ancestors of the Magyars: a historical and linguistic excavation // International Journal of Central Asian Studies. Vol. 4, 1999. – P.33.

¹⁵³ Тихонов В.М., Кан М. История Кореи: В 2 т. Т. 1: С древнейших времен до 1904 г. / Ред., сост. хрон. табл., сост. указателя Т.М. Симбирцева. (Orientalia et Classica: Труды Института восточных культур и античности: вып. 41.) – М.: Наталис, 2011. – С.113.

¹⁵⁴ Бу ерда Дун (Шарқий) Вэй давлати (534-550 йй) назарда тутилган. Ушбу давлат ҳақида қаранг: Восточная Вэй // Советская историческая энциклопедия, т. 3. Вашингтон-Вячко. Гл. ред. – Е.М. Жуков. – М.: “Сов. Энциклопедия”, 1963 – С.736.

Веньсюань (550-559 йй) томонидан қайтарилган¹⁵⁵. Хитой кўшинларидан мағлубият жуда оғир кечди: бир неча юз минг одам ўлдирилиб, 100 минг киши асирга олинади. Рақамлар Хитой манбаларида бир неча марта кўпайтирилиб кўрсатилган бўлса-да, хитанларнинг қақшатқич зарбага учраганини англаш қийин эмас.

Воқеаларни таҳлил қилиш жараёнида қуйидагича хулосаларга келиш мумкин. Аввало, хитанлар бу даврда ягона сиёсий бошқарув остида бўлмаганлар. Қабила сардорлари эса халқаро муносабатларда турли ташқи кучлар билан бирлашишга интиланлар. Буни ички келишмовчиликлар сифатида баҳолашимиз мумкин. Ушбу низоларни тартибга солиб турувчи давлат ҳокимият органларининг мавжуд эмаслиги интеграция жараёнларига вақтинча халақит берувчи омиллардан эди.

Хитанларнинг ягона халқ бўлиб шаклланиши учун кечган узоқ муддатли даврда улар ўзларига кўшни бўлган, йирик ва қудратли давлатларнинг тазйиқлари остида яшашга мажбур эдилар. Ички қабилавий низоларнинг тўла бартараф этилишига исёнлар, кўзғолонлар, қирғинбарот жангларида қурбон бўлган ўн минглаб кишиларнинг ҳаёти эвазига эришилди. Хитан қабилалари, узоқ ва мураккаб этносиёсий жараёнлар натижасида, X аср бошларида ўзларининг давлатлари – Ляо империяси (907-1125 йй)ни ташкил этишга муваффақ бўлдилар. Ушбу сулола икки асрдан зиёдроқ вақт мобайнида Шимолий ва Марказий Хитой, Мўғулистон, Манжуия ҳамда Шарқий Туркистоннинг бир қисмида ўзининг мутлақ гегемон ҳукмронлигини ўрнатишга муваффақ бўлди.

¹⁵⁵ Xu Elina-Qian. Historical development of the pre-dynastic Khitan (Academic dissertation). – Helsinki: Multiprint Oy, 2005. – P.31.

ТУРКИЯДАГИ «ТУРКИСТОН ЖАМИЯТИ» НИНГ ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА.

Мирзоев Шарифжон Миршакарович

БухДУ магистранти

Туркия Республикаси ўзбек (туркистонлик)лар кўп сонли бўлиб яшаётган мамлакатлардан бири бўлиб ҳисобланади. Турк халқининг тили, урф-одатлари ва маданияти ва тарихида ўзбеклар билан муштарак жиҳатлар кўплиги, XX аср биринчи ярмида Туркия Республикаси давлат ва ҳукумат раҳбарларининг миллатдошларимизга меҳр-оқибат, манавий ва моддий мадад кўрсатиши бу мамлакатда ўзбеклар муҳожирлиги жараёни тезлашишига сабаб бўлди. Ўзбек муҳожирлари ушбу мамлакатнинг Истанбул, Адана, Куня, Бурса, Измет, Измир шаҳарларида нисбатан кўп сонли бўлиб, 1920 йиллардан бошлаб, туркистонликлар ўз урф-одат ва тилларини йўқотмаслик, бир-бирларини манавий ва маърифий жиҳатдан қўллаб-қуввალаш, асл Ватанлари билан алоқаларни ўрнатиш мақсадада ўз миллий уюшма ҳамда ташкилотларига асос солганлар.

Асли бухоролик бўлган Усмон Хўжа Пўлатхўжаев (1878-1968) ташаббуси билан 1927 йилда Истанбулда “Туркистон генжлари (ёшлари) бирлиги” уюшмаси тузилган. Ушбу такилотнинг раиси Межидиддин Аҳмад Делил (у 1920-йилларда Туркияга Туркистондан ўқиш учун юборилган, олий маълумотли врач) бўлиб, унинг фаол аъзолари Зиё Китобчи, Зоҳид Ўйлер (идора мудир), Тимур Абдулқодир, Яҳёбей кабилар эди. Ушбу уюшма ўзининг “Бирлик” биносига эга бўлиб, бир қатор маданий, ижтимоий сиёсий тадабирлар ўтказган.¹⁵⁶ 1949 йилда ушбу ташкилот ўрнига Зиёвуддин Бобоқурбон раҳбарлигида “Туркистон талабалар бирлиги” жамияти тузилиб, ушбу ташкилотда ўзбек муҳожирларидан Абдурахим (Райимжон), Шавкат Ёрбоғ, Бадриддин Охунбой, Қодирали Чигатой, Халил Мурод (туркман) 1970- йиллардан доктор Солиҳ (Солиҳ Эркинқўл), Тоҳир Чигатой, Доктор Ўқтой

¹⁵⁶ Элтар. Истанбулда Туркистон кунини// Ёш Туркистон, 1930. –э№12. –Б.32; Prof. Dr. Andican. Türkistan Müsadelasi –Istanbul, 2003. –308.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

(Мажид Иброҳим Ўқой) кабилар фаолият юритишган ва уни идора қилишган.¹⁵⁷ 1960 йиллада Аданада Б. Хўжаид раислигидаги “Туркистон жамияти”, Измирдаги Бурҳониддин Самарқандий раҳбарлик қилган “Коммунизм билан кураш жамияти”, Аданадаги “Турк мужоҳидлар дарнаги”¹⁵⁸, Аҳмад Найимлар бошқарган Истанбулдаги “Ғарбий Туркистонликлар жамияти” кабиларни кўрсатиш мумкин. 1984 йилда “Туркистонликлар социал ва маданий ёрдамлашма жамияти”га профессор Аҳад Андижоний раҳбарлик қилиб, унинг матбуот органи “Туркистон” журнали бўлган.¹⁵⁹

Истиқлол йилларида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ўзаро муносабатларда янги тарихий босқич бошланиб, иқтисодий, маданий-маърифий алоқалар спиралсимон кечган бўлсада, бугунги кунда бу борада янги истиқболлар очилганлиги қувончлидир. Туркиядаги ўзбек (туркистонлик)лар турк замини шаҳарларида ўз машғулоти билан борган, асл Ватанлари, аждодлар юрти (отамакон) билан алоқаларни сақлаш, ўзбек маданиятини тарғиб қилиш, ўзбекчилиқни тарғиб қилиш йўлида имкон қадар саъй ҳаракатлар қилмоқдалар. Туркиянинг Истанбулдаги “Туркистон жамияти”ни Акбар Ясса бошқараётган бўлса, Аданада Абдулла Қуёш исм-шарифли ўзбек отахони бошқаряпти.

Акбар Ясса (ўзини улуғ машойих Аҳмад Яссавий авлодларидан деб ҳисоблайди) маълумотича Истанбулдаги “Туркистон жамияти” аъзолари 1000 нафардан ортиқ бўлиб, ҳозирда жамиятининг 5 қаватли янги биноси қад кўтармоқда. Сармоядор ва тижоратчи ўзбек, қозоқ, қирғиз ва туркманларнинг ҳомийлиги остида қурилаётган ушбу бионинг бешинчи қавати меҳмонхона сифатида фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, Марказий Осиёдан ташриф буюрган “ҳамшаҳарлар”¹⁶⁰ учун хизмат қилади” – дейди, Акбар Ясса. Жамият раисининг ҳикоя қилишича, туркистонликларни бир жойга тўплаш ишлари бир қадар қийинчиликлар туғдирмоқда. Мазкур бионинг

¹⁵⁷ ЎзРМДА, Р-28223фонд,1-рўйхат, 71-иш, 56-варақ, 89-иш, 25-варақ. Ҳайитов Ш.А. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. –Т. “ABU MATBUOT-KONSALT”. 2008. –Б. 130-131.

¹⁵⁸ ЎзРМДА, Р-28223фонд,1-рўйхат, 8-иш, 9, 96,26, 127-варақлар.

¹⁵⁹ ЎзРМДА, Р-28223фонд,1-рўйхат, 91-иш, 28-варақ.

¹⁶⁰ Хориждаги ўзбеклар ўзбекистонлик ўзбекларни “ҳамшаҳар”, “ватандош”, “фарғоначи” каби номлар билан аташади. Аданада фарғоналиклар алоҳида кўчаларда яшаганлиги ва улар кўпчилиқни ташкил этиши туфайли “фарғоначи” атамаси таомилга кирган.

битиши тезлаштирилса, уларни тўпланиши ва истиқболда жамият режаларини тузишнинг имкониятлари кенгайиши шубҳасиз.¹⁶¹

Юқоридаги тўсиққа қарамай “Туркистон жамияти” Туркиядаги ўзбеклар орасида бир қатор хайрли ишларни бажармоқда. 2018 йилда жамият фаоллари томонидан ўзбекларнинг бир қатор “боғ сайли” (пикник) тадбирлари ўтказилди. Истанбул шаҳрининг табиат қўйнида ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган боғ майдонларида ўзбек оилалари тўпланиб, ҳордиқ чиқаришлари, оммавий-маданий тадбирлар ўтказиш имкониятларига эга бўлдилар.

Жамият туркиялик туркистонликларни Туркистон тарихи билан таништириш, аجدодлар Ватанида XX асрда кечган воқеаларни холисона англаши учун “Хориждаги ўзбеклар” китобини лотин имлосида турк тилида чоп эттирмоқда.

Жамият ҳомийлиги ва ташаббуси билан 2018 йилда Туркияда узоқ йиллардан буён истиқомат қилаётган ҳаваскор ёзувчи Собир Сайхонлининг “Армон” саргузашт романи ва умри Покистонда ўтган, “Афкор” ва “Таржимони афкор” нашрлари таъсисчиси Аъзам Ҳошимийнинг “Самарқанд ва Бухорода қонли кунлар” номли хотира китоби турк тилида чоп этилди.¹⁶²

“Туркистон жамияти” аъзолари ва ўзбек оилалари Истанбул шаҳрининг “Мертер текстиль маркази” (туркларда “Мартар” деб аталади)да жойлашган кўп қаватли уйларда нисбатан зич яшашади. Улар Истанбул шаҳрининг ушбу қисмида 200 дан ортиқ енгил саноат корхоналари бўлиб, бу каттаю-кичик цех ва корхоналар, оёқ кийими, кўйлак, костюм-шим, аёлларнинг ёзги ва қишки кийимлари ишлаб чиқаради. Корхоналар ўз товарларини кўп қаватли уйларда жойлашган бўлиб, дўкон ва магазинларга топширишади. Товарлар ушбу савдо шаҳобчаларида фақат кўтарасига (оптом) сотилади, донлаб харид қилишга эса рухсат йўқ. Ҳеч бўлмаганда ҳар бир товардан камида 7 тадан (турли ўлчамларда) сотиб олиш мумкин. Кўйлак, костюм шимлардан харид қилинган 7 дондан иборат товарлар нисбатан арзон ва қулай нархда. Уларни шаҳарнинг Аксарай, Зайтунбурни, Эдирнекапе, Боязид қисмларидаги

¹⁶¹ Муаллифнинг Аҳмад Ясса билан шахсий мулоқоти, 2019 йил 15 август (Туркия, Истанбул)

¹⁶² Sabir Seyhan. Arman (Ukde) (Roman) Kalender va ineti, 2018. –144 s.; A'zam Hasimi. Semerkent ve Buharada kanli cünler. Kalender va ineti, 2018. –138 s.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

магазинлардан 2-3 барабар банд нархларда сотиб олиш мумкин. Бирор бир кўп қаватли бино йўқки, остида дўкон, қаҳвахона, ошхона, чойхона ёхуд магазин, тунги клуб бўлмаса.

2019 йилнинг 18 августида тонг саҳарда аجدодлари Ўзбекистоннинг Наманган шаҳридан бўлган, ўзи 1954 йилда Туркия Республикасининг Адана шаҳрида таваллуд топган, ўзбек тили ва ўзбекона урф-одатларни сақлаб қолган Салжук (Селжук) Намангоний кузатувида “Мертер текстиль маркази”да жойлашган мусулмонларнинг Жомеъ масжиди олдида тўпландик. Ушбу масжид 1973 йилда қурилган бўлиб, туркистонлик (ўзбек)лар намоз фарзини ва жаноза маросимини шу масжидда адо этишарэкан. Салжук Намангонийнинг ҳикоя қилишича, Мертердаги жомеъ масжиди олдида тўпланишдан асосий мақсад: туркистонликларнинг навбатдаги “боғ сайри” (пикниги)га чиқиш, табиат қўйнида сайр қилиб, ҳордиқ чиқариб қайтиш эди. “Туркистон жамияти” раиси (бошқони) Акбар Яссанинг ҳикоя қилишича олдинги сайрларда 3 тагача автобус буюртма қилиниб, маълум миқдорда ватандошлардан пул тўпланиб, тонги нонушта, тушлик тадбирлари бутун бир жамоа бўлиб, биргаликда ташкил этилган. “Туркистон жамияти” биниси янгидан қад кўтараётгани, қозон-товоқ, қошиқ-санчқич кабиларнинг янги партияси харид қилинганлиги туфайли бу сафарги пикникда ҳар бир оила ўз столини шахсан ўз ҳисобидан тузатиши олдиндан сайр иштирокчиларига хабар қилинган. Муҳожир туркистонликлар таксиларда, ўз шахсий машиналарида тайин қилинган жойда тўпланиб бўлишганидан сўнг, автобус ва дунёнинг турли мамлакатларида ишлаб чиқарилган енгил машиналарда қозон-товоқ, озиқ-овқат ва керакли бошқа буюмлар ортилган ҳолда чамаси бир, бир ярим соатдан сўнг белгиланган жойга етиб келинди. Ўрмонда жойлашган сайргоҳга назорат постидан белгиланган маълум нархда пул (турк лираси) тўлаб ўтилади. “Туркистон жамияти” олдиндан банд қилиб қўйилган жойларда стол-стуллар ўрнатилган бўлиб, оилалар уларни банд этишди. Эрталабки нонуштадан сўнг “боғ сайри”га тўпланган кексалардан тортиб ёш ва гўдак болаларга қадар барча ўз машғулоти билан банд бўлди. Чамаси 500 нафар катта-кичикни ўзида бирлаштирган “боғ сайри”да кимдир домина, кимдир шахмат ўйини билан банд, кимдир таом тайёрлашга киришган, ёш

болалар тўпланишиб туркча,, ўзбекча, қозоқча, қирғизча ўйинлар ўйнашмоқда. Бир гуруҳ туркистонликлар дийдорлашув баҳонасида ўзаро қизгин мулоқотларга киришишди. Биз “Туркистон жамияти” раиси Акбар Ясса хонадони тузаган дастурхон меҳмони бўлдик. Салжук Туркистоний тушликка “фарғонача палов” тайёрлади, бундан ташқари ушбу инсон Ўзбекистонда ҳам бўлганлиги учун ўзбекча ва туркча таом ҳамда пишириқлар билан кечгача бизни сийлаб турди.

Ушбу сайрда нафақат туркиялик ўзбеклар, АҚШ, Саудия Арабистони, Афғонистон, Германия каби мамлакатлардан Истанбулга тижорат, илм қилиш мақсадида ташриф буюрганлар ҳам иштирок этишди.

Ҳар бир ўзбек ўз ҳикоясида Туркия Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Саудия Арабистони, АҚШ, Сурия, Урдун ёхуд Миср каби мамлакатлардан Туркияга кўчиб келганлиги ҳақидаги узун ҳикоясини баён қилди. Шундан бўлса керак, ўзбеклар Туркияда яшаб туриб узок давлатлардаги бошқа ўзбеклар билан қавм-қариндош ёхуд барча бир-бирини яхши билишади.

Хуллас, хориждаги, жумладан, Туркиядаги ўзлигини сақлаб қолиши ва улардаги ўзгаришлар жараёни масалалари илмий тадқиқ қилинса мақсадга мувофиқ бўларди.

ZAMONAVIY MIGRATSIYAGA DOIR BA'ZI RAQAMLAR (YAQIN SHARQ VA SHIMOLIY AFRIKA MAMLAKATLARI XALQLARI MISOLIDA)

Ostonov Jahongir Davlatovich

Daryo.uz nashri kolumnisti, erkin tadqiqotchi

Xalqlar ikki turkunga bo'linadi: ko'chmanchilar va o'troqlar. O'troqlar bir joyda qo'nim topib yashasa, ko'chmanchilar doimiy ravishda bir joydan ikkinchi joyga ko'chib yashaydi. Bu ularning hayot tarzi. Lekin, bugungi dunyoda, ayni vaqtda shunday xalqlar borki, ular aslida o'troq bo'lishiga qaramasdan, ko'chib yurishga majbur. Ular Yaqin Sharq va Afrika xalqlari.

2011-yilda Shimoliy Afrika va Yaqin Sharqning qator arab davlatlarida boshlangan va keyinchalik fuqarolar urushlariga aylanib

ketgan “Arab bahori” o‘z ortidan katta vayronagarchiliklar va insonlar qonining to‘kilishidan tashqari yana bir katta muammo, ya‘ni migratsiya muammosini yuzaga chiqardi. Urush olovidan va ishsizlik balosidan qochgan minglab qochoqlar turli yo‘llar bilan G‘arbiy Yevropaga qarab oqib kela boshladi. Bu jarayon 2015-yilda nihoyatda kuchaydi. Migrantlarni qabul qilish istagini bildirgan dastlabki davlat Germaniya bo‘ldi. Qochoqlar Germaniyaga borish uchun asosan ikki yo‘nalishni tanlamoqdalar. Birinchisi Turkiya-Bolqon-Germaniya yo‘nalishi bo‘lsa, ikkinchisi Liviya-Italiya-Germaniya.¹⁶³

Birinchi yo‘l nisbatan xavfsiz, shuning uchun aksariyat migrantlar shu yo‘nalishni tanlamoqda. Bu yo‘nalish orqali kelayotgan migrantlarning asosiy qismi Yaqin Sharq (Suriya, Livan, Iroq va b.), Janubiy va Markaziy Osiyo (Pokiston, Bangladesh, Afg‘oniston va b.) davlatlaridan. Ikkinchi yo‘l O‘rta yer dengizi orqali asosan Misr, Eriteriya, Niger, Marokash, Mali kabi Afrika davlatlaridan kelayotgan migrantlar tomonidan foydalanilmoqda. Migrantlar Yevropaga ketadigan kemalarga o‘tirish uchun asosan Liviya qirg‘oqlaridan foydalanmoqdalar. Bu yo‘l esa eng xatarlisi. BMTning migratsiya masalalari bo‘yicha tashkilotining hisobotlariga qaraganda, birgina 2015-yilning o‘zida 3329 nafar kishi dengizga g‘arq bo‘lgan. Buning asosiy sababi esa uzoq sayohatga mo‘ljallanmagan qayiqlardan foydalanilishidir. Ana shunday qayiqlarda yo‘lga chiqqan migrantlarning 630 nafari 2018-yil yozda Aquarius kemasi qutqaruvchilar tomonidan qutqarib olingani katta shov-shuvlarga sabab bo‘ldi.¹⁶⁴ 9-iyundan 10-iyungacha o‘tar kechasi qutqarib olingan migrantlarni qabul qilishni istamagan Italiya va Malta o‘z qirg‘oqlarini Aquarius uchun yopib qo‘ydi va kema 17-iyun kuni Ispaniyaning Valensiya shahri qirg‘o‘g‘ida yetib bordi. Ular Fransiya va Ispaniyadan qo‘nim topishdi.

Migrantlar Yevropada qolishlari doimiy uchun rasmiy ravishda « siyosiy qochqin » maqomini olishlari kerak. Aks holda ularning Yevropada qolishlari qiyin. Ammo, bunday maqomni olish hammaga ham nasib qilavermaydi. Buning uchun nima qilish kerak. Avvalo, oddiy migrant va qochoqning farqini bilib olishimiz lozim bo‘ladi. Migrant – o‘z

¹⁶³ Harald Doornbos, Ine Renson et Nico Schoofs, La crise des migrants en 25 questions // <https://multimedia.lecho.be/migrants/>

¹⁶⁴ Aquarius : que va-t-il se passer pour les migrants qui souhaitent venir en France ? 19/06/2018 // <https://www.sudouest.fr/2018/06/19/aquarius-que-va-t-il-se-passer-pour-les-migrants-qui-souhaitent-venir-en-france-5159171-6116.php>

yashab turgan davlatidan iqtisodiy, siyosiy va iqlimiy sabablarga ko'ra boshqa davlatga ko'chib kelgan shaxs. YI ga a'zo davlatlar uchun hamma qochoqlar migrant, lekin hamma migrantlar ham qochoq bo'lavermaydi. Rasmiy "qochoq maqomi 1951-yilgi Jeneva konvensiyasi va uning 1967-yilgi protokoli bilan belgilab qo'yilgan. Mazkur hujjatlarni imzolagan davlatlar o'z mamlakatida "dini, irqi, millati, biror bir ijtimoiy guruhga a'zoligi va siyosiy fikrlari uchun ta'qibga uchragan va hayotiga xavf tufayli" boshqa davlatda qo'nim topgan shaxslarni «qochoq» deb hisoblashadi.

2015-yildan buyon migrantlarni qabul qilish bo'yicha Germaniya yetakchilik qilib kelmoqda. 2017-yil yakunlari bo'yicha Germaniya qabul qilgan migrantlar soni 1million 410 mingni tashkil etadi. Undan keyingi o'rinlarda Fransiya (402000), Italiya (355000), Shvetsiya (328000), Avstriya(173000) va Gretsiya (83000) davlatlari turadi.¹⁶⁵

O'rtayer dengizi orqali Yevropaga borayotgan migrantlar oqimi 2015-yilga nisbatan ancha kamaygan bo'lsada, hamon davom etib kelmoqda. 2015-yilda dengiz orqali 1 million migrant Yevropaga kelgan bo'lsa, 2018-yilning dastlabki 16 haftasida bu ko'rsatgich 18939 tani tashkil qilgan. Ushbu vaqt mobaynida dengizda halok bo'lganlar soni 570 nafarni tashkil qiladi. BMTning Migrantlar bo'yicha oliy kommissarining ma'lumotlariga qaraganda 2018-yil davomida Yevropaga dengiz orqali kelganlar soni 107192 nafarni tashkil qilmoqda. Dengizda halok bo'lganlar soni esa 2133 nafarni tashkil qiladi.¹⁶⁶ Statistik ma'lumotlarga qaraganda migrantlarning 85 foizi rivojlanayotgan mamlakatlar hisobiga to'g'ri keladi. Bunday migrantlarni iqtisodiy migrantlar qatoriga qo'shish mumkin. Ular ish va ko'p pul topish maqsadida Yevropaga kelgan. Yevropaga kelgan qochoqlar lagerlarga joylashtiriladi va ularga "qochoq" maqomini so'rash uchun ma'lum vaqt belgilanadi. Qochoq maqomiga ega bo'lgan migrantlar orasida Suriya va Eriteriyadan kelgan muhojirlar yetakchilik qilmoqda. Ularni qabul qiluvchi davlatlar orasida Germaniya yetakchilik qilayotgan bo'lsa, undan keying o'rinda Fransiya bormoqda.

Maqolamiz so'ngida BMTning Qochoqlar bo'yicha oliy komissariyati tomonidan 2019-yil holati bo'yicha Yevropaga qancha odam kelgani

¹⁶⁵ Claire Jenik, Quels pays d'Europe accueillent le plus de migrants? 27.06.2018 // <https://fr.statista.com/infographie/14446/quels-pays-deurope-accueillent-le-plus-de-migrants/>

¹⁶⁶ <https://www.unhcr.org/fr/urgence-europe.html>

haqidagi statistikani havola etamiz. Tashkilot hisob-kitoblariga ko'ra o'tkan yil davomida 123 663 nafar muhojir Yevropaga kirib kelgan. Shundan 1319 nafari vafot etgan yoki g'oyib bo'lgan. 2020-yilning mart oyidan buyon davom etayotgan koronavirus pandemiyasi natijasida oqibatida chegaralar yopiq paytda migrantlarning kelishi ancha kamayib ketgan edi. Ammo, shunga qaramay, migrantlar oqimini butunlay to'xtatishning yoki muammoni bartaraf etishning imkoni yo'q. BMTning so'ngi ma'lumotlariga ko'ra, 2020-yil boshidan Yevropaga 7-sentyabr holati bo'yicha 49 309 nafar muhojir kirib kelgan. Statistik ma'lumotlar shuni ko'rsatadiki, muhojirlarning aksariyat qismi dengiz yo'lini tanlashga majbur bo'lishgan. Shu davr mobaynida 44 766 nafar migrant O'rta Yer dengizi orqali Yevropa qirg'oqlariga yetib borishga muvaffaq bo'lgan. Quruqlikdagi chegaralarning yopiqligi quruqlikdan borayotgan muhojirlar oqimiga jiddiy ta'sir ko'rsatgan deyish mumkin. Shu davr mobaynida quruqlikdan 4543 nafar muhojir Yevropa tuproqlariga qadam qo'ygan.¹⁶⁷

Bugungi kundagi migratsion jarayonlar juda murakkab bo'lib, ularni yuzaga keltirayotgan omillar soni ham o'zgarib bormoqda. Birgina Yaqin Sharq, Shimoliy Afrika va Afg'oniston misolida oladigan bo'lsak, ushbu hududlardagi notinch siyosiy vaziyat tufayli minglab odamlar o'z yashash joyini o'zgartirishga majbur bo'lgan. Xulosa qiladigan bo'lsak, geosiyosiy manfaatlar bugungi kunda migratsiyani yuzaga keltirayotgan eng asosiy omil bo'lib qolmoqda.

АДАБИЁТЛАР:

1. Aquarius : que va-t-il se passer pour les migrants qui souhaitent venir en France ? 19/06/2018 // <https://www.sudouest.fr/2018/06/19/aquarius-que-va-t-il-se-passer-pour-les-migrants-qui-souhaitent-venir-en-france-5159171-6116.php>
2. Claire Jenik, Quels pays d'Europe accueillent le plus de migrants? 27.06.2018 // <https://fr.statista.com/infographie/14446/quels-pays-deurope-accueillent-le-plus-de-migrants/>
3. Harald Doornbos, Ine Renson et Nico Schoofs, La crise des migrants en 25 questions // <https://multimedia.lecho.be/migrants/>
4. <https://www.unhcr.org/fr/urgence-europe.html>
5. <https://data2.unhcr.org/fr/situations/mediterranean>

¹⁶⁷ <https://data2.unhcr.org/fr/situations/mediterranean>

KARIB INQIROZI VA UNING KELIB CHIQISH SABABLARI HAQIDA AYRIM MULOHAZALAR

To'yev Fazliddin Erkinovich

BuxDU 2-bosqich magistri

2-Jahon urushidan so'ng dunyo bir-biriga qarama-qarshi 2 lagerga bo'linib AQSH boshchiligidagi "Kapitalistik lager" va SSSR boshqargan "Sotsialistik lager" davlatlari o'rtasidagi o'zaro ziddiyatlar kuchayib bordi. Ushdan keyin boshlangan "Sovuq urushlar" siyosati 1990-yillarga qadar davom etib insoniyat yadro urushi xavfi bilan yashadi. Ikki qutb o'rtasidagi o'zaro ziddiyatlar ayniqsa 1950-1970 yillar o'zining yuqori nuqtasiga chiqib bir qator mintaqalarga 2 lager o'rtasidagi harbiy to'qnashuvlarga borib yetdi. Jumladan 1950-yildagi "Koreya urushi", 1960-1970 yillardagi "Vetnam urushi", 1949-1970 yillarda "Isroil-arab" to'qnashuvlari kabilar qatoriga "Karib inqirozi" siyosiy voqealarni ham qayd etib o'tish mumkin. 1960-yilning boshlarida yuz bergan Korib inqirozi Korib havuzasida joylashgan Vest-Indu davlat Kuba oroli va katta antilorollar guruhiga kiruvchi 1600 dan ortiq mayda orollarda joylashgan 110,86 ming km² maydonga ega. Kuba davlati bilan bog'liq¹⁶⁸.

1950-yillarda Kuba davlati harbiy politsiya rejimi mavjud bo'lib F. Batista qo'lida to'plangan, inqilobchi yoshlar ushbu rejimni bekor qilish, demokratik tartiblar o'rnatish, konstitutsiya tuzish kabi talablar bilan chiqdilar. Ular y'ol boshchisi Fidil Kastiro Rus ikki marta urinishdan keyin (1953-y 26-iyul 1959-yil 1-yanvar) Batista hokimiyati ag'darib 1959-fevralda hukumat boshlig'i lavozimini egalladi. Prezident O. Dortikos Torrado davlat boshligi bo'lib faoliyat yuritdi. Kuba kommunistik partiya rahbarligida sotsialistik taraqqiyot yo'lini tanlaganligini e'lon qildi¹⁶⁹.

Kuba Respublikasi sovet ittifoqiga murojat qilib iqtisodiy, siyosiy va harbiy jihatdan qo'llab quvvatlashni so'radi. Kuba Respublikasi AQSH yaqin hududida joylashgan SSSR bilan hamkor bo'lishi AQSHning manfaatlariga mutloqo to'g'ri kelmas edi. Kubaning Guantamano orolida AQSH harbiy bazasi joylashgan bo'lib Kuba yangi hukumati ushbu bazani olib ketishni talab qildi. Amerika Kuba munosabatlari yomonlasib sovet

¹⁶⁸ O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. T.5. – T.: O'zbekiston milliy ensklopeiyasi davlat ilmiy nashriyoti, 2003. – B.107.

¹⁶⁹ Istoriya Kuba (Kol.avt.). – M.: Mejdunarodnaya otnasheniya, 1972. – C.110.

ittifoqi kubani himoya qilib chiqdi. AQSH Prezidenti Jon Kennedi (1960-1963 yillar) mamlakatni Florida Shtatiga maxsus harbiy baza barpo etib, o'z raketalarini Kubaga qaratdi. Karib inqirozining boshlanishi 1959-yil Kubadagi inqilob, 1960-yil Kubadagi AQSH mulklarini milliylashtirish 1961-yil Fidil Kosturosning AQSHga murojati va rad javobini olishi Kuba voqealaridan boshlanadi va 1962-1963 yillarga o'zining keskin inqirozli davrini boshdan kechiradi.

AQSH 1961-yil SSSR bilan chegaradosh bo'lgan Turkiya Respublikasiga yaqin va o'rta olislikda uchadigan raketalarni joylashtiradi, bu yerda (Nayk) rusumdagi 250 ta raketani joylashtirib hatto SSSR poytaxti Moskvani ham nishonga olgan edi. Bunga javoban SSSR 1961-yil kuzida Kubaga yashirin tarzda atom qurollarini olib kirdi. Ikki buyuk davlat o'zaro muzokalarida N.S. Xuruschov Kubaga atom bombalarni joylashtirilganligini tan olmaydi, biroq AQSH ayg'oqchilari buni aniqlagan va isbotlagan edi. 1962-yil may oyidan boshlab Karib inqirozi chuqurlashadi. Ushbu urush xavfini oldini olish uchun mamlakatlar rahbarlari va mudofaa vazirlari 20 dan ortiq uchrashdilar va muzokaralar olib bordilar. Muzokaralarning oxirgi variantlari 1962-yilning oktabr oyida bo'lib o'tib AQSH Turkiyadan, SSSR Kubadan o'z harbiy bazalarini, atom va yadro qurollarini olib chiqishlariga kelishildilar³.

Yuqoridagi tarixiy jarayonlar bayon etilar ekan Karib inqirozining asosiy sabablari quyidagilar ekanligi haqida fikr bildirsak ayni haqiqat bo'ladi.

1959-yil Kuba inqilobining amalga oshirilishi va bu mamlakatda sotsialistik yo'l tanlanib SSSR bilan yaqinlashuv jarayoni.

Kubadagi AQSH kompaniyalari va firmalarining mol-mulklari musodara qilinb milliylashtirilishi, AQSH hukumatining Fidil Kosturo Rus hukumatiga yordam berishdan rasman bosh tortishi.

AQSHning SSSRga chegaradosh Turkiya hududiga o'z harbiy bazasi va yadro qurollarini jolashtirish hamda Florida shtatiga Kubaga qaratilgan maxsus harbiy baza barpo etishi.

SSSRning sovuq urushlari avj olgan bir pallada AQSHning biqinida joylashgan Kubaga atom qurollarini olib kirishi oqibatida siyosiy, harbiy munosabatlarning o'ta keskinlashuvi.

Sovuq urushlar siyosati davrida SSSRga ergashgan va AQSHga qaram bo'lgan davlatlar atom yadro urushida g'olib ham, mag'lub ham

b'olmasligini o'ta ma'suliyat bilan e'tirof eta olmaganliklari va hokazo. Xullas SSSR va AQSH ittifoqdosh va mafkuraviy va boshqa o'ynashlarni afzal ko'rib to'g'ridan-to'g'ri qurolli to'qnashuvlardan qochib Jahon afkor ommasini Karib inqirozi kabilarni chiqarib tahlikada ushlab turishga uunishgan ma'lum bo'ladi. Biroq Karib inqirozi AQSH o'xshagan davlatlarga milliy ozodlik kurashida qaram davlatlar g'alabaga erishish mumkinligidan saboq berdi. AQSH uchun o'z manfaatlarini uning siyosatiga moslashtirmaydigan davlatlar ichki ishlarida ochiq aralashish qiyinlashdi. SSSR esa milliy ozodlikga erishgan yosh mamlakatlarni himoyachisi sifatida o'zini qanchalik namoyon qimasin buyuk davlatchilik siyosati kasalidan parchalangunga qadar qutula olmadi.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ: ЎЗARO ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮТУҚ ВА МУАММОЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ИЛМИЙ АЛОҚАЛАРИ

Исматуллаев Фарҳоджон Одилжонович

*Тошкент давлат педагогика университети, тарих фанлари номзоди,
доцент*

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бу - Европа Иттифоқининг ривожланган давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп томонлама илмий ҳамкорлик 1996 йил имзоланган ва 1999 йилнинг 1 июлидан амалга тадбиқ этила бошланган “Шериклик ва Ҳамкорлик” тўғрисидаги битим асосида амалга оширилиб келинмоқда¹⁷⁰. Шу билан бирга, Европа Иттифоқига аъзо давлатлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида тўғридан – тўғри икки томонлама ҳамкорликка киришишнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг халқаро илмий алоқалари ривожидида республика Фанлар Академиясининг роли каттадир. У илғор илмий тадқиқотлар ва табиий ҳамда ижтимоий фанлар ютуқлари тўпланган илмий марказ ҳисобланади¹⁷¹.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда математик статистика ва функционал анализ, дифференциал ва интеграл тенгламалар, сонлар назарияси ва ҳисоблаш математикаси соҳаларида катта ютуқлар қўлга киритилди. Эҳтимоллар назарияси бўйича “Тошкент мактаби” деб ном олган илмий йўналиш оламга машҳур бўлди. Ядро физикаси ва геофизика, электроника, аэрогидромеханика ва газ динамикаси ютуқлари халқ хўжалигининг турли соҳаларига тадбиқ қилинмоқда.

¹⁷⁰ МИД РУз // Сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. <http://www.mfa.uz>

¹⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси жорий архиви (ЎЗР ФА ЖА) // Халқаро илмий алоқалар бўлими ҳисоботи, 2004. 4 - иш. 4-варақ.

Биорганик ва физик– кимё, ўсимлик моддалари ва юқори молекулали бирикмалар кимёси кўплаб табиий ва сунъий кимёвий моддаларни олиш имконини берди. Ботаника ва селекция, зоология ва тиббиёт, биохимия, биофизика ва геохимия, геология ва сейсмология соҳаларида йирик муваффақиятларга эришилди. Фалсафа ва ҳуқуқ, тил ва адабиёт, тарих ва шарқшунослик соҳаларида йирик илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда¹⁷².

Шундай қилиб, илм-фан соҳасида қудратли салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон мазкур йўналишда хорижий мамлакатлар билан ва жумладан, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш ва уни ривожлантириш тарафдоридир. Бундай ҳамкорлик табиатшунослик соҳасида салмоқли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва илмий тафаккурнинг ижтимоий-гуманитар соҳасида янги кашфиётлар қилинишига ёрдам беради. Бу жараённи яққол мисоллар орқали ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академияси ижтимоий-гуманитар йўналишидаги илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлири ёш тадқиқотчиларининг 2002 йил 24 май куни француз тарихчиси Франсуа Эно билан учрашуви бўлиб ўтди. Ушбу учрашув Фанлар академияси Тарих институти, Ёш олимлар миллий жамияти ҳамда Марказий Осиёни ўрганиш Франция илмий-тадқиқот институти (IFEAS) ташаббуси билан ташкил этилди. Мазкур учрашув Парижда чоп этилган уч жилдлик “Ўрта асрларда (X–XV) мусулмон олами” китобининг тақдимотига бағишланди¹⁷³.

Европа Иттифоқи мамлакатлари билан илмий соҳадаги ҳамкорликка эътибор қаратганда, бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, илмий тадқиқот марказлари ва Франция Ташқи ишлар вазирлиги университетлараро илмий тадқиқот ҳамкорлиги бошқармаси қарамоғидаги Марказий Осиёни тадқиқ қилиш Франция Институту (МОТФИ) ва бошқа илмий марказлар фаолиятини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги илм ва фан йўналишидаги ҳамкорлик алоқаларида Германиянинг ҳам ўрни алоҳида ажралиб туради. Жумладан, Германиядан олинган

¹⁷² ЎзР ФА жорий архиви. 1-рўйхат, 20-варақ.

¹⁷³ Француз олими билан учрашув // Халқ сўзи. – 2002. – 25 май.

грант асосида Тошкент архитектура институти “Қурилиш архитектураси” кафедраси ўқитувчиси В. Абдусаломов Германия халқаро илмий жамғармасининг “ғолиби” деб топилди. Бу иқтидорли ёш тадқиқотчи жамғарма йўлланмаси билан илмий ишларини давом эттириш учун Германиянинг Веймар шаҳридаги Архитектура қурилиш университетига юборилди. Бундай алоқа Германиянинг Штутгард шаҳридаги Архитектура-қурилиш университети билан ҳам давом этмоқда. Профессор Х. Убайдуллаев бошчилигида йўлга қўйилаётган бу хайрли иш ўзининг дастлабки самарасини бермоқда¹⁷⁴.

Шуниндек, тарих ва археология соҳаларидаги илмий алоқалар ҳам ривожланиб бормоқда. Самарқанд археология институти ва француз илмий-тадқиқот миллий маркази қадимий Афросиёбни ўрганиш юзасидан қўшма дастурлар ишлаб чиқди ва ҳозирда бу дастур ҳаётга тадбиқ этилмоқда¹⁷⁵. Айнан археология соҳасидаги ҳамкорлик Буюк Британия билан ҳам давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси ФА археология институти билан Лондон Археология институти ҳамкорликда амалга оширган “Ахсикат шаҳри (Фарғона водийси) қадимги металлургияси ва сопол буюмлар ишлаб чиқариш технологиясини ўрганиш” бўйича омадли лойиҳа амалга оширилди. Бу лойиҳани Оксфорд археология музейи молиялаштирди¹⁷⁶. Икки мамлакатнинг Фанлар академияси ўртасида алоқалар йўлга қўйилган бўлиб, Кембридж университети билан антропология, биология, қуёш батареяларини ишлаб чиқариш бўйича бир нечта ҳамкорликдаги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ҳамкорликнинг давоми сифатида 2004 йил Тошкент Ислом университети билан Кембридж университети қошидаги Марказий Осиё форуми ўртасида англашув меморандуми имзоланди. Оксфордда жойлашган ислом тадқиқотлари ва Халқаро стратегик тадқиқотлар институти билан ҳам алоқалар йўлга қўйилган¹⁷⁷.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Италия ўртасида илмий ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган бўлиб, улар ҳозирда ўзининг

¹⁷⁴ Ҳамкорликнинг истиқболли йўллари // Халқ сўзи. – 2003. – 24 май.

¹⁷⁵ Ўзбекистон – Франция: ҳамкорлик ривожланмоқда // Халқ сўзи. – 1995. – 20 апрель.

¹⁷⁶ МИД РУз // Сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. Узбекистан – Великобритания. Сотрудничество в гуманитарной сфере. <http://www.mfa.uz>.

¹⁷⁷ Ўша жойда.

ижобий самараларини бериб келмоқда. Бунинг аксини 2018-йил ёзида Италиянинг Болоня университетида “Археология ва туризм - Ўзбекистон ва Италия ҳамкорлиги” мавзусида ташкил этилган илмий семинар мисолида кўришимиз мумкин. Ушбу илмий-амалий семинарда Ўзбекистон-Италия олимлари томонидан Самарқанд вилоятида ҳамкорликда олиб борилган археологик изланишлар натижалари намойиш этилиб, унда Кофирқала, Қўйтепа ва Зарафшон воҳасида амалга оширилган амалий ишлар ҳақида маълумотлар берилди. Ушбу илмий тадқиқотлар янги йўналишларда тарихий туризмни ривожлантиришга имконият яратиб, янги туристик маршрутлар яратишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб шунини таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи давлатлари ўртасидаги илмий алоқалар, нафақат ушбу йўналишни балки иқтисодий, маданий соҳаларни ҳам ривожланишида муҳим омил бўлиб, давлатларо муносабатларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

Мирзаев Ғуллом Ризоқулович

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник
институтининг ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Замонавий халқаро муносабатлар тизимида глобал миқёсда шиддатли ўзгаришлар юз бермоқда, халқаро майдонда кучларнинг янги нисбати шаклланимоқда. Ушбу жараёнлар Марказий Осиё минтақаси, жумладан, Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Мазкур ҳолат Ўзбекистон ташқи сиёсий курсини белгилаш ва амалга оширишда чуқур таҳлил қилинмоқда ҳамда иноватга олиниши. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Марказий Осиё давлатлари - бизнинг бевосита қўшниларимиз билан дўстона, яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни асосий устувор ташқи сиёсий

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

йўналиш сифатида белгилаб берилганлиги¹⁷⁸ замонавий халқаро муносабатларда Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамкорликни ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида олганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон раҳбари ташаббуси асосида сўнги уч йилда минтақанинг барча мамлакатлари билан олий даражадаги ташрифлар алмашинуви амалга оширилди. Минтақа давлатлари етакчилари ўртасидаги сиёсий мулоқот ўзаро ишончга асосланган мунтазамлик ва доимийлик касб этди. Бундай мулоқотлар давомида Марказий Осиё давлатларини қизиқтирадиган хавфсизлик, иқтисодиёт, инвестиция, туризм, маданият, соғлиқни сақлаш ва экология соҳаларида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муҳим қўшма қарорлар қабул қилинмоқда.

Натижада тарихан қисқа вақтда Ўзбекистоннинг минтақадаги барча давлатлар билан муносабатлари тубдан яхшиланди. Давлат раҳбарлари ўртасида очиқ ва ишончли сиёсий мулоқотнинг мустаҳкамланиши натижасида минтақадаги қўшнилар билан муносабатларда 2016 йилгача мавжуд бўлган кўплаб мураккаб муаммоларга ечим топилди. Президентлар ўртасидаги ўзаро ишонч мус таҳкамланди¹⁷⁹.

Қўшни мамлакатлар билан савдо-иқтисодий, саноат ишлаб чиқариши соҳаларидаги алоқалари изчил ривожланиб бормоқда. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо айланмаси мисли кўрилмаган даражада ўсган. Савдо айланмаси 2017 йилда 2,4 миллиард долларни ташкил қилган бўлса, 2019 йил якунига келиб, 5,2 миллиард долларга етган. Қисқа икки йил ичида ўсиш 150 фоизни ташкил этган¹⁸⁰.

Пандемия шароитига қарамай, 2020 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо айланмасининг умумий ҳажми 2,17 миллиард долларни ташкил этади¹⁸¹.

¹⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. // Халқ сўзи. – 2017. – 20 сент.

¹⁷⁹ “Янги Ўзбекистон” газетаси 2020 йил 27 август 163-сон.

¹⁸⁰ Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги савдо айланмаси мисли кўрилмаган даражада ўсган. // <https://kun.uz/91055693>

¹⁸¹ “Янги Ўзбекистон” газетаси 2020 йил 27 август, 163-сон.

Қўшни Тожикистон билан Ўзбекистон савдо айланмаси 2019 йилда 2018 йилдагига нисбатан 23,4 фоизга кўпайиб, 480 миллион долларни ташкил қилган. 2017 йил билан таққосланадиган бўлса, бу ўсиш 200 фоизни ташкил қилган. Туркманистон билан савдо айланмаси эса 2019 йил якунида 540 миллион долларни ташкил қилган. Ўсиш 2017 йилга нисбатан 300 фозини ташкил этади.

“Бу савдо айланмаси фақат импорт, экспорт эмас, балки мультипликатив, яъни янги иш ўринлари, инфратузилмалар ташкил қилиниши бўлиб, бу ўз навбатида аҳоли турмуш тарзининг ўсишини таъминлаб беради. Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатлари билан олиб бораётган сиёсатини жуда кўп экспертлар, халқаро ташкилот раҳбарлари эътироф этишмоқда”¹⁸².

Қайд этилишича, минтақанинг инвестицион жозибадорлиги ҳам 2017 йилга нисбатан 32 фоизга ўсган. Яъни 2017 йилда минтақага жами жалб қилинган инвестициялар 24 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2019 йил якунида бу кўрсаткич 35,9 миллиардга етган.

Бу борада чегараларнинг очилиши минтақалар ўртасидаги туризмнинг ривожланишига тўртки бўлмоқда. Масалан, 2017 йилда минтақага ташриф буюрган туристлар сони 19,5 миллион кишини ташкил қилган бўлса, 2019 йилда бу рақам 25,4 миллионга етган¹⁸³.

Таъкидлаш жоизки, ушбу натижалар бугунги кунда Тошкент минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ташаббускори ва изчил мустақамлаб бораётганлигини белгилаб беради. Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиё раҳбарларининг Маслаҳат учрашувини ташкил этиш борасидаги ташаббуси минтақавий ҳамкорликнинг янги форматда давом эттирилиш имконини берди. Маслаҳат учрашувлари – бу Марказий Осиё давлатлари мустақил равишда, бошқаларнинг аралашувисиз ва воситачилигисизмуҳим минтақавий масалаларни муҳокама қилишива ечимлар ишлаб чиқиши мумкин бўлган платформа вазифасини ўтамоқда. Шунинг билан бирга, Ўзбекистон замонавий халқаро муносабатларда Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни янги босқичга

¹⁸²Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги савдо айланмаси мисли кўрилмаган даражада ўсган. // <https://kun.uz/91055693>

¹⁸³Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги савдо айланмаси мисли кўрилмаган даражада ўсган. // <https://kun.uz/91055693>

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

кўтариш мақсадида халқаро минбарларда ҳам қатор ташаббусларни илгари сураётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 3 та резолюцияси қабул қилинди. Бу ҳужжатлар Марказий Осиё минтақасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, маърифий ва диний бағрикенглик, туризмни ривожлантириш каби соҳаларга дахлдор масалалардир.

Дарҳақиқат, сўнги йилларда Минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир қатор ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Қирғизистон ва Тожикистон билан давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш тўғрисидаги муҳим ҳужжатларни имзолади.

Минтақанинг савдо-иқтисодий соҳадаги мавжуд имкониятлари очилмоқда. 2016 йилдан 2019 йилгача бўлган муддатда минтақа ҳудудлари ўртасидаги савдо ҳажми қарийб 2 барбар ошиб, 7 миллиард АҚШ долларида ортди¹⁸⁴.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ташрифлари минтақавий ҳамкорликни изчил ривожлантириб боришнинг асосий омилларидан бир саналади. Масалан, 2018 йил 9-10 март кунлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга давлат ташрифи икки мамлакат муносабатларини янги поғонага олиб чиққан бўлса, ўша йили 17-18 август кунлари Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг Ўзбекистонга илк давлат ташрифи ўзаро ҳамкорлик ривожига улкан тарихий воқеа бўлди. Ушбу форматдаги ҳамкорлик Ўзбекистоннинг Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон давлатлари билан ҳам йўлга қўйилганлиги замонавий халқаро муносабатларда Ўзбекистон халқаро имиждини белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий дунёнинг таҳдид ва хавф-хатарларига қарши курашиш шароитида ҳамкорликни кенгайтириш ва яқинроқ ҳамкорлик муҳим омил бўлмоқда. Бойси, Марказий Осиёда терроризм ва экстремизм тарқалиши муаммосини ўзгартириш истиқболлари миллий даражада ҳаракатлар минтақанинг барча мамлакатлари хавфсизлиги ва барқарорлиги учун бирдек аҳамият касб этади. Хусусан, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилувчи минтақавий иқтисодий

¹⁸⁴ “Янги Ўзбекистон” газетаси 2020 йил 8 сентябрь 171-сон.

интеграцияни йўлга қўйиш; экологик муаммоларни ҳал қилиш ва сабъ-ҳаракатларни бирлаштириш зарурати кўп жиҳатдан объектив равишда минтақа давлатлари ўзаро муносабатларига боғлиқлиги туфайли улар билан дўстона ҳамкорликни мустаҳкамлаш устуворлигига эътиборни қаратиш ва янги асрда ривожланиш учун тенг мулоқот майдонини яратиш зарур.

Бинобарин, минтақа халқларининг умумий тарихий тақдирлари, ўхшаш жуғрофий шароитлар ва қардошлик руҳидаги маданий алоқалари ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг самарали механизмларини яратишда бирлашишга ва ҳисса қўшишга даъват этилади.

Мухтасар қилиб айтганда, Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ички сиёсатида кенг қўламли ислоҳотларни олиб бориш билан бирга мамлакатни замонавий халқаро мунсобатларда прагматик имиджини яратиш, «қўшниларимиз билан рақобат қилиш эмас, аксинча, ҳамкорлик қилиш йўлини изчил давом эттириш»¹⁸⁵, халқаро майдонда рақобатбардош давлатга айлантиришдек тарихий миссияни ўз зиммасига олди ва муваффақиятли амалга оширмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ: ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ ЙЎЛИ

Хўжамов Мамаражаб Эшнязович

Низомий номидаги ТДПУ катта ўқитувчиси

Ўзбекистонда мустақиллик йилларидан бошлаб туризм соҳасида катта ўзгаришлар ва ислоҳотлар даври бошланди. 1992 йил 27 июлда туризм соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштирувчи марказ - “Ўзбектуризм миллий компанияси” ташкил этилди. Жаҳон Туризм Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Бали шаҳрида (Индонезия) 1993 йилда бўлиб ўтган X сессиясида “Ўзбектуризм” миллий компанияси унга тўла ҳуқуқли аъзо этиб қабул қилинди. Шунингдек, Туризм тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг қабул қилинганлиги (1999, 2019 йилларда) ва айниқса, кейинги 2-3 йилларда

¹⁸⁵ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – Б.8.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

бу борада давлат миқёсида амалга оширилаётган кўпгина чоратadbирлар муҳим аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида ҳам туризмга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки “Жаҳон экспортида туризм нефть ва нефть маҳсулотлари ҳамда автомобиллар экспортидан сўнг учинчи ўринни эгаллайди. Айниқса, туризм янада юқори ўринларга кўтарилмоқда.

Ўзбекистонда ички ва халқаро туризмни ривожлантириш учун жуда катта имкониятларга эгаки, буни “Юртимизда 8 минг 200 дан зиёд маданий мерос объектлари мавжуд” эканлиги билан ҳам изоҳласа бўлади. Ўзбекистонда халқаро туризм ривожига ҳақида Осиё бўйича жаҳон туризми ташкилотининг минтақавий вакили Хариш Варманнинг қуйидаги сўзларини эслатиб ўтиш ўринлидир. “Тошкент ва умуман, Ўзбекистон, – дейди у, – менда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон ва унинг қадимий шаҳарлари туризмни ривожлантириш учун улкан имкониятларга эга эканлиги кўзга ташланади. Халқнинг бой маданияти, кўп асрлик тарихи, археологик объектлар, архитектура ёдгорликлари, жозибали табиат ва энг муҳими-илиқ, дўстона меҳмоннавоз муҳити кишини лол қолдиради. Буларнинг бари – сайёҳларнинг бу ёққа келиши учун яхши асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон ўзининг туристик имкониятлари бўйича Марказий Осиёда 1-ўринда, дунё бўйича эса 10-15 ўринда туради.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро туризмнинг роли ва аҳамияти йилдан-йилга ортиб бориб, у жаҳондаги энг кўп даромад келтирадиган асосий соҳалардан бирига айланиб бормоқда.

Сўнгги йилларда глобаллашув ва халқаро инеграция жараёнларининг чуқурлашуви туризм ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. XX асрнинг сўнгги чорагида жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларда юз берган туб ўзгаришлар натижасида мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар сезиларли даражада фаоллашди. Жаҳоннинг турли мамлакатларида иқтисодий тараққиётнинг юксалиши кишиларнинг турли мақсадларда бир мамлакатдан иккинчисига қатнаб туриш қўламининг кенгайишини тақозо этади. Бу эса туризмни миллий иқтисодиётининг энг истиқболли тармоқларидан бирига айлантормоқда.

Бутун жаҳон туристик ташкилоти (БТТ) маълумотларига кўра, жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 11 фоизи, инвестицияларни 10 фоизи, жаҳон истеъмол харажатларининг 11 фоизи, солиқ тушумларининг 5 фоизи туризм соҳаси ҳиссасига тўғри келади.

Шундай экан, туризмни, айниқса халқаро туризмни Ўзбекистонда тобора ривожлантиришни даврнинг ўзи тақозо этади.

Ўзбекистонда халқаро туризм ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар юқорида таъкидланганидек, кўп асрлик тарихий ривожланишни ўзида акс эттирувчи ўзига хос маданий мероснинг мавжудлиги ва республикамизнинг диний-тарихий обидаларга бой эканлиги билан боғлиқ бўлиб, уларнинг аксарият қисми ЮНЕСКО томонидан ҳимоя қилинади. Самарқанддаги Улуғбек расадхонаси (1428-1429), Шоҳи Зинда меъморчилик мажмуаси (IX-XIX асрлар.), Ҳазрат Хизр масжиди (XIX аср ўрталари), Биби-Хоним Жомъе масжиди (1399-1404), Улуғбек (1417-1420), Шердор (1619-1635/36), Тиллакори (1647-1659/60) мадрасалари, Рухобод (1380), Гўри Амир (1404) мақбаралари, Оқсарой (1470), Хўжа Аҳрор (XV-XX аср) ансамллари, Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси (XVI аср), Каффол Шоший мақбараси (XVI аср), Бухородаги Сомонийлар мақбараси (IX-X асрлар), Чашмайи Айюб мазори (1380 ёки 1384/85), Абдуллахон мадрасаси (1596/98), Гавкушон (XVI аср), Лаби Ҳовуз (XVI-XVII аср) ансамллари, Ситораи Моҳи Хоса мажмуаси (XIX асрнинг охири - XX асрнинг боши), ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси республикамизда халқаро туризмни, шунингдек, диний ва танишув туризми соҳаларини ривожлантиришга кенг ва истиқболли имкониятларни яратган.

Ўзбекистонда халқаро туризмни янада ривожлантириш учун қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни билдирамыз.

1. Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти жуда ўлкан бўлиб (худудда тинчлик-барқарорликнинг мавжудлиги, ноёб табиат, кўплаб тарихий-маданий ва меъморий ёдгорликлар, улуғ қадриятлар вориси – меҳмондўст халқимизнинг мавжудлиги), у ички ва халқаро туризмни жадал ва истиқболли ривожлантириш учун асосдир.

2. Юртимизнинг бой тарихи, табиати, маданияти, меъморчилиги ҳақидаги қисқа видеороликларни, фотосурат ва бошқа тарғибот воситаларини кўпроқ ва сифатли тайёрлаб, уларни интернет сайтларига жойлаштириб бориш.

3. Халқаро туризм соҳаси бўйича салоҳиятли кадрлар тайёрлашга эътиборни янада ошириш.

4. Сайёҳлар учун хизмат шохобчалари турларини янада кўпайтириш ҳамда уларда хизмат кўрсатишни жаҳон талаблари даражасида бўлишига эришиш кабилардан иборат.

БУХОРО ВА ХИТОЙ АЛОҚАЛАРИ

(Сўнги ўрта асрлар мисолида)

Жаҳонгир Юнус ўғли Эргашев

*Бухоро давлат университети “Жаҳон тарихи” кафедраси стажёр-
тадқиқотчиси*

XVI асрдан бошлаб, халқаро денгиз йўлларининг очилиши Буюк ипак йўли фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Шунга қарамасдан сўнги ўрта асрларда Хитой ва Ўрта Осиё халқларининг иқтисодий-маданий алоқалари давом этди. Бу алоқалар ҳақида гапирганда, аввало Бухоро хонлигининг Хитой билан муносабатларини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи жиддий муаммолар бўлганлигини қайд этиш керак. Алоқалар ривожига салбий таъсир қилувчи сабаблар ичида карвон йўлларида хавфсизликни таъминлашдаги муаммолар етакчи ўрин тутарди. Еттисув ва Қашқар оралиғидаги кўчманчи қозоқ ва жунғорларнинг талончиликлари ҳам карвон савдосига тўсқинлик қиларди. Бу йўналишдаги карвон йўли хавфсизлиги таъминланмаганлиги учун савдогарлар Қашқар – Фарғона – Тошкент – Самарқанд – Бухоро – Марв – Машҳад орқали ўтган азалий савдо йўлидан кўра Хитойдан баланд Ҳиндиқуш тоғлари орқали Қандаҳор ва Ҳиротга, бу ердан Ўрта Ер денгизи қирғоқларига чиқувчи машаққатли йўллардан фойдаланишга мажбур бўлдилар. Лекин шунга қарамасдан, минтақамиз билан Шарқий Туркистон шаҳарлари ва Хитой ўртасидаги алоқалар бутунлай тўхтаб қолмади.

Бухоро хонлиги ва Шарқий Туркистондаги савдо шаҳарлари ҳамда Хитой билан XVI-XIX асрларда ҳам ўзаро иқтисодий-савдо алоқалари бўлганлиги кўплаб тарихий манбаларда ўз аксини топган[10:22-23]. Бу хорижий сайёҳлар томонидан ҳам қайд қилинган эътиборга моликдир. Хусусан, XVI аср ўрталарида Бухорода бўлган инглиз сайёҳи Антони Женкинсон Қашқар орқали йўл очиқ ва хавфсиз бўлган даврларда Хитойдан Бухорога савдо карвонлари келиши тўғрисида маълумот бериб ўтади[3:178]. XVI-XVII асрларда Хитойнинг пойтахти Пекинда бухоролик савдогарларнинг махсус савдо расталари бўлиб[4:88], бу уларнинг Хитойда доимий фаолият

кўрсатганлигидан, яъни Бухоро ва Хитой ўртасидаги алоқалар мунтазам давом этганлигидан далолат беради

Ўрта Осиёнинг йирик давлати бўлган Бухоро хонлигини Хитой билан боғловчи карвон йўллари темурийлар давридаги йўналишлар бўйлаб ўтган бўлиб, Бухородан Хитойгача бўлган йўлни карвонлар 9 ойда босиб ўтишган[8:119]. Минтақани Хитой билан боғловчи асосий йўллар Фарғона водийси ва Қашқар орқали ўтарди. Қиш ойларида Фарғонадан Қашқарга ўтувчи тоғ йўлларида фойдаланиш имконияти кескин пасайиб, Еттисув орқали ўтувчи йўлларнинг аҳамияти ошарди. Масалан, ибн Рузбехон Андижондан Хитойга Ясси (ҳозирги Туркистон) шаҳри орқали ўтувчи йўл ҳақида маълумот беради[12:114]. Еттисувдаги Болосоғун шаҳридан Тўқмоқ (15 чақирим шимолда), Отбош, Белошув орқали Тошрабат, Чодирқўл ва Қашқар чегарасидаги Туюнтепага орқали Қашқарга ўтувчи тоғ йўлини отда 10-11 кунда босиб ўтиш мумкин бўлган[1:41-46].

Умуман олганда, XVI-XIX асрларда Ўрта Осиё билан Хитойни боғловчи йўллар икки йўналишда – шимолий ва жанубий йўналишда бўлган. Шимолий йўналиш Еттисув орқали, жанубий йўналиш Фарғона водийси орқали ўтган. Ўрта Осиё – Хитойнинг ўзаро алоқаларида Шарқий Туркистон муҳим рол ўйнади. Карвонлар Шарқий Туркистондан ўтгандан сўнг, жанубий йўналиш бўйлаб Қашқар, Хўтан ва Ёркентга, шимолий йўналиш бўйлаб Турфон ва Хумулга боришган. Бу икки асосий карвон йўли Буюк Хитой деворининг ғарбида Хитой божхонаси жойлашган ҳудудда бирлашган[8:119]. Бу йўллардан ташқари, "Самарқанд", "Қоратегин", "Бадахшон" йўналишлари деб аталувчи ва тоғ доволари орқали ўтувчи бошқа йўллар ҳам бўлган ва улардан маълум даврларда, мавсумий фойдаланилган. Хусусан, Қашқардан Янги Ҳисор ва Қора Чаноқ қишлоғи орқали Шахноз дарёси водийси бўйлаб Бадахшонга ўтувчи йўл ҳақида "Тарихи Рашидий" муаллифи ҳам маълумот беради[7:368].

Хитой ва Ўрта Осиёни боғловчи йўллар ҳақида муҳим маълумотлар Мир Иззатуллонинг "Маъсир-и Бухоро" асарида ҳам мавжуд. Бу йўналиш Марказий Осиёнинг алоқа йўллари тизимида муҳим ўрин тутган бўлиб, тоғ доволари ва тоғолди ҳудудлари, бу ҳудудларда мавжуд кичик сойлар, дарёлардаги кечувлар орқали ўтган.

Шу туфайли ҳам Мир Иззатулло ва унинг ҳамроҳлари бу йўналишни босиб ўтишда бир қатор табиий қийинчиликларга дуч келганлар. Хусусан, Мир Иззатуллонинг ёзишича, Чуқурчиқ – Лангар йўналишида, аниқроғи Зиртепадан Лангарга ўтишда мавжуд бўлган тоғдан тушиш пайтида қор ниҳоятда кўп бўлганлиги боис, Мир Иззатуллога тегишли бўлган битта от ва у билан сайёҳат қилаётган карвонга тегишли бир нечта отлар халок бўлган[6:40в,6:20-22]. Қашқардан Қўқонга ўтувчи йўлнинг айрим йўналишлари, хусусан тоғ давонларидан қиш ойларида ҳаракатланиш бир қатор қийинчиликлар туғдириши ҳақида рус зобитлари асарларида ҳам маълумот беради[11:167].

Етгисувдаги нотинч сиёсий вазият ҳамда Хитойда хусусий савдогарларга мамлакатдан ташқарига чиқиб савдо қилишларига рухсат берилмаганлиги икки томонлама савдо алоқаларига ўз таъсирини ўтказарди. Маълумотларга қараганда, сўнгги ўрта асрларда Ўрта Осиёдан ва бошқа мамлакатлардан келган савдогарларга Хитойнинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Сучжоу ва Ганьчжоу (Камжу) шаҳарларигача боришга рухсат этилган. Элчилик миссиялари таркибида эса 100 тадан ортиқ киши бўлмаслиги керак эди. Элчиларни ҳам кўп ҳолатларда чегара шаҳарларида қабул қилишиб, Пекинга 20 дан ортиқ киши ўтказилмаган[2:112-114]. Бу сиёсат Хитой ҳукуматининг ташқи савдо алоқаларини бутунлай давлат монополиясига айлантиришга бўлган ҳаракати билан боғлиқ эди.

Сўнгги ўрта асрларда минтақадаги хонликларнинг ички низолари кучайиши ҳам Ўрта Осиё – Хитой алоқаларига тўсқинлик қилар эди. Лекин шунга қарамасдан, Бухорода хитойлик савдогарлар ҳам бор эди. XIX аср бошларига тегишли манбаларда Қашқардан Ўрта Осиёга ўтувчи 3 та довон – шимолда Беловули ёки Толдик довони, жанубда Шарт довони ва улар ўртасида Терек довони фаолият кўрсатгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу довонлардан мавсумий фойдаланилгани, хусусан, қиш ойларида Терек довонидан, ёз ойларида эса Шарт довонидан ўтилган[5:72]. Юқорида келтирилган маълумотлар, Ўрта Осиё – Хитой алоқалари сўнгги ўрта асрларда ҳам бутунлай тўхтаб қолмаганлигидан, Буюк ипак йўлининг айрим

тармоқлари кейинги тарихий даврларда ҳам фаолият кўрсатганлигидан далолат беради.

Шу тариқа, сўнги ўрта асрларда, Ўрта Осиёнинг ташқи алоқалари ва карвон йўллари йўналишларида бирмунча ўзига хос жиҳатларни кўриш мумкин. Бу бир томондан, Буюк ипак йўли фаолиятида узилиш юз берган, Ўрта Осиёнинг халқаро алоқалари ва транзит карвон йўллари фаолиятида бирмунча инқирозли ҳолатлар кўзга ташланишида, иккинчидан, минтақада ва унга қўшни ҳудудларда юз берган сиёсий ўзгаришларга мос равишда янги алоқа йўналишлари пайдо бўлганида намоён бўлади. Ривожланган ўрта асрлардан фарқли равишда, XVI-XIX асрларда минтақанинг асосий сиёсий ва иқтисодий ҳамкори сифатида Россия давлатининг мавқеи ошиб борди. Бу ўз навбатида, юқорида кўриб ўтганимиздек, Ўрта Осиёнинг савдо марказларини Сибирь ва Россиянинг марказий ҳудудлари билан боғловчи карвон йўллари фаолиятини келтириб чиқарди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, минтақа, Хитойни жануби-ғарбий Осиё ва Европа мамлакатлари билан боғловчи транзит ҳудуд сифатидаги аҳамиятини сўнги ўрта асрларда бирмунча йўқотган бўлсада, Шарқий Туркистон ва Хитой, Эрон ва Ҳиндистон билан олдинги даврларда шаклланган анъанавий алоқаларини сақлаб қолди. Буларнинг барчаси тегишли йўналишлардаги алоқа йўллари тизими фаолиятига олиб келарди.

АДАБИЁТЛАР

1. Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 240 б.

2. Буриев О., Калганов А. Об одном участке Великого шелкового пути // На Среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. Очерки истории и культуры. – Ташкент: Фан, 1990. – С.106-116.

3. Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию. 1558-1560 гг.: Английские путешественники в Московском государстве в XVI в. / Перевод с английского Ю.В. Готье. – Л.: Полиграфкнига, 1937. – С. 167-192.

4. Зияев Х. Ўрта Осиё ва Сибир (XVI– XIX асрлар). – Тошкент: Фан, 1962. – 88 б.

5. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М.: Наука, 1975. – 182 с.

6. Мир Иззатулло. Ма'сири Бухоро (Бухорога саёҳат) // Қўлёзма (форс тилида). – (Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази кутубхонаси). – 102 в. Мавлонов Ў., Аминов Б. Мир Иззатулло ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати / Жамият ва бошқарув.– Тошкент, 2006. – № 4. – Б. 20-22.

7. Мирза Мухаммад Хайдар. Та'рих-и Рашиди / Введение, перевод с персидского А. Урунбаева, Р.П. Джалиловой, Л.М. Епифановой. Примечание и указатели Р.П. Джалиловой и Л.М. Епифановой. – Ташкент: Фан, 1996. – 728 с.

8. Мукминова Р.Г. Традиции взаимосвязей по Великому шелковому пути в позднефеодальный период // На среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. – Ташкент: Фан, 1990. – С. 117-125.

9. Путешествие Т.С. Бурнашева от Сибирской линии до города Бухары в 1794 г. и обратно в 1795 г. Изложено Г. Спасским // Сибирский вестник, 1818. – № 3. – С. 72-89.

10. Султонова Г. Бухоро ва Ёркенд хонликлари ўртасидаги савдо алоқалари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2004. – № 3 (23). – Б. 20-22.

11. Трусов. Краткое описание Ферганы 1886 г. Ген. Штаба капитана Трусова // СМА. – СПб.: Военная типография, 1888. Вып. XXXV. – С. 157-187.

12. Фазллах ибн Рузбехан. Михмон-нома-йи Бухоро (Записки бухарского гостя) / Перевод с персидского, предисловие и примечание Р.П. Джалиловой. – М., 1979. – 287 с.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИДА ТРАНСПОРТ КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Носиров Ф.Ш.

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ички ишлар органлари ходимларини
бошлангич тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ўқитувчиси*

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Буюк ипак йўлида жойлашган Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таъкидлашича, “Марказий Осиё геостратегик жойлашувига кўра, минг йиллар давомида жаҳон миқёсидаги жараёнлар марказида бўлиб келган.

Бизнинг минтақамиз доимо ўзининг бой маданий-тарихий мероси билан Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғлайдиган ноёб кўприк вазифасини ўтаб келган”¹⁸⁶.

Шу боис ҳам, Буюк Ипак йўли марказида жойлашган Марказий Осиё минтақасининг геосиёсий жиҳатдан Евросиё мегаконтинентидаги ўрни беқиёсдир¹⁸⁷.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий муносабатларининг таркибий қисми ҳисобланган транспорт коммуникациялари, нефть ва газ экспорти, азалий Буюк Ипак Йўли давомчиси бўлган ТРАСЕКА фаолиятини ривожлантириш давлатлараро муносабатларни йўлга қўйиши билан бирга Марказий Осиё давлатларнинг халқаро транспорт каридорларида фаол иштирокини таъминлайди.

1993 йил май ойида илк бор Буюк Ипак Йўлининг тарихий аҳамияти ва башарият цивилизациясида тутган ўрни инобатга олиниб, Европа ва Осиёни бир-бирига боғлайдиган “Европа-Кавказ-Осиё” транспорт йўлаги ТРАСЕКАни барпо этиш масаласи кўриб

¹⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувидаги нутқи. // Халқ сўзи, 2019 йил 30 ноябрь.

¹⁸⁷ Кучаров Ч.Ш. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари (геосиёсий таҳлил тажрибаси). Т.: 2008. – Б. 112.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

чиқилди ва шу асосда декларация қабул қилинди¹⁸⁸. Ундан кўзланган мақсад янги мустақил давлатлар – Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларини халқаро савдо-сотиқ интеграциялашувига тортиш, уларга сиёсий ва иқтисодий кўмак беришдан иборат.

1995 йил 19-20 май кунлари Олмаота шаҳрида ТРАСЕКА ишчи гуруҳининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди. Унда ТРАСЕКА лойиҳасига аъзо давлатлар: Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон раҳбарлари қатнашиб, ўтган икки йил давомида амалга оширилган темир йўл, автомобил йўли, денгиз транспорти ва савдо соҳасида эришилган натижаларга алоҳида эътибор қаратилиб, келгусида қилинадиган ишлар белгилаб олинди¹⁸⁹.

1996 йил Серахсда Марказий Осиё билан Эрон темир йўл тармоқларининг туташтирилганлиги ТРАСЕКА лойиҳасини амалга оширишда дастлабки қадам бўлди. Ўзбекистон орқали Туркменистонга, Туркменистон орқали Ўзбекистонга юк ташилиши икки давлатнинг транзит соҳасидаги салоҳиятини мустаҳкамлаб, минтақалар ва қитъалар ўртасидаги халқаро савдо-сотиқни, кенг кўламдаги сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ТРАСЕКА лойиҳасини амалга оширишда Туркия, Хитой ва Япония каби давлатлар билан бирга бир қанча халқаро молиявий ташкилотлар - ЕТТБ, ХВФ, Бутунжаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки каби ташкилотларнинг қизиқиши замонавий Буюк ипак йўлининг нақадар жозибадорлигини оширади.

2011 йил 25 апрел куни бу лойиҳага оид навбатдаги йиғилишда Ўзбекистон Республикаси, Туркменистон, Эрон Ислон Республикаси, Уммон Султонлиги ва Қатар Ҳукуматлари ўртасида халқаро транспорт ва транзит йўлагини яратиш тўғрисидаги Битим (Ашхобод Битими) имзоланди. 2014 йил 6 августда ушбу Битим (Ашхобод Битими)нинг амалга оширилиши бўйича Меморандум имзоланди¹⁹⁰. Марказий Осиё мамлакатлари ва Форс кўрфази

¹⁸⁸ Мирзаев Ғ.Р. Марказий Осиё интеграциясида буюк ипак йўли: замонавий ҳамкорлик ва истиқболлар. Ҳарбий-техник институти ахборотномаси. 2019 йил 4-сон. -Б.133-135.

¹⁸⁹ Мирзаев Ғ.Р. Марказий Осиё интеграциясида Буюк ипак йўли: замонавий ҳамкорлик ва истиқболлар. Ҳарбий-техник институти ахборотномаси. 2019 йил 4-сон. -Б.133-135..

¹⁹⁰ Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами. Т.: 2016. №1-3. – Б. 12-14.

ҳамда Уммон денгизи портлари ўртасидаги товарларни узлуксиз ташишга ва транзит учун ишончли транспорт йўлагини яратишга йўналтирилган ушбу ҳужжат 2014 йил 15 октябрда тасдиқланди. Ҳужжатдан келиб чиқиб 2016 йил 23 апрелда Марказий Осиё, Форс кўрфази ҳамда Уммон денгизи портлари транспорт йўлагини вужудга келтирувчи халқаро транспорт ва транзит йўлагини яратиш тўғрисидаги Ашхобод Битими кучга кирди¹⁹¹. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунга келиб минтақада транспорт секторининг ЯИМ таркибидаги улуши 5% дан 15% гача ошганлиги фикримиз тасдиғидир¹⁹². Бироқ, бу кўрсаткич ҳаракатларни самарали мувофиқлаштириш ҳисобига йилдан-йилга сезиларли миқдорда ошиб бориши мумкин. Шу сабабли, Марказий Осиё давлатлари транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик ва транспорт секторини ривожлантириш бўйича биргаликдаги ташаббусларни мунтазам равишда муҳокама қилишга интилоқдалар.

Маълумотларга қараганда, ҳозирги пайтда Ўзбекистон 200 дан ортиқ транспорт компаниясига эга автомобилларда халқаро юк ташувчилар уюшмасининг аъзоси ҳисобланади. Агар 2008 йилда бу компаниялар томонидан 560,2 минг тонна экспорт-импорт юклари ташилган бўлса, 2015 йилга келиб, мазкур кўрсаткич 1583,2 минг тоннага етди, яъни 2,8 баробар ошди. Мазкур уюшма Автомобиль транспорти халқаро иттифоқида, шунингдек, чет элдаги ташкилотлар олдида миллий юк ташувчиларимизнинг соҳа фаолиятига доир барча масала бўйича манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади¹⁹³.

Таъкидлаш жоизки, Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятининг бошланиши минтақавий транспорт коммуникациялари тизимида янги даврни бошлаб берди. Марказий Осиё мамлакатлари ана шундай ташаббуслар ва ўзаро ишонч, дўстона муҳит шароитида қатор транспорт коммуникацияларига доир лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев 2018 йилда Нурсултон шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи учрашувида транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш

¹⁹¹ Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами. Т.: 2016. №1-3. – Б. 4-11.

¹⁹² <http://gazeta.norma.uz/publish/doc/text129867> transport va logistika bugun va istiqbolda Мурожаат этилган сана: 2017 йил 8 март.

¹⁹³ Қоржовов А. Логистика – тараққиёт мезони. // Халқ сўзи. – 2016. – 23 апрель.

орқали минтақага йирик денгиз портлари ва жаҳон бозорлари билан боғланиш имконини бериш устувор вазифа эканига эътибор қаратган эди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорлик” резолюцияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда минтақада транспорт инфратузилмаси ва транзит йўлақларини ривожлантириш, янги автомобиль ва темир йўллар, авиақатновларни очиш орқали барча транспорт турларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш кўзда тутилган¹⁹⁴.

2018 йил кузда Тошкентда “Марказий Осиё халқаро транспорт йўлақлари тизимида: стратегик истиқболлар ва фойдаланилмаган имкониятлар” мавзусида халқаро конференция ташкил этилди. 40 дан зиёд мамлакат, халқаро ташкилот, молия институтлари, йирик транспорт компаниялари вакиллари иштирок этган анжуман минтақа мамлакатлари транспорт-транзит салоҳиятини ривожлантириш истиқболларини белгилаб олиш имконини берди.

Тадқиқ этилган материаллар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатлари билан транспорт коммуникациялари тизимида бир қатор ютуқларни қўлга киритганлигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, Ўзбекистон ва Тожикистон пойтахтларини ўртасида авиақатновлар тикланди. Тошкент – Олмаота йўналиши бўйлаб тезюрар поездлар ҳаракати, қўшимча паровозлар, Марказий Осиёда илк бор тўғридан-тўғри Хитойга чиқадиган Тошкент – Андижон – Ўш – Ирқиштом – Қошғар автомобиль йўлаги бўйича қатновлар йўлга қўйилди. Транзит ташишлар ҳажмини ошириш мақсадида 2018 йилда Ўзбекистон билан Тожикистон чегарасида Самарқанд ва Панжикентни бирлаштирувчи “Жартепа” назорат-ўтказиш пункти, Ғалаба – Амузанг – Хушади темир йўл линияси ишга туширилди. Саккизта автомобиль ва битта “Амузанг” темир йўл ўтказиш маскани, Ўзбекистон – Қирғизистон чегарасидаги “Дўстлик” назорат-ўтказиш пункти фаолияти қайта тикланди¹⁹⁵.

¹⁹⁴ Халқ сўзи. – 2019. – 23 ноябрь

¹⁹⁵ Халқ сўзи. – 2019. – 23 ноябрь.

Ўзбекистон ва Туркменистон давлатлари ўртасидаги транспорт коммуникация масалаларига 2017 март ойидаги икки мамлакат раҳбарининг бўлиб ўтган учрашувида ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Боиси, транспорт соҳаси ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Икки мамлакатнинг ўзаро интеграциялашган автомобиль ва темир йўллари нафақат улар ўртасидаги транспорт-коммуникацияларни мустаҳкамлайди балки, учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтайди. Икки давлат раҳбарларининг учрашуви якунлари бўйича Ўзбекистон – Туркменистон – Эрон – Уммон ҳалқаро транспорт-коммуникация коридоринининг муҳим участкасини амалга оширишга киришилди: Амударё орқали Туркманобод – Фароб темир йўли ҳамда автомобиль йўли кўприклари (2017 йил 7 март) очилди.

Ўзбекистон – Туркменистон – Каспий денгизи – Бокуга чиқиш орқали Жанубий Кавказ – Тбилиси – Карс йўналиши бўйича тўғридан-тўғри транспорт-коммуникация магистралини яратиш ғоясини амалга ошириш ҳамда Грузия, Туркия, Руминия ва бошқа давлатларнинг Қора денгиз бўйидаги портларга чиқиш имконияти пайдо бўлмоқда¹⁹⁶.

Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, “муҳандислик ишлари, транспорт-коммуникация ва геостратегик аҳамиятга кўра ноёб бўлган Туркманобод – Фароб кўприklarининг ишга туширилиши нафақат икки қардош халқ, балки бутун Марказий Осиё минтақаси ҳаётида муҳим воқеадир”¹⁹⁷.

Таъкидлаш керакки, “Туркманобод – Фароб” автомобиль ва темир йўл кўприклари икки мамлакат транзит салоҳиятини юксалтиришга имкон берадиган ҳамда Туркменистон орқали Транскавказ транспорт йўлаги билан Жанубий ва Марказий Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига транзит ва юк ташиш ҳажмларини бир неча маротоба кўпайтиришга қулай шарт-шароитлар яратади¹⁹⁸. Эътироф этиш керакки, Туркманобод – Фароб автомобиль ва темир йўл кўприklarининг товар ўтказиш кўрсаткичи 2,5 баробарга ортгани ҳам икки

¹⁹⁶ Халқ сўзи. – 2018. – 10 март.

¹⁹⁷ Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 363.

¹⁹⁸ Хабарнома. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг нашри. – Т.: 2017. – № 1. – Б. 243.

мамлакатнинг транспорт коммуникацияси соҳасидаги лойиҳаларининг амалий ифодаси эканлигидан далолат беради¹⁹⁹.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан иқтисодий алоқалари, ўзаро товар айрибошлашни ривожлантириш, иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ҳисобланган транспорт коммуникацияси тармоқларидаги ҳамкорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувидаги нутқи. // Халқ сўзи, 2019 йил 30 ноябрь.

2. Кучаров Ч.Ш. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари (геосиёсий таҳлил тажрибаси). Т.: 2008. – Б. 112.

3. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами. Т.: 2016. №1-3. – Б. 12-14.

4. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами. Т.: 2016. №1-3. – Б. 4-11.

5. http://gazeta.norma.uz/publish/doc/text129867_transport_va_logistika_bugun_va_istiqbolda Мурожаат этилган сана: 2017 йил 8 март.

6. Қоржовов А. Логистика – тараққиёт мезони. // Халқ сўзи. – 2016. – 23 апрель.

7. Халқ сўзи. – 2019. – 23 ноябрь

8. Халқ сўзи. – 2019. – 23 ноябрь.

9. Халқ сўзи. – 2018. – 10 март.

10. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 363.

11. Хабарнома. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг нашри. – Т.: 2017. – № 1. – Б. 243.

12. Халқ сўзи. – 2017. – 23 май.

¹⁹⁹ Халқ сўзи. – 2017. – 23 май.

АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДАГИ ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИК

Ўтаева Феруза Холмаматовна

*Бухоро Давлат Университети Бухоро тарихи кафедраси катта
ўқитувчиси*

Замонавий рақамли инновацияларни базасини кенгайтириб, фанни маълумотлар базасини такомиллаштириб борилиши давр талабидир. Тарихга таалуқли рақамларнинг салоҳиятини оширишнинг аҳамиятли йўлларида бири бу археологик тадқиқотлардир.

Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йилни “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” ва 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилинди. Инновация бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак.²⁰⁰

Инновацион ғоялар ва тенденциялар борасидаги изланишлар самарасида Бухоро тарихида илм-фан тараққиёти ва ривожланиш жараёнида жуда катта ўзгаришлар ва ютуқларга эришилди. Айниқса, археологик тадқиқотлар Бухоронинг қадимийлиги ва цивилизация жараёнларининг тарихи қайтадан кенг ўрганилди. Ўзбекистон ЮНЕСКОга аъзо бўлганидан кейин, Бухоронинг қадимий ёдгорликлари ва маданий обидаларига эътибор янада ошди ва тадқиқот ишлари жонлантирилди. Археологик объектларга инновацион нуқтаи назардан ёндашилди. Жаҳон археологик тадқиқотлардаги изланишлар ва тенденциялар Бухородаги қадимги археологик объектларни ўрганишга жалб этилди. Тарихдан маълумки, инсониятнинг маданий ва маърифий жиҳатдан ривожланган маскани бу илк шаҳарлардир. Бухоронинг энг қадимги шаҳарларидан бири Пойкентдир. Археологик маълумотларга қараганда бу ҳудудда

²⁰⁰ Шавкат Мирзиёев Олий мажлисга мурожатномасидаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 22-декабр

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

инсоният бронза давридан бошлаб яшай бошлаган. Ўзбекистонда иккинчи жаҳон уруши йилларида ФАнинг филиалининг ташкил этилиши Археологик тадқиқотларнинг Бухорода ва айниқса, Пойкентда ишлари кенг олиб борилган. Жумладан, 1940 йил Эрмитаж музейининг илмий ходимлари А.Ю.Якубовский, В.Н.Кесаев ва В.А.Шишкин Пойкентнинг топографик харитасини яратдилар. 1980 йилларда Ўз ФА Археология институтининг етакчи илмий ходими А.Р.Муҳаммаджонов, Ж.Мирзааҳмедовлар ва Эрмитажнинг илмий ходими Г.Л.Семёнов иштирокида Пойкентда қазилмалар ўтказилди. 1990-2000 йилларда Ўзбекистон-Россия қўшма экспедицияси Пойкент шаҳар харобаларини ўрганиб, йиллик ҳисоботларни ёзиб қолдирдилар.²⁰¹ 2000-2002 йилларда Тайван университети археолог аспирантлари Жон Стенли – Бейкер бошчилигида шаҳарнинг ғарбий қисмида изланишлар олиб бордилар. Пойкентдаги уйлар Варахша ва Афросиёб уйларидан фарқли равишда қурилганлигини аниқладилар. 2002- 2004 йилларда шаҳарнинг арк қисмида Б.Абдуллаев ва Н.Собировлар изланишлар олиб бордилар. IX-XI асрларда аҳоли яшаш учун ўзларига анча қулайликлар, жумладан, ҳар бир уйда ҳаммом, ташнай, ва ҳожатхона алоҳида қилиб қуриш анъанаси ўзлаштирилди. 2005 йилда эса масжид топиб ўрганилган. Замонавий инновациялар ёрдамида кейинги ўн йил давомида Пойкентда археологик изланишлар самараси сезиларли даражада амалга оширилди.

Бухоро тарихини янада бойитиш ёки унинг тарихнинг 3000 йиллик бой манбага эга эканлигини юзага чиқаришда жаҳондаги илғор тажрибалар билан инновацион ҳамкорликни узлуксиз олиб боришлигидир. Пойкентда археологик тадқиқотларнинг кўламини яънада кенгайтириш аҳамиятлидир.

Замонбобо маданияти Қорақўл тумани марказидан 15 км шимолий-ғарбда жойлашган Замонбобо (номи шундан) кўли соҳилидаги макон (майдони 170 м²) ва қабристон (44 қабр) ўрганилган. Қабристонда Я.Ғуломов, А.Аскарлов археологик қазилмалар олиб борган. Қабилалар ярим ертўла, енгил чайлаларда яшаган. Ертўла ўтов шаклида, устунлари чуқурчаларга ўрнатилган, усти қамиш билан ёпилган ва сомонли лой билан сувалган. Сопол

²⁰¹ Эшов Б. Қадимги Ўрта Осиё шаҳарлари. Тошкент 2000.-Б-56

идиш (хум, хумча, тўғри бурчакли сувдон, товоқча) лар нақшсиз бўлиб, асосан, қўлда, айримлари чархда ясалган. Чақмоқтошдан ишланган қадама ўроқлар, ёрғучоқ бўлаклари, ҳовонча дасталар ва кўмирга айланган буғдой, арпа донлари, сигир, қўй, эчки суякларининг топилиши, 1990-2005 йилларда археологик тадқиқотлар натижасида ҳосилдорлик маъбудасининг кичик сопол ҳайкалчасига мўл-кўлчилик рамзи сифатида эътиқод қилинган бўлса керак.²⁰²

Бухоро қадимдан илм ва маънавият маркази. Бухорода археологик манзиллар жуда кўп бўлиб улар тадқиқ қилинган, лекин шунга қарамасдан замонавий илғор техника ва технологиялар ёрдамида ўрганилса тарихнинг бой манбалари очилиб, Бухоронинг қадимийлиги ҳақида кўплаб янги маълумотлар топилиши мумкин. Бухоро тарихини ўрганишда археологик тадқиқотлар жонлантирилиб, Германия, Россия ва илғор Европа давлатлари билан хорижий инновацион тажрибалар олиб бормоқда. Бухоро халқи ўзининг янги инновацион ғоялари билан тарихдан гувоҳлик берувчи қадимий жойларни ўрганади ва таҳлил қилади.

БУХОРО ЭЛЧИСИ БОЛТАҚУЛБЕК ЧИҒАТОЙБЕГИНИНГ УСМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИГА ТАШРИФИ ХУСУСИДА

Шодиева Шаҳло Солиевна

*Бухоро давлат университети, Бухоро тарихи кафедраси таянч
докторанти*

Ўзбек миллий дипломатияси тарихи Ўзбекистоннинг ўта муҳим ва ажралмас таркибий қисмидир. Ҳозирда мазкур масалани илмий асосда, холисона ёритиш республикамиз тарихчи олимларининг долзарб вазифаларидан биридир. Зеро, ўзбек миллий дипломатиясининг қадимги даврлардан тортиб то хонликлар даври, шу жумладан, XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Бухоро амирлиги ва Усманийлар империяси ўртасидаги эришган ютуқ ва камчиликларни холис ўрганиш ва таҳлил этиш асосида зарур

²⁰² Б. Мирзоқулов Бухоро тарих зарварақларида.Т., 2016.-Б-8-9

сабоқлар, назарий хулосалар чиқариш нафақат илмий, балки муҳим амалий ва тарбиявий аҳамиятга ҳам эгадир.

Дипломатик муносабатларнинг асосий субъекти бўлиши элчилар бир қатор ижобий сифатларни ўзида шакллантирган бўлмоғи даркор. Хусусан, унинг билимли, заковатли, садоқатли, кўзи тўқ, босиқ, уят-андишали, кенг қамровли, зеҳнли, доно, зийрак, ичимлик ичмайдиган (сархушд қиладиган ичимлик Ш.Ш.) кўркли, мард, ширин сўзли бўлиши билан бир қаторда элчи қилиб юборилган мамлакатнинг урф-одатини ва тилини яхши биладиган, ҳар қандай вазиятдан моҳирлик билан чиқа оладиган сўзамол бўлиши талаб этилган. Мана шундай элчилардан бири Болтақулибекдир. Биз тадқиқ қилаётган даврда Бухоро амирлиги ва Усманийлар империяси ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда элчи Болтақулибек фаолияти очиб берилади.

Усманийлар ҳукумати Бухоронинг Ўрта Осиё хонликлари орасида устунлиги ҳақида фатво беришни истамаганлиги, Бухоро амирлари эса Усманийларнинг Эронга нисбатан муносабатини қўллаб-қувватламаганлигига қарамай, Усманийлар билан амирлик ўртасидаги элчилик алоқалари тўхтаб қолмади. Хусусан, Бухоро элчиси Мирзо Муҳаммад Фозил томонидан, Усманийлар империяси султони номига ёзилган, Бухоро амирининг мактубини етказганлигини тасдиқловчи хужжат[1.20] фикримиз далилидир. Бу мактубда Бухоро амирлигида кейинги беш йил ичида рўй берган фитналар ҳамда Тошкент, Қўқон, Хоразм ва Дашти Қипчоқдаги исёнлар сабабидан Усманийлар империяси билан алоқалар узилиб қолганлиги, шу исён ва фитналарга қарши курашиб, уларни бостириб, тинчлик ўрнатилганлигидан сўнггина яна Усманийлар империяси билан алоқаларни тиклаш имконияти пайдо бўлганлиги тўғрисида маълум қилиниб, Бухоро ҳукмдори номидан Усманийлар султонига дуо-ю саломлар орқали унга содиқлиги ва дўстона муносабатда эканлиги билдирилиб, ўзаро баҳамжихат дўстона ҳамкорликни муқим давом эттириш асосий мақсади эканлиги баён қилинган[1.22-23]. Бухоро амирлигининг Насруллохон (1826-1860 йй.) ва Музаффариддинхонлар (1860-1885 йй.) ҳукмронлиги давларида ҳам давом этиб турди. Чунончи, ҳар бир янги тахтга кўтарилган хон айрим мамлакатларга элчилар юбориб, бу ҳақда ўша давлат ҳукмдорларини хабардор қилиши лозимлиги анъанасига кўра, амир Насруллохон ҳам ўзининг тахтга чиққанлиги ҳақидаги хабарни Усманийларга етказиш учун қирқ уруғидан бўлган Болтақулбек Чиғатойбегини Усманийлар султони Абдулмажидга элчи қилиб

юборади. Болтақулбек Чиғатойбеги Истамбулга Эрон орқали сафарга чиқиб, қабул қилинган таомилга кўра, бу мамлакат подшоҳига ҳам (гарчи Эронга махсус, қирқ уруғидан бўлган Қобулбек бий элчи қилиб юборилган бўлса-да) ўз ҳукмдорининг ҳурмат эътиборини изҳор қилиш учун тўхтаб ўтади. Бу ҳақда «Кашкули Салимий» ёки «Тарихи Салимий» асарининг муаллифи Мирза Муҳаммад Салимий ёзиб қолдирган. Унда баён қилинишича қирқ уруғидан бўлган Болтақулбек Чиғатойбеги жуда тадбиркор, ақлли, доно ва сўзга бой дипломат бўлган. У Эрон шоҳи Муҳаммадшоҳ қожарнинг «Бухоро халқи Эрон фуқароларини ўғирлаб сотиб тирикчилик ўтказадилар-у, бунинг устига шарм-ҳаё қилмасдан подшоҳларга элчилар ҳам юборадилар», - деб ўз адоватини изҳор қилган сўзларига донолик билан жавоб бериб, бу вазиятдан қутула олган ва шоҳнинг эътиборига сазовор бўлган. Жумладан, у Эрон шоҳига ушбу давлатнинг қоидаларига асосан шоҳ қаршисида ўрнидан турган ҳолатда шундай жавоб қилади: «... Шаҳаншоҳга маълумки, қадимдан Бухоро подшоҳлари аксар мамлакатларга нисбатан номдор ва машҳур бўлганлар. Айрим кишилар бунга шак ва шубҳа қиладилар. Бухоро давлати ва Эрон мамлакати ўртасида туркман жамоаси бўлиб, на Бухоро ва на Эрон подшоҳи қонунларига тобеъдирлар. Улар бебошлик ва талончилик йўлини танлаганлар. Улар Эрон фуқароларини ўғирлашади, асирга олишади ва Бухоро бозорларида сотишади. Бухоро халқи асирларни сотиб олиб, уларга диндошлик муруввати ва шафқати ила ёрдам кўрсатиб, озод қиладилар. Улар (Эрон асирлари) Бухорони Ватан тутиб, уй-жой қилиб, бой бадавлат бўлиб, ҳатто подшоҳлар хизматида юқори мансабларга эришадилар ва Эрон вилоятини ўз хотираларидан чиқарадилар»[3.59a]. Муҳаммадшоҳ ушбу сўзларни эшитиб ҳурсанд бўлган ва Болтақулбекка: «Савоб ишдан ташқари мени ўз жавобинг билан ҳурсанд ва хотиржам қилдинг», -деб пул, махсус бош оёк сарпо ва ўзининг «Кабуд» (Кўк) лақабли суворий отини совға қилган[3.59б]. Эрон шоҳи элчилик таомили бўйича Бухоро элчиси шарафига бир неча кун зиёфат ўтказиб, кейин аъёнларига уни Туркия чегараларигача кузатиб қўйишни буюрган[2.112]. Болтақулбек Чиғатойбеги Раҳматбек ўғли Эрондаги ташрифини муваффақиятли адо этгандан сўнг ўз ҳамроҳлари билан Туркия султонлиги маркази Истамбулга етиб келади.

Султон Абдулмажид ҳузурига киришдан олдин тамойилга кўра, уни аввал сарой аёни бўлмиш қоплонбоши (Фикримизча, у Турк султонининг ташки ишлар билан шуғулланувчи вакили бўлса керак.

Ш.Ш.) кутиб олиб, ўз уйида меҳмон қилади ва ўз султонлигининг одатига мувофиқ элчидан Бухоро амирининг султон номига ёзилган номасини султонга тақдим этиш учун унга беришини сўрайди. Аммо Бухоро элчиси Болтақулбек Чиғатойбеги ўз хукмдорининг фармойишига асосан номани султон қўлига шахсан ўзи топширишлигини айтади[3.59б]. Бир неча кун ўтиб қоплонбоши элчини Султон ҳузурига кузатиб боради. Элчи Болтақулбек Бухоро давлатида қабул қилинган урф-одат бўйича белига фута (шохи белбоғ) боғлаб, унинг ўртасига ханжарни маҳкамлаб қўяди. Қоплонбошининг элчига бу одат Султон таъбига тўғри келмаслигини тушунтириб эътироз билдиришига қарамай элчи ўз урф-одатига қатъий риоя қилишини айтади ва Султон Абдулмажид ҳузурига киришга муяссар бўлади. Мирза Салим ўз асарида элчининг Султон ҳузурига ташрифини қуйидагича тасвирлаб, шундай ёзади: «Султон Абдулмажид элчидаги белбоғ ва ханжарни кўрди ва бунинг сабабини сўради. Элчи Султон қаршисида туриб жавоб берди: «Подшоҳлар қадимдан ўз ғуломларини сийлаб амирлик мартабасига кўтарадилар ва бирор белги берадилар. Чунончи, Истамбулда амирлик белгиси - пошо деб номланади, Ҳиндистонда ва Эронда - хон, Бухорода - бек деб атайдилар. Бу белбоғ (фута) ва ханжар шуни белгисидир» [3.60а].

Элчи ушбу ҳаракати билан ўзининг Бухоро ҳукуматида катта мартабадаги шахс эканлигини кўрсатибгина қолмай, балки бу орқали Султоннинг иззат-ҳурматига сазовор бўлишга эришади ва дипломатик муваффақият қозонади.

Турк султони Абдулмажид элчининг ҳозиржавоблигидан ҳурсанд бўлиб, унинг кўкрагига султонликдаги олий ордени – «Мажидия» (“Халоскорлик”) нишонини тақиб қўяди ва шундай дейди: «...бугун Сиз подшоҳларнинг икки белгисига сазовор бўлдингиз»[3.60б]. Элчи Болтақулбек Истамбулда 6 ой бўлгач, Бухорога қайтган.

АДАБИЁТЛАР

1. История Центральной Азии в османских документах. Том III. Общественная и повседневная жизнь. Самарканд: МИЦАИ, ТОО. 2012. 313 с.
2. Маннонов Б. Ўрта Осиё ва Эрон элчилик муносабатлари тарихидан // Эрон. Мақолалар тўплами. – Тошкент: Фан, 1977. – Б.112.
3. Мирза Муҳаммад Салим. Тарихи Кашкули Салимий // ЎЗР ФА ШИ. Инв.– №2016, В.59а-59 б-60б.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИДАГИ МИЛЛИЙ ЭТНИК ЎЗИГА ХОСЛИК ВА ИНТЕГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ МУАММОЛАРИ

Акмал Бахтиёрович Йўлдошев

*Бухоро давлат унивеситети Тарих ва маданий мерос факультети, Бухоро
тарихи кафедраси 2-босқич таянч докторанти*

Марказий Осиё минтақаси табиий ресурсларга бой ноёб, маданият ва тараққиёт салоҳияти мавжуд, тарих, дин, умумий маданият бирлаштирган, қудратли давлатларнинг манфаатлари кесишган беқарорлик ва қарама-қаршилик ўчоқларига туташ бўлган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек: “Евроосиёнинг юраги”да жойлашган, 70 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган ҳудуд ҳисобланади²⁰³.

XX асрнинг сўнги ўн йиллигида Совет Иттифоқининг парчаланиши оқибатида Марказий Осиё минтақасида мустақил давлатлар вужудга келиши ва ҳар бир давлатнинг истиқлол шароитида ривожланиши билан боғлиқ бўлган мураккаб геополитик ва геостратегик жараёнлар ўзига хос кечганлиги ортда қолган йилларда кўзга яққол ташланади. Марказий Осиё минтақасининг дунё тизимида ривожланишини Кавказ ва Болқон минтақаларига қиёслаш билан боғлиқ фикрлар билдириляётганлиги тасодифий эмас. Ушбу минтақанинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳар бир республиканинг миллий ва этник жиҳадан хилма-хиллигидир. Тарихнинг бир қатор босқичларида Маркази Осиё минтақасига тубжой миллатларидан ташқари бошқа миллат ва элатлар келиб жойлашган. Бу эса ўта мураккаб этноконфеционал манзарани юзага келтирди. Жумладан: бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 137 миллат ва этник гуруҳлар, Қозоғистон Республикасида қарийиб 130 миллат вакиллари, Қирғизистонда 90 дан ортиқ, Тожикистонда 80 га яқин миллат ва этнос вакиллариининг истиқомат қилиб келаётганлиги

²⁰³ Мирзиёев. Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – Б. 64 (508)

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

минтақа аҳолиси полиэтник таркиби турли-туманлигидан далолат беради²⁰⁴.

Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсатида ҳудудий масала, ҳудуд сиёсати муҳим калит ҳисобланиб, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ “чегара масаласи” кун тартибида асосий муаммолардан бири бўлиб қолди. Ўтган асрнинг 1920-йилларида Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-ҳудудий чегараланиш сиёсати туфайли юзага келган “тупроқ масаласи” ушбу суверен республикалар орасидаги муносабатларнинг нормал ривожланишига ҳамда ўзаро яхши қўшничилик муносабатларига чегаралар масаласидаги ягона сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатлар бирлигига ўз таъсирини кўрсатди. Айниқса, давлатлар ўртасида анклав²⁰⁵ларнинг мавжудлиги, жумладан, бир қатор Қирғизистон районлари Ўзбекистон Республикаси таркибига кириб қолган этник анклав бўлиб, бу миллатлараро муносабатларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Айниқса, Фарғона водийси республикалараро зиддиятларнинг муҳим маркази бўлиб, водийда Тожикистон Республикасининг Сўғд вилояти, Қирғизистон Республикасининг Ўш, Жалолобод, Боткент вилоятлари, Ўзбекистон Республикасининг Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятлари жойлашган бўлиб, Бу ҳудудда яшаётган 7,5 миллион аҳолининг 61 фоизини ўзбеклар, 39 фоизини тожик ва қирғизлар ташкил этиб, аҳолининг 75 фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Фарғона водийсида бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммолар мавжуд бўлиб, биринчидан, бу ҳудудда аҳолининг зичлиги юқори, ўртача 1 кв майдонга 500-600 киши, айрим жойларда эса 1000 киши тўғри келади. Иккинчидан, водийда асосан сув ресурсларининг танқислиги, аҳолининг тез ўсаётганлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига эҳтиёжнинг юқорилиги каби муаммолар мавжуд²⁰⁶. Тадқиқотларда кўрсатилишича, Фарғона водийсида ислом дини омилининг таъсирчанлиги, чорва моллари боқадиган майдонларнинг етарли эмаслиги, чегара можароларининг бўлиб туриши каби ҳолатлар республикалар ўртасидаги интеграцион жараёнларга салбий таъсир кўрсатади. Учта қўшни Республикалар

²⁰⁴ Панамарёва Е. Рудуов. Г. Межэтнические отношения как фактор нестабильности в странах Центрального Азия. //Азия и Африка сегодня. М., 2010. №9. –С. 50-51.

²⁰⁵ Анклав-бир мамлакат ҳудудининг иккинчи бир мамлакат ерига кириб қолган қисми.(А.Й.)

²⁰⁶ Алманов С.К. Анклавы в Центральной Азии: история вопроса и современные проблемы // Постсоветские исследования. М., 2018. Т.1.-№5. –С. 453 (451-460)

ўртасида биргини Фарғона водийсида 8 та анклавлар мавжуд бўлиб, унинг 3 таси Тожикистон Республикасига, 2 таси Қирғизистон Республикасига, 1 таси Ўзбекистон Республикасида, 2 таси эса ҳар уччала республикага тегишлидир. 2016 йилгача ушбу анклавлар ўртасида яхши қўшничилик, хавфсизлик ва барқарорлик масалалари мураккаб ҳолатда эди. 2016-2019 йилларда бу йўналишда Республикаларнинг минтақавий сиёсатида ижобий силжишлар рўй бериб, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистон томонидан давлат чегараларининг туташган ҳудуди ҳақида муддатсиз шартнома имзоланиб, у денонсация қилинмайдиган бўлди. Ўзбекистон ва Қирғизистон кўпдан буён давом этиб келаётган чегара муаммоларини ҳал этиш йўлида икки давлат чегараларининг 85 фоизи юзасидан келишувга эришди²⁰⁷.

Марказий Осёда барқарор ривожланишни таъминлаш йўлида амалга оширилаётган вазифалар кўлами кенг бўлсада, қўшни давлатлар ўртасида чегараларни, делимитация ва демаркация қилиш ишлари якунига етмаган. Бу борада республикаларнинг давлат бошлиқлари ва ҳукуматлари томонидан амалга оширилган ишларни қайд этиш мумкин. Жумладан, 2012 йилда Тожикистон ва Хитой чегараси тўлиқ делимитация ва демаркация қилинган бўлиб, ҳозирда бу энг сокин чегара чизиғи ҳисобланади. Бироқ, Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари ўртасида мавжуд 70 та муажароли участкаларнинг барчасида тўла ва узил кесил келишувга эришилмаган. Жумладан; Тожикистоннинг Хўжанд (Сўғдиёна) вилояти Исфара тумани ва Қирғизистоннинг Боткент вилояти ҳудудида жойлашган Ворух ва Ғарбий Калач анклавларида мураккаб вазият мавжуд бўлиб келмоқда. Бу икки тожик анклавида делимитация ишларини бажаришни қирғизлар талаб қилмоқда. Чунки Ворухда Тожикистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки йилда 23 минг киши яшарди, 2017 йилда бу ерда тожиклар сони 40 минг кишига етди. Бу эса табиий кўпайиш билан боғлиқ бўлмай кўп жиҳатдан миграцион жараёнлар туфайлидир. Тожик ва қирғиз расмий ҳукуматлари мавжуд вазиятни назоратдан чиқарди ҳамда бу ерда экстремистик ислом ғоялари илдиз отиб жиноятчилик юқори

²⁰⁷ Мирзиёев. Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – Б. 266

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

даражада эканлиги кузатилмоқда. Шу сабабли қирғиз чегара аҳолиси нохуш ҳолатлар келиб чиқмасидан олдин, Воруҳ ва Ғарбий Калачни делимитация қилишни талаб қилмоқда. Бу каби ечилмаган чегара масаласини Ўзбекистон ва Тожикистон анклавида ҳам кўриш мумкин. Наманган вилоятидан 1, 2 км чегара чизиғида жойлашаган Тожикистон анклави Сарвакда 2011 йилда Роғун ГЕСи масаласида ўзбек-тожик муносабатларидаги турфа хил ёндашувлар Ўзбекистон томонидан чегарада назоратни кучайтиришга сабаб бўлди ва ягона номли икки Сарвак қишлоқлари аҳолиси қавм-қариндошчилик алоқалар, тиббий ёрдам кўрсатиш, ўрта маълумот олиш имкониятларида тўсиқлар вужудга келди²⁰⁸.

Марказий Осиё давлатларини барқарор иқтисодий ривожланган минтақага айлантириш учун низоларни қўзғатадиган сабаб ва омилларга ҳамжиҳатликда барҳам бериб, умумминтақавий манфаатларни инобатга олиш орқалигина миллий ривожланишни таъминлаш мумкин. Чегара, сувдан фойдаланиш, транспорт йўллари, ўзаро манфаатли савдо-сотик масалалари соҳасида амалий қадамлар қўйилаётганлиги, ҳамкорликнинг аниқ лойиҳалари ишлаб чиқиётганлиги муҳим бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг 6 та йўналиши (садо-иқтисодий алоқалар, транзит-логистика салоҳиятидан самарали фойдаланиш, хавфсизлик ва барқарорлик йўлида амалий ҳамкорлик, давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилишни якунига етказиш, сув ресурсларидан адолатли фойдаланишни тартибга солиш, маданий гуманитар дўстлик, яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш А.Й.) ни белгилаб бериб, бу борада стратегик вазифаларнинг “йўл харитаси” ни ишлаб чиқдилар. Зероки, Марказий Осиё минтақасидаги давлатларда ўзбеклар тубжой аҳолидан кейин иккинчи ўринда кўпсонли миллат вакиллари бўлиб яшаб келаётганлиги ва улар сони йилдан йилга ошиб бораётганлиги, ушбу давлатлар билан Ўзбекистоннинг яхши қўшничилик муносабатлари минтақадош миллат дошларимиз учун ҳам манфаатли бўлишини ҳеч қачон унутмаслик керак. Ўзбекистон Республикасида тожиклар 2000 йилда 1,2 миллион кишини ташкил

²⁰⁸ Мурталиева З.Т. Анализ каторых факторов влияния на политические процессы в Центральной Азии. // Вестник Кыргызско-Российского Славянского университета. Бишкек. 2017. Т. 17. № 9. –С 61-64

этган бўлса (4,5 фоиз, ҳозир 5 фоиз А.Й.), Тожикистонда 2010 йилда 1,1 миллион ўзбеклар (14 фоиз, ҳозир 14,7 фоиз А.Й.) истиқомат қилади. Қирғизистонда 2018 йил 1 январдаги маълумотга кўра 918,262 нафар (14,7 фоиз) ўзбеклар истиқомат қилади. Қазоғистон ва Турманистонда ҳам ўзбеклар тубжой қазоқ ва туркман миллатидан кейин иккинчи ўринда турадиган кўп сонли миллат вакиллари. Туркманистон аҳолисининг 5 фоизини, Қазоғистон аҳолисининг 3,5 фоизини ўзбеклар ташкил қилади. Марказий Осиё минтақаси давлатлари ўзбек жамоалари кўп сонли бўлиб яшаётган мамлакатларга киради.

Ноёб имкониятларга эга бўлган, улкан салоҳияти ишга солинмаган Марказий Осиё минтақасида миллатлараро ҳамжиҳатлик, тинчлик ва осойишталик, фаровон ҳаётга эришиш Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида энг муҳим йўналишлардан бир бўлиб қолмоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев. Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. 508 бет.

2. Алманов С.К. Анклавы в Центральной Азии: история вопроса и современные проблемы // Постсоветские исследования. М., 2018. Т.1.- №5. –С. 451-460

3. Мурталиева З.Т. Анализ каторых факторов влияния на политические процессы в Центральной Азии. // Вестник Киргызско-Российского Славянского университета. Бишкек. 2017. Т. 17. № 9.С61-64

4. Панамарёва Е. Рудуов. Г. Межэтнеческие отношения как фактор нестабильности в странах Централной Азии. //Азия и Африка сегодня. М., 2010. №9. –С. 50-55.

5. Муаллифнинг шахсий суҳбат материаллари, 2019 йил 11-17 август (Фарғона, Андижон, Наманган, Ўш)

ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОСИЁ–ТИНЧ ОКЕАНИ МИНТАҚАСИ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ҲАМКОРЛИГИ

Усаров Сирожиддин

*Самарқанд давлат университети “Жаҳон тарихи” кафедраси таянч
докторанти*

Замонавий дунёда инвестиция иқтисодий юксалишнинг бош омилларидан бирига айланди. Мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатлари жалб қилинаётган инвестиция ҳажми ва унинг самарадорлиги билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги... Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади” . Шунинг учун хорижий инвестицияни жалб қилиш мустақилликнинг илк кунларидан Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатининг асосий вазифаси сифатида қаралган.

Осиё–Тинч океани минтақасининг ривожланган етакчи давлатлари Ўзбекистон Республикасининг асосий ташқи савдо шериклари ва инвестициявий ҳамкорлари қаторидан ўрин эгаллаб келмоқда. Минтақанинг жадаллик билан ривожланаётган, барқарор иқтисодиётли давлатлари сирасига кирувчи Индонезия, Малайзия ва Сингапур давлатлари билан сармоявий ҳамкорлик муайян даражада Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланиши, замонавий технологиялар жорий қилиниши ва рақобатбардош ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилишига хизмат қилди.

Бу йўналишдаги ҳамкорлик айниқса, Ўзбекистонда яқин йилларда мамлакат инвестицион жозибadorлигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмини кенгайтиришга қаратилган катта ислоҳотлар ва қўрилган чора-тадбирлар натижасида янги даражага чиқа бошлади. Айни вақтда бу омиллар

Ўзбекистоннинг Индонезия, Малайзия ва Сингапур билан инвестициявий алоқалари ривожига ижобий таъсир кўрсатганлигини таъкидлаш ўринли. Бу борадаги ислохотларда ҳамкорлик қилаётган ҳар бир давлатнинг ривожланган иқтисодиёт тармоқлари ва унинг жаҳондаги рақобатбардошлик даражасидан келиб чиқиб ёндашилди, яъни ушбу давлатларнинг энг ривожланган ҳамда жаҳонда эътироф этилувчи тармоқларига аҳамият қаратилди. Жумладан, Индонезия билан кейинги йилларда туризм хизмати ва нефт-газ саноати йўналишидаги инвестициявий ҳамкорлик қўлами кенгая бошлади. Ушбу давлатнинг “PT Trans Asia Resources” компанияси Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини модернизация қилиш бўйича ўз розилигини билдирган ва бу бўйича келишувга эришди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорига мувофиқ, нефтни қайта ишлаш заводида “PT Trans Asia Resources” компанияси эгаллик қилиш, уни модернизация қилиш ва унинг ишлаб чиқариш қувватлари тўлиқ ишлашини таъминлаган ҳолда кейинчалик фойдаланиш учун етакчи халқаро компаниялардан иборат бўлган консорциум ташкил этишни режалаштирган.

Индонезиянинг туризм соҳасидаги энг таниқли холдинглардан бири бўлган “Sahid Group” Ўзбекистонда меҳмонхона бизнесига кириб келди. Ушбу компания шунингдек, Самарқанддаги “Ипак йўли” халқаро туризм университетига туризм соҳасида ҳамкорликда мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйди. Бу ҳамкорликка мувофиқ, олийгоҳ битирувчилари ҳар икки давлатда тан олинадиган дипломга эга бўладилар.

Қолаверса, “Sahid Group” Самарқандда, Имом ал-Бухорий мажмуаси яқинида “Ҳалол” стандартлари талаблари асосида туристик хизматни кўрсатишга ихтисослашган Ўзбекистондаги илк меҳмонхона – “Sahid Imam Al-Bukhari”ни қуришилишини бошлади. “Sahid Group” инвестицияси иштирокидаги бир лойиҳа бўлган Бухородаги “Sahid Zarafshon” меҳмонхона мажмуаси фойдаланишга топширилди. Албатта бу ишлар пировардида Ўзбекистонда туризм, айниқса, зиёрат туризмини ривожлантиришга, кўп миллионли мусулмон нуфусига эга бўлган Индонезиядан келадиган зиёратчилари оқимини янада кўпайтиришга, уларга жаҳон стандартлари даражасида туризм хизматини кўрсатишга хизмат қилади.

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистонда инвестицион жозибадорликни ошириш борасида қиланаётган тадбирлар Малайзия инвестицияси қайта фаоллашувига туртки берди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Шўртан газ-кимё мажмуасида ГТЛ қурилишини қайта тиклаш ва фаолиятга тушириш ташаббусидан кейин Малайзиянинг “Петронас” корпорацияси яна Ўзбекистондаги бизнесга қайтиш истагини билдирганлигини таъкидлаш керак. Ундан ташқари, Республикада 2017 йилда 3 та, 2018 йилда 5 та Малайзия инвестицияси иштирокидаги янги лойиҳалар иш бошлаганлигини икки давлат ўртасида сармоявий алоқалар ривожланиш йўлига кирганлигидан далолат беради.

Малайзиядаги Ўзбекистон элчихонасининг саъи-ҳаракатлари билан қисқа вақт ичида Хоразм вилоятида қиймати деярли 300 млн АҚШ долларини ташкил этувчи лойиҳалар ишлаб чиқилди. Шунингдек, 2019 йил 30 январда Хоразм вилояти делегациясининг Малайзияга ташрифи давомида бўлиб ўтган бизнес-форумда қурилиш саноати, ахборот-коммуникация технологиялари, тиббиёт ва консалтинг хизматлари, экспортга йўналтирилган тиббий асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш соҳаларида ва замонавий балиқчилик кластерини ташкил этиш, маҳаллий хом ашёдан балиқ озуқаларини ишлаб чиқариш бўйича аниқ келишувларга эришилди. Албатта, буларнинг барчаси лойиҳа даражасида бўлиб, уларнинг ҳаётга тўлиқ тадбиқ этилиши икки томоннинг бирдек интилишларига ва қўллаб-қувватлашларига боғлиқ. Энг асосийси, катта оралиқдан кейин ҳамкорлик бўйича янги имкониятларни излашга киришилгани бўлди ва бу ҳолат яқин истиқболда Малайзия инвестицияси иштирокидаги лойиҳалар сони ўсишидан дарак беради.

Янгилаётган Ўзбекистонда бошланган хорижий инвестицияларнинг республикадаги фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни Сингапур бизнес доира вакиллари ҳам ижобий кутиб олди. Биргина 2017 йилда республикада ушбу шаҳар-давлат инвестицияси иштирокидаги 14 та, 2018 йилда 26 та янги корхона рўйхатга олинди. Хусусан, Ўзбекистонда “Indorama Kokand Textile” муваффақиятли лойиҳага айланиши “Indorama Industry Group”га шу ерда ўз бизнесини кенгайтиришга чорлов бўлиб хизмат қилди. Қолаверса, Ўзбекистон

Республикаси Ҳукуматининг Сингапур компаниясига ишончи ортиши Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида “Indorama Industry Group” иштирокида янги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга туртки бўлди. Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида Сингапурнинг “Индорама” компанияси инвестицияси ҳисобига “Indorama Kokand Textiles” қўшма корхонасининг мавжуд қуввати асосида 2019-2023 йилларда замонавий пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш лойиҳаси тасдиқланиб, инвестор томонидан пахта хом-ашёси, маккажўхори ёки алмашлаб экиш асосида бошқа экинларни етиштириш учун 225,0 млн АҚШ доллари, лойиҳанинг иккинчи босқичи давомида пахта хом-ашёсини чуқур қайта ишлаш ва пахта ипини ишлаб чиқариш учун 115,0 млн АҚШ доллари миқдорида ўз маблағларини киритиши белгиланди. Бу билан Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида янги тизим бўлган 4 та вилоятда пахта кластерларини ташкил этиш сингапурлик инвесторларга ишониб топширилди. Бу ҳамкорлик Ўзбекистон учун биринчидан, замонавий ёндашувлар ва техникалар ёрдамида пахта етиштиришнинг йўлга қўйилиши натижасида ҳосилдорликнинг оширилиши, унинг тўлиқ қайта ишланиши, иккинчидан, тайёр маҳсулот шаклида экспорт қилиниши ва, учинчидан, бу орқали янги иш ўринлари яратилиши нуқтаи назаридан самарали ҳисобланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг Индонезия, Малайзия ва Сингапур билан инвестициявий алоқалари Ўзбекистонда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида кичик ва катта, шунингдек, стратегик аҳамиятдаги лойиҳаларни амалга ошириш имконини берди. Ўзбекистонда халқ хўжалигининг турли тармоқларига киритилган Индонезия, Малайзия ва Сингапур инвестициялари муайян даражада шу тармоқларни замонавий асосда қайта ташкил этилишига, унинг ривожланиши ва энг асосийси, кўплаб маҳаллий аҳоли вакиллариининг доимий иш билан банд бўлиши кўмаклашиб, мамлакатнинг экспорт салоҳиятида оширишга ўз таъсирини кўрсатди.

МУҲДАРИЖА

Сўз боши.....	3
Ҳайитов Ш.А. Тарихчи ва этнограф олим, ғайратчан ва шиддаткор инсон (Тарих фанлари номзоди, доцент А.Ш. Жумаев қутлуғ 70 ёшда)	5
Қурбонова Манзила Боқиевна. Ҳозирги босқичда археология, этнография, манбашунослик ва тарихшуносликнинг долзарб масалалари. Этнографик тадқиқотларнинг дунё цивилизацияларини ўрганишдаги аҳамияти.....	15
Абдукаримов Ж.А., Маннонова М.З. “Мунтахаб Ат-Таворих” географик адабиётининг саргузашт-саёҳат жанрига оид нодир манба	18
Haydarov Yu. Buxoro tarixi va madaniy merosining jahon sivilizatsiyasi rivojidadagi oʻrnini yoritish	23
Давлатова С.Т. Замонавий этнологияда ҳунармандчилик мавзусини ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан ўрганишнинг назарий жиҳатларига доир	27
Раҳмонов К.Ж. Бухоро халқ совет республикасида саноат. (“БУХОРО Ахбори” ва “ОЗОД БУХОРО” газеталари материаллари асосида)	31
Масалиева О.М. XX аср бошларида Бухоро амирлигида яратилган тазкиралар муҳим манба сифатида	35
Хотамов Ш.Н. Тарих ёшлар маънавияти ва маърифатининг асосидир.....	38
Абдуллаев Д. Жаҳон цивилизациясида мукофотлар ва уларнинг аҳамияти	44
Хакназаров Х.Д. Ҳарбийлар кундалик ҳаётини ўрганиш антропологиянинг муҳим йўналиши сифатида	49
Мансуров У. Ғарб тадқиқотларида суғд тарихшунослиги масалалари	55

Файзуллаева М.Ҳ. Антропология оламида инсон ва таом	59
Орзиев М.З. Туркистон ва Бухорода Эрон матбуотининг тарқалиши (XX аср бошлари).....	63
Джураев Ҳ. Х. Араб ёзувидаги нодир қўлёзма манбаларни моддий-техник маълумотларига қараб таҳлил этишнинг долзарблиги	68
То'раева Г. В. O'rta osiyoning moddiy madaniyati va san'ati tarixini o'rgangan arxeologik ekspeditsiyalar	72
То'раев А. И. Buxoro vohasiga ko'chib kelgan turkmanlarning oila-nikoh munosabatlari.....	75
Ахматов А. Ўзбек матбуотида иккинчи жаҳон урушининг ёритилиши	78
Маҳаммадиева С. Марказий осиёнинг ўрта асрларда аҳолиси ва этник таркибининг ўрганилиши.....	81
Tilavova Sh.S. Amir Shohmurod faoliyati davrida Buxoro amirligida ijtimoiy- iqtisodiy va siyosiy hayot.....	87
Раджабов О. XIX аср Британия тарихшунослигида “Катта ўйин” масаласи ва либерал тарихшунослик	92
Sharipov U.O. Qayumov T.T. Jahon tarixi fani mavzularini o'tishda innovatsiya (Ilmiy tadqiqot yangilik)larni joriy etishning amaliy ahamiyati	97
Хомиджонова М. Некоторые суждения о возникновении науки антропологии	101
2-ШЎЪБА ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ТАРИХ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН	
Иноятлов С. Жаҳоний шуҳрат соҳиби: шоир, матбуотчи, табиб ва жаҳонгашта сайёҳ.....	109
Jaimee K. Who are the shaybanids?	114
Рашидов О.Р. Маҳмуд Аз-Замахшарий илмий меросининг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссаси	121

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Раупов С. Ўрта аср хунармандчилик цехлари фуқаролик жамияти институтларидан бири сифатида	126
Гаффоров Ш.С. Ирисқулов О.Ж. Жаҳон тарихида самарқанд қоғозининг ўрни	130
Тожибоев Б.М. Самарқанд қўрбошилари ва Аҳмад Заки Валидий Тўғон	135
Турақулов Б. Геннадий Кучеренко ва Самарқанд.....	140
Temirov F. U. Sadriddin Ayniy ijodiyotining dunyoviy ahamiyati	147
Ҳайтов Ж. Ш. Европа минтақасидан узум янги навларининг Туркистон ўлкасига кириб келиши ва иқлимлаштирилиши тарихи	152
Бобожонов Ш.У. Зиёрат туризми тарихига бир назар	155
Айматова З.Ф. X аср бошларида Бухоро амирлиги аҳолисининг ҳаж зиёрати.....	158
Аҳмадов О.Ш. XX аср бошларида Бухоро амирлигида анъанавий таълим-тарбия ва унинг ўзига хослиги.....	161
Болтаев Б.Б. Бухоро давлат университети музейи - маърифат маскани	165
Гадаев Ҳ.У. Чжэн Хэ (Муҳаммад) Бухоролик хитой адмираллари.....	170
Кучаров Ж. Амир Темур ва Темурийлар даврида Бухоронинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиёти хусусида	174
Мажидов Ж. Совет давлатининг транспорт ислохотлари ва унинг Бухоро транспорти соҳасига таъсири. (XX асрнинг 70 йиллари)	177
Нафиддинова Х.Р. Оила никоҳ муносабатларида аёлнинг ўрни: Тарих ва бугун.....	180
Саидбобоева Г. XX аср бошида Бухорода электрлаштириш тадбирлари.....	183
Elova D.D. XX asr boshlarida Turkiston qishloq xo'jaligiga yangi texnikalarining kirib kelishi	186

Эшкуватов Б.В. Марказий осие цивилизациясида христианлик динининг ўрни ва минтақага христианликнинг кириб келишига доир айрим мулоҳазалар.....	190
Ҳаётова Н.З. Бухоро туризмни ривожлантириш истиқболлари.....	196
Elimov L. Amir Temurning tarix shahnasiga kirib kelishi yevropalik tarixchilar nigohida	201
Ҳайдарова Ҳ. Носир Хисравнинг ахлоқий ғоялари	206
Халмаматов О.А. Туркистонда “Божхона низом”ларининг пайдо бўлиши.....	211
Турдиев Б. С. Жаҳон цивилизациясида маънавий янгиланишлар тўғрисидаги концепциялар эволюцияси.....	216
Zaripov S.D. Amir Temur va Temuriylar davridagi to’u, marosim va bayramlarning jamiyat hayotida tutgan o’rni.....	222
Норова М.Ф. Сайфиддин Бохарзийнинг тасаввуф тарихидаги ўрни.....	225
Примов М. Совет даврида картография билан боғлиқ илмий ва ўқув муассасаларининг ташкил этилиши.....	230
Жамолова М. Туркистон жадидларининг сиёсий ташкилотлари тарихи: “Иттиҳоди Тараққий” дан “Туркистон миллий бирлиги” гача	235
Маматова М.Б. История чая в Англии.(XVI-XIX в.в.).....	241
Jumayeva N.A. Quyi Zarafshon vohasi dehqonchilik an`analari	244
Xasanov M. M. Reforms in the field of archival system in the republic of Uzbekistan	246
Axatov S. A. Mustafa Cho’qay – markaziy osiyolik siyosat arbobi	253
Султонова А. Ўрта асрлар фанлар академиясининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни	256
Умаров Б.Б. Буюк олим Н.А.Кисляковнинг педагогик фаолиятига назар.....	260

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Акромов Д.Ф. Zamon tanlamas ma'rifat	263
Юсупова М.Ў. Оилавий маросимларнинг этнографик таҳлили.....	266
Зокиров Б. Ч. Туркиядаги Бухоро (Туркистон) Теккелари тарихи хусусида.....	271
Юлдошева Б.М. Атроф-муҳитга оид маълумотлар тарихчиларнинг ўрганиш объекти сифатида	274
3-ШҮЪБА. XX АСР ВА XXI АСР ДАСТЛАБКИ ЎН ЙИЛЛИКЛАРИДА МИНТАҚАВИЙ ВА ҲАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИ	
Жайнаров О.Х. Туркистонда фавқулодда адлия органларининг ташкил қилиниши ва фаолияти (инқилобий трибуналлар мисолида, 1918-1923 йиллар)	278
Alimov O. Turkiston legioni va milliy Turkiston birligi komiteti faoliyati	283
Ражабова Н.З. Туркиядаги Муҳожир Туркистонликлар матбуотида Туркистон тарихи масалалари ("TÜRKİSTAN SESİ"- "ТУРКИСТОН ОВОЗИ" журнали материаллари асосида)	288
Рахматова Д. Жаҳондаги глобал муаммо: Қашшоқлик ва очарчилик	292
Тожиев Д.Б. Сувайш канали қурилишининг XIX аср иккинчи ярмидаги халқаро муносабатларда тутган ўрни.....	295
4-ШҮЪБА. ЖАҲОНДА МИГРАЦИЯЛАР ВА ДИАСПОРАЛАР ТАРИХИ	
Usmon Xo'ja: Qo'zg'alonlar, islohotlar, inqiloblar va to'xtovsiz	300
Timur Kocaoglu (Temur Xo'ja) Kurashlar ostida o'tgan turmush (1878-1968).....	300
Ҳайитов Ш.А. Ҳозирги босқичда миграция жараёнларининг назарий-методологик таҳлили	323
Ҳашимова М.М. Марказий осиедаги миграцион жараёнлар тарихи: XX аср ўрталарида кавказ халқларининг депортация қилиниши.....	330

Жамолова Д. Бухоро ва Туркистон ёшларининг Туркиядаги жамиятлари.....	337
Пиримкулова С.Ш. Корейс миллати вакилларининг Фарғона вилоятига кўчирилиши.....	340
Ризаев Б.Н. Туркистонга аҳолини кўчириш сиёсатини қиёсий таҳлили (Араб халифалиги ва Россия империяси истилочилиги даври мисолида)	345
Ҳамроқулова Ш.Ш. Қозоғистондаги ўзбеклар “Диаспора”ми?.....	348
Азаматова Г. Б. Халқаро миграция жараёнининг ривожланиши	355
Зарипов Ж. Г. Промышленная миграция Советского Союза: Развития тенденции и этапов	359
Jumayev Sh.Sh. Koreyaning ikkiga bo`linishi va urush o`chog`iga aylanishi	364
Латилов Ж. Илк ўрта аср миграцияларининг Хитан халқи этносиёсий ривожланишига таъсири.....	368
Мирзоев Ш.М. Туркиядаги «Туркистон жамияти» нинг фаолияти хусусида.....	373
Ostonov J.D. Zamonaviy migratsiyaga doir ba'zi raqamlar(Yaqin sharq va shimoliy afrika mamlakatlari xalqlari misolida)	377
To`yev F.E. Karib inqirozi va uning kelib chiqish sabablari haqida ayrim mulohazalar.....	381
Исматуллаев Ф.О. Ўзбекистон ва жаҳон мамлакатлари: ўзаро ҳамкорликнинг ютуқ ва муаммолари. Ўзбекистоннинг европа иттифоқи давлатлари билан илмий алоқалари	384
Мирзаев Ғ.Р. Замонавий халқаро муносабатлар тизимида Ўзбекистоннинг марказий осие мамлакатлари билан ҳамкорлиги ...	387
Хўжамов М.Э. Ўзбекистонда туризм: халқаро ҳамкорликнинг муҳим йўли.....	391

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

- Эргашев Ж.Ю.** Бухоро ва Хитой алоқалари.(Сўнги ўрта асрлар мисолида) 394
- Носиров Ф.Ш.** Ўзбекистон республикасининг марказий осие мамлакатлари билан ҳамкорлигида транспорт коммуникацияларининг аҳамияти 399
- Ўтаева Ф.Х.** Археологик тадқиқотлардаги инновацион ҳамкорлик . 405
- Шодиева Ш.С.** Бухоро элчиси Болтақулбек Чигатойбегининг Усманийлар империясига ташрифи хусусида..... 407
- Йўлдошев А.Б.** Марказий осие давлатларидаги миллий этник ўзига хослик ва интеграцион жараёнларнинг муаммолари..... 411
- Усаров С.** Ҳозирги босқичда Ўзбекистоннинг осие–тинч океани минтақаси давлатлари билан инвестициявий ҳамкорлиги..... 416

Қайдлар учун

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*мавзусидаги Республика миқёсидаги онлайн
илмий-амалий анжуман*

МАТЕРИАЛАРИ

Мусахҳиҳ: М.Рахимов

Саҳифаловчи: М.Арслонов



«Шарқ – Бухоро» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Бухоро шаҳар Ўзбекистон Мустақиллиги кўчаси, 70/2 уй.
Тел: 0(365) 222-46-46
